ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

МАМАТҚУЛОВ Х.М., БЕРДИМУРОДОВ А.Ш., БОЙНАЗАРОВ У.Э.

ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ГЕОГРАФИЯСИ

Ўқув –услубий қўлланма

САМАРҚАНД - 2017

Маматқулов Х.М., Бердимуродов А.Ш., Бойназаров У.Э. Халқаро туризм географияси. Ўқув-услубий қўлланма, Самарқанд, 2017 й. ____ бет.

Тақризчилар:

Усмонов М.Р.	СамДУ «Иқтисодий ва ижтимоий география» кафедраси доценти, г.ф.н.
Ибадуллаев Н.Э.	СамИСИ «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.

Ушбу қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилиниб, чоп этишга тавсия этилди.
Баённома №___ ____ _____ 2017 йил

© Маматқулов Х.М., Бердимуродов А.Ш., Бойназаров У.Э.

КИРИШ

Туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. У ўзининг кўп қиррали таркиби ва ривожланиши билан жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол таъсир кўрсатиб келмоқда. Жумладан, транспорт тармоқлари, алоқа ва ахборот воситалари, йўл қурилиши, коммуникация тармоқлари, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, коммунал хўжалик, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси, сервис ҳамда савдо тармоқлари ва ҳоказолар билан чамбарчас ҳолда боғланган.

Туризм соҳасини ривожлантириш бир вақтнинг ўзида ўзига хос дам олиш, ҳордиқ чиқариш, кўнгилочар масканлар индустриясини ташкил этиб, ўз ўрнида халқаро стандартларга мос келадиган юқори ва сифатли даражада сервис хизматини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бир қатор соҳаларни қамраб олгандир.

Ҳозирги кунда туризм соҳаси жаҳон тўловлар ва хизматлар экспорти таркибида алоҳида аҳамиятга эга. Туризм соҳаси бутун жаҳон экспортининг 8%га яқинини ташкил этиб, жаҳон хизматлар савдосининг 30%, жаҳон ялпи маҳсулотининг 11%, жаҳон капитал қўйилмаларининг 9%, жаҳон истеъмол ҳаражатларининг 11%, бутун дунё солиқ тушумларининг 5%и туризмга тўғри келади.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, халқаро туризм соҳаси аҳоли бандлигининг муҳим генераторига айланиб бормоқда ва жаҳон инфратузилмаси тармоқларига жуда катта миқдорда сармояларни жалб этмоқда. Бу эса маҳаллий аҳолини ҳам, ташриф буюрувчи туристларнинг ҳам турмуш фаровонлигини яхшилашга ёрдам беради. Туризм соҳасида жуда кўпгина иш ўринлари туристик корхоналар ривожланаётган ҳудудларда пайдо бўлади. Бу эса иқтисодий имкониятларни мувозанатлаштириш, қишлоқ аҳолисини барча қулайликка эга шаҳарларга қараб оқишининг олдини олишга ёрдам беради.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра, дунё мамлакатлари бўйича туристларнинг ташриф буюриши 2016 йилда 1 млрд. 235 миллион кишини ташкил қилган. Шундан Европа минтақасига 616,2 млн. киши, Осиё ва Тинч океани минтақасига 308,4 млн. киши, Америка минтақасига 199,3 млн. киши, Африка минтақасига 57,8 млн. киши ва Яқин Шарқ минтақасига 53,6 млн. нафар туристлар келишган. Хорижий туристларнинг келишидан олинган даромадлар миқдори жами 1 трлн. 220 млрд. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда у Европа минтақасида 447,3 млрд. доллар, Осиё ва Тинч океани минтақасида 366,7 млрд. доллар, Америка минтақасида 313,2 млрд. доллар, Африка минтақасида 34,8 млрд. доллар ва Яқин Шарқ минтақасида 57,6 млрд. доллар олинган.

Халқаро туризм соҳаси ҳар бир давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий соҳаларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, халқларнинг бир-бирини англаши шахсий алоқаларини ўрнатишга яқиндан ёрдам беради. У жуда катта маданий ва маънавий мазмунга эга бўлиб, халқаро миқёсда иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда, халқлар ва элатлар ўртасида маҳаллий ва ҳудудий можароларнинг келиб чиқишини бартараф қилишда, барқарор тинчликни ўрнатишда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма таркибида “Халқаро туризм” фани дастурида кўзда тутилган энг муҳим ва зарурий мавзулар ҳамда бўлимлар ёритилган. Мазкур ўқув-услубий қўлланма олий таълимнинг 5610300 – “Туризм (халқаро ва ички туризм)” ва 5610200 – “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” бакалавриат таълим йўналишида ўқиётган талабаларга ва магистрларга мўлжалланган. Ўқув-услубий қўлланмадан талабалар ўқув жараёнида курс иши, битирув малакавий ишларини бажаришда, мустақил таълим олишда ва кўникмалар ҳосил қилишда фойдаланишлари мумкин.

БИРИНЧИ ҚИСМ.

ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

I БОБ. ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

1.1. Географик омиллар
1.2. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва демографик омиллар
1.3. Сайёҳлар хавфсизлиги
1.4. Туристик инфратузилмалар
1.5. Илмий –техника тараққиёти (янги технологиялар)

1.1. Географик омиллар

Табиий географик омиллар. Кишилар табиат қўйнига чиқиб, жуда кўп манзарали жойларни кўриш ва улардан баҳраманд бўлишга интилади. Сайёҳлик, дам олиш учун табиий шароитнинг хилма-хиллиги даражаси ва хусусияти муҳим аҳамиятга эга. Яъни маълум бир ҳудуднинг ер усти кўриниш манзараси (ландшафти), иқлими, ўсимлик ва ҳайвонат дунёси хилма-хиллиги кишиларнинг дам олиши, ўз саломатлигини тиклаши учун асосий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу сабабли сайёҳлик фирмалари экзотик, бетакрор табиий объектларни кўпроқ реклама қилишадилар. Айниқса Осиё, Африка, Марказий ва Жанубий Америка, Австралия ва Океания каби мамлакатлар ўзининг диққатга сазавор табиий экзотикалари билан Европа ва Шимолий Амрикалик сайёҳларни ўзига жалб қилади. Колумбияда «Колумбия қушлари» номи билан аталадиган ноёб сайёҳлик тури, «Пан-Американ» авиакомпаниясининг 24 кунлик Австралия ва Янги Зеландияга қиммат баҳо тошлар ва минералларни топиш учун саёҳат уюштириши мисол бўлади.

Халқаро туризмни ривожлантиришда мамлакат ва ҳудуднинг **географик ўрни** яъни унинг денгиз ва океанга яқинлиги, қирғоқ чизиқларининг хусусияти, турли хил сув, автомобил ва темир йўллар билан кесишиш жойи, тоғли ва ўрмон манзарали жойларга яқинлиги, улар билан таъминланганлик даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Жумладан, халқаро туризмни ривожланишда Европа мамлакатлари, Вест Индия, Сингапур каби минтақалар ва ҳудудлар географик жойланиш хусусияти билан алоҳида ажралиб туради.

Кўп минглаб туристларнинг келиб кетишида туристик ўлканинг **ер усти тузилиши релефи** катта рол ўйнайди. Тоғли, хуш манзарали, мураккаб релеф тузилишига эга бўлган ўлкалар туристлар оқимини ўзига кўпроқ жалб қилишади. Мураккаб тоғ релфи ландшафти эстетик жиҳатдан текислик, ясси ҳудудларга нисбатан туристларни кўпроқ жалб этиш имкониятига эга. Тоғли ўлкалар ўзининг тоза ва соф ҳавоси билан ажралиб, тоғ спортини ривожлантириш имконини туғдиради. Европанинг Алп, Осиёнинг Химолой, Африканинг Атлас, Американинг Кордилера ва Австралиянинг Катта сув айирғич тоғлари, Янги Зелландиянинг Жанубий Алп тоғлари халқаро туризм соҳасида йирик марказларга айланиши бежиз эмас.

Халқаро туризмнинг ривожланиш жараёнлари кўп холларда мамлакатлар ва ҳудудларнинг **табиий иқлим** шароитига боғлиқ бўлади. Бу ўринда табиий иқлим шароити етакчи ўринни эгаллайди. Табиий иқлим шароити туризм ҳаракатини мавсумий ҳарактерга айлантирувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Табиатда об-ҳавонинг ўзгариши, табиий офатларнинг тез-тез такрорланиш ҳодисалари, табиат инжиқликлари туристлар оқимининг кескин камайишига сабабчи бўлади. Шу сабабли туризмнинг энг ривожланган минтақалари ер шарининг мутадил иқлим зоналарига тўғри келади. Жумладан, Ўртаер денгизи, қора денгиз, Кариб денгизи, Адриатика денгизи, Болтиқ денгизи, Япон денгизи, Жанубий Хитой денгизи қирғоқларида жойлашган мамлакатларда туризм халқаро аҳамиятга эга.

Дунё океани ва денгиз қирғоқлари халқаро туризм соҳасининг ривожланишига катта таъсир кўрсатувчи омиллар бўлиб хизмат қилади. Улар иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга сайёҳлик, сайр-томошаларни уюштиришда, алоҳида ўринни эгаллайди. Айниқса, Франция ва Италиянинг денгиз қирғоқлари, Руминия ва Болгария шарқий соҳиллари, АҚШда Колифорния ва Флорида денгиз бўйлари, Багам ва Бермуд ороллари пляжлари билан сўзсиз халқаро туризм ва куротлар масканига айланган.

Океан ва денгиз сувларининг чўмилиши учун қулай бўлган қирғоқлари таркибига қуйидаги элементлар киради. Микроиқлим, денгиз ва океан сувларининг қуруқликка туташ бўлган жойларида сувнинг ҳарорати, чуқурлиги, сув тўлқинлари, кўтарилиши, қайтиши, оқимлар, сувнинг шифобахшлиги, тозалиги, тиниқлиги, денгиз суви тагининг релефи, сувдаги йиртқич қонхўр балиқлар (акула) ва ҳайвонларнинг бор-йўқлиги ҳ.к., қирғоқ чизиқларининг тузилиши, пляжлардаги қумлар ва ётқизиқларнинг сифати, ранги, шакллари ва қолаверса бир қатор омиллар таъсир этади.

Дарё ва кўллар ҳам туризм ресурси ёки бойлиги бўлиб хизмат қилади. Улар ер усти ландшафтларини ясатади, микроиқлим шаротини ҳосил қилади, туристлар учун балиқ овлаш, сув спорти билан шуғулланиш, туристик марказлар, курорт масканларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун хизмат қилади. Ҳозирги кунда Австрия, Швецария, Буюкбритания, Венгрия, Полша каби мамлакатлардаги дарё ва кўл сув ҳавзалари туризмнинг энг ривож топган турлари бўлиб ҳисобланади. Аммо, кейинги йилларда Ғарбий Европадаги Рейн дарёси суви ҳаддан ташқари экологик жиҳатдан ифлосланиб кетиш натижасида, у туризм ва дам олишда олдинги ўз ўрни ва мавқеини йўқотмоқда.

Халқаро туризмни ривожлантиришда **ўрмон бойликларининг** роли ҳам анчагина. У туристларнинг дам олишида, ҳиссиётини (емоциясини) мувозанатлантиришда, лирик шарт-шароитларни вужудга келтиришда, «ташқи дунё»дан ажралган ҳолда, қисқа вақтларда яшашида муҳим рол ўйнайди. ўрмонлар тоза ҳавони ишлаб чиқарувчи асосий манъба, саломатликни қайта тикловчи маскан, курорт ҳудудларида шовқинни қайтарувчи асосий воситалардан ҳисобланади.

Хорижий сайёҳларни ўзига кўпроқ жалб қилувчи омиллардан бири - бу **экзотик (ғалати, ажойиб) ҳайвонлар** яшайдиган жойлар қўриқхоналар, давлат буюртмалари, миллий боғлар, ов қилиш учун ажратилган махсус ҳудудлардир. Бундай ҳайвонат ва ўсимлик дунёсининг марказлари юздан ортиқ бўлиб, Африка, Осиё, Европа, Австралия, Америка (АҚШ, Канада) нинг сайёҳат қилиш минтақалари ва ҳудудлари ҳисобланади.

Кўпгина хорижий туристларни ўзига жалб қиладиган омиллардан бири, бу **шифобахш минерал сувлар** бўлиб ҳисобланади. Унинг асосий масканларига Россия, Грузия, Венгрия, Словакия, Чехия, Украина каби бир қатор мамлакатлар мисол бўлади.

Хорижий туристларнинг тоғ шароитидаги спорт турлари алпинизм (Алп, Кордилера, Ҳимолай тоғлари ҳ.к.), чанғи спорти (Скандинавия, Алп, Татра тоғлари) сув устида чанғида сузиш, сув остида сузишлар турлари борган сари ривожланиб бормоқда. Германия, Франция, Италия, Белгия, Швесия, Буюкбритания, Греция ҳамда АҚШ мамлакатларида хорижий сайёҳлар спорт овлари, балиқ овлашларда кенг кўламда иштирок этмоқдалар.

Иқтисодий географик омиллар. Иқтисодий географик омилларга туризмнинг моддий техника базаси, яъни меҳмонхоналар фонди, умумий овқатланиш корхоналари (ресторан тармоқлари), спорт иншоотлари, томоша ва сайр қилиш, дам олиш, бир қатор сервис хизмати кўрсатиш объектлари ички ва ташқи коммуникация тармоқлари автомобил, темирйўл, ҳаво йўллари, денгиз ва дарё транспорти, алоқа воситалари, Интернет тармоғи киради. Халқаро туризмнинг жадал ривожланишига янги темир йўллар, автомобил трассалари, денгиз, дарё, ҳаво транспортлари, замонавий туристик автобуслар, енгил автомобиллар, шу жумладан ётиб ухлайдиган комфортабелли автомобил тиркагичлар, мотоцикллар, мотороллерлар, янги денгиз, дарё пассажир кемалари,

теплоходлар, тез учар реактив ҳаво лайнерлари ҳ.к. буларнинг ҳаммаси халқаро туризмни ривожлантиришга катта имкониятлар туғдиради.

Маълум бир минтақада, ҳудудда халқаро туризмнинг ривожига таъсир этувчи иқтисодий-географик омилларга қўйидагилар киради:

- турстларни қабул қилувчи мамлакатлар, минтақалар, ҳудудларнинг иқтисодий-географик жойланиши;
- туристларни қабул қилувчи ва туристлар юборувчи мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси;
- ички туризм соҳасининг ривожланиш ҳолати;
- хорижий туристларни қабул қилувчи мамлакатларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси, малакали кадрларнинг сони, уларнинг тайёргарлик даражаси ҳ.к.
- маълум бир ҳудудда рекрацион ресурсларнинг қиймати, транспорт хизматлари тури, озиқ-овқат маҳсулотларнинг нархи, меҳмонхоналарда жойлашиш нархлари, туристик объектлар қурилиш майдонларининг баҳоси;
- траспорт, алоқа воситаларининг ҳудудда тутган ўрин ва ҳолати билан ҳарактерланади.

1.2. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва демографик омиллар

Иқтисодий омиллар. Туризм ривожланишига макроиқтисодий омиллар билан бир қаторда микроиқтисодий омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади. Макроиқтисодий барқарорсизлик, ишсизлик даражасини ўсиши, пулнинг қадрсизланиши кабилар жамиятни қўзғатади ва безовта қилади. Айрим ҳолларда эса кишилар иши ўз уйида қолиб, ҳеч қаёққа сайёҳатга бормасдан ўтиришга тўғри келади. Қачонки, бирор мамлакатнинг иқтисодиёти юксалишда бўлса, қайси ким ишлаб чиқариш имкониятлари, яъни валюталар миқдорининг ортиб бориши билан белгиланади. Қайси бир мамлакатда туризмдан келадиган фойда ЯИМда салмоғи анчагина бўлган тақдирда инвестициялар яъни меҳмонхоналар қуришга ва инфратузилмасини ривожлантиришга сарф этилади. Шу билан бирга миллий даромадини ўсиши, айниқса аҳоли шахсий эҳтиёжи қобилиятини қондиришга қаратилган ҳаражатларнинг ўсиши даражаси, уларнинг сайёҳликка бўлган қизиқишини уйғотади. Кишиларнинг дам олишида туристик маҳсулотлар ва туристик товарлар баҳоси энг муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Айниқса, туризмни молиялаштиришда валюта курси муҳим рол ўйнайди. Валюта алмаштиришнинг соддалиги, унинг осонлиги кабилар. 2002 йил 1 январдан бошлаб Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатлари ўртасида евронинг муомалага киритилиши. Ушбу ҳудуддаги сайёҳлар учун ягона валютага ўтилиши жуда катта имкониятлар тўғдиради.

Халқаро туризмнинг ривожланишига одатда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кишиларнинг турмуш даражаси бир мунча юқори бўлганлиги сабабли, туризм ҳаракати оммавий тусга эгадир. Яъни бунинг асосий сабаби ишчиларнинг ойлик иш ҳақи миқдори, уларнинг татил пайтида оладиган татил пулининг кўплиги, нафақахўрларнинг нафақа пулининг юқори бўлиши билан ҳарактерланади.

Табиийки, халқаро туризмнинг ривожланиши даражасига мамлакатдаги иқтисодий вазиятлар (иқтисодий инқирозлар, валюта инфляцияси, ишсизлик даражасининг ўсиши ва пасайиш ҳолати кабилар) ижобий ва салбий таъсир кўрсатадилар.

Савдо алоқалари. Ҳорижий мамлакатларда сайёҳатга борадиган туристлар, одатда, ўша ерда нималарни ҳарид қилиши қизиқтиради. Бу ноёб, маҳаллий ҳунармандчлик маҳсулотларини, сувенерларни, қариндош уруғлари, оила аъзолари учун ҳарид қилишидир. Бундай сувенерлар, совғалар одатда сайёҳлар гавжум жойларда магазинларда, дўкончаларда сотилади.

Туризм ривожланган бир қатор мамлакаттларда хорижий давлатлардан келадиган сайёҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда саноат экспортини

ривожлантиради. Ҳозирги кунда Бирлашган Араб Амирлиги (БАА), Греция, Италия, Сингапур, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатлар хорижий туристларга узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар (кийим-кечаклар, рўзғор буюмлари, электорника, радио, телефон, телевизор, видеотехника асбоблар)ини сотишга киришганлар.

Сиёсий омиллар. Сиёсий омилларга келганда туристларни қабул қилиб олувчи ва туристларни жўнатувчи мамлакатларда муҳим туристик маршрутлар йўналишидаги ҳудудларда, минтақаларда сиёсий вазиятнинг ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.

Маълумки, мамлакатдаги ички вазиятнинг қай даражада турғунлиги кўп ҳолларда халқаро туризм оқимининг йўналишини белгилайди. Табиийки, давлатлараро туристларни алмаштиришда, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро келишувчилик муносабатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Одатдаги дипломатик алоқалар, туризм соҳасидаги келишувлар, шартномалар, коммуникациялар ва транспорт воситаларидан ҳамкорликда фойдаланиш, туристик рекламаларни бир-бирлари билан алмаштириш-буларнинг ҳаммаси туризмнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий - демографик омиллар. Дунё мамлакатларида демографик жараёнлар (аҳолининг туғилиши, ўлими, табиий кўпайиши, аҳоли миграцияси кабилар) ҳам халқаро туризм соҳасининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Ер шарининг турли давлатларида, ҳудудларида ва минтақаларида аҳоли сонининг кўпайиб бориши, айниқса шаҳар аҳолиси агломерация доирасининг борган сари кенгайиб бориши кишиларнинг дам олиши ва сайёҳликка чиқишни тақазо қилади. Шу борада туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи демографик омилларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- дунё халқларидаги бир-бирига ўхшашлик бўлиш умумий томонлари, уларнинг қизиқишлари ҳ.к;
- айрим малакавий соҳалардаги кишиларнинг махсус сайёҳлик гуруҳда фаол иштирок этишнинг кучайиб бориши;
- туризм таркибидаги хотин-қизлар ва ёшлар салмоғининг ортиб бориши;
- халқаро аҳамиятга эга бўлган курорт ва санаториялар тармоғининг кўпайиб бориши, уларда даволанишга моил бўлган касаллар сонининг ортиб бориши;
- кишиларнинг атроф муҳитга бўлган қарашлари, тушунчалари ва муносабатларнинг ўзгариб бориши ҳ.к. жуда катта рол ўйнайди.

Халқаро туризмнинг ривожланишида маданий-тарихий обидалар**,** этник шарт-шароитлар билан қушилиб кетади. Архитектура объектлари, музейлар, расмлар галереяси, маҳаллий мусаввирлар ишлари, тарихий ёдгорлик обидалари ҳам хорижий туристларни ўзига жалб қиладилар. Тарихий ёдгорликлар ва бошқа халқлар маданиятига қизиқиш халқаро туризмнинг энг муҳим стимулларидан биридир.

Халқаро туризмнинг ривожланишида этник шарт-шароитлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Дунё аҳолиси ирқи, миллати, тили, дини, турмуш тарзи, маданиятининг хилма-хиллиги билан кўпгина туристларда қизиқиш ўйғотди.

1.3. Сайёҳлар хавфсизлиги

Саёҳат хавфсизлиги. Туризмнинг ривожи билан сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш борган сари муҳим ва зарурат масала бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда туризм соҳасида сайёҳларни жўнатувчи ва қабул қилиб олувчи ҳар бир мамлакат учун сайёҳларнинг дам олиш пайтларида, транспорт ҳаракати йўналишларида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора тадбирлари ҳар бир мамлакат учун оддий, одатдаги ҳаётий ҳолда бўлмоғи зарур.

Халқаро келишилмовчиликлар ёки ҳарбий хатти ҳаракатлар, халқаро жиноятчилик, терроризм воқеа ва ҳодисалари халқаро туризм оқимига нафақат тўсқинлик қилади, балки унинг ривожига жуда катта зарба беради. Бу тўғрида халқаро туризмнинг асосий генератори (бошловчиси) бўлган ҳар бир мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлиги

ўзларининг фуқаролари сайёҳатга борадиган мамлакатлардаги нохуш воқеа ва ҳодисалар тўғрисида хабардор қилиб бориши лозим. Сайёҳларни сайёҳатга борадиган мамлакталардаги нохуш воқеа ва ҳодисалар тўғрисида хабардор қилиб бориши лозим. Сайёҳлар сайёҳатга борадиган мамлакатдаги меҳмонхоналар, овқатланиш корхоналарининг санитария - гигиеник ҳолати, шу жумладан ичимлик суви тўғрисида объектив маълумотларини, юқумлик инфексион касалликлар келиб чиқиши хавф-хатари тўғрисидаги зурурий маълумотлар билан олдиндан хабардор бўлиши керак.

Туризм ривожланишининг бутун тарихий тараққиётида сайёҳатчилар хавфсизлиги муҳим масалалардан бири бўлиб келган. БТТ маълумотларига кўра халқаро туризмда, иштирок этган сайёҳларнинг 2/3 қисми криминал ҳолатлар туризм ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан деб ҳисоблаганлар. Маҳаллий аҳоли ўртасида одам ўлдириш, зўровонлик, босқинчлик, воқеа ва ҳодисалар одатда оддий бир кундалик ҳолат деб қараладиган бўлса, мабода мана шундай ҳодисалар хорижий туристлар ўртасида учрайдиган бўлса, у ҳолда нохуш хабарлар матбуот саҳифаларида тезкорлик билан тарқатилади.

1.4. Туристик инфратузилмалар

Туристик инфратузилмалар ўз таркибига транспорт тармоқлари, меҳмонхоналар, овқатланиш корхоналари, алоқа йўллари йиғиндиси (йўллар, шох йўллар, аэропортлар, кемалар тўхтайдиган жойлар ҳ.к.), коммуникациялар (сув қувурлари, электр тармоқлари, марказий иситиш корхоналари, оқова сув тармоқлари, ахлат тўпловчи корхоналар, телефон, алоқа, (почта бўлимлари), ҳуқуқни ҳимоя қилиш, жамоат – тартибини сақловчи идоралар, тиббиёт ташкилотлари, маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, дўконлар, спорт иншоатларини бирлаштиради ва туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар билан чамбарчас ҳолда боғлангандир.

Туристик инфратузилмалар туристик зарурий шарт-шароитларини, сайёҳларнинг хавфсизлиги, соғлик-саломатлигини таъминлашга қаратилган. Маълумки, сайёҳ учун қайси бир жойда тинчлик осойишталик, маиший қулайлик яратилган бўлса, у ўша жойга боришга интилади. Турист автомобилдами, поезддами, меҳмонхонадами қисқаси қаерда бўлмасин у ўзини хавф – хатарсиз ҳолда сезиши, унга зарурат биринчи ёрдам кўрсатилиши зарур. Мобода зарурат туғилса, у ер куррасининг ҳар қандай жойи билан боғланиш имкониятига эга бўлиши, юқори даражада тиббиёт маслаҳатлари, зарурий сервис хизмати олиш имконига эга бўлади. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва туристлар хавфсизлигини таъминловчи ташкилотлар сайёҳларни ҳар қандай хавф-хатарлардан ҳимоя этиши лозим. Кўпгина мамлакатларда сайёҳларни қуриқловчи махсус полициялар ташкил қилинган. Халқаро туризмда яна муҳим нарса шундан иборатки, туристларни жойлаштириш жойларида (меҳмонхоналар, турбазалар, санаториялар, конгресс марказлари ҳ.к.) халқаро андозаларга мос келган ҳолда сайёҳлар учун ўзининг жисмоний формасини сақлаб туриш учун спорт майдончалари, сузиш бассейнлари, тренажерлар, югуриш йўлакчалари бўлиши талаб этилади. Ундан ташқари хорижий сайёҳлар талаб ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда ахборот марказларининг бўлиши, унда хорижий сайёҳларга ўз она тилида турли хил хизмат турларидан фойдаланишни талаб этади.

1.5. Илмий –техника тараққиёти (янги технологиялар)

Фан-техника ютуқлари туризм индустрияси ва меҳмондўстликда, йўловчилар ташишда, ахборотлар алмашиш соҳаларида кенг кўламда фойдаланилмоқда. Ҳаво траснпортида янги замонавий тез юрар, йирик пассажирлар ташишга мўлжалланган ҳаво кемаларнинг ишлаб чиқарилиши сабабли сайёҳларга хизмат кўрсатиш ривожланиб бормоқда.

Темир йўл транспорти соҳасида технологик омиллар борган сари ривожланиб, ўз аксини поездлар қатнови тезлигини оширилиши билан ифодаланади. Ҳозирги кунда

Япония ва Франция каби мамлакатларда тез юрар пасажжир поездлар тезлигини соатига 485 км.га етказишга эришилди. Темир йўл транспортининг авиация транспортидан афзаллиги шундан иборатки, темир йўл вокзаллари шаҳар марказида жойлашган бўлиб, сайёҳлар учун қулай имкониятлар туғдиради.

Телекоммуникация технологиялари ва электроника саноатининг ривожланиши компютер тизимида меҳмонхона ўринларини, транспортда чипталарни банд қилишга имкон яратди. Янги технологиларнинг пайдо бўлиши туристик маҳсулотларни ташкил этишда ва уларни сотишда сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Халқаро туризмнинг келажакда ривожланиши биринчи ўринда туристик маҳсулотларнинг такомиллашуви, профессионал турагентлик тармоқларининг ривожланишини, тур операторлар маҳсулотлари соҳаси, маркетинг хизматларининг фойдаланиш даражаси ва инсон омиллари билан боғлиқлиги бўлиб ҳисобланади.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Халқаро туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар деганда нимани тушунасиз?
2. Халқаро туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи географик омиллар нима?
3. Иқтисодий омилларни таърифлаб беринг.
4. Сиёсий омиллар ҳақида нималарни биласиз?
5. Ижтимоий ва демографик омилларнинг халқаро туризмнинг ривожланишига таъсир этиш даражаси қандай деб ҳисоблайсиз.
6. Сайёҳлар хавфсизлигининг халқаро туризмнинг ривожланишига таъсир этиш даражаси қандай?
7. Сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида гапириб беринг.
8. Транспорт тармоқлари ва коммуникациялар халқаро туризм ривожланишида қандай аҳамият касб этади?
9. Туристик инфратузилмаларга таъриф беринг ва аҳамиятини ифодаланг.
10. Илмий техника тараққиёти (янги технологиялар)нинг халқаро туризм ривожланишига таъсирини ифодаланг.

II БОБ. ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИНГ МИНТАҚАЛАРАРО РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Халқаро туризмнинг ривожланиш динамикаси
2.2. Халқаро туризмнинг минтақалараро ривожланиши

2.1. Халқаро туризмнинг ривожланиш динамикаси

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин Европанинг айрим мамлакатларида, АҚШ ва Канадада халқаро туризм энди ривожлана бошлади. 1951 йилга келиб бутун дунё бўйича қайд этилган туристларнинг умумий сони урушгача бўлган даражага етди ва 25 млн. дан ортиқ кишини ташкил қилди. Урушдан кейинги йилларда туризм соҳаси жамиятнинг барча табақадаги аъзолари учун хизмат шакли бўлиб ҳисобланади. Кучли дам олишнинг ривожланиш инфраструктураси шаклланади. Бу давр туристик фирмаларнинг актив фаоллашуви оммавий қурилиш меҳмонхоналари, мотеллар, дам олиш уйлари ва кўнгил очар жойлари билан ифодаланади. Халқаро миқёсда айрибошлаш кенг кўламда ривожлана бошлади. Туризм якка тартибдан, уюшган оммавий ҳолатга айлана бошлади. 1947 йил Парижда Халқаро туристик ташкилотларнинг расмий Иттифоқи (МСОТО) тасдиқланди. Унинг ҳақиқий аъзолари бўлиб давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳисобланади. Иттифоқ таркибига 116 давлат кирган.

XX аср ўрталари халқаро туризмнинг энг юқори даражада юксалиши билан характерланади. 1960 йилда четга чиқувчи туристлар сони 71 млн. кишига етди. 1971 йилга келиб, у 168 млн. кишини ташкил қилди. Халқаро туризм жадаллик билан ривожланишига биринчи ўринда дунёда сиёсий вазиятнинг ўзгариши «совуқ уруш» сиёсатининг сусайиши ва ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиши билан белгиланади. Туристларнинг ижтимоий келиб чиқиш таркиби анчагина ўзгарди. Ғарб мамлакатларидаги меҳнаткаш омманинг иқтисодий, турмуш тарзининг ижобий ҳолга ўзгариши, иш ҳақининг ўсиши, таътил кунларининг кўпайиши кабилар катта таъсир кўрсатди. Халқаро туризм ривожланишига фан-техника тараққиётнинг ўсиши, айниқса ҳаво транспортида реактив пассажир самолётларнинг яратилиши катта имкониятларни туғдирди.

Халқаро туризм ролининг кўтарилишида БМТ тезкорлик билан ривожланиб бораётгани халқаро ҳамкорликнинг ушбу соҳасига жуда катта эътибор берди. 1963 й. Римда (Италия) БМТ туризм ва саёҳатлар бўйича I конференция ўтказилди. Конференцияда «**Вақтинчалик келувчи**», «**Турист**», «**Экскурсант**» каби туризмда махсус тушунчаларга аниқлик киритиш конференцияда статистик ҳисоботларни бир хил қилиш ва уларни таҳлил қилиш, туризм ривожланиши истиқболини белгилаш, чегараларда туристларни чиқариш ва киритишнинг расмиятчилик тартиб қоидаларини соддалаштириш кўриб чиқилди. Халқаро туризм масаласи БМТ – савдо ва тараққиёт конференциянинг фаолияти БМТ минтақавий иқтисодий комиссияси доирасида, асосан Европа иқтисодий комиссиясига киритилган.

1969 йил БМТ бош Ассамблияси резалюциясига мувофиқ нодавлат халқаро туристик ташкилотларнинг махсус иттифоқи (МСОТО) қайтадан ташкил этилиб, Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ)га айлантирилди. БТТ 1975 йил 2 январда ўз уставини қабул қилди. Унинг таркибига 51 давлат аъзо бўлиб киритилган. БТТ ташкилотининг асосий мақсади - туризм соҳасида давлатларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйилганини таъмин этиш, туризм соҳасида ривожланишни рағбатлантириш, тинчлик, тараққиёт ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жадал иқтисодиёт юксалишига ўз ҳиссасини қўшишдан иборатдир.

1980 йиллардан бошлаб халқаро туризм халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим доимий, барқарор ривожланиб бораётган соҳасига айлана бошлади. Туристик

хизматлар кўрсатиш таркиби ўзгарди. Жаҳон туризми бозори борган сари хилма-хиллаша борди. Аҳолининг ижтимоий соҳасида туристик маҳсулотларга бўлган талаби ва эҳтиёжи орта борди. Туризмнинг оммавий уюшган ҳолдаги шакли ўсиб борди. Туристларга хизмат кўрсатиш сифати (транспорт, жойлаштириш, овқатлантириш, дам олиш, ҳордиқ чиқариш) борган сари ривожлана боради. Хилма-хил туристик маҳсулотларни таклиф этувчи махсус туристик фирмалар (ташкилотлар) сони кўпая борди.

ХХ асрнинг сўнгги ўн йилида халқаро туризм энг юқори технологиялар асосида ривожланиб бороётган жаҳон туризм индустриясига айланди. Йирик халқаро Трансмиллий компаниялар (ТМК), меҳмонхоналар занжири, замонавий овқатланиш корхоналари, кўнгил очар объектлар - булар барчаси халқаро туризмни ривожлантиришга жуда қулай шарт-шароитларни туғдиради.

1990 йиллар бошида Форс қўлтиғидаги (Ироқ-Эрон уруши), Ўрта ер денгизининг Шимолий-шарқий қисми, Шимолий Африкадаги ҳарбий можаролар халқаро туризм тараққиётига анчагина таъсир кўрсатди. Давлатлар ўртасидаги урушлар, келишмовчиликлар, муносабатларнинг кескинлашувига олиб келди. Бу борада хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи компаниялар, қисман авиакомпаниялар жуда катта моддий зарар кўра бошладилар. Уларнинг айримлари эса банкрот даражасига тушиб қолдилар.

Умуман олганда, ХХ асрнинг 90 - йилларида халқаро туризм бироз сусайиб, унинг ўсиш суръати ўртача 4 фоиз атрофида кузатилади. Халқаро туризмнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири-бу халқаро терроризм ва экстеремизм бўлиб қолмоқда. 2001 йил 11 сентябрда террористик ҳаракатлар биргина АҚШ туризмга эмас, балки бутун жаҳон туризм ривожланишига берилган қаттиқ зарба бўлди. Террористик ҳаракатлар оқибати натижасида биргина АҚШга келиб-кетувчи туристлар сони 12,6% қисқарди. Туристларга хизмат кўрсатувчи жуда кўпгина туристик компаниялар, фирмалар, меҳмонхоналар, авиакомпаниялар банкротлик даражасига тушиб қолдилар.

2001 йилда хорижга чиқувчи туристлар сони 2000 йилга нисбатан бирданига 1,3 % га қисқарди. Яъни четга чиқувчи туристлар сони 2000 йилда 698 млн. кишини ташкил қилган бўлса, 2001 йилда 689 млн. кишини ташкил қилди. Сўнги 20 йил ичида туристлар сонининг кескин камайиши биринчи маротаба кузатилди.

БТТ маълумотига кўра, ҳозирги кунда халқаро туризм яна ўз мавқиени сақлаб қолишга қодир бўлди. Унинг эвазига бутунжаҳон ялпи миллий маҳсулотнинг 6 %, халқаро инвестицияларнинг 7 %, дунё истеъмол харажатларининг 11 % ва солиқлар тушумининг 5 % тўғри келади. Ҳозирги кунда Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада ишлаётган ишчиларнинг 13 тадан бири туризм индустриясида, Жанубий шарқий Осиё мамлакатларида эса ҳар бир 15 ишчидан бири туризм бизнеси билан банддир.

Терроризм, табиий офатлар, инсон саломатлиги учун қўрқув, хавф-хатарлар, жаҳон бозорида нефт нархининг кескин кўтарилиши, валюта курсининг ўзгариши, иқтисодий инқирозларга дуч келиши ва сиёсий барқарорсизлик, экологик вазиятларнинг кескинлашуви ва бир қатор глобаль (оламшумул) муаммоларнинг кучайиши халқаро туризм индустриясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шунга қарамасдан халқаро туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётида борган сари ўз мавқиени сақлаб қолмоқда. Дунё мамлакатлари ўртасида халқаро туризм оммавийлашиб ва туристлар келиши ошиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Халқаро туризмнинг ривожланиш динамикаси (1950-2016 йиллар)

Йиллар	Халқаро келувчи туристлар сони (млн.киши)	Келувчи туристлардан олинган умумий даромадлар (млрд.доллар)
1950	25	2
1960	70	7
1970	160	18

1980	285	102
1990	460	265
2000	698	476
2001	689	464
2002	703	471
2003	694	-
2004	764	633
2005	806	680
2006	820	650
2007	903	856
2008	922	944
2009	880	970
2010	940	927
2011	995	1042
2012	1,035	1075
2013	1,087	1197
2014	1,133	1245
2015	1,189	1196
2016	1,235	1220

Манба: Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO). “Туризмда муҳим воқеалар”. 2017.

БТТнинг сўнгги маълумотларига кўра халқаро туризмнинг ўсиши 2015 йилда 4,4% га ошиб, жами халқаро ташрифлар сони 1 миллиард 235 миллионни ташкил этди. Бу дегани, албатта, 2015 йилга қараганда 46 миллионга кўпдир.

2008-2009 йиллардаги молиявий-иқтисодий инқироздан кейин, мана еттинчи йилдирки, халқаро туризм кўрсаткичи ўртача 4 фоиз ва ундан юқори даражада ўсиб бормоқда.

“2016 йилда, халқаро туризм, янги юксакликка етди. Самарали фаолият сектори дунёнинг жуда кўп жойларида иқтисодий ривожланиш ва иш ўринларини яратиш учун ҳисса қўшди. Шунинг учун, бу мамлакатларда саёҳат, инсон ресурслари ривожланиши ва барқарорлигига кўмаклашиш, шу жумладан, сайёҳликнинг барқарор ўсишини рағбатлантириш сиёсати муҳим аҳамиятга эга” деб айтиб ўтди, БТТ Бош котиби Талеб Рифаи.

Дунё мамлакатлари бўйлаб нефт нархларининг, валюта курсларининг ва бошқа иқтисодиётда катта аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар нархларининг кучли тебраниши, мамлакатларнинг импорт салоҳиятининг пасайиши каби омилларга қарамасдан ўтган яқин йиллар ичида туризм ривожланиши бир текисда давом этмоқда.

Ривожланган мамлакатларда туризмнинг ўсиш суръатлари (+5%) ҳамда ривожланаётган бозор иқтисодиёти давлатларида ўсиш (+ 4%) ни ташкил этди.

2016 йилда регионлар бўйича Европа, Америка ва Осиё-Тинч океани минтақаларида ўсиш суръати тахминан 5% ташкил этди. Яқин Шарқ минтақасида +3 % га ортди, аммо Африка давлатларида -3% га камайди.

Шуни такидлаш жоизки, келувчи туристлар ўз манзилларига ҳаво транспортида (45 %), автомобил транспортида (43 %), темир йўл транспортида (5 %) ва сув транспортида (7 %) келишган. Сўнги йилларда туристлар келиб-кетишида ҳаво транспортидан фойдаланиш салмоғи борган сари ортиб бормоқда (1-чизма).

1-чизма

Мақсадли туризмнинг кирими (ҳисса)



Транспорт тури бўйича туризмни кириши



Манба: Бутун жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO). 2017 й

2.2. Халқаро туризмнинг минтақалараро ривожланиши

Халқаро туризмда туристлар ташрифи. 2016 йилда халқаро туристлар сони 3,9% га ошиб, уларнинг умумий сони 1,235 миллиардни ташкил этди.

2016 йилда халқаро туристик ташрифлар сони 2015 йилга нисбатан тахминан 46 миллионга кўпайган.

2016 йилда халқаро туристлар сонининг энг катта ўсиши Осиё-Тинч океани минтақаси (+8%)га тушди. Африкада бир неча йиллик сусайишдан кейин жиддий сакраш амалга оширилиб (+8%) ўсиш қайд этилди. Америка ижобий динамикаси эса (+4%) ўсишни ташкил қилади.

Европа эса умумий ҳисобда (+2%) ни қайд этди. Аммо баъзи жойларда пасайиш кузатилди.

Яқин Шарқ туризмида ҳам (+4%) бир қатор ўсиш тартибсизлик амалга ошди.

БТТнинг тахминича 2017 йилда халқаро туристлар сони дунё бўйлаб 2-4% ўсишни қайд этади.

2-жадвал

Халқаро туристларнинг ташрифи 1990-2016 йиллар (млн. киши)

Асосий туристик йўналишлар	1990	1995	2000	2005	2010	2015	2016	Минтақа ва ҳудудлар салмоғи (%) 2016 й	Туризмдан келган даромадлар (млрд. доллар) 2016 й
Бутун дунё бўйича	435	526	674	809	953	1,189	1,235	100,0	1,220
Европа	261,5	303,5	386,6	453,2	489,0	603,7	616,2	49,9	447,3
Шимолий Европа	28,7	36,4	44,8	59,9	62,8	75,4	80,2	6,5	74,6
Ғарбий Европа	108,6	112,2	139,7	141,7	154,4	181,4	181,5	14,7	145,3
Марказий (Шарқий) Европа	33,9	58,9	69,6	95,3	98,5	121,4	126,0	10,2	52,6
Жанубий (Ўртаер	90,3	96,0	132,6	156,4	173,3	225,5	228,5	18,5	174,7

денгизи бўйича) Европа									
Осиё ва Тинч океани минтақаси	55,9	82,1	110,4	154,1	208,1	284,0	308,4	25,0	366,7
Шимолий-Шарқий Осиё	26,4	41,3	58,3	85,9	111,5	142,1	154,3	12,5	168,9
Жанубий-Шарқий Осиё	21,2	28,5	36,3	49,0	70,5	104,2	113,2	9,2	117,2
Океания	5,2	8,1	9,6	10,9	11,4	14,3	15,6	1,3	46,7
Жанубий Осиё	3,2	4,2	6,1	8,3	14,7	23,4	25,3	2,0	33,8
Америка минтақаси	92,8	108,9	128,2	133,3	150,1	192,7	199,3	16,1	313,2
Шимолий Америка	71,8	80,5	91,5	89,9	99,5	127,5	130,5	10,6	243,7
Кариб денгизи ҳавзаси	11,4	14,0	17,1	18,8	19,5	24,1	25,2	2,0	30,2
Марказий Америка	1,9	2,6	4,3	6,3	7,8	10,2	10,7	0,9	12,2
Жанубий Америка	7,7	11,7	15,3	18,3	23,2	30,8	32,8	2,7	27,0
Африка	14,8	18,7	26,2	34,8	50,4	53,4	57,8	4,7	34,8
Шимолий Африка	8,4	7,3	10,2	13,9	19,7	18,0	18,6	1,5	9,1
Сахара саҳроси минтақаси	6,4	11,5	16,0	20,9	30,7	35,4	39,2	3,2	25,6
Яқин Шарқ	9,6	12,7	22,4	33,7	55,4	55,6	53,6	4,3	57,6

Манба: Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO). “Туризмда муҳим воқеалар”. 2017.

Европа туризми. Европа шарқий ярим шарда жойлашган бўлиб, унинг умумий майдони (ороллар билан биргаликда) 10,5 млн. кв.км.ташкил қилади. Минтақа туристик ресурсларга жуда бой бўлиб ер шари бўйича алоҳида ажралиб туради. Европа қирғоқлари Атлантика ва Шимолий Муз океани ва унинг 10 дан ортиқ денгизлари билан ювилиб туради. Минтақа ҳудудида 20 та дан ортиқ дарёлар, 15 та катта-кичик кўллари 25 тага яқин ороллари, 10 дан зиёд тоғ тизмалари, такрорланмас вулканлари, хилма-хил (арктик, антрактик, субарктик, муътадил, субтропик) иқлим пояслари, ранг-баранг табиат зоналари азал-азалдан сайёҳларни ўзига жалб қилиб келган.

Европа инсоният цивилизациясининг энг муҳим, қадимги ўчоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Европа халқаро туризм оқимининг илк бор ташкил этилган минтақасидир. Ҳозирги вақтда унинг сиёсий харитасида 40 тадан ортиқ давлатлар мавжуд бўлиб, улардан 27 таси Европа Иттифоқи ташкилотига бирлашган. Бу давлатларнинг аксарият қисми ресупублика ва 12 таси эса монархия давлат бошқарувига эгадир. Европада дунёнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган қудратли «саккизлик» давлатлари (Германия, Буюк Британия, Франция, Италия ва Россия Федерацияси) жойлашган. Ушбу минтақада кўп кам аҳоли сонига эга бўлмаган жуда кичик «митти давлатлар» (Андорра, Монако, Сан-Марино, Лихтенштейн, Ватикан) ҳам ўрнашган.

Хорижий Европа (МДҲ давлатларидан ташқари) дунё аҳолисининг энг зич жойлашган минтақаларидан бири бўлиб, унинг ҳудудида ер шари аҳолсинининг 8 фоиздан ортиқ қисми яшайди. Европа дунёда энг йирик, қадимий шаҳарлари, ибодатхоналари, спорт иншоотлари, кўнгил очар ўйингоҳлари, санъат марказлари (театрлар, музейлар, санъат галареялари), дам олиш масканлари, курортлар, шифобахш

минерал сувлари, денгиз пляжлари, меҳмонхоналар, ресторанлар, замонавий транспорт коммуникациялари (аэропортлар, денгиз, дарё портлари, темир йўл, автомобил вокзаллари, юқори сифатли автомобил йўллари, тезюрар поездлари ва ҳаво кемалари, юқори классли денгиз ва океан пассажир кемалари), ривожланган банк-молия ташкилотлари, хилма-хил сервис хизмати кўрсатувчи корхоналари барчаси халқаро туризмнинг ривожланишига жуда катта имкониятлар туғдиради.

Европа минтақаси табиий географик ва сиёсий жиҳатдан Ғарбий Европа, Марказий (Шарқий) Европа, Шимолий Европа ва Жанубий (Ўрта Ер денгизи бўйи) Европа қисмларига бўлинади. Европа халқаро туризмда эгаллаган салмоғининг пастлигига қармасдан, ҳамон у дунё туризмнинг энг асосий минтақаларидан бир бўлиб қолмоқда (49,9%). Бунинг асосий сабаблари биринчидан минтақада хилма-хил рекрацион (табиий, маданий-тарихий) ресурсларнинг мавжудлиги, иккинчидан туризмнинг ривожланиши учун қўлай ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмалар омиллари (юқори даражадаги турмуш таркиби, шаҳар аҳолиси салмоғининг юқорилиги, транспорт тармоқларининг сер қатновлиги) дир. Яна минтақанинг географик жойлашиш омили, яъни кўпгина дунё мамлакатларига қуруқлик, сув йўллари билан чиқиш имкониятларининг мавжудлигидир. Ушбу минтақанинг энг муҳим хусусиятларидан бири ички минтақавий туристик оқимнинг устунлигидир. Европа бўйлаб саёҳат қилаётган туристларнинг қарийиб 9/10 қисми европалик аҳолидир.

2016 йилда Европада халқаро туризмнинг ўсиш сони 616 миллионни ташкил этди.

Ўсиш Марказий ва Шарқий Европада (+6%) га етиб, ўтган йилги камайишдан кейин яна ўз ўрнига қайтди. Шимолий Европада (+6%), Жанубий Европада (+5%) ва Ғарбий Европада (+4%) ни ташкил этди. Ушбу минтақага кўпчилик туристларнинг узоқ ҳудудлардан ташриф буюрганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу анча яхши натижадир.

3-жадвал

Европа мамлакатлари бўйича халқаро туристларнинг ташрифи (2016 йил)

Асосий туристик йўналишлар	Келувчи туристларнинг умумий сони (минг киши)	Ҳиссаси (%)	Келувчи туристлардан олинган даромад (млн, доллар)	Ҳиссаси (%)
Европа	616,190	100,0	447,309	100,0
Австрия	28,121	4,6	19,300	4,3
Бельгия	7,479	1,2	11,839	2,6
Болгария	8,252	1,3	3,634	0,8
Финландия	2,789	0,5	2,717	0,6
Чехия	12,090	2,0	6,309	1,4
Франция	82,600	13,4	42,481	9,5
Германия	35,579	5,8	37,433	8,4
Греция	24,799	4,0	14,618	3,3
Сербия	1,281	0,2	1,151	0,3
Ирландия	-	-	5,186	1,2
Италия	52,372	8,5	40,246	9,0
Нидерландия	15,828	2,6	14,054	3,1
Норвегия	-	-	5,205	1,2
Полша	17,463	2,8	10,977	2,5
Португалия	11,423	1,9	14,036	3,1
Россия	24,551	4,0	7,788	1,7
Испания	75,563	12,3	60,346	13,5
Швейцария	10,402	1,7	15,937	3,6
Туркия	-	-	18,743	4,2

Украина	13,333	2,2	1,078	0,2
Буюк Британия	35,814	5,8	39,615	8,9

Манба: Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO). “Туризмда муҳим воқеалар”. 2017.

Франция ҳозирги кунда Европада энг кўп туристлар келиб-кетувчи мамлакат бўлиб ҳисобланади. 2016 йилда Францияга ташриф буюрган туристларнинг умумий сони 82,6 млн. кишидан ортиқдир. Энг кўп келиб-кетувчи туристлар Германия, Буюк Британия, Бельгия, Люксембург мамлакатлари фуқароларидир. Францияга келиб-кетувчи туристларни жалб этувчи асосий туристик ресурслар мамлакатнинг хилма-хил, бой табиий ресурслари (Альп тоғлари, Ясси тоғлар, карст платолари, паст текисликлар, дарё водийлари, ям-яшил ўрмонларидир. Франциянинг асосий ғурури бўлган такрорланмас денгиз қирғоқлари 3 минг км масофага чўзилиб кетган. Мамлакатнинг гранит қоялари (Британия), Атлантика океани қирғоқларидаги узундан-узоқ қумли тепалар тизмаси, бахмалсимон Майин қумли чўмилиш пляж (жой)лари ва Ўртаер денгизининг мовий рангли қўлтиқ (кўрфаз)лари ҳамда Францияни сон-саноқсиз маданий, тарихий, архитектура ёдгорликлари ташриф буюришган сайёҳларни ўзига ром қолдиради.

Париж шаҳри мамлакатда туристларнинг келиши бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Шаҳарда дунёга машҳур бўлган Эйфель минораси, Нотр-Дам ибодатхонаси, энг йирик Лувр музейи, Наполён Бонапарт қабри, Люксембург ва Тюирльи боғлари, Дислейленд кўнгил очар, дам олиш манзилгоҳлари, илм – фан маркази Ля Вильетт шаҳри кабилар беқиёс, сон-саноқсиз сайёҳларни ўзига чорлайди.

Европада халқаро ташриф буюрувчи туристларнинг умумий сони бўйича Франциядан кейинги ўринни Испания ва Италия давлатлари эгаллайди. 2016 йилда биргина Испанияга келувчи туристларнинг умумий сони қарийиб 75,6 млн. кишидан ошган. Испанияга ташриф буюрувчи туристларнинг аксарият қисми Ғарбий Европа жумладан, Германия, Буюк Британия, Исландия, Ирландия мамлакатлари фуқароларидир. Испания хорижий сайёҳларга пляжлари дам олишдан ташқари кенг кўлами экскурсия дастурларини таклиф қилиб келмоқдалар. Мамлакатдаги асосий туристлар оқими Сальвадор Дали театр музейи (Фрегейрос ш.), Прадо музейи (Мадрид ш.), Испания қироли резиденцияси (Экскориал ш.), очиқ осмон шаҳар – музейи (Толедо ш.)ларига йўналтирилган.

Келувчи туристлар умумий сони бўйича Европада Италия давлати учинчи ўринни эгаллайди. 2016 йилда Италияга келувчи туристлар сони 52,4 млн. кишидан ортиқни ташкил қилди.

Италия ўзининг хилма-хил архитектура ёдгорликлари, маданияти, рассомлик, ҳайкалтарошлик санъати билан донг таратган мамлакатдир. Италияга кўпроқ Франция, Германия, Швейцария, Австрия, Харватия, Словения, Сербия ва Черногория мамлакатлари фуқаролари ташриф буюришадилар. Мамлакатда туристлар кўпроқ Венеция, Флоренция, Пизу, албатта Рим шаҳарларига боришга интиладилар. Туристларнинг тўхтовсиз оқими Ватиканга бориб зиёрат амалларини бажо келтириш учун ҳаракат қиладилар.

Европада хорижий саёҳатга чиқувчи давлатлар ўртасида Германия алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ерда чет элларга чиқувчи туристлар сони йилига ўртача 5 % га ўсмоқда. БТТ маълумотларига кўра, Германия туристларнинг хорижий сайёҳатга чиқиши 2020 йилга борганда икки баробарга ўсиши кутилмоқда ва унинг умумий сони 163,5 млн. киши (чиқиши)га тенг бўлиши мўлжалланган.

Сўнги йилларда туристларнинг чет элларга саёҳатга чиқиши бўйича Чехия давлати, Франция, Италия, Испания, Нидерландия каби мамлакатларни орқада қолдириб кетди. Туризм бозори Европанинг Польша, Венгрия, Руминия, Словения каби мамлакатларида ҳам тезкорлик билан ривожланиб бормоқда.

Осиё туризми. Осиё ер шарининг энг катта қитъаси бўлиб, унинг майдони атрофидаги ороллар билан бирга 43,5 млн. кв. км.га яқин. Аҳолиси 3,8 млрд. киши

атрофида Осиё ва Европа қитъалари орасидаги қуруқлик чегаралари шартлидир. Осиё табиати ниҳоятда хилма-хиллиги билангина эмас, балки кескин тафовутлари билан ҳам ажралиб туради. Ер шаридаги энг баланд тоғ чўққиси – Жомолунгма (8848 м) ва қуруқликдаги энг чуқур ботиқ Ўлик денгизи (-395 м) шимолий ярим шарнинг совуқлик қутби (Оймаконда) ва Месопотамиянинг жазирама иссиқ ўлкалари шу ердадир. Қитъанинг шимолида Арктика совуқ саҳролари жойлашган бўлса, жанубида-нам экваториал ўрмонлар жойлашган. Осиёда ер юзасининг 3/4 қисми ясси тоғликлардан, тоғликлардан ва тоғ тизмаларидан иборат бўлиб, тез-тез зилзилалар такрорланиб туради.

2016 йилда Осиё-Тинч океани минтақасида халқаро туристлар сони (+5%) ўсиб, 308,4 миллионга етди ҳамда 2015 йилга нисбатан 24 миллион кишига ошди. Аммо ҳудудлар бўйича ўсиш турлича рақамларни акс этади. Масалан, Океанияда (+7%), ва Жануби-Шарқий Осиёда (+ 5%) ўсиш даражаси қайд этилган бўлса, Жанубий Осиё ва Шимолий-Шарқий Осиёда эса 4% га ортди.

Умуман олганда, Осиё ва Тинч океани минтақаси ўзининг такрорланмас рекрация ресурслари ва табиат манзаралари билангина эмас, балки юқори даражадаги сервис хизмати билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Минтақада туризмга сарфланадиган харажатлар миқдори Европа ва Америкага нисбатан анчагина камлиги билан характерланади. Халқаро туристлар сони минтақада 1970 йилга нисбатан 17 баробарга, туризм соҳасидан келадиган даромадлар эса 75 баробарга кўпайганлиги билан ифодаланади. Яни ушбу минтақа учун характерли бўлган аломат Европа сингари ички туризмнинг устунлигидир.

4-жадвал

Осиё мамлакатлари бўйича халқаро туристларнинг ташрифи (2016 йил)

Асосий туристик йўналишлар	**Келувчи туристларнинг умумий сони (минг киши)**	**Ҳиссаси (%)**	**Келувчи туристлардан олинган даромад (млн, доллар)**	**Ҳиссаси (%)**
Осиё ва Тинч океани минтақаси	308,409	100,0	366,687	100,0
Австралия	8,263	2,7	32,423	8,8
Камбоджа	5,012	1,6	3,207	0,9
Хитой	59,270	19,2	44,432	12,1
Гуам	1,535	0,5	-	-
Гонконг (Хитой)	26,553	8,6	32,860	9,0
Хиндистон	14,569	4,7	22,427	6,1
Индонезия	-	-	11,349	3,1
Эрон	4,942	1,6	-	-
Япония	24,039	7,8	30,678	8,4
Корея Республикаси	17,242	5,6	17,210	4,7
Лаос халқ демократик республикаси	3,315	1,1	540	0,1
Макао (Хитой)	15,704	5,1	29,881	8,1
Малайзия	26,757	8,7	18,074	4,9
Янги Зелландия	3,370	1,1	9,638	2,6
Филлипин	5,967	1,9	5,139	1,4
Сингапур	12,913	4,2	18,386	5,0
Тайван (Хитой)	10,690	3,5	13,383	3,6
Таиланд	32,588	10,6	49,871	13,6
Вьетнам	10,013	3,2	8,250	2,2

Манба: Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO). “Туризмда муҳим воқеалар”. 2017.

Шуни қайд қилиш зарурки, Осиё – Тинч океани минтақаси, Америкадагидек туристлар келиши бўйича асосан бир субминтақада ўрнашган. Аммо бироқ туристлар келиши даражаси анчагина паст. Уларнинг тарқалиши Шарқий, Жанубий – Шарқий Осиё ва Океания ҳудудларида бир текисда тарқалган.

Осиё-Тинч океани минтақасида асосий туристлар оқими Шарқий Осиё яъни Япония, Жанубий Корея ва Хитой (3/5 қисми) мамлакатларига тўғри келади. Иккинчи ўринда эса Жанубий–шарқий Осиё (1/3) мамлакатлари эгаллайди. Австралия ва Океания ҳудудларига қарийиб 10% келувчи туристлар сони тўғри келади.

Ҳозирги кунда Тинч океани минтақаси халқаро туризм бозорида Хитой Халқ Республикаси (ХХР) алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг эвазига бутун минтақага келувчи туристларнинг 1/3 қисми, Сянган (Гонконг) ва Тайванни биргаликда қўшиб ҳисоблаганда эса 50 % тўғри келади.

Умуман олганда, ҳозирги кундаги Хитой туризми ўтган асрнинг 70 йилларидан бошлаб ривожлана бошлади, қайсиким Хитойда иқтисодий ислоҳатлар яъни «очиқ эшик» сиёсати амалга оширилиши билан туб ўзгаришлар руй берди. Биргина 1988 йилда Хитойга ташриф буюрувчи туристлар умумий сони 1979 йилга нисбатан 37 баробарга ошди. Шу даврда Хитойга келувчи туристларнинг аксарият қисми Япония ва АҚШ мамлакатларидан ташкил топди. Яъни Хитойга келувчиларнинг ҳар уч кишидан бири - японлар, ҳар беш нафар келувчи сайёҳлардан бири эса америкаликлар эди. Ундан кейинги ўринларни Ғарбий Европа (Франция, Буюк британия, Германия), Жанубий-Шарқий Осиё (Сингапур, Таиланд, Филиппин), Австралия ва Канада давлатлари эгаллайди. Сўнгги йилларда Хитой туризм бозорида иштирок этишда Малайзия, Индонезия, Корея Республикаси, Монголия ва Россия давлатлари фаоллик кўрсатмоқда.

Хитойга ташриф буюрган сайёҳларда анъанавий Пекин-Шанхай-Сиань-Гуилень йўналишларини четлаб ўтиб, Сянган (Гонконг) ва Гуанджоу каби ўлкаларни бориб кўришга қизиқиш ўсмоқда. Айниқса туристлар учун Хуанхэ дарёсида сайр тамошо қилиш, Янцзи дарёси бўйлаб дараларни кўриш ёки қадимги Хитой деворлари ва каналларини кузатиш, хитойликлар таомларини татиб кўриш, қадимги хитой, табобат илми усуллари билан яқиндан танишиш, оммавий халқ сайилларида («қоғоз илонлар» фестивалида) иштирок этишга муяссар бўлишади.

Шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги ўн йилликларда халқаро туризмда Хитой шон-шуҳрати тобора ортиб бормоқда. Агар 1990 йилда Хитой мамлакатга туристлар келиши бўйича дунёда 12 ўринни эгаллаган бўлса, 1995 йилга келиб 8 ўрин, 2000 йилда эса бешлик давлатлари қаторига кўтарилди. 2016 йилда Хитойга келувчи туристларнинг умумий сони қарийиб 60 млн. кишига етди. БТТ прогнозларига кўра 2020 йилда Хитойга (Сянган билан биргаликда) келувчи туристлар умумий сони 196 млн. кишига етиши кутилмоқда. Яъни бу дегани Хитойга келувчилар сони АҚШ ва Францияга нисбатан 2 баробарга, Испанияга -3 баробар, Италия ва Буюк Британияга эса 4 баробарга ортади демакдир.

Осиё ва Тинч океани минтақасида халқаро туристлар ташрифи бўйича Хитойдан ташқари янги индустрлашган (саноатлашган) мамлакатлар, жумладан: Сянган (Гонконг), Малайзия, Сингапур, Таиланд, Корея Республикаси, Индонезия, Таиланд кабилар ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Ҳозирги кунда бу мамлакатларда халқаро туризмнинг ишга алоқадор соҳаси тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Айниқса Таиланд ўзининг экзотик табиати билан кўп мингли туристлар гуруҳини ўзига жалб қилиб келмоқда. Корея Республикаси, Тайвань, Сянган (Гонконг), Сингапур кабилар ўзининг кўнгил очар туризм соҳаси билан машҳур бўлиб бормоқда.

Япония минтақадаги энг ривожланган туристик давлатлардан биридир. Бу ерга ташриф буюрувчи туристлар турли хил мақсадлар билан келишади. Уларнинг кўпчилиги

дам олиш, кўнгил очишни маъқул кўришади. Япония кўнгил очиш туризми бўйича дунёда АҚШдан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Осиё-Тинч океани минтақасида жойлашган бир қатор мамлакатлар, жумладан, Вьетнам, Лаос, Камбоджа, Монголия кабилар ҳам халқаро туризм бизнесида ўз ўрнини томпоқда.

БТТ экспертлари хулосаларига кўра, Осиё-Тинч океани минтақасида Шарқий, Жанубий-шарқий Осиё ва Океания ҳудудлари яқин келажакда халқаро туризмда келувчи туристлар сони бўйича ўз мавқеини янада сақлаб қолади.

Америка туризми. Икки материк – Жанубий Америка ва Шимолий Америка **Америка** деган умумий ном билан аталадиган битта қитъани ташкил этади. Унинг майдони 42,1 млн. кв. км.бўлиб, аҳолиси 850 млн. кишига яқин. Америка Шимолий Америка, Марказий Америка ва Жанубий Америкадан иборат бўлиб хилма-хил табиат зоналари ва иқлим поясларига бўлинади. Кейинги йилларда Америка халқаро туризм бозорида (туристлар келиши-кетиши ва даромад миқдори соҳасида) бироз ўз мавқиени пасайтирган бўлсада, ҳамон у туризм учун ўзининг жозибадорлигини йўқотган эмас. Америка қитъасининг халқаро туризмда тутган салмоғи 16,1 % ни ташкил этади.

2016 йилда Америкага халқаро келганлар сони 2015 йилга нисбатан 6 миллионга ошди (+5%) ва 199,3 миллион нафарни ташкил этди. Ушбу натижалар 2015 йилдаги яхши натижаларни такрорлади. АҚШ доллари қадрининг кўтарилиши Америка Қўшма Штатлари аҳолисининг янада фаол туризм билан шуғулланишига замин яратди. Асосий туристик йўналишлар Кариб денгизи ҳавзаси ва Марказий Америка давлатларига тоғри келди (бу ҳудудларда +7% ўсиш кузатилди). Жанубий Америка ва Шимолий Америка (+4%) да ҳам ўсиш кузатилди.

Сўнгги йилларда Американинг Кариб ҳавзаси, Марказий Америка ва асосан Жанубий Америка туризмининг мавқеи тобора кўтарилиб бормоқда.

Жанубий Америка халқаро туристларнинг ташрифи билан алоҳида ажралиб туради. Чунки ушбу минтақа ўзининг хилма-хил, такрорланмас табиий ресурслари, тарихий ёдгорликлари, маданияти, этник турмуш-тарзи билан характерланади.

5-жадвал

Америка мамлакатлари бўйича халқаро туристларнинг ташрифи (2016 йил)

Асосий туристик йўналишлар	Келувчи туристлар сони (минг киши)	Ҳиссаси (%)	Келувчи туристлардан олинган даромад (млн, доллар)	Ҳиссаси (%)
Америка минтақаси	199,338	100,0	313,215	100,0
Аргентина	5,559	2,8	4,687	1,5
Аруба	1,102	0,6	1,631	0,5
Багам	1,482	0,7	2,591	0,8
Бразилия	6,578	3,3	6,024	1,9
Канада	19,971	10,0	18,213	5,8
Чили	5,641	2,8	2,737	0,9
Колумбия	3,317	1,7	4,773	1,5
Коста Рика	2,925	1,5	3,879	1,2
Куба	3,968	2,0	2,907	0,9
Доминикан Республикаси	78	0,0	132	0,0
Эквадор	1,418	0,7	1,444	0,5
Сальвадор	1,434	0,7	829	0,3
Гватемала	1,585	0,8	1,550	0,5
Гондурас	908	0,5	686	0,2

Ямайка	2,182	1,1	2,539	0,8
Мексика	34,961	17,5	19,571	6,2
Никарагуа	1,504	0,8	642	0,2
Панама	2,007	1,0	4,258	1,4
Перу	3,744	1,9	3,501	1,1
Пуэрто-Рико	3,736	1,9	3,985	1,3
АҚШ	75,608	37,9	205,940	65,8
Уругвай	3,037	1,5	1,835	0,6
Парагвай	1,206	0,6	481	0,2

Манба: Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO). “Туризмда муҳим воқеалар”. 2017.

Жанубий Америка қуруқлигида дунёдаги энг баланд Анхель (Венесуэла) шаршараси, серсув Амазонка (Бразилия) дарёси, қўл теккизилмаган кенг майдондаги намлик ўрмонзорлар, энг юқори (Анд тоғлари) чўққиси жойлашган.

Бизгача етиб келган қадимги инк қабилалари цивилизациясининг диққатга сазовор диний шаҳарлари Манту-Пикчу ва Куско, Наскапл отаси, колонизация қилиш даври шаҳарлари. Бу материкнинг энг йирик ва улкан туристик имкониятларидир. Ҳозирги кунда улардан жуда кам фойдаланилмоқда. Мобода материкнинг мавжуд туристик ресурслари тўлиқ ишга солинса, Жанубий Американинг халқаро туристлар ташрифида унинг салмоғи сўзсиз равишда ортади.

Америкада, худди Европадагидек сингари туристлар оқимининг энг кўп қисми минтақа ички туризмига тўғри келади. Айниқса, интенсив туристик оқим Шимолий Америкада: АҚШ, Канада ва Мексика мамлакатлари ўртасида кузатилинади. Қайсиким, энг кўп туристик оқим БТТ маълумтларига кўра, АҚШдан Мексикага келишади. Бу эса дунёдаги энг кўп туристлар ташрифи оқими бўлиб ҳисобланади. Бу ерда ўртача йиллик келувчи ва кетувчи туристлар сони 100 млн. кишини ташкил қилади. АҚШга ташриф буюрувчи туристларни кўпроқ мамлакатнинг ёввойи табиат ресурслари, такрорланмас гўзал ландшафт манзаралари, ҳаракатдаги гейзер булоқлар водийси, «Тирик геологик» миллий боғлари (Йеллоустон), гигант сталагмитли ғорлари (Карлсбад), катта понарамали (Гранд-Каньон) тоғ даралари, Майин қумли (Калифорния) пляжлари мафтун этади. Ҳорижий мамлакатлардан келган сайёҳларни АҚШнинг нафақат табиий бой ресурлари балки, унинг осмон ўпар маъмурий, савдо-сотиқ бинолари (Манхеттен), банклар маркази (Уолл-стрит), машҳур кўприклари (Бруклин), олийгоҳлар (Колумбия университети), президент қароргоҳи (Оқ уй), опера театри (Метрополитен), Киностудиялари (Голливуд), кўнгил очар, дам олиш парклари (Диснейленд) кабилар ўзига чорлайди. Ҳар йили АҚШ да 1 млрд. дан ортиқ туристик келишлар ва кетишлар (ички ва ташқи) руйхатга олинади. Мамлакатда ички туризм салмоғи катта бўлиб, унинг асосий маршрутлари дам олиш соғломлаштириш, кўнгил очар, табиат объектлари, тарихий ва маданий марказларга, қариндош-уруғлар, таниш-билишларга ташриф буюришдан иборатдир. Америкалик сайёҳлар ҳорижий сафар қилишда кўпроқ қўшни Мексика ва Канада мамлакатларига сайр қилишни хуш кўришади. Дунёнинг узоқ мамлакатларидан Европанинг Буюк Британия, Франция, Италия, Германия, Испания каби давлатлари саёҳатга боришни танлашади. Кейинги пайтларда америкалик сайёҳларнинг Осиё-Тинч океани минтақаси (Хитой, Япония, Сянган, собиқ Гонконг, Жанубий Корея, Сингапур кабилар) га бориш истаги ортиб бормоқда. Африка, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё (Ҳиндистон, Покистон, Шри Ланка)нинг туристик минтақалари америкалик сайёҳлар томонидан жуда кам ўзлаштирилган.

БТТ маълумотларига кўра, келажакда америкалик туристларнинг Европа, Осиё-Тинч океани ва Яқин Шарқ минтақаси мамлакатлари билан икки томонлама сайёҳлик алоқалари кучая бориши кўзда тутилган.

Африка туризми. Африка қитъаси умумий майдони ороллари билан биргаликда 30,3 млн. кв.кмга тенг. Аҳолисининг умумий сони 900 млн. кишига яқин. Минтақа сиёсий харитасида ҳаммаси бўлиб 56 та энди ривожланаётган давлатлар бор.

Африка халқаро туризм соҳаси бўйича унчалик юқори ўринни эгалламайди. Унинг халқаро туристлар ташрифи бўйича бору-йўғи 4,7 % ни эгаллайди. Агар 1990 йилда бутун Африка мамлакатларига келувчи туристлар сони 14,8 млн. киши бўлган бўлса, 2005 йилга келиб уларнинг умумий сони 34,8 млн. кишига, 2016 йилга келиб эса 57,8 етди.

Африкада халқаро туристлар сонининг ўсиши (+ 7%) ни ташкил этди, Шимолий Африкада эса паст натижалар қайд этилиб, 8% га пастлади. Жанубий Африка мамлакатлари ҳамда Саҳарида ўсиш (+ 13%) га етиб, қитъада энг юқори натижаларни қайд этди.

Африка туризмининг таҳлили шуни кўрсатадики, минтақага ташриф буюрувчи туристлар бўйича биринчи ўринни Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) эгаллайди. Жанубий Африкада туризмга бўлган қизиқиш борган сари ортиб бормоқда. Туристик сервисни такомиллаштириш ва унинг хилма-хиллигини оширшга эътибор кучайиб бормоқда. Хорижий мамлакатлардан келаётган сармояларнинг бир қисми туризм индустриясини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

2016 йилда Жанубий Африка Республикаси мамлакатга келувчи туристлар сони 10 млн. кишидан ортиқ бўлган. Кейинги ўринларни Марокко (10,3 млн.),Тунис (5,7 млн.), Зимбабе (2,1 млн.) каби мамлакатлар эгаллайди. Халқаро туризмдан келадиган тушум (даромад) бўйича ҳам биринчи ўринни ЖАР (7,910 млн. долл.) эгаллайди. Кейинги ўринларни Марокко (6,548 млн. долл), Тунис (1,239 млн. долл), Маврикий (1,572 млн. долл), Танзания (2,135 млн. долл) каби давлатлар эгаллайди.

6-жадвал

Африка мамлакатлари бўйича халқаро туристларнинг ташрифи (2016 йил)

Асосий туристик йўналишлар	Келувчи туристлар сони (минг киши)	Ҳиссаси (%)	Келувчи туристлардан олинган даромад (млн, доллар)	Ҳиссаси (%)
Африка	57,771	100,0	34,776	100,0
Судан	-	-	1,009	2,9
Тунис	5,724	6,8	1,239	3,6
Бенин	267	0,5	-	-
Кабо-Верде	598	1,0	368	1,1
Марокко	10,332	17,9	6,548	18,8
Эритрея	142	0,2	48	0,1
Эфиопия	-	-	280	0,8
Мавритания	1,275	2,2	1,572	4,5
Мозамбик	1,639	2,8	108	0,3
ЖАР	10,044	17,4	7,910	22,7
Танзания	-	-	2,135	6,1
Уганда	-	-	768	2,2
Замбия	956	1,7	683	2,0
Зимбабве	2,168	3,8	-	-
Мадагаскар	293	0,5	-	-

Манба: Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO). “Туризмда муҳим воқеалар”. 2017.

Яқин Шарқ туризми. Яқин Шарқ минтақасига асосан Миср, Иордания, Ливан, Исроил, Оман, Саудия Арабистони, Сурия Араб Республикаси, Бирлашган Араб Республикаси мамлакатлари киради.

Яқин Шарқ мамлакатларига 2016 йилда келган туристлар сони қарийиб 53,567 млн. кишини ташкил қилди. Бу минтақа халқаро туризмда туристлар ташрифи бўйича 4,3 % ни ташкил қилади. 1990-2016 йиллар давомида Яқин Шарқ мамлакатларига хорижий туристлар келиб - кетиши тезкорлик билан ривожланиб борган. 2016 йилда халқаро туристлар сони Яқин Шарқда 3% га ўсди ва умумий ҳисобда 53,5 миллион ташрифни ташкил этди. Уларнинг асосий қисми Саудия Арабистони(18 млн.киши), Бирлашган Араб Амирлиги (15 млн. киши), Миср (5,2 млн. киши), Иордания (3,8 млн. киши), Қатар (2,9 млн. киши)га ташриф буюрганлар.

7-жадвал

Яқин Шарқ мамлакатлари бўйича халқаро туристларнинг ташрифи (2016 йил)

Асосий туристик йўналишлар	Келувчи туристлар сони (минг киши)	Ҳиссаси (%)	Келувчи туристлардан олинган даромад (млн, доллар)	Ҳиссаси (%)
Яқин Шарқ	53,567	100,0	57,595	100,0
Бахрейн	-	-	-	-
Миср	5,258	9,8	2,645	4,6
Иордания	3,858	7,2	4,044	7,0
Ливан	1,688	3,2	6,824	11,8
Оман	-	-	-	-
Саудия Арабистони	18,049	33,7	11,096	19,3
Сурия Араб Республикаси	-	-	-	-
Қатар	2,906	5,4	5,411	9,4
БАА	14,910	27,8	19,496	33,9

Манба: Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO). “Туризмда муҳим воқеалар”. 2017.

Туризмдан келадиган даромад ҳам минтақа бўйича 2016 йилда 57,6 млрд. долл атрофида баҳоланади. Туризмдан энг кўп даромад олган мамлакатлар қаторига БАА (19 млрд.долл), Саудия Арабистони (11 млрд.долл), Ливан (6,8 млрд. долл), Иордания (4 млрд. долл) давлатлари киради. Яқин Шарқ мамлакатлари туризмида диний туризм соҳаси алоҳида ўрин эгаллайди.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Халқаро туризмнинг юксалиш даври қачондан бошланган?
2. Римда (Италия) БМТнинг туризм ва саёҳатлар бўйича 1-конференцияси қачон ўтказилди ва унд анима масалалар кўрилди?
3. Халқаро туризмнинг ривожланиш динамикаси (1950-2016 йиллар)ни таҳлил қилиб беринг.
4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро туризм ривожланишига таъсирини шарҳлаб беринг.
5. 2016 йилда халқаро туризмнинг минтақалар бўйича ўсиши қандай бўлди?
6. Европа мамлакатлари бўйича халқаро туристларнинг ташрифини таҳлил қилинг.
7. Осиё мамлакатлари бўйича халқаро туристларнинг ташрифини таҳлил қилинг.

ИККИНЧИ ҚИСМ.

ХАЛҚАРО ТУРИЗМДА ЕТАКЧИ ТУРИСТИК МАМЛАКАТЛАР ТАЪРИФИ

I БОБ. ФРАНЦИЯ ТУРИЗМИ

1.1. Франциянинг табиий иқлим шароити ва туристик имкониятлари
1.2. Табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари
1.3. Аҳолиси, унинг миллий хусусиятлари, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш жиҳатлари
1.4. Франциянинг туризм инфратузилма тармоқлари
1.5. Халқаро туризм бозорида Франциянинг тутган ўрни ва роли
1.6. Франция туризми соҳасининг ривожланиш босқичлари
1.7. Франциянинг асосий туристик районлари ва марказлари
1.8. Франция туризмида давлат сиёсати

1.1. Франциянинг табиий иқлим шароити ва туристик имкониятлари

Франциянинг географик жойланиши ва табиий иқлим шароити. Франциянинг расмий аталиши – Франция Республикаси. У Европанинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, шимолда Шимолий денгиз, Па-де-кале ва Ла-Манш бўғозлари, ғарбда Атлантика океанининг Бискай қўлтиғи, жанубда Франция Ўртаер денгизи сувлари билан ўралган. Шимолий-шарқда Бельгия, Люксембург, Германия, шарқда Швейцария, Италия, жанубий-шарқда Монако, жанубда Испания ва Андорра давлатлари билан чегараланади. Францияга Ўртаер денгизида жойлашган Корсика ороли, Атлантика океанидаги унча катта бўлмаган ороллар: Олерон, Ре, Бель-Иль, Нуармутье, Узссан ва бошқалар киради. Ундан ташқари мустамлакалари – денгиз ортидаги 4 та департаментлари: **Мартиника, Гваделупа, Реьоньон, Француз Гвианаси** ҳамда денгиз ортидаги территориялар – **Сен-Пьер ва Микелон ороллари, Майотт, Янги Каледония, Франция Полинезияси, Уоллис ва Футуна** ороллари Тинч океанида жойлашган. Мамлакатнинг умумий ер майдони 551 минг кв.км. Пойтахти – Париж шаҳри. Давлат тузими – президентлик республика. Давлат бошлиғи – президент. Олий қонун чиқарувчи органи-икки палатали (Миллий мажлис ва Сенат) парламент. Франция маъмурий жиҳатдан 22 та областдан иборат.

Табиий иқлим шароити. Франциянинг ер усти тузилиши хилма-хил бўлиб, бу ерда асосан (2/3 қисми) пастликлар, баланд текисликлар ва Париж ҳавзаси киради. Тоғ массивлари мамлакатнинг жанубий-шарқий (Альп тоғлари), жанубий ғарбида Пиреней тоғлари жойлашган. Мамлакатнинг энг баланд жойи Монблан (4807м.) чўққиси ҳисобланади.

Франциянинг йирик дарёлари **Сена (780 км), Рона (522 км), Луара (1020 км) ва Гиронна (650 км)** ҳисобланади. Мамлакатда кўллар кўп эмас. Уларнинг энг йириги – Женева кўлидир. Ушбу кўлнинг катта қисми Швецария ҳудудида жойлашган.

Франциянинг табиий иқлим шароити асосан мўътадил иқлимдан иборат. Яъни қиши юмшоқ, ёзи салқин. Мамлакатнинг жанубий қисмида Ўртаер денгиз соҳили, Корсика оролида, Рона пастекислигининг жанубида субтропик иқлим ҳукмронлик қилади. Францияда қиш ойларида (январ ойида) ўртача ҳарорат $+3^{o}$, ёзда (июл ойида) $+22^{o}$ ни ташкил қилади. Йиллик ўртача ёғин-сочин миқдори мамлакатнинг кўпчилик жойларида 600-800 ммни ташкил этади. Йиллик ёғин-сочин миқдори Альп, Вогез, Севени тоғларининг ғарбий ёнбағрларида 1500-2000 мм. гача етади.

Франция иқлими туристик жиҳатдан олганда жуда қулай. У совуқ Атлантика океани ва илиқ Ўртаер денгизи таъсирини белгилайди. Бу катта иқлим турланиши ва хилма-хил атмосфера таърифларини белгилашга имкон беради. Мамлакатнинг шимолий қисмида юмшоқ ва нам денгиз иқлими ҳукмрон, Франция жануби эса Ўртаер денгизи

иқлим зонасига киради, ўртача йиллик ҳарорат бу ерда нисбатан юқори даражада кузатилинади. Бу ерда ёғин миқдори кам ва йил давомида қуёшли кунлар сони кўп. Франциянинг тупроқ типлари асосан қўнғир ўрмон, чимли подзол, чимли карбанатли, Ўртаер денгизи бўйида қизил тупроқлар тарқалган.

Ўсимлик дунёси. Ўрмонлар мамлакат территориясининг 1/4 қисмини ташкил қилади. Ўрмонларда қорақайин, дуб, граб, арча, ёнғоқ, мамлакатнинг жанубида тропик ўсимликлардан пальмалар, цитрус ўсимликлари, агава, зайтун дарахтлари, Ўртаер денгизи соҳилларида асосан гарига ва маквис бутазорлари кенг тарқалган.

Ҳайвонот дунёси. Франция территорияси ҳайвонот оламига унчалик бой эмас. Бу ерда қуён, олмахон, тулки, ёввойи чўчқа, асл буғу, бўрсиқ, тийин, ёввойи ўрмон мушуги, қушлардан каклик, каптар, зағизғон, чил, тустовуқлар учрайди. Мамлакатнинг ички ва ташқи сув ҳавзаларида турли хил балиқлар овланади. Францияда ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаб қўриқлаш учун 49 та махсус қўриқхоналар, боғлар ва буюртмалар ташкил қилинган. Ҳар йили қўриқхоналарга 7 млн.дан ортиқ сайёҳлар ташриф буюришади.

1.2. Табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари

Франция – сайёҳликнинг классик мамлакати саналади. У дунёда энг машҳур туристик йўналишга эга. Франция халқаро дунёда энг машҳур туристик оқимларнинг 7% ини (2016 й. 82,6 млн. келиш) қабул қилади ва ушбу кўрсатгич бўйича катта ўзиш билан глобал туристик бозорда етакчилик қилади. Францияда туризмнинг иқтисодий аҳамияти беқиёс катта. Мамлакат ички ялпи маҳсулотида унинг улуши 6% га етди (таққослаш учун: қишлоқ хўжалиги улуши ундан 2 марта кам). «Туризм» статияси бўйича тўлов баланси сальдоси жуда салмоқли суммани ташкил қилади: 2013 йилда 56,9 млрд. долл. Туристик индустрияда 1 млн.га яқин ишловчилар банд. Агар тармоқнинг туристик сектор билан аралаш ишчи ўринларини эътиборга оладиган бўлсак, бу рақам тахминан икки мартага ортди.

Францияда туризмни тараққий эттириш имкониятлари. Франция Европанинг ғарбида жойлашган дунёнинг энг йирик туристик регионидир. У туристик-географик жойлашувнинг мутлақ қулай тугунига эга. Ғарб ва шимолда мамлакат қирғоқларини Атлантика океани ва Ла-Манш бўғози, жанубда Ўрта ер денгизи сувлари ювиб туради. Айни пайтда Франция бошқа иқтисодий ривожланган туристик мамлакатлар билан катта масофага чўзилган чегарага эга. 41 километрли Па-де-Кале бўғози уни Буюк Британиядан ажратиб туради. Европа асосий сув транспорти магистрали – Рейн Германия билан табиий чегара бўлиб хизмат қилади. Пиреней тоғлари бўйлаб Испания ва митти давлат Андорро, Ғарбий Альп ва Юра ўрмонли қияликлари Италия ва Швейцария билан чегара ўтади. Шимоли-шарқда Франция Бельгия ва Люксембург, жануби-шарқда князлик – Монако шаҳри билан чегараланади. Унинг территориал эгалиги (денгиз орти территориялари ва депортаментлари) Атлантика, Тинч ва Ҳинд океанларида жойлашган. У Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги кўп сонли собиқ мустамлакаларининг кўпчилигига кучли таъсирини сақлаб қолган.

Французлар кўпинча ўз мамлакатини «Lhexagone», яъни «олтибурчак» деб аташади. Ҳақиқатдан, у ўз шаклига кўра ушбу геометрик фигурани эслатади. Шу билан бирга бундай атама бошқа бирор номдан кўра табиий шароит ва маданий бойликка ғайриоддий хилма-хиллик бағишлайди. Ақлни лол қолдирадиган узуқ-юлуқ қирғоқ ва бухталар, ёввойи ўрмон ва экинзор далалар, тоғлар ва музликлар, тепаликлардаги қишлоқлар ва йирик тарихий-маданий марказлар, роман черковлари ва готик саройлар – буларнинг ҳаммаси Франция.

Дунёда «олтибурчак» билан тенглашадиган ва ландшафтларнинг бундай ранг-баранг палитрасини таклиф қиладиган мамлакатлар кам топилади. Франциянинг ғарбий ва шимолий районларини улуғвор текисликлар (Париж ҳавзаси ва бошқ.) ва паст тоғ

тизмалари эгаллаган, мамлакат майдонининг қарийб ярми уларга тўғри келади. Марказда ва шарқда улар ўртача баландликдаги тоғлар ва сўнган вулқонларнинг осмонўпар конусли чўққилари билан алмашинади (Марказий массиви, Вогез, Юра).

Жанубий-Ғарбда Пиренеянинг ёш тоғлари, жанубда Альпнинг қорли ўркачлари жойлашган. Улар устидан Франция ва Ғарбий Европада энг баланд чўққи-Монблан (4807м) ҳукмронлик қилади. Франциянинг 3 минг километрга чўзилиб кетган денгиз қирғоқлари натижада хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бретанидаги гранит устун қоялари, хушманзара Бискай кўрфази қирғоқ бўйларида қумлоқ уюмлари ястаниб ётади, бу ердаги кам сувликда французлар учун ғоят севимли бўлган устрицалар етиштирилади.Ўртаер денгизи марварид қўлтиқлари ва қумлоқ пляжлари билан гўзал манзара касб этади.

Альп тоғларининг денгизга кирадиган жойда Ўртаер денгизининг энг машҳур курорт зонаси – **Француз Ривьераси** жойлашган. У ғарбда Италия билан чегарадош Ментон шаҳридан ғарбда Тулон шаҳригача қирғоқ бўйлаб тор доирада – эни 20 км. узунлиги 230 км. масофага чўзилган.

Франция табиати ранг-баранг кўп қиррали. Унинг хушманзара ва алоҳида бебаҳо бурчаги Корсик оролида жойлашган ва бутун инсоният бойлигига киради. Жиролита ва Порто бурунлари, Пьяна шаҳридаги қўлтиқ ва ғайриоддий сайқалланган қояли табиат манзаралари Бутунжаҳон табиий мероси рўйхатига киритилган (1983й). Бутунжаҳон маданий-табиий мерос объектлари категориясига Франция ва Испаниянинг чегарасидаги Мон-Пердю тоғ райони ҳам инсон ва табиат ўртасидаги ажралмас алоқанинг намойиши сифатида киритилган (1997, 1999 йй). 30,6 минг гектар майдонда Европада энг чуқур икки дара (Испания томонда) ва уч йирик музлик цирк (Францияда) жойлашган. Бу ердаги ландшафт манзараси илгари Европа тоғ районлари учун анча типик бўлган қишлоқ хўжалиги укладини намойиш қилади. Аммо ҳозирги вақтда Пиреней тоғларининг фақат ушбу қисми сақланиб қолган. Ушбу даврлар ҳақидаги қишлоқ, дала ва фермалар, тоғ яйлови ва йўлигина эслатиб туради.

Ранг-баранглик Францияни тасвирлаганда асосий сўз бўлиб хизмат қилади. Мамлакат маданий мероси бойлиги бунинг тасдиғидир. Француз халқи Европа цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Ҳали Ўрта асрда 7 ерда таълимий марказ машҳур – Сорбонна университети ташкил этилганди, 7 асрлар давомида жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган ёш кишиларга ҳаётга йўлланма берган. Янги давр ва Маорифнинг буюк файласуфлари ва арбоблари номи Франция билан боғланган: Монтесике, Вольтер, Ж.Ж.Руссо, Дидро, Даламбер ва бошқ. француз илдизи архитектура ва санъатда шундай бадиий стилга эгаки, готикдан кечки («алангаланувчи готик»), классицизм, ампир, импрессионизм, реализм сингариларда чуқур сингиб кетган. Флобер, Гюго, Бальзак, Стендель, Жюль Верн ва бошқа ёзувчилар нафақат Франциянинг, балки бутун Европанинг фахри ҳисобланишади. Буюк француз рассомларининг сўнмас шуҳрати, виночиларининг маҳорати, тикувчиларининг донғи ушбу мамлакатга алоҳида мафтункорлик бахишлайди.

Францияда 40 мингга яқин маданий ёдгорликлар мавжуд. Париж ва бутун мамлакатни дунёга танитган **Эйфель** минораси ҳайратли иншоот, XIX аср техник тафаккури чўққиси ва тантанаси ҳисобланади.

Минора 1889 йилда Бутунжаҳон кўргазмаси учун француз муҳандиси Гюстов Эйфел томонидан яратилган. 15 минг металл деталдан пайвандланган енгил ва динамик конструкция Париж узра савлат тўкиб туради. Минорага бағишланиб шеърлар ёзилган, қўшиқлар тўқилган, картиналар чизилган, кинофильмлар олинган, ҳатто балет яратилган. У Эдит Пиаф ва Шарль Азнавур учун концерт майдони бўлган, 1983 йилда Мирей Матьени 100 миллион томошабин олқишлади.

Эйфел минораси – бу афсонага айланган ёдгорлик. Уни альпинистлар забт этишган, зинаси бўйлаб велосипедчилар ва мотоциклчилар чиқишган. Ундан парашютда сакрашган, миноранинг «оёқ»лари орасидан кичик енгил самолётда учиб ўтишган.

Жуда кўп жиҳатлардан минора ноёбдир. Миноранинг баландлиги (антенна билан) 324 метрдир. Унинг конструкция оғирлиги 10 минг тоннадан ошади. Оғирлик шундай тақсимланганки, тўрт таянчдан ҳар бирининг ерга босими, стулда ўтирган одам оғирлигидан ошмайди. Узоқ вақт у жаҳонда энг баланд қурилма бўлиб келди. Унинг кузатув майдони, бар ва ресторанларидан атрофга қарасангиз Парижнинг гўзал манзараси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Минора ишга туширилган 1889 йилдан 2005 йилгача ундан туриб 270 млн. киши шаҳар кўриниши ва теварак-атрофларини томоша қилган.

Энг яхши санъат асарларини мамлакатдаги 6 минг музей намойиш этади. Улар орасида энг машҳури **Лувр** ҳисобланади. Собиқ қалъа, турма, француз қироллари қароргоҳи, академия бўлган Лувр бугун жаҳондаги йирик музей шаҳардир. Унинг кўргазма майдони салкам 60 минг кв.м. ташкил қилади. Ҳар йили бу классик санъат кошонаси 9 млн.га яқин кишини қабул қилади.

Франциянинг энг кўп ташриф буюриладиган Маскани унвонини 1977 й қурилган Жорж Помпиду миллий санъат ва маданият маркази (3,6 млн. киши) ўз қўлида мустаҳкам сақлаб қолмоқда. У ўзида хайтек стилидаги қурилиш санъатининг юксак мувафаққиятини намоён этади. Унинг конструкцияси фасад ортига яширинган эмас, ташқарига ҳаммага кўринарли қилиб чиқарилган. Бинода ҳозирги замон санъати Миллий музейи жойлашган, вақтинчалик кўргазмалар ўтказилади. Шу ерда ҳамма учун очиқ кутубхона жойлашган.

Туристлар ўртасида **д'Ореэ** музейи (2,9 млн. киши) катта шуҳрат қозонган. У собиқ темирйўл вокзали залида жойлашган ва импрессионистлар асарларини тўпланиши шарофати билан машҳур бўлиб кетган, шунингдек «Ля Вильетт» фан-техника шаҳарчаси, Модалар музейи, инсон музейи ва бошқа диққатга сазовар жойлар туристлар кўп ташриф буюрадиган объектлар сирасига киради. Ушбу маданий-билиш туризми классик объектлари билан алоҳида монументал, шунингдек археологик ва номоддий маданий бойликлар рақоботлашади, «янги мерос» деб аталган бу объектлар яқиндан буён туристик мақсадларда фаол фойдаланилмоқда. Уларга саноат объектлари, «қишлоқ мероси», тарихий боғлар, маънавий мерос элементлари ва бошқалар киради.

Францияда сайёҳлар учун 700 дан кўпроқ ишлаб турган корхоналар очиқ. Ҳар йили улар 10 млн. дан кўпроқ кишиларни қабул қилади. Улар орасида энг машҳурлари – **«Грас»** атир-упа заводлари, **«Рокфор»** жамияти корхонаси, Ля-Ранедаги қуйилувчи гидроэлектростанция. Бургундияда XII-XIII аср эски конлари ва темирчилик ўчоқларига туристлар ташрифи учун махсус маршрутлар очилган.

Франция тарихига қизиқиш турли объектларнинг **«қишлоқ мероси»** деган умумий тушунчасини сақлаб қолиш имконини берди, қайсиким у маданий қишлоқ ландшафтини қўллаб-қувватлашда иштирок этмоқда. Булар йўл бўйидаги хочлар, тегирмонлар, каптархоналар, типик деҳқон уйлари, фермалар ва ҳ.к. Улар билан бир қаторда туристларни тарихий боғлар, қўпинча роль ўйновчи ўзига хос музейлар кўпроқ қизиқтиради. **«Виландри»** боғи халқаро эътирофга қозонган (йилига 350 минг томошабин келади), унда 10 табиат зонаси ўсимликлари намойиш этилган.

Франциянинг номоддий бойликларини алоҳида эслатиб ўтиш жоиз. Булар миллий анъана ва урф-одатлар, ҳунармандчилик, пазандалик санъати (француз таомлари жаҳонда энг хилма-хил ва лаззатли ҳисобланади), шунингдек одатда жуда кўп сонли ташриф буюрувчиларни жалб этадиган турли маданий воқеалардир. Булар энг аввало, карнаваллар (Ницца) ва фестиваллар, мавзуси фавқулодда хилма-хил бошқа маданий тадбирлардир. Францияда ҳар йили тахминан 2000 та атрофига хилма-хил фестиваллар уюштирилади, улардан 32% классик мусиқага, 16% - кино, 10% - жаз, 7% - рақс, 6% дан-театр ва варьетега бағишланади. Канн шаҳрида энг йирик кинофестивал ўтказилади. Тематик кинофестиваллар – детектив **Коньяк** шаҳрида, америка кинолари – Довиль шаҳрида, мультфильмлар – Ангулем шаҳрида намойиш этилади.

Театрлаштирилган тадбирлар орасида асосан ўтмиш буюк воқеалари акс этган спектакллар ажралиб туради, уларда Франция тарихига кенг ўрин берилган.

Мамлакат тарихий-маданий бойликлари ЮНЕСКО нинг бутун жаҳон мероси рўйхатига киритилган объектлари тўлиқ тасаввур беради. 2007 йил 1 январда Францияда жойлашган 28 объект Бутунжаҳон маданий мероси номинацияси бўйича рўйхатдан ўтди:

1979 й – Шартр шаҳрида кафедрал собор-француз готик санъатининг юксак намунаси;

1979 й – Везер дарёси бўйлаб ғорлардаги қоя расмлари;

1979 й – Мон-Сен-Мишель ансамбли, кўрфаз билан, Бенедикт монастри, XI-XVI асрлар даврида қурилган. **«Ғарбнинг мўжизаси»** деб тан олинган. У қояли яриморолда жойлашган, сув қуйилган пайтда оролга айланади;

1979 й – Версалдаги сарой ва парк: Версал саройи юз йилдан кўпроқ вақтдан буён бутун Европа учун қироллик қароргоҳининг идеал намунаси ҳисобланади;

1979 й – Бургунд роман санъати дурдонаси ва Мадлен черков монастри архитектураси (XII аср) ва Везелдаги тепалик;

1981 й – Амьен шаҳридаги кафедрал собор; «XIII аср йирик классик» готик черковларидан бири.

1981 й - Фонтенедаги Цистерциан монастри;

1981 й – Фонтенбло саройи ва парки;

1981 й – Арль шаҳридаги Қадимги Рим ва роман ёдгорлиги;

1981 й – Оранж шаҳридаги триумфаль арк билан қуршалган Қадимги Рим театри;

1983 й – Арк-э-Сенандаги қироллик туз заводи;

1983 й – Сен-Савен-сюр-Гартон черкови, «Роман Сикстин капелласи» сифатида машҳур, «жуда кўп ажойиб ва яхши сақланган деворий ёзувларга эга;

1983 й – Нанси шаҳридаги Плас-д'Альянс, Плас-дела-Карьер, Плас-Станислас майдонолди;

1985 й – Қадимги Рим Пон-дю-Гар акведуки;

1988 й- Гранд-Иль-Страсбургнинг тарихий маркази, XV-XVIII асрлар атоқли ёдгорликлар мажмуи билан;

1991 й – Нотр-Дам кафедраль собори, собиқ Сен-Реми монастри ва Реймс шаҳ. То саройи;

1991 й – Париждаги Сена қирғоқлари, Париж эволюцияси ва унинг бутун тарихи ҳақида тасаввур беради;

1992 й – Бурж шаҳридаги кафедраль собор - XII аср охирлари – XIII аср охирлари готик санъати улуғвор дурдоналаридан бири, ўзининг дизайни ягоналиги ва пропорцияси билан ҳайратга солади;

1995 й – Авиньон шаҳри тарихий маркази, XIV асрда Папа қарогоҳи;

1996 й – Канал – дю- Миди (Жанубий канал), Ўртаер денгизини Атлантика билан бирлаштиради. Янги давр фуқаро муҳандисликнинг ажойиб дурдонаси;

1997 й – Ўрта аср мустаҳкамланган Каркасон шаҳри юксакликнинг намунаси;

1998 й – Лион шаҳрининг тарихий қисми;

1998 й – Франциядаги тўрт йўл, Ўрта асрда улардан сан-саноқсиз зиёратчилар Испаниянинг Сантьяго –де-Кампостел шаҳрига йўл олишган;

1999-2005 йиллар – Бельгия ва Франциядаги XI-XVII асрлар қўнғироқлари;

1999 й – Сент-Эмильон виночилик райони, хушманзара ландшафти билан, тўлиқ узумчилик билан шуғулланган, шаҳар ва қишлоқларида ажойиб тарихий ёдгорликларга эга.

2000 й – Сюлли-сюр-Луардан Шалонгача бўлган Луар водийси, ажойиб маданий ландшафтга эга,хушманзара, тарихий шаҳар ва қишлоқлар, улуғвор архитектура ёдгорликлари – қўрғонларни ўз ичига олади;

2001 й – Провен, ўрта аср ярмаркалар шаҳри;

2005 й – Гавр – иккинчи жаҳон урушида шафқатсиз бомбардимондан жабрланган шаҳар, тикланган О.Пере, ягона бойликлар билан ажралиб туради.

Табиий ва тарихий – цивилизацион омиллар билан бир қаторда туристик фаолият истиқболи учун мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси муҳимдир. Франция – етакчи ғарб далатларидан биридир. Шарль де Голль – Бешинчи республика биринчи президенти – 40 йилдан кўпроқ илгари шундай «саноат цивилизацияси» ни қуриш вазифасини қўйгандики, унга кўра инсон нафақат қурол, балки пировард мақсад бўлиши зарур эди. Франция ўз вақтида ушбу моделни бутун дунёда америка устунлигига қарши тарқатишга ишонган эди ва ягона Европа қурилишида энг фаол иштирокчига айланди.

Францияда тараққиёт моделини қабул қилиниши ижтимоий бозор иқтисодиётининг турли кўринишлиги ҳисобланади. У иқтисодиётга бозор бошланишида давлатнинг кучли аралашуви билан органик қўшилиб кетади, янада юқорироқ солиқ билан ижтимоий таъминот кафотланади. Ушбу модел айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаган ҳолда мамлакатни қатор устунликлар билан таъминлади. Унинг шарофати билан аҳоли турмуш фаровонлигининг юқори даражасига эришилди, ижтимоий адолат ва бозор самарадорлиги қарор топди. Франция аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича барқарор равишда жаҳон биринчи ўнлигига киради. Инсон потенциали тараққиёти индекси бўйича эса сўнгги йилларда у 177 мамлакат орасида 16-ўринни эгаллади. Мамлакат ички ялпи маҳсулоти – ЯИМ нинг тахминан 30% ижтимоий эҳтиёжлар учун сарфланади. Аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши – дунёда энг юқорилардан биридир. Расман белгиланган 39 соатлик иш ҳафтаси Европада энг қисқа. Аҳолининг эришилган турмуш даражаси, инсон ривожланишига маблағ ажратилиши истеъмол структураси ўсишига олиб келди, унда туризм муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар йили 65% дан кўпроқ французлар тадбирни уйдан ташқарида ўтказишади. Уларнинг нисбатан кам таъминланган қисми ижтимоий туризм (дотацияланган) имкониятларидан фойдаланишади.

Умум фаровонликни таъминловчи француз иқтисодиёти ютуқлари жамоат ишлаб чиқаришининг юқори самарадорлиги туфайлидир. У турмуш фаровонлиги кўринишида улкан бойлик тўплаш имконини берди, шу жумладан, туристик соҳада ҳам, мамлакатда туризмнинг замонавий инфратузилмаси яратилди. Туристик профилдаги 196 минг корхона, шу жумладан, 39 минг отел ва бошқа жамоавий жойлаштириш воситалари мавжуд. 106 минг ресторан, 47 минг қаҳвахона, 4 минг турагентлик фаолият кўрсатади. Туристик секторга сезиларли инвестиция киритилаяпти. Уларнинг ҳажми 85 млрд. еврони ташкил этди, унинг асосий қисми меҳмонхона-ресторан мажмуига (42%) йўналатирилди. Миллий ва халқаро даражада кпитални тўпланиши ва марказлаштирилган ва бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви ва Франция туризм индустриясида капиталлашув жараёни кечиши қудратли трансмиллий компаниялар тузилишига олиб келди («**Аккор**» меҳмонхоналар занжири, «**Ўртаер денгиз клуби**» туристик қишлоқлар занжири ва бошқ.) ва глобал туристик бозорда уларнинг ўрнини мустаҳкамлади.

Франция Европа иттифоқини тузиш ташаббускорларидан бири ҳисобланади. 1945 йилдан бошлаб Европа қурилиши мамлакат ташқи сиёсати марказида турибди. Ўша вақтдан бошлаб Франция барча президентлари Европани иқтисодий жиҳатдан кучли ва жаҳон майдонида ҳурматли қилиш учун умумевропа пойдеворини мустаҳкамлаш устида ишладилар. Интеграция жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш Европа иттифоқи (ЕИ)ни тузишга олиб келиш билан бирга француз туризми индустриясини модернизациялаш ва регионларда туризмни ривожлантиришнинг қудратли ошишига айланди.

Франциянинг диққатга сазовор жойлари: Нотр – Дам черкови. Нотр – Дам де Пари – Франциянинг бош черкови ҳисобланади. Ушбу бино Европадаги энг йирик, беқиёс такрорланмас чиройли черковлардан бири ҳисобланади. У ўрта аср архитектураси асосида қарийиб 100 йил давомида қуриб битказилган. У Париж шаҳрининг қоқ марказида жойлашган. Черковнинг миноралари, бинонинг чўққисидаги найзалари, уларнинг узоқдан

кўринишлари кишида жуда катта таъсуротлар қолдиради. Нотр – Дам черкови католик динига этиқод қилувчи зиёратчиларнинг асосий марказларидан бири саналади.

Елисей саройи ва Триумфаль арки. Триумфаль арки ёки завар дарвозаси (пештоқи) император Наполеон буюртмаси билан қурилган. Бу улкан иншоот 50 метр баландликка эга бўлиб, жуда чиройли қилиб ишланган. Париж шаҳрига ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ ушбу даргоҳга албатта қадам ранжида қилишади.

Орсэ музейи ҳам Париж шаҳридаги таниқли музейлардан ҳисобланади. Бу музейда классик ва замонавий санъат намуналарини кўриш мумкин. Музей кўп қаватли бинодан иборат бўлиб, унинг кенг залларида Моне, Дега, Ван Гога, Делакруа ва бошқа таниқли рассомларнинг ишларини учртиш мумкин.

Пер-Лашез қабристони. Ушбу қабристон Франциядаги энг қадимги ва «Шоирона» қабристонлардан бири саналади. Ушбу қабристон ҳудудига мамлакатнинг энг машҳур кишилари дафн қилинган бўлиб, жуда катта тарихга эга. Бу қабристонда буюк француз драматурги Мельер, ёзувчи Оскар Уайльд ва унитилмас Эдит Пиаф ва бошқалар дафн қилинганлар.

Сакре – Кер, Монмартр, Мулен Руж. Париж шаҳридаги энг баланд Монмартр тепаликда жойлашган. Сакре-Кер подшо саройи. У 1909 йилда қурилган. Бинонинг айвонидан туриб, бутун Париж шаҳрини тамошо қилиш мумкин. Монмартр тепалигига фуникулер (осма трамвай)да чиқилади ва афсонавий парижликларнинг Мулен Руж кабареси (артислар ресторани)га дуч келасиз.

Сарбонна ва Лотин квартали. Париж шаҳрининг яна бир диққатга сазавор жойларидан бири бу Сорбонна ҳисобланади. Кўп асрлардан буён бу Сарбоннада илм-фан гуллаб-яшнаб келмоқда. 1257 йилда Сарбон университети ташкил этилган. Университетда ақонд ёки илоҳиёт (дин тарихи ақидалари ҳақидаги назарияси) бўйича дарс ўтилади. Ушбу университет Европадаги энг қадимги олий даргоҳлардан бири саналади. Лотин кварталига ташриф буюрсангиз қадимги даврларда юргандай бўласиз.

Жорж Помпиду Маркази ва «Бобур». Париж шаҳрининг марказий қисмида Жорж Помпиду номи билан аталадиган ҳозирги замон санъат ва маданият маркази қурилган. Парижликлар бу марказни «Бобур» деб аташадилар. Ўзига хос конструкция асосида қурилган бу бино сайёҳларда таажубланиш ёки айиблаш ҳис-туйғуларини уйғотади. Бинонинг томи устига чиқиб шаҳарнинг қадимий ва замонавий кўринишларини кузатиш мумкин.

Пикасо музейи. Бу Европадаги энг ажойиб тасвирий санъат музейларидан ҳисобланади. Музейда Пикассонинг 2000 тага яқин асарлари кўргазмага қўйилган. Унинг расмлари хронологик тамойилларга асосланиб жойлаштирилган.

Роден музейи. Роден музейи Франция пойтахтидаги энг машҳур ва таниқли музейлардан саналади. Лувр ва Орсе музейларидан кейин Роден музейи ўзининг машҳурлиги жиҳатидан сўнг учинчи ўринни эгаллайди. Роден уй музейи ажойиб боғга эга бўлиб, кўплаб туристларни ўзига жалб қилади.

Сен – Мишель қальаси. Ушбу қалъа Франциянинг Нормандия ҳудудида жойлашган бўлиб, сайёҳларнинг ташриф буюришига мамлакатда Париж шаҳридан кейин иккинчи ўринда туради. Сен – Мишель қалъаси VII асрда оролда қурилган. Бу ерда денгиз сувининг кўратилиши ва қайтиши ҳодисаларини кўриш мумкин.

Амбуаз қалъаси. Амбуаз қалъаси Луара водийсида жойлашган бўлиб, у қироллар Карл VIII, Франциск 1 ва Леонардо да Винчи номлари билан боғланган. Леонардо да Винчини бу ерга қирол Франциск олиб келади ва унга ишлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиб беради. Буюк рассом бу ерда 3 йил яшаб вафот этади. У амбуаз қалъаси ичига дафн қилинган.

Шамбор қалъаси. Шамбор қалъаси шахсан Леонардо да Винчи томонидан лойиҳа қилинади. Ушбу қалъа Франциск I томонидан қурилади.

1.3. Аҳолиси, унинг миллий хусусиятлари, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш жиҳатлари

Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг сони 66,2 млн. киши атрофида бўлиб, унинг 95% ини французлар ташкил қилади. Бу ерда эльзас, лотаринглар, бретонлар, фламандлар, каталонлар, басклар, немислар, корсикаликлар, яҳудийлар, итальянлар, португаллар, испанлар, польяклар, жазоирлик араблар, турклар, марокашлар ва бошқалар ҳам яшайди.

Францияда расмий давлат тили-француз тилидир. Франция аҳолисининг умумий сони бўйича дунёда 21-ўринни, зичлиги бўйича Европада 14-ўринни эгаллайди. Мамлакатда аҳолининг 3/4 қисми шаҳарларда яшайди. Париж шаҳри атрофида ва Ўртаер денгизи соҳилларида аҳолининг ўртача зичлиги анчагина юқори 1 кв.км.га 250-300 киши тўғри келади. Франция аҳолисининг кўпчилиги католик (90%), протестант (3%), мусурмон (6%), иудей (1%) лар динига эътиқод қилишадилар.

Франциянинг салкам 26 млн. аҳолиси фаол аҳоли тоифасига киради. Улардан 19,5 миллиони доимий иши билан банд бўлганлар ва 3,1 миллиони ёки фаол аҳолининг 12,5 фоизи ишсиздир. Мамлакатда эркаклар аёлларга қараганда кўпроқ, яъни барча аҳолининг 53 фоизини эркаклар, 47 фоизини аёллар ташкил этади.

Франциянинг йирик шаҳарлари – Париж-10 млн. киши, Марсель (1,3 млн. киши), Лион (1,7 млн. киши), Лилль (1,1 млн. киши), Бордо (400 минг киши), Тулуза (380 минг киши), Ницца (350 минг киши), Нант (300 минг киши), Страсбург (270 минг киши), Тулон (250 минг киши), Руан (200 минг киши) ва бошқ.

Франция иқтисодиёти. Франция - Ғарбий Европадаги энг йирик давлатдир. У ҳудудий жиҳатдан Европа Иттифоқида биринчи ўринни эгаллайди. Мамлакат ер майдонининг учдан икки (2/3) қисми текисликдан иборат. Мамлакатнинг 82 фоиз ҳудудини, аниқроғи 45 млн. гектар майдонини қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорлар эгаллайди. Ўрмонзорлар салмоғи жиҳатидан Франция Европа Иттифоқида Швеция ва Финляндиядан кейинги учинчи ўринда туради.

Франция жуда тараққий этган индустриал – аграр давлат. У кўпгина ерости қазилма бойликларига ҳам эга. Яъни бу ердан темир рудаси, тошкўмир, уран рудаси, боксит ва калий тузи кўп миқдорда қазиб олинади. Франция ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва саноат моллари ишлаб чиқариш жиҳатидан у дунёда тўртинчи (АҚШ, Япония, Германиядан кейинги) ўринни эгаллайди. Четга маҳсулот экспорт қилиш (асосан машина ва замонавий технологиялар) бўйича ҳам тўртинчи, қимматли заҳираларга эгалиги бўйича эса учинчи (АҚШ ва Япониядан кейинги) ўринни банд этган. Шунингдек, Франция Европада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва четга экспорт қилиш борасида биринчи ўринда туради. Франция саноати маҳсулотлари космос, авиасозлик, алоқа ва телекоммуникация, энергетика, информатика, транспорт тараққиёти ва медицина соҳасида муҳим рол ўйнайди. Мамлакат Ғарбий Европадаги интеграциялашув жараёнларида ҳам фаол иштирок этади.

1.4. Франциянинг туризм инфратузилма тармоқлари

Транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқлари. Туризм – фаолият тури сифатида туристларни доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши ва қайтиши билан узвий боғланган. Уни транспорт таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Транспорт воситаси туристик инфратузилманинг муҳим элементи ҳисобланади ва туристик маҳсулотлар таркибига киритилган асосий комплекс хизматларни ташкил қилади.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) туризм мақсадларида қўлланиладиган транспорт воситаларини уч турга классификациялайди: қуруқликда, сувда ва ҳавода ҳаракатланувчи.

Қуриқликда ҳаракатланиш воситаларидан туризм мақсадларида кўпроқ автомобил ва темирйўл транспортларидан фойдаланиш мақбул ҳисобланади.

Автомобил транспорти туризмда энг кўп ва кенг миқёсда фойдаланилади. Чунки у туристларни «эшикдан эшиккача» элтиб қўйишни таъминлайди. Ушбу мақсадларда мунтазам йўловчи ташиш учун рейс автобуслари ва номунтазам – туристик корхонанинг хусусий транспорти ва туристнинг шахсий транспорти қўлланилади.

Темир йўл транспорти ўрта масофаларга туристларни мақбул нархларда тез ва қулай шароитда етиб боришларини таъминлайди. Алоҳида ҳолларда темирйўл транспорти туристик саёҳат мақсадларида ҳам фойдаланиши мумкин.

Сув транспорти воситалари орасида сув ости (экскурсия сув ости қайиқлари) ва сув усти (теплоходлар, саёҳат кемалари, денгиз паромлари, сайр кемалари, яхталар, катерлар) транспортлари фарқланади. Туризмда сув транспорти воситалари таъминоти билан боғлиқ масалалари асосан денгиз ва дарёда туристик мақсадларда мунтазам ва номунтазам йўловчи ташиш мисолида қараб чиқилади.

Ҳаво транспорти воситалари таркиби хилма-хил транспорт воситаларини қамраб олади ва у фуқаро авиациясидан тортиб, то экзотик ҳисобланган ҳаво шарлари, дельтапланларни ўз ичига олади. Туризмда ҳаво транспортининг қўлланилиши аввало авиацияда йўловчи ташишдан фойдаланиш сифатида кўриб чиқилади. У рейсли ва чтартерга классификацияланади, яъни буюртмалар асосида бажарилади. Ҳаво транспортининг муҳим хусусияти шундан иборатки, у нисбатан жуда қимматлигига қарамай, бу юқори тезлиги, шинам ва қулайлиги билан туристларни олис масофаларга ташишда сўзсиз етакчи ўринни эгаллайди.

Автомобил транспорти. Францияда автомобилда ташиш - туристик ташишларнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Шубҳа йўққи, автомобилда ташишга юксак сафарбарлик, юқори тезкорлик, мақбул нарх, қўниб ўтишга зарурат йўқлиги, шунингдек ҳаракат графигини осон ўзгартириш кабилар хосдир.

Автобус туризми, туризмнинг энг муҳим ривожланган турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг илк бор ривожланиши XX асрнинг 70 йилларига тўғри келади. Бу давргача дунёнинг турли мамлакатларида автобуслар асосий трансферлар, экскурсиялар ва маҳаллий сафарлар учун фойдаланилган.

Ҳозирги кунда жуда кўпгина ривожланган мамлакатларда шу жумладан, Францияда фойдаланиш муддати 8 йилдан ошган автобусларни туристик йўналишларда ишлаши қатъий таъқиқланган. Европа қонунчилигига мувофиқ автобуслар ҳар олти ойда ҳамма томондан синчиклаб техник кўрикдан ўтказилиши шарт.

1995 йил 24 апрелдан бошлаб, Европа конвенцияси қарорига мувофиқ транспорт воситалари экипажларига ўринлар сони 9 дан кўп бўлган халқаро ташишда иштирок этадиган барча автобусларни **тахограф** билан жиҳозлаш мажбурияти юкланади. Агар бу прибор бўлмаса автобусдан фойдаланиш қатъий ман қилинади.

Туристларни ташишда хусусий автобуслардан фойдаланиш сафарларни ташкил қилишда, оммавий истеъмолчиларни кўпроқ жалб этишда кенг истиқболлар очмоқда. Айниқса бу туристик оқимларни «занжирли» кўринишда ташкил қилишда жуда қўл келади, яъни автобус ёки бир нечта туристик автобуслар гуруҳлар йиғиладиган жойдан уларни белгиланган манзилга тўлиқ юкланиш билан олиб бориш, олиб келиш рейслари самарадорлигини оширади. Ижарага олинган транспортдан фойдаланиш хусусий туристик автобусларни сотиб олиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммолардан холидир. Автобусларни ижарага олиш зарур айланма маблағига эга бўлмаган туристик корхона ва компания учун самаралироқдир. Туристнинг шахсий автомобил транспортидан фойдаланиш ўзида туристик саёҳатнинг алоҳида кўринишини намоён этади ва автосафарлар деб аталади. Уларни ташкил этиш пухта тайёргарлик ва режалаштиришни талаб қилади.

Туристик хизмат кўрсатишда фойдаланадиган хизматлар специфик тури бўлиб автомобилларни прокатга бериш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакат бўйича йўловчиларни ташишда автомобил транспорти алоҳида аҳамиятга эга. Автомобил йўллари мамлакат бўйича жуда зич жойлашган бўлиб,

уларнинг умумий узунлиги 951.500 км.дан ошади. Мамлакатдаги автомобил йўллари 3 гуруҳга бўлинади:

1. Автотранспортлар. Бу йўллар А ҳарфи билан белгиланади. Автомобиллар тезлиги 130 км/с белгиланган. Трассада ҳар 50 км.да ёқилғи қуйиш шахобчалари мавжуд. Йўл темир бетонлар билан бир-биридан ажратилган. Трассада светофорлар ва йўловчилар ўтиш жойлари йўқ.

2. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар. Улар N ҳарфи билан белгиланади, автомобиллар тезлиги 90 км. соатдан то 110 км/с. гача кўрсатилган.

3. Департамент йўллари. Уларнинг белгилар Д ҳарфи. Ушбу йўлларда автомобил тезлиги 90 км) соат қилиб белгиланган.

Шаҳарларда автомобиллар тезлиги 50 км/ соат қилиб белгиланган. Хавфсизликни таъминлаш учун қайишдан фойдаланиш шарт қилиб қўйилган. Автомобилда болаларни олиб юриш (10 ёшга) махсус ўриндиқларда амалга оширилинади.

Туристларни темирйўл транспортида ташиш. Туристларни темирйўлда ташиш туризм транспорт таъминотининг самарали воситаси ҳисобланади. Саёҳатнинг юқори шинамлиги, юқори тезлик ва мақбул нархларда туристлар гуруҳини ихчам жойлаштириш бу транспорт турини кичик ва ўрта масофаларга ҳаракатланишда рақобатбардошлигини оширади. Темирйўл транспортидан ички ва чегара яқини туризмини шунингдек, сайру тамошо, экскурсион сафарлар ва дам олиш кунлари туризмини ташкил этишда кўпроқ фойдаланилади.

Аҳоли марказларидан олисдаги курортлар, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш масканлари темийўллар туристик саёҳатга поездлар таъсирини кучайтирди. Кейинги йилларда поездлар бошқа транспорт воситаларига нисбатан хавфсизроқ, тез ва шинамроқ бўлиб қолдилар. Ҳозирги кунга келиб, темирйўллар замонавий барча маиший қулайликлар – шу жумладан, электр ёритиш, буғ билан иситиш, ухлаб кетадиган вагонлар, вагон-ресторанлар ва ҳатто ваннахоналарни таклиф қилиши мумкин.

Франция туризмининг тараққий этилишида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрни ва роли бениҳоят каттадир. Бу тармоқлар ичида **темир йўл транспорти** алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатда темирйўл транспорти жуда яхши тараққий этган. Темир йўлларнинг умумий узунлиги 29.370 км.ни ташкил қилади. Франция темир йўларнинг зичлиги бўйича Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида Германиядан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Мамлакатнинг энг йирик шаҳарлари тез юрар поездлар. («Trains f Grande Vitesse») билан боғланганлар. Ушбу тезюрар поездлар тезлиги соатига 320 км.ни ташкил қилади. Мамлакатда темирйўлларнинг асосий қисми электрлаштирилган ва замонавий қўлай таъминланган.

Туристларни авиация (ҳаво) транспортида ташиш. Авиация (ҳаво) транспорти нисбатан тез ва динамик ҳолда ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. У умумжаҳон транспорт тизимида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Олис масофаларга туристик саёҳат ташкил этишда авиацияда ташиш амалда муқомли воситадир. Авиация транспортидан фойдаланиш, шунингдек ўртача масофаларда тарқалган. Ички йўналишларда туристларни самолётда ташиш ҳам анча қулай ҳисобланади.

Жаҳонда 1300 дан кўпроқ авиакомпаниялар мавжуд бўлиб, авиарейсларда ҳар йили ўртача 1.5 млрд. киши ташилади. Халқаро ҳаво алоқаларига хизмат кўрсатишда жаҳоннинг 1 мингтадан ортиқ аэропортлари иштирок этади. Улардан 650 га яқини мунтазам халқаро ҳавода авиаташишларни таъминлайди. Ҳозирги вақтда халқаро ташиш тармоқлари барча географик ҳудудларни қамраб олган ва улар 190 дан зиёд давлатларни боғлайди.

Ҳозирги кунда Франция аэропортлар умумий сони 475 та бўлиб, шулардан 295 таси асфальтланган ёки бетонланган учиш-қўниш йўлларига, қолган 180 таси оддий ер усти йўлларига эга. Франциянинг энг йирик аэропорти – **Руасси – Шарль-де-Голль** аэропорти ҳисобланади. У Париж шаҳридан 25 км узоқликда жойлашган бўлиб, 1974 йилда қуриб битказилган. Ушбу аэропорт Франциянинг президенти генерал Шарль-де-Голль номига

қўйилган. Аэропорт дунёдаги 10 та энг йирик аэропортлардан бири саналади. Унда 8 та терминаллар мавжуд: 1,2A, 2B, 2C, 2Д, 2F, 2E, 3. Иккинчи терминал Air France авиакомпаниясига тегишли, аммо айрим пайтларда бошқа авиакомпания самолётларини ҳам қабул қилишади. Учинчи терминал асосан чартер ва бюджетли авиакомпанияларга хизмат кўрсатишади. Аэропортда ҳар 7 минутда келиб-кетувчи бепул автобус қатнови йўлга қўйилган. Аэропортда магазинлар, ресторанлар ва барлар бутун сутка давомида хизмат кўрсатишади. Аэропорт ҳар куни 1400 рейсдан ортиқ самолётларни қабул қилиб олади ва жўнатади. Ҳар куни 150 мингдан кўпроқ йўловчиларга хизмат кўрсатишади. Ҳозирги кунда Францияниng Air France авиакомпанияси дунёнинг барча мамлакатлари билан алоқани ўрнатган.

Францияниng иккинчи муҳим аэропорти **Париж-Ле-Бурже** Париж шаҳрининг шимолий-шарқий қисмида, шаҳардан 12 км. узоқликда жойлашган. Ҳозирги пайтда у бизнес – классли самолётлари билан хизмат кўрсатади. Бу аэропортда доимо машҳур самолётлар кўргазмаси ўтказилиб турилади.

Францияниng учинчи йирик аэропорти – **Париж-Орли** аэропортидир. У Париж шаҳридан 14 км. узоқликда, шаҳарнинг жанубий томонида жойлашган бўлиб, асосан мамлакатнинг ички қисмида учадиган йўловчиларга хизмат кўрсатишади.

Францияниng яна бир транспорт тармоқларидан бири – бу **метро** ҳисобланади. Метро Париж, Лион, Марсель, Лилл, Тулуза, Ренне шаҳарларида ишлаб турибди. Руане шаҳрида тез юрар ер ости трамвайи ҳам мавжуд.

Туристларни денгиз ва дарё транспортида ташиш. Денгиз ва дарёда туристларни ташиш одатда йўловчи ташиш, экскурсия саёҳати, паромлар ва сайр кемаларида саёҳат кўринишида амалга оширилади.

Денгиз ва дарёда туристларни ташишларни таъминлаш махсус туристик компаниялар томонидан амалга оширилади (кемачилик, сайр кемалари компаниялари), улар кўп ҳолларда туроператорлар ролида чиқадилар.

Одатда туристларни ташиш учун сувости қанотларига эга тез юрар кемалардан фойдаланилади, улар нисбатан манзилга тез элтишни таъминлайди. Рейсли йўловчи кемаларда туристларни ташиш олдиндан бронлаштирилган билетлар асосида амалга оширилади. Бошқа транспорт ташкилотлари сингари кемачилик компаниялари туристлар тоифаси ва саёҳатчилар сонига қараб имтиёзлар ва чегирмалар тақдим этишади.

Франция туризмида денгиз ва дарёда сайёҳларни ташишлар тури асосан сайр-саёҳат кемалари ҳисобланади. Бу – **Круизинг** деб аталади. У туризм шаклларининг бири бўлиб денгиз бўйи туризми ва дам олиши ҳисобланади.

Франция меҳмонхоналари. Францияда туристларни жойлаштириш воситаларининг асосини отеллар ташкил қилади. Отеллар расман 6 та категория (тоифага) бўлинади: юлдузсиз отеллар, бир юлдузли (1*), икки юлдузли (2*), уч юлдузли (3*), тўрт юлдузли (4*) ва тўрт юлдузли Lux (4*L). Франция меҳхоналаридаги номерларда одатда икки кишига мўлжалланган ёки 2 та бир кишилик диван краватлар жойлаштирилган. Мабодо болалар бўлса, улар учун қўшимча яна битта кровать қўйиб берилади. Ҳар бир юлдузли меҳмонхоналарда 30 еврони такил қилади. Тўрт юлдузли отелларда бир кеча тунаш учун 180 евро харажат қилишга тўғри келади. Ўртача қўлайликларга эга бўлган (2*) отелларда бир кеча тунаш учун 60 евро, уч юлдузли (3*) отелларда эса – 75-80 евро тўланади. Умуман олганда Францияниng деярли кўпгина шаҳарларида 2*-3* меҳмонхоналар кенг тарқалган.

Францияда меҳмонхоналардан ташқари сайёҳларни жойлаштирадиган хоналар ва квартиралар ҳам таклиф этилади. Бундай хоналар ва квартиралар хусусий уйларда амалга оширилинади. Бундай жойларда яшаш учун ўртача нарх бир ҳафта учун 230-350 евро атрофида белгиланган. Францияда ўз шахсий автомобилга эга бўлган сайёҳлар турабазалар ва кемпинглар хизматидан фойдаланилади.

Ҳозирги кунда Францияда махсус жиҳозланган кемпинглар сони 9 мингдан ошади. Бир кунлик кемпингда яшаш сайёҳ учун 10-25 еврони ташкил қилади.

Ҳозирги кунда бутун Франция мамлакати бўйлаб отеллар, мотелларнинг умумий сони 18 мингтадан ошади. Бу ерда бутун дунёга номи кенг тарқалган отеллар мавжуд. Улар қаторига Pitz Palace 5* Paris отели киради. Ундаги Шопен, Хемингуэя, Элтон Джон, Екат Фитцджеральд номерларининг бир кечалик нархи 3 минг еврони ташкил этади.

Hotel Meurice. Ушбу меҳмонхона Париж шаҳридаги энг ажойиб беш юлдузли меҳмонхоналардан бири ҳисобланади. Бу етти қаватли бино бўлиб, Людовек XV давридаги ҳашаматли стилда қурилган ва безатилган. Меҳмонхонада 160 та номерлар ва 42 та апартаментлар мавжуд. У Париж шаҳрининг қоқ марказида жойлашган. Унда энг машҳур номи чиққан ресторани бор. Меҳмонхонада хилма-хил хизмат кўрсатиш турлари мавжуд. Меҳмонхона шаҳардаги савдо марказига жуда яқин жойлашган ва жуда кўп қулайликларга эга.

Отель Grand Hotel Des Alpes. Ушбу меҳмонхона альп курортлари томонида жойлашган бўлиб, у 1840 йилда қурилган. Меҳмонхона тўрт юлдузли тоифага эга. 2004 йилда қайтадан қурилди ва ажойиб кўркамли кўринишга эга бўлди. Меҳмонхона номерларидан Монтиан тоғларини кўриб тамошо қилиш мумкин.

Отель Hotel Palazzu U Domu. Бу меҳмонхона Францияниинг Корсика оролида жойлашган бўлиб, у тўрт юлдузли тоифага эга. Меҳмонхона оролдаги Ayrro манзилгоҳида ўрнашган. Отель замонавий дизайн асосида кенг, ёруғ, осойишта муҳитга эга бўлган номерлардан иборат. Францияда бундай меҳмонхоналарни кўплаб учратиш мумкин.

Овқатланиш корхоналари. Маълумки Франция ҳар доим ўзининг ошхоналари билан машҳур бўлиб келган. Французлар ўзининг ошхоналари соҳасида иккита зарур хусусиятларга эга эканлигини унутмаслик зарур. Биринчидан, бу овқатларни тайёрлаш ва иккинчидан таомларни истеъмол қилиш жараёнидир. Улар овқатларни тайёрлашда астойдил қунт билан, иштиёқ билан киришади. Таомни истеъмол қилиш пайтида уни ҳавас билан, гурунг қилиб, ёқимли иштаҳа билан ейишади. Французлар бир кунда овқатланиш учун 3 марта столга ўтиришади.

Нонушта эрталаб соат 7:00 ва 9:00 да амалга оширилади. Французлар одатда нонуштада шўр рагалик ёки нон сариёғ билан, иссиқ кофе, чой ёки шокалад ичишиадилар.

Тушлик соат 12:00 ва 14:00 амалга оширилинади. Тушлик овқат биринчи ва иккинчи овқат ҳамда десертдан иборат бўлади, тушлик овқат охирида кофе берилади.

Кечки овқат одатда соат 20:00 ларда берилади. Пешин (соат 16:00ларда) – бу пайтда чой ва пиширикдар берилади.

Францияда овқатланиш корхоналарининг асосини ресоранлар, кафетерийлар, кафелар, барлар, оддий тамадихоналар ташкил этади.

Le Crand Vefour. Ушбу ресторан Париж шаҳридаги энг қадимги (1780й.) ресторанлардан бири саналади. Ресторанниинг шипига расмлар чизилган, зарҳал ёки тиллаҳал (устига тилла суви юритилган), биллурдан ясалган люстра (қандил)лар билан безатилган. Ушбу ресторанда ўз вақтида машҳур кишилар, жумладан Гюго, Кокто, Сартер ҳатто Наполён ҳам бўлишган.

Café Le La Jatte энг машҳур ва таниқли, номи тарқалган ресторанлардан бир саналади. Ушбу ресторанда машҳур журналистлар ва телевидения юлдузлари бўлишни хохлашадилар. Ресторанда меню (таомнома)лар ҳар куни ўзгариб туради ва уларнинг ассортименти хилма-хилдир.

Le Petit Zinc ресторани ўтган асрда қурилган бўлиб, унда ажойиб овқатлар тайёрланади. Ресторанда ёш бузоқнинг жигаридан хилма-хил овқатлар тайёрланади. Газаклар асосан денгиз маҳсулотларидир. Ресторан кўплаб овқат ишқибозларини ўзига жалб қилади.

Льэпизат – (Марсель ш.) Ўртаер денгизи қирғоғидаги мафтункор Вален-дез Оф кўрфазининг тоғли қоялар ён бағрида жойлашган. Ресторанда ўтирган ҳар хўранда денгизнинг кўринишига мафтун бўлиб қолади. Ресторанниинг фирменли овқатида сабзоватлар, қуён гўшти алоҳида ўрин эгалайди.

Le Cing ресторани ҳақиқий классик французлар овқатланиш корхонасидир. Ушбу ресторан дабдабали кўринишга эга бўлиб, унда қимматбаҳо чинни идиш-товоқлари тилла суви юритилган устунлари ва ошхона идиш-товоқлари билан алоҳида ажралиб туради.

1.5. Халқаро туризм бозорида Франциянинг тутган ўрни ва роли

Туризм соҳасида Европа Иттифоқи (ЕИ) даражасидаги сиёсат 1990 – йилларда Маастриктск битими имзоланиши билан шакллана бошлади. Имзоланган битимга кўра туризм биринчи марта Европа мамлакатларининг интеграция шаклларидан бири сифатида эътироф этилди. Кейинчалик туризм соҳасида улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамловчи, ривожлантирувчи ва аниқлик киритувчи бошқа бир қатор умумевропа ҳужжатлари вужудга келди.

2001 йил Европа комиссияси **«Келажак европа туризмига биргаликда ёндошув»** ҳужжатини қабул қилди, унда ҳамкорликнинг бош йўналиши мустаҳкамлаб қўйилган. **«Туризм соҳасида XXI аср ҳаракат режаси»** ни амалга ошириш, туризмда статистик ҳисоботни такомиллаштириш, Евростат ишлаб чиққан туристик сателлит ҳисобига ўтиш, индикаторларини белгилаш, илғор тажрибаларни алмашиниш, жисмоний имкониятлари чекланган шахсларга туристик хизматлардан баҳраманд бўлиш имкониятини яратиш кабилар ўз ифодасини топган. 2003 йилда Еврокомиссия фуқаролик жамияти, ишбилармон доиралар вакиллари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан маслаҳатлашув асосида ишлаб чиқарилган **«Европа туризми изчил ривожланишда базавий мўлжаллар»** ни маъқуллади.

Умумевропа интеграцион жараёнларини мустаҳкамланиши Еврокомиссиянинг ташаббусларини амалга оширишга имкон берди. Хилма-хил ва жалб қилувчи туристик дестинацияларни Европа бўйлаб ҳаракатлантириш учун ягона портал очиш, жойлаштириш сектори учун ягона экологик сифат мезонларини ўрнатиш каби ташаббуслар шулар жумласидандир. Атроф-муҳитга зарарли таъсирни камайтирган туристик жойлаштириш воситалари экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари махсус маркаси билан гул шаклидаги кўринишдаги экологик лейблага (нишонга) сазовор бўлади. Еврокомиссия томонидан бошланган барча хайрли ишлар Францияда қўллаб-қувватлана бошланди.

Ягона европа валютасининг еврога ўтилиши – Француз туристик бозори тараққиётига кучли таъсир этди. Франция Еврозонани ташкил қилувчи 12 мамлакат қаторидан жой олди. Ушбу зона 2000 йил 300 млн. дан кўпроқ потенциал туристик маҳсулот ва 1,8 млн. туристик кечаси тунаш бозорини қамраб олди. Евронинг муомилага киритилиши ҳаддан ташқари нотинчлик-иқтисодий пасайиш, Ироқдаги уруш, парранда грипи эпедемияси жаҳонда туризм тараққиётига тўсқинлик қилганига қарамай, Францияда туристик фаолиятнинг жонланишига имкон берди. У туризм соҳасига давлат аралашувининг камайиши ва мамлакат туристик индустриясини – меҳмонхоналар, транспорт ва туроператорлик секторларини қайта қуриш билан кечди.

Еврога ўтиш билан валюта операциялари билан боғлиқ таваккалчилик пасайди, молиявий операциялар бўйича чиқимлар камайди, европа молиявий бозори изчиллиги ортди. Французлар учун чет элга саёҳатлар қиймати ўртача 5% камайди. Нархнинг шаффофлиги ва рақобат курашининг кескинлашуви туристик сафарлар нархининг тушишига ва туристик исътемолни кенгайишига олиб келди, Еврозона доирасида ҳам ички, ҳам ташқи томонидан Европа мамлакатларига чет эллик туристлар келиши кўпайди.

Биринчи этапда, еврони жаҳон бошқа валюталари-доллар ва фунт стерлингга нисбатан қадри пасайганда, Францияга АҚШ ва Буюк Британиядан туристик келишлар сони ортгани қайд этилди. Французларнинг саёҳатга еврода харажатлар кўпайгани ана шу билан изоҳланади. Евронинг кейинги мустаҳкамланиши француз туристик маҳсулотларини нисбатан қимматлашувига олиб келди, оқибатда мамлакатга кириш

туристик оқимлари чет эл туристларининг бўлиш давомийлиги ва харажатлари ҳажмлари қисқарди. Бир вақтнинг ўзида французлар учун Еврозона доирасида чет элга сафар қилиш иштиёқи кучайди. Франция ички ва хорижий туристлар учун нарх рақобатида ютқаза бошлади ва жаҳон туристик бозорида янгича ўринда ўзини намоён қилишга мажбур бўлди.

Европа Иттифоқининг ўз устунлигини пеш қилувчи лойиҳаларидан бири – ЕИ ни Шарққа қараб кенгайтиришдир. 2004 йилда интеграцион гуруҳга 10 та давлат кирди (Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия, Эстония), 2007 йилда эса яна икки давлат (Болгария, Руминия) кирди. 2007 йил 1 январда ЕИга 27 мамлакат кирганди.

Европа Иттифоқи аҳолиси сони уч мартага кўпайди, унинг территорияси ҳам шунчага кўпайди. ЕИ янги аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси ўртача Европа даражасидан сезиларли паст, шунинг учун ҳам гуруҳ ИЯМ ҳажми атиги 5-6% ўсди, еврорегион бойлари ва камбағаллари ўртасид жарлик янада чуқурлашди.

ЕИ янги аъзолари тобора кўпроқ туризмга эътиборни қаратишмоқда, умумевропа кенгликларида интеграцияни кучайтириш ва миллий иқтисодиётни юксалтиришни унинг билан боғлашмоқда. Улар Европа туристик давлатлари, энг аввало, жаҳондаги туристик етакчи мамлакат Франция билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилмоқдалар. Улар саёҳатлар регионал бозорида ўз ўринларини мустаҳкамлаш учун туризм соҳасида тўпланган тажрибаларни ёйиш ва тегишли техник ёрдам воситасида вужудга келган вазиятдан фойдаланишмоқда.

Франция халқаро ҳамкорликни бир неча йўналишда ривожлантираяпти:

- **туристик фаолиятни ташкил этиш ва уни тартибга солиш соҳасида.** Франция чет эл туристик маъмуриятларига уларнинг жорий ишларида – профессионал фаолият билан шуғулланиш регламентида (турагентлар, гидларни лицензиялаш ва бошқалар) – жойлаштириш воситаларини классификациялаш, ҳисобга олиш ва туризмда иқтисодий ҳодисаларни таҳлил этиш, туризмда социологик тадқиқотлар ўтказишда ҳамкорлик кўрсатади;
- **профессионал туристик таълим соҳасида.** Францияда, туристик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш миллий тизими жаҳонда энг яхшилардан бири деб тан олинган. Мамлакатда давлат ва хусусий бошланғич, ўрта ва олий профессионал ўқув юртлари – ресторанлар ва меҳмонхоналар бўйича мактаб ва лицейлар, ихтисослашган университетлар, туризм индустрияси учун кадрлар тайёрлаш инновоцион марказлари, шу жумладан, чет эллик ўқувчилар учун, кенг тармоғи яратилган. Франция туризм соҳасида таълим дастури экспертизаси ўтказиладиган халқаро марказ ҳисобланади;
- **туризм иқтисодиёти соҳасида**. Ҳозирги замон иқтисодий билимларда интеллектуал мулк маҳсулотлари билан алмашиниш алоҳида аҳамият касб этади. Франция туристик таклифларни тараққий эттириш учун зарур аудит соҳасида, маркетинг режалаштириш, территорияни туристик ўзлаштириш, туристик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва бошқаларда билимларни экспорт қилади. Француз экспертлари туристик маҳсулот ғояси туғилгандан уни яратиш ва бошқаришгача бўлган халқаро туристик лойиҳаларнинг барча босқичларида жалб қилинади;
- **туристик бозорда Францияниng ҳаркатланиши соҳасида.** Франция туризм таркибларини яратиш ва ишлатиш соҳасида тажрибалар алмашинади. Унинг вазифасига туристик йўналишларни реклама қилиш, шунингдек территория туристик қиёфасини жалб қилувчи технологиясини шакллантиришни жорий этиш, туризмда маркетинг режаларини ишлаб чиқиш кабилар киради.

ЕИнинг Ўртаер денгизи регионига нисбатан сиёсати Евроўртаер денгизи ҳамкорлиги дастури доирасида (Барселон процесси) амалга оширилаяпти. 1995 йилдан бошлаб Европа иттифоқи ва уларнинг «денгизорти» партнерлари – жанубий ва шарқий

Ўртаер денгизи давлатлари эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ва халқлар ўртасида ўзаро тушиниш, иқтисодий гуллаб-яшнаш, тинчлик ўрнатиш ва барқарорликни сақлаш мақсадида биргаликда ҳаракат стратегиясини ишлаб чиққандилар. Бу ҳамкорлик дастури қатор лойиҳаларни ўз ичига олади. Улардан бири **«Страбон», «Маданий бойликлар ва туризм»** мавзуига бағишланган. У Еврокомиссия томонидан ишлаб чиқилган ва гуманитар фанлар уйи (Франция. Париж) томонидан мувофиқлаштирилади. Лойиҳани амалга ошириш учун шунга номдош консорциум тузилган. Унга ЕИ нинг тўрт аъзоси (Франция, Греция, Италия ва Португалия) ва «денгизорти» саккиз партнёр (Жазоир, Миср, Иордания, Марокко, Фаластин, Сурия, Тунис) киритилган.мамлакатлар маданий мерос ҳақида хилма-хил рақамли ахборот ресурсларини тақдим этиш ва уни туристик бозорда илгари суриш учун ягона платформа яратиш мақсадида кучларни бирлаштирдилар.

Франция Евроиттифоққа кирмаган «учинчи» мамлакат билан ҳамкорлик Европа дастурининг фаол иштирокчиси. 2004 йил Евроиттифоқ ва Хитой ўртасида **«Йўл қўйилган туристик дестинациялар мақоми тўғрисида»**ги Битим кучга кирди. Унга кўра хитойлик фуқаролар гуруҳларда Шенген зонаси мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилиш имкониятига эга бўлдилар. Ушбу Битимга мувофиқ Франция ва Хитой туристик алмашинувини йўлга қўйиш учун турагентликлар рўйхатларини алмашинишди.

2003 йил Россия ва Франция ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик ҳақида икки томонлама Битим имзоланди. Унда ҳар икки томоннинг халқлари ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тўғрисидаги хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган.

Франция халқаро ташкилотларда кўзга кўринарли роль ўйнайди, айниқса, UNWTO ва Ижтимоий туризм бўйича халқаро бюро (БИТС) да унинг нуфузи баланд.

1.6. Франция туризми соҳасининг ривожланиш босқичлари

Францияда туристик ҳаракатнинг географик манзараси анчагина аввал шаклланган ва у мустаҳкамлиги билан характерланади. Франция туризми соҳаси ҳам ички, ҳам ташқи, регионал ва глобал тартиб каби кўп сонли турли хил омилларнинг амалдаги натижаси ҳисобланади.

Ички туризм. Мамлакатда ички туризм тараққиёти асосан икки муаммо билан тўқнаш келади – кўзланган жойда бўлиш давомийлигининг қисқариши ва туристик талабнинг мавсумийлиги. Туристик сафарлар тез-тез, аммо қисқа муддатга бўлаяпти. Французларнинг ўз мамлакатлари бўйлаб сафарлари ўртача давомийлиги 5,0 кеча тунашни ташкил қилаяпти.

Якка туристик сафарлар ҳақ тўланадиган таътиллар давомийлигини кўпайтириш имконини берди. Францияда у беш ҳафтани ташкил қилади – дунёнинг бошқа мамлакатларидан кўп. Французлар таътилни қисмларга бўлиб олишади: бир ҳафта қишда, бир ҳафта баҳорда, ёзда, мактаб каникули даврида уч ҳафта. Туристик фаоллик чўққиси июл-августга тўғри келади (барча туристик сафарларнинг 40-45%).

Французлар таътилни турлича ўтказишади. Кўпчилик қариндош-уруғларни йўқлаб, ҳол-аҳвол сўраш учун йўлга чиқишади (UNWTO белгилашича, бундай сафарлар туристик категорияга киради). Бошқалар оиласи билан қишлоқ жойларда, денгизда дам олишади ёки шаҳарлар бўйлаб турларни амалга оширади. Диний мавзулардаги маданий-билиш турларда иштирок этадиганлар ҳам кам эмас. Улар орасида катта ёшдаги шахслар, кўпинча аёллар кўпчиликни ташкил қилишади. Шундай сафарларнинг ўндан тўққизтаси мамлакат ичида амалга оширилади.

1950 йиллардан 1980 йиллар ўрталаригача Францияда ёзги дам олишни ҳаммани қурби етадиган туристик базларда ўтказиш кенг тажриба қилиб кўрилди. Бу давлат бюджети ва хайрия маблағлари ҳисобига амалга оширилди. Унча кўп бўлмаган пулга денгиз қирғоқидаги ёки тоғдаги дам олиш масканида ҳордиқ олиш ёки серфинг, гольф ва бошқа илгари элита тури ҳисобланган спорт билан шуғулланиш мумкин эди.

Вақт ўтиши билан таътилни ўтказиш шакли ўзгарди. Бугунги кунда французлар тобора кўпроқ ғилдирак устидаги уйларда саёҳат қилишмоқда. Ушбу уйларни сотиш кейинги 15 йил ичида 200 мартага ортди.

Карвон уй нафақат туризмнинг турли кўриниши, балки туризмнинг алоҳида тарзи, ҳатто французлар маданиятига айланди. Ғилдирак устидаги уй ишқибозлари жамияти вужудга келди. Бутун Франция бўйлаб уларнинг ола-була чодирлари ва фургонларини кўриш мумкин, уларнинг шинамлиги ва жиҳозланиши отеллардаги номерлардан қолишмайди. Сафарбарлик, мустақиллик ва шинамлик – карвонга асосланган «уч кит»дир. Саёҳатга бутун оилалар ёки улфатлар билан йўл олишади. Албатта, ўзлари билан севимли винолари, егуликлари, шунингдек велосипед ва турли ўйинларни бирга олишни унутишмайди. Туристлар махсус жиҳозланган тўхташ майдонларида, кемпингларда тўхтайдилар – қайсиким ўзида беками-кўст туристик марказларни намоён қилади: дўконлари, қаҳвахоналари, ресторанлари, сувенир лавкалари, бассейн, дискотека, спорт ва болалар майдончаси, гулхан учун жой ва ҳ.к. қулайликларга эга шаҳарчалар туристлар хизматида бўлишади. Бундай кеманинг марказлари отеллар ва мотеллар билан рақобатлаша оладилар.

Таътилда французлар жисмоний ҳолатини сақлаш ва фаол дам олиш шаклига катта эътибор берадилар. Улар пиёда юриш, отда ва велосипедда сайр қилиш, тоғ чанғиси курортларида спортнинг қишки турлари билан шуғулланишни яхши кўришади. 80% сафарларда жисмоний маданият билан шуғулланиш кўзда тутилади. Соғлом турмуш тарзи одатга айланган ва давлат томонидан рағбатлантирилади. Францияда ҳар қандай дам олиш жойи йўл чеккасидаги автотўхташ жойигача спорт майдончасига эга. Одатда бу айлана югуриш йўлакчаси, спорт жиҳозларидир, уларда французлар таътилнинг ярмини ўтказишади.

Дам олишни уюштиришнинг французча модели «Ўртаер денгизи клуби»чинакам туристик қишлоқ занжирини ўзида мужассам этган. У алоҳида муҳит яратувчидир. Дам олувчиларнинг ўзаро тушунишлари ва якдилликлари, хизмат кўрсатишнинг юқори даражаси «ҳаммаси қўшилган» принцип асосида ишловчи ва спорт ўйинлари ва сайр томошаларнинг кенг танлаш имконияти берувчи қулайликлардир.

Кириш туризми. Европада ҳозирги замон туристик миграция географияси дунёнинг бошқа жуда кўп туристик районларидан фарқли равишда ўта кўп оқимлар (10млн. дан кўпроқ келишлар) мавжудлиги билан характерланади. Улардан учтаси Францияда тугайди: Буюк Британия – Франция; Германия-Франция; Нидерландия-Франция.

Франция Европа ва дунёда энг кўп ташриф буюриладиган мамлакатдир. 1950 йилдан 2005 йилгача ушбу мамлакатда кириш туризми оқими ҳажми 25 мартага ошди, яъни 3 млн. дан 76 млн.га етди. Франция анъанавий равишда ички регионал туристик алмашинувда кучли жалб этилган. Ушбу регион мамлакатларида, асосан қўшни давлатлар – ЕИ аъзолигига халқаро туристик келишларнинг 90% тўғри келади.

Туристик оқимларнинг айлантирувчи асосий бозорлардан бири – Буюк Британия ҳисобланади. Францияда келишлар структурасида унинг улуши тўхтовсиз ўсмоқда: 1995 й-18,6%, 2004 й- 19,5% инглизларнинг сезиларли қисми Францияга **«3S»** модели бўйича **(«денгиз-қуёш-пляж)** дам олиш учун жўнайдилар. Альбионнинг салқин туманлиги уларда қуёшли кунларга бой, илиқ денгиз қўйнига бориш иштиёқини уйғотади. Яна бошқаларини эса дунёни билиш уфқларини кенгайтириш учун шаҳарлар танишуви ўзига чорлайди, улар француз халқи маданияти ва турмуш тарзига ошно бўладилар. Британия чиқиш туризми Франция учун жуда сезиларли аҳамиятга эга. Унда француз туристик йўналишларини чет элларда олға суришнинг жуда кўп маркетинг дастурлари ўз ифодасини топган.

Континентал Европада Франция ўртасида бир томондан, бошқа томондан Германия ва Бенилюкс мамлакатлари ўртасида кўпроқ интенсив туристик алмашинув мавжуд. Ушбу

мамлакатлараро туристик оқим кўп жиҳатдан Европада ички регионал туризм географик манзарасини белгилайди.

Францияда барча туристик келишишларнинг 46,5% Германия, Нидерландия, Бельгия ва Люксембург улушига тўғри келди. Улардан кейин Италия, Швейцария ва Испания боради. Ушбу мамлакатлардан ҳар бирининг бозордаги улушини кўпайтириш учун Франция махсус реклама кампанияси ўтказади. Германияда у «Франция: кузда дам олиш» шиори остида ўтди. Швейцариядан келадиган потенциал туристларга мўлжалланиб янги интернет саҳифа яратилди. Унда Францияда дам олиш ва саёҳат қилиш имкониятлари ҳақида батафсил маълумотлар билан танишиш мумкин. Италияда интернет-ресурслардан фойдаланиб **«Номаълум Франция»** дастури йўлга қўйилган. Нидерландияда **«Франция бўйлаб қишги дам олиш»**га урғу берилган.

Ғарбий Европа билан қаторда Франция учун Шимолий Америка (АҚШ) ва Осиё-Тинч океани региони (Япония) истиқболли бозор ҳисобланади. АҚШ Францияда барча туристик келишларнинг 3,5%, Япония – 0,9% таъминлашди. Мамлакат рейтингида ушбу кўрсатгич бўйича улар мос равишда саккизинчи ва тўққизинчи ўринларни эгаллашди.

ХХаср охирларида хорижлик туристлар орасида Франция Риверьесида дам олиш донг қозонди, иккинчи ўринда – Парижга ташриф, кейин Альпда спортнинг тоғ турлари билан шуғулланиш. Шунингдек Аквитанияда Атлантика қирғоқлари ва Ўртаер денгизининг Лангедок – Руссильон чўмилиш – пляж туризми машҳур бўлди. XXI аср бошларида туристик оқимнинг мамлакат тобора ичкарисига чуқур кириб бораётгани тенденцияси кўзга ташланмоқда.Чет эллик туристлар нафақат Ложувард Қирғоқ (Лазурний Берег) ва Альп тоғ чанғиси курортларига, балки ички районларга ҳам ташриф буюришмоқда (энг аввало, Бургундияга) ва ўзлари учун мафтункор Францияни кашф қилишаётир. Улуғвор ўрта аср қўрғонлари ва Луар водийси саройларидан ҳайратга тушишаётир.

1-жадвал

Францияга халқаро туристларнинг келиш динамикаси

Йиллар	Кирувчи туристлар (млн. киши)
1995	+
1996	+
1997	+
1998	60.033
1999	62.406
2000	66.591
2001	70.109
2002	73.147
2003	75.048
2004	75.121
2005	75.908
2006	79.083
2007	80.853
2008	79.218
2009	74.200
2010	77.648
2011	81.550
2012	83.013
2013	83.000
2014	83.700
2015	84.452
2016	82.600

Францияда келажакда кириш туризмини ривожлантириш бир қатор муаммоларни ҳал этишга боғлиқ. Халқаро туристик келишлар сони бўйича дунёда етакчи бўлган ҳолда у халқаро туризмдан тушумлар ҳажми бўйича фақат учинчи ўриннигина эгаллайди ва унинг «Туризм» статияси бўйича тўлов баланси ижобий сальдоси доимий равишда камайиб бормоқда.

Мамлакатга сафарлар сони тобора қисқа бўлиб бормоқда, Хорватия, Тунис ва Миср каби янги туристик йўналишлар томонидан эса рақобат кучаймоқда. UNWTO прогнози бўйича 2020 йилда Франция етакчиликни Хитойга бой беради (мос равишда 130 ва 106,1 млн. киши). Франциянинг бозор улуши 11 дан 7% га қисқаради.

Истиқболда Франциянинг жаҳон туристик бозоридаги ўрни унинг янги категория мижозларни жалб қила олишига, хусусан, Испания, Португалия ва Италияда унинг территориясидан ўтадиган кўпсонли транзит туристларга боғлиқ. Ушбу йўналишда Франция аллақачон қатор қадамлар қўйди. У истиқболли туристик бозорни белгилаб олди: Жанубий Америка, Марказий-Шарқий Европа ва Россия, Осиё (Хитой, Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиё), Яқин Шарқ, Африка қитъасида – ЖАР – ва уларни ўзлаштиришга киришди. Таклиф этиладиган туристик маҳсулотлар турлари ҳам сезиларли кенгайди. Уларни тўрт тематик гуруҳга бўлиш мумкин:

- Ишбилармонлик туризми («Француз конвеншибюро», «саноат туризми);
- Табиатга мўлжалланган туризм («Табиат қўйнида», «Чанғи: кўл ва тоғлар», «Денгизбўйи курортлари», «Француз денгизорти территориялари»);
- Маданий-танишув-билиш туризми («монументлар, қўрғонлар ва музейлар», «Шаҳарлар бўйлаб сафар» - «Диний ва зиёратчилик туризми», «Вино ва узумзор»);
- Туризмнинг махсус турлари («Ёшлар туризми», «Гольф», «Даволаш-соғломлаштириш туризми», «Натуризм», «Туристик қишлоқда дам олиш»).

Туристик йўналиш сифатида Франция ўз ўрнини мустаҳкамлаш жиҳатидан соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва миллий туристик маҳсулотни чет элда илгари суриш алоҳида аҳамиятга эга.

Чиқиш туризми. Немислар ва инглизларга таққослаганда французлар чет элларга кам саёҳат қиладилар. 2013 йил улар 21 млн.дан ортиқ чет эл сафарини амалга оширдилар, бу французлар барча туристик сафарларининг 11% ни ташкил этди. Улар ўз мамлакатидан ташқарида 161 млн. кеча тунашни ўтказдилар. Французлар асосан ватанида дам олишни истасаларда, улар чет элга тез-тез борадиган бўлишди. Нефть баҳосининг юқори бўлиши, турларнинг қимматлашуви, террористларнинг яқиндаги ҳужуми, парранда грипи эпидемияси тарқалиши, табиий офатлар (қуюн ва довуллар) ва авиафалокатлар сериясига қарамай, Францияда 2013 йили ички туризм 2% га ўсгани ҳолда, кириш туризми 3% ўсди.

Францияда кириш туризми ички регионал характерга эга. Аммо туристлар оқимининг территориал тўпланиши кириш туризми ҳолатига қараганда паст. 2013 йил 66% дан зиёд сафарлар Европа мамлакатларига тўғри келди. Французларнинг анъанавий чиқиш йўналишлари Испания ва Италия ҳисобланади. Бу барча сафарларнинг чорак қисмига тўғри келади. Улардан кейин анча орқада Буюк Британия, Португалия, Германия, Бельгия, Люксембург ва Греция бораяпти.

Чет эл туристлари сафарлари учун йўналишни танлаш Франция районлари бўйича фарқланади.

Шампан-Арденни ва Нор-Па-де-Кале районлари аҳолиси Бельгия чегараларида дам олишди. Территориал яқинлик Аквитания, Лангедок-Руссильон, Жонуон-Пирения, шунингдек Пуату-Шарантье ва Испанияда Лимузендан туристик оқимлар интенсивлиги ортиши билан изоҳланади. Эльзасликлар Германия бўйлаб саёҳат қилишни маъқул кўришади, Италия билан чўзилган чегарага эга Прованс-Альп-Лазурний Берег ва Рона-Альп районларидан туристлар эса бошқалардан кўра кўпроқ ушбу мамлакатга ташриф буюрадилар. Шундай қилиб, яхши қўшничилик муносабатлари шароитида туташ

мамлакатлар ўртасида ўзаро туристлар алмашинувининг умумжаҳон тенденцияси кучайиши тасдиғини топади.

Францияда халқаро туризмни тақсимланишининг бошқа кенгликлари қонуниятларига ҳам қўл келади. Улардан бири туристик оқимларни шимолдан жанубга устун тарзда меридианал йўналишидир. Франция шимолий районлари аҳолиси – Нормандия ва Бретани – дам олиш учун Испанияга, Пикардия ва Лотарингия – Италияга боришади.

Туристларнинг келиб чиқиш жойидан узоқлашуви ва борадиган жойида бўлиш давомийлиги ўртасида боғлиқлик ўз кучида қолаяпти. Қабул қилувчи мамлакатга боришда туристлар қанча узоқ йўлни босиб ўтсалар, унда шунча кўп ушланиб қолишади. Айрим баҳоларга кўра, йўлда икки охири ўртасида сарфланган вақт ва танланган мамлакатда бўлиш давомийлиги оптимал нисбати 1:3 га етади.

2-жадвал

Франциядан туристларнинг чет элларга чиқиш динамикаси

Йиллар	Чиқувчи туристлар (млн. киши)
1995	+
1996	+
1997	+
1998	18,686
1999	18,151
2000	17,115
2001	18,077
2002	16,709
2003	19,886
2004	19,265
2005	18,315
2006	18,576
2007	21,131
2008	22,480
2009	22,240
2010	22,226
2011	21,081
2012	21,281
2013	21,609

2013 йил французларнинг чет элда бўлишлари давомийлиги ўртача саккиз кеча тунашга яқинни ташкил қилган, Бельгия ва Люксембургда тўрт кеча тунашган. Осиё ва Океания мамлакатларида салкам 12 кеча тунашгача етган. Бутунлигича туристлар тобора сафарбарроқ бўлишаяпти. Бориш йўлида уларни бир жойда бўлиши ва дам олиши давомийлиги қисқармоқда, бу ҳаракатланиш тезлигининг кўпайиши, транспорт инфратузилмасининг ривожланиши, шунингдек дам олиш усулининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Туристик оқимларнинг тақсимланишида ёрқин ифодаланган географик тенденциялар қаторига собиқ метрополлар ва уларнинг биринчиси тасарруфида мустаҳкам алоқада қолган мустамлакалари ўртасида туристик алмашинувни кенгайтиришни киритиш мумкин. Франциянинг Африка мамлакатлари Марокко ва Тунис, унинг собиқ мустамлакалари туристик муносабатларни ривожлантириш учун анъанавий алоқалар, энг аввало, ижобий ва маданий алоқалар мавжудлиги, шунингдек тил тўсиқлари йўқлигикелгуси туристик тараққиёт учун кафолат бўлиб хизмат қилади. Уларда келаётган французларнинг 60% дан кўпроғида денгизда дам олиш мақсади бор. Ушбу мағриб мамлакатлардан чиққан французларнинг ўз ватанини қўмсаб сафарга отланишлари янги

ҳодисага айланди. 2013 йил французларнинг чет элга сафарлари 10% га яқин Марокко ва Тунис улушига, бутун Африка улуши эса 16% га тўғри келди. Франциядан чиқиш туризми таркиби кенгликларида Европадан кейин Африка региони ушбу кўрсатгичлар бўйича иккинчи ўринни эгаллайди.

Учинчи ўринда – Америка региони, Франциядан чиқиш туристик оқимининг 8% дан кўпроғини қабул қилади. Французлар орасида АҚШга сафар алоҳида ўрин тутади. Уларнинг кўпчилигида Америка туристик марказлари деганда хаёлида энг аввало Нью-Йорк, Флорида ва Калифорния курортлари, машҳур «Голливуд» ва болалар ва катталар учун «Диснейленд» эртаклар парки жонланади. Уларни бир марта бориб кўриб келган французлар, Американинг бошқа штатларида ҳам бўлиш учун яна қайтиб боришади.

Французлар тасаввурини киноматографлар томонидан яратилган Ёввойи Ғарбнинг ковбойлар образи жунбушга келтиради. Шунинг учун ҳам тобора кўпроқ французлар АҚШнинг ғарби ва жанубидаги Нью-Йорк, Вайоминг, Монтано, Коларадо ва Техас штатларига интиладилар. Улар бу ерда дам олишнинг фаол турлари – поход, гольф, серфинг, тоғ чанғиси билан шуғулланишни маъқул кўришадилар.

Французларнинг АҚШга сафари бош мотивларидан бири – «3S» формуласи бўйича денгизда дам олиш ҳисобланади. Шунигдек улар Америка маданияти ва тарихи билан қизиқадилар ва музейларга ташриф буюриш учун шаҳарлар бўйлаб сафарларга жўнайдилар.

3-жадвал

Франция давлатининг туризмдан олган даромадлари динамикаси

Йиллар	Даромадлар (АҚШ доллари)
1995	+
1996	+
1997	31.295 млн.
1998	32.088 млн.
1999	27.402 млн.
2000	29.490 млн.
2001	37.770 млн.
2002	38.534 млн.
2003	38.385 млн.
2004	40.842 млн.
2005	42.276 млн.
2006	42.910 млн.
2007	54.273 млн.
2008	56.573 млн.
2009	49.398 млн.
2010	47.013 млн.
2011	54.753 млн.
2012	53.550 млн.
2013	56.098 млн.
2014	58,14 млн.
2015	44,85 млн.
2016	42,48 млн.

Француз туристлари одатда маҳаллий аҳоли билан мулоқатга мойилдирлар. Улар америкача дўстоналикни таъкидлашади, америкача турмуш тарзини муносиб баҳолайдилар ва кўпинча АҚШга ташрифидан қониқиш ҳосил қилмайдилар. Шу боис улар бепоён мамлакатнинг олис бурчаклари, бошқа туристик объектларини, европа билан

солиштириб бўлмайдиган гўзалликларини томоша қилиш учун яна иккинчи, ҳатто учинчи марта келишни режалаштирадилар.

1.7. Франциянинг асосий туристик районлари ва марказлари

Туризм тараққиётининг районлар бўйича даражаси, туристик ихтисослашуви Францияда анча сезиларли фарқланади. Пойтахт ва бошқа районлар ўртасида туристик алмашинув ва туристик индустрия диверсификация контрасти анча ривожланган ҳолда районларда қолоқлик кузатилди. Кескин ҳудудий диспропорция Франция ҳукмрон доираларини регионал сиёсатда туризм соҳасига эътиборни кучайтиришга мажбур этди. Натижада туристик индустрия корхоналарини жойлаштириш анча мувозанатлашди ва аҳоли бандлигини таъминлаш яхшиланди.

Франция 7 та туристик районга бўлинган, қайсиким у мамлакат иқтисодий-режалаштириш районлари билан мос келади ва ЕИ статистик территориал бирлик ягона тизимига киради. Туристик районлардан тўрттаси мамлакат шимолида жойлашган, қолганлари – жанубда.

Париж райони – майдони бўйича йирик ва туристик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. У беш микро регионни ўз ичига олади: Иль-де-Франс, Шампань-Арденни, Бургундия, Марказ ва Луардаги Ер. Бу районнинг бутун ҳаёти мамлакат бош туристик маркази Париж билан мустаҳкам боғланган. Ундаги замонавий бинолар ажойиб тарзда ўтмиш архитектура ансамбили ва ёдгорликлари билан уйғунлашган ҳолда шаҳарга бетакрор қиёфа касб этади. Шаҳар архитектура қиёфаси кўп асрлар давомида сайқалланиб келади, ўзида турли стиллар қирраларини намоён этган, аммо бадиий бирликни сақлаб қолган. Париж тарихий ядроси Сите оролида Париж Бибимарям собори юксалиб турибди, Ногиронлар Уйи ансамбли Сена чап қирғоғи қиёфасига улуғворлик бахш этади, унинг соборида император Наполеон хоки тупроғи қўним топган, Марсова даласи, Эйфель минораси, Пантеон ҳам туристларни жалб этади. Сена ўнг қирғоғида Парижнинг XVI-XVII асрларда донг таратган Вогезов ва Вандом майдони, Лувр ва Тюильри саройлари жойлашган.XVIII-XIX асрлар мўъжизаси – Келишув майдони, Триумфал арка, «Гранд-опера» опера театри ва бошқалар ҳам ташриф буюрувчиларни бефарқ қолдирмайди. Янги давр архитектура дурдонаси Елисей даласи ҳисобланади. Парижда шаҳарсозлик асосан XX аср иккинчи ярмида кенг авж олди. Жорж Помпиду Маркази, Мен-Монпарнас ишбилармонлик маркази минораси, Дефанс осмонўпар бинолар кварталлари ўша даврда пайдо бўлди. Бугунги кунда ушбу диққатга сазовар жойларни томоша қилиш, бой музейларга ташриф буюриш, кўргазмалар, дунёга донг таратган театрларда бўлиш ва бошқа маданият муассасалари Париж бўйлаб кўпчилик туристик маршрутларга киритилган.

Париж райони туристик ихтисослашувга эга. Франциянинг сиёсий ва иқтисодий пойтахти сифатида унда ҳукумат ва парламент, ЮНЕСКО, 100 дан зиёд бошқа халқаро ташкилотлар, жаҳоннинг йирик компаниялари штаб-квартиралари жойлашган, у кўпсонли ишбилармон туристларни қабул қилади. Француз районларининг ички ва ташқи савдо воситачиси сифатида (Катта Парижга мамлакат товар айланишининг яримидан кўпроғи тўғри келади) унда кўпсонли кўргазмалар, ярмаркалар ўтказади. Париж – Франциянинг муҳим транспорт тугуни ҳисобланади. Мамлакат туристик маршрутларининг кўпчилиги шу ердан бошланиб, шу ерда тугайди. Бу ерда етакчи илмий тадқиқот ва конструкторлик муассасалари, шунингдек жаҳоннинг турли мамлакатларидан талабалар ўқиётган олий ўқув юртлари жойлашган. Париж юксак модалар ва ҳашаматли буюмлар савдосининг жаҳон маркази ҳисобланади.

Кўпчилик туристлар бу ерга машҳур тикувчилар ҳузурига ташриф буюришади ва жаҳонга донг таратган модельерлардан буюм сотиб олиш учун келишади. Буларнинг ҳаммаси Парижнинг Франция туризми тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб

берди, у нафақат маданий-билиш, балки ишбилармонлик, таълим, сайр-томоша, диний ва бошқа туризм турлари марказига айланди.

Иль-де-Франс атрофида туристик микро регион жойлашган, у пойтахт билан жуда мустаҳкам боғланган. Аммо, шунинг билан бирга улардан ҳар бири ўз хусусиятларига эга. Шарқда Иль-де-Франс, Шампань-Арденни туристик региони билан чегарадош. XIX асрда у Франция қиролларининг тахтга ўтириш эски анъаналари шарофати туфайли Реймс шаҳридаги кафедрал собори билан шуҳрат қозонганди. Бугун эса энг аввало жаҳонга машҳур француз шампан виноси ишлаб чиқариш билан донг таратган. Регион ҳар хил туристик маршрутларни таклиф қилади: харакатланишнинг фаол шакллари ёрдамида саломатликни тиклаш ва албатта, шампан ишлаб чиқариладиган жойларга саёҳат шулар жумласидандир. Бургундия региони туристик бозорда ўзини ҳақиқий Франция сифатида илгари суради. У тарихий шаҳарлар бўйлаб маданий-сиёсий турларини таклиф қилади, винони қадрловчилар учун маршрутлар уюштиради, воқеий туризм (ярмарка, байрамлар, карнаваллар, концертлар, театрлаштирилган томошалар), кема қатнов йўлида 1200 км. сув сайрига таклиф этади. Оммавий туризмнинг бошқа икки юзи- Марказ ва Луардаги Ер регионлари Франциянинг қўрғон архитектураси ва сарой дурдоналарини белгилайди. Ренессанс стилидаги тоштарошлик ёдгорликлари ва бир вақтнинг ўзида Шамбор, Блуа, Амбуаз, Шеверни, Шенонса ва бошқа қўрғонлар; боғ-хиёбон санъатининг юксак намуналарига айланган. Улар моҳир француз ва италян меъморлари томонидан қурилган. Ёз пайтида бу ерда Франциянинг тарихий саҳифалари ва қўрғонларининг номдор эгалари, уларнинг ҳаёти, фантазияси, эхтирослари ҳақида ҳикоя қилувчи ёруғлик товуш томошалари уюштирилади.

Шимолий район икки туристик регионни ўз ичига олади – булар Нор-Па-Де-Кале ва Пикардия. У туристик бозорда кам маълум ва асосан транзит вазифасини бажаради. Каледа материкни Буюк Британия билан боғловчи Евротуннел бошланади. Унинг узунлиги – 51 км.га яқин, унинг 39 км. денгиз тубидан ўтган. Бирлашган Европа рамзига айланган Евротуннел дунёнинг ҳозирги замон мўъжизаларидан бири сифатида тан олинган. Регион бош шаҳри Нор-ПА-Де-Кале-Лилль-Париждан бир соатлик, Лондондан 40, Брюселдан 38 минутлик масофада жойлашган. У Франция учун Европага дарча ҳисобланади. Пикардия Европа савдо-сотиғида стратегик ҳолатни эгаллайди. У орқали Бенилюкс мамлакатларини Париж ва Франция жанубий районлари, шунингдек Буюк Британия билан боғловчи муҳим транспорт ва савдо йўли ўтади.

Шимолий район туристик таклифларни ривожлантириш учун зарур имконият ва истиқболларга эга, табиий ва маданий – тарихий потенциали бой. Ушбу йўналишда туризм бўйича регионал қўмита иш олиб боради. Туристик бозорда Нор-Па-де-Кале ўзини Францияда «дам олиш учун энг қувноқ» жой сифатида илгари суради. У ерда узоқ ва лекин ўтмишнинг анъанавий байрам муҳити (Дюнкеркда ярмаркалар, карнавал томошалари, духовой оркестр концертлари, театрлаштирилган томошалар ва бошқ.) яратилади.

Пикардия реклама компаниясида ушбу провинциянинг бой маданий – тарихий ўтмишига урғу берилади. У бир вақтлар Француз давлати бешиги бўлган, архитектурада янги стил-готик санъати ривожланган. Пикардиянинг бош шаҳри Аменьеда XIII-XV асрларда қурилган Франциядаги энг катта готик собор кўкка бўй чўзиб турибди.

Ғарбий район - Ла-Манш қирғоқлари бўйлаб чўзилган. У икки туристик микро регион – Нормандия ва Бретани қамраб олган. Табиий шароити ўзига хос-майин денгиз иқлими, кенг акватория мавжудлиги, пляжлар қатори – чўмилиш-пляж туризмининг фаол дам олиш турларини кенг танлаш имконини беради. Сузиш, виндсерфинг, балиқ ови, яхтинг, гольф, шунингдек пиёда юриш, отда ва велосипеда сайр қилиш билан шуғулланиш учун имкониятлар мавжуд. Нормандиянинг кўпроқ машҳур денгиз бўйи курортлари (Трувиль-сюр-Мер, Довиль ва бошқа айримлари) Шербур, Гавр ва Дьеп портлари ўртасидаги қирғоқбўйи участкасида жойлашган. Шимолий Бретан қирғоқ бўйларида яхши курортлар ва пляжлар Сен-Мало ва Динарда до Сен-Брие шаҳарларига

туташ районларда тўпланган. Бретанида бош денгиз курорти Ля-Боль ҳисобланади, унинг пляжи 9 км. га чўзилиб кетган.

Нормандия ва Бретанинг ўзига хос маданияти ва бой тарихи Ғарбий туристик районда маданий-билиш туризми тараққиётини белгилаб берди. Нормондияни кўпинча Франциянинг инглиз провинцияси деб аташади. Қишлоқчалар ва архитектура, ўрмон ва яшил яйловлар олмазор боғлар Жанубий Англияни эслатади. Сенанинг майин мавжлари, денгиз қирғоқларининг мафтункорлиги ва ушбу ўлканинг гўзал муҳити жуда кўп машҳур француз импрессион-рассомлари, шунингдек В.Гюго, А.Дюма (ота) учун илҳом манбаи бўлган. Тоғ этагидаги Сен-Мишель черков-қалъа-«қурилиш ғаройиботи» туристларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Туристлар шунингдек Байе шаҳрига – анъанавий ҳунармандчилик марказига (чинни буюмлар тайёрлаш, либос тўқиш) ва Нормандия пойтахти Руан шаҳрига-Жанна д'Арк устидан ҳукм чиқарилган жойга ҳам ташриф буюрадилар, у Эски бозор майдонида ёқилган эди. Бу жой баланд хочбилан белгиланган. Унинг ортида авлиё Жанна д'Арк замонавий черкови қад кўтарган, у XVI аср ҳайратомуз безаклари билан безалган.

Бретан юз йиллар давомида мавжуд бўлган ва Франциядан мустақил равишда ривожланган. Маҳаллий аҳоли – келиб чиқиши кельтлардан бўлган бретанликлар ўзларининг қадимги тилининг жуда кўп хусусиятларини, шунингдек эски урф-одатлар, халқ ривоятлари ва қўшиқларини сақлашган.

Бретан байрамлари айниқса қизиқарли, мисол учун, Пардон-тантанали маросим ва салб юришининг театрлаштирилган томошаси.

Шарқий район Лотарингия, Эльзас ва Франш-Контени ўз ичига олади. Уларни тарихий тақдир ва чегара ҳолатининг умумийлиги бирлаштириб туради. Бу ерда аниқ ягона ифодаланган марказ йўқ, туристик ихтисослашув жуда хилма-хил.

Бельгия, Люксембург ва Германия билан чегарадош Лотарингия стратегик жойни эгаллайди.

Асрлар давомида у Франция ва Германия ўртасида талаш бўлиб келган ва кўп марта ҳарбий босқинларга дучор бўлган. Лотарингиянинг драматик тарихи Верден шаҳри тақдирида кўзга ташланади, бугун бу ерда Дунё халқаро маркази жойлашган. Кўпсонли вайронагарчиликларга қарамай, Лотарингия бой маданий меросни сақлаб қолган: Марк Шагал расмлари билан безалган Мецедаги собор, Станслав майдони - ЮНЕСКО муҳофазаси остида, Нанси ва бошқ. Нанси мактаби аҳамияти жиҳатидан Париждан кейин иккинчи француз Ар Нувосига айланди. Пазандалик маиший маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва Лотарингияда алоҳида мазалиги билан ажралиб туради. Мазали таомлар хилма-хиллиги билан туристларни ўзига тортиш объекти бўлиб хизмат қилади.

Бадиий ҳунармандчилик – шишасозлик ва биллур буюмлар ишлаб чиқариш, торли асбоблар ясаш, ўймакорлик буюмлари, тўқиш ва ҳ.к.лар кенг тарқалган. Маданий – билиш туризми билан бир қаторда уч миллий парк – Вогезов тоғ массиви ва кўлларда, шунингдек термал марказлар Витель, Контрексевиль, Бан-ле-Банда дам олишнинг фаол турлари ривожланмоқда.

Эльзас Рейн водийсининг француз қисми ва Вогезовнинг шарқий қияликларини қамраб олган. Бугунги кунда у Бирлашган Европанинг янгиланган қиёфаси саналади. Эльзас бош шаҳри Страсбургда инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Европа парламенти, Европа Кенгаши мажлисларини ўтказилади. Бу ерда бизнес-туризм ва Европа ишбилармонлик ҳаётининг муҳим марказларидан бири жойлашган. Франциянинг бу саноат жиҳатидан ривожланган ва динамик региони ўзига хос маданиятини сақлаб қолаолган (жуда кўп аҳоли ҳамон эльзас шевасида – лаҳжасида сўзлашади). Эльзас ўзининг бутун машҳур ажойиб виноси ва таомлари билан шуҳрат қозонган. Коль маредан узумзор қисми билан боғловчи вино йўли бошланади, бу ерларда кичик шаҳарчалар ва катта қишлоқ истиқоматлари қад ростлаган.

Франш-Конте хилма-хил ва яхши сақланган табиий ландшафтга эга тоғли област (Юра) ни эгаллаган. Туристик бозорда у табиат қўйнида фаол дам олиш турига ихтисослашган (қишки, сув, ҳаво ва бошқ).

Қуйидаги учта туристик район Франциянинг жанубига киради. Улар мамлакатнинг жадал ривожланаётган қисми бўлиб, рекреация ва туризмга ихтисослашган соҳа ҳисобланади:

Альп райони (Рона-Альп. Овернь) Франциянинг жануби-шарқида Шарқий ва Ўртаер денгизи районлари оралиғида жойлашган. Унинг туристик ихтисослашуви спортнинг қишки турлари марказини барпо этиш миллий дастури шарофати билан 1960-1970 йилларда бошланди. У уч марта – 1924 й (Шамони), 1968 й (Гренобль), 1992 й (Альбервилль) қишки Олимпиада ўйинлари ўтказилган район сифатида жаҳоний шуҳрат қозонди. Ҳозирги вақтда Франция жаҳонда энг йирик ва Европада энг баланд тоғлик тоғ чанғиси зонаси «Уч водий» га эга: 190 кўтаргич ҳар соатда 250 мингдан кўпроқ кишини чўққига чиқариб қўяди, турли баландликда жойлашган ва бепоён кенгликни эгаллаган.

Тоғ чанғиси станцияни, бир неча Альп қишлоқчалари ва термал курортларни универсал туристик марказ билан бирлаштиради. 600 км. дан кўпроқ яхши тайёрланган ва жиҳозланган трасса ва бепоён кенгликлар мавжуд. Тоғ чанғиси стадиони ушбу туризм тури ишқибозларига олам-олам қувонч бағишлайди.

Аммо бундай туристик ёпирилиш бу ерда кўп томондан салбий оқибатларга олиб келди. Умумий экологик ҳолат ёмонлашди, жуда кўп тоғ водийларида истиқоматгоҳлар кўпайди. Қишлоқ хўжалиги экинлари майдони қисқарди, дам олувчилар ташрифи гавжумлашган мавсумда транспорт муаммоси пайдо бўлди ва бошқалар. Шунинг учун Франция бошқа альп мамлакатлари билан бир қаторда салкам 200 минг кВ.км. майдонни эгаллаган ҳудудда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги узоқ муддатли битимни имзолади.

Оверни районида машҳур «Вулкания» табиий хиёбони жойлашган, у ерда Пюи вулқон ўчоқлари муҳофаза қилинади. У 80 та вулқондан иборат, улар бир-биридан кейин қаторлашиб, 35 км. га чўзилган. Бу ҳудуд экологик туризм ва фаол дам олиш ўлкаси. Франциянинг курорт шаҳарларидаги энг чиройлиларидан бири Виши больнеологик курорти – Овернинг фахри ҳисобланади. Оверн Франциянинг уч президенти – Жорж Помиду, Жискар д'Эстен ва Жак Ширак ватанидир.

Жануби-Ғарбий район (Аквитания, Пуату-Шаранта, Жанубий Пиреней, Лимузен) Аквитан паст текисликларини унга туташ Пиреней қияликлари ва Марказий массив билан бирга қамраб олади. Бискай кўрфази қирғоқ бўйларида Франциянинг энг яхши қумлоқ пляжлари жойлашган. Районнинг кенг миқёсда туристик ўзлаштирилиши 1960 йиллар охирларида бошланди. Франция ҳукумати иқтисодий ўсишни жадаллаштириш мақсадида бир қатор миллий лойиҳаларни амалга оширишга киришди. Ҳудудий диспропорцияни текислаш ва кучланиб бораётган испан курортларига қарши муқобил чора сифатида янги туристик марказлар барпо этиш шулар жумласидандир. Бискай кўрфази райони қирғоқ бўйларини ривожлантириш режасига кўра Аквитания 16 секторга бўлинди.

Улардан тўққизтасида туристик инфратузилма яратиш кўзда тутилганди: пляжлар жиҳозланди, кўл бўйларида дам олиш зонаси ва сув спорти билан шуғулланиш учун жойлар яратилди.

Қолган етти сектор-районда табиий мувозанатни ва ландшафтни сақлаш мақсадида яшил зонага айлантирилди. Лойиҳа амалга оширилгандан кейин илгари мавжуд бўлган курортлар (Аркашон, Биарриц) иккинчи ҳаётни бошлади, янги курортлар пайдо бўлди, масалан, Молнец. Районнинг туристик ихтисослашуви – чўмилиш-пляж ва экологик туризм вужудга келди ва ҳозир ҳам улар сақланган.

Районда дам олишнинг фаол турлари билан шуғулланиш учун имкониятлар яратилган. Атлантика океанинг баланд тўлқинлари Аквитанияга професионал серфингчиларни жалб қилади. Гарон пасттекисликлари ва Пирениянинг тоғ довонлари бўйлаб турли мураккаблик категориясида пиёда юриш, отда ва велосипедда сайр қилиш

маршрутлари барпо этилган. Тоғ дарёлари спортнинг сув турлари- рафтинг, каноэда сузиш билан шуғулланиш учун фойдаланилади. Ушбу ҳудудда спортнинг бир тури - парапланеризм ривожланмоқда.

Франциянинг жануби-ғарби мамлакатнинг бош виночилик районларидан бири саналади. Унинг ҳудуди бўйлаб виночилик ва вино савдоси машҳур маркази – Бордо шаҳрига элтувчи туристик вино йўли ўтган. Коньяк ишлаб чиқариш район маданий анъаналарининг қисми ҳисобланади. У XVII аср ўрталарида биринчи вино заводида йўлга қўйилган. Шаҳар манзарасини бутун дунёга машҳур ўткир спиртли ичимликлар сақланадиган улкан омборлар белгилайди.

Ўртаер денгизи райони (Прованс-Альп-Лазурний Берег, Корсика, Лангедек-Руссильон) – Франциянинг бош денгиз бўйи туристик ҳудудидир. У бир қатор фарқли қирралари билан характерланади: ҳудудни бир чизиқда (денгиз қирғоғи бўйлаб) туристик қурилиши, оролли ҳудуднинг роли катталиги, туристик оқимнинг мавсумий гавжумлиги (чўмилиш мавсуми), дам олувчилар ва туристлар ҳаддан ташқари кўп тўпланадиган йирик комплекслар устунлиги шулар жумласидандир. Ушбу тенденция фақат 1980 йилларда ҳажми бўйича унча катта бўлмаган туристик марказларнинг барпо этилиши билан алмашинди.

Замонавий фаол туризм эҳтиёж ва талабларига жавоб берадиган ҳамда атроф-муҳитга табиий ярашадиган марказлар вужудга келди.

Француз Ўртаер денгизи райони табиий жиҳатдан кучли фарқ қиладиган иккита туристик зона – шарқий ва ғарбийга бўлинади. Шарқий туристик зона Лион кўрфази бўйлаб жойлашган. Унинг пасттекислик рельефи асосан Рона оқиндиларидан шаклланган. У қумликларга мўл, катта харакатчан шакллар (ўзанлар, Рони дельтаси) билан характерланади. Лион кўрфазининг бу хусусиятлари бу ерда портлар қурилишига имкон бермаган, оқибатда шаҳарлар уларнинг потенциал туристик марказга айланишига монелик қилган. Фақат 1960-1970 йилларда махсус дастур «территориал қайта қуриш» шарофати билан зонани туристик ўзлаштириш ишлари бошланди.

Лазурний Берег ёки Француз Ривьераси деб номланган ғарбий туристик зона Альп денгизи бўйлари билан шаклланган. Унинг рельефи, шакли турғун ва хилма-хил, ландшафти хушманзара, кўп сонли қўлтиқлар қурилиш учун жуда қулай. Денгиз қирғоқларининг ушбу қисми ҳали Антик даврда, кейинроқ –Ўрта аср ва Янги даврда савдо, порт ва ҳарбий марказга, кейинчалик туристик район ядросига айланди. Француз Ривьерасининг маъмурий, иқтисодий, маданий пойтахти курорт шаҳри Ницца ҳисобланади. Ўртаер денгизининг нуфузли курортлари Канн, шунингдек Сен-Тропе ҳисобланади. Лазурний Берегнинг энг жанубий ва эски курорти Йер шаҳридир. Лазурний Берег ҳали XIX асрдаёқ денгиз бўйида дам олишнинг севимли жойи бўлганди.

Ҳозирги замон дам олиш стили XX асрнинг 20 йилларида америкаликлар Француз Ривьересида бўлишганда бошланганди.Ўртаер денгизида ёзги дам олишнинг мароқлилигини улар «кашф» этишди. Чўмилиш, сув чанғисида сайр қилиш, офтобда тобланиш удумга кирди. Улар Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ривьеренинг қайта туғилишига имкон берди.

Бизнинг ҳозирги кунларимизда курорт ҳаёти тобора хилма-хил бўлиб бормоқда. Туристлар нафақат чўмилиш, офтобда тобланиш, балки сув спорти турлари билан ҳам шуғулланиши учун ҳам келишади: винд серфинг, елканли спорт, сув остида сузиш, сув чанғисида, сув мотоциклида, шиширилган бананда сайр қилиш, денгиз устида парашютда учиш. Юқори сифатли майдон ушбу спорт тури ишқибозларини Лазурний Берегга чорлайди. Бу ерда теннис ўйнаш, чавондозлик, пиёда ва велосипеда сайр қилиш учун барча шароитлар яратилган. Хоҳловчилар кенг оммалашган француз миллий ўйини-петанкани ўрганишлари мумкин.

1.8. Франция туризмида давлат сиёсати

Туристик фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши Францияда мураккаб ташкилий таркибга эга. Уни аудиторлик ва назорат ваколати берилган туризм вазири бошқаради. Унга туризм бўйича Бош инспекция бўйсинади. У вакиллик функциясини бажаради, франциядаги чет эл ва хориждаги француз туристик идоралари ишини назорат қилади, бошқа туристик ташкилотлар фаолияти устидан назорат олиб боради, шунингдек француз ва хорижий туристик бозорлардаги вазиятни кузатади.

Туризм вазири ҳузурида туризм бўйича 200 кишидан иборат Миллий кенгаш тузилган. Ушбу маслаҳат органи муҳим мувофиқлаштирувчи роль ўйнаган ҳолда, соҳа вакилларини бирлаштиради. У кузатувчилик, келишувчилик ва маслаҳатчилик функцияларини бажаради. Миллий кенгаш давлат сиёсатини ишлаб чиқиш лойиҳаларини, қонунчилик ҳужжатларини ва туризм соҳасида бошқа масалаларни муҳокама қилишда иштирок этади.

Францияда туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ҳаётга тадбиқ этиш учун туризм вазири томонидан белгиланган вазифаларга кўра, миллий туристик маъмурият-**Туризм бошқармаси ва жойларда унинг бўлинмалари** тузилган. Бошқарма туризм соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади. У, хусусан, махсус меъёрий хужжатлар асосида (туристик объектларни классификациялаш ҳақидаги низом ва бошқалар) туристик фаолиятни тартибга солади, туризм ҳақида статистик маълумотларни тўплайди, системалаштиради, тарқатади, аҳолидан дам олишни таъминлаш бўйича ижтимоий дастурни амалга оширади, туристик индустрия учун кадрлар тйёрлайди ва туризм соҳасида бандликни турли туристик ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Миллий туризмни ривожлантиришда катта ҳисса қўшган ташкилотлар орасида **«Франция уйи»** муҳим ўринни эгаллайди. У 1987 йил туризм вазири иш бошлаганда тузилган. Уни ташкил этишнинг асосий шакли-иқтисодий мақсадлар билан бирлаштириш тасодифан танланган эмас. Давлат, хусусий корхоналар ва туристик индустрия ассоциациялари ва бошқа соҳалар – уларнинг ҳаммаси ички ва кириш туристик оқимларини кенгайтириш умумий иқтисодий манфаатларга амал қилишади, натижада туризмдан даромад кўпайиши таъминланади.

«Франция уйи» Парижда бош идорасига ва жаҳоннинг 28 мамлакатида 33 регионал бюрога эга. Улар Франциянинг жалб қилувчи қиёфасини шакллантирадилар ва мамлакатни туристик йўналиш сифатида жаҳонда илгари сурадилар.

Бошқа ташкилот – **ОДИТ Франс – «жамият учун фойдали бирлашма»** шаклида туризм вазири ҳузурида ташкил этилган: туризм соҳасида тадқиқотлар олиб боради, туристик бозор мониторингини ўтказади, туристик лойиҳаларни экспертизадан ўтказади ва консалтинг хизматлари кўрсатади.

Францияда бир қатор туристик ташкилотлар фаолияти ижтимоий характер касб этади, иқтисодиёт миллий моделининг бош хусусиятларидан бирини акс эттирган ҳолда унда ижтимоий йўналишлар ёрқин ифодасини топган. 1999 йил вазирлик ташаббуси билан **«Таътилга чиқувчилар билан бирдамлик фонди»** жамоат ташкилоти тузилди, у таътил даврида молиявий қийинчиликлар туфайли дам ололмайдиган алоҳида тоифадаги фуқороларга манзилли ёрдам кўрсатади.

Улар бўш пул маблағларини тўплаб, уларни мақсадли тарзда сарфлаш, кам таъминланган оилаларни дам олишларида моддий кўмаклашишга эътибор қаратадилар. Инсонпарварлик ташкилотлари, ишсизлар ишлари бўйича қўмита, жойлардаги ижтимоий ҳимоя органлари орқали бу оилалар дам олишга ўз фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланишиб махсус арзон нархларда тегишли хизмат пакетларини сотиб олишлари мумкин.

Ижтимоий (дотацияда) туризм тизимида марказий ўрин ҳар бир киши, ҳаммага очиқ, унинг билан Францияда таътил чеклари **Миллий агентлиги** шуғулланади. Тижорий фаолият юритиш ҳуқуқи билан бу давлат муассаси 1982 йил тузилган эди. У икки

маҳкамага-туризм вазирлиги ва иқтисодиёт ва молия вазирлигига бўйсинади. Миллий агентлик бошқармаси маъмурий кенгашни амалга оширади, унинг таркибига касаба уюшмалари қўмиталарни ишберувчилар, меҳнат жамоалари, хизмат кўрсатувчилар ва бошқалар вакиллари киритилган. Миллий агентлик таътил чеклари- тўлов – ҳисоб воситасини чиқаради ва уни туристларга манзили ёрдамни таъминлаш, аҳоли барча қатламларини дам олиш имкониятига эга бўлишлари учун муомилага киритади. Миллий агентлик ижтимоий туризм объектларини – кемпинглар, унча катта бўлмаган меҳмонхона – уйлар (улар кам таъминланган фуқароларни қабул қилишга мўлжалланган) ни молиявий таъминлайди.

1959 йил Францияда **Миллий қўмита**, кейинчалик шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш бўйича Кенгашга айлантирилган маҳкама тузилди. Унинг фаолияти номида акс этган йўналишда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва туристларни жалб қилиш мақсадига қаратилган. Шунинг учун Кенгашни туризм вазири бошқаради. Кенгаш регионлардаги хокимият органлари, департамент ва коммуналарда мунтазам мамлакат аҳоли пунктлари ўртасида кўкаламзорлаштириш бўйича энг яхши аҳоли пункти номи учун танловлар ўтказиб боради.

Туризм соҳасида Франция давлат сиёсати турли шаклларда, турли шароитларда, турли мақсадлардаги барча манфаатдор кучларни консолидациялаш асосида қурилган. Ушбу йўналишда яқинда қўйилган қадамлардан бири 2004 йил. Туризм бўйича **маҳкамалараро қўмита** тузилгани бўлди, у ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этади, жаҳон туризм бозорида Франциянинг етакчилик ўрни сақланишини таъминлайди.

Франция жаҳон етакчи туристик давлати сифатида асосий рақобатчилари томонидан баҳсга тортилди. Туризм вазири ташаббус билан ишлаб чиқарилган. **Туристик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш режаси** (2003й) рақобатчиларга муносиб жавоб бўлди. У Франциянинг мафтункорлигини кучайтиришга қаратилган: мамлакатга келаётган туристлар сонини кўпайтириш, бўлиш муддати давомийлигини узайтириш, тушадиган даромадни кўпайтириш.

Буларнинг ҳаммаси туристик индустрия корхоналарида янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Режага мувофиқ жойлашиш воситалари, ресторанлар, туристик ахборот идоралари, турагентликлар, транспорт компниялари янада юқорироқ стандартларда хизмат кўрсатиш бўйича сифат маркаси учун курашадилар. Ушбу марка билан улар рақобат устунлигига эришадилар, бу эса бошқа корхоналарни уларнинг изидан боришга мажбур қилади.

Режа барча манфаатдор кучларни ҳаракатга келтирувчи консолидация воситасига айланди. Уни амалга оширишда иштирок этган туристик бизнес ходимлари, уларнинг профессионал бирлашмалари, жойлардаги бошқарув органлари марка унвони олиш шартларидан тортиб, унинг рекламасигача қизғин рақобатга киришадилар. Марка логотипини ишлаб чиқилди, унда Франциянинг бош ғояси – хизмат кўрсатиш сифати учун кураш акс этган. У «Q» кўринишида – «сифат» сўзининг бош ҳарфи, кўк-оқ-мовий ранг белги. Франция уч рангини эслатади. Белги туристик корхонага киришда осиб қўйилади.

Сифат маркаси санитария нормалари ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилган, белгиланган классификацион талабларга жавоб берадиган (масалан, отеллар учун 3* тоифа), хизмат сифатини мустақил ташқи аудиторлик текширув орқали аниқлаб турадиган, олган мажбуриятини миллий кўнгилли оширилган сифат (уларнинг ҳаммаси 96 та) билан бажариладиган, мижозлар таклифларига тегишли тарзда эътибор берадиган туристик индустрия корхоналарига берилади. Сифат маркаси танлов комиссияси тақдимоти бўйича туризм вазири томонидан берилади.

Сифат маркаси остида ишлайдиган туристик корхоналар фаолияти қатъий назорат қилинади. Корхоналарнинг ўзи ташкил қиладиган мустақил аудитор текширувларидан ташқари, сифат маркаси олиш учун давлат ҳам ўз томонидан назоратни амалга оширади, белгиланган тегишли талабларга жавоб бермайдиган корхона маркадан маҳрум этилади.

Уч халқаро бренд отеллари – **«Ибис», «Меркур», ва «Новотель»** жойлаштириш воситалари миллий федерацияси **«Ложе-де –Франс»**Франция ресторанчилар ассоциацияси ва бошқалар сифат маркасига эгадирлар.

2003 йил француз ҳукумати **изчил тараққиёт миллий стратегиясини** қабул қилди, унинг таркибий қисми туризмни изчил тараққий эттиришдан иборат.

Ушбу матнда туризмда сифат муоммоси янада кенг маъно касб этади: теварак-атроф табиатга зиён етказмасдан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиб туризмдан туристик фаолият жараёнида юқори ижтимоий – иқтисодий самара олиш шулар жумласидандир.

Францияда катта эътибор жисмоний имкониятлари чекланганлар билан туризмни ташкил этишга қаратилмоқда. 1998 йилдаги «**Мустаснолик билан кураш ҳақида**» ги қонунга кўра улар энди дам олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим ва ишда бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуққа эгадирлар. Франция президенти ушбу шахсларни ҳар томонлама мамлакат ижтимоий ҳаётига жалб этиш вазифасини қўйди. Ушбу вазифага кўра туристик ташкилотлар ва корхоналар туризм инфратузилмасини такомиллаштиришда ногиронлар чекланган имкониятларни албатта, ҳисобга олишлари лозим.

Франциянинг туризмда болаларни номусига тегиб эксплуатация қилишга қарши курашдаги фаол ролини таъкидлаш керак.

Туризм Францияда регионал сиёсат объектларидан биридир. Туризмни ривожлантириш мамлакатда территориал фарқни йўқотишга имкон беради умумий бутунликни мустаҳкамликни таъминлайди.

Шу муносабат билан туризм соҳасидаги сиёсат нафақат Франциянинг анъанавий туристик районларида, балки туристик индустрия қўшимча иш ўринлари яратилган ҳали унчалик таниқли бўлмаган районларда ҳам ўтказилмоқда, бу эса туризм соҳасида иқтисодий ўсишнинг омили бўлиб хизмат қилаётир.

Туризм соҳасида давлат сиёсатининг муҳим йўналиши мамлакатнинг ижобий қиёфасини яратиш ва туристик йўналиш сифатида уни жаҳон сайёҳлик бозорида илгари суриш. Францияда бу вазифа туристик маҳсулотлар сифатини ошириш воситасида ҳал қилинмоқда. Шунингдек туризм индустриясида қўшимча қиймат занжирчаси тараққий эттирилмоқда. Бундай ғоя «Франция уйи» нинг 2000-2006 йилларга мўлжалланган маркетинг стратегиясида ўз ифодасини топган.

Маркетинг стратегиясидан ташқари «Франция уйи» ўзи ўтказаётган акция ва кампонияларни ҳам янгилади. Улардан бири – «Францияга хуш келибсиз!» (Bienvendie en France), у чет эллик туристларни жалб қилишга йўналтирилган. У 72 минг турбизнес профессионлларига қаратилган ва янги самарали усуллардан фойдаланиб Франциянинг туристик қиёфасини ундан ташқарида илгари сурувчиларни рағбатлантиради. Интернет ва оммавий ахборот воситаларида кенг кўламли реклама акциялари ўтказади, унда мамлакатга кириш туризми тараққиёти ва истиқболларини тарғиб қилади. Бу компанияни етакчи туристик корхоналар ва ташкилотлар – миллий авиаташувчи «Эр Франс», автомобилларни прокатга бериш бўйича **«Херц»,** меҳмонхоналар занжири **«Аккор»,** тематик парк **«Париж Диснейленди»,** туризм бўйича регионал қўмита **Иль-де-Франс** ва бошқалар қўллаб қувватладилар. Улардан кўпларининг Францияда кириш туризми тараққиёти ишига қўйган ҳиссаси, фаолияти нуфузли профессионал мукофот **«Қабул юлдузи»** билан тақдирланди.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Франциянинг географик жойлашиши ва табиий иқлим шароити ҳақида маълумот беринг.
2. Франциянинг табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида нималарни биласиз?

3. Францияда туризмни тараққий эттириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?
4. Франциянинг аҳолиси, унинг миллий хусусиятлари, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш жиҳатлари қандай?
5. Франция туризм тараққиётида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрнини аниқланг.
6. Францияда туристларни жойлаштириш воситаларининг асосий ҳусусиятлари, имкониятлари ҳамда афзалликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?
7. Францияда туристларни овқатлантириш тизими, ресторанлари ҳамда миллий таомлари ҳақида маълумот беринг.
8. Франциянинг сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш инфратузилмаси қандай ривожланган?
9. Халқаро туризм бозорида Франциянинг тутган роли ва ўрни қандай?
10. Франциянинг асосий туристик районлари ва марказлари ҳақида маълумот беринг.

II БОБ. ИСПАНИЯ ТУРИЗМИ

2.1. Испаниянинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари
2.2 Испаниянинг тарихий-маданий туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари
2.3 Испаниянинг аҳолиси, йирик шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати
2.4. Испаниянинг туризм инфратузилмаси тармоқлари
2.5. Испания туризмининг халқаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва роли
2.6. Испания туризми турлари ва уларнинг асосий марказлари. Курортларда дам олиш
2.7. Испания туризмининг ривожланиш истиқболлари

2.1. Испаниянинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари

Географик ўрни. Испания мамлакати Европанинг жанубий – ғарбида Пиреней ярим оролида жойлашган. У ғарб томонда Португалия, шимолда Франция ва Андорра, жанубда Гибралтар билан чегараланади. Испания шарқда ва жанубда Ўрта ер денгизи, Ғарбда Атлантика океани, шимолда эса Бискай қўлтиғи сувлари билан ювилиб туради. Испанияга Балеар ва Канар ороллари, ҳамда Марокко қирғоқларидаги 5 та мустақил зоналар қарайди. Мамлакатнинг умумий ер майдони – 449,4 минг кв. км.ни ташкил қилади.

Табиий иқлим шароити. Испания тоғли мамлаат бўлиб, унинг 85%га яқин территориясини ясси тоғликлар ва тоғлар эгаллайди. Месета ясси тоғлиги Испаниянинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, у мамлакатдаги энг йирик тоғлар туркумига киради. Кантаберий тоғлари ҳам Испаниянинг шимолий қисмида жойлашган. Испания ва Франция чегара қисмида Пиреней тоғлари чўзилган. Мамлакатнинг шарқий қисмида Ибери ва Каталон тоғлари жойлашган. Жанубида эса Сьерра – Морена ва Андалузия тоғлари ўрнашган. Муласен тоғи (3482м) Испаниянинг қуруқликдаги энг баланд нуқтаси бўлиб, у Андалузия тоғ тизмаларига киради. Испаниянинг пасттекисликлари (қирғоқ бўйидаги жойлар) Андалузия ва Арагон ҳудудларида жойлашган. Испаниянинг денгиз соҳиллари жуда хилм-хил бўлиб, бу ерда қум тепаликлари тик қоялар, кенг қумли пляжлар, қумлоқ ерлар ва тошлоқларни учратиш мумкин. Ўрта ер денгизи соҳилларида жуда кўп меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари ҳамда пляжлар бўлишига қарамай бу ерда бўш ётган қўлтиқлар ва ботқоқликларни учратиш мумкин.

Иқлими. Испаниянинг иқлим шароити субтропик, Ўра ер денгизи иқлим типидир. У тез-тез ўзгпрувчан бўлиб, шимолий-ғарбдан, жанубий-шарққа қараб ўзгариб боради. Иқлимнинг ўзгариб бориши денгиз сатҳига нисбатан жойнинг баландлигига боғлиқ бўлади. Мамлакатда ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $+14^0$C дан $+19^0$C ни ташкил қилади. Испаниянинг ёзи иссиқ бўлади. Ёзда мамлакатнинг марказида кун давомида ўртача ҳарорат $+30^0$C га кўтарилади. Кечаси эса у $+15^0$C га тушади. Қиши эса қуруқ бўлади. Қиш ойларида ҳаво ҳарорати $+17^0$C+19^0C атрофида бўлади. Куз ойларида $+22^0$C $+25^0$C ни ташкил қилади. Испания денгиз сувларининг ўртача ҳарорати: ёзда $+25^0$C, кузда +20-22^0C, қиш ойларида +16-18^0C ни ташкил қилади. Испания мамлакати об – ҳавоси сайёҳларнинг денгизда чумилиши учун катта имкониятлар яратади (1-жадвал).

1-жадвал

Испания об – ҳавосининг ойлар бўйича тақсимланиши

Ойлар	Мадрид (Марказ)	Севилья (Жануб)	Барселона (Шарқ)	Балеар ороллари	Канар ороллари
Ўртача т (^{0}C) кундузи					
Январ	7	15	13	15	18
Феврал	12	20	14	16	18

Март	15	24	16	17	19
Апрел	18	27	18	18	19
Май	21	30	21	21	21
Июн	26	34	25	26	22
Июл	31	37	28	29	25
Август	30	40	28	29	25
Сентябр	25	34	26	27	25
Октябр	18	30	21	23	23
Ноябр	13	25	16	19	21
Декабр	8	18	13	16	19

Мамлакатда саёҳлар учун энг қулай бўлган муддат бу март – июн ҳамда сентабр – октябр ойлари ҳисобланади. Пляж (оммавий чўмилиш) мавсуми июндан то 10 октабргача давом этади. Баҳор ва куз мавсумида кечқурунлари об – ҳаво атрофлича совуқ бўлади. Ёғинлар йилига 500 – 600 мм ёғади. Испания ҳудудида дарё ва кўллар камроқ учрайди. Мамлаатнинг йирик дарёлари Тахо, Дуеро, Гвадиана, Эбро, Гвадалквивирлар ҳисобланади. Кўпгина дарёлар сувини Атлантика океанига қуяди. Мамлакатнинг энг чуқур ва серсув дарёси – Гвадалквивардир.

Ўсимликлар дунёси. Испания Европадаги энг бой ўсимликлар дунёси мамлакати сирасига киради. Бу ерда 8 мингдан ортиқ турли хил ўсимликлар ўсади, уларнинг кўпчилиги жуда кам учрайдиган ноёб ўсимликлар турини ташкил қилади. Мамлакат ҳудудида ўсадиган ўсимликларинг кўпгина турлари тиббиёт соҳасида дори – дармонлар таёрлаш мақсадида, парфюмерия саноатида ва кулинарияда зиравор сифатида ишлатилади.

Испания ҳудудида ўсимликлар дунёси икки хил кўринишда, яьни **“қуруқ”** ва **“намли”** зоналарда тарқалган. Мамлакатнинг ўрмонлари аста – секин шимолий-ғарбдан ва шимолдан жанубий шарқ ва жанубга томон камайиб боради.

Испаниянинг намлик кўп тушадиган ҳудудларида типик кенг баргли ўрмонлар тарқалган. Ўрмонларда асосан дуб, бук, каштан, ясен (шумтол), клен (заранг), қайрағоч, терак каби дарахтлар ўсади. Энг кўп, бой қалин ва ширадор (серсув) ўсимликлар дунёси Кантабрий тоғлари ва Галисий массивлари ён бағрларини қоплаганлар. Ушбу районни одатда **“Яшил Испания”** деб ҳам аташади. Галисининг асосий типик ўсимликлари денгиз бўйи қарағайзор ўрмонларидир. Бу ерда баьзан қайин дарахти ҳам учрайди. Бутун **“Яшил Испания”** учун серсув ям-яшил ўтлоқлар характерлидир. Шу сабабли мамлакатинг шимолий ҳудудларида йирик шохли қорамолчилик ривожланган.

“Қуруқ Испания” ҳудудида ўрмонлар жуда оз. Бу ерда асосан Ўрта ер денгизи ўсимликлари типи эгаллйди. Бу жойнинг ўсимликлари қурғоқчиликни яхши кўрадиган типлар доимий яшил бутазорлар, ёввойи писта, мирта (хушбўй оқ гулли, доим яшил бута ўсимлиги), қора арча, ёввойи зайтун ва бошқалар. Испанияда энг кўп ўрмон зоналар Марказий Кордильер тоғларининг жанубий ёнбағрида тарқалган. Бу ерда асосан дуб дарахти учрайди. ундан ташқари лаванда, ладаника, дрок (чўлда ўсадиган ўсимлик), зира розмарин кабилар ўсади.

Мамлакатнинг жанубий – шарқий қисмида (жанубий Месета) машҳур Ла – Манги платосида чўл, ярим чўл ўсимликлари, шувоқ, тамарика кабилар тарқалган. Ҳозирги пайтда Испания ўрмон майдонлари бўйича Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида Франциядан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Мамлакатинг Каталония провинциясида ва жанубий, жанубий – ғарбий қисмларида антиқа пўкак қилинадиган дуб дарахти ўсади. Испания пўкак қилинадиган дуб дарахтидан пробка таёрлаш бўйича дунёда Португалиядан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Ҳайвонот дунёси. Испания ҳайвонот дунёсига бой мамлакат ҳисобланади. Мамлакатнинг шимолий қисмидаги ҳайвонот дунёси ўртаевропа ҳайвонлари типига

ўхшайди. Испания ҳудудида сутэмизувчи ҳайвонлардан буғу, лан (буғунинг бир тури), косуля, ёввойи тоғ эчкиси, ёввойи чўчқа, Пиреней тоғ эчкиси, олижаноб буғулар сақланиб қолган. Ёввойи тоғ эчкиси Пиреней ва Контабри тоғларида учрайди. Лань (буғунинг бир тури) Эстремадура областининг чалачўл ва Толедо провинциясининг тоғли ҳудудларида тарқалган. Мамлакатнинг кўпгина районларида ёввойи чўчқа учрайди. Қўнғир айиқ тоғ – ўрмонларида камдан – кам учрайди. Йирик йиртқич ҳайвонлардан бўри, тулки ва испан силовсини Гвадалквивар ҳудудида яшайдилар. Мамлакатда турли хил кемирувчи ҳайвонлар, қуёнлар кенг тарқалган.

Испания қушлар дунёсига жуда бой мамлакат саналади. Бу ерда бургут, укки, ку-ку каби қушлар учрайди. Испания учун каклик ва кўк қарға характерли. Тахо дарёси ва Таррехон сув омборлари ҳудудида қора қирғийлар тўдаси кенг тарқалган. Дарёларнинг қуюлиш жойида, сув омборларида сувда сузувчи ўрдак, ғоз, фламинго, оқ лайлак, кўк қўтон каби минглаб учиб ўтучи қушларни учратиш мумкин. Мамлакатда судралиб юрувчи ҳайвонлардан калтакесаклар, илонлар ва хамелионлар тарқалган.

Испания Европанинг ов қиладиган йирик мамлакати ҳисобланади. Бу ерда овчиликни ташкил қиладиган Саха буюртмаси Сантандер провинциясидаги Контабрий тоғларида жойлашган. Ушбу буюртманинг умумий майдони 177 минг гектарни ташкил қилади. Унда овлашга рухсат этилган ҳайвонлардан айиқ, ёввойи чўчқа, буғу, бўри, қуён, тоғ эчкиси; қушлардан каклик ва лойхурак.

Самьедо – Испанияда номи чиққан энг бой ва чиройли буюртмахоналардан бири саналади. У Овьеда провинциясининг шимолий томондаги тоғ қисмида жойлашган. Самьедо буюртмаси 88 минг гектар майдонни эгаллайди. Буюртманинг ўрмонлари хилма – хил кенг баргли дарахтлардан иборат. Буюртма ҳудудида айиқ, чўчқа, буғу, тоғ эчкиси, сассиқ қўзан, савсар, қуён; қушлардан глухарь (каркур), каклик, лойхўрак, ёввойи каптарлар яшайди. Испаниянинг Сьерра-де-Касорда кўркам тоғлари ўзининг хилма – хил бой флора ва фаунаси билан алоҳида ажралиб туради. Бу ерда жуда ноёб Европанинг “Испан эдельвейси” ўсади. Сьерра-де-Гредое тоғида жойлашган яна бир буюртма ўзининг энг ноёб ҳайвони – тоғ эчкиси билан машҳур.

Испания табиатни муҳофаза қилиш масаласи билан 1965 – йилда ташкил этилган “Табиатни муҳофаза қилиш илмий комиссияси” шуғулланади. Ҳозирги кунда Испанияда 2 хил тоифага эга бўлган табиий территорияларни мухофаза қилувчи – миллий парклар ва қўриқхоналар (ёки табиий портлар) мавжуд. Ўтган асрнинг 70 йилларида мамлакатда 6 та миллий парклар ва битта қўриқхона ташкил қилинган эди. Уларнинг умумий майдони 444 минг гетардан ошади. Мамлакатда қўриқхона ва буюртмаларнинг барчаси Испаниянинг шимолий қисмида жойлашган тоғ, тоғолди районларида ва Канар оролларида жойлашган. Малакатда биринчи бўлиб ташкил этилган қўриқхона Кото – Даньян ҳисобланади. Қуриқхона Гвадалквивир дарёси водийсида жойлашган. Қўриқхона ҳудудидаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси хилма – хилдир. Кото – Доньян қўриқхонасида ёввойи ҳайвонлардан ёвойи чўчқа, буғу, силовсин; қушлардан каклик, тустовуқ, бургут ва бошқалар муҳофазага олинган.

2.2 Испаниянинг тарихий-маданий туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари

Испания, бетакрор табиий кўринишга эга давлат. Унинг табиати, географик жойлашуви, об-ҳавоси туризм учун жуда қулайдир. Испаниянинг қайси гўшасига борманг, Галисей, Астуре, Кантабри туризм учун жуда қулай бўлиб об-ҳаво, табиат манзаралари ва ҳайвонот оламидан баҳраманд бўласиз. Бундан ташқари юқори сифатли ва такрорланмас туристик инфратузилмага эга бўлган, Каталония, Валенсия ва Андалусия ҳудуларини мисол қилса бўлади. Испания ичидаги бошқа ҳудудлари, масалан: Арагон, Бастилия, Леон, Кастилия-Ла-Манча ва Эстремадура каби давлатлар ўзининг тарихий шаҳарлари билан туристларни жалб қилади. Бу ерда меҳмонларни ажойиб санъат

асарлари, гўзал табиат, архитектура ёдгорликлари кутади. Туристлар учун энг севимли дам олиш жойи бу – Испания оролларидир.

Балеария ороли. Бу орол ўзининг пляжлари билан машхурдир. Бундан ташқари бу ерда сув спорти жуда яхши ривожланган. Канар ороли ўзининг табиий вулқон парклари йил бўйи ажойиб об-ҳавоси туристлар учун жуда ажойиб қулайликлар ва қизиқишлар касб этади. Пиреней ярим оролида Испаниянинг пойтахти – **Мадрид** жойлашган. Мадридда кўплаб диққатга созовор жойлар мавжуд. Европадаги энг зўр расмлар галериясига эга Прадо музейи ҳам айнан шу шаҳарда жойлашган. Унинг фото галерияси энг машхур рассомларнинг асарларидан иборат. Булар Валаскеса, Гойи ва бошқалар Мадриднинг энг диққатга сазовор жойларидан бири бу – Плаза Маджор. Бу ер автомобиллар учун ёпиқ. Фақат пиёдалар ва туристлар учун мўлжалланган.

Мадриднинг марказий майдонларидан бири – **Пуэрта-дел-Сол** бу пойтахтнинг юзи ҳисобланади. Бу майдондан ўтган бош кўча Алкаладир. Бу кўчада пойтахтнинг қарийб ҳамма банклари ва савдо марказлари жойлашган. Шаҳарнинг шарқий қисмида Мадриднинг энг катта парки (истироҳат боғи) жойлашган. Музей яқинида ботаника боғи ҳам бор. Боғда 30 минггга яқин ўсимлик тури мавжуд. Бундан ташқари Мадрид кутубхонаси дунёдаги китоб заҳирасига эга энг бой кутубхона ҳисобланади. Бу бинода яна Археология музейи ҳам жойлашган. Хуллас, Мадрид дунёнинг саёҳат қилишга арзигулик энг чиройли шаҳарларидан биридир. У Европанинг **“Тунги пойтахти”** деб аталади. Чунки, шаҳар тунда ҳам худди кундузгидек одамлар билан гавжум бўлади.

Испаниянинг яна бир ажойиб шаҳарларидан бири бу – **Барселонадир.** Барселона Ўрта ер денгизи қирғоқларида Пиреней ярим оролининг шимолий-шарқида жойлашган энг гўзал шаҳар ҳисобланади. Барселона – Каталония пойтахти ҳисобланади. Барча Европа пойтахтлари ва катта шаҳарларининг рамзи ҳисобланган кўчалари мавжуд бўлиб, масалан, Москвада Арбат, Берлинда Унтерденлинден, Парижда Элисей майдони, Лондонда Пикаделли бўлса, Барселонада Лас Рамбладир. Рамбла сўзи арабчадан олинган бўлиб, “қуриб қолган дарё йўлидаги кўча” маъносини англатади. Бу кўчанинг машхурлиги Каналетас фаввораси билан боғлиқ, чунки фаввора ёнида машхур Барселона футбол жамоаси муҳлислари учрашади. Бу жамоа 1899 йили Жоан Гампер бошчилигида швецариялик, британиялик, испаниялик ва каталониялик футболчилар томонидан ташкил этилган. Қулай об-ҳаво, бой маданият, архитектура ва диққатга сазавор жойлар Испанияга миллионлаб туристлар оқимини олиб келмоқда. Яна шуни таъкидлаш керакки, Испаниянинг 42 та архитектура ёдгорлиги ва кўплаб музейлари ЮНЕСКО мероси сифатида тан олинган. Бундай ёдгорликлар бўйича Испания, Италиядан кейинги яъни иккинчи ўринда туради.

Гранада. Гўзал Съерра-Невада тоғларининг бир қисмида жойлашган Гранада шаҳрининг маъданий меросини дунё маъданиятининг гавҳари дейиш мумкин. Шаҳар бир неча асрлар давомида Мавритания ҳукмронлиги остида яшади. Балки шунинг учундир кейинчалик ҳукмронлик қилган католиик қироллари унинг сўзал ва мафтункор Шарқ анъаналаридан мосуда эта олмади. Улкан черков ва монастирлар қурилишига қарамай шаҳар ҳали ҳамон ажиб Шарқ маданияти биian яшамоқда. Бугунги кунда ҳам шахар кучалари ва уйларида араблар нуфузи уфуриб туради. Уй олдига экилган ва тошлар билан ўралган экинзорлар, турфа шаклдаги гул-туваклар, ажиб фавворалар ва мевали дарахтларга бой сирли боғлар, шинам ҳовлиларнинг кўркига кўрк қўшади. Айнан мана шу манзаралар машҳур ёзувчи Ҳуан Рамон Ҳименесний сирли боғлар асарини ёзишга ундаган. Шарқ маданиятига ҳос чойҳўрлик шахар аҳолисининг урф-одатига сингиб кетган. Бугунги кунда Испанияда қаҳва бироз урфга кирган бўлсада, араб кварталларида ҳозиргача бизнинг чойҳонага ўҳшаш масканлар одамлар билан гавсжум бўлади. Гранаданинг «Андалусия марвариди» Ал Ҳамро саройисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳашаматли араб меъморчилик ёдгорлиги шахарнинг чекка қисмида жойлашган. Ажойиб меъморчилик ва гўзал боғлар бу ерга ташриф буюрган сайёҳларнинг ҳайратига сабаб бўлиши аниқдир.

Мамлакатдаги яна ажойиб туристик обьектлардан бири, океан кўринишидаги **Валенсия** паркидир. Ушбу парк Валенсиянинг марказий қисмида жойлашган. Бу улкан аквапаркнинг умумий майдони 110 минг кв. метрни ташкил қилади. Аквапаркнинг умумий сув ҳажми эса 42 минг кубдир.

Испания мамлакати курортларга жуда бойдир. Унинг курортлари битмас тугамас маьданли сувлар захирасига эгадир. Испанияга ташриф буюрадиган туристларнинг асосий қисми унинг тўртта: Коста-Брава, Коста-Дорода, Коста-Бланка ва Коста-дел-Солларига боришади.

Мила Уйи 1906-1910 йилларда Барселоналик архитектор Антанив Ганди томонидан, Дере Мила ва Росарио Сегимона учун қурилган уй. Испания курортлар шаҳри ҳисобланади. Унинг курортлари маъданли сув базасига жуда бойдир. Туристларнинг катта қисми Испаниянинг асосан 4 та оролига: Коста-Брава, Коста-Дорода, Коста-Бланка ва Коста-дел-Сол оролларига боришади.

Коста-Брава Франсия чегарасидан 40 км узоқликда, Испаниянинг шимолий қисмида жойлашган. Коста-Дорода, Европада Франсиядаги Диснейлендан кейинги ўринда турадиган катта парк ҳисобланади. Коста-Дородадаги асосий шаҳарлардан бири, бу Таррагона ҳисобланади. Таррагона Испаниянинг қадимий шаҳарларидан бири, у ерда кўплаб музейлар, тарихий-архитектура ёдгорликлари мавжуд. Коста-Бланка йил бўйи туристлар оқими пасаймайдиган, Испаниянинг энг катта курорт шаҳри ҳисобланади. Коста-дел-Сол, пойтахти Малага Испаниядаги энг катта порт ҳисобланади. Бу ерда эрамиздан аввалги II асрга тегишли римликлар қурган амфитеатр жойлашган.

Испанияда кўп минглаб дунё аҳамиятига эга бўлган архитектура ёдгорликлари жойлашган. Жумладан: Мадрид шаҳридаги қирол (подшоҳ) саройи, Сан-Франсиско-эль-Транде черкови; Эль-Эсприаль ибодатхонаси. Ла-Коруньидаги қадимги рим “Башня Геркулеса” маяки ва Сантьяго черкови. Сарзосдаги Ла-Сео ва Эль-Пилар соборлари. Толедодаги Санто-Томе черкови; Плаза-де-Зеко майдонидаги готик собори. Кордобедаги сарой-қальаси ва қадимги рим кўприги. Севильедаги қирол саройи, готик собори, қўнғироқ. Барселонадаги Саграда де Фамилия собори. Каталониядаги Сальвадор Дали ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган кўпггина жойлар.

2.3 Испаниянинг аҳолиси, йирик шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати

Ҳозирги кунда Испания мамлакатида аҳолининг умумий сони 45 млн. кишидан ошади. Аҳолининг зичлик даражаси бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига қараганда анча пастроқ. Испанияда аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв. км.га 78 киши тўғри келади. Аҳолининг энг зич жойлашган жойлари Ўрта ер денгизи ва Атлантика океани қирғоқ бўйларига тўғри келади. Мамлакатнинг тоғлик, тоғолди ҳудудларида аҳоли бирмунча камроқ яшайди. Аҳолининг этник таркиби ҳам ҳар хил. Испан миллати бутун аҳолининг 73% ини ташкил қилади. Давлат тили испан тилидир.

Испания аҳолиси ўтган асрнинг 70 йилларида иммигрантлар ҳисобига кўпайди. Ўша пайтда мамлакатда лотин америкаликлар гуруҳи ва Шарқий Европа аҳолилари пайдо бўлди. Бугунги кунда эса Испания мамлакати ҳудудида осиёлик иммигрантлар: хитойликлар, филиппинликлар, ҳиндистонликлар, покистонликлар, афғонистонликлар яшамоқдалар.

Ҳозирги кунда аҳолининг умр кўриш даражаси 79 ёшни ташкил қилади. Мамлакат ахолисининг саводхонлик даражаси 98% га тенг. Аҳолининг аксарият қисми, яьни 98% и католик динига эьтиқод қилади, 1% и протестант динига, 0,5% и ислом динига, 0,5% и иудей динига эьтиқод қилишади.

Йирик шаҳарлари. Испаниянинг пойтахти – Мадрид шаҳри. Унинг аҳолиси 5 млн. кишига яқин. Барселона (1 млн. киши), Севилия (800 минг кишидан ортиқ), Сарагоса (650 минг киши), Бильбао (400 минг киши), Малага (300 минг киши).

Иқтисодиёти. Испания саноати ривожланган аграр мамлакат саналади. Мамлакат иқтисодиётида энг яхши ривожланган саноат тармоқларига тоғ-кон саноати, қора металургия, машнасозлик, автомобилсозлик, электротехника, кимё ва қадимий тармоқ тўқимачилик саноати киради.

Испания дунёда симоб қазиб чиқариш бўйича биринчи, пирит қазиб чиқариш бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Мамлакатда кўп миқдорда темир рудаси, қўрғошин, цинк, уран рудаси, тошкўмир қазиб олинади. Қора металлургия саноати пўлат ва чўян ишлаб чиқаради. Рангли металлургия саноати қўрғошин, мис, алюминий ишлаб чиқаради. Машинасозлик саноати корхоналари, денгиз кемалари, автомобиллар, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, мотоцикллар, велосипедлар, станоклар, саноат корхоналари жиҳозлари, электротехникалар, музлатгичлар, совутгичлар, кир ювиш машиналари, асбоб – ускуналар, темирйул вагонлари, электровозлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Испанияда тўқимчилик ва озиқ – овқат тармоқлари борган сари жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалик тармоғи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигида яроқли ерлар мамлакат территориясининг 70% ини ташкил қилади. Суғориладиган ерларнинг умумий майдони 2,5 млн. гектарни ташкил этади. Испания ерларнинг умумий майдони бўйича Европада биринчи ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалигида экиладиган асосий экинлар бу буғдойдир. Буғдой бутун экиладиган майдонларнинг 50 % ини ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалиги сохасида арпа, жавдар, маккажўхори, сули, дуккакли экинлар, картошка, қанд лавлаги, пахта, тамаки, шакарқамиш, турли хил сабзавотлар ўрин эгаллайди. Испанияда узумзорлар катта майдонларни эгаллайди. Узум етиштириш бўйича у Европада иккинчи ўринни эгаллайди. Машҳур испан виноларини ишлаб чиқаришда Испания дунёда учинчи ўринда туради. Зайтун ва бодом ишлаб чиқаришда ҳам дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Цитрус меваларини тайёрлашда ҳам Испания етакчилик қилади(иккинчи ўрин). Мамлакатда жуда катта майдонларда шофтоли, анор, анжир, ҳурмо каби мевалар етиштирилади. Испанияда чорвачилик соҳаси ҳам анчагина ривлажланган. Йирик шохли қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, чўчқачилик, йилқичилик, эшакчилик тармоқлари алоҳида ўринни эгаллайди. Мамлакатда махсус ҳўкизлар етиштирадиган ихтисослашган хўжаликлар мавжуд. Махсус ҳўкизлар корридо ўйинларини амалга оширишда қулланилади. Чорвачилик соҳасида паррандачилик ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

2.4. Испаниянинг туризм инфратузилмаси тармоқлари

Транспорт тармоқлари. Темирйўл транспорти Испания иқтисодиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган тармоқ ҳисобланади. Испания темирйўл транспортининг ривожланиш тарихига назар ташласак, у XIX асрнинг ўрталарида (1848 йил) қурилди. Ҳозирги кунда мамлакатдаги темирйўлларнинг умумий узунлиги 15,3 минг км.ни ташкил қилади. Шундан 9,1 минг км. электрлаштирилган.

Мамлакатда ташиладиган бутун юкларнинг 6,5 % ва йўловчиларнинг транспорти эвазига тўғри келади. Испания темирйўллари техник жиҳатдан қуйидаги тармоқларга бўлинади:

- Кенг ғилдиракли йўллар (1668мм) 11,9 минг км (электрлашган);
- Стандарт ғилдиракли (1435мм) 1,4 минг км (электрлашган);
- Қисқа ғилдиракли йўллар (1000мм) 1,9 минг км (электрлашган);
- Қисқа ғилдиракли йўллар (914мм) 28 км.

Тезюрар темирйўл транспорти. Испания энг узун тезюрар темирйўл транспортига эга бўлган Ғарбий Европа мамлакатидир. Испанияда темирйўллар транспортини Давлат миллий темирйўллар компанияси (RENFE) бошқаради. YAVE (Alta Velocidad Espanota, Испания темир йўллар транспорти) савдо маркасига эга. Ушбу тезюрар поездлар

мамлакатинг пойтахти Мадрид шаҳрининг энг йирик шаҳарлари: Валенсия, Барселона, Малага, Севилья, Кордова, Сарогасо, Леридо ва Уэсколарни бир – бири билан боғлайди. Испанияда борган сари тез юрар поездларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Айниқса, мамлакатнинг Андалусия, Каталония ва Мадрид йўналишларида транспортларни ташишда асосий восита бўлиб хизмат кўрсатиб келмоқда. Темирйўл транспорти қолаверса тезюрар поездлар ишга алоқадор ва сайр – тамошо туризмини ривожлантиришга қулайлик яратади. Шу сабабли Испанияда 1992 йилда биринчи тезюрар поезди AVE Мадрид – Севилья йўналишида ишга тушди. Ушбу темирйўлнинг узунлиги 151 км.ни ташкил қилган. Бундан ташқари йўлинг 2219 км.и қурилмоқда, 1702 км қолган қисми лойиҳада турибди. Шундай қилиб, жами тезюрар темирйўл трансортининг умумий масофаси 5436 км.ни ташкил қилиб, Испания Европадаги биринчи ва дунёда иккинчи ўринга интилмоқда (2-жадвал).

Тезюрар поездларини ишга тушириш жуда катта инвестиция маблағлари жалб этишни талаб қилади. Жумладан, 956 км тезюрар поездларни ташкил этиш учун 13,5 млн евро талаб этилган. Темирйўл транспортида ташилган йўловчиларнинг умумий сони Испания бўйича 1 йилда 16 млн.дан ошиб кетди.

Испанияда туристларни ўз манзилига етказишда яна бир транспорт воситаси метрополитен бўлиб ҳисобланади. Метрополитен мамлакатнинг йириқ шаҳарларида, жумладан Мадрид, Барселона, Валенсия, Бильбао, Пальма-де-Маёрка, Севилия, Малага кабиларда ишлаб турибди.

2-жадвал

Дунё тезюрар поездлари йўлларининг узунлиги

Мамлакатлар	Фойдалани-лаётган темир йўллар, км	Қурилаётган темир йўллар км	Лойиҳадаги темир йўллар км	Жами
Испания	1515	2219	1702	5436
Германия	1032	316	599	1947
Франция	1872	299	2616	4787
Италия	760	55	395	1210
Буюк Британия	113	-	-	1130
Хитой	3182	7313	29001	13396
Россия	734	-	-	734
Ўзбекистон	330	-	-	330
АҚШ	-	-	900	900

Ҳаво транспорти. Испания ҳаво транпорти мамлакатнинг энг ёш ва фаол ривожланаётган турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳар йили Испанияга ташриф буюраётган туристларнинг 80% га яқини ҳаво транспортида келишади. Биргина Буюк Британия, Ирландия ва Скандинавия мамлакатларидан келадиган туристларнинг 98% и ҳаво транспортида келишар экан. Мамлакатнинг ички қисмидаги аҳолининг 7% и самалётда учишни афзал кўради. Ҳаво транспортида учишлар сони тобора ривожланиб бормоқда ва уларнинг сони йилига 1,2 млн.ни ташкил қилади. Ҳозирги кунда ҳаво транспорти Испания туризмининг двигетели ҳисобланади. Мамлакатдаги барча аэропортлар сони 152 тани ташкил қилади. Шундан Испания Давлат Компанияси AENA таркибида 47 та аэропортлар бўлиб, улар томонидан ташилган туристлар сони 204млн кишини ташкил қилади. Испаниядаги энг йирик бюджетли авиакомпаниялар қаторига Air

Eutropa ва Vueling лар киради.Мамлакатнинг йирик аэропортлари Мадрид (49,7 мл.киши), Барселона (34,4 млн.киши), Пальма–де–Маёрка (22,7 млн.киши), Малага (12,8 млн.киши), Гран-Канария (10,5 млн.киши), Аликанте (9,9 млн.киши), Тенерифе (8,6 млн.киши), Ивиса (5,6 млн.киши), Лансароте (5,6 млн.киши), Валенсия (5,0 млн.киши), Севилья (5,0 млн.киши), Фуертевентура (4,9 млн.киши), Тенерифе (4 млн.киши), Бильбао (4,0 млн.киши), Жирона (3,0 млн.киши)лар ҳисобланади. Ҳозирги кунда Испанияда ҳаммаси бўлиб бюджетли ва хусусий авиакомпаниялар сони 9 тани ташкил қилади.

Автомобил транспорти. Испанияда автомобил транспорти ривожланган тармоқлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда автомобил йўлларининг узунлиги 681,3 минг км.ни ташкил қилади. Шундан катта тезликка мўлжалланган автомобил йўллари узунлиги 16,2 минг км.дан ортади. Испаниядаги жами автомобил паркларида 19 млн.дан ортиқ автомашиналар мавжуд зкан. Ҳозирги кунда автомобил транспортида мамлакатдаги 90% йўловчилар ва 79% юклар ташилмоқда. Испан автомобил йўллари тармоғи марказлашган бўлиб, улар Мадрид шаҳрини Басклар мамлакати, Каталония, Валенсия, Андалусия, Галисия ва Эстремандура ўлкалари билан боғлайди. Кейинги пайтларда Испания экологик шарт – шароитларини яхшилаш мақсадида электромобилларни ишлаб чиқаришга киришдилар.

Сув транспорти. Испания иқтисодиётида сув транспорти юкларни ташиш оборотн бўйича Европа Иттифоқида тўртинчи ўринда туради. Контейнерларда юк ташиш бўйича унинг миқдори 112 млн. тоннадан ошади. Бу соҳада у Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида етакчилиқ қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда мамлакат 300 дан зиёд йирик денгиз ва океан кемаларига эга. Испанияда ҳар йили 20 млн.га яқин йўловчилар сув транпортида ташилади. Улар Валенсия (716 минг киши), Алхесирас (4, 470 минг киши), Барселона (3, 444 минг киши), Лаг Пальмас (743 минг киши), Малага (638 минг киши) Пальма-де-Майорка (4496 минг киши), Санта-Крус-де-Тенерифе (4, 798 минг киши) портлар ҳисобланади.

Испаниянинг Атлантика океани қирғоқларида жойлашган йирик денгиз портлари: Бильбао, Кадиса, Лас-Палмас-де-Гран-Канария, Санта-Крус-де-Тенерифе, Фероля. Ўрта ер денгизи қирғоқлари бўйидаги денгиз портлари – Альхесирас, Барселона, Картахени, Малага, Пальма –де – Майоркалар круиз туризмининг асосини ташкил этади. Испания круиз туризми жуда катта имкониятларга эга бўлиб, у мамлакатдаги туризмнинг истиқболли тармоғини ташкил этади.

Испания меҳмонхоналари. Испания туризм инфратузилма тармоқлари турли хил бўлиб, у жуда ривожланган. Испания миллй туризм институти берган маълумотларига кўра, ҳозирги кунда Испанияда 11598 та меҳмонхоналар мавжуд бўлиб, шулардан 1872 таси 4 – 5 юлдузли меҳмонхоналардир. 125 минг пансионат ва 1,2 минг кемпинглар бор, у ерда 144 минг хизматчи ишлайди. Жойлашув ўрнига кўра Испаниянинг 86% ҳудудини меҳмонхоналар эгаллайди. Бундан ташқари туристлар учун 58,8 минг ресторан, 226 минг бар, 172 та голф учун майдонлар, 27 та тоғ-чанғи станциялари ва 226 та спорт билан шиғулланиш учун қулайликлар мавжуд. Туристларга 2992 турагентлар ва уларнинг филиаллари хизмат кўрсатади Испанияда меҳмонхоналар бир юлдузлидан беш юлдузлигача мавжуд. Меҳмонхоналарнинг асосини икки ва уч юлдузлилари ташкил қилади.

Пансионлар бу – 10-20 номерли кичик меҳмонхоналардир, яъни бир оила учун мўлжалланган. Испаниядаги пансионларнинг даражаси 1 юлдуздан 2 юлдузгача. Испаниянинг студентлар учун мўлжалланган меҳмонхоналари ҳам мавжуд бўлиб, ривожланиш даражаси ҳам юқори. Бу меҳмонхоналар бошқаларига қараганда 2 – 3 марта арзонликларга эга. Испанияда қарийб 800 та кемпинг бор бўлиб, уларнинг даражаси 1 – 3 юлдузлидир.

Испанияда дам олишнинг турли вариантлари билан пляжларда курорт меҳмонхоналар ҳамда шаҳар меҳмонхоналари мавжуд. Табиат қўйнида дам олиш учун сув бўйларига ва ғорларга яқин меҳмонхоналар жуда мос келади. Испанияда яшаҳсга жой

танлашда шуни ёдда сақлаш лозимки, бу мамлакатда айнан ўзига хос бўлган турли типдаги жойлаштириш воситалари мавжуд.

Ҳостел (оилавий меҳмонхона) – тунашда энг арзон вариантлардан бири. Ҳостелга жуда яқин, лекин Испаниядаги одатдаги уй шароитидаги муҳитни яратиш учун битта оила учун бошқарилади. Унча катта бўлмаган ўзига хос уйларда ёки каттагина уйларнинг бир-икки қаватида жойлаштирилиши мумкин. Ванналар ҳар битта номерларда ёки ҳар қаватда битта бўлиши мумкин. Одатдаги катта меҳмонхоналардан фарқли равишта бу ерда ресторан, бассейн ва бошқа турдаги дан олиш басканлари мавжуд эмас. Уй эгаси томонидан унча катта бўлмаган бар ёки кафе ташкил қилиниши мумкин.

Пансион (Пенсион) – хусусий оилавий меҳмонхона. Ҳостелга жуда яқин, лекин хизматларнинг қуйироқ даражаси. Одатда бу ерда туристлар бир кечага тунаш учун ташриф буюришади.

Апартҳотел/ресиденкиа (апарт отел) – апартментлардан ташкил топилган бўлиб, бир неча меҳмонхоналар ва зарурий идиш-товоқлар билан жиҳозланган ошхонани ўз ичига олади. Апартментга тўлов яшовчилар сонига қараб тўланади. Бундай турдаги жойлаштириш унча катта бўлмаган гуруҳ ёки оилаларга мос келади.

Апартмент (апартаментлар) – узоқроқ вақтга бериладиган(одатда бир ҳафтадан кам эмас), кўп хоналардан ташкил топган одатдги квартиралар. Апартментларга тўловлар унинг олиниш муддати ва яшовчилар сонига қараб амалга оширилади.

Каса Рурал (қишлоқ уйлари) – шаҳар ташқарисидаги катта ҳудудда боғига эга уй. Текисликда, тоғларда ёки соҳилларда бўлиши мумкин.

Вилла – хусусий уй бўлиб, унча катта бўлмаган ҳудудида басейн, тенис корти, дам олиш ёки болалар майдончаси жойлашган.

Палакио (ўзига хос эски уй) – Испаниядаги энг қадимий тарихий бинолардаги жойлаштириш воситаси.

Парадор – одатда давлат ва ўрта асрлардаги монастрлар, крепостлар ёки зодагонлар жойлашади. Хизмат кўрсатиш даражаси – 4-5*

Посада (қишлоқлардаги уй) – унча катта бўлмаган ферма, меҳмонхонага айлантирилган. Шунинг учун туновчиларга нонушта ва унча катта бўлмаган бар таклиф қилиш мумкин.

Монастерио/Конвенто (Монастир) – одатда монастрларнинг белгили тўловлари асосида яшашга рухсат этилади. Ажратиладиган хона албатта олдиндан қўнғироқ қилиб келишилиши зарур. Яна шуни алоҳида унутмаслик лозимки, монастир аёл ёки эркакми.

Албергуэ/Рефуги (бошпана) – унча катта бўлмаган ошхонаси билан бирга ошхонасига эга уй бўлиб, одатда тоғлар ва миллий паркларда туристик маршрутларда кенг тарқалган. Унинг жойлашиш тартиби маршрутнинг технологик харитасида кўрсатилиши зарур.

Испания курортларидаги асосий меҳмонхоналар. Испания курортларидаги меҳмонхоналар асосан шаҳар меҳмонхоналар ва унча катта бўлмаган шаҳарларда, магазинлар, барлар, ресторанлар ва кўнгил очар масканлари бор жойларда жойлаштирилади.

Коста Брава ва Коста Дорада қирғоқларида уч юлдузли меҳмонхоналар асосий ўринни эгаллайди, 5*лилар жуда кам учрайди. Бундай курорт зоналар иқтисодий жиҳатдан тежамкор ҳисобланади. Моярк ва Ибица ороларида нархлар озроқ баланд ва меҳмонхоналарнинг барча категориялари учрайди. Коста-де-сол ва Тенериф ороли энг қиммат курортлар ҳисобланади. Бу ерда одатда 4-5*ли меҳмонхоналар асосий ўринни эгаллайди. Меҳмонхона ҳужжатлар, пуллар ва қимматбаҳо буюмларни, агар улар сейфда сақланмаган бўлса, юқолганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Уч юлдузли меҳмонхоналарда кондиционер, халқаро каналлаари мавжуд телевизор ва сейфларга эга. Шуни ёдда тутиш керракки, 2*, 3*, 4* меҳмонхоналар об ҳавога қараб эмас, балки жадвал асосида ишга тушурилади (масалан 1-июн). Ётоқдаги чойшаблар ҳафтада икки маротаба алмаштирилади, сочиқлар эса ҳар куни. Парфюмерия маҳсулотларидан совун, камдан-кам

шампун, салфетка тақдим этилади. 4*ли меҳмонхоналарда қўшимча равишда соқол учун гел ва шампун тақдим этилади.

Халқаро меҳмонхоналар занжири:

1. Агар сиз олий даражадаги хизматлар ва қулайликни қадрласангиз ва уларни олишга етарли дража эга бўлсангиз, у ҳолда **The leading hotels of the world** беш юлдузли меҳмонхона айнан сиз учун хос. 1928 йилдан эътиборан **The leading hotels of the world** компанияси энг сара хизматларни таъминлайди.

2. Релаис Чатеаух меҳмонхонаси жойлашувчиларга турли хиллилик билан бирга эски қасрларда яшашни, ҳамда қишлоқ уйларини таклиф этишади. Ресторанлар эса бу занжирга боғлиқ ҳолда, гурманлар учун энг сара таомлар таклиф этишади.

4-жадвал

Испания меҳмонхоналари

Меҳмонхона номи	Манзили	Даражаси
Ҳотел Риалто	Испания, Аликанте, Кастакос, 30	Иқтисодий класс
Ҳотел Маритримо	Испания, Аликанте, Валдис, 13	Иқтисод класс
Ҳотел Рамбла	Аликанте, Авенида Рамбла Мйндез Нйсез, 9	Иқтисод класс – 2*
Ҳотел Гоя	Алеканте, С/Маэстро Бретон, 19	класс – 2*
Ҳотел Кервантес	Алеканте, Мйдико Паскуал Пйрез, 19	класс – 2*
НҲ Кристал	Аликанте, Томас Люпес Торрегроса, 11	Бизнес класс – 3*
Ла Китй	Аликанте, Авенида де Саламанка, 16	Бизнес класс – 3*
Кампаниле Аликанте	Аликанте, Авда, Элче Эскуина Федерико Мааё, 21	Бизнес класс – 3*
Трйп Гран Сол	Аликанте, Рамбла Мендез Нукез 3	Супер бизнес класс – 4*
Евростарс Медитерранеа Плаза	Алеканте, Плаза дел Аюнтамиэнто 6	Супер бизнес класс – 4*
Абба Кентрум Алеканте	Алеканте, Пинтор Лорензо Касанова, 31	Супер бизнес класс – 4*
Амйриго Премиум Апартменц	Аликанте, Рафаэл Алтамира, 17	Люкс класс – 5*
Ҳоспес Амийрго	Рафаэл Алтамра, 7	Люкс класс – 5*
Сиди Сан Жуан	Аликанте, Ла Доблада, 8-Плая Сан Жуан	Люкс класс – 5*

3. 15 йилдан ортиқ бўлган **Баглиони ҳотел** меҳмонхонаси ўзининг мехмонларига Италиянинг энг аъло даражадаги миллий катта меҳмонхоналарида илиқ ва самимий кутиб олишни таклиф қилади.

4. **Релаис ду Силенке** “тинчликни ёқтирувчилар” учун махсус меҳмонхоналар ҳисобланади.

5. Романтик саёҳат қилувчилар учун – **Биэн Венуэ ау Чатеау** занжири. Ўрта асрлар қасри мехмони, ўз севгингизни қадимий хоналарда изҳор этишингиз мумкин.

Испания ошхонаси. Испания ошхонаси – дунёда энг юқори сифатли турли хилдаги маҳсулотларини таклиф қилиши билан ажралиб туради. Миллий ошхонаси ҳақида тўғридан-тоғри тасвирлаш қийин, чуни у регионлари бўйича хлма-хилликни ташкил этади.

Ресторанлар. Овқатланиш – бу испаниядаги энг ёқимли кунлик анъана ҳисобланади. Овқатланишда испанлар шошилишмайди. Пазандалик санъатининг хилма-

хиллиги ва бойлиги, идишлар ва дастурхоннинг жойлашиш санъати испанларнинг диққат эътиборида, катта шаҳарда бўладими ёки кичикдами овқатланишга албатта жой топилади. Миллий уй шароитида ёки машҳур ресторанларда олий сифатли, турдаги санчқилар қўйиладиган, сифат ва нарх ўртасида энг мукобил вариантни топа олиш мумкин бўлган овқатланиш жойлари мавжуд. Европада одатда тушлик вақти тахминан бир ярим соатни ташкил этади.

Кечки овқат одатга кўра кечки 9 дан олдин бошланмайди, кафе ва ресторанлар соат 11 ларда тўлади. Кечки сайр, дам олиш масканларида ўтириш, қуёш чиқишини томоша қилиш.

Нархлар билан кўрсатилга меню одатда ресторанниng кириш жойида жойлашган бўлади. Агар меню булмаса, столга ўтиришдан олдин уни сўраш мимкин.

Памплон меҳмонхоналари:

- Гран Ҳотел Ла Перла ***** - охирги 131 йилдан буён шундай аталиниб келинаётган ҳашаматли меҳмонхона.
- Абба Реино Де Наварра **** - 1995 йилда очилган бўлиб, 2008 йилда капитал таъмирдан чиқарилган. Ямуги парки (япон парки) яқинда жойлашган. Меҳмонхона ресторанида швед столи усулида нонушта, тушлик, банкет залл, номерларга хизмат кўрсатиш, чекувчилар учун хона, гараж тренажор заллари, Ви-Фи хизматларини таклиф этади. Меҳмонхона 88 номерга эга.
- Ак Киудад Де Памплона **** - Наварри Университети яқинида жойлашган. 108 қулай номерли (4та Люкс, 2та ярим люк, ҳамда 4 та бизнес класс).
- Муга Де Белосо – Алма Памплона **** - Памплона марказида бир неча дақиқалик масофада жойлашган анчайин каттагина меҳмонхона. Арги дарёси бу едан бир неча қадам узоқликда. Дам олувчиларга СПА хизмати, Сауна, Туркча ванна, душни таклиф этади. Стандарт номер – 35м^2.
- Ируна Палаке Трес Реес **** - Памплон марказидаги меҳмонхона бўлиб, атрофида парклар, концерт заллари, “Балуарте” Конгресс саройи жойлашган. Меҳмонхона турли типдаги 160 номерларга эга. Бар, кафетерия, ресторан, 1800 кишигача мўлжалланган 9 та конференц заллар, бизнес марказ, кир ювиш ва кимёвий тозалаш хизматлари, 24 соатлик консерж хизмати, бассейн, кутубхона, гўзаллик салони, тренажор заллари, валюта айирбошлаш маркази ва бошқа кўпгина хизматлар мавжуд.
- Маисоннаве **** - Памплон марказида, яқинда таъмирдан чиқарилган меҳмонхона, 147 номерга эга бўлиб, уларнинг барчаси ёруғ ва қулай. Номерларда кондиционер, мини-бар, телевизор, сейф, Wi-Fi, ванна.
- Палакио Гуэндулаин **** - XVIII аср ўрталарида Себастиана де Эслава буйруғи асосида қурилган. 25 та турли типдаги номерларга эга.
- Памплоне Катедрал **** - ўрта асрлардаги бино бўлиб, меҳмонхонага айлантирилган. 44 стандарт номер, 3 махсус номер ва 2 номер люкс.
- Кастилло де Горраиз Голф Спа **** – Эгуэс водийсида, атрофи табиат билан ўралган мехмонхоа. 3 қаватли 47 қулай номерга эга.

Барселонада Парк Гуэл, акварим ва фаввора –Машҳур Антони Гуади парки ЮНЕСКО “инсоният мероси” рўйхатига киритилган, бўйлаб сайр. Дунёдаги энг катта аквариумлардан бири Монтжуик тоғида жойлашган. Бу ерда мехмонлар миллий сарой олдидаги мусиқий ва чироқли фавворага ташриф буюришлари мумкин.

Монцеррат монастри – бу монацир комплекси бўлиб, она монастер монументи ва шундай ном билан аталадиган ажойиб табиий гўзалликка эга парк. **Салвадор Дали музейи** – Фегейрас шаҳридаги театр – музей бўлиб, каттагина Гала-Дали коллексияси амвжуд.

- Фестивал Парк Салоу меҳмонхона комплекси **** - бу курорт, Таррогана провинциясида жойлашган бўлиб, майдони 110 000м^2 ни ташкил этади. Комплекс 3та 5 қаватли Фестивал Парк меҳмонхонаси – 899 номерга эга, иккинчи корпус 69 номерга ва

учинчи комплекс 15 апарт номерлардан иборат. Меҳмонхона ҳудудида турли хил спорт саройлари, гўзллик марказлари, мутахассислар қўл остида даволаниш, голф майдони ҳамда Европадаги энг машҳур тематик парклардан бири – Порт Авентура ҳам шу ерда жойлашган.

- Боутиқуэ Ҳотел Террамарина Беач Клуб ****С – дарё қирғоғида жойлаҳган ҳашаматли меҳмонхоа. Меҳмонхона 102 қулай, турли категорияга эга.
- Палас Пинеда **** - меҳмонхона пляждан 80м узоқликда Ла Пинеда шаҳрида жойлашган. Бир неча дақиқалик масофада Порт Авантура парки ва аквапарк жойлашган.

Коста Азҳар – Валенсия автоном провинцияси Кастеионда жойлашган бўлиб, апелсин рангидаги қирғоқ. Апелсинзор ўрмон – бу Коста Азаар белгиларидан бири.

2.5. Испания туризмининг халқаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва роли

Ҳозирги кунда Испания мамлакати халқаро сайёҳлик бозорида туристларнинг ташриф буюриши бўйича етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Европа минтақаси бўйича халқаро туристик ташрифларнинг қарийб 13% ини, даромадлар миқдори бўйича эса 14% ини ташкил қилади. 2015 йилда Испанияга 68,2 млн. турист ташриф буюришди. Туристларнинг ташриф буюриши бўйича Испания Франция ва АҚШдан кейин, учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Халқаро туризмдан тушадиган даромадларинг миқдори 56,5 млрд. доллар атрофида қайд қилинди. Испания мамлакатига сайёҳат қилувчи туристларнинг сони йилига 5% дан юқори кузатилмоқда. Ёки Европага ташриф буюрувчи ҳар учта туристдан бири Испания улушига тўғри келади.

Испания мамлакати халқаро туризм ҳаракатларининг иқтисодий таҳлил натижаларининг кўрсатишича, бутун дунё бўйича туристик ташрифларнинг 7,4% и Испания мамлаатига тўғри келади. Хорижий туристларинг келишидан олинадиган даромадлар бўйича бутунжаҳон туризм даромадларининг 7,1 % и ушбу мамлакат эвазига тўғри келади. Испания туризм институтининг маьлумотларига кўра, мамлакатга келиб дам олувчиларнинг аксарият қисми (52%) Каталония курортларида, 15,3 % Андалусияда, 8,2 % Валенсия ва 6 % Балеар ороллари да ўз вақтларини ўтказар экан.

Ҳозирда Испания меҳмонхоналари Европадаги энг арзон меҳмонхоналар саналади. Бундан ташқари Испания товарлари ҳам чет эл туристлари учун қулай нархларда сотилади. Шунинг учун ҳам кейнги йилларда туристлар Испанияга нафақат дам олиш, балки савдо учун ҳам кўп келишмоқда. Бу эса Испанияга туристлар оқими билан бирга, валюта тушумларини ҳам олиб келоқдалар (5-жадвал).

5-жадвал

Испания туризмининг ривожланиш динамикаси
(1995 – 2016 йиллар)

Йиллар	Халқаро туризм (кириш) млн. киши	Халқаро туризм (тушум) млн. $
1995	34, 920	25, 368
1996	36, 221	21, 168
1997	39, 553	26, 185
1998	41, 892	29, 117
1999	45, 440	31, 214
2000	46, 403	29, 802
2001	48, 505	30, 550
2002	50, 331	31, 880
2003	50, 854	39, 634
2004	52, 430	45, 067
2005	55, 914	53, 160

2006	58, 004	53, 160
2007	58, 606	59, 910
2008	57, 192	64, 422
2009	52, 178	55, 748
2010	52, 677	54, 305
2011	56, 177	62, 447
2012	57, 464	57, 877
2013	60, 675	62, 584
2014	64, 995	65, 100
2015	68, 200	56, 500
2016	75,563	60,346

2.6. Испания туризми турлари ва уларнинг асосий марказлари

Курортларда дам олиш. Испания пляжларининг тоза ҳаволиги, барча халқаро талабларга жавоб беришганлиги учун 2002 йилда “Кўк байроқлар” номли совринни олди. Бу номга Испаниянинг 423 та пляжи ва 96 та спорт мажмуаси эга бўлди. Бу кўрсаткич ўтган йилгиларга қараганда 44 бирлик кўп экани кўрсатиб ўтилган. Бу кўрсаткич Испаниянинг бошқа ҳудудларига қуйидагича тақсимланган. Каталонияда (88 пляж, 19 спорт мажмуаси), иккинчи ўринда Валенсия (85 та пляж, 19 та спорт мажмуаси) учинчи ўринда эса Андалусия (63 пляж, 20 та спорт мажмуаси). Кейинги ўринларда эса Галисия, Балеар ва Канар ороллари, Мурсия, Кантабрия, Басклар мамлакати, Астурия ва Мелилия кабилар туради.

Курортлар хохлаган дам олувчиларни ҳайратга солади. Пляждаги қумликлар турли хил – Костада каттадан-кичиккагача, тилларангдан сариққача, Тенерифда қорамтир-кулрангларда. Испаниядаги умумий пляжлар бепул. Хусусий пляжлар ҳаттоки энг қимматбаҳо меҳмонхоналарда ҳам. Соябон ва ёстиқлар пуллик (кунига 2-4 ЕВРО) ҳисобланади.

Коста-Брава – мамлакатнинг жанубида хушманзара кўрфазига ва унча катта бўлмаган қумтош пляж курорт зонасидир. Курорт зонаси француз чегарасидан Бланес шаҳригача 240 кмга чўзилган, Барселонадан 60км. Бир неча йиллардан буён у Европанинг йирик туристик маркази сифатида ўз ўрнига эга.

Коста-Драдо – шимолий Каталония қирғоқларида чўзилган. Пляжлардаги қумликлар нозик тилларанг тусга эга.

Коста-бланка –мамлакатнинг аосий туристик марказлардан бири. Кўпгина пляжлари оқ юмшоқ қумликлардан иборат. Коста-бланка Испания курортлари орасида “кўк байроқлар” сони ва суви ҳамда пляжларнинг тозалиги жиҳатдан рекорд даражага эга.

Коста-Де-Ла-Луз – бу курорт зона Кадисс қўлтиғида жойлашган бўлиб, Атлантика океани суви билан ювилади ва Португалия билан чегараланган. Каттагина жойга, кўпгина ёруғлик ва иссиқликка эга бўлиб, нафақат пляжнинг пассив тури учун, балки виндсерфинг билан шуғилланишга ҳам қулай.

Коста-Дел-Граф – Барселонадан Шимолга 36 кмда жойлашган. Бу ер бой тарихий ўтмиш ҳамда замонавий курорт индустрияси билан боғланган ва оммавий ҳамда элитар дам олишни ташкиллаштиришда қулай имкониятларга эга.

Балеарск ороли – Ўртаер денгизининг ғарбий қисмида Балеарск архипелагида (бир-бирига яқин ороллар) жойлашган: Малорк, Ивис ва Фарментер. Оролда Испаниянинг энг юқори қисми бўлиб, у ерда фақатгина таъминланган одамларгина дам олиши мумкин.

Малорк ороли – жуда хушманзара. Бу ерда қумли пляж, кенг қўлтиғ, мавжуд. Малорк оролида 75 та пляж мавжуд бўлиб, улардан 22таси Европа минтақасининг “кўк байроқ”ни қўлга киритган. Бу ерда ёпиқ Маривента қирелликнинг бутун оиласи дам олади.

Ибиц ороли – бу жой ёшлар дам олиши учун мўлжалланган. Алоҳида дам олувчилар

Канар оролига эҳтиёж сезишади. У Пиреней ярим оролидан узоқда ва Атлантика океанида жойлашган. Канар архипелаг вулқонли бўлиб, еттита катта ва бир неча кичик оролчалардан ташкил топиб, 7500 кв. км. га чўзилган. Йил бўйи сувнинг ҳарорати $+20^0$ - $+24^0$ ни ташкил этади. Қумлик тўда, кулранг вулқонга хос.

Архипелагдаги энг ката орол – **Тенериф** оролидир. Тенериф – "ҳамиша баҳор бўлган орол" номи билан аталади – йил бўйи ҳаво ҳарорати қишда $+20^0$ дан ёзда $+25^0$ гача ўзгаради. Оролнинг символи Тейде вулқони, баландлиги – 3710м. бу Испаниянинг энг баланд нуқтаси. Гран-Канария ороли хилма-хил ландшафти билан ажралиб туради. Жанубда тилларанг қумлик, шимолда чуқур буғозлик ва океаннинг кўм-кўк сувлари. Оролнинг маркази – хилма-хил тропик ўсимликлардан иборат.

Экскурсион туризм. Испания – кўп асрлик тарихга эга мамлакат. Испанияда турли хил даврларга оид ёдгорликлар мавжуд. Бунинг устига Испания ҳудудида қадимий маданият ёдгорликлари палеолит даврига тегишлидир. Ибер архитектурасидан (эрамизгача 1 минг йилл илгариги даврда Пиреней ярим оролида) Тарагонда тош девор қолдиқлари мавжуд. Испанияда Романларни эслатувчи муҳим фуқаролик қурилишлари – жумраклар, кўприклар, амфитеатрлар, арклар кўп. Рим кўприкларидан яхши сақлангани – Тахо дарёсидаги Алкантара кўприги. Кўприк 6 аркдан иборат.

Памплона – қироллик юраги. Помплона – Наварра пойтахти бўлиб, миллийлик ва замонавийлик туташган жойдир. Шаҳар ўзининг ажойиб фестиваллари билан машҳур. Памплона бугунги кунда 4 млн.дан ортиқ аҳолига эга замонавий шаҳар. Бу ерда кўп турдаги: мустаҳкам деворлар, паркларда дам олиш, кўп сонли айвон, гастрономик туризмда дегустация ёкитарихий ёдгорликлар – бўш вақтни ўказиш учун ажойиб жой саналади. Бу ер шаҳарлашаган – қулай ва тўла "пиёдалаштирилган" шаҳар. Яшил парклар сайр қилиш ва савдо зонаси марказидир. Яшил шаҳар, юқори сифатли соғломлаштириш ва таълим билан бирга, меҳмондўст шаҳар. Майдонининг 20% дан ортиғи яшил ва пиёдалар йўлагидан иборат.

Таконера – бу ажойиб парк Варсал стилини эслатиб юборади, ўзида ажойиб сюрпризларни жамлаган: зафар аркига ўхшаш дарвоза, Хулуану Гаярре ажойиб ҳаяли ёки Марибланкага ўхшаш қадимий ҳайкаллар, фавворалар ва ёқимли қадимий кафе. Шубҳасиз, унинг асосий диққатга сазовор жойи – бу кичкина ҳайвонот боғидир.

Сюдадела – бу тарихий комплекс бўлиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан биридир. У испан ҳарбий архитектура намунаси сифатида маълум. Унинг ички парки ва қалъа бўйлаб йўли яшил Помплонга боғланган.

Медиалуна парки – шаҳарнинг энг қадимий ва романтик паркларидан бири бўлиб, Виктора Эуса стили архитектурасини ўзида акс эттриади. Ундан Арга дарёсидан томоша қилиш мароқлидир.

Ямагучи парки – миллий япон стилидаги парк. Арк дарёсидаги сувли парк – дарё бўйида деярли 12 км узунликдаги жонли йўлак. Парк майдони 1000 $м^2$ни эгаллайди. Дарё бўйлаб йўлак ажойиб кўприк, тўғон, тегирмон, боғлар, парклар, пристан, балиқ овлаш учун жой, фермалар ва ҳоказо, Табиатни Муҳофаза қилиш музейигача олиб боради.

Авлиё Мария ибодатхонаси (XIV-XV аср) – неоклассик кўринишида бошқа ибодатхоналардан фарқ қилади. **Уч шаҳар ва унинг крепост (қалъа) черкови** – Наваррерия, Сан Сернин ва Сан Николас шаҳарнинг қадимий қисмида жойлашган. Оқ отлар йўлаги.

Қаср комплекс:

- Новарри қасрида ҳукумат биноси жойлашган.
- Қироллик ва Наварранинг асосий тарихи (XIII аср), олдинги қироллик қасри.
- Кондестабля қасри – XVII аср Памплон архитектурасининг намунаси.

Унинг энг ажойиб, диққатга сазовор масканлари Бош ибодатхона тарихи музейи. “ОССИДЕС” Экспозицияси, Отейса музейи, Уарте замонавий санъат марказига ташриф буюрадилар.

Тоғ-чанғи туризми. Каталон Пиренея курортлар: Ла-Молина, Вал-де-Нурия, Порт-дел-Комте, Бакейр, Берет. Умумий йўлак 374 км, баландлик фарқи – 1500-2750 м, Курорт зонадан унча узоқда бўлмаган мамлакат аэропорти жойлашган. Кантабр-Кардилер курортлар: Алто-Кампо, Вал-гранд-Пехарес, Сан-Исидро, Лейтагерос, Мансанеда. Умумий трасса узунлиги – 80 км. баландлик фарқи – 1375-2175 м, Иберск тоғ тизмаси курортлар: Валдескар, Валделинарес, Хаваламбр. Умумий йўлак – 2 км. баландлик фарқи – 1350-2262 м.

Марказий тоғли зона – курортлар: Ла-Пиниля, Валкотос, Валедески, Навассерада. Умумий йўлак – 46 км, баландлик фарқи – 1500-2280 м.

Пенибет тоғ тизмаси курортлар: Серра Невада. Умумий йўлак – 61 км, баландлик фарқи – 2122-3142 м.

Даволаниш – соғломлаштириш туризми. Испанияда Рим ва Келцк ҳаммомларидан бошлаб катта соғломлаштириш курортлари мавжуд. Ванна, даволаниш учун минерал сувлар ишлатилади. Асосий соғломлаштириш курортлари – бу **Алама-де-Арагон,** Халон дарёси водийсида жойлашган, Сарагос шаҳридан шимолий-ғарбда жойлашган, **Арчена** – Мурсий шаҳридан шимолий-ғарбда , Сегура дарёси водийсида жойлашган, **Верин** – Испаниянинг шимолий-ғарбида, Партугалия чегарасига яқин жойлашган, **Калдас-де-Малавеля** – Барселонадан шимолий-шарқда жойлашган, **Калдас-де-Естрак** ва **Калдас-де-Манюби** – Барселонадан шимолда жойлашган. **Калдас-де-Реес** – Ла-Корунядан жанубда, Умия дарёси қирғоқларида жойлашган. **Ланхарон** – Гранаддан жануби-шарқда жойлашган, жанубида мамлакатнинг энг баланд тоғи – Серра-Невада жойлашган, баландлиги – 600м.

Балнеарио де Арчена – Испаниянинг энг машҳур даволаниш курортларидан бири. Арчена шаҳри яқинидаги Сегура дарёси қирғоқларида Мурсиидан 24км узоқликда жойлашган. Унинг умумий майдони 200.000 $м^2$. Бу курорнинг асосий афзалликларидан бири бу унинг самарали даволовчи минерал сувларига эгалигидир. Сувнинг кимёвий таркиби – калций, хларид, натрий, сулфат. Сувнинг ҳарорати – 52^{oK}. Даволаниш соғломлаштириш муолажаси қуйидаги касалликлар учун: нафас йўллари касалликлари, нафас олиш йўллари системаси билан боғлиқ касалликлар, стресс ва депрессия, дермотологик касалликлар, невроз ва ревматизм. Даколаниш соғломлаштириш тартиби ва дастури: термал ванна, гидромасаж, ингалация, совуқ сув билан термал бассейн, сауна, буғ ванна, параффин ванна, реабилизация, гимнастика, енгиллаштирувчи физиотерапия. Балнеарио де Арчена курорти атрофида қуйидги меҳмонхона жойлашган:

- Термас 4* (67 номер),
- Леванте4* (70 номер),
- Леон3* (112 номер).
- Термас 4*

Рикоте водийси Сегура дарёси қирғоғида жойлашган. У ўзига хос номерлари билан бирга Термалиум бассейнини таклиф этади. Меҳмонларда кўп турдаги хизмат кўрсатиш жараёнлари, ҳамда бепул Wi-Fi зонаси. Балнеарио де Арченадаги Термас меҳмонхонаси бассейни даволовчи минерал сув билан тўлдирилган. Улар умумий тўла ўзни яхши ҳис қилиш учун табиий восита сифатида таъсир этади. Бундан ташқари бу ерда болалар учун бассейн ҳам мавжуд. Мехмонларга қўшимча равишда аэробика, фитнесс билан шуғилланиш, балл рақси ва бинго ҳам таклиф этилади. Термас меҳмонхонасида олди очиқ кафе ҳам мавжуд.

Леванте 4*

Арчена даволаниш курортида жойлашган, меҳмонхона мижозлари учун бепул термал басесейн таклиф этилади. Барча номерларда халқаро телеканаллар ҳамда текин Wi-Fi мавжуд. У иккита термал сувлар билан бассейн ва унинг атрофида чиройли

манзарага эга. Унинг суви турли хил касалликларни даволашда ишлатилади. 200.000 м^2 майдонда шаршара, жаккузи, гидромасаж шезлонг ва болалар учун бассейн. Бундан ташқари меҳмонларни 4 хил сауна, дам олиш ва шезлонг учун бассейн кутмоқда. Барча номерларда кондиционер ва меҳмонхона бурчаги мавжуд.

Леон 3*

Леон меҳмонхонаси ташриф буюрувчиларига текин 8000м^2 мавдонга эга бассейнда чўмилиш ҳамда умумий жойларда бепул Интернет тизимини таклиф этади. Мурсия вилояти, Арчена Спа куроррти боғи атрофида жойлашган. Балнерио де Арчена –Леон меҳмонхонасининг барча меҳмонлари Термалиум марказидан фойдаланиш имкониятига эга. Бу ерда СПА бассейни шаршараси билан бирга, дажуки ванналари ва гидромассаж мавжуд. Бундан ташқари массажни буюришлари мумкин. Нонушта ва тушлик “Швед столи” шаклида тақдим этилади, кечки овқат эса а ле карте менюси. Юқори хизмат кўрсатгани учун меҳмонхона Қ белгисини қўлга киритган.

ША Веллнесс клиникаси – бу ерда саломатлик нафақат касалликлардан озод бўлиш, балки физиологик, руҳий ва юрак саломатлиги, идел вазн ҳамда юқори ҳаёт кучидир. Бу ерда меҳмонларга овқатланиш ва табиий терапия профессионал мутахассислар ғамхўрлик қилишади. 35 мамлакатдан 250дан ортиқ мутахассислар ягона мақсад: ҳаётингизни яхшилаш йўлида ҳаракат қилишади.

Табиий терапия тури. ША меҳмонларга кўпроқ таъсир кўрсатадиган ва қўл билан табиий терапия методи, халқаро даражадаги экспертлар томонидан тан олинган, жумладан игна муолажаси, Шиацу, енгил массаж, рефлексология, астеопатия ва бошқалар қўлланилади. Бундай усуллардан асосий мақсад: танани соғломлаштириш. Халқаро даражадаги бу клиника 5000м^2 майдонни эгаллайдики, у ерда прафилактика ва ўзни яхши ҳис қилиш учун, массаж учун 80 та кабиналар ва мутахассислар консултанти ҳамда энг янги технологиялар мавжуд.

Кросс клиникаси – мижозлар учун комплекс хизматларни таклиф қилишади. Асосий эътибор пластик ва эстетик хирургия ҳамда юз-ияк касалликларга қаратилади. “Кросс” меҳмонхонасида эксклюзив люкс номерлар мавжуд. Клиника ўзининг мижозлари ўзларини қулай ҳис қилишлари учун бутун жамоаси ва барча жиҳозлари хизматга тайёр.

“Наварра университети” клиникаси – бу тиббий марказ Испанияда жойлашган бўлиб, 1962 йилдан буён Халқаро тиббий хизматларни кўрсатиб келмоқда.

“Сан Мигуэ” клиникаси – Наваррада жойлашган бўлиб, 1980 – йилда асос солинган. Клиникада 160дан ортиқ хусусий юқори малакали мутахассислар ва консултантлар фаолият олиб боради.

Балнерио Эллгориага термал курорти. Дам олиш ҳамда соғлиғини тиклашни хохловчилар учун Наваррада барча имкониятлар мавжуд. Сиз бу ерда кунлик стрессдан ҳоли бўлган ҳолда, руҳан ва жисмонан дам олишишингиз мумкин. Наваррада иккита машҳур курортларда: Элгориага ва Фитеррода саёҳатчилар дам олишлари мумкин.Термал (иссиқ) сувнинг фойдали хусусиятлари 2000 йил олдин аниқланган бўлиб, қадимги Грецияда қўлланилган. Ҳозирги кунда эса унинг фойдали хусусиятлари ҳар қачонгидн ҳам кўпроқ аниқланган. Наваррадаги Элгориага курорти – (сув билан даволовчи) атрофи тоғли ландшафт блан ўралган, Малеррека водийсидаги тарихий стилдаги комплекс, ҳамда водийдаги Алама дарёси қирғоқларидаги Фитеро сув билан даволаниш мажмуаси.

Елгориага даволаниш курорти 55 000 км^2 майдонни эгаллаган бўлиб, минерал сувларга эга. Курорт атрофида 3 бинодан иборат каттагина меҳмонхона мавжуд. Ҳар бир бинода 25 номерлар мавжуд. Дам олиш зонаси учун 1000м^2 дан зиёд майдонни эгаллаган тиббиёт хоналари, барлар, айвон ва ресторанлар, дам олувчилар учун шифокорлар маслаҳати билан парҳез таомлар таклиф этилади. Барча тўртта комплекс бир-бри билан бевосита боғликдир.

Меҳмонхонада:

- Ресторан
- Кафетерия

- Терасса
- Болалар парки
- Ўқув заллари
- Спорт заллари
- Кўп вазифали заллар
- Интернет (Ви-Фи)
- 75 номерлар мавжуд.

Курорт мавдонида 4 бассейн:

1. Тахминан 400м^2 майдонни эгаллаган энг катта бассейн бўлиб, тузнинг сувдаги концентрацияси нисбатан кўпроқ.
2. Кескин фарқ қилувчи сувли бассейн бўлиб, суви кўпроқ тузли ва совуқ
3. Эркин чўмилиш учун мўлжалланган бассейн. Бу ерда тахминан 15 мин чўмлиш тавфсия қилинади.
4. Бу бассейн турли хил ўйин ҳамда сувда машқлар бажариш учун мўлжалланган.

Экологик туризм. Испанияда экотуризмни ривожлантиришга қаратилган илк саъй-ҳаракатлар 1990 йилларга тўғри келади. Айни пайтга келиб, мамлакатда экотуризмга таянч бўлувчи бир қанча омилларни санаб ўтиш мумкин. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган энергия ҳажмининг ортиб бориши кузатилмоқда. Айни пайтда Испания жаҳонда шамол кучидан энергия ишлаб чиқариш бўйича 4-ўринда турибди. Мамлакатнинг турли ҳудудларидаги яйловларда ўрнатилган йирик шамол турбиналари ўзига хос жозибага эга бўлиб, машҳур Дон Кихот тўғрисидаги асарни эсга солади. Ушбу ҳудудларга саёҳатларни таклиф қилиш, улар бўйлаб велосипед турларига чиқиш тобора оммалашиб бормоқда.

Маданий туризм масканларининг реклама қилинишида уларнинг экологик жиҳатларини ҳам таъкидлаб ўтишга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, Барселона ва Мадридда муқобил энергия манбаларидан фойдаланилаётганлиги, транспорт, овқатланиш ва бошқа хизмат турларини таклиф қилишда экологик тоза маҳсулотлардан фойдаланилганлиги билдириб ўтилади. Дейлик, Барселонанинг Эл Прат аэропортида қуёш иситгичлари қўлланилаётганлиги, ойналар қуёш нуридан максимал фойдаланиш мақсадига мос равишда ўрнатилганлиги аэропорт тўғрисидаги маълумотномада алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бунинг билан Барселонанинг экологик жиҳатдан тоза шаҳар эканлигига урғу бериш мақсад қилинган. Мадридга саёҳат қилувчиларга шаҳар ташқарисидаги Каса де Кампо ва Кампо дел Моро каби “яшил маскан”ларга чиқиб келиш таклиф қилинади. Мадрид Европадаги барча пойтахт шаҳарлар ўртасида энг кўп кўкаламзорлаштирилган ҳудудларга эга эканлиги маълум.

Испаниянинг бошқа ҳудудларида ҳам экологик масъулиятга мос равишда ишлар олиб борилмоқда. Андалусияда Европанинг тижорат мақсадли илк қуёш электростанцияси фаолият кўрсатмоқда. Ла Риоха вилоятида қурилаётган жаҳондаги илк тўлиқ карбонатсиз шаҳарча, экологик парклар, қўриқхоналар табиат қўйнида дам олмоқчи бўлганларга барча шароитни таклиф қилади.

1. Экологик тоза яшаш шароитларининг таклиф қилиниши. Экологик туризмнинг устивор йўналишларидан бири яшаш жойларида экологик хизматларнинг мавжудлигидир. Испаниядаги меҳмонхоналарнинг бир қанчаси “Яшил дунё” (Греен Глобе), “Барқарор туризм сертификати” (Сустаинабле Тоурисм Кертификате) каби тан олинадиган сертификатларга эга. “Камайтир, қайта фойдалан, қайта ишла” (“редуке, реусе, рекйле”) тамойиллари кўплаб меҳмонхона занжирларида амал қилади. Барселонада жойлашган Урбанц меҳмонхонаси шовқинни тўсувчи қоплама билан қопланган. Меҳмонхонада ёмғир сувларини, шунингдек меҳмонхонада ишлатилган сувнинг 50 %гача бўлган қисмини қайта ишлаш амалиёти жорий қилинган. Наварра вилоятида меҳмонхоналарда қуёш ва шамол энергиясидан кенг фойдаланилади.

2. Транспорт тизимида илғор технологияларнинг қўлланиши. Бир қатор мутахассислар Испаниянинг юқори тезликли АВЕ поездларининг ҳаракати кундалик ҳаётга ижобий таъсир қилаётганлигини таъкидлашади. Мадриддан Барселонагача бўлган масофани ушбу поездларда тахминан икки соату қирқ дақиқада босиб ўтиш мумкин. АВЕ тармоғининг кенгайиб бораверишибилан бирга, 2020 йилга келиб Испания аҳолисининг 90 %и ушбу юқори тезликли поезд станцияларидан 50 км радиусда яшаши режалаштирилган. Жамоат транспорт воситалари асосан биоёқилғи, этанол ва электр эенергиясида ҳаракатланмоқда. Асосий туризм масканларида саёҳларга велосипедлар ижараси таклиф қилинмоқда. Масалан, Севильянинг ўзида велосипедларни олиш ва ташлаб кетиш учун 250 дан ортиқ пунктлар фаолият кўрсатмоқда.

3. “Экотурлар”га ихтисослашув. Испаниянинг туроператорларидан бир қанчаси тўлиқ экотуризмга ихтисослашган. Ушбу туроператорлар сайёҳда ижобий тасаввур яратилишига ҳисса қўшувчи, ўз фаолиятини барқарор ва экологик туризм тамойилларига асослаган ҳолда олиб борувчи гидлардан фойдаланишади. Бике Спаин, Классик Жоурней каби компаниялар тарихий, маданий турларни ташкил қилишда велосипеддан фойдаланиш ёки пиёда юришни асосий ўринга қўйишади. Шунингдек, турли жамоат ташкилотларига бирлашган ҳолда фаолият кўрсатувчи кўнгиллилар ҳам экотуризмнинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Канар оролларида экзотик ландшафтга эга табиат мавжуд. Оролда ЮНЕСКО томонидан инсоният мулки дея эълон қилинган кўпгина қўриқхоналар мавжуд. Лансарот оролида бутун бир бошли миллий парк мавжуд. Бу шаҳарга яқин ўтган эрага оид ёдгорлик мавжуд. Тенерафда “Тейде” миллий парки, Ботаника боғи, “Лоро Парк”-орнотологик парк, ноёб экзотик ҳайвонларга эга бўлган ҳайвонот боғи, кактуслар боғи, бундан ташқари оролнинг қадимий пойтахти – Ла Лагуна жойлашган.

Гомер оролида Гарахон миллий парки - дарахтзор ўрмон бу паркнинг қарийб 7%ини эгаллаб, оролнинг энг марказида жойлашган. Паркнинг умумий майдони – 3,984гектарни ташкил этади. 1982 йилда парк ЮНЕСКО томонидан жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Умуман олганда, Испанияда экологик туризмни ривожлантириш амалиёти, бу соҳада илгаридан мавжуд бўлган ёки кейинчалик шакллантирилган бир қатор омилларга таяниш билан бир қаторда, ушбу масалада аҳолининг, сайёҳларнинг, маҳаллий ва миллий миқёсдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг бир-бирига уйғунлашишига, аҳолида экологик туризм маданиятининг шаклланиши ва тарғиб қилиниши ҳам муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

Дайвинг. Канар архипелаги сувлари сувости фаунаси (делфинлар, китлар, денгиз тошбақаси)га жуда бой. Дайвингни яхши кўрувчилар учун энг севими жой – бу Гран-Канар оролидир, сувости парки оролнинг шарқида Аринага миллий парки қисмида жойлашган.

Палма оролида **Плая де лас Кантерос** пляжи жойлашган бўлиб, унча узун бўлмаган рифлардан ҳимоя қилинган. Энг қуйи чуқурликдаги (энг чуқур жойи 8м) рифни кўриш мумкин. Оролнинг шимолий-шарқий қисмида бир неча далалар бўлиб, сувга шўнғиш учун ажойиб жой саналади. Плаядан унча узоқда бўлмаган Талиартда сув остидаги Горгониасда 30 м чуқурликка шўнғиш мумкин. Тафиа районида эса 8-10м гача шўнғиш мумкин. Эл-Каброн – шарқий сув бўйидаги район бўлиб, аквалангистлар учун сув ости ҳаёти жаннатидир. Бу ерда ғор, арк, туннел ва қоялар бор. Сув ости дунёси жуда хилма хил: оддий медуза ва денгиз отидан тортиб, энг ҳақиқий гаргонгача. Сув ости дунёсининг гўзаллиги ва очиқлигига қарамай, бу йўналишдаги маршрут ноқулай, бу ерда ҳеч қандай қулайликлар мавжуд эмас.

Пацито Бланко – оролнинг энг шимолий қисмидаги соҳилдан тахминан 2км жойлашган рифларда шўнғиш жойи. Бу оролнинг шимолий-шарқий қисмидаги энг ажойиб шўнғиш панараммасидир. Рифнинг ўзи 19м чуқурликда жойлашган бўлиб, айлана шаклга эга. Риф атрофида барракуд ва турли хилдаги планктонларни учратиш мумкин.

Риф Аргунигуин – айнан Аргунигуин портида 14-16м чуқурликда жойлашган. Унинг асосий жиҳати вулқонли рифларнинг мавжудлигидир. Кўпгина кичик кўрфазлар (Амадор, Медио, Алмудх, Плая дел Кура, Тауро, Таурито)дан қирғоққа тўғридан тўғри сузиб ўтиш мумкин.

Сардина дел Норте ва Пуарто де ла Ниев оролнинг бир-бирига қарама қарши томонларида жойлашган бўлиб, жануб ва ғарбда бир биридан 100 км узоқликдадир. Бу ерда фақат баъзи туристлар ташриф буюришади. Шўнғиш чуқурлиги – 15м.

Лас Палмас – юз метрли юк карбеллар жойи бўлиб, унинг эгаси солиқ беришдан бош тортгандан сўнг сувга чўктирилган. У билан бирга денгизда саёҳат қилишга жуда қимматбаҳо буюмлар ҳам кетган. Ҳозирда бу ерда 14м дан 27м чуқурликкача жуда кўп барракудлар топпиш мумкин.

Бундан ташқари дайвинг спортига қизиқувчилар учун Лас Палмас, Фригорифика, Арона, Трес Баркос, Эл Пажар ва бошқа шу каби ажойиб жойлар мавжуд.

Виндсерфинг. Канар оролларидаги кучли шамол туфайли бундай туризм турини амалга ошириш мумкин. Виндсерфинг ҳамда елканли машгулотлар учун энг муносиб жой – бу Тенерифнинг шимолий қисмидир. Бу ерда виндсерфинг мактаби ҳам мавжуд.

Канар – яхтада саёҳат қилиш учун энг муносиб жойдир. Саёҳат Тенериф оролидан бошланиб, икки ҳафта давомида Гран Канария, Фуэнтевентура, Лансароте, Иерро, ва ҳаттоки Гомердаги миллий паркларгача бооориш мумкин. Экзотикани хуш кўрувчилар Африка қирғоқларигача боришлари мумкин.

2.7. Испания туризмининг ривожланиш истиқболлари

Туризм Испания иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллайдиган соҳалардан бири саналади. Испания асосан оммавий пляж туризмига ихтисослаштирилган ва у дунёнинг асосий туристик марказларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда туризмнинг ривожланиши Ўрта ер денгизи қирғоқлари ва Балеар оролларидаги туризм ривожига боглиқ. Испаниянинг Атлантика қиргоқларида туризм нисбатан кам ривожланганлиги сабабли кўп туристлар бу ерга асосан қишки таътилларни пляжларда ўтказиш учун ташриф буюрадилар.

1960 йилларга келиб Испания хусусий туризм тармоғи билан жиддий шуғуллана бошлайди ва Ўрта ер денгизи қирғоқларида янги отеллар, апартаментлар ва виллалар ҳеч қандай режа ва кардинацион сиёсатсиз қурила бошланади. Бунинг натижасида 10 йил ичида туристлар сони қарийб тўрт баробарга ортади ва 1970 йилда умумий туристлар сони 24 млн. кишига етади. 1970 йилнинг ўрталарига келиб туризм мамлакатда янада ривожланди, оммавий туризм талабларини тўлароқ қондириш учун катта замонавий ётоқхоналар қурилиши ишлари бошлаб юборилди.

1980 йилларда туризм Испания иқтисодиётида муҳим рол ўйнашда давом этди ва мамлакат потенциал ишчи кучининг 11 %ни янги иш жойлари билан таъминлади. 1988-1992 йилларга келиб Испания туризм бозорини таъминловчи мамлакатлар Франция, Германия, Нидерландия ва Италиядан ташриф буюрувчи туристлар сони кескин тарзда қисқариб борди. Буюк Британиялик туристлар сони 1988 йилдаги 7,6 млн. кишидан 1991 йилга келиб 6.1 млн. кишига тушди. Бошқа туристик марказлар билан рақобат ҳамда Испаниянинг кўплаб қадимий курортларидаги экологик ҳолатлар бир қатор муаммоларни тугдирди. Ушбу негатив ҳолатларга жавобан аксарият курорт районларида атроф муҳитни яхшилашга эътибор берила бошланди. Шу мақсадда автомобил транспорти ҳаракати қисқартирилди, янги парклар ташкил қилиниб дарахтлар экилди, кўча ва пляжлар тозаланди, янги дам олиш зоналари қурила бошланди. Бундан ташқари, туристларни жойлаштириш учун янги туристик манзиллар, кўнгил очар тадбирлар учун маблағлар ажратилди, Бенидорм, Салоу, Торремолинос ва Балеар оролларидаги туризм саноати қайта жиҳозланди. 1992 йилда Барселона шаҳрида олимпия ўйинлари ўтказилди. Севиляда эса «Експо-92» бутун дунё кўргазмаси ташкил қилинди. Бундан ташқари,

Мадрид Европанинг маданий шаҳри деб номланди. Буларнинг барчаси Испаниянинг улкан туристик мамлакат сифатида ном қозонишига сабаб бўлди. Шундай қилиб Ўрта ер денгизи курортлари маҳаллий ва хорижий туристларни қабул қилишда етакчилик қилди.

Испанияда чет элларга чиқиш туризми суст ривожланган, аммо охирги йилларда сезиларли даражада ўсиш кузатилмоқда. Мамлакатдан чиқувчи туристлар сони умумий туристлар сонига нисбатан анча кам, аммо уларнинг қуёшли мамлакатларга чиқишлари тез-тез учрамоқда.

Ҳозирги кунда Испанияда дунёда нисбатан арзон бўлган туристик марказлар ҳисобланмиш Греция, Марокаш, Португалия, Тунис ва Туркияга чиқувчи туристлар сони жадал равишда ўсиб бормоқда. Мамлакатдан чиқувчи умумий туристларни 30-57% ушбу мамлакатларга тўғри келади. Қиммат ҳисобланадиган Франция, Италия ва Буюк Британия мамлакатлари туристик марказларига чиқиш ҳолатлари бир мунча камаймоқда. Узоқ масофаларга чиқувчи туристларга асосан бизнес билан шуғулланувчи туристлар киради. Уларнинг 40,7% Канада мамлакатига ва 44,5% Япония давлатига тўғри келади.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Испаниянинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити шароити ҳақида маълумот беринг.
2. Испаниянинг табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Испанияда туризмни тараққий эттириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?
4. Испаниянинг аҳолиси, унинг миллий хусусиятлари, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш жиҳатлари қандай?
5. Испания туризм тараққиётида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрнини аниқланг.
6. Испанияда туристларни жойлаштириш воситаларининг асосий ҳусусиятлари, имкониятлари ҳамда афзалликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?
7. Испанияда туристларни овқатлантириш тизими, ресторанлари ҳамда миллий таомлари ҳақида маълумот беринг.
8. Испаниянинг сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш инфратузилмаси қандай ривожланган?
9. Испания туризмининг ҳалкаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва ролини аниқланг.
10. Испаниянинг асосий туристик районлари ва марказлари ҳақида маълумот беринг.

III БОБ. ИТАЛИЯ ТУРИЗМИ

3.1. Италиянинг табиий иқлим шароити ва сайёҳлик ресурслари
3.2. Италиянинг табиий, тарихий, маданий сайёҳлик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари
3.3. Италия аҳолиси, шаҳарлари ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари
3.4. Италиянинг транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқлари
3.5. Халқаро туризм бозорида Италиянинг тутган ўрни ва роли
3.6. Италия туризмининг асосий йўналишлари ва сайёҳлик марказлари

3.1. Италиянинг табиий иқлим шароити ва сайёҳлик ресурслари

Италиянинг географик ўрни, табиий иқлим шароити. Италия территориясининг қарийб 4/5 қисмини тоғлар ва улуғвор чўққилар эгаллайди, унинг камроқ майдони Падан текислиги ва чўзилган қирғоқбўйи паст текисликларига тўғри келади. Италиянинг материк қисми қитъанинг бошқа ҳудудларидан Европадаги энг баланд Альп тоғ тизими билан ажралган, қайсиким у ғарбдан шарққа қараб 1200 км.га чўзилган. Энг баланд чўққилар: Монблан (4807 м.), Монте-Роза (4634 м.), Червина (4478 м.). Ушбу тоғлар чўққилари қудратли музликлар билан қопланган. Альп тоғ занжирлари кўпсонли водийлар ва довонлар билан кесилган, улардан йил бўйи ўтиб-қайтиш мумкин ва қишда қисқа муддатгагина ёпилади. Довонлар бўйлаб автомобиль ва темир йўллари ўтган, кўп жойларда тунеллар қурилган.

Хушманзара ва сўлим табиатга эга Альп водийларида қадимдан инсонлар қўним топган. Ҳозирда бу ерда жуда кўп шаҳарлар (Аоста, Сондрио, Больцана ва бошқ.) мавжуд.

Альпнинг жануби-шарқидан Апеннин тоғлари ўтади, улар Лигур кўрфази, сўнгра бутун Апеннин оролларига чўзилиб кетган. Апеннин Ер юзидаги энг ёш тоғлардан бири. У ўзининг узунлиги билан Альпни ортда қолдиради (1500 км), бироқ баландлик бўйича ундан пастроқ. Энг баланд чўққиси Корно (2914 м).

Альпда дунёдаги энг чуқур ғорлардан бири – Антрио – дель-Коркья (805 м) жойлашган. Италияда ҳаммаси бўлиб 70 га яқин ғорлар ва бир неча юзта унгурлар бор. Капри ороли қирғоғидаги Зангори унгур-ғор дунёда машҳур. қадимдан ғорлар, унгурлар, ибодатхона ва дафналар Италияда истиқоматгоҳлар бўлиб келган. Бизнинг давримизда улар кўпсонли сайёҳларни ўзига жалб этади. Баъзи ғорлар маъданли манбаларга эгалиги, доимий нам ҳаво, буғ, балчиқ мавжудлиги туфайли шифобахш аҳамиятга эга.

Италиянинг ягона кенг паст текислиги – Падан текислигидир, у По дарёси ҳавзасининг катта қисмини эгаллайди. Падан текислиги нафақат мамлакатнинг асосий ғаллачилик маскани, балки мамлакатнинг нисбатан саноат ривожланган райони ҳамдир.

Италия тез-тез зилзила рўй бериб турадиган унча кўп бўлмаган Европа мамлакатларидан биридир, қайсиким кўпинча ер қимирлаши фожиали тус олади. XX асрда мамлакатда 150 дан зиёд зилзила қайд этилган. Кейинги кучли зилзила 1980 йил ноябрда содир бўлди. У 26 минг кв.км кенг ҳудудни (Неопол шаҳридан Потенца шаҳригача) қамраб олди. Италия Европада турли типда, турли ривожланиш босқичидаги вулқонларга эга ягона мамлакат: сўнаётган (Евганей тепаликлари, Албан тоғлари) ва ҳаракатдаги (Этна, Везувий, Стромболи) вулқонлари мавжуд.

Италия рельефи мамлакатда туризмни ривожлантиришга қулай имконият яратади. Унинг хилма-хиллиги Италияда турли кўринишдаги туризмни ривожлантиришга имкон беради:

* Альпда тоғ чанғиси туризми (Италиянинг Доломитли Альпида жойлашган курортлари бутун дунёга машҳур, Европанинг энг баланд тоғи Монблан қисман Италия ҳудудида жойлашган);

* Италияни ювиб турувчи барча денгиз қирғоқ бўйлари курорт ишларини ривожлантиришга имкон беради, зилол денгиз, хушманзара кўрфазлар, қумлоқ чўмилиш пляжларнинг кўплиги туристлар учун мароқли дам олиш масканлари ҳисобланади;

* денгиз портларининг мавжудлиги қулай денгиз туристик маршрутларини ташкил этишга ёрдам беради;

* Хушманзара тоғлар ва тепаликлар, ғорлар, кўллар, ноёб табиий объектлар мавжулиги, қўшимча равишда туристларни жалб этади (Везувий, Этна, Стромболи вулқонлари).

Италия иқлими. Италиянинг шимолдан жанубга қараб чўзилган территориясида алоҳида районлар ўртасидаги иқлим фарқи – Падан текисликларининг мўътадил илиқ иқлимидан Сицилиянинг ёркин акс этган субтропик иқлимигача йил бўйи туризм учун мақбул шароит яратади.

Падан текислигида январда ўртача ҳарорат 0 га яқин (июлда эса +23-24 ^{0}C). Кузда бу ерда циклонлар фаол жунбушга келади. қишда ҳамиша қалин қор ёғади, тез-тез 10 ^{0}C гача совуқ бўлади. 600-1000 мм. йиллик ёғиннинг ярими баҳор ва ёзга тўғри келади. Шимолий Италияда тез-тез кучли, ҳатто халокатли жала ва туман бўлиб туради. Кўпинча ёзги ёмғирлар момоқалдироқ ва дўл ёғиши билан кечади.

Альп иқлими баланд мўътадилдан совуққача алмашиниб туради. Тоғларда қорлар бир неча ой ушланиб турилади, тоғ чўққиларида эса ҳеч қачон эримайди. Карний Альпи қияликларига ҳаммадан кўп ёғин тушади – 3000 мм.

Ўрта ер денгизи иқлими Апеннин ороллари ва ярим оролларида алоҳида ажралиб туради. Ёз бу ерда қуруқ ва жазирама (июлда ўртача ҳарорат +26^{0}C), қиш юмшоқ, илиқ (январь ўртача ҳарорати +8-10 ^{0}C).

Италиянинг денгиз бўйи қурғоқлари, айниқса Лигур-Ривера, Ионик денгизи, Сицилия, Сардиния ороллари алоҳида юмшоқ иқлими билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Италиянинг қирғоқлари бўйлаб, айниқса Лигури Ривьересида машҳур курортлар занжир бўлиб чўзилиб кетган.

Апеннин ярим оролининг шимолий ва марказий қисмида ўртача ҳарорат бирмунча фарқ қилади: июлда +24 ^{0}C. Январда +1-4 ^{0}C. Апеннин ярим оролида қор жуда кам ёғади. Жанубда мартдан октябргача Африкадан эсадиган қуруқ ва жазирама шамол қизғиш чанг ва +30-35 ^{0}C гача кўтариладиган ҳароратни олиб келади. Апулияда Италиядаги энг қирғоқчил ер жойлашган, бу ерда йил давомида атиги 197 мм ёғин тушади.

Италия иқлими мамлакатда туризмни ривожлантиришга қулай имконият туғдиради. Йилнинг катта қисмида Италияда – барча ҳудудда юмшоқ иқлим ҳукм суради, чўмилиш мавсуми – майдан октябргача, тоғ чанғиси мавсуми – декабрдан мартгача давом этади. Юмшоқ иқлим туфайли Лигур Ривьерисида мавсум йил бўйи давом этади. Машҳур туристик марказлар (Рим, Неапол, Милан, Флоренция, Венеция, Верона)да иқлим қорсиз, кучли шамолсиз, ёмғир даври йил давомида уларга ташрифга имкон беради.

Милан ва Венецияда туман тушиб туриши ноқулай омил ҳисобланади (автомобиль қатновини қийинлаштиради, аэропортларни вақтинча ёпишга олиб келади), августда кучли жазирама катта шаҳарларда айниқса оғир кечирилади.

Ички сувлари. Италияда кўпчилик дарёлар – қисқа, бундай олганда, тўғридан тўғри денгизга қуйиладиган тоғ жилғалари ёки унча катта бўлмаган дарё тизими ҳосил қилувчи оқимлардир. Фақат Шимолий Италияда мўл-кўл ёғинлар, эрувчан музликлардан йил давомида тўйинадиган ривожланган дарё тармоқлари мавжуд.

Италияда тўлиб оқадиган ва энг йирик дарё – По ҳисобланади, узунлиги – 670 км, кенглиги 100-800 м. ¢арбда Альпдан бошланадиган По бутун Падан текислиги орқали шарққа қараб оқади ва Адриат денгизига қуйилади. Унинг ҳавзаси мамлакат территориясининг каттагина қисмини эгаллайди.

Апеннин ярим оролининг бошқа йирик дарёси – Тибр, узунлиги – 407 км ва кенглиги – 150 м. Римдан то қуйилиш жойигача Тибрда кема қатнайди. Кўллар, жилғалар ва каналлар тизими орқали Тибр ярим оролнинг бошқа аҳамиятли дарёси – Арно билан

боғланган. Тибр ва айниқса Арно ўзининг вайронкор тошқинлари билан кўп кулфат келтиради: хўжаликка катта зарар етказади, маданий ёдгорликларни емиради, мисол учун, Флоренцияда 1966 йилги тошқин шундай хатарли бўлди.

Италия кўлларининг катта қисми Альпнинг тоғли районлари, тоғ этакларида ва Адриат қирғоқларида жойлашган. Бу кенг, 370 кв.км.гача майдонга эга, келиб чиқиши 400 метр чуқурликка бориб етадиган музлик даври сув ҳавзаларидир. Кўллар табиати юмшоқ ва соғлом микроиқлимга эга. Альп кўллари қирғоқлари дунё миқёсидаги курортлари билан машҳур. Энг катта кўл Ломбардия областида (кўпинча катта қисми кўллар ўлкаси деб аталади) ва Венетода жойлашган. Европанинг Альп бўйи энг катта кўли – Гарда кўли. Милан яқинида Комо ва Мажоре кўллари жойлашган, қисман Швейцарияга тегишли.

Нисбатан кичик кўллар: Изео, Ледро, Мизурино ва Идро Адриат қирғоқ бўйига яқин кўллар қумлоқ-тош дарё қирғоқлари, каналлар, йўл бўйларида қад ростлаган тераклар, толлар ва оқ акациялар ажиб манзара касб этади. Апеннин ярим ороли қирғоқбўйи паст текисликлари, катта кенгликлар бўйлаб ҳамиша ям-яшил дарахтлар ва бутазорлар чўзилиб кетган. Бу ерда ўсадиган ёввойи турлардан доимо ям-яшил метин ва юмшоқ дублар, Альп қарағатлари, мойли дарахтлар, пальма, кактус ва агавалар ажралиб туради. Бироқ маданий турлар устунлик қилади: энг аввало, субтропик мева дарахтлари – цитрусли, зайтун, бодом, анор, тиқин ясаладиган дубзорлар инсон қўли билан экилган.

Ўсимлик дунёси. Италия тоғларида виқорли баландликларда ўсимликлар олами ёркин намоён бўлади. Негаки, Альп ва Апеннинда турли табиий зоналар жойлашган, субтропик ўсимликлар белбоғи фақат Апеннинг этаклари учун хос. Денгиз сатҳидан 500-800 м. баландликдаги Апеннинда эса субтропик ўсимликлар кенг ўрмонзорлар билан алмашинади. Альпда эса улар қуйи ўсимликлар белбоғи сифатида намоён бўлади. Устун тарзда дубзор, каштан, қайин, шумтол, қорақайинзорлардан иборат. Бу белбоғда маданий ўсимликлардан мевали дарахтлар, токлар, сўли, картошка кўп учрайди. Баландроқда аралаш дов-дарахтлар, қора қайинлар белбоғи бошланади. Альпда 1500 м.га яқин, Жанубий Апеннинда 2000 м баландликда ва Сицилияда энг баланд ўрмон белбоғи – пихта, арчанинг Европа турлари, турли қарағай турларидан иборат ўсимликлар олами бошланади. Бу ўрмонларда юқорида серўт субальп яйловлари бошланади. Улар Альп яйловлари билан алмашинади. Италияда ўсимликлар дунёси ғоят фавқулодда хилма-хил ва хушманзара, мамлакат территорияси яшиликка бурканган. Доимий ям-яшил ўсимликлар ва дарахтлар: пальмалар, кипарислар, ўртаер денгизи қарағайлари яшнаб туради. Италиянинг катта қисмида ўт-ўланлар қопламаси йил бўйи сақланиб туради, бу эса ташқи ландшафт жозибадорлигини оширади. Италияда гулловчи буталар ва ранг-баранг гуллар жуда кўп, тоғ этаклари ўрмон билан қопланган. Чиройли ўсимликлар олами мамлакат туристик жозибадорлигини таъминловчи қўшимча омиллардир.

Ҳайвонот олами. Ўрмонлар аёвсиз кесилиб кетиши, аҳоли зичлиги ошаётгани ва ишланадиган ер майдони кенгайиб бораётгани муносабати билан Италияда ёввойи ҳайвонлар турлари кам сақланиб қолган. Фақат Альп ва Апеннининг қадам етмайдиган районларида ва албатта, қўриқхоналарда айиқ, бўри, косули, кийиклар, Сардиния оролида – ўрмон ёввойи мушуги, буғи, арқар кабилар учрайди. Тўнғизлар кенг тарқалган. Альпда тулкилар кўп. Майда йиртқичлар ва кемирувчилар (ариқ сичқони, сувсар, сўрка, олмахон) ва қуёнлар яхши сақланиб қолган. қушлар ва судралувчилар олами бой: тошбақа, калтакесак, илон. қушларнинг 400 га яқин турлари мавжуд. Тоғларда калхат, бургут, қирғий, Альп юқори тоғликларида глухар, каклик ва бошқа қушлар учрайди. Кўл қирғоқлари, текисликларда ўрдак ва ғозлар кўп. Овланадиган денгиз балиқлари – кефал, треска, сардина, тунец, камбала, дарё балиқларидан карп, форел, угорлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўсимликлар ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш учун Италияда тўртта миллий парк ташкил этилган: Гран-Парадизо, Стельво, Черчео, Абруцио, Гран-Парадизо ва Стельво баланд тоғ ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, балки ўзига хос қирғоқ бўйи шакли – ғор, унгур, жарликлар ва ҳ.к.ларни сақлаш учун ҳам ташкил этилган.

Бутун дунёда бўлгани каби Италияда ҳам йилдан йилга пул маблағлари ажратишни талаб қилаётган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари ўткирлашиб бормоқда. Бир томондан Италия ҳайвонот олами хилма-хил, бироқ у туристларга ҳеч қандай кўнгилсизлик келтирмайди: денгиз соҳиллари хавфли балиқлар, медузалардан холи, қонсўрувчи ҳашоратлар ҳам унча кўп эмас, турар жойлар яқинида ёввойи ҳайвонлар пайдо бўлмайди. Бошқа томондан, Италия кўл ва денгизларида балиқлар кўплиги балиқ овлашни ривожлантириш имконини беради. Йилнинг маълум даврида лицензияси борларга тўнғиз, қуён, каклик овлашга рухсат берилган.

Қўриқхоналар ва миллий боғлар мавжудлиги натуралистларни жалб этади, улар қушлар, ҳайвонларни табиий шароитда яшашларини кузатиш имкониятига эга бўладилар.

3.2. Италиянинг табиий, тарихий, маданий сайёҳлик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари

Италия улкан маданий меросга эга кам сонли мамлакатлардан бири.

Италияга одамлар қачон кўчиб келгани ҳақида маълумотлар сақланмаган. Бироқ шуниси аниқки, унинг территорияси палеолит даврида истиқоматгоҳларга айланган. Италияда қўним топган қабилаларнинг нисбатан қадимийлари лигурлар, этруски, венетлар ва япигилар бўлишган. Хусусан. Лигурия ва Венето областлари ўз номларини ана шу қабилалардан олишган. Кейинчалик Италияда бошқалардан сўнг По дарёси водийсида кельтлар (галлар) қўним топишган. Ярим оролнинг катта қисмида аста-секин ярим оролга шимолдан келган италий қабилалар тарқалган. Улар орасида нисбатан тараққий даражаси билан латинлар ажралиб турган.

Рим мавжудлигининг илк даврларида унда подшолар ҳукмронлик қилишган. Бироқ эрамизгача 509 йилда сўнгги подшо Тарквинний Гордий қувиб юборилган ва республика ташкил қилинган. Ҳокимият бир йил муддатга жуфт-жуфт сайланган консуллар (лотинча консул ўртоқ дегани)га топширилган.

Эрамизгача III аср ўрталарида Рим Италиянинг барча территориясини ўзига бўйсундирган ва уни ўрта ер денгизида ҳукмронликни қўлга киритган йирик давлатга айлантирган. Бу эса бошқа денгиз давлати – Карфаген билан тўқнашувга олиб келган. Уч марталик Пуни уруши (шу жумладан, машҳур Ганнибал билан)дан кейин эрамизгача 146 йилда Рим узил-кесил ғалабага эришган ва Карфаген ер юзидан супуриб ташланган. Аммо бироқ, эрамизгача II-I асрларда бошқа ижтимоий ғалаён – фуқаролар урушидан ларзага келган. Жумладан, эрамизгача 45 йилда Помпей билан курашда Гай Юлий Цезарь ғолиб чиққан ва бир йилдан сўнг Брут ва Кассий бошчилигидаги фитначилар томонидан ўлдирилган. Фуқаролар урушининг навбатдагиси Цезарнинг ўғли Октавиан ғалабаси билан якунланган. Эрамизгача 27 йилда Октавиан сенат томонидан Август («Муқаддас») номини олган. Ўшандан бошлаб Рим империя мақомини олади.

Эрамизнинг 395 йилида император Теодор Римни гарбий ва Шарқий империяларга бўлди. Эрамизнинг 476 йилида эса ғарбий Рим империясининг сўнгги императори ўсмир Ромул Август герман ёлланмаларининг доҳийси Одаакр томонидан маҳв этилган. Италияда биринчи варвар қироллиги вужудга келди. Шарқий Рим империяси (Византия) эса яна минг йилга яқин ҳукм сурди.

Кейинчалик деярли 400 йил давомида Италия варварлар, Византия, Лангобардлар ва франкларнинг кўпсонли босқинларига гирифтор бўлди. 756 йилда ҳокимиятнинг дунёвий ва диний ҳукмронлигини узил-кесил ажратиб Пап области ташкил этилди.

774 йилда лангобардлар давлати Буюк Карл томонидан эгалланди, сал кейинроқ – 781 йилда Италия қироллиги ташкил топди, у 962 йилдан бошлаб герман қироли Оттон I томонидан Муқаддас Рим империяси таркибига киритилди.

Ўрта аср Италияси Рим папаси ва Европа сулолалари ўртасида кўпсонли ихтилофлар ва можаролар сабаби бўлиб келди ва уларнинг таъсири остида бўлди. Италия парчаланганича қолди. 1494-1559 йиллардаги Италия урушидан кейин унинг сезиларли

қисми Испания ҳукмронлигига, урушдан сўнг Испания мероси (1701-1714 йй) Австрия ҳукмронлигига ўтди. Мамлакат чуқур сиёсий ва иқтисодий инқироз исканжасига тушиб қолди. XVIII аср иккинчи ярмида ҳарбий ҳаракталарнинг тўхтатилиши айрим жонланиш ва озодлик учун ҳаракатни вужудга келишига, Италиянинг миллий мустақиллик ва бирлашиш учун «Рисоржемент» деб аталган курашига олиб келди. Бунда инқилобий Франция ёрдамидан умид қилинди. Наполеоннинг 1796-1797 йиллардаги Италияга юришидан кейин Италияда республика ташкил этилди. У 1804 йилдан кейин қироликка айлантирилди. Шу даврда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказилди. 1812 йилдаги урушда Италия Франция томонида бўлди ва Россияга 27 минг аскар юборди, улардан атиги 333 нафари ватанига қайтди, холос. 1821 ва 1848 йилларда Италияда австралияликларга қарши бир нечта муваффақиятсиз қўзғолонлар бўлди. Бироқ 1859 йилга келибгина Наполеон III нинг қўллаб-қувватлаши билан италиялик саркарда Кавур Ломбардия областида австралияликлар устидан ғалаба қозонди. Натижада у Савой қироллигига ўтди, Пьемонт, Лигурия ва Сардиния областларини ўзига қўшиб олди. Ундан кейинги йилда машҳур Гарибальд тинчлик юриши бутун Жанубий Италияни озод қилинишига олиб келди. 1861 йил Виктор Эммануил II Италия қироллик тахтига ўтирди. 1866 йилда Венето областининг қўшилиши, 1870 йилда Римни ишғол қилиниши оқибатида у яна Италия давлати пойтахти бўлди, бутун Италия бирлашди. 1900-1914 йилларда Италия тараққиёти жадал суръатда борди, йирик саноат вужудга келди. 1912 йилда уруш натижасида Италия Ливияни босиб олди. Италияда ижтимоий танглик кучайди. Италия Биринчи жаҳон урушига тайёр эмасди ва ўзининг бетарафлигини эълон қилди. Аммо 1915 йилда Антанта тазйиқи остида Австро-Венгрияга, 1916 йилда эса Германияга уруш эълон қилди. 1919 йилда иқтисодий инқироз даврида Муссолина бошқарган фашистик ҳаракат шаклланди. 1922 йилда Муссолина бош вазир бўлди, у 1936 йилда Италияни империяга айланганини эълон қилди. Иккинчи жаҳон урушига Италия 1940 йил 10 майда кирди. 1943 йил 8 сентябрда Италиянинг катта қисми немис қўшинлари томонидан ишғол қилинди. 1944 йил июнда Англия-Америка қўшини Римга кирди, 1945 йил апрелда қўзғолон пайтида Шимолий Италия озод қилинди. 1948 йилга келиб Маршалл режаси бўйича олинган маблағдан фойдаланилиб Италия урушдан олдинги тараққиёт даражасига эришди. 1949 йилда Италия НАТОга, 1957 йил – Европа иқтисодиёт иттифоқига аъзо бўлди.

Италия территориясида жуда кўп буюк усталар: рассомлар, ҳайкалтарошлар, олимлар, шоир ва ёзувчилар, бастакор ва меъморлар ва бошқа санъат намояндалари меҳнат қилишган. XVIII аср охирларида кемачилик ва кемасозликни ўрганиш учун Италияга рус усталари тез-тез кела бошладилар. Мисол учун 1696 йилда ушбу мақсад билан Петр томонидан «турли фанларни» ўрганиш учун ўнлаб дворянлар жўнатилган. XIX асрдан бошлаб Италияда ҳар куни рус аристократларининг вакилларини учратиш мумкин эди.

Александр II нинг рафиқаси императрица Мария Алексадровна Сан-Ремода рус мавсумини очди. У бу ерда 1874-1875 йил қишини ўтказди ва миннатдорчилик белгиси сифатида шаҳарга янги хиёбон учун пальма кўчати туҳфа қилди. Рус императрицаси шарафига ушбу бульвар унинг номи билан аталди. Ўша пайтда императрица саройида ҳаётининг сўнгги қишини таниқли рус ёзувчиси А.Толстой ҳам ўтказди. қиш мавсумида императрицаси изидан таниқли рус зодагонлари, жумладан, Романовлар хонадони аъзолари ташриф буюра бошладилар. 1895 йилда шу ерда силдан муваффақиятсиз даволаниб, бошқа улуғ княз Алексей Михайлович вафот этди. Жуда кўп аристократлар бу ерда қишки дачаларга эга эдилар. Айрим силга чалинган беморлар Сан-Ремони ўзларининг доимий яшаш жойига айлантиргандилар. Шаҳарда рус ҳаммоми, дорихона, новвойхонаси пайдо бўла бошлади. 1913 йилда император Николай II ёрдами шарофати билан рус черкови қурилди. Руслар билан фақат Сан-Ремо курортигина боғлиқ эмас. Тоскананинг бутун бир шаҳарлар даври ураллик тоғ саноатчиси Демидов авлодлари номи билан боғлиқ. «Демидофф» номи Тоскания ва Флоренциянинг жуда кўп жойларида

сақланиб қолган – кўчалар, гаражлар, бар ва меҳмонхоналар шу ном билан аталади. Княз Павел Демидов Флоренциядан сал нарида Тоскания улуғ герцоги Фердинанд III нинг Пратолинодаги чорбоғини сотиб олган. Уйғониш даври қурилиши Мария Медич даврида реставрация қилинган ва сақланиб қолган. Шу билан бирга чорбоғ сезиларли равишда руслашди. Хиёбон марказида княз отасига – савдогар Николай Демидовга ажойиб ҳайкал ўрнатган. Ички деворларда рус усталарининг жуда кўп нафас ишлари пайдо бўлди. Бугун бу ерда «Виа делла Вилли Демидофф» деб номланган кўча мавжуд. 1885 йил вафот этган княз Павел шу ерда чорбоғ черковида дафн қилинган. Кейинчалик унинг хоки Россияга олиб келинган, аммо 1955 йилда черков ҳовлисида унинг қизи княгиня Мария мангу қўним топди. Саховатпеша княгина «Рус қизил Хочи», «Тосканидаги рус мустамлакаси», «Рус йиғини» каби кўплаб ташкилотларга ёрдам кўрсатган эди. Ўтган асрнинг 20 йилларида Италиядаги рус мустамлакаси ўз гуллаб-яшнаши аҳамиятини тез йўқотди. Унинг таркиби мутлақо ўзгариб кетди – бадавлат курортчилар, аристократлар ўрнига Октябрь тўнтаришидан кейин пароканда бўлган қочқин эмигрантлар ёпирилиб кела бошладилар.

XVII аср иккинчи ярмида Россияда янги маданият туғилиб, XVIII асрда гуллаб-яшнаши билан Петр I ва Екатерина II даврида Россия-Италия муносабатлари кенг тус олди. Санкт-Петербург ва подшо саройи ёнида италиялик меъморларнинг бир неча авлоди иштирокида кенг миқёсда қурилишлар олиб борилди. Улар орасида Растрелли, Росси, Трезини каби моҳир меъморлар бор эди. Россия шу тариқа нафақат италиян адабиёти ва меъморчилиги, балки ҳайкалтарошлик, рассомлик, мусиқа, безак санъатини ўзлаштириб олди. Петр I тез-тез италиялик рассомлар ва ҳайкалтарошларнинг ҳам замонавий, ҳам ўтмиш усталари асарларини харид қилди. Ушбу харид Венециядаги россиялик агент Павл Беклемишев воситачилигида амалга оширилди ва харид қилинган бойликларни Россияга келтириш учун Ю.Кологривов ва С.Рагузинск махсус Италияга юборилди. Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари билан санъатнинг бошқа асарлари қаторида Римда Венеранинг машҳур ҳайкали сотиб олинди. Петр I давридаёқ Италияга ўқиш ва малака ошириш учун ёш рассомлар, ҳайкалтарошлар ва архитекторларни жўнатиш бошланди. Жумладан, 1716 йилда бўлажак йирик портретчи И.Никитин касбий маҳоратни ошириш учун Италияга юборилди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Петербургда бадиий академия ташкил қилингач, унинг энг яхши битирувчилари Академиянинг чет элдаги пенсионери сифатида, хорижга, одатда Францияга, кўпроқ Италияга жўнатилди. Ёшлигида Италияда улуғ рус архитектори В.И.Баженов бўлди. 28 ёшида у Рим академияси профессори ва Флорентий ҳамда ҳамда Болон академиялари академиги унвонлари билан қайтиб келди.

Хориж сафарига ҳуқуқ олган XVIII аср йирик ҳайкалтарошларидан бири Ф.И.Шубин Париж ва Римда бир неча йил яшади. XIX аср – XX аср бошларида рус маданияти, адабиёти ва поэзияси учун Италияга маънавий мойиллик хос бўлди. Улуғ рус ёзувчилари, шоирлари, рассомлари бу ерда узоқ яшаб, ўзларининг энг яхши асарларини яратдилар. XIX аср биринчи ўттиз йиллиги йирик портретчиси О.А.Кипренский ёшлигида етти йил Италияда классик санъатни ўрганди ва Италияда ҳаётининг сўнгги бир неча йилини ўтказди. Рим ва Неаполда узоқ йиллар ажойиб пейзажчи С.Ф.Щедрин яшади. «Помпейнинг охирги куни» йирик тарихий полотноси яратувчиси К.П.Брюллов кўп йилларни Италияда ўтказди.

Рус рассомчилиги тараққиёти босқичида муҳим воқеа бўлган «Исонинг халқ ҳузурида намоён бўлиши» картинаси муллифи А.А.Ивановнинг ҳаёти ва ижоди Италия билан мустаҳкам боғланган. Италия ҳамиша рассомларни жалб этган. Турли авлод рассомлари бу ерга Италия маданиятини ўрганиш ва ишлаш учун келадилар. Бу ерда В.Поленов, В.Серов, К.Коровин бўлган. Деярли бир вақтда уч улуғ рус рассомлари – В.Васнецов, В.Сурков ва М.Врубель Италия билан танишганлар. Римда Н.В.Гоголь ўзининг машҳур «Ўлик жонлар», Флоренцияда В.М.Достоевский «Телба» асарларини ёзганлар. И.С.Тургенев Италияда «Дворянлар уяси» романини ёзишни бошлаган.

Дипломатик мавқеини якунлаб Италияга Ф.И.Тютчев ҳам келади. 1912 йилда рус шоирлари Н.С.Гумилев ва А.А.Ахматова Италия бўйлаб «бошни айлантирувчи» сафарларини амалга оширадилар. Гумилев чуқур таассурот остида италян шеърлари циклини яратади. А.А.Блок бир неча йил Флоренцияга яқин кичкина жой Сеттиньянода яшайди. У ўзининг лирик шеърлари катта қисмини ушбу мамлакатга бағишлайди. Ҳаётининг катта даврини М.Горький ҳам Италияда ўтказган. Унинг номи Капри ороли билан боғланган, қоялар, мовий денгиз, куйдирувчи қуёш ва пальмалардан иборат бу оролда Горький партия мактаби ташкил қилади. Италия ватанини тарк этишга мажбур қилинган жуда кўп маданият арбобларига бошпана берган. Бу ерда режиссёр Андрей Тарковский «қўмсаш» фильмини суратга олган. Бу ерда оташин шоир И.Бродский «Рим сонетлари» ва «Венециан ашъорлари»ни ёзган.

Италия бу улуғ одамларнинимаси билан ўзига жалб этган? Бу саволга мамлакатнинг ўзи жавоб беради: агар сиз Италияда лоақал бир марта бўлган бўлсангиз, албатта, яна такрор ташриф буюрасиз. Туристлар ўртасида Италиянинг машҳурлиги сабабларидан бири унинг жуда кўп этаплардан иборат бой тарихи, адабиёт ва санъат асарлари, бой меъморий обидалари, ўтмиш қаърига сингиб кетган урф-одатларини сақланиб қолганлигидир. Италия тарихи албатта, сўзсиз ушбу мамлакат маданияти ва санъати тараққиётига таъсир ўтказган. Ишониш қийин, аммо жаҳон маданий меросининг 50 фоиздан кўпроғи айнан Италияда тўпланган. Мамлакатга ташриф буюришдан олдин бунга яккам-дуккам кишигина ишонади. Аммо сабр-тоқатингиз етиб, мамлакатнинг барча маданий марказларини айлана олсангиз ўзингиз бунга ишонч ҳосил қиласиз. Антик обидалари билан Рим, Уфицци галереяси билан Флоренция, мўъжиза майдони билан Пиза, ажойиб саборлари билан Милан… ўша улкан рўйхатнинг атиги боши, аммо ўзининг меъморий обидалари билан аҳамияти улардан кам бўлмаган бошқа шаҳарларни ҳам унутмаслик лозим. Италия санъати жаҳон маданиятида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Икки ярим минг йилдан кўпроқ вақт аввал вужудга келган бу санъат қўшни давлатлар маданияти билан ўзаро алмашиниб, уларни ўзлаштириб, ўз тараққиётида юқори чўққиларга эришган, ўлган ва қайта туғилган, ақл бовар қилмас янада юксакликларга кўтарилиб, жаҳон санъатига барча дунё мамлакатлари ўртасида сезиларли таъсир ўтказган.

Италия санъати бир неча бўлимларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирини чуқур жонлантириш амримаҳол иш, ҳар бири ҳақида баҳоли қудрат китоблар ёзилган. Уларни қисқача характерлаш, ҳар бир бўлим ҳиссасини алоҳида тавсифлаш ва Италияда туризм тараққиётини барча ўхшашликларини таҳлил этишга уриниб кўрамиз.

Қадимги Рим санъати. Қадимги Рим санъати III-IV асрларда шаклланади. Унга кўпроқ этрусклар маданияти таъсир ўтказган. Бу таъсир сақланиб қолган тасвирий санъат ва амалий санъат буюмларида намоён бўлади. Ана шу даврда қадимги Рим мусиқали маданияти вужудга келади: маросим урф-одатларидан тўй ва ғалаба қўшиқлари ажралиб туради. Исо таваллуд топганига қадар III асрда халқ импровизациялашган комедияси – ателлана вужудга келади ва Рим театр санъатига тамал тошини қўяди.

Исо таваллудига қадар III-II асрларда Жанубий Италия орқали Римга грек фалсафаси ёдгорликлари кириб келади. Греклар таъсири шарофати билан Римда адабиёт ривожланади. Рим адабиёти билан бир қаторда театр ривожланади. Театр томошалари ривожланиши билан мусиқа ҳам ривожланиб боради ва римликлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланади.

Шу даврда шаҳар қурилиши жадал олиб борилади. Икки магистрал оралиғида қад кўтарган шаҳар ўша давр учун хосдир. Фақат қадимги Римга хос типик ички ҳовлили уйлар пайдо бўлади. Урбанизация билан параллел равишда шаҳар чеккасида чорбоғлар ва виллалар қурилиши олиб борилади. Ўша даврда Рим асосий тип иншоотлари: томоша иншоотлари, аркли қурилишлар, базиликлар, термилар барпо этилади.

Тасвирий санъатда бюстлар ва портретли ҳайкаллари устуворлик қилади. Исо таваллудигача I асрда грек ҳайкалларидан нусха кўчириш кенг тарқалди, мозаика ва глиптика санъати ривожланди.

Рим империяси гуллаб яшнаган даврда Рим меъморчилиги ҳам янги кўтаринки босқични бошдан кечирди. Оммавий қурилишлар монументал эгилувчанлик, ҳашаматли аркли иншоотлар, гумбазли ва бетакрор нақшли иморатлар кўринишида кенг тус олди. Расмий архитектура бош типи ҳашаматли аркалар пештоқлар ҳисобланади. Ўша даврда Римнинг энг қадимий ва машҳур бинолари – Колизей ва Пантеон қад кўтарган.

Империя заифлашган даврда бинолар ва ҳашамдорлик кўлами кенгаяди, аммо қурилиш маркази провинцияларга кўчади. Баальбекидаги мажмуа бунга мисол бўла олади.

Қадимги халқ – Этрусклар санъати. II минг йилликдан бошлаб Исо пайғамбар туғилганича Италия халқлар учрашадиган жойга айланган. Унинг территориясида этруск, грек ва лотин цивилизацияси биргаликда гуллаб яшнаган. I минг йиллик ўрталарида Исо туғилгангача Марказий Италия территориясида қудратли ва нозик этруск санъати ўз яшнаган чўққисига чиққан. Ибтидоий санъат бўла туриб у Шарк – энг аввало Греция ва XVIII асрда очиқчасига грекча ҳисобланган таъсир остида ўзининг индивидуаллигини олган. Этрусклар талантли рассомлар ва моҳир ҳунармандлар бўлишган: ибодатхоналарни ҳайкаллар билан безашган, сопол буюмларга расмлар билан жило беришган, олтиндан заргарлик безаклари ясашган, грек буюмларидан моҳирона нусха олишган.

Роман санъати (Юқори ўртаерлик). Рим империяси қулаганидан кейин Италия территориясида жойлашиб олган варварлар римликлардан тил, ёзув ва ҳуқуқни мерос қилиб олдилар. Уларнинг йўлбошчилари таниқли Рим корчалонларининг вилла – боғ чорбоғларига жойлашиб олиб, маиший-маданий муҳитга асос солдилар. V-VI асрларда ҳамма жойда қимматбаҳо тошларни силлиқлаш ва жило бериш тарқалди. Мозаикада насроний сюжетлар ривожланди, бунда черков ўз таъсирини кўрсатади. Ўрта аср адабиёти ҳам дин билан мустаҳкам боғланган. Булар насронийлик мадҳияси, афсоналари, лотин тилидаги солномалардир. Варварлар томонидан вайрон қилинган шаҳар жуда тез қайта қад ростлади. Ўрта аср Италия шаҳрида икки марказ шаклланди: ўзини ўзи бошқарувчи шаҳар олдидаги майдон ва собор билан бозор майдони. Шунингдек, биноларнинг ўзини услуби ўзгарди. Ломбардия а Тоскана янгича усул марказларига айланди.

Готик ва уйғониш (ренессанс) сарчашмалари. XIII аср ўрталарида Италия маданий тараққиётда бутун Европадан ўзиб кета бошлади. Аср охирида фалсафий шеърият пайдо бўлди, ушбу жанрда ижод қилган ёш Данте Алигьери италян адабий тили яратувчиси бўлди. Рассомчиликда Пьетро Каваллини кейинги антик давр тасвирий санъатида ҳукм сурган византия кононларидан воз кечиб, ёруғлик соя моделлаштириш шаклини қўллади. Жотто ди Бандоне ўрта аср санъатининг бош ислоҳотчисига айланди, у византия кононларидан узил-кесил воз кечилган уйғониш рассомчилигига асос солди.

XVII аср, баракко – серҳашам бадиий услуб. 1590 йилдан бошлаб Рим Европа бадиий марказига айланади. XVI-XVII аср истиқболларида черков архитектурасида барокко – серҳашам бадиий услуб принципи таомилга кирди. Тикланиш усталаридан фарқли равишда барокко усталари қурилишларда ёркин акс этган, аниқ мантиқланган услубларни қидирдилар. Барокко меъморчилигига Иль-Жеза ва Санта-Сусанна черковлари мисол бўла олади. Шунингдек, барокко меъморчилигига таниқли қазо-кузаларнинг шаҳар чеккасидаги виллалари – чорбоғ қароргоҳлари ҳам тегишлидир. Барокко ҳайкалларида экспрессия – таъсирчанлик мустаҳкам ўрин эгаллаган. Барокко усталарининг фикрича, қотиб қолган қиёфада тўхтаган ҳаракат ва вазиятдан ташқари қаҳрамоннинг руҳий ҳолати аниқ сезилиб туриши лозим. Барокко ҳайкалтарошлигида улуғ италян Лоренцо Бернини биринчиликни эгаллаб келди. Барокко услуби шунингдек фавворалар сингари меъморий асарларни дунёга келтирди. Улардан энг яхшилари Бернинига тегишли. XVI-XVII асрлар Италия рассомчилигида икки йўналиш мавжуд эди: академизм ва Караважо бошчилигидаги унга қарама-қарши оқим. Рассомчиликда янги жанрлар пайдо бўлди: натюрморт, пейзаж-манзара, диний ва маиший картиналар. Барокко

рассомлик маркази Рим, Болонья, Неаполь шаҳарлари бўлди. Худди ўша вақтда вокал-чолғу мусиқасининг янги турлари – опера, оратория, канцона вужудга келди.

Уйғониш (ренессанс) даври. Бу давр Европа маданиятини ривожланиши учун жуда муҳим бўлди. Уйғониш ватани Италия ҳисобланади. Биринчи уйғониш ғоялари шу ерда туғилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Италияда уйғониш даври бошқа мамлакаларга қараганда узоқроқ – уч йиллардан кўпроқ чўзилди. Бу вақтда жуда кўп оламшумул воқеалар: буюк географик кашфиётлар, китоб босишни бошланиши, фан сифатида табиатшуносликни шаклланиши рўй берди. Фалсафанинг ривожланиши ҳам ўз таъсирини ўтказди. Николо Макиавелли инсонни уйғотувчи бош мотивини шакллантирди, Леонардо да Винчи эса кейинчалик инсонга зарур нарсалар прототипига айланган қатор кашфиётлар қилди. Фан жадал олға силжиди. Галилео Галилей ва Жардано Бруно ўша вақтнинг асосий олимлари бўлди.

Уйғониш даври санъати Италия жамияти ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Бадиий ижод уйғониш даври кишиси учун зарур эҳтиёжга айланди. Бунда атиги бир неча шаҳарларгина уйғониш маданияти ўчоғи бўлди. Улардан асосийлари Флоренция, Тоскани пойтахти. Одатда Уйғониш даврини уч босқичга бўладилар.

Салкам уч юз йил давомида Италия усталари ижоднинг энг хилма-хил соҳаларида улкан миқдорда юксак бадиий асарлар яратдилар. Ўша юз йилликларда юксалиш бўлмаган бирорта соҳани кўрмайсиз. Адабиёт ва тасвирий санъатнинг мисли кўрилмаган гуллаб яшнаши Уйғониш даврида Италия маданиятини учинчи классик маданият сифатида бошқа мамлакатлар учун грек ва рим маданияти қаторига кўтарди. Ҳар бир даврда Италия маданияти яхши томонга ўзгариб борди. Ҳозирда мамлакатда сақланиб қолган маданий мерос дунёда энг бой ҳисобланади. Ва, албатта, жуда кўп одамлар Италияни ана шунинг учун танлайди.

Италия территориясида жаҳон маданий меросининг яримидан кўпроғини сақланиб қолиши оқибатида улкан миқдордаги ёдгорликлар жуда яхши ҳолатда, кўпчилик шаҳарлар тарихий марказлари ўрта аср қиёфасини тўлиқ сақлаб қолган. Айнан мана шу аҳамият Италияда туризмни ривожлантиришда биринчи даражали маданий омил ҳисобланади. Италия туризм учун энг жозибадор мамлакатдир.

Ҳар бир италиялик болаликдан аждодлар ва уларнинг маданиятига ҳурмат руҳида тарбияланади. Жуда кўп одамлар ўзлари мактабда тарих, адабиёт, физика ва бошқа фанлардан ўтилган дарсларда ўқиган ва эшитганларини кўзлари билан кўриш учун Италияда бўлишга интиладилар. Италияда барча ёдгорликларни кўриб чиқиш учун йиллар талаб қилинади. Турган гап, бир неча марталик туристик сафарда ҳаммасини кўришга улгуриш мушкул. Бу албатта, тушунарли, чунки Италияда турли услубда, турли усталар томонидан турли даврларда яратилган маданий бойликларни санаб адоғига етиш қийин. Албатта, Италияни туристик мамлакат сифатида дунёга танилиши ва ривожланишида маданий омил бош роллардан бирини ўйнайди.

Италиянинг диққатга сазовор жойлари. Италия мамлакати ўзининг антик давр (энг қадимий) архитектура ёдгорликлари билан дунёга машҳурдир. Бу Рим шаҳридаги Колизей, Рим Форуми, Авлиё Павел базиликаси, Пантеон ва бир қанча музейлардир. Венеция шаҳридаги Авлиё Марка собори, венециалик ҳокимликлар саройи, «Ором олиш кўприги», Сан Марко кутубхонаси. Флоренциядаги: Миллий музей, Санта-Мария_дель-Фьоре собори, Уфицци галерияси, Медичи-Рикарди саройи ва бошқалар.

Рим шаҳрининг ғарбий қисмида **Ватикан** шаҳар-давлат жойлашган. У Қарийиб ҳамма томондан тош девор билан ўралган. Майдони 0,44 кв.км, аҳолиси 1000 кишидан зиёд. Давлат ишлари лотин тилида олиб борилади. Ватикан номи Италиядаги Тибр дарёси соҳилидаги тепалик номидан келиб чиққан. Бу тепаликка ўрта асрларда сарой солиниб, католиклар черкови бошлиқларининг доимий турар жойига айланган. 1929 йилда Италия ҳукумати билан тузилган шартномага асосан **Ватикан** алоҳида давлат ҳисобланади. Давлат тузими – теократик монархиядир, яъни бутун ҳуқуқ, ижро ва суд ҳокимияти папа қўлидадир. Папа кардиналлар кенгашида умрбод сайланади.

Ватиканда христиан оламининг йирик архитектура ёдгорлиги – Авлиё Петр собори (Браманте, Рафаэль, Микеланжело, Ж. дела Порт) ва бадиий қимматга эга бўлган бошқа кўпгина саройлар, ички ҳовлилар бор. Папанинг шахсий хоналаридаги деворий расмларни Рафаэль ва унинг шогирдлари ишлаган (16 аср биринчи чораги). Ватикан музейларида қадимги Миср, Юнонистон ва Рим империясининг ноёб санъат асарлари сақланади.

3.3. Италия аҳолиси, шаҳарлари ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари

Италия аҳолиси сони 62 млн. киши (2014й). Аҳолининг умумий сони бўйича Ғарбий Европада Германия, Франция, Буюк Британиядан кейинги ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда Италияда Европа Иттифоқи мамлакатларининг 12% аҳолиси яшайди. Аҳоли сонининг ўсиши асосан ташқи миграция ҳисобига бўлмоқда.

Италия аҳолисининг этник таркиби қуйидагича: италянлар – 92%, 4%ни австрийлар, швейцарлар, руминлар, словенлар, поляклар, 1,5% ни шимолий африкаликлар, 2,5% ни осиёликлар (асосан хитойликлар, ҳиндлар, шри-ланкаликлар) ва жанубий америкаликлар (аргентиналиклар, колумбияликлар, бразилияликлар) ташкил қилади.

Италия аҳолисининг зичлиги мамлакат бўйича 1 кв.км. га 20 киши тўғри келади. Аҳолининг зичлиги бўйича Италия Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида 5 ўринни эгаллайди. Аҳоли мамлакат ҳудуди бўйлаб бир текисда жойлашган. Аҳолининг асосий қисми мамлакатнинг марказий ва шимолий ҳудудларида истиқомад қилишади. Аҳолининг туғилиш кўрсатгичи 1 йилда 1000 киши ҳисобига 9,8 чақалоқ тўғри келади.

Мамлакатда расмий давлат тили италян тилидир. Ушбу тилда бутун мамлакат аҳолисининг 94% гаплашади. Бошқа тилларда: 2% сардин тилида, француз, немис, албан, словян тилларида – 3%, ретороман (фриуль ва ладин) тилида 1% аҳоли сўзлашади.

Диний этиқоди бўйича италянлар асосан католик динига (90%), протестант (9%) ва мусулмон (1%) динларига бўлинади. Мамлакатнинг пойтахти Рим шаҳрида бутун католик дунёси маркази Ватикан жойлашган. Шу сабабли Италия аҳолисининг асосий қисми ушбу динга этиқод қилишади.

Шаҳарлари. Ҳозирги кунда италияда 4 та миллионер шаҳарлар бор бўлиб уларга **Рим, Милан, Турин** ва **Неапол** киради. Ушбу шаҳарларда бутун мамлакат аҳолисининг 12% яшайди. Шу жумладан **Римда** – 3,1 млн, **Миланда** – 2,3 млн, **Неапольда** – 1,5 млн, **Туринда** – 1,2 млн. киши. Мамлакатдаги бошқа шаҳарлар қаторига **Генуя** (1001 минг киши), **Палермо** (900 минг киши), **Флоренция** (630 минг), **Болонья** (670 минг), **Катанья** (380 минг), **Барии** (410 минг), **Венеция** (350 минг), **Мессина** (275 минг), **Верона** (257 минг), **Триест** (252 минг) ва бошқалар киради.

Давлат тузуми - парламент. Давлат бошлиғи-президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият сенат ва палата депутатларидан иборат парламентдир.

Италия НАТО блоки аъзоси. У ғарбий Европа интеграциясининг фаол аъзоси. Айнан 1957 йилда Европа иқтисодий ҳамжамиятини тузиш ҳақида битим имзоланган. У аграр – индустрия соҳада кенг тараққий этган давлат. Дунё ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) да унинг улуши уч фоизга тенг. Аҳоли жон бошига ЯИМ қарийб 20 миннг доларга тўғри келади. Мамлакат маҳсулоти ҳажмини дунё саноати моллари билан солиштирганда 3,2 фоизни (дунёда 6-ўрин) ташкил этади. Ҳар хил кўрсаткичлар бўйича олиб қараганда, қуйидаги манзара ҳосил бўлади: саноат ва қурилиш-35 %, турли хизматлар – 6%, қишлоқ хўжалиги -4%.

Қишлоқ хўжалик тармоғида қарийиб 18 млн. аҳоли банд. ўртача фермерлар майдони Европа Иттифокининг бошқа мамлакатларидагидан анча кам яъни 7 гектар. Италия ер ости бойликларига унчалик бой давлат эмас. Бу ерда асосан кам миқдорда кўмир, нефт, рух, қўрғошин, олтингугурт, симоб, боксид ва мармар қазиб олинади.

Италия иқтисодиётининг ўзига хос томони аксарият мулкнинг йирик монополислар ихтиёрида эканидир. Масалан, учта йирик хусусий монополист фирма-«Монтэдисон», «ФИАТ», «Пирелли» давлат иқтисодий тузилмасининг асосини ташкил этади. Мамлакатдаги ИРИ, ЭНИ, ЭФИМ, ЭНЕЛ сингари иқтисодий ташкилотлар Италиядаги ана шу-«ФИАТ», «Фальк», «Монтэдисон», «Занусси», «Сина-Викоза», «Оливетти» каби салоҳиятли фирмалар иқтисодиётнинг ички ва ташқи алоқалардаги капитал муаммоларини назорат қилади.

Италия туризм учун энг жозибадор мамлакат деб айтдик. Ҳали қадимдаёқ римликлар Искья оролида, Сирмиондаги Горда кўлида шифобахш иссиқ сув – Термал манбаларини кашф қилиб, «саломатлик учун» дам олишга саёҳат йўлини очган эдилар. Шунингдек, бадавлат патрицияликлар орасида Римдаги уйидан ташқари, жазирама ёз ойларида бориб дам олишлари учун шаҳар чеккаси – денгиз соҳилларида чорбоғлари бўлиши таомилга кирганди. Мисол учун, император Нерон охир-оқибат умуман Каприга кўчиб, 10 йилни ўша ерда ўтказади.

Ўрта асрларнинг энг машҳур саёҳатчиси венециялик Марко Поло эди. XIX асрни туризмнинг бошланиш даври дейиш мумкин, аммо бу яккам-дуккам бадавлат кишилар учунгина саёҳат эди. Айнан ўшанда денгизда чўмилиш урфга кирди ва ўша пайтда Италияга тегишли бўлган Лазур соҳиллари дунёда биринчи курорт бўлди. Бироқ, ўша давр энг таниқли саёҳатчилари (уларни ҳали турист деб бўлмасди) зодагонлар, қироллик фамилиясидаги аъзолар эди. Улар ҳузурбахш иқлим қидириб, Лазур соҳиллари, Сан-Ремо, Рапаллога келабошладилар. Шунингдек, машҳур рассомлар, композиторлар, ёзувчилар, артистлар илҳомланиш учун Италияга (Капри, Сорренто, Таормин) интилдилар. Уларнинг қутлуқ қадамлари билан Таормин, Сорренто, Портофино, Бордигер ва Монтекатин-Терме каби шаҳарча ва қишлоқчалар жаҳоний донг таратдилар.

XX аср бошланиши билан туризм ҳозирги замон ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. СССР даврида хорижга туристик сафар қатъий белгилаб қўйилганди, 90 йиллар бошларида чиқиш туризми очиқ ва эркин бўлди.

Италия иқтисодиёти мамлакатдаги мавжуд кичик ва ўрта бизнес тараққиёти билан характерланади. Бу халқ истеъмоли моллари, енгил саноат ва кўпчилик кабиларида бозор коньюнктурасига тез мослашадиган соҳа ҳар бир кичик тадбиркорлик фирмасида ўртача 100 киши ишлайди ва улар бир ёки икки хил маҳсулот тайёрлашади. Ихтисослашган кичик корхоналар «монополистик бирлашма»га уюшган. Бу уюшма-конгломерат ўз зиммасига ижтимоий таълим ва халқ истеъмоли махсулотларини тўлиқ етказишдек маъсулиятни ўз зиммасига олган.

Италия туризм соҳасини ривожлантириш бўйича жуғрофий-иқтисодий имкониятга эга. Ҳар йили бу ерга 30 милиондан ортиқ сайёҳ ташриф буйиради.

Италия иқтисодиётида солиқ, соғлиқни сақлаш, пенсия таъминоти тизимларида кечган ислоҳатлар ўз самарасини бермоқда. Мамлакатда кечаётган солиқ борасидаги ўзгаришлар натижасида солиқ тўловлари соддалаштирилди, инвестиция фаолияти кенгайишига замин яратди. Солиқлар ҳажми 53,2% дан 37% га туширилди. Акция қимматли қоғозлар операциялари учун солиқ учдан икки қисмга пасайтирилди. Тадбиркорларнинг соғлиқни сақлаш жамғармасига тўланадиган бадаллари олиб ташланди.

Ижтимоий истиқболлари. У ёки бу мамлакатда туризмнинг машҳурлиги кўп жиҳатдан аҳолининг меҳмондўстлигига боғлиқ.

Италянлар жуда хушчақчақ халқ. Италян характерида маълум бир аниқ нарса айтиш қийин. Биз учун уларда кўрган жанубий жўшқинликдан ташқари, жуда кўп зиддиятли характер қирралари, ёқимтойлик ва унча кўнгилли бўлмаган томонлар мавжуд. Шу жиҳатдан улар бошқа – европаликлар кўзига шимолий қўшнилари – французлар, швейцарлар ва австрияликларга қараганда тўпори русларга ўхшаб кўринади.

Италянлар сўзамол, қувноқ ва ўткир зеҳнли, хушмуомала ва меҳмондўст. Бундан ташқари, улар ғоят истеъдодли. Италияда бўлсангиз, сиз улар билан ҳамма жойда –

Флоренция чиройли соборларидан тортиб, Римнинг ҳашаматли дўконларигача дуч келасиз.

Италиянлар айниқса жуда гурунгчиликлари билан ажралиб туради. Бу айниқса эркаклар ўз вақтини қандай ўтказишларида яққол кўринади. Уларнинг севимли жойлари – барлар. Уйида деярли чой ичмайдиган италянлар барларда жуда кўп қаҳва истеъмол қиладилар. қаҳва бу ерда худди шарқдагидек – кичкина чашкачага сутсиз, жуда аччиқ қилиб дамланади. Аммо у замонавий «қаҳва машинаси»да тайёрланади. Италянлар учун ушбу ичимлик доимийлик боп – ёзда чанқоқни қондириб, ҳовурни туширади, қишда – қиздиради. Марказ ва йирик шаҳарлар ишбилармонлик қисми ҳамиша гавжум ва шовқинли. Барларга нафақат тамади қилиш учун, балки янгиликлар билан алмашиниш, қизғин баҳслашиш, ҳазил-мутойиба қилиш учун ҳам кирилади. Айниқса сиёсат ва спорт мавзуларида суҳбатлар қизийди, барнинг орқа хоналарида қарта ўйини авжига чиқади.

Италянлар ҳаётида футбол улкан ўрин эгаллайди. Ўйин ўтказиладиган кун арафасида жамоаларни кутиб олиш учун шаҳарга ашаддий футбол «жинни»лари ёпирилиб келадилар. Уларни таниш жуда осон: улар тинимсиз хуштак чаладилар, ўз жамоалари рамзи бўлган байроқларни деразаларга осиб, қўлларида силкитиб диққатни тортадилар. Агар стадионда ўйинни кўриш иложини топишмаса, албатта, телевизорда томоша қиладилар. Мабодо учрашув ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса, севимли жамоаси учун ишқибозлик қилишга дўстларини ҳам таклиф қиладилар. Камдан-кам италян ҳафталик «тотокальчо» ўйинида иштирок этмайди, ахир ўйинда ҳисобни тўғри топиб, қимматбаҳо совринни қўлга киритишни ким истамайди, дейсиз.

Лотереяга италянларнинг эҳтироси кучлилиги ҳаммага маълум ва миллий характер қирраларига киритилиши ҳам бежизга эмас. Уларда омадга қизғин ишонч ҳайратомуздир. Италянларга хос бу хусусиятдан ҳар йили ўйналадиган ўнлаб турли лотереяларда усталик билан фойдаланиб тобора кўпроқ ишонувчан мухлис жалб этилади. Лотерея бахтли рақамини топишнинг бутун бир системаси мавжуд. Масалан, агар ўйин арафасида от тушга кирса, бахтли рақам 5 бўлар эмиш. Агар шартли равишда от оқ бўлса, унда 8 рақамига умид боғлаш керак экан. Ушбу мавзу махсус телекўрсатувларда қизғин муҳокама қилинади. Энг катта лотерея – Янги йил лотереяси. Унинг ютуғи жуда катта, аммо атиги учтагина. Улардан энг йириги – 3 млн. доллар.

Италянларни ирим-сиримга ишонувчанлигини ҳам таъкидламасдан бўлмайди. Ҳали қадимги Римда турли ирим-сиримларнинг махсус тўплами бўлган. Ҳозирда италянлар кўз тегиши, қора мушук, иблис, 13 ва 17 сонларидан жуда қўрқишади, айниқса 17 сони жумага тўғри келса. Италянлар мунажжимлар башорати ва фолга ишонишади. Фолбинлар мамлакатда жуда машҳур, улардан баъзилари гуллаб яшнаяпти. Миллатнинг характеридаги асосий нарсалар албатта, булар эмас, балки оила ва ўз тарихий қадриятларига бўлган муносабатдир. Бу борада италянлар қатъиятли. Италянлар учун оила бизнинг давримизда ҳурматга сазовор, ишончли қалъа ҳисобланган ягона институт. Италянларнинг ўта болажонлиги, уларга чексиз меҳри ҳар қандай мақтовга лойиқ. Болаларда италянлар ўз келажакларини кўрадилар, уларни худди вайроналар остида қолган буюк антик маданияти, шарафли ўтмиш каби севадилар.

Бугунги италянларни униси ҳам, буниси ҳам бирлаштириб туради. Ҳар қандай миллат каби италянларнинг ўз байрамлари бор. Сафарга отланар экансиз, у ерда байрам кунлари ҳеч ким, ҳеч қаерда ишламаслигини ҳисобга олишингиз лозим.

31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси италянлар Янги йилни кутиб оладилар. Кўп асрлардан буён ушбу байрамни пақилдоқлардан узлуксиз отиш, деразадан эски-туски буюмларни, баъзан каттагиналарини ҳам улоқтириш анъана бўлиб келмоқда. Кейинги анъана жароҳатлар кўпайиши оқибатида амалда йўқотилди. Пақилдоқлардан отишни эса контузияларни ўсиш статистикаси ташвиш уйғотаётганига қарамай, олдини олиб бўлмаяпти. Рождество – Янги йил байрам цикли Рождестводан бут ювиш байрами – чўқинишгача (6 январь) чўзилади. Ушбу кунларда мактаб таътиллари ҳам ўтади. Айниқса Навона Рим майдони унутилмас таассуротларга бой бўлади: негаки байрам кўринишини у

йилига бир мартагина олади, бу вақтда болалар ўйинчоқлари, ва ширинликлар ярмаркаси бўлади.

Италияда 1 январда Халқаро тинчлик куни нишонланади. – Папа Муқаддас Петр соборида тантанали амру маъруф ирод этади. Январда яна Муқаддас Инессу байрам қилинади. Эски урфга кўра, бу байрамда фотиҳа ўқилиб, икки қўзичоқни жуни қирқилади ва уларнинг жунидан тайёрланган плаш Рим Папасига туҳфа этилади.

Январ Италияда карнаваллар мавсуми. Асрлар давомида ушбу байрам бу ердан кўпгина Европа мамлакатлари ва Америкага тарқалган. Италиянинг ўзида эса азалдан қувноқ ва ғоят шовқин-сурон билан ўтказилиб келинади. Шаҳарда улкан театрлаштирилган томошаларга яқин қишлоқлардан деҳқонлар оломони ёпирилиб келади. Карнавалнинг қувноқ қиёфалари албатта, Арлекино, Пульчинелла, Мео Патакки, Бригслли, Коломбина ранг-баранг ниқобларидир. Бироқ, карнавалнинг амалдаги шахси – карнавал қироли ёки оддийгина – Карнавал. Ранг-баранг карнаваллари билан Рим ва Венеция ажралиб туради, аммо ёрқин карнаваллари билан Тоскан кичик шаҳарчаси Виареджо ҳам шуҳрат қозонган. Карнавал мавсумида катта ниқоблар паради ўтказилади. Ушбу кунларда шаҳарни тўлдирган туристларнинг кўнглини овлаш ва ранг-баранг анъанавий ниқобларни таклиф этувчи ҳунармандлар, усталарнинг ўзаро мусобақаси авж олади. Улар анъанавий ниқоблар ясашдан ташқари, ака-ука Гримм, Андерсен, эртаклар қаҳрамонлари қиёфаси акс этган қўғирчоқларни намойиш қиладилар. Дисней персонажлари, машҳур сиёсатчиларнинг карикатуралари, артистлар ва ҳ.к.ларнинг қиёфаларини акс эттирадилар. қувноқ тантана Сретения (Canderola)ни байрам қилиш билан якунланади.

Февралда Сан-Ремо шаҳрида италян қўшиқлари фестивали ўтказилади. Бу ерга италян қўшиқчилари ва хорижий машҳур артистлар ташриф буюришади.

Энг катта насроний (христиан) байрами – Пасха. Бу баҳорий кунларда ҳамма ўз ватанига, ота-онаси, қариндош-уруғлари, яқинлари ҳузурига боришга интилади. Болалар эса пасха таътилларига чиқади.

Пальмали якшанбада Папа авлиё Петр майдонида амру маъруф ўқийди. Рим ва эҳтиросли Еттида айниқса черков удумлари тантанали кечади. Ўз черковидан йўлга чиққан эътиқодчилар қудратли оқими колизейга қараб боради. Пасха асосан оилавий байрам тусида бўлсада, мамлакат баъзи шаҳарларда улкан спектакль тарзида ўтади.

21 апрелда Рим ўзининг туғилган кунини нишонлайди. Италянлар 25 апрелда фашизмдан озодлик кунини байрам қилишади. Ҳамма жойда фахрийлар билан учрашувлар, митинглар куни.

Майда Флоренцияда июль бошигача давом этадиган «Мусиқали май» фестивали ўтказилади. Бу опера, балет, театр томошасининг энг қадимги ва нуфузли фестивали. 2 июнь – Республика эълог қилинган кун. Ёзги италян байрамларидан энг машҳури 24 июнда нишонланадиган Сан-Жованни кунидир. Унга ёзги қуёшли кун билан боғлиқ жуда кўп урф-одатлар киритилган. Ўша куни соусли шиликқурт ейиш лозим.

29 июнь – Авлиё Пётр ва Павл – Рим ҳомийлари куни. Авлиё Пётр собори гумбазлари остида Папа ўқиган амри маъруфлари тантанали жаранглайди.

Июнда Женцано шаҳарчасида машҳур Гуллар байрами бўлиб ўтади. Гуллар япроғидан ажойиб полотни яратилади. Бу мусобақада энг нозик дидлилар ғолиб бўлади.

5 августда Санта-Мария-Мажоре райҳонзорида байрам маросимига келганлар бошидан гуллар япроқларидан тайёрланган қор ёғилади. Бу 325 йил ўша куни ёққан қор шарафига ўтказилади. Ривоятларга кўра, ўшанда Эсквилин тепалигига қор ёғиб, Биби Марям шарафига қуриладиган ибодатхона ўрнини кўрсатган эмиш.

15 августдан бошлаб италияликларнинг катта қисми таътилга чиқади, саноат шаҳарлари ҳувиллаб қолади. Ҳар йили ёзда Свенада ўрта аср катта байрами Палио бўлиб ўтади. Шаҳар ҳар бир кварталида ўрта аср либосида чавандозлар от суриб ўтади. Эҳтиросга бой бу тантана ишқибозларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Мусобақа қоидасиз, ҳатто чавандозсиз от ўз жамоасига ғалаба олиб келиши мумкин.

Сентябрнинг биринчи якшанбасида Венецияда Катта каналда қайиқчилар мусобақаси ўтказилади. Энг моҳир эшкакчилар ўзаро беллашадилар. Худди шундай Венециянинг Лидо оролида дунёда энг катта кинофестивал – «Олтин шер» бўлиб ўтади.

Октябрда Пьемонтида ноёб ва қимматбаҳо замбуруғ – трюфель шарафланади. Пьемонтнинг Альба шаҳри – трюфел терувчилар пойтахти. Трюфель териш ва уни пишириб татиб кўриш бўйича мусобақалар ўтказилади. Бироқ, Италияда энг катта кузгу байрам 1 ноябрга тўғри келади ва барча Авлиёлар куни нишонланади. Эртаси 2 ноябрь куни қайғули – Барча марҳумлар куни.

Декабрда Милан «Ла Скала» театрида опера мавсуми очилади ва мавсум майгача давом этади. Энг ранг-баранг ва чиройли айём Италияда бу – Рождество байрами. 25 декабрдан ҳатто йўлакларга гиламлар тўшалиб, тувакдаги гуллар билан безалади. Бироқ, бу байрамларнинг бирортаси умумқабул қилинган дам олиш кунлари ҳисобланмайди. Италянлар ва уларнинг байрамлари ҳақида гапира туриб, италян пазандалигига тўхталмасдан бўлмайди.

У ҳамма жойда тараққий этган. Агар сиз Италияда бўлиб, лаззатли таомларидан татиб кўрмаган бўлсангиз, таассуротлар чала бўлиб қолади. Италияда ҳамиша лаззатли овқатланиш мана икки минг йилдирки, Рим нозик дид патрицаси Лукулла номи билан боғланиб келади. Италия пазандалиги оддийлиги билан ажралиб туради: француз ошхонасидан фарқли равишда бу ерда у ёки бу маҳсулотнинг табиий таъмини сақлаб қолишга ҳаракат қилинади.

Аммо жигарингизда ишкал бўлса, италян таомларини эҳтиёт бўлиб танаввул қилиш лозим. Улар ажойиб, лекин ошқозонда оғир хазм бўлади. Ҳар қандай зиёфат хилма-хил спаггетилар, шунингдек ўткир қайлали гўштли блинчик, тухумли лпаша, картошкали пюре, пишлоқли макаронлардан бошланиб, турли хил гуручли таомлар билан якунланади. Гўштли асосий таомлар: хилма-хил қўзичоқ гўшти тури, машҳур бузоқ гўшти қовурмалари, сабзавотли мол, эчки гўштидан тайёрланган қайлали димламалар, қовурдоқлар, яна ҳар хил балиқ шўрва, балиқ ассортилари италян дастурхонининг безаги саналади. Сабзавотли таомлар римча, европача ва ҳ.к. усулларда тайёрланади.

Ҳар қандай италяннинг тушлигини виносиз тасаввур қилиб бўлмайди. Италия виночилиги илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айрим вино навлари ёши 2000 йилдан зиёд. Италияда вино танлови имконияти кенг – энг кичкинагина провинцияда ҳам камида 20 хил марка вино ишлаб чиқарилади. Таъмлар ҳам хилма-хил, масалан шимол провинциялари виноси жануб дағал виносига қараганда нозик ва мазали. Хушбўйликда эса Сицилия виносига тенг келадигани йўқ.

Италия туризмнинг тараққиёт даражаси юқорилиги аъло сервис ва сифатли хизмат кўрсатиш билан изоҳланади. Албатта, бу ерда гап италян меҳмоннавозлигида ҳам. Мамлакатга келувчиларни очиқ кўнгил, қувноқ ва меҳмондўст мезбонлар томонидан хушкайфиятда кутиб олиниши кишига мамнуният бағишлайди. Мамлакатда ноишлаб чиқариш соҳалари хизматлари ва туристларга хизмат кўрсатиш тармоқларида барча шароитлар муҳайёлиги, хизмат маданияти юксаклиги туризм тараққиётининг муҳим омилларидир.

Италияликлар ота-боболаридан мерос қолган маданий ва табиий бойликларни кўз қорачиғидек асраб, ўз мамлакатларини тараққиётнинг чўққисига чиқаришга интилмоқдалар. Италия қазилма бойликларга бой эмас, бироқ бошқа бойликлар: иқлим, рельеф, тарих ва санъатдан оқилона фойдаланилмоқда. Улар ўз бойликларини умумий жаҳон маданияти ва дунё туризм ва дам олиш марказига айлантиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Италияда нишонланадиган кўплаб байрамлар (карнаваллар, регат-қайиқлар мусобақаси, Палио ва Сиенедаги бетакрор байрамлар) дунёда машҳур. Ҳа, миллионлаб кишиларга завқ бағишлайдиган бундай анъанавий ва тарихий-маданий байрамлар яна қайси мамлакатда шу даражада машҳур? Италияликлар бу билан фахрланадилар, албатта

ва туризмни ривожлантириш, соҳани модернизациялаш, инфраструктурани кенгайтириш, уларни аъло даражада сақлашга эришмоқдалар.

Иқтисодий истиқболлар. Италия иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланган давлат ва хизматларнинг ноишлаб чиқариш соҳалари тараққиётига катта эътибор қаратилмоқда. Асосий ноишлаб чиқариш соҳаси туризм ҳисобланади. Мамлакат сиёсатида унга етакчи соҳа сифатида қаралмоқда. Италиянлар бошқа мамлакатлардан келадиган туристларни кутиб олиш, яшаш, хизмат кўрсатиш учун зарур барча шароитларни аллақачон яратиб қўйганлар. Аммо улар эришилгани билан қаноатланиб қолишгани йўқ. Доимий равишда туризмни янада ривожлантириш учун янги истиқболлар қидирилмоқда, тармоқни кенгайтириш, меҳмонхоналарни қайта қуриш, янгиларини барпо этиш, эскиларини янгилаш, модернизациялаш, меъморчилик ва санъат ёдгорликларини таъмирлаш каби юмушлар мунтазам олиб борилаяпти. Негаки олис провинцияларда ҳам кўплаб тарихий ёдгорликлар бор, уларнинг ҳаммасига ҳокимият қўли етмайди. Шу боис маҳаллий мутасаддилар ёдгорликларни ўзлари таъмирлаш, қайта жило бериш, туристларга шароит яратишни асосий вазифалари деб биладилар. Мамлакатнинг экологик ҳолат тўғрисидаги дастури ҳам диққатга сазовор. Гап шундаки, мамлакат фахри – Альп кўллари йилдан йилга ифлосланиб бормоқда. Давлат экологлар билан ҳамкорликда туристлар оммавий ташриф буюрадиган бу жойлар яшил табиати, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини сақлаб қолиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда. Шунингдек, денгиз соҳилларидаги бошқа дам олиш марказларида ҳам тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

Модернизациядан ташқари, туризм учун шароитни яхшилашга Италия ҳукумати катта эътибор қаратмоқда. Ҳар бир шаҳар туризм учун зарур шароитни ўзи яратишга интилмоқда. Йирик шаҳарларда жиноятчиликка қарши кураш кучайтирилаяпти. қудратли ахборот тармоғи яратилаяпти ва бутун мамлакат шаҳарлари ва туристик марказларини қамраб олаяпти: ҳамма жойда инглизча ёзувлар бор, ҳар бир полициячи ушбу интернационал тилни яхши билади.

Туризмни ривожлантириш учун иқтисодий истиқболлар энг муҳими эмас, аммо уларни ҳисобга олмаса ҳам бўлмайди. Гап шундаки, мамлакат тарихий, маданий бойликлар ва ёдгорликларга қанчалик бой бўлмасин, туризмни ривожлантириш мамлакат иқтисодий тараққиётидан ортда қоладиган бўлса, барча уринишлар зое кетади. Шунинг учун ҳам Италияда туристик соҳани қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасидаги иш деб қаралади ва туризм мамлакат иқтисодиётининг муҳим соҳаси ҳисобланади.

3.4. Италиянинг транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқлари

Италия юқори даражада ривожланган транспорт алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларига эга бўлган мамлакат саналади. Италияда темирйўл транспорти йўлларининг узунлиги 35,5 минг км. ни ташкил этади. Темирйўлларнинг 2/3 қисми электрлаштирилган. Темирйўл магистраллари мердианол ҳолатда кўпроқ ривожланган бўлиб, улар тоғли районлар ҳудудидан ўтганлар. Шу сабабли темирйўлларда кўприклар, тонеллар учрайди.

Италияда темирйўл транспорти билан бир қаторда автомобил транспорти ҳам ривожланган. Мамлакатда автомобил йўллари узунлиги 303, 5 минг км.ни ташкил этади. Италия автомобил йўлларининг узунлиги бўйича дунёда 16 ўринни эгаллайди. Мамлакатда автомобил транспорти ёрдамида қарийиб 90% пассажирлар ва 80% юклар ташилади. Автомобил йўлларининг асосий қисми Италиянинг шимолий қисмига тўғри келади. Бу ерда автомобил йўллари анча қалин жойлашган. Жанубий районларда у бироз сийрак ҳолатда учрайди.

Қуруқликдаги транспорт турларидан бири бу метрополитендир. Метро мамлакатнинг пойтахти Римда ва йирик шаҳарларидан бири Миланда ташкил этилган.

Ташқи ва ички алоқаларда денгиз транспорти алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса Италиянинг учта томондан денгиз сувлари билан ўралиб туришидир.

Ҳозирги кунда Италия денгиз қирғоқларида 144 та портлар мавжуд. Мамлакатнинг энг йирик денгиз портларидан бири – Генуя портидир. Худди шундай портлар қаторига Триест, Аугусти, Таранто ва Неаполь киради. Неаполь денгиз порти энг йирик пассажир портларидан бири саналади. Италияда йирик дарёлар йўқлиги сабабли дарё транспорти паст даражада ривожланган.

Италияда ҳаво транспорти анча яхши ривожланган. Мамлакатнинг йирик аэропортлари Римда, Миланда жойлашган. Ушбу аэропортлар орқали Италия дунёнинг турли давлатлари билан алоқаларни ўрнатган.

3.5. Халқаро туризм бозорида Италиянинг тутган ўрни ва роли

Италияда ENIT – давлат ташкилоти мавжуд, унинг ҳар бир областда бўлимлари бор. ENIT асосий мақсади – Италиянинг туристик имкониятларини тарғиб қилиш: махсус брошюралар, карталар, схемалар, рекламалар чиқарилди ва Италия бўйлаб, барча халқаро туристик кўргазмаларда бепул тарқатилади. Италияда йирик 4 туристик форумлардан бири BIT (Италия туристик анжумани) ўтказилади. Ҳар бир шаҳарда бепул туристик ахборот офиси бор, унда ҳар қандай маълумот олиш, меҳмонхонада жой банд этиш, экскурсия буюриш (карта олиш ва ҳ.к.) мумкин. Бундан ташқари, айрим областлар туристик соҳани молиявий қўллаб-қувватлашда ҳизмат кўрсатади: Сицилия, Кампания, Калабрия, Фриули – Венеция – Жулия. Уларнинг фаолиятига журналистлар, хорижий мамлакатлар турбизнеси мутахассислари (потенциал туристлар етказиб берувчилар), телевидение, радио, ташқи рекламалар, реклама материаллари эълон қилувчилар, махсус кўргазмалар ва Work-shop ташкилотлари, туристик биржа ва кўргазмалар иштирокчилари, махсус акциялар (мисол учун, музейга кириш бепул бўлган музей ҳафталиклари) ташкилотчилари учун уюштириладиган махсус турлар мисол бўла олади.

Италия – Европадаги хорижга сайёҳатга чиқувчи кишиларнинг энг севимли мамлакатларидан бири ҳисобланади. 2013 йил маълумотларига кўра, Италия халқаро туризмда туристларнинг келиши бўйича ўнта етакчи давлатлар қаторидан 5 ўринни эгаллаган (1-жадвал).

1-жадвал

Халқаро туризмда туристларнинг келиши бўйича етакчи мамлакатлар (2013 й.)

№	Мамлакатлар номи	Туристларнинг келиши, (млн. киши ҳисобида)
1.	Франция	83
2.	АҚШ	69
3.	Испания	60
4.	Хитой	56
5.	Италия	48
6.	Туркия	38
7.	Германия	32
8.	Буюк Британия	31
9.	Россия Федерацияси	28
10.	Таиланд	27

Италияда халқаро туризмдан тушган тушумлар (млрд.доллар ҳисобида) қўйидагича: **2010 й.**- 38.786; **2011 й.** – 43,000; **2012 й.** – 41,186; **2013 й.** – 43,912.

Италияга хорижий туристларнинг 2013 йилдаги дунё мамлакатлари бўйича келиши қўйидагича:

Германия – 10,333 млн. киши

АҚШ – 4,542 млн. киши

Франция – 3,879 млн. киши

Буюк Британия – 2,955. киши
Швейцария – 2,314 млн. киши
Австрия – 2,113 млн. киши
Россия – 1,926 млн. киши
Нидерландия - 1,925 млн. киши
Хитой – 1,850 млн.киши
Испания – 1,614 млн. киши
Япония – 1,432 млн. киши

3.6. Италия туризмининг асосий йўналишлари ва сайёҳлик марказлари

Италияга ташриф буюрган хорижий туристларнинг мамлакат минтақалари бўйлаб тақсимланиши

1. Лигурия (Италян Ривьераси, Генуя ш.) – 1,7 млн. киши**.**

2. Ломбардия (Миланш, Гарда, Лаго-Маджоре, Комо ва Изео кўллари) 6,9 млн.киши

3. Венето (Венеция, Верона шаҳарлари) – 10,5 млн. киши

4. Лацио (Рим ш, Ватикан) – 6,7 млн.киши

5. Тоскана (Флоренция ва Пиза шаҳарлари) – 6,7 млн. киши

6. Кампания (Неаполь, Помпей, Геркаланум шаҳарлари) – 1,9 млн. киши.

7. Сицилия – 2,0 млн. киши**.**

Мамлакатнинг бошқа минтақаларига Сардиния, Калабрия, Абруццо, Марке кабиларга ҳам хорижий туристлар ташриф буюришадилар.

Италияга келадиган туристларнинг қизиқишлари турлича бўлиб, улар асосан иккита мақсадни кўзлаб келишади. Жумладан, океан ортидан келувчи туристларни денгиз қирғоқларида дам олиш, кўлларда ва тоғ чанғи курортларида бўлиш қизиқтирмайди. Хориждан келувчи туристларнинг 80% дан ортиқроғини Италия мамлакатининг санъати, маданияти ва тарихи қизиқтиради. Европа мамлакатларидан келувчи туристларни Италия курортларида бўлиш, дам олиш, ҳордиқ чиқариш, спорт ўйинларини тамошо қилиш қизиқтирадилар. Италияга келувчи туристларни кўпроқ Римда ва Ватиканда бўлиш қизиқтиради. Статистик маълумотларга кўра 32% туристлар биргина Рим шаҳрида бўлар экан. Италияда туристларнинг энг кўп сони **Рим, Венеция** ва **Флоренция** шаҳарларига тўғри келади.

Сўнги йилларда Италияга келувчи туристларнинг 50% дан ортиғроғи ўзлари мустақил равишда Интернетдан фойдаланган ҳолда келмоқдалар.

Пляж туризми. Пляж туризми Италияда XX асрнинг 60 йилларига қадар туризм индустриясининг характерли тармоғи эмас эди. Пляж туризми ороллари: Амальори, Капри, Версилия, Искья, Сан-Ремо ва бошқалар учун характерли бўлган. Италия денгиз қирғоқларининг узунлиги 7455 км. Ни ташкил қилади. Ўртаер денгизи қирғоқларида жойлашган бирорта мамлакат Италия сингари хилма-хил денгиз ландшафти, иқлим шароити, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, урфи-одати, анъаналарига бой эмас. Италия бир неча ўнлаб йиллар давомида оммавий пляж туризмининг ривожланишига эришди. Мамлакатнинг кўпгина провинциялари ва коммуналари қаттиқ туриб ва ҳар йили ҳаворанг байроқни қўлга киритиш учун курашиб келмоқдалар.

Тоғ чанғиси туризми. Италиянинг энг машҳур тоғ чанғиси (қишки) курортлари қуйидаги минтақаларда тарқалган:

Вале-д' Аоста: Грессоне-Ла-Трините, Курмайор, Червиния, Ла-Тюнль, Аяс, Пила.

Пьемонт: Турин, Сестриере, Бардонеккья, Саузе-д Ульс.

Ломбардия: Априка, Бормио, Ливиньо, Тонале, Понте-ди-Леньо, Мадезимо.

Трентино: Канацеи, Мадонна-ди-Кампильо, Пинцоло, Андало,

Димаро, Кавалезе
Альто: Адидже, Корвара – ин – Бадия, Ортизон, Брунек, Доббьяко, Сан-Кандидо, Сельва-ди-Виль-Гардена, Санта-Кристина –Вальгардена.
Венето: Кортина-д Ампеццо, Аллаг, Фалькаде, Ауронцо-Кадаре, Дзольдо-Альто.
Фриули – Венеция – Джулия: Авионо, Тарвизно, Форни-ди-Сопра.
Эмилия-Романья: Сестола, Лиццано-ин-Бельведере.
Тоскана: Абебоне.
Лацио: Риети (Терминилло).
Абруццо: Роккаразо, Овиндоли.
Молизе: Сан- Массимо.
Сицилия: Этна (Николози, Лингуаглосса).

Жанубий Италия. Жанубий Италия макрорегиони ўз таркибига қўйидаги ороллы ўлкаларни бирлаштиради: Сацилия, Сардиния ороллари ва континентдаги регион (минтақа) ларни, жумладан Абруццо, Базиликата, Калабрия, Молизе, Кампания, Акулия. Жанубий Италия қирғоқлари 3 та денгиз сувлари билан ювилиб туради: **Адриатика денгизи** (Абруццо, Молизе, Акулия регионлари); **Ион денгизи** (Акулия, Базиликата, Калабрия , Сардиния ва Сицилия); **Тиррен денгизи** (Кампания, Базиликата, Калабрия, Сардиния ва Сицилия).

БТТ (Бутунжаҳон туристик ташкилоти) маълумотига кўра, туристлар келиши бўйича Италия Франция, АқШдан кейин 3-ўринни эгаллайди. Россияда Италия (Одамлар сони бўйича) Туркия, Хитой, Миср, Испаниядан кейин 5-ўринда. Ҳозирги дунёда Италия мустаҳкам туристик Макка ҳисобланади ва унга бутун дунё мамлакатларидан сайёҳлар ташриф буюради.

Италияда туризмнинг барча тури ривожланган:

- экскурсион;
- денгиз, кўл ва тоғларда дам олиш;
- тоғ чанғиси туризми;
- даволаш-соғломлаштириш;
- болалар туризми;
- воқеалар;
- ишбилармонлик;
- агротуризм;
- гастрономлик;
- спорт;
- диний-зиёрат туризмлари.

Йил бўйи қулай иқлим, диққатга сазовор жойлар кўплиги, шаҳарлар, аҳоли истиқоматгоҳлари, туристик марказлар билан алоқа қулайлиги, яхши тайёрланган гид-экскурсоводлар, хилма-хил меҳмонхоналар базаси (арзонларидан ҳашаматлиларигача), мазали таомлар билан овқатланиш, театр, спорт мусобақаларини томоша қилиш, музейларга бориш имкониятлари… барча-барчаси бутун дунёдан туристларни жалб этади. Энг гавжум мавсум апрель-июнь, сентябрь-октябрь ойларидир.

Ушбу турлар учун ҳатто махсус «Санъат шаҳарлари бўйлаб классик экскурсия» деган ном бор. Классик экскурсияга Рим, Флоренция, Венецияга ташриф киради. Йўналишга қараб, Неаполь (Помпей), Милан, Сиена, Пиза, Верона, Падуя, Феррарга, Ассизи қўшилиши мумкин. Денгиз, кўл, тоғларда дам олиш майдан сентябргача, Искья ва Сицилия ороларида октябрь охиригача авж палла бўлади. Тоғ чанғиси мавсуми декабрдан март охиригача, Червиния баланд тоғ курортлари ва музликларда май охиригача очиқ.

Италияда воқеалар билан боғлиқ туризм жуда ривожланган. Жамият ҳаётининг турли соҳаларида рўй берадиган воқеалар орқали туристларни жалб этиш яхши йўлга

қўйилган (Халқаро спорт мусобақалари, конференциялар, концертлар, театр томошалари ва ҳ.к.лар).

1. Лигурия (Liguria) минтақаси Лигурия – Ўртаер денгизининг муҳим соҳилбўйи савдо марказларидан ҳисобланади. Област пойтахти – Генуя (Genova). Ўрта аср даврида Генуя энг гуллаган денгиз республикаларидан бири бўлган. қулай иқлим бу ерда қишлоқ хўжалигининг цитрус мевалар, гуллар ва зайтун ёғи ишлаб чиқариш соҳаларида жуда қўл келади. Област асосий бойлиги металлургия ва машинасозлик саноатлари ҳисобланади. Бу ерда айниқса кемасозлик тараққий этган.

Муҳим порт шаҳарлари – Сильвия, Империя, Специя. Лигурияда туризм асосан денгизда дам олиш билан боғлиқ. Юмшоқ иқлим, илиқ қиш, шифобахш ҳаво, хушманзара ландшафт, ривожланган инфраструктура Лигурия курортларида йил бўйи дам олиб, хордиқ чиқариш имконини беради. Франциянинг Лазур соҳиллари яқинлиги Лигурияга туристларни қўшимча равишда жалб этади. Ягона шенген кенгликлари Ницца, Канн, Ментон, Антиб, Монакога экскурсия қилиш имконини беради. Лигурияга жаҳон даражасидаги Портофино, Рапалло ва Санта Маргарита Лигуре, Сан-Рема каби курортлар катта шуҳрат келтирди. Айнан ана шу жаннати курортларда миллионерлар, қироллик оиласи аъзолари, киноюлдузлар, таниқли сиёсатшунослар, артистлар дам оладилар.

Сан-Ремода Италиядаги 4 қиморхонадан бири жойлашган. Лигурияда бошқа – Лериче (Lerice), Сестри-Леванте (Sestri Levante), Аренцано (Arenzano), Алассио (Alassio), Диана Марина (Diana Marina), Бордигер (Bordighera) каби таниқли курортлар ҳам бор. Хушманзара соҳилбўйи жойлар билиш-экскурсиялари билан машҳур: Вентимилья (Ventimiglia)даги ботаника боғи, Ильм Муретто (Le Muretto) – Алассиодаги музикантлар ва ёзувчилар дастхатлари битилган девор, Портофина ва Рапаллодаги хушманзара соҳил бўйи, Чинкус Терре (Cingue Terre) чўққиси қояларига туташ мафтункор 5 посёлка, денгиз ва сокинлик (Baiadie Silenxio) кўрфази ўртасидаги Сестри-Леванте, Сан-Ремо (казина, қирғоқбўйи хиёбони Корсо Импературе, рус императрицаси Мария Александровна шарафига аталган, рус черкови Сан Базилео, Нобель чорбоғи) ва бошқа денгиздан нарида Альп денгиз соҳилларида жойлашган ҳудудлар туристларни ўзига чорлайди. Лигурия эса йил давомида туристларни жалб қилади.

Лигурия пойтахти Генуяда турли давр тарихий ёдгорликлари яхши сақланиб қолган – Палаццо Дукале, Кафедрал Собор, Сан Лоренцо, ўрта аср қиёфасини сақлаб қолган эски шаҳар гузарлари, қадимий қабристон Стальено (Stalieno) шулар жумласидандир. Булар Европада энг гўзал жойлар ҳисобланади. Христофор Колумб туғилган уй эса Европада энг йирик аквариумдир.

Туристларни жалб этишда воқеий туризм муҳим роль ўйнайди: энг муҳим воқеалар – Сан-Ремода ҳар йил ўтказиладиган қўшиқлар фестивали, Генуядаги гуллар кўргазмалари нафақат мутахассисларни, балки кўпсонли ташриф буюрувчиларни ҳам жалб қилади. Ўзига хос байрамга туристлар алоҳида келишади: тарихий либосларда қайиқлар паради 14 августда ўтказилади, сентябрь иккинчи яримида – байроқлар паради, июнда – 8 эшкакчи билан «галер»лар пойгасини томоша қилиш мумкин. (Унда собиқ денгиз республикалар Пиза, Амальфи, Венеция, Генуя моҳир эшкакчилари иштирок этади).

2. Ломбардия (Lombardia) минтақаси. Област маркази Милан (Milano). Бу Италиянинг асосий саноат, савдо ва банк марказидир. Жанубий Европа муҳим темирйўл ва авто тугуни ҳам шу ерда. Икки аэропорт (Malpesa ва Linate) кўпсонли италян ва халқаро йўналишларга хизмат кўрсатади. Шаҳар шунингдек, музейлар билан йирик маданият маркази, галереялар ва машҳур «Ла Скала» опера театри билан довруғ таратган. Унинг саҳнасида дунёнинг энг яхши опера қўшиқчилари чиқишни орзу қилади. Бу ердаги улуғвор Кафедрал собор ва Леонардо да Винчининг машҳур «Сирли оқшом» фрескаси кишини ҳайратга солади. Миланда, Варезеда, Сомо, Бергамо ва Борешида Италиянинг кўпчилик саноат корхоналари жамланган. Улар металлургия, машинасозлик,

тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат саноати, шунингдек қурилиш материаллари корхоналарини қамраб олган. Областнинг бошқа шаҳарлари: Кремона, Мантуя, Павия.

Ломбардияда туризм муҳим турлари:

* Экскурсион (Миланга ташриф) – ноёб Дуомо готик собори, Сфорцеско қўрғони, Санта Мария делле Грацие черкови Леонардо да Винчининг «Сирли оқшом» фрескоси билан, Пинотека Брера картиналар галереяси; Бергамо-крепостной девори ва мудофаа қалъаси билан қуршаб олинган ўрта аср юқориги шаҳри «Бергамо Алто; Certosa di Pavio – Павия монастири; ёпиқ кўприк, Мантуи – Палаццо Дукале (Гонзага герцоглари саройи);

* табиат, кўл ва тоғларда дам олиш (Мажоре кўли, Комо, Гарда);

Ломбардия кўллар ўлкаси: бу ерда жуда кўп унча катта бўлмаган хушманзара кўлларни кўрасиз.

* Тоғ чанғисида сайр (Бормио, Санта-Катерина, Ливинно курортлари билан Вальтеллина области). Бу ерда кўпкунлик велопойга босқичи, тоғ чанғиси бўйича жуда кўп халқаро мусобақалар ўтади;

* Тематик боғлар – парклар (Миландан сал наридаги Minitalta); қадимги Граццано-Висконти «Эртаклар» қишлоғи, у ўрта аср шаҳарчаси қиёфасини тўлиқ акс эттиради.

* Гастрономик тур;

* Воқеий туризм («Ла-Скала»да опера спектакллари, Формула-1 клаесида пойга-Монцеда ўтказилади, Милан модалар кўргазмаси);

* Ишбилармонлик туризми (Миланда ўтказиладиган кўпсонли кўргазмаларда иштирок этиш);

* Махсус шоппинг – турлар (ўзига либос, оёқ кийими, аксессуарлар харид қилиш).

Трентино-Альто Адиже (Trentino-Alto Adige)

Бу област 1948 йилдан эътиборан автоном ҳуқуқидан фойдаланиб келади, гап шундаки, унинг аҳолиси катта қисми немис тилида сўзлашади. Бу тоғли район Австрия билан чегарадош. Област маркази Тренто (Trento) ва Больцано (Bolzano). Област бой ўсимлик дунёси, юксак ривожланган қишлоқ хўжалиги ва чорвачилиги билан ажралиб туради. Бу ерда катта миқдорда олма етиштирилади. Маҳаллий виночилар «Карбене» ва «Пино» вино маркалари билан танилишган. Областда катта миқдорда электр энергияси ишлаб чиқарилади, бу эса мамлакат бошқа районларини энергия билан таъминлаш имконини беради. Бу ерда туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилади. Областнинг энг яхши курортлари Пинцоло, Мерано, Брунико ҳисобланади. Айниқса, тоғ чанғиси туризми, табиат қўйнида дам олиш тараққий этган.

Туристлар учун италян ва Австрия анъаналари (немисча озода ва серҳашам отеллар, хилма-хиллик, итола-австр пазандачилиги, маҳаллий фольклор, меъморчиликда немис анъаналари) қоришиғи ғоят жобизадорлик бағишлайди.

3. Венето (Veneto) минтақаси. Област маркази Венеция (Venezia) шаҳри. Област номи унинг билан боғланган. Бу шаҳар бутун дунёда донг таратган. Асрлар давомида у Венециан республикасининг гуллаб яшнаган пойтахти бўлган. Шаҳар Адриат денгизи яқинидаги кўп сонли оролларда жойлашган. Венетонинг бошқа шаҳарлари ҳам ана шундай ғаройиб: Верона, Падуя, унинг қадимий университети, Ровиго, Тревизо ва Виченца туристларда унутилмас таассурот уйғотади. Областда ғалла ва дуккакли экинлар, маккажўхори, картошка, сабзи, карам, олма, шафтоли ва гилос етиштирилади. Виночилари «Соабе» ва «Просекко» каби марка винолари билан шуҳрат қозонган. Турли марка грапплар – узум арағи ҳам шу ерда ишлаб чиқарилади. Венето областида туризм катта роль ўйнайди. Туризмнинг ҳамма турлари тараққий этган:

* Экскурсион (Венецияга – дунёда ягона сув устидаги шаҳарнинг Сан-Марко майдони, Дожей Саройи, Академиянинг картиналар галереясига, қайиқларда сайрга ташриф;

Мурано, Бурано, Торчелло оролларига ташриф; Верона Римдан кейин иккинчи роман шаҳри, бу ерда Рим ёдгорликлари (Арена амфитеатри, Рим театри, арка ва дарвозалар, кўприк) Ўрта аср ёдгорликлари, роман черковлари ва готик бинолари

(Скалид-жеро қўрғони, Жульетта уйи ва Ромеа уйи) билан уйғунлашиб кетган; Падуя-Жотто фрескаси билан Скровеньи капелла делла, Сан Антонио собори, университет-1222 йилда асос солинган. Шу ерда Анатомия театрида Микеланжело инсон танаси тузилишини ўрганган; Тревизо – қадимий виллалари ва кўпсонли каналлари билан тарихий марказ; Виченца – меъмор Андреа Палладионинг кўпсонли ишлари рамзи шаҳар;

* денгизда дам олиш (Венетонинг энг машҳур курортлари – Лидо де Езоло, Каорле, Сотто-Марина Лидо);

* тоғларда табиат қўйнида дам (Доломитли Альп) ва кўлларда (Гарда кўли), Мизурино;

* альпинизм (Кортина д'Атпеццо – спорт ва альпинизмнинг дунёвий маркази);

* тоғ чанғисида сайр (Кортина д'Ампеццо, Валь ди Фасса, Мадонно ди Кампильонинг таниқли модали курортларида); бу ерда тоғ чанғиси бўйича жуда кўп халқаро мусобақалар ўтади, Кортина д'Ампеццода 1956 й. қишки олимпиада ўйинлари ўтказилган;

* Вероно ва Сирмион ўртасида жойлашган тематик паркларга ташриф (Гарда кўли соҳилида) – Гардаленд – Диснейленднинг италянча нусхаси, сигурта ландшафтли парки, Натура Вива сафари-парки, махсус кўнгилочар болалар парклари (аквопарк, лунапарк);

* организмни тиклаш ва иссиқ сувда – термал даволаниш (Абано-Терме ва Монтегратто-Терме энг машҳур курортларида); термалар Сирмионда ҳам бор; очиқ кўлдаги Вилла дей Чедри термал-иссиқ сув парки, сув 37 даража иссиқ;

* гастрономик турлар (денгиз маҳсулотларидан таомлар, дессертлар тайёрланадиган машҳур Венето пазандачилиги билан танишув);

* воқеий туризм (Веронеде «Arena di Verona», Венецич ниқоблар карнавали, Венецияда тарихий қайиқ байрами, Венеция кинофестивали);

* ишбилармонлик туризми (Веронада ўтказиладиган кўпсонли кўргазмаларда иштирок ва Виченцега (заргарлик кўргазмаси) ташриф:

* Венецияда Италиядаги 4 казинодан бири жойлашган.

Фриули – Венеция Жулия (Friuli-Venezia Giulta)

Бу област Италиянинг энг шарқий области ҳисобланади. Адриат денгизи ва Альп ўртасида жойлашган. Область маркази – Триест (Trieste) шаҳри. Бу замонавий шаҳар. Областда кемасозлик унинг географик жойлашуви билан мустаҳкам боғланган. Областда маккажўхори, қанд лавлаги ва тамаки етиштирилади. «Токай» ва «Пино», «Мерло» каби вино маркалари, турли нав грапплар област виночиликнинг шуҳратини оширади. Монфальконе шаҳрида кемасозлик заводидан ташқари, машинасозлик, металлургия ва тўқимачилик корхоналари бор. Удине, Гориция, Пордеоне, Триест порт-шаҳри муҳим аҳамиятга молик шаҳарлардир. Фриули-Венеция-Жулия областида туризм асосий турлари:

* Денгизда дам (областнинг Линьяно, Бибионе, Градо каби энг яхши машҳур курортлари);

* тоғ чанғисида сайр ва тоғда ёзги дам;

* тоғда болалар дам олиши (Саппадада ёшлар маркази ва Линьянода халқаро ёшлар маркази);

– тематик паркларга ташриф (Гуливерландия-Линьянода, кўнгилочар парклар – аквапарк, лунапарк, зоопарк);

* Термалли даволаш ва организмни тиклаш (Линьянода термал манбалар);

* гольф учун майдон;

* гид-натуралистлар билан Марана ва Градо соҳиллари бўйлаб денгиз сайри; қушлар қўриқхонасига ташриф; махсус сақланган қадимий балиқчилар посёлкаси;

* Мирамар, Удине, Градо, Аквилейи қўрғонларига ташриф билан Триестга экскурсион сафар;

* воқеий туризм – Триестида оперетта фестивали. Emilia-Romagna). Област маркази – Болонья шаҳри (Bologna), Европанинг энг қадимги «олимлар шаҳри» номи

билан аталган университети дунёга танилган. Унинг ёши 900 йилдан зиёд. Област Италиянинг гуллаб-яшнаётган қишлоқ хўжалиги районлари қаторига киради. Бу ерда катта миқдорда ғалла, мева, қанд лавлаги, озуқа экинлари етиштирилади, чорвачилик ривожланган. Худди шу ерда дунёга машҳур «Пармижон» пишлоғи, турли нав колбасалар, болония пиширилган колбасалари, бошқа гўшт маҳсулотлари тайёрланади.

Виночилиги эса «Ламбруско», «Требьянно» ва «Санжовезе» марка винолари билан шуҳрат қозонган. Бу ерда ўзининг энг машҳур автомобиллари билан довруғ ёйган «Феррари» ва «Мазератти» заводлари жойлашган. Областнинг йирик шаҳарлари Парма, Модена, Пьяченца, Фаенца ва Римини (Адриат денгиз курорти) ҳисобланади.

Эмилия-Романья туристлар нисбатан кўпроқ ташриф буюрадиган областлардан бири. Бундай машҳурликка сабаб оммавий денгиз курортлари, шаҳар бўйлаб экскурсион турлар кўплиги, бизнес-туризмни ривожланганлигидир.

* областнинг деярли барча соҳиллари амалда ягона курорт зонани ташкил этади – улар шимолда Равеннадан жанубда Каттоликкагача чўзилиб кетган. Энг машҳур курортлар – Римини, Риччоне, Милано-Мариттима, Червия, Чезенаттикодир. Кўпсонли отеллар (1 дан 5 юлдузлигигача бир неча мингта)да дам олиш ва кўнгил ёзиш инфраструктураси (барлар, ресторанлар, дискотека, спорт майдонлари, яхта клублар, аттракционли парклар, аквапарк, дельфинарие), яхши ривожланган. Тематик парклар – Фаббьяландия (болалар эртаклар парки), Мирабиландия, жуда кўп магазинлар Италия марказида қулай жойларда жойлашган. Рим, Флоренция, Венецияга бир кунлик экскурсиялар уюштирилади. Атроф-четларга экскурсия сафари ғоят мароқли (митти давлат Сан-Марино, Градар, Сан-Лео ўрта аср қалъалари), Равенна майдан октябргача туристларни ўзига чорлайди.

* соҳил бўйидаги ўнлаб лагерларда болалар дам олиш;

* термаль даволаниш (Червия в Риччоне термалари);

* областнинг шаҳарлари – Болонья, Ривенна, Пьяченца, Парма, Феррара бўйлаб экскурсион сафар;

* воқеий туризм (Червияда бал рақслари танлови;

Имоледа формула-1 классда пойга)

* бизнес-туризм – Болонья ва Риминида ўтказиладиган йирик халқаро кўргазмалар билан боғланган;

* Россия бозорларида тижорат турлари машҳур (шоп-турлар), бу соҳада Тоскана ва Марке билан Эмилия-Романья области етакчи ўринни эгаллайди;

* Шунингдек агротуризм ва гастрономик турлар ривожланган Тоскана.

Юмшоқ иқлим, ранг-баранг ва хушманзара кўриниши, ўтмиш тарихга бой ва ажойиб санъат ёдгорликлари бу областга туристларни жалб қилади. Област маркази ҳайратомуз – Флоренция шаҳри. Туристлар шунингдек, областнинг бошқа шаҳарлари – Сиена, Пиза, Ареццо, Луккуга ҳам кўплаб ташриф буюрадилар. Бу областга Эльба ва Монтекристо ороллари ҳам киради. Айнан шу област территориясида қудратли этрусклар яшаган. Бу ерда қазилма бойликлар кўп. Саноат ва қишлоқ хўжалиги кенг ривожланган (яйлов, чорвачилик, ғаллачилик, узум, зайтун етиштириши). Бироқ Тоскана шуниси билан машҳурки, у Уйғониш даври бешиги ҳисобланади: италян фикрлаш, маданият, санъат ва улуғ рассомлар, ёзувчилар ва ҳайкалтарошлар ватани. Ёрқин истеъдод соҳиблари – Данте, Микеланжело, Макиавелли ва Галилей шу ерда дунёга танилган.

Тоскана саёҳатчилар учун ҳақиқий жаннат, улар бу ерда санъат, гўзал табиат билан танишадилар, лаззатли таомлар, хушбўй винолардан баҳра оладилар.

* Туризмнинг асосий турлари Тоскана шаҳрида яхши сақланиб қолган бой маданий мерос билан боғлиқ. Италия бўйлаб, экскурсион-билиш асосий маршрутларига Тоскананинг бир неча шаҳарлари албатта, киритилади: Флоренция очиқ осмон остидаги музейлар шаҳри, унинг ҳамма музейларига кириб чиқиш учун санъатсевар сайёҳларга бир ҳафта камлик қилади. Пиза ўзининг оғаётган минораси билан дунёга машҳур, Лукки, Вольтерри шаҳарларида, шунингдек, Сиенада ўрта аср қиёфаси сақланиб қолган, яна

Пистойя, Сан Жиминьяно, Арецциода ҳайратомуз обидалар кўп. Галерея, Уфицци ва Академия галереяси, Питти саройи, Флоренцияда Капелла Медичидаги шаҳар меъморчилиги намуналари, ноёб собор ва саройлар, музейлар жаҳонга машҳур.

* Тоскананинг италян манзараларига хос қишлоқ жойлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди: унча баланд бўлмаган тепаликлар тизими кипарис ва тераклар ўсган ён-бағирларга туташиб кетган. қишлоқ черковлари ва монастирлари кичик шаҳарлар билан ёнма-ён қад кўтарган.

Ландшафт табиий гўзаллиги, юмшоқ иқлим, яхши йўллар, гўзал аҳоли истиқоматгоҳлари, ғайриоддий жойлашган (қишлоқ фермалари, дала-ҳовли, чорбоғлар), бинолар, лаззатли таом ва хушбўй вино – бу омилларнинг бари айнан Тосканада машҳур ва оммабоп агротуризмни тараққий эттириш, урфга киришига замин яратади;

* гастрономия (ноз-неъматлар) ва вино турлари алоҳида ўрин эгаллайди. Тоскани пазандачилиги флорентча, ичимликлар Чечивицидан, типик газак (брускетта), машҳур вино – кьянти. Аралаш турлар жуда оммавий. Уларга шаҳар бўйлаб саёҳат қилувчилар учун маҳаллий пазандалик таомлари ва виноларидан, шунингдек қандолатчилик маҳсулотларидан татиб кўриш киритилган.

* Тоскана денгиз курортлари Адриатидаги оммавийкурортларга қараганда нисбатан нуфузли ва элитали. Энг машҳур курорт зона – Версилия, Тиррен ва Лигур денгиз соҳилларида. Энг машҳур курортлар – Виареджо, Марина ди Пьетрасанта, Лидо де Камайори, Каррара. Шунингдек, Эльба оролида дам олиш ҳам оммалашган.

* Термалли курортлар (иссиқ сувли). Тосканада бир нечта ичимли сувлар термал курортлар бор, энг машҳурлари – Монтекатини – Терме, Кьянчано – терма;

* Тосканада воқий туризм фавқулодда тараққий этган. Виарежода карнавал (кўлами жиҳатидан венецияникидан кейин иккинчи), Палио байрами – Сиендаги Кампо майдони атрофида чавандозлик; Жиостра дел Сарицино – Уйғониш даври либосида рицарлик турнири;

– бизнес-туризм. Тосканада жуда кўп конгресслар, симпозиумлар ўтказилади, уларнинг дастурларига албатта ишбилармонлик дастуридан ташқари, шаҳар чеккасидаги вино заводига сафар ва вино татиб кўриш, экскурсия сафарлари ҳам киритилади.

4. Лацио (Lazio) минтақаси. Лациода Италия Республикаси пойтахти – Рим (Roma), Мангу шаҳар жойлашган. Айнан ана шу ердан, Тибра соҳилларидан қачонлардир цивилизация дунё катта қисмига таъсир қилиб ёйилган. Бугун Рим – Европанинг катта ва машҳур, энг чиройли шаҳарларидан бири. Лацио ўзининг денгизлари, кўллари, тоғлари, текисликлари, сўнган вулқонлари билан қадимги област ҳисобланади. Витербо, Тарквиния, Черветери ва Риети этруст ёдгорликлари билан шуҳрат қозонган. Лациода барча тарихий даврларга хос урф энг яхши ёдгорликлар намуналарини топиш мумкин: қадимги ибодатхоналар, ўрта аср қўрғонлари, уйғониш даври саройлари шулар жумласидандир;

* гап-сўз бўлиши мумкин эмас – Рим нафақат Лациода, балки бутун Италия туризм маркази. Римда туристик оқим шунчалик каттаки, туризмни алоҳида турга киритиш мумкин (экскурсион-билиш, ишбилармонлик, воқеийлик, диний, ёшлар (болалар ва талабалар). Италия ҳукумати реставрация ишлари, туристларни ахборот билан таъминлаш системаси, гидлар ишлари сифати ва ҳ.к.ларга катта эътибор бераётир;

* Ватиканда зиёрат туризми катта ўрин эгаллайди. Ватикан музейи, Ав.Пётр собори ҳар қандай экскурсион турнинг, кўпсонли диний байрамлар, энг муҳим Рождество ва Пасха байрамларининг асосий элементи. Улар Римга улкан миқдорда туристларни жалб этади.;

* Лациода учинчи тур туризм – денгизда дам. Энг машҳур ва чиройли курортлар Римдан жанубда – Одиссея соҳилида Ривьере ди Улиссда: Сабаудия, Сан Феличе Чирчео, Террачина, Гаэта, Сперлонга.

Бу курортлар нисбатан камерали, туристлар катта оломони йўқ, Адриатикага ўхшаб жуда хушманзара, зилол сувли денгиз тўлқин уради. Бироқ, отеллар камсонли, хизмат қиймати Италия бошқа курортларига қараганда юқори;

* Лацио «ички» ерлари фавқулодда қизиқарли. Рим чеккасида жойлашган кўллар қуршовидаги хушманзара тоғ этакларидаги «Рим қўрғонлари» ўзига хос кичик шаҳарчалардир.

Бир кунлик сафарлар оммавий (айниқса Рим жуда иссиқ бўладиган ёз даврида). Бу сафарларда туристлар роман пазандалиги таомлари ва Фраскати зонаси виноларидан татиб кўришлари мумкин. Рим ёнида денгиз соҳилида Остия шаҳри жойлашган, унда Остия Антика каби археологик зонаси мавжуд. Римдан шимолда қадимги этруслар истиқоматгоҳлари археологик қазилмалари жойи бор. Римдан жанубда жуда кўп кичик шаҳарлар, монастирлар, аббатликлар жойлашган. Шунингдек денгиз сайри машҳур, мисол учун, Понтий оролида;

* Фьюжи шаҳрига сафар оммавий – термал (ичимлик) сув Римдан узоқ эмас; бироқ бу курорт Тоскана термал курортларидек машҳур эмас.

5. Кампания (Campauia) минтақаси. Бу област аҳолисининг зичлиги ва тупроғининг ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Аҳолиси ўткир зеҳнли ва хушмуомала. Ҳали қадимдаёқ ушбу област бахтли Кампания аталиб келган. Област маркази Неапол. У дунёда энг чиройли кўрфаз қиргоқларидан бирида жойлашган, орқада даҳшатли вулқон ўчоғи атрофида бир пайтлар гуллаб яшнаган Стабия, Геркуланум ва Помпей шаҳарлари жойлашган, эрамизнинг 79 йилида вулқон отилиши оқибатида Везувия лаваси остида яксон бўлган. Бўлажак Ўртаер денгизи йирик портларидан бири Неапол саноат маркази ҳисобланади. Област территориясида Искья ва Капри ороллари, Торре дель-греко шаҳри – марваридларга ишлов бериладиган дунё пойтахти жойлашган. Каподимонте бадиий чинни буюмлари жаҳоний шуҳрат қозонган. Амальфи ва Сорренто курортлари донг таратган. Област катта шаҳарлари: Салерно, Беневенто, Казерта, Авеллино.

Кампанияда туризм бошқа жанубий областларга қараганда, кучли ривожланган. Жуда кўп туризм турлари машҳур. Бундан ташқари, айнан Кампанияда жаҳонга машҳур диққатга сазовор жойлар, табиий объектлар, курортлар жойлашган. Кампания жанубий Италиянинг нисбатан туристлар кўп ташриф буюрадиган областидир. Бу ерда туризмни ривожлантириш учун барча истиқболлар: гўзал табиат, яхши иқлим, томоша қилинадиган жуда кўп объектлар, бой тарих, кенг тармоқли автойўл, Каподимонте йирик аэропорти (Неаполда), тараққий этган денгиз алоқаси, отеллар, магазинлар, ресторанлар, ошхоналар кўплиги тараққиётга кенг йўл очади.

Кампания маҳаллий ҳокимияти туризмни ривожлантиришга эътибор қаратаяпти: ҳар йили рекламага, журналистлар, тур-бизнес мутахассислари танишиш-реклама сафарига, карталар, реклама-ахборот брошюралари чиқаришга маблағ ажратиляпти. Неаполда чартер рейслар уюштираётган туристик компаниялар учун дотациялар берилаяпти.

Афсуски, чора-тадбирлар ҳамиша ҳам кутилган натижани бераётгани йўқ. Кампания денгиз соҳиллари қисми Байя Домиция, Неаполда шимолдан то Варкутурогача хунук манзара касб этади: лой-балчиқ ботқоқликлар, эски, таъмирталаб меҳмонхоналар, жиҳозланмаган, ифлос пляжлар киши таъбини хира қилади. Бу курортлар Лацио областининг яқин жойдаги Ривьери ди Улисси ва Соррентий ярим ороли (Кампания гавҳари)дан кучли фарқ қилади. Узоқ йиллар давомида вазият ўнгланмаяпти. Бу албатта, туристлар ташрифи ва дам олувчилар сонига салбий таъсир ўтказмоқда.

Албатта, бу айтилганларга Искья, Сорренто, Амальфитан соҳиллари, Капри ороллари каби жаҳонга машҳур курортлари кирмайди. Бу жойлар туристик Маккага айланган. Кампания территориясида Европада энг юқори ҳарактадаги Везувий вулқони жойлашган.

Шундай қилиб Кампанияда қуйидаги туризм турлари нисбатан ривожланган:

* экскурсион-билиш (Италия бўйлаб классик турлар Неапол ва Помпей, Геркуланума, Капри, Амальфи, Казерта, Пестумга ташрифларни ўз ичига олади);

* Денгизда дам (Искья, Капри, Серренто, Амальфи, Пазитано ороллари нисбатан машҳур, бироқ Неаполдан шимолда Салернодан сал нарида қимматроқ курортлар ҳам бор);

* диний-зиёрат туризми – Кампания территориясида машҳур Монтекассино монастири жойлашган, Санта Ротондада падре Пио яшаган, машҳур шахс, 1972 йилда ўлимидан сўнг илоҳийлаштирилган; Амальфидаги соборда Авлиё Андрей зиёратгоҳи бор;

* табиий-натуралистик туризм: Везувий вулқони, Флегрейдаги балчиқли гейзерлар зонаси ва Сольфатура вулқони.

* воқейи туризм – Ав.Январия байрами (Неапол ҳамийси). Унинг арафасида бир неча аср аввал вафот этган авлиёнинг илоҳий тарзда қони кўпирар эмиш;

* кўнгилочар денгиз маршрутлари: Неаполкўрфази бўйлаб, Искья, Капри ороларига;

* гастрономик турлар: Кампания – Моцарелла пишлоғи (бўйвол сутидан тайёрландаи), пиццалар, лимонли ликёр лимончелло ватани. Денгиз маҳсулотларидан лаззатли таомлар, хилма-хил ширинликлар ва дисертлар жуда кўп.

Бу област тоғли жойда жойлашган. қадимда унинг территорияси қалин ўрмон билан қопланган, ҳозирда фақат област қўриқхонасида сақланиб қолган. Бу ерда тўнғиз, ёввойи ҳайвонлар, бўрсиқлар, Италия учун ноёб оқ қошли қора олмахон кўпайтирилади.

қишлоқ хўжалиги ва гулчилик устунлик қилади. Област маркази – Потенца шаҳри. Гераклей ва Метапонтада қадимги грек ибодатхоналари сақланиб қолган. Матери шаҳрида қадимги яшаш жой – машҳур «сасси»ни топиш мумкин, улар қоя бағри ўйиб ясалган ва бир-бири билан ёғоч йўлаклар орқали боғланган.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, Италия жанубида туризм суст ривожланган. Асосий туризм тури – денгизда дам. Отеллар базаси етарли ривожланмаган, ҳозирги замон 3, 4, 5 юлдузли отеллар етишмайди. Табиат жуда хушманзара, денгиз суви тиниқ, аммо қумлоқ пляжлар кам. Хушманзара бухта узуқ-юлуқ соҳиллари билан бетакрор чирой бахш этади. Бироқ улар туристлар оқимини кўпайтиришни чеклаб туради. Бунинг устига отеллар соҳилдан анча нарида, бу эса туристларга ёқмайди, пляжгача 500-3000 метрга автобусда боришга тўғри келади. Бу ерда унча кўп бўлмаган аҳолиси билан қишлоқ жойлари устунлик қилади, уларда эса магазинлар ва кўнгилочар марказлар кам. Бироқ Италиянинг бошқа областларига таққосланганда бу ерда катта территорияли клуб отеллари бор, уларда хизматлар кўрсатиш яхши йўлга қўйилган, бу албатта, ижобий омил ҳисобланади. Қадимги тарих ишқибозларини айниқса грек мустамлакачилиги даврига тегишли қизиқарли экскурсиялар кутади: қадимги ибодатхоналар, илоҳий иншоотлар Грециянинг ўзидагидан ҳам яхши сақланган. Базиликатда қадимги одамлар яшаган ҳолдаги уйлар «сасси»ларни кўриш учун туристлар махсус ташриф буюрадилар.

Калабрия (Calabria) Бу област ияталян «этиги»нинг учида жойлашган. Ионик ва Тирренск денгизлари ўртасидаги энг жанубий территория қисмини эгаллайди. Юмшоқ иқлим, цитрус мевалар, бодом, зайтун, узум етиштириш имконини беради. Иқлим туризмни ривожлантиришга ҳам кенг имконият яратади.

Областда Апеннин ярим оролига қадимги грек маданияти биринчи кириб келишига оид излар айнан шу ерда сақланиб қолган. Етакчи курортлардан бири – Режо-ди-Калабрия, у Мессин кўрфази соҳилида жойлашган, ривоятларга кўра, Гомернинг «Одиссея»сида куйланишича, «Сицилия ва Харибдо ўртасида» ястанган. Локри, Кротон, Сибари шаҳарлари тарихи яна ҳам қизиқарли. Калабрияда туризм (тенденция, турлар, туристик оқим) амалда худди Базиликатдагидек.

Бироқ, Калабрияда туризмни қўллаб-қувватлашга давлат даражасида эътибор қаратилади. Калабриянинг туристик имкониятларини тўлиқ ишга солиш учун кўп иш қилинмоқда – денгизда ёзда дам олиш жойлари кўпайтирилаяпти: Европада экологик энг

тоза пляжлар номинациясида зангори байроқ билан мукофотланган. Табиий хушманзара жойларда дам олиш масканлари мусаффо атроф-муҳит билан уйғунлашиб кетган.

Апулия (Puglia). Област маркази Бари порт-шаҳар. Бу област италян «этиги»нинг «товони»да жойлашган, жанубнинг энг ривожланган областларидан бири ҳисобланади. Айниқса металлургия ва нефте-химия ривожланган. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари – узум ва зайтун. Апулияда ишлаб чиқарилаётган зайтун ёғи мамлакатда энг сифатли ҳисобланади. Областда қадимги кулолчилик ва гиламчилик ҳунарлари анъаналари сақланиб келинмоқда. Таронто шаҳрига Исогача VIII асрда грек мустамлакачилари томонидан асос солинган. Йирик шаҳарлари – Фожа, Лечче, Бриндизи.

Туристик нуқтаи назардан Апулия катта қизиқиш уйғотади, бу ерда туризм қўшни Базиликате ва Калабрияга қараганда нисбатан турфа хилроқ. Апулияда ноёб объектлар кўп, мисол учун, Гаргано қўриқхонаси эртакмонанд ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига бой. Альберобелла – дунёда ягона эртакмонанд оқ шаҳар, бунда барча уйлар «трулли» деб аталган оқ рангдаги маҳаллий тошлардан қурилган айлана шаклида, томлари учли конуссимон.

Барида Сан Никола черковида Ав.Николай Угодник зиёратгоҳи бор. Йилига бир марта бу ер Италия ва Россиядан зиёратга келганлар билан гавжум бўлади.

Бари, Бриндизи, Лечче шаҳарларида роман ва баракко усулидаги биноларга бой чиройли тарихий марказлар кўп. Апулияда туризмни ривожлантириш учун энг катта муаммо уни олисроқда жойлашгани, аммо Бари ва Бриндизида аэропортлар мавжудлиги италян «этиги»нинг энг жанубидаги жойга осонгина боришни таъминлайди.

Апулияда экскурсион– билиш, табиий-натуралистик, диний, денгизда дам сингари туризм турлари ривожланган.

6. Сицилия (Sisilia) минтақаси. Бу орол – Ўртаер денгизида йирик ва дунёга энг машҳур жойлардан бири. Сицилияни қитъа билан темирйўл, денгиз ва ҳаво алоқа йўллари тармоғи боғлаб туради. Бу оролда Европада ҳаракатда бўлган йирик вулқон Этна жойлашган. Сицилия пойтахти – Палермо шаҳри, у финикияликлар томонидан барпо этилган. Орол турли тарихий даврларга оид ёдгорликларга бой. Орол шаҳарлари – ўзига хос, улар турли цивилизациялар – грек мустамлакачилиги (Сиракуза, Таормин, Наксос, Агроженто, Седжеста), Рим империяси, араблар ҳукмронлиги, нормонлар, арагон династияси изларини сақлаб қолган. Сицилия бараккоси бутун дунёга машҳур – Ачиреале, Ното, Рагуза, Сиракузада ўсаётган папирус уни тайёрлаш сирларини сақлаб қолган. Агрижентода Исо туғилганга қадар 582 йилда асос солинган машҳур ибодатхоналар водийси – Юпитер, Юнонлар, Ярашув ва Геркулес ибодатхоналари бор. Пьяцца Армеринада Рим Казале вилласи – чорбоғи жойлашган, у Рим империяси даврида полларигача мозаика билан қопланган ва ажойиб сақланган. Ноёб олтин мозаикаларни турли шаҳарлар – Палермо, Монреал, Чевалу соборларида кўриш мумкин. Сицилия йирик шаҳарлари: Палермо, Катания, Мессина, Трапани, Рагуза, Жела, Энна.

Сицилия – цитрус мевалари миллийишлаб чиқарувчиси ва денгиз маҳсулотлари етказиб берувчи. Бу ердан янги тутилган балиқ ва устрицалар самолёт билан Миланга етказиб берилади.

Сицилия туристик имкониятлари хилма-хил. Бундан ташқари, туризм доимо маҳаллий ҳокимият назарида: област туристик бюджети ўсаяпти, тўғридан-тўғри реклама ва реклама материаллари чиқаришга маблағ ажратилмоқда. Сицилия бўйича алоҳида каталог нашр қилаётган туристик фирмаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда. Сицилия аэропорти чартер рейсларига дотация берилаяпти. Журналистлар, турбизнес мутахассислари учун реклама турлари уюштирилмоқда.

* Денгизда дам (1 дан 5 юлдузлигигача отеллар, клубли отеллар жуда кўп), энг машҳур курортлар – Таормин, Жардини-Наксос, Монделло;

* экскурсион турлар (Сицилия бўйлаб Палермо, Монреал, Сежест, Эриче, Агроженто, Чефалу, Катания, Таормин, Этна вулқони, Сиракузагача ташриф билан махсус экскурсиялар уюштирилади);

* воқеий туризм (маҳаллий байрам ва воқелар: февралда бодом гуллаши, октябрда узум узиш, Ачиреалда карнавал – январь-февралда, Сантагато байрами – февраль, Санта Лучия байрами – декабрь);

* таббий-натуралистик туризм (Этна вулқони ўчоғига кўтарилиш, орол бўйлаб натуралистик сайр – Липари архипелаги, папоротник ўрмони, қора қумли пляж, сувостида сузиш кабиларга);

* қиш даврида Этна вулқони қияликларида тоғ чанғисида сайр (Альпга таққосланганда трасса оддий, бироқ ғайриоддий манзара – юқорида «қиш», тоғ этагида эса «ёз»);

* Липари, Мальта архипелаги оролларида денгиз сайри. Сицилияда бўлиш вақтида Мальтага бир кунлик сафар учун ажойиб имконият (тезюрар катамаранда йўл вақти – 2 соат);

* гастрономик ва вино турлари – Сицилия таомлари хилма-хил ва мазали. Асосан янги тутилган балиқ ва денгиз маҳсулотларидан тайёрланади (қилич-балик, креветка, мидия, лангустлар, осминог, каракатицалар ва бошқ.), Сицилияга хос ширинликлар, мўл-кўл мева-чева, қуруқ вино, ликёрлар, амаро;

* ишбилармонлик туризми – Сицилия меҳмонхоналар базаси, диққатга сазовор жойлар кўплиги, мазали таомлар, йил бўйи илиқ об-ҳаво туфайли Сицилияни тез-тез конференциялар, симпозиумлар, съездлар ўтказиш учун танланишига имкон беради.

7. Сардиния (Sardegna) минтақаси. Бу Италиянинг катталиги жиҳатидан иккинчи ороли. Област маркази – Кальяри шаҳри. Финикияликлар асос солган. Дастлаб Карфаген, кейин Рим мустамлакаси бўлган. Сардинияда қадимдан одамлар яшаганлигига «нураги» – тош минорали турар жойлар узоқ сирли ўтмишнинг соқов гувоҳларидек сукут сақлаб турибди. Оролда жуда кўп қўй ва эчки боқилади, уларнинг сутидан ажойиб пишлоқлар тайёрланади.

Маҳаллий ҳунармандлар гилам тўқишади, сопол буюмлар ясашади, маржон ишлаб чиқаришади. Муҳим шаҳарлар: Альгеро ва Олбия, Арбатаке, Ористоно, Нуоро, Сассари.

Област географик жойлашуви унинг номини белгилаб беради: «Ai piedi dei monte» – «Тоғ этаги». Бу шимоли-ғарбий район Франция билан чегарадош ва ўзининг тоғ курортлари билан машҳур. Област пойтахти ва маркази – Турин (Torino) шаҳри. Туринда 2008 йилда қишки олимпиада бўлиб ўтди. Турин 1861 йилдан 1865 йилгача Италия пойтахти бўлган. Турин Милан билан мамлакатнинг муҳим саноат шаҳри ҳисобланади. Пьемонтда машинасозлик, тўқимачилик ва электротехника саноатлари тараққий этган. Бу ерда машҳур «Фиат» автомобиллари ишлаб чиқарадиган «AIAT» компанияси заводи, Италия электроникаси фахри – «Оливетти» компьютер заводи жойлашган. қишлоқ хўжалиги ҳам яхши ривожланган. Областнинг йирик шаҳарлари: Асти, Кунео, Новара, Варчелли.

Туризм нуқтаи назаридан Пьемонтида Турин ва тоғ курортлари катта қизиқиш уйғотади. Тоғларда тоғ чанғиси туризми ривожланган (декабрдан апрелгача, музликларда йил бўйи чанғи суриш мумкин), ёз вақти фаол дам олувчилар ва ёшлар учун турлар (тоғда пиёда сайр, отда юриш, велосипедда сайр) уюштирилади. Хушманзара Орта кўлига сафар кенг оммалашган. Кўпсонли қўрғонлар – Сен-Пьер (Saiyt Pier), Сарр (Sarre), Фениль (Fenils), Иесонь (Issogne), Верр (verre) ўтмиш жанговар рицарлик даври ёдгорликларидир, улар хушманзара ландшафт билан уйғунлашган. Хушхўр овқатланиши яхши кўрувчилар учун лаззатли таомлар татиб кўриш турлари уюштирилади.

Туринда тарихий диққатга сазовор жойлар – Палаццо Мадама (Palazzo della Regina), Порта Палатина (Porta Palatina)дан ташқари, Рим театри харобалари археологик зонаси, Исо пайғамбарни хочга михланган сиймоси акс этган насроний ёдгорлик майдони бор. Сиймо Дуомо Кафедрал соборида сақланади, олдиндан ёзилганлар учун очиб қўйилади. Шунинг учун ҳам барча зиёрат йўналишларига Туринга ташриф буюриш қўшиб қўйилади. Шунингдек, Туринда Миср музейи (Museo Fgizio) жойлашган, тўпланган

коллекциялари аҳамияти бўйича дунёда қоҳирадан кейин 2-ўринда туради. Туринда 2006 йилда қишки олимпиада бўлиб ўтди.

Туризмни ривожлантириш учун база. Италияда туризмни ривожлантириш учун амалда ҳамма шароитлар мавжуд: мўътадил иқлим, хушманзара табиат, диққатга сазовор жойлар кўплиги, денгиз курортлари, мазали овқатланиш имконияти, ҳашаматли отеллар базаси, аъло даражада транспорт алоқаси (авиа, автомобиль, темирйўл, денгиз) хушмуомала аҳоли…

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Италиянинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити ҳақида маълумот беринг.
2. Италиянинг табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Италияда туризмни тараққий эттириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?
4. Италиянинг аҳолиси, унинг миллий хусусиятлари, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш жиҳатлари қандай?
5. Италия туризм тараққиётида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрнини аниқланг.
6. Италияда туристларни жойлаштириш воситаларининг асосий ҳусусиятлари, имкониятлари ҳамда афзалликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?
7. Италияда туристларни овқатлантириш тизими, ресторанлари ҳамда миллий таомлари ҳақида маълумот беринг.
8. Италиянинг сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш инфратузилмаси қандай ривожланган?
9. Италия туризми: унинг ривожланиш динамикаси ва асосий йўналишлари ҳақида гапириб беринг.
10. Италиянинг асосий туристик районлари ва марказлари ҳақида маълумот беринг.

IV БОБ. БУЮК БРИТАНИЯ ТУРИЗМИ

4.1. Буюк Британиянинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари
4.2. Буюк Британиянинг тарихий, маданий туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари
4.3. Буюк Британия аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари
4.4. Транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқлари
4.5. Буюк Британия туризмининг ҳалқаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва роли
4.6. Буюк Британия туризмнинг тарихи
4.7. Буюк Британия туризмининг асосий турлари ва марказлари

4.1. Буюк Британиянинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари

Буюк Британиянинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити. Буюк Британиянинг расмий номи – Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги деб аталади. У шимолий Европадаги давлат бўлиб, Британия ороли ва Ирландия оролининг шимолий-шарқий қисмида ҳамда уларга ёндош бўлган майда ороллар (Англси, Уайт, Норманд, Аркин, Гебрид, Шетленд ва бошқа)да жойлашган. Буюк Британия давлатини ғарб томонда Атлантика океани, шарқда эса Шимолий денгиз ўраб туради. Буюк Британия кўпинча Англия номи билан ҳам юритилади. Мамлакатнинг умумий ер майдони 244,1 минг кв.км. бўлиб, у 4 та маъмурий-сиёсий қисм (Англия, Уэльс, Шотландия ва унга ёндош ороллар ҳамда Ирландия) га бўлинган. Буюк Британия жанубий-шарқда Ла-Манш бўғози орқали Европа континентидан ажаралиб туради.

Ҳозирги кунда Буюк Британия назорати остида 13 та мустамлака ва қарам мамлакатлар бор. Уларнинг аҳолиси сони 6 млн. дан ортиқ. Шу жумладан Гибралтар Европада, Англия, Бермуд ороллари, Британия Виргин ороллари, Кайманлар ороллари, Монтсеррот, Теркс ва Кайкос ороллари, Фолкленд орлллари жанубий Америкада ва бошқа жойларда жойлашган.

Табиати. Буюк Британиянинг ер усти тузилиши асосан паст текислардан иборат. Мамлакатнинг Англия қисми шимоли-ғарби тоғликдан, маркази ва жануби-шарқи текислик ва пасттекисликлардан иборат. Шотландиянинг қирғоқлари эгри-бугри бўлиб, шимолий қисмини тоғликлар эгаллайди. Унинг жанубий қисмида Шотландия пасттекислиги жойлашган, ундан жанубда Жанубий Шотландия қири жойлашган. Улардан ғарбда Кемберленд тоғлари қад кўтарган.

Уэльс ярим оролининг ғарбида Кембрит тоғлари бор. Англиянинг ғарбий қирғоқида кенг қўлтиқлар, марказий ва жанубий қисмларида пасттекисликлар учрайди. Шимолий Ирландияда кичик-кичик қирлар ва тепаликлар тарқалган.

Иқлими. Буюк Британиянинг иқлими мўътадил денгиз иқлими, ёғин-сочин кўп ёғади. Об-ҳавоси жуда тез ўзгарувчан бўлиб, тез-тез шамол эсиб туради. Туманли кунлар жуда кўп бўлади. Мамлакатнинг жануби-ғарбий қисмида январ ойининг ўртача ҳарорати $+7^{o}$, шарқида эса $3,5^{o}$гача, шимолий-ғарбида ёз ойлари салқин келади, серёмғир кунлар кўп бўлади. Мамлакатнинг жанубий-шарқий қисмида об-ҳаво анча илиқ ва қуруқ кузатилинади. Шимолий ҳудудларда июл ойининг ўртача ҳарорати 13^{o}, жанубий-шарқида эса $16,5^{o}$ ни ташкил қилади. Лондон шаҳри атрофида қарийиб уч ойдан кўпроқ вақтларда ҳаво ҳарорати 0^{o} ва ундан паст даражада кузатилинади. Ёғин йил давомида деярли бир меъёрда ёғади. Ёғиннинг энг кўп тушадиган жойлари Шотландия, Шимолий Ирландия, Англия билан Уэльснинг тоғли районлари ҳисобланади. Бу ерларда йиллик ёғин иқдори 1000-1500 мм, айрим жойларда эса 3000 мм гача ёғади. Мамлакатнинг жанубий-шарқий қисмида 600-700 мм атрофида ёғин ёғади.

Буюк Британия мамлакатида дарёлар кўп бўлиб улар серсувдир. Лекин мамлакатдаги дарёларнинг узунлиги қисқа. Асосий дарёлари - Северн, Темза, Уз, Тис,

Тайн, Иден, Клайд, Форс, Твид, Ди, Спей. Кўллар кўп учрайди. Уларнинг энг йириклари Лох-Несс, Лох-Тей и Лох-Кетринлардир.

Буюк Британиянинг тоғлари музликлар, сувлар ва шамол эррозиялари таъсирида аста-секинлик билан емирилганлар ва ўзига хос ландшафт кўринишига эга бўлганлар. Геологик ва иқлимий ўзгаришлар ҳозирги кундаги дарё водийлари ва пастекисликларнинг кўришишлари вужудга келтирган ҳамда мамлакатдаги асосий дарёлар, жумладан Тайн, Трент, Хамбер, Северн ва Темза кабиларнинг жойлашишига имкон яратганлар.

Табиатнинг кучи океан ва денгиз қирғоқларига ҳам ўз таъсирини кўрсатганлар. Денгиз сувининг бостириб келиши ва қайтиши қирғоқларнинг ювилиб кетиш жараёнлари ҳозир ҳам давом этмоқда. Ҳамма қирғоқлар, қўлтиқлар. Кўрфазлар, дельталар ва ярим ороллардан ташкил топиб, улар 120 км лик масофада жойлашган. Сувнинг бостириб келиши қирғоқларда тез-тез сув босиш ҳолатларини юзага келтиради.

Буюк Британияга Атлантика океанидан эсадиган Гольфстрим оқимининг таъсири анча кучлидир. Ушбу оқим британия қирғоқ сувларини иситади. Шу сабабли мамлакатнинг иқлими анчагина юмшоқ бўлади.

Мамлакатда яланглик ва бекор ётган ерлар тахминан бутун қиролликнинг тўртдан бир(1/4) қисмини ташкил қилади. Ушбу жойларда асосан арктика ўсимликлари. Шу жумладан арчагул (супургигул), черника, мох ва бошқа ўтлар ўсади. Пастқам жойларда оддий арчагул, черника кабилар учрайди.

Ҳозирги кунда Буюк Британиянинг 10% ҳудудини миллий парк (боғ)лар ва ландшафтли ҳудудлар ташкил қилади. Энг йирик майдонга эга бўлган миллий боғлар Шотландияда (Нортумберленд. Нордворкмурс, Ворюдир Даллес), Уэльсда (Эксмур, Дартмур) ва Шимолий Англияда (Дервент) жойлашган. Мамлакатнинг миллий боғлари ва ландшафтли ҳудудларига ҳар йили 15 млн. дан ортиқ сайёҳлар ташриф буюришадилар. Сайёҳларнинг энг кўп оқими дам олиш ва байрам кунлари кузатилади.

Ўсимликлар дунёси. Буюк Британия ўсимлик дунёсига унчалик бой эмас. Унда ўрмонлар жуда кам. Улар мамлакатнинг ер майдонинг бор-йўғу 4% ташкил қилади. Мамлакатнинг шимолидаги ўрмонлар тайга ва аралаш ўрмонлар типига мансуб бўлиб, уларда қарағай, арча, оқ қайин, жанубда кенг баргли дарахтлар, граб, шумтол, дуб кабилар ўсади. Тоғ ва тоғ ёнбағирларида игна баргли дарахтлар учрайди.

Ҳайвонот олами. Буюк Британия ўрмонларида ҳайвонлар жуда кам учрайди. Бу ерда шимол буғуси, тулки, қуён, олмахон, бўрсиқ, типратикон, ёввойи чўчқа, йиртқич хайвонлардан бўри, ёнот, сувсар, оқ сичқон, лайча учрайди. Буюк Британияда 200 хилдан ортиқ қушлар учрайди, уларнинг ярмидан кўпроғи бошқа мамлакатлардан учиб келади. Қушлардан ёввойи каптар, қарға, тустовуқ, чумчуқ, шотландия каклиги, ўрдак, қизилиштон, қарқур ва бошқалар кенг тарқалган. Мамлакатнинг дарё ва кўлларида лосос, форель, чавақ, окунь, чўртан балиқлар тарқалган. Денгиз қирғоқларидаги сувларда треска, сельд, камбала, скумбрия, пикша, мерланг каби балиқлар овланади. Буюк Британияда ҳайвонот ва ўсимликларни қўриқлаш учун ўндан ортиқ махсус миллий боғлар ва қўриқхоналар ташкил қилинган.

4.2. Буюк Британиянинг тарихий, маданий туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари

Буюк Британиянинг энг муҳим диққатга сазовор жойлари марказларидан бир Лондон шаҳри ҳисобланади. Ушбу шаҳарда хилма-хил тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, улар ўртасида Вестминистер католлик монастири (XIII) Авлиё Павел Сабора (XVII-XVIII асрлар). Бу пойтахтдаги протестантларнинг асосий сабори ҳисобланади. Тауэр қалъаси XI-XIV асрладақурилган бўлиб, бу ерда сиёсий маҳбусларни қамаб қўйиладиган қамоқхона ҳисобланади. Лондон шаҳрида 80 тага яқин театрлар, 30тадан ортиқ музейлар (Биртания музейи, Виктория ва Алберт музейи, Табиатшунослик тарихий музейи, Лондон тарих музейи, Имерия урушлари тарихи музейи, Болалар

ўйинчоқлари музейи, Мадам Тюссо фигурали ва нусха кўчиришли музейи, Тейд галереяси, миллий галерея ва бошқалар). Лондон шаҳрининг яна бир диққатга сазовор объектларидан бири – бу Европанинг энг қадимги метрополитени ҳисобланади. Бу 1863 йилда ишга туширилган. Пойтахт шаҳарда жуда кўплаб парклар қурилган бўлиб, улар орасида Гайт – Парк, Риджентес – Парклар ўзининг ҳайвонот боғлари билан ажралиб туради. Къюз – Гаднес парки ўзининг аренжерияси, аквариуми ва "капалаклар уйи" билан машҳурдир. Трафалгар майдони – Лондон шаҳрининг бош майдони ҳисобланади. Бу жойдан мамлакатнинг турли қисмларига йўллар кетади. Гязго шаҳрида Авлиё Мунга сабори (1136-XV аср), Глазго музейи, бадиий галерея, ботаника боғи, ҳайвонот боғи ва бошқалармавжуд. Шотландиянинг макази Эдинбург ўзининг шу номли қалъаси билан машхурдир. Ундан ташқари Авлиё Маргарита черкови (XI), Касл-Рок қалъаси, Шотландия қироли қароргоҳи (Холли род саройи). Жуда хушманзарали Авлиё Жиля черкови (XV аср), Шотландия парламенти биноси (1639 йил), XVI асрдаги протестант реформатори Жон Монса уйи, Шотландия қироли музейи, ҳозирги замон Шотландия тарихи музейи ва бошқалар.

Манчестер шаҳри Буюк Британияда сайёҳларнинг келиб-кетиши бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Шаҳарда беш юз мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Манчестер мамлакатнинг илмий саноати ривожанган ва маданий маркази ҳисобланади. Бу ерда биринчи қурилган темирйўл вокзали мавжуд. Шаҳар Англиянинг шимолий-ғарбида таҳминан 50 километр (30 мил) Ливерпулдан ва 370 км (204 мил) Лондондан нарида жойлашган. Манчестер аэропорти Буюк Британиянинг йирик халқаро аэропортларидан бири ҳисобланади.

Буюк Британиянинг туристик ихтисослашуви. Чет эллик туристлар хуш кўрадиган дам олиш турлари орасида билиш-танишув туризми мустаҳкам ўрин эгаллайди. Бутун дунёга машҳур қадимий шаҳарлар, музейлар, диққатга сазовар жойлар ва маданий ёдгорликлар - Британиянинг болаликдан таниш анъанавий классик объектлари - жаҳоннинг ҳамма томонидан туристларни жалб қилади. Мамлакатда 6400 дан кўпроқ билиш-танишиш маданий объектлари, шу жумладан, 22 та Бутунжаҳон табиий ва маданий мерос объектлари мавжуд. Уларни британияликлар хам, чет эллик туристлар ҳам томоша килишади. Бироқ улардан машҳурларига ташрифлар ҳакидаги маълумотлар гувоҳлик берадики, бундай объектларга ташрифлар сони бутунлай олганда қисқармокда.

Буюк Британиянинг кўпроқ ташриф буюриладиган диққатга сазовар жойлари:

1. Блэкпул, дам олиш маркази
2. Миллий галерея, Лондон
3. Британия музейи, Лондон
4. Галерея Тейт Модерен, Лондон
5. Кўздан кечириш ғилдираги «Лондон Ай»
6. Табиатшунослик тарихи музейи, Лондон
7. Илм-фан музейи, Лондон
8. «Виктория ва Альберт» музейи, Лондон
9. «Хурсандчилик мамлакатлари» тематик боғи (парки), Саутпорт
10. Тауэр, Лондон.

Ташриф буюрувчилар сони кўпайиши фақат янги музейлар ва сайр- тамошо марказларида қайд этилмокда, қайсиким улардан кириш бепул қилинганларида сон тез ўсмокда. Қолган музейларда, жумладан, бир пайтлар мамлакатнинг ўзига хос «ташриф қоғози» ҳисобланган Тауэр, Весминстер аббатлиги, Кентерберидан Собор ёки хатто Лондон хайвонот боғи кабиларда ташрифлар сони камаймокда.

Айни пайтда ҳам британияликларни, хам чет эллик туристларни жалб этадиган янги технология лойиҳалар вужудга келаётир. Бу Корноулледаги «Эден Лойиҳаси», «Леголэнд» тематик парки. - Виндзореда, Йоркширедаги «Фламинго Лэнд» тематик парки ва ҳ.к лар.

Таъкидлаш лозим, билиш-танишиш туризм устунлиги билан боғлик ҳолда мамлакатга хорижий туристлар ташрифи йил давомида бир маромда кечаяпти, таътиллар мавсуми июл-августда эса оқим бирмунча ортаяпти.

4.3. Буюк Британия аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари

Аҳолиси. Буюк Британиянинг аҳолиси сони 64,8 (1.1 2015й) кишидан ортиқ. Аҳолисининг 4/5 қисмидан кўпини инглизлар ташкил қилади. Мамлакатда уэльслар (ваялийлар), шотландлар, ирландлар, ольестерлар ва бошқа миллатлар яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв.км. га 242 киши тўғри келади. Давлат тили – инглиз тили ҳисобланади.

Буюк Британиядаги демографик вазият бошқа ривожланган мамлакатлардаги ҳолатларга ўхшаб кетади. Ҳозирги пайтда мамлакат аҳолиси сони динамикаси унинг табиий ҳолатига бутунлай сабаб бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда аҳолининг табиий ўсиши 1000 киши ҳисобига 4,5 кишини ташкил этганди. 1965 йилга келиб аҳолининг ўсиши 6,8 нафарга ортди. Кейинги пайтларда эса аҳолининг кўпайиши кескин камая борди. 1990 йилларнинг бошларига келиб эса аҳоли табиий ўсиши 1000 киши ҳисобига 1 кишини ташкил қилди. Мамлакатда аҳолининг туғилиши ва ўлим ҳолати деярли бир-бирига тенглашди (11 ва 12 киши). Аҳолининг умумий сони эса кейинги йилларда сезиларли даражада ўзгаришсиз сақланиб қолмоқда. Аҳолининг бундай табиий ҳолати мамлакатда меҳнат ресурсларининг қисқаришига хавф солади. Аҳолининг ўсиши таркибида 1/5 қисм шахслар нафақа ёшдагилар ташкил қилади. Озгина қисмдагилар – меҳнатга яроқсиз кишилар гуруҳини ташкил этадилар.

Британия империяси тугатилгандан сўнг (1960 йиллардан кейин) англиялик тадбиркорлар аввалги калониялардан арзон ишчи кучларини топишга ҳаракат қила бошладилар. Чет эллик иммигрантларнинг биринчи тўлқини 600 мингдан зиёд Вест-индиялик негрлар ташкил қилди. Иккинчи иммигрантлар оқими эса Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш каби мамлакатлардан чиққан кишилар ташкил қилди. Буюк Британия ҳукумати 1971 йилда «Ҳамдўстлик иммигрантлари» тўғрисида махсус қонун қабул қилди. Бу қонунга кўра, Буюк Британия ҳудудига кириш йилига 5 минг кишидан ошмаслиги белгилаб берилган эди. Ишсизларнинг кескин ортиб кетиши 60 йилларда ўртача 430 минг кишидан 1980 йилда 1,8 млнгача ортди. Ишчи кучлари иммиграцияси кучайиб кетиши ёқимсиз, ноўрин тус олди.

Буюк Британияда аҳолининг ўртача зичлиги жуда юқори даражада 1кв. кмга 242 киши тўғри келади. Англия қисмида 330 киши, Шотландияда эса 70 киши атрофида кузатилади. Мамлакат аҳолисининг этник жиҳатдан келиб чиқиши ҳам ҳар хил. Аҳолининг 84% ини инглизлар, 95% –шотландлар, 5% - ирландлар, 15% - уэльслар ташкил қиладилар. Мамлакатнинг расмий тили – инглиз тилидир.

Буюк Британия БМТ, Европа Иттифоқи (ЕИ), НАТО (Шимолий Атлантика ҳарбий блоки) ва Британия миллатлар Иттифоқи аъзосидир. Буюк Британия парламенти монархия. Ҳукумат бошлиғи – қиролича. Мамлакатнинг олий қонунчилик органи – парламент ҳисобланади. У жамоа палатаси (630 депутатлар) ва лордлар (1000 аристократлар ва диний дворянлар) палатасидан иборат. Мамлакатнинг олий ижро органи вазирлар маҳкамаси. Буюк Британия маъмурий жиҳатдан 4 та қисмга бўлинади: Англия, Уэльс, Шотландия, Шимолий Ирландия. Буюк Британия мамлакатларига қарам территориялар: Ангилья, Бермуд ороллари, Ҳинд океанидаги ороллар, Британия Виргиния ороллари, Кайман ороллари, Фолкленд ороллари, Гибралтар, Жерси, Гернси, Мэн ороли, Монтсерат, Титкерна, Авлиё Елена ороли, Жанубий Жоржия ороллари, Жанубий Сандвичлар ороллари, Теркс ва Кайкос ороллари. Буюк Британия пойтахти – Лондон шаҳри (9,1 млн. киши).

Йирик шаҳарлари: Бирмингем (2,4 млн киши), Манчестр (2,1 млн киши), Глазго (1,5 млн киши), Ливерпуль (1,5 млн киши), Лидс (1,3 млн киши), Шеффилд (1,2 млн киши), Ньюхасе (1 млн киши), Эдинбург (700 минг киши), Белфаст (550 минг киши), Кардифф (400 минг киши).

Буюк Британиянинг расмий номи: Буюк Британия оролларида жойлашган қўшма қироллиги. Британия Шимолий Ирландия ёки Ольестер провинцияси унинг таркибий қисмлардир.

Шимолий Ирландия 1921 йилда Буюк Британияга зўровонлик билан қўшиб олинган. Англия-Ирландия шартномасига асосан ҳозиргача Англия мустамлакаси бўлиб келмоқда..

Мамлакат территорияси 244 минг кв. км. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Британия империяси ҳудуди 34,6 млн. кв.км. (шу жум. мустамлаканики-18,8 млн. кв.км), ни ташкил этганди. Аҳолиси -70 млн. киши.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Британиянинг мустамлакачилик сиёсати тез емирила бошлади. Ҳозирги вақтда Буюк Британия назорати остида 25 га яқин қарам мустамлакалар бўлиб, улар 1 млн. кв. км. ҳудудни эгаллаган ороллардан иборат. Уларнинг аҳолиси 10,3 млн. кишини ташкил этади. Мамлакат Европада жаҳон океанига олиб борадиган, Америка, Африка ва дунёнинг бошқа қисмларига олиб борадиган денгиз йўлидаги Британия орларида жойлашган. қулай географик жойлашув мамлакат ҳукмрон доираларига жаҳон бозорини эгаллаш, иқтисодий-сиёсий босқинчиликларни амалга оширишга ёрдам берди.

Аҳолиси – 58 млн. киши. Улардан 85% инглизлар, 15% шотландлар, ирландлар, уэльсликлар. Мамлакат умумий аҳолиси сони бир қатор йиллар давомида сезиларли ўзгаришсиз сақланиб турибди. Туғилиш ва ўлим деярли бир хил (1000 кишига 11-12 киши). Аҳолининг бу табиий ҳаракати мамлакатда меҳнат ресурсларини қисқаришига таҳдид тўғдирмоқда. Йирик буржуазия, молия капитали магнотлари-корчалонлари катта ёшдаги умумий аҳолининг тахминан 1% ини ташкил қилади, лекин улар Буюк Британия миллий бойлигининг 60% га эгалик қилишади. Ёлланиб ишловчи шахслар мамлакат мустақил аҳолисининг 90% дан ортиғини ташкил қилади.

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қўшма қироллиги парламенти монархия. қонунчилик ҳокимияти монарх (киролича) ва парламентга тегишли. Парламент қўйи палата ва лордлар палатасидан иборат. Давлат расмий бошлиғи-қиролича (1952 йилдан – Елизовета II). Ҳокимият амалда хукмрон партиялар шакллантирган вазирлар маҳкамаси қўлида жамланган.

Буюк Британия – Миллатлар ҳамдўстлиги маркази – сиёсий – иқтисодий бирлашма. Унга Буюк Британиядан ташқари, Канада, Астралия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Покистон, Шри Ланка ва бошқа мамлакатлар киради. Ҳозирги кунда Буюк Британияга қарам ҳудудлар Австралия ва Янги Зелландия.

Буюк Британия НАТО харбий-сиёсий блокида фаол эштирок этади. 1973 йилдан – ЕИ аъзоси.

Буюк Британия қишлоқ хўжалиги билан юксак тараққий этган индустриал мамлакат. У жаҳон хўжалигида муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакат саноати ИЯМ нинг 50 % га яқинини, экспортнинг 90 % ини беради. Жаҳон умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича (7% дунёда АқШ, Япония, Германия ва Франциядан кейин 5-ўринни эгаллайди. Жаҳон умумий экспорти ҳажми бўйича дунёда 4-ўринда уларни 6%. У хорижий инвестициялар ҳажми бўйича 2-ўринда, харажатдаги йирик савдо флотига эга.

Буюк Британия иқтисодиётнинг асосини хусусий сектор ташкил этади. ИЯМ ишлаб чиқаришнинг 80%, бандликнинг 75 % унинг улушига тўғри келади. Буюк Британияда ишсизлик даражаси ЕИда 10,8 % бўлган ҳолда, 6,2 % ни ташкил этади. Бандликнинг 73 % хизмат соҳасига тўғри келади, унда молиявий хизматлар устун туради. 20 % - саноатда ва тахминан 7% қурилишда банд.

Иқтисодиётнинг асосий соҳалари. Буюк Британия етакчи миллий сектори хизмат соҳаси (ЯИМда 61,4 %) ҳисобланади, кейинги вақтда роли сезиларли ўсди.

Британия хўжалигида аҳамияти жиҳатидан бундан кейин саноат (ЯИМда 22,3 %), сўнгра траспорт (9,7 %) ва қурилиш (5,2 %) туради. ЯИМнинг 1,4 % қишлоқ хўжалигига тўғри келади.

4.4. Транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқлари

Автомобил транспорти. Буюк Британия дунёда автомобил йўлларининг зичлиги жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди, яъни 1000кв км майдонга 1580 км йўллар тўғри келади. Мамлакатдаги енгил автомобил парки 30 млн донани ташкил этади. 1000 кишига 400 та, ҳар бир оилага 1,3 та автомобил тўғри келади.

Британиялик туристлар одатда чет эл саёҳатларига боришда автомобил транспортларидан фойдаланишадилар. Улар ўз автомобилларини Ла-Манш бўғозидан паромларда олиб ўтишади. Ҳар бир паром ўз бортига 200 та автомобилни олиш имкониятига эга. Британиялик сайёҳлар ўз автомобилларида кўпроқ Германия, Франция, Бельгия, Голландия мамлакатларига боришадилар. Европанинг жанубий ва жанубий-ғарбий мамлакатлари ва бошқа ҳудудларига боришда ҳаво транпортидан фойдаланадилар.

Буюк Британия ички туризмида автомобил транспорти алоҳида аҳамиятга эга. Лондон шаҳрида анъанавий транспорт тармоқларидан бири автобус транспортидир. Одатда автобус тўхташ жойлари қизил рангда «LT» (Лондон Транспорти) ҳарфи билан белгилаб қўйилади.

Айрим автобусларда йўл кира ҳақи тўғридан-тўғри кондукторларга тўланади, айрим авобусларда эса йўловчиларни тушириш вақтида амалга оширилади. Лондон шаҳрида автобуслар тунда ҳам ишлайди. Бундай автобусларнинг олди қисмига «N» ўрнатилади. Улар тунда 23:00 дан 05:00 гача ишлашади. Тунги автобусларда кира ҳақи бир мунча қимматроқ туришади. Автобусларда йўл кира ҳақи зоналар бўйича белгилаб қўйилган. 1 марталик кира ҳақи тахминан 70 пенс (ёки 1 фунт) туради. Кўп марталик «савер 6» билетларидан 6 марта фойдаланиш 1 - 4 зона ҳудудида 5 фунт туради. Мамлакатнинг турли ҳудудларида ва шаҳарларида йўл кира ҳақи турличадир. Ундан ташқари автобус, метро ва поездларда юриш учун ҳам **«ягона»** билетлар ҳам ташкил этилган. Тунги пайтда қатнайдиган абтобусларда олдиндан сотиладиган йўл билети тавсия этилмаган. Мамлакатда авомобиллар ҳаракати чап томонлама, авомобиллар тезлиги шаҳар кўчаларида чегараланган бўлиб, у соатига 50 км/соатни ташкил этади. Шаҳардан ташқари жойларда эса 65 км/соат. Қишлоқ жойларда, дам олиш манзилгоҳларида автомобиллар прокатга берилади.

Темир йўл транспорти. Темир йўл транспорти бу юк ва пассажирларни ҳаракатлантирувчи состав (локомотив ва вагонлар) ёрдамида темир йўллар бўйлаб ташиладиган транспорт туридир. Ҳозирги замонавий темир йўллар транспорти тарихи тараққиёти темир йўл тармоқлари ривожланишининг узоқ давом этган жараёни ва унинг айрим элементлари (йўл, станция, вагон, алоқа, сигнализация ва бошқалар)нинг такомиллашган натижасидир. Унинг пайдо бўлиши йирик саноат тараққиёти билан боғлиқ бўлди.

Буюк Британияда **Ж.Уатт** 1784 йилда универсал буғ машинасини ихтиро қилди. **К.Стифинсон** паровозни яратди 1825 йил дунёда биринчи **Стоктон-Дармингтон** темир йўлни қуради. Бу Англияда амалга оширилади. Темир йўл узунлиги 21 км масофада бўлади. 1830 йилларда дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам темир йўллар қурила бошлади. Европанинг кўпчилик мамлакатларида темир йўл излари оралиғи 1435 мм ташкил қилади. Буюк Британиялик тадбиркор Томас Кук биринчилардан бўлиб туристларни темир йўл транспортида саёҳатга олиб чиқади (1841 йил).

Ҳозирги кунда Буюк Британия темир йўллари зичлиги бўйича Европа мамлакатлари ўртасида Бельгиядан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Бу ерда ҳар 1000

км^2 га 130 км темир йўл тўғри келади. Мамлакат темир йўлларининг узунлиги 21000 кмдан ортиқ бўлиб, уларнинг асосий қисми электрлаштирилган. Мамлакатнинг асосий темирйўл узели Лондон шаҳри бўлиб ҳисобланади. Ушбу шаҳардан мамлакатнинг турли ҳудудларига 11 та йўналишида темирйўллар ўтказилган. Буюк Британия Ла-Манш бўғози тагидан ўтказилган ер ости темирйўли (51 км узунликда) Европа билан боғланган.

Маълумки туристларни темирйўл транспортида ташиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу транспорт тури туризмда самарали ташиш воситаси ҳисобланади. Саёҳатнинг юқори даражада амалга ошиши, транспорт воситасининг шинамлиги, унинг юқори тезликда ҳаракатланиши ва мақбул нархларда туристлар гуруҳини ихчам жойлаштириш бу транспорт турини кичик ва ўрта масофаларга ҳарактланишида унинг рақобат бардошлигини оширади. Шуни таъкидлаш керакки, темирйўл транспортида ички ва чегара яқини туризмини шунингдек, сайру-тамошо, экскурсион сафарлар ва дам олиш кунлари туризмини ташкил этишда кўпроқ фойдаланилади.

Аҳоли зич марказлардан олис масофадаги дам олиш, ҳордиқ чиқариш масканлари, даволаниш марказлари (санатория ва курортлар), темирйўллар туристик саёҳатларга поездлар таъсирини кучайтиради. Кейинги йилларда поездлар бошқа хил транспорт воситаларига нисбатан бирмунча хавфсизроқ, шинам ва тезюрар бўлиб қолдилар. Ҳозирги кунга келиб темирйўл транспорти замонавий барча махсус қулайликларга ва шу жумладан электр ёритиш, буғ билан иситиш, ухлаб кетадиган вагонлар, вагон ресторанлар, совутгичлар ва ҳатто чўмиладиган ванна хоналарни таклиф қилишари мумкин.

Шуни айтиш керакки, Буюк Британия мамлакати туризмининг тараққий этишида темирйўл транспорти, унинг тутган ўрни беқиёс каттадир. Чунки мамлакатда темирйўл транспорти жуда яхши тараққий этган. Буюк Британияга Европадан келувчи ва кетувчи туристларининг асосий қисми тезюрар поездларда юриб, ўз саёҳатларини амалга оширадилар.

1994 йилда Буюк Британияда Ла-Манш бўғози тагида Дувр шаҳри (Англия) ва Кале шаҳри (Франция) мамлакатлари ўртасида узунлиги 50 кмга эга бўлган темирйўл тунели (шу жумладан, 37 км сув тагида) қурилиб ишга туширилган. 800 та пассажирларни ва автомобилларни оладиган махсус платформали поезд йўлга қўйилди. Лондон ва Париж шаҳарлари ўртасида масофани 3 соатда босиб ўтиш имконига эга бўлди.

4.5. Буюк Британия туризмининг ҳалқаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва роли

Буюк Британия туристик индустриясида ўзгариш XX асрнинг 60-70 йилларида дам олиш жойини ва уни танлашни ўзгариши туфайли рўй берди. 1980 йиллар охиридан бошлаб мамлакат аҳолиси ўз уйидагидан кўра четэлда дам олишга кўпроқ маблағ сарфлай бошладилар. 2005 йилга келиб британиялик туристларнинг чет элда сарф-харажатлари мамлакатда хорижий туризмдан тушадиган даромаддан икки баравар ошди (30,7 млрд. қарши 59,6 млрд долл).

Британияликларнинг **ўз** мамлакатида ўтказиладиган таътил ва дам олишлари сони тегишли равишда қисқарди. Аммо бу қисқариш чет элдан келаётган хорижлик туристлар сонини ўсиши билан анча вақт қопланиб турди, қисқа муддатли дам олишни ривожланиши тармоқда барқарорликни сақлаб туриш имконини берди. Айнан ўша пайтда мамлакат туристик индустриясида ҳам ички, ҳам халқаро бозор самарадорлигини ошириш йўлларини қидириш бошланди. 2001 йилда оқсил (ящура) эпидемияси тарқалиши, қудратли сув тошқини, энг асосий АҚШ даги 11 сентябрь теракти халқаро туристик келишишларнинг сонини -9% ва 2000 йилга нисбатан чет эл туризмидан тушумларни -12% кисқаришига олиб келди.

Тармоқда вужудга келган инқироз тараққиётнинг янги йўлларини, қидириш, уни модернизациялаш бўйича зудлик билан кескин чоралар кўришни талаб қилди. Мамлакат туристик компаниялари ва миллий туристик маъмурият бой берилган ўринни тезда тиклаш учун сезиларли куч-ғайрат сарфладилар.

1-жадвал

Буюк Британия туризмининг динамик ривожланиши

Йиллар	Туристлар келиши млн. к.	Туристлар келишидан тушадиган валюта миқдори (млрд. доллар)
1960	3,0	*
1966	4,0	0,7
1970	6,7	1,1
1995	23,5	11,7
2000	25,3	128
2005	30,0	30,7
2010	28,3	324
2011	29,3	35,1
2012	29,3	36,2
2013	31,2	40,6
2014	32,6	46,5
2015	34,4	45,4
2016	35,8	39,6

Ички ва кириш туризмидаги ўзгаришлар мамлакат алоҳида регионларида тараққиётга, яъни тарихан шаклланган туристик марказлар ўртасидаги сезиларли фарққа, сафарлар тури ва мақсадлари, ички ва ташқи туризм учун жойлаштириш воситаларига турлича таъсир кўрсатди. Буюк Британия регионлари бўйича чет эллик ва ички туристларнинг тақсимланиши ҳақидаги маълумотлар 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

Буюк Британия регионларига ички ва чет эллик туристларнинг ташрифи

Мамлакат регионлари	Ички туристлари сафари сони млн. ҳисобида	Хорижий турислар сафари сони млн. ҳисобида
Бутун мамлакат бўйлаб	167,3	24,2
1. Нортумберленд	4,8	0,5
2. Кумбрия	4,3	0,2
3. Шимолий Шарқ	14.5	1,4
4. Йоркшир	12,2	0,9
5. Англия Шарқи	14,5	1,7
6. Англия Маркази	24,6	2,6
7. Лондон	16,1	11,6
8. Жануб	14,6	2,0
9. Жанубий-Шарқ	10,9	2,0
10. Жанубий-Ғарб	21,0	1,2
11. Англия	134,9	20,5
12. Уэльс	11,9	0,9
13. Шотландия	18,5	1,6
14. Шимолий Ирландия	2,8	0,3

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, кўпчилик чет эллик сайёҳлар анъанага кўра Лондонга ва унинг атрофига марказий ва жанубий Англияга ташриф буюрадилар, баъзан мамлакатнинг шимолий ва ғарибий шаҳарларигача қадам ранжида қиладилар. Туристик

оқимларнинг бундай тақсимланиши шунинг билан боғлиққи, хорижий туристларнинг ярими мамлакатга самолётда Лондоннинг «Хитроу», «Стонтед», ва «Гатуик» аэропортларига 11% эса Евротуннел орақали «Ватерлоо» вокзалига келадилар. Лондонга 13,9 млн. хорижлик туристлар ташриф буюришгани қайд этилган (мамлакат умумий сонидан 46,4%). Лондондан ташқари, чет эллик туристлар энг кўп ташриф буюрадиган шаҳарлардан Эдинбург райони – 1,2 млн. Келиш, Ғарбий Мидленд – (Бирмингем райони) – 1,0, Манчестер – 1,1 млн, Кента райони ва Глазго – 800 мингача келиш қайд қилинган. Оксфорд ва Кембриж шаҳарлари машҳур университетларига йилига тегишли равишда 390 ва 280 минг чет эл туристлари ташриф буюрадилар. Англия денгиз курортларига келадиган бўлсак, уларга ҳар йили 200 мингдан камроқ чет эл туристлари ташриф буюради, яъни уларнинг сони британиялик ташрифчиларникидан камроқ.

Туризм географиясида Буюк Британияга чет эллик туристларнинг ташрифидан мақсадлари муҳим аҳамият касб этади.

Конференциялар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларда иштирок этишни ўз ичига олган ишга доир сафарлар Буюк Британияга келадиган чет эллик туристларнинг сезиларли қисмини ташкил этади. Лондон ишбилармонлик ва молиявий марказ ҳисоблана туриб, жаҳонда туризмнинг йирик ишбилармонлик марказларидан бирига айланди. Замонавий ихтисослашган кўргазма ва конгресс-марказлар Лондондан ташқари Бирмингем, Кардифф, Эдинбург, Глазго, Абердин, шунингдек айрим денгиз бўйи курорт шаҳарлари (Брайтон, Боримут, Торкуэй ва бошқ) да ҳам қурилган. Ҳар йили мамлакатда 800 дан кўпроқ кўргазма тадбирлари ўтказилади, уларда 10 млн.га яқин киши ташриф буюришади. Ишбилармонлик туризми бутун Буюк Британия да туризмнинг ихтисослашган тармоғига айланган. Туристлар келадиган регионларни қараб чиқсак, улардан 72% Европа мамлакатларига тўғри келади, 14% га яқин туристлар Шимолий Америкадан ташриф буюради (уларнинг сони терактдан кейин озгина камайди), бошқалари эса 14% жаҳоннинг бошқа регионларидан.

Қуйидаги мамлакатлар Буюк Британия учун асосий туристлар етказиб берувчилар хисобланади:

1. АҚШ - 3,44 млн. келувчи;
2.Франция - 3,32 млн.
3.Германия-3,29.
4.Ирландия - 2,8 млн.
5.Испания-1,79.
6.Нидерландия - 1,77 млн.
7.Италия -1,19 млн.
8.Бельгия -1,12 млн.
9.Польша-1,04.
10.Австралия - 0,92 млн.

Кейинги йилларда сезиларли ўзгаришлар орасида испаниялик ва польшалик туристлар сони тез ўсаётганини таъкидлаш керак, шунингдек АҚШ, Япония, Гонконгдан туристлар келиши кўпайди.

Буюк Британияда хорижий туристларнинг ўртача бўлиш давомийлиги 11,6 дан (1985й) 8,3 кунгача (2005й) кисқарди. Лондонда хорижлик туристларнинг ўртача бўлиш давомийлиги - 6,6 кунни ташеил қилади.

Агар ички туризм учун характерли дам олиш турини қараб чикадиган бўлсак, таъкидлаш керакки, мамлакат маданий-тарихий мерос объектларига ташриф ҳамиша кенг тараққий этган. Британияликларнинг ўз ўтмиши, ўз маданияти, анъаналарига қизиқиши улкан аҳамият касб этади. Жуда кўп объектлар, музейлар ва диккатга сазовар жойлар, маданий-тарихий меросларидир, улар к;аторида саноат инкилоби даври ёдгорликлари кам эмас, кайсиким аҳоли кенг қатламлари учун қизиқарлидир ва катта тарбиявий ахамиятга эга. Бироқ мерос ва анъаналарга қизиқиш аста-секин пасаймокда ва ўрнини янги диққатга сазовор жойлар ва сайр-томошаларга бушатиб бераётир.

4.6. Буюк Британия туризмнинг тарихи

Ҳозирги Буюк Британия туризмининг пайдо бўлиш тарихи санаси 1841 йил бўлиб ҳисобланади. Ўша пайтда тадбиркор черков руҳонийси Томас Кук 570 та спиртли ичимликларни ичмайдиган соғлом, ақлли кишиларни тўплаб Англиянинг Лейстера шаҳридан Лафборо шаҳрига поездда саёҳатга олиб боради ва уюшган туризмга асос солади. Ундан сўнг Т.Кук саёҳатни ривожлантириш учун фаол киришиб кетади. Қачонким у 1861 йилда Лондон шаҳрида ташкил этилган Халқаро саноат кўргазмасига фақат биргина Йоркшер шаҳридан 165 минг кишиларни тамошога олиб келишга муяссар бўлди. 1854 йилдан бошлаб Англияда саёҳатчилар учун мўлжалланган махсус маълумотнома (справочник)лар нашр этила бошланди. Унда 8 мингтага яқин меҳмонхоналарнинг манзили ва уларнинг маълумотлари кўрсатилганди. Томас Кук мамлакатда ички туризм билангина шуғулланиб қолмасдан балки халқаро туризмни ташкил этишга киришди. У 1855 йил Франция пойтахти Париж шаҳридаги Халқаро кўргазмага саёҳатчилар гуруҳини олиб келишга эришди. Ундан сўнг у туристик саёҳатларни Европанинг бошқа мамлакатларида ташкил қила бошлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, XIX асрнинг 50-70 йилларида Европага энг кўп ташриф буюрган хорижий сайёҳлар бу англичанлар бўлиб ҳисобланади. Шу қаторда Европа мамлакатларида хорижий сайёҳларни қабул қилиш учун мўлжалланган меҳмонхоналар пайдо бўла бошлади. Улар Англотер, Британик, Лондон, Виндзор номлари билан қурила бошладилар. Туризм фаолиятидаги лексикаларда инглизча сўзлар экспресс, лайнер, комфорт, бот ва бошқалар пайдо бўла бошлади. Европа мамлакатларида туризмнинг ривожланишига темир йўл транспорти жуда катта ролни ўйнайди. 1888 йиллар Европа континетида Англиядан келган сайёҳларнинг умумий сони 500 минг ошиб кетди.

АҚШ ва Буюк Британия мамлакатлари ўртасида доимий пароходларнинг қатнаши 1838 йилдан бошланган эди. Ўша пайтда ғилдирак-винтли «Грейт Вестерн» пароходи 68 та пассажирни Америкадан Европага олиб келган. Пасссажирларни ташиш сони доимо ошиб борган. 1840 йилда уларнинг умумий сони 8 минг кишини ташкил қиллган бўлса, 1860 йилда у 26 минг кишига етган.

1860 йилларнинг ўрталаридан бошлаб АҚШ ва Буюк Британия мамлакатлари ўртасида туризм борган сари ривожланади. Туризмнинг икки мамлакат ўртасида жадал ривожланишига Т. Кукнинг хизматлари катта бўлди. Томас Кук 1865 йилда биринчилардан бўлиб Англиядан Америкага туристик саёҳатларни ташкил этади. 1866 йилдаа англиялик туристлар гуруҳи биринчи марта АҚШга борадилар. 1867 йилдан бошлаб туризмга денгиз саёҳатлари амалга оширилади. 1882 йилда Томас Кук биринчилардан бўлиб бутун дунё бўйлаб денгиз саёҳатини бошлаб беради. У темирйўл, кемачилик компаниялари, меҳмонхоналар ва ресторан эгалари билан шартномаларни тузиб қолмасдан балки янги саёҳат маршрутларини ва дастурларини ҳам тузадилар.

Туризм соҳасидаги янги бизнес кўпгина тадбиркорларни ўзига жалб қилади. Англияда Т. Кук туристик фирмасидан кейин бир қанча сайёҳлик ташкилотлари пайдо бўлади. Жумладан, Тремза ва Генри Ланн турфирмалари, Велосипедчилар клуби, Политехникачилар туристик уюшмаси, Коопертивлардан олувчилари уюшмаси ва бошқалар кейинчалик туристик фирмалар ва агентликлар Франция, Италия, Швецария, Европа континентининг мамлакатларида пайдо бўла бошладилар.

XX асрнинг бошларига келиб дунёда янги транспорт воситаси автомобил транспорти пайдо бўлди. Автомобиллар сони йилдан йилга кўпайиб борди. Жумладан, 1904 йилда уларнинг сони ҳаммаси бўлиб 8465 та бўлган бўлса, 1914 йилга келиб 132.3 минггача кўпайди. Автобус ишлаб чиқарила бошланди ва уларнинг янги моделлари яратилдилар.

Биринчи жаҳон урушигача бўлган даврларда кўпчилик туристлар темирйўл ва денгиз транспортидан фойдаланганлар. Туристлар сонининг кўпайиши билан денгиз ва темир йўл транспортлари такомиллаша борди. Кемаларнинг хажми, тезлиги, қулайлик

даражасининг ортиши яхшиланди. 1907 йилда сувга туширилиган трансатлантик кемалар Сириус, Луизитания Мавритания хажми 30 минг тн, тезлиги 26 узл соатига; 1912 йил. Титаник – 52 минг т; ва 1941 Император ва Фаберланд – 50 минг т, қайсиким улар қатнайдиган Куин Мери кемаси қатнови йўлга қўйилди. Унинг хажми 80 минг т, тезлиги эса 30 узел соатига.

Кемачиликнинг шунчалик тез ривожланиши америкалик туристларнинг кўплаб Буюк Британияга келиши билан характерланади. Бунинг исботи қуйидаги статистик маълумотлар билан ифодаланади. XIX аср охирида АҚШдан ҳар йили тахминан 80 минг сайёҳлар келишган бўлса, 1906 йилда 200 мингга яқин, 1914 йилда эса 280 мингни ташкил қилган.

1914-1918 йиллардаги Биринчи Жаҳон уруши халқаро туризмнинг ривожланишига жуда ҳам салбий таъсир кўрсатди. Уруш даврида туризм ўз фаолиятини деярли тўхтатди. Мавжуд бўлган барча темир йўл ва автомобил транспорти воситалари уруш эҳтиёжларини қондиришга қаратилганди. Кишиларни ташиш учун авиациядан ҳам фойдаланилди.

Биринчи Жаҳон урушининг тугаши халқаро туризмнинг янги даври ривожланишига асос солди. Энг аввал бу АҚШнинг жаҳон майдонида ролининг ўсиши ва америка капиталини Европага кириб келишидир. Америкаликларнинг Ғарбий Европа мамлакатларига келиши кучайди. Халқаро туризм ҳажми тезкорлик билан ривожланди ва урушдан олдинги ҳолатидан ортди. 1913 йилда америкаликларнинг сони 286.6 минг, 1923 йил 308.5 минг, 1930 йилда уларнинг сони 477.3мингга ўсди

1925 йил Гаагада халқаро туризмни махсус ташкил этиш ва ташвиқот қилиш конгресси ўтказилди. Унда 14 та Европа мамлакатлари вакиллари иштирок этди. 20-30 йилларда халқаро туризмнинг ривожланишига таъсир этган факторлардан бири- янги транспорт турларининг жадаллик билан ривожланиши хисобланади. Жумладан, автомобил ва авиация транспортларидир.

1930 йиллардаги (1929-1933йиллар) иқтисодий кризислар ҳам халқаро туризмнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. 1932 йилда хорижий туристларнинг Англияга ташриф буюриши энг паст даражага яни 20 йилларнинг бошидаги сонга тушиб қолди. Булардан ташқари халқаро туризмнинг паст даражага тушиб қолишига асосий сабаб 30 йилларда Европада сиёсий ҳолатнинг кескинлашуви Германияда ҳокимиятнинг А.Гитлер бошчилигидаги миллатчи фашистлар партияси қўлига ўтиши ва Германиянинг янги урушга тайёрланиши бўлиб ҳисобланади. Халқаро аҳволнинг кескинлашуви хорижий туризмда турли хил махсус хизматчилар ва разветкачи ташкилотлар махфий маълумотларни тўплашда иштирок этишни таъминлай бошладилар.

Дарҳақиқат, Испаниядаги гражданлар уруш йилларида миллатчи Германиянинг Пропаганда вазирлиги VII Бошқармаси ўз таркибида туризм бўлимини ташкил қилди. Ушбу бўлимнинг вазифаси Испанияга немис ҳарбийларини турист сифатида жўнатишдан иборат эди. 1936 йилдан бошлаб Германия ҳукумати 1000дан ортиқ немис “саёҳатчилари”ни маълумотлар тўплаш учун қўшни мамлакатларга жўнатдилар. Кўпгина давлатлар даромад олиш мақсадида бундай туристларни самимият билан кутиб олишганлар. Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу фаолиятнинг барчаси Германиянинг Европани босиб олиш учун тайёргарлик кўриши эди.

Маълумки, иккинчи жаҳон уриши халқаро туризм ривожланишини кескин пасайтиб юборди. Уруш даврида жуда кўпгина темрийўл вокзаллари, денгиз ва дарё портлари, аэропортлар, меҳмонхоналар, кўприклар, йўллар, электростанциялар вайрон қилинганди. Урушдан кейинги йилларнинг бошида капитал маблағлар, ёқилғи, энергетика ресурслари, озиқ-овқат, мутахассис кадрлар танқислиги сезилди. Европада ва бутун дунёда **«совуқ уруш»** сиёсати ҳамон сақланиб қолди. Европа ва Осиёда қуролланиш пойгаси кучайиб кетди. Қирқинчи йилларнинг охирига бориб Европа мамлакатларида Халқаро туризм қайтадан тиклана бошлади. Бу даврда туристик алмашувлар Европа, АҚШ ва Канада мамлакатлари ўртасида ривожланди. Туризм Мексикада, Панамада, Кубада муваффақиятли ривожлана борди. 1948 йилда хорижий сайёҳларнинг Японияга

боришига рухсат этилди. 1950 йилда хорижий туристларнинг умумий сони 25млнга етди. 1960 йилга келиб хорижий туристлар сони 71 млн.ни ташкил қилди. 1971 йилга келиб хорижий туристлар 168,4 млнга кўпайди.

Туризмнинг 1950 - 60 йилларда ривожланишига таъсир кўрсатилган омилларга дунё сиёсий харитасининг ўзгариши, Европа мамлакатлари иқтисодиётининг жадаллик билан ўсиши натижасида аҳолининг турмуш фаровонлиги ривожланиши, кишиларда бўш вақтнинг кўпайиши кабилар киради. Бу даврда туризм кишиларнинг эҳтиёжига айлана борди.

4.7. Буюк Британия туризмининг асосий турлари ва марказлари

Спорт туризми. Ҳозирги даврда спорт туризми мамлакат туризм индустриясида етакчи ўринни эгаллайди. Жамиятнинг ривожланиши билан кишиларнинг кундалик турмуш шартлари ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда ўн миллионлаб кишилар соғлом турмуш ҳаётини олиб бормоқда. Кишиларнинг соғлом, тетик ва кучли бўлиши кундалик зарурий ҳаёт тарзига айланиб боришида спорт билан шуғулланиш, мусобақаларда иштирок этишни тақозо қилади. Бу борада Буюк Британия мамлакатида анча ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро даражага эга бўлган спорт мусобақаларини ўтказиш ишлари тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Янги спорт комплексларини қуриш учун катта пул маблағлари ажратилмоқда. Спорт иштирокчилари ва спорт ишқибозлари жойлашуви учун махсус шинамли меҳмонхоналар, овқатланиш корхоналари қурила бошлади. Қисқаси спорт ишларининг ривожланиши мамлакатда тадбиркорликнинг авж олишига олиб келди. Кўп минг кишилик аҳолилар табақаси спорт ва туризм бизнеси билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсата бошладилар.

Маълумки, дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги кишилар Буюк Британияда, жумладан Лондон шаҳрида бўлишни орзу қиладилар. Бу мамлакатда ва бу шаҳарда спорт турлари жуда юқори даражада ривож топганики, спортнинг айрим турлари ватани саналади. Лондон шаҳрида 2012 йил 27 июлдан то 12 август кунига қадар бу ерда ёзги олимпияда ўйинлари ўтказилди. Унда 26 хил спорт турлари мусобақалари бўлиб ўтди.

Буюк Британия спорт туризимида энг номи чиққан ва кенг тарқалган турларига **футбол, хоккей, муз устида фигурали учиш, чанғида юриш, енгил атлетика, сувда сузиш, тоғ чанғиси, валейбол, баскетбол, қўл тўпи, шахмат, шашка, велоспорт** кабилар муҳим роль ўйнайди.

Буюк Британия табиий иқлим шароити, туманли кунларнинг кўп бўлиши, ҳавонинг кучли намлик даражада кузатилиши, изғирин шамолли кунларнинг кўп бўлиши кишиларнинг спорт билан шуғулланишини тақозо этади. Спорт умуман олганда тадбиркорликнинг ривожланишига кўмаклашади. Спорт ва туризм тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда муҳим соҳа бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатдаги миллионлаб кишилар спорт ва туризм индустриясида иштирок этиб келмоқдалар. Спорт туризми қанчалик кенг кўламда ривожлана бошласа, шунчалик мутахассис хизматчилар керак бўлади. Бу эса ишбилармонлик туризмининг ривожланишига замин яратади.

Ҳар йили Буюк Британияга дунёнинг турли мамлакатларидан 3 млн. дан ортиқ спорт ишқибозлари ташриф буюришадилар.кейинги йилларда ташриф буюрувчи сайёҳлар сони тобора ортиб бормоқда. Сайёҳларнинг келиш сурати йилига 4% ни ташкил қилади. Бундай ўсиш мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бир йиллик тушум миқдори 2,8 млрд. еврони ташкил қилади. Хорижий спорт ишқибозлари бутун мамлакатга келадиган сайёҳларнинг 14-15% ни ташкил этади. Улар оддий туристларга нисбатан ҳар йили 400 фунтдан ортиқ пул сарфлашадилар.

Мамлакатда асосий спорт тадбирларидан бири – ёзги олимпияда ўйинлари ҳисобланади. Лондон ўз тарихида уч марта (**1908, 1948** ва **2012** йиллар) олимпияда ўйинларини ўтказган шаҳар ҳисобланади. Сўнгги 2012 йилдаги олимпиада ўйинларини

ўтказишда қатнашган қурувчиларнинг сони 12 мингдан ошиб кетди. Олимпияда ўйинларига сарфланган маблағларнинг умумий миқдори 9,5 млрд. фунт билан баҳоланади.

Буюк Британия спортида жуда оммавийлашган тур - бу футбол ўйинидир. Шу сабабли футбол спортининг ишқибозлари жуда кўп. Айниқса хорижий мамлакатлардан келадиган ишқибозлар ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, мамлакатга ташриф буюрган 1,2 млн. ишқибозлардан 39 минги шведлар, 46 минги французлар, 52 минг голландлар, 55 минги австралияликлар, 65 минг итальяликлар, 75 минги испанияликлар, 86 минг норвегияликлар, 88 минги немислар, 95 минги америкаликлар ва 267 минги ирланлардир.

Англия – футболнинг асл ватани ҳисобланади. Бу ерда ҳар бир мактаб, лицейнинг ўқувчилари футбол тўғрисида жуда кўп нарсаларни билишади. Шу сабабли Британия футбол ўйинлари жуда кўп ишқибозларни жалб қилишади.

Регби - Британияда спортнинг оммавийлашган яна бир тури ҳисобланади. Уни регби футбол деб аташади. Унинг тарихи шундай. 1823 йилда Регби мактаби ўқувчиси футбол ўйинида тўпни қўли билан ушлаб, уни дарвозага отиб киритади ва шундай қилиб бу қўл тўпи ўйинига айланиб кетади.

Регбининг икки варианти бор: ҳаваскорлик ва касбий. Ўйин турлари бир-биридан фарқ қилади.

Крикет – гурух (команда) бўлиб, ўйиналадиган спорт тури. Гурухда 11 киши иштирок этади. Тўп тухумсимон шаклда бўлиб, чим устида тўқмоқ ёрдамида ўйналади. Ўйинда тўпни дарвозага киритиш керак.

Гольф – бу тўпни таёқ билан уриб киритишдир. Бу ўйин жуда узоқ тарихга эга. Англия аристократлари ўйини бўлиб, у Шотландия ҳудудида вужудга келган. Бу ўйинни Шотландия қироличаси Мария Стюарт ҳам ўйнаган. XX асрга келиб гольф ойгача етиб борди. 1971 йилда америкалик «Апполон-14» космик кемасининг капитани Алан Шепард ўзи билан гольф тўпини ойга олиб чиқади ва коптокни икки марта уради. 1974 йилда у чавгон (клюшка) ни музейга топширади.

Парус (елканли кема) спорти. Кўпгина инглизлар учун парус спорти – бу ҳаёт (турмуш) тарзидир. Чунки кўпгина инглиз оилалари қайиқларни сотиб олиш имкониятига эгадирлар. Англияга ташриф буюрган сайёҳлар учун парусларда сузиш завқ бағишлайди. Мамлакатнинг Уайт ороли парус спортининг энг ривож топган маркази ҳисобланади.

Тулки ови – инглизларнинг энг қадимги ов турларидан бири ҳисобланади. Кейинги пайтларда бўри, тулки овларидан ташқари ёввойи қуёнларни итлар ёрдамида овлаш одат тусига кирган.

Чавандозлик – спорт туризмнинг бир тури бўлиб, у кўп асрлик тарихга эга. Мамлакатда чавондозлик махсус отчопар майдонларда ўтказилади. От чопар майдонларига кириш билетлари 200 мингтагача етади. Гаровга қўйилган маблағларнинг умумий миқдори 150 млн. доллардан ошади. Мамлакатда ўтказиладиган энг йирик чавондозлик мусобақаларида Буюк Британия қироличаси ўз оила аъзолари билан иштирок этишади. Урф-одатга кўра ўйин бошланиши олдидан қиролича аравачаси отчопар йўлаклари бўйлаб «фахрли айланиш» ни амалга оширади. Бундай тадбирлар мамлакатда энг йирик Аскота отчопарида ўтказилади. Ҳар йили от спортини томоша қилиш учун хорижий мамлакатлардан 6 млн. дан ортиқ сайёҳлар келишади.

Буюк Британияда от устида тўп ўйини ҳам ривожланган. Бу энг қадимги ўйин турларидан бири саналади. У одатда ёз ойларида ташкиллаштирилади.

Маданий-тарихий туризми. Хорижий туристларнинг дам олишида маданий-тарихий туризми алоҳида ўрин эгаллайди. Дунёга машҳур бўлган шаҳарлар, музейлар, диққатга сазовар бўлган жойлар ва маданий ёдгорликлар-буларнинг барчаси Буюк Британияда мавжуд бўлиб дунёнинг турли мамлакатларидан миллионлаб сайёҳларни ўзига жалб қилади. Мамлакатда 6400 тадан ортиқ маданий билиш объектлари мавжуд бўлиб, шундан 22 таси Бутунжаҳон табиий билиш мероси объекти ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, билиш туризмининг хусусиятларидан бири шундан иборатки, шу соҳага келадиган хорижий сайёҳларнинг келиш оқими йил ўн икки ой

давомида бир хил меъёрда бўлиб кузатилинади. Сайёҳларнинг мамлакат ҳудудида бўлиши ўртача 8 кунни ташкил қилади. Хорижий сайёҳларнинг биргина Лондон шаҳрида бўлиши эса ўртача 6,5 кунни ташкил қилар экан (2013й).

Мамлакатнинг асосий сайёҳлик маркази – бу Лондон шаҳри ҳисобланади. Ушбу шаҳарга бутун мамлакат аҳолиси ва хорижий сайёҳлар ташриф буюришади. Буюк Британиянинг кўпчилик сайёҳлик фирмалари ўзларининг туристик саёҳатларини Лондон ва унинг атрофидаги жойларга режалаштиради.

Вестминистр қаъласи – мамлакатнинг асосий черкови ҳисобланади. У XI асрда қурилган бўлиб, бу ерда миллий тантаналар ўтказилади, яъни монах (роҳиб) лика ўтказиш маросими, мотам (аза) тутиш йўл-йўриқлари намоиш қилинади. Ушбу қаълада машҳур кишилар шу жумладан И.Ньютон. Ч, Дарвин, Диккенс ва бошқаларнинг қабрлари ва ёдгорликлари жойлашган.

Тауэр қаъласи. Ушбу қаълаXI асрда норманларнинг босқинчи доҳийси Вильгельм томонидан қурилган. У турли вақтларда қамоқхона ва қирол саройи вазифасини бажарган. Ҳозирги пайтда бу ерда қадимги қурол-аслоҳалар намойиш қилинадиган музейга айлантирилган.

Букингем саройи. Ушбу саройда Буюк Британия қироличаси ўз оиласи аъзолари билан яшашади. Ҳар доим сарой олдида кўп минглаб туристлар тўпланишади. Улар қаровулларнинг алмашинишини тамошо қилишади.

Авлиё Павел собори (бош черкови). У XVII асрда қурилган. Асосан оқ мармар ва гранит тошидан ясалган. Бу ерда адмирал Нельсон ва фельдмаршал Веллингтонлар дафн этилган.

Буюк Британия парламенти биноси. Бу бино асосан XI асрда қурилган. Бу ерда дунёга машҳур Виктория минораси ва унда «Катта Бен» соати ўрнатилган.

Сайёҳларнинг энг кўп сонли тўпланиши Трафальгар майдони, Пиккадилли майдони, Гайд-парк бўлиб ҳисобланади.

Лондон шаҳрида жуда кўп музейлар жойлашган бўлиб, улар ичида энг машҳури **Британия музейи** ҳисобланади. Унинг экспозициясида ажойиб қадимги даврларга оид ёдгорликлар ва саънат асарлари, жумладан Акропол ҳайкалтарошлигининг асли; Миллий галереяларда буюк рассомларнинг расмлари; Тейт галереясида англиялик таниқли рассомларнинг расмлари; дунёда ягона нусха фигурали мадам Тюссо музейи; Шерлок Холмс музейи ва бошқалар.

Лондон шаҳрига уюштирилган саёҳатда албатта Оксфорд ва Кембридж шаҳарларида жойлашган университетларига бориб танишиш; Виндзор қаъласида жойлашган қирол қароргоҳи, дунёдаги энг катта қаъла ва XIV асрда қурилган соат; Шекспирнинг ватани Эйвондаги Стратфорд, қайсиким у ерда ишлаб турган Шекспир театри; Уинстон Черчилнинг туғилиб ўсган ва дафн этилган жойи Блейхейм; миллий парклар.

Буюк Британиянинг хорижий сайёҳларни жалб қиладиган бошқа қисми Шотландия ҳисобланади, энг аввало Эдинбург шаҳри ва унинг ўрта асрларда қурилган Марии Стюарт қаъласи, музейлари, санъатлари, қадимги бинолари, қиролликнинг ботаника боғи.

«Ҳаракатдаги Бизнинг Ер» музейи. Ушбу ажойиб музей илмий марказдир. У ер планетаси тўғрисида умумий маълумот беради. Музей экспонатлари динозавр ҳайвонлари, тропик ўрмонлари, океандаги ҳаёт тўғрисида, вулқонлар ҳақида тўлиқ маълумотлар беради.

Глазго шаҳридаги транспорт музейи. Ушбу музейда ҳамма нарсалар бор: қирол араваси(файтони), эски автомобиллар, поездлар, трамвайлар, велосипедлар, кемалар макети ва бошқалар.

Дева Мария ва авлиё Николай Қироллик колледжи Кембридж шаҳридаги университетнинг бир қисми бўлиб, у 1441 йилда қирол Генрих VI томонидан ташкил этилган.

Ливерпул шаҳридаги «Битлс» музейига ташриф буюрган сайёҳлар музика садолари остида сайр қилишадилар. Музейда «Битлс» гуруҳининг ташкил топиши, унинг тарихи, иштирокчилари тўғрисида маълумотлар беришади.

Брайтон қироллик павильони. Бу ажойиб модалар нусхасидир. Ушбу саройга кирган кишида «Минг бир кеча» даги эртакона хоналар кўз олдига келади. Ҳиндча, хитойча ва мавританча архитектура асосида безатилган уйлар сайёҳларда катта таъсуротлар қолдиради.

Ишга алоқадор туризм. Буюк Британияда борган сари ишга алоқадор туризм ривожланиб бормоқда. Бунинг боиси бу ерда тез-тез халқаро кўргазмалар, конференциялар, конгресслар ва иш билан боғлиқ учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Буюк Британия давлати дунёда энг кўп конференциялар, семинарларни ташкил қиладиган мамлакат саналади.

«National Ceograhic» журналининг таъкидлашича, ишга алоқадор туризми сафарларининг кўплиги бўйича 2013 йил якунларига кўра, бутун дунёда Буюк Британия мамлакати биринчи ўринни эгаллаган.

Британияда кўпгина халқаро учрашувлар, конферециялар, йиғилишлар, кўргазмаларни ўтказиш учун қулай инфратузилма тармоқлари (меҳмонхоналар, бинолар, овқатланиш корхоналари, транспорт, алоқа воситалари ва бошқалар) га эга имкониятлар мавжуд. Бундай халқаро тадбирларни Лондон шаҳридан ташқари Британиянинг бошқа шаҳарларида, жумладан Бирмингем, Манчестр, Глазго, Эдинбург, Абердин, Кардифор, Ливерпуль ва Бристоль кабиларда ўтказилади.

Британия мамлакатига дунёнинг турли минтақаларидан ишга алоқадор бўлган кишилар ташриф буюришади. Бу ерда халқаро гуллар кўргазмаси (Челси шаҳрида), «The Beatles» фестивали (Ливерпулда), Уимблдон турнири, ҳар йили футбол ўйини чемпионати, халқаро туризм кўргазмаси, халқаро аэрошоу (Фарнборо ш.) халқаро озиқ-овқат кўргазмаси ва бошқалар.

Британияда кўпгина бизнес тадбирлар йилнинг май-сентябр ойларида ўтказилади. Гарчи конгресслар, конференциялар, кўргазмалар йил давомида ўтказилиб турилади. Ушбу тадбирларни ўтказиш учун бу ерда барча шарт-шароитлар етарлидир.

Мамлакатда кўпгина йирик халқаро кўргазмаларни ўтказиш маркази Earls Court and Olympia ҳисобланади. Бу жой Британиядаги энг қадимги (1866й) кўргазма мажмуаси саналади. Ушбу мажмуа ўз таркибига 5 та терминал, 2 та конферец-зал, 5 та ресторанларни бирлаштиради. Лондон шаҳридаги яна бир кўргазма комплекси – ExCel-2000 йили қурилган. Унда 7 та ресторанлар, 10 та барлар ва кафелар, 11 та конференц-заллар, 1000 кишига мўлжалланган катта зал бор. Лондон шаҳрининг Вестминстр қисмида **Qell Conference Center бизнес маркази** жойлашган. Бу ерда халқаро иқтисодий формумлар ўтказилади. Шаҳарнинг қадимий қисмида Хемпитон ва Соммерсет хаус биноларида кичик тадбирлар ўтказилади.

Бирмингем шаҳри – Марказий Англиянинг Йоркшир графлигида бўлаб, у XIII асрдан бошлаб ўзининг кўргазмалари билан дунёга машҳур бўлган шаҳардир. Ҳозирги кунда Бирменгем жуда кўп халқаро бизнес тадбирларни ўтказадиган шаҳар ҳисобланади. Бу ерда кўп тармоқли кўргазмаларни ва конференцияларни ўтказадиган марказ – **National Exhibiton Centre (NEC)** жойлашган. Ҳар йили NEC 50 минг компанияларни қабул қилишади. Бу эса 4 млн. дан ортиқ кишидир. Мажмуа 190 минг кв. метрга эга бўлган 20 та кўргазма залларини бирлаштиради. У Европада ягона конгресс майдонига эга бўлган марказдир. Бу ерда аэропорт ва темирйўл станцияси ҳам мавжуд. Бирмингем кўргазма марказида барча қулайликлар яратилган.

Шотландияда, асосан **Эдинбург** шаҳрида ишга алоқадор туризм инфратузилмаси фаол ривожланган. Бу ерда Халқаро конференц-марказ қайта реконструкция қилинган бўлиб, унинг умумий майдони 1600 кв метрни ташкил қилади. Шу пайтнинг ўзида **Глазго** шаҳрида Шотландия кўргазма конференц-маркази ташкил этилган. Унинг кўргазма майдони 22 минг кВ. метр. Мажмуанинг 3000 ўрингa эга бўлган зали бор.

Лондон шаҳрида ишбилармонлар учун 5 юлдузли **Royal Carden отели** хизмат кўрсатади. У 396 та шинамли номерларга эга. Отелда 12 та конференц-заллар ва бизнес маркази бор. Бу ерда 2 та ресторан, 3 та бар, театр кассалари, сарторошхона, соғломлаштириш маркази SPA билан, автомобил сақлаш жойи мавжуд.

Лондоннинг яна бир ҳашаматли отели **Le Meridien Piccadilly** 1908 йили қурилган бўлиб, унда 266 та номерлар бор. Ушбу отел 9 қаватдан иборат. У Вест-Энд районида жойлашган. Унинг ёнида Букингем саройи, машҳур Вест-Энд театри, Сохо богема (саъат аҳли)лари жойлашган. Меҳмонхонада «Терраси» ресторани, бар, клуб, бизнес-марказ ва 11 та конференц-заллар бор.

Ҳар йили мамлакатда ўтказиладиган конференциялар ва съездлар 9,3 млрд. доллар фойда келтиради. Шу сабабли Британия ҳукумати ишга алоқадор туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришади.

Илмий туризм. Буюк Британия – бу дунёдаги энг яхши таълим тизимига эга бўлган мамлакат саналади. Ҳар йили бу ерга 800 мингдан ортиқ хорижий талабалар таълим олиш мақсадида келишади. Келган талабалар асосан сифатли даражада инглиз тилини ўрганишади. Бу ерда таълим олиш Англия, Ирландия, Уэльс ва Шотландия мактабларида амалга оширилади. Олий даражадаги таълим бериш мамлакатнинг **Лондон, Кембриж, Оксфорд** университетларида йўлга қўйилган. Бу ерда таълим олиш пулли.

Ҳозирги кунда Буюк Британияда ҳаммаси бўлиб **89** та университет фаолият кўрсатиб келмоқда. Шундан 70 таси масофали ўқитиш тизимига эгадир. Мамлакатнинг энг қадимги университети бу **Оксфорд** университети саналади. У XII асрда ташкил этилган. Иккинчи **Кембридж** университети бўлиб, у XIII асрда, Шотландия университетлари St Andrews, Clasgow, Aberdeen и Edinburgh XV-XVI асрларда очилган. Оксфорд ва Кембридж университетлари дунёга машҳур бўлиб, уларни ҳамма билишади ва у ерда ўқишни хохлашади. Масалан, Англиянинг собиқ премьер минстри Маргарет Тетчер хоним Оксфорд университетининг химия факультетини тамом қилган.

Ҳозирги кунда Буюк Британияда 2 хил мактаб ўқитиш тизими мавжуд: стандарт ўқитиш тизими ва эксклюзив (пули хизмат кўрсатиш). Стандартли ўқитиш тизимида 10-15 кишига ўрта маълумот берилади, эксклюзив тизимида эса бир пайтда 1-6 кишига таълим берилади. Инглиз тилини ўрганиш курси 300 та стандартли таълимга эга. Бир ҳафталик ўқитиш нархи 1100 фунтни ташкил қилади. Эксклюзивли ўқтиш нархи бир ҳафтага 2500 фунтдир. Хориждан келган талабалар инглиз тилини индивидуал дастурлар асосида ўқиб ўрганиши мумкин. Мамлакатда ўсмирлар ва болалар учун кенг ассортиментли ўқитиш тизими мавжуд. Катта ёшдаги кишилар учун бир йиллик ўқитиш курслари мавжуд.

Оксфорд университети мамлакатнинг энг қадимий олий даргоҳи ҳисобланади. Уни битирганлар орасида 25 та британия премьер минстрлари, 30 та халқаро таниқли арбоблар, 47 та Нобель мукофати лауреэти, 6 та «Буюк хизматлари» совриндорлари, 6 та қироллар, 12 та дин пешволари ва 20 та архиепископлар, 50 та олимпиада медаллари совриндорлари, 9 та ижроий директорлар, 9 та раислар, 100 дан ортиқ дунёга номи чиққан компаниялар раҳбарлари бор. Оксфорд университети Лондон шаҳридан 100 км узоқликда жойлашган. Оксфорд бу завқли унча катта бўлмаган шаҳар. Унда 40 минг нафардан ортиқ талабалар яшайди.

Oxford Brookes University (1970) 2013 йил натижаларига кўра, ўн йиллардан буён ҳозирги замоннинг илғор университети бўлиб келмоқда. Университет дастури ва ихтисослашуви қуйидагича: санъат, дизайн, биология, бизнес менежмент, информатика, иқтисод, педагогика, инженерлик, экология, ҳуқуқ, сиёсатшунослик, психология, нашрчилик иши. Ўқиш бошланиши сентябрь-октябрь. Ўқиш муддати: бакалавирят учун 3-4 йил; магистратура - 1 йил.

University of Creenwich (1992 й) Гринвич райони (Катта Лондон) да жойлашган. Университет Британия олий ўқув юртлари ичида етакчилик қилади.

Гринвич Лондон шаҳри ёнидаги кичик шаҳарчадир. Унда дунёдаги машҳур обсерватория жойлашган. Бу ерда «ноль мердиани» бошланади. Гринвич университетида

қуйидаги мутахассисликлар мавжуд: бухгалтерия, молия, менежмент, санъат, дизайн, бизнес, информатика, педагогика, инженерлик, география, экология, медицина, тарих, тилшунослик, маркетинг, психология, спорт, туризм, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар. Университетда ўқишнинг бошланиш даври сентябрь-октябрь ойлари. Ўқиш муддати 3-4 йил; магистратура эса 1 йил.

King's College London (KCL) (1829). Ушбу колледж Лондон шаҳрида жойлашган. 2010 йил якунига кўра ушбу колледж рейтинги дунё бўйича 77 ўринни, Британия университетлари ўртасида 7 ўринни эгаллайди. KCL 1829 йилда қирол Георг IV ва герцог Веллингтонлар томонидан ташкил қилинган.

Мана кўп йиллардан буён Британия олий таълими тизимида сифатли билим беришда KCL номи алоҳида ўринни эгаллайди. Университетни битириб чиққанлар орасида дунёга машҳур бўлганлар қаторига жумладан Асалта Ахрас хоним (Суриялик қўшиқчи), Дж.Дикон (Queen гуруҳи музиканти), Майкл Коллинз (Ирландия Шин Фейн партия арбоби) ва бошқалар. Университетнинг ихтисослашган йўналишлари қуйидагича: информатика, медицина, фармокология, ҳуқуқ, химия, тилшунослик, адабиёт, инженерлик, педогогика, кино, психиатрия, ўрмончилик, география, тарих, санъат ва бошқалар. Ўқишнинг бошланиш даври сентябрь-октябрь ойлари. Ўқиш муддати 3-4 йил; магистратура - 1 йил.

Тоғ чанғиси туризми. Буюк Британия қўшма қироллиги тарихи ва маданияти унинг тоғ чанғиси курорти ва дам олиши билан боғлиқ. Мамлакатнинг тоғ чанғиси курортлари ва дам олиш масканлари Шотландия ҳудудида жойлашган. **Nevis Range** тоғ чанғи курорти қўшма қиролликнинг энг замонавий ва ажойиб марказларидан бири саналади. Ушбу тоғ чанғиси курорти дунёда машҳурлиги бўйича олдинги ўринни эгаллайди. Nevis Range тоғ чанғиси курорти Шотландия ўлкасининг ғарбий қисмида жойлашган. Aondch тоғлари ёнидадир. Курорт **Форт-Уильямс** шаҳарчасида ўрнашган. Унинг ёнида Буюк Британиянинг энг баланд чўққиси **Бен-Невис** чўққисининг баландлиги 1344 метр (409 фут)ни ташкил қилади. Чанғи зонаси тоғ ён бағирларининг аксарият қисмини ташкил этади.бу ерда асосий ишларни ажойиб қурилма кўтаргичлар бажаради. Улар бутун йил давомида минглаб сайёҳларни юқорига тоғ тепасига олиб чиқиб қўяди. Форт-Уильм тоғ чанғиси курортига **1930 йилда** асос солинган.

Шотландиянинг тоғ чанғиси курорти тажрибали чанғичилар ва сноубордистлар учун жуда қизиқарлидир. Британиянинг энг йирик чанғи маркази Авиемореда жойлашган. Ундан сўнг чанғи спортини ривожлантириш имкониятларига эга бўлган шаҳарлар қаторига **Гленкоу, Невме, Гленши, Лехте ва Невис Ренджелар** киради. Шотландиянинг машҳур тоғ чанғиси курортлари Лехте ва Гленши қалъалар ва виски ўлкасида ўрнашган бўлиб, сайёҳлар ўз саёҳати давомида диққатга сазовор жойлар билан танишиш ва машҳур шотландия вискисидан татиб кўриш имкониятига эга бўладилар. Шотландия курортларида дам олиш, ҳордиқ чиқариш, унинг табиати билан яқиндан танишиш сайёҳларда жуда катта таъсуротлар қолдиради.

Англиянинг Хемел-Хемпстед шаҳрида ҳам **Snow Centre** номли курорт жойлашган. Тоғ чанғиси мавсуми бу ерда 6 майдан бошланади. Сунъий қор қопламларида ҳатто ёз ойларида ҳам чанғида сайр қилиш мумкин. Маҳаллий тоғ ёнбағирининг узунлиги бу ерда 160 метрни ташкил қилади. У замонавий 2 та кўтаргич билан жиҳозланган. 100 метрли қия ёнбағир янгидан чанғида юрувчилар учун мўлжалланган. Шу марказ ҳудудида магазин, ресторан ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд.

Даволаш – соғломлаштириш туризм. Буюк Британиянинг асосий даволаш-курортлари **Хэмпшир** графлиги денгиз қирғоқлари бўйида жойлашган. Бу ерда Гольфстрим оқими натижасида ажойиб иқлим шароити вужудга келган. Илиқ ва юмшоқ қиш ҳавоси, унчалик иссиқ бўлмаган ёз ҳарорати санаторияда даволанувчилар учун жуда қулай муҳитни яратади. Хэмпширда маъданли сувлардан ташқари бу ерда итальянча ҳаммомлар мавжуд. SPA салонлари маҳаллий отелларда дам олувчилар учун талоссотерапия, ароматерапия, гидро (сув) билан даволаш муолажаларини олиб

боришадилар. Санаторияларда денгиз ва маъданли сувларни барча қўшиб даволаш ҳам йўлга қўйилган.

Англиянинг энг таниқли курорт шаҳри **Бат** ҳисобланади. Ушбу шаҳарнинг номи (инглизча Bath – «ванна») италянча ҳаммомни англатади. Шаҳар Эйвон дарёсининг қирғоқида жойлашган, яъни Англиянинг жанубий қисмидадир. Больнееологик курортда очиқ ҳолатда чўмилиш бассейни, ҳар доим иссиқ маъданли сув даволанувчилар учун тайёрдир. Бу ерда сув муолажаларидан ташқари ажойиб табиат манзаралари, дарёда қайиқда сузиб сайр қилиш имкониятлари ҳам мавжуд. Бат шаҳри ўзининг антиквар магазинлари, аёллар кийим-кечак дўконлари, амалий санъат галереялари билан донг чиқарган. Эйвон дарёси шаҳар марказидан оқиб ўтиши, ўзининг кўприклари билан Батга бошқача ҳусн бағишлайди. Ушбу жойнинг қулай иқлим шароити сайёҳлар учун мавсум май-апрелдан то сентябр ойларигача давом этади.

Челтнем маъданли сувлар курорти – Глостершир графлигида жойлашган. У XVIII аср охирларида ташкил этилган. Шаҳарнинг Питтвиль боғида маъданли сув чиқади. Унинг асосида Челтнем спа-саройи қурилган. Бу ерда даволанувчилар учун турли хил муолажалар таклиф этилади. Жумладан шарқона терапия яъни бошни ҳиндча массаж (уқалаш) қилиш, сутли ванна, полинезийча даволаш муолажалари ва бошқалар. Спа-саройда яна його машғулотлари ва синхронли массаж сеанслари олиб борилади.

Варвикедаги **Лемингтон** маъданли сувлар булоқи ўрта асрларда кишиларга маълум бўлишган. Аммо у XIX асрнинг бошларида ишга туширилди. Ушбу маъданли сув ревматизм ва артрит касалликларини даволаш учун жуда фойдалидир. Темир-сульфидли ва хлорид–натрий моддаларига жуда бой бўлган ушбу сув урологик касалларни даволашда қўл келади. Бир вақтлар Леминтон даволаниш курорти қиролларнинг дам олиш ва даволаниш қароргоҳи бўлган. Ҳозир ҳам ушбу ҳудудда ажойиб ёпиқ шаклдаги боғ мавжуддир.

Йоркшир графлигидаги **Харрогий** Буюк Британиянинг энг биринчи қурилган курортларидан бири саналади. Ушбу курорт XIX асрда ташкил этилган бўлиб, ўзининг шарқона ҳаммомлари билан машҳур бўлган. Бу ерда балчиқли даволаш, маъданли сув билан даволаш, ванна қабул қилиш, эвкалиптли ингаляциялар жуда оммалашган.

Дербишир графлигида таниқли **Бакстон курортида** 10 тадан ортиқ маъданли сувлар булоқлари жойлашган. Ушбу курортда ўз вақтида Мария Стюарт ревматизм касалини даволаган. Ҳозирги кунда Бакстон курортига бутун европаликлар келишади. Бу ерда гипертония, гинекология, урология, неврология касалликларини даволайди.

Пляж туризми. Ички туризм соҳасида ўзгаришлар бўлишига қарамай, билиш-танишиш туризми билан бир қаторда британияликлар учун ўз мамлакати денгиз курортларида анъанавий дам олиш сақланиб колган.

Шундай курортларни барпо этиш XVIII аср ўрталарида бошланди. Уларнинг гуллаб-яшнаши XIX аср охири - XX аср биринчи ярмига тўғри келади. Анъанавий инглиз курортлари денгиз қирғоқ бўйлари балиқчилар посёлкалари ўрнида ёки ҳатто бўш жойда аввало зодагонларнинг дам олиш ва даволаниши учун қурилди, кейинчалик темирйул ривожланиши муносабати билан оммавий оилавий дам оладиган жойларга айланди. Ушбу курортлар учун анъанавий режалаштириш, хизматлар стандарт тўплами ва сайр-томоша, дам олиш ва даволанишининг анъанвий турлари характерли бўлганди. Мамлакатда 100 дан кўпроқ анна шундай курортлар мавжуд бўлиб, XX асрнинг 60 - йиллари бошларигача кўпчилик британияликлар учун таътилни ўтказадиган асосий жой бўлганди.

Турмуш фаровонлиги даражасини ўсиши, дам олиш мазмуни ва сифатига талабни ошириши, хизмат кўрсатиш даражаси, транспортни кенг тараққий этиши, туризмнинг бошқа турлари тараққиёти ва бошқа кўп сабаблар британияликларни чет элда таътилни ўтказишни кўзлашга олиб келди. Бу биринчи навбатда Ўрта ер денгизи курортларига боришда намоён бўлди. Аммо шунга қарамасдан сезиларли ўзгаришларга учраган бўлсада, британденгиз курортлари сакланиб колган ва ишлаб турибди. Автомобил транспортининг кенг тарқалиши шунга олиб келдики, курортларга бориш- келиш қисқа

муддатли (бир кунга ёки уик-энд) тус олди. Кўпчилик денгиз курортларини йирик шаҳарлардан 60-80 км нарида жойлашганини ҳисобга олинса, қирғоқ бўйларига янги туристик оқимларни шакллантириш ҳақида гапириш мумкин.Кўпчилик оилалар анъаналарга амал қилишда давом этиб, денгиз курортларидан «иккинчи таътил» учун фойдаланади, яъни байрамлар ёки боища дам олиш кунлари қискароқ муддатни ўтказишади.

Жойлаштириш воситаларига ҳам талаблар ўзгарди. Кўпчилик туристлар энди анъанавий меҳмонхоналар ва пансионатларда жойлашиш билан «ўз- ўзига хизмат кўрсатишни» маъқул кўришади. («Гилдирак устида» ўз уйи, мотелда ёки махсус автомобиль қўйиш жойларида яшаш). Бу туристларнинг сафарбарлиги ошиши билан боғлиқ ҳолда дам олиш жойи ва турлари тўпламини кенгайтириши, шунингдек арзонлаштириш имконини беради. Айни пайтда британияликларнинг мамлакат бўйлаб учдан икки сафарлари анна шундай тарзда ташкил этилмокда. Бу денгиз бўйи курортларида меҳмонхона бизнесини касодга учрашига олиб келди ва уларни туб дан қайта қуришни тақозо этди.

Курортларга хизмат кўрсатиш барча соҳаларини тубдан қайта ташкил этиш зарурати ҳозирги замон туристларининг қирғоқ бўйида дам олишга қўйган талабларини ўзгариши билан ҳам боғлиқ.

Агар илгари асосий ва кўпинча ягона мақсад ҳаво ва денгиз суви билан даволаниш бўлган бўлса, эндиликда дам олиш учун сайр-томошанинг кенг тўплами ва ҳар қандай дидга мос хизмат кўрсатиш талаб этилади, бу эса курорт эгалари ва маҳаллий ҳокимият томонидан шароитларни яратиш учун сезиларли капитал маблағ ажратишларини тақозо қилада. Архитектура ва тарихий диққатга сазовар курортлар реконструкция қилиниб, сайр-томоша марказлари таркибига қўшилмоқа. Хусусан, курорт павильонлари, темиийул станциялари қайта жиҳозланмокда, ёпиқ бассейинлар ва аквапарклар қурилаяпти, улар британия иқлими камчиликларини унутиш имконини беради, кўргазмалар ва конференциялар ўтказиш учун янга майдонлар пайдо бўлаяпти, тарихий иншоотлар ва интерьерлардан фойдаланган ҳолда янги савдо марказлари барпо этилаяпти. Уюштирилмаган дам олиш учун зарур инфраструктура элементлар майдонлари ҳам кенгайтирилмокда.

1992 йилда Блэкпуле шаҳрида очилган дам олиш ва сайр-томоша маркази ана шундай қайта ташкил этишга мисол бўлади, у пляж ва XIX аср охирида реконструкция қилинган минора; Ярмут ва Саутпортдаги сайр- томоша марказларини, Брайтон, Борнмутдаги кўргазмалар ва конгресс марказини ўз ичига олади.

Ортиқчага айланган отеллар ва пансионатлар қариялар ва касалманд

кишилар учун мослаштирилмокда. Идора бинолари, айрим ҳолларда, хусусан, Брайтонда жойлаштириш учун муваффиқиятли фойдаланилмокда. Айнан таълим туризми ишбилармонлик туризми билан бир қаторда денгизбўйи курортларини сақлашда сезиларли улуш қўшилди. У уларни ривожлантириш учун янги имкониятлар таклиф килмоқда.

Шундай қилиб Британия денгиз курортлари ўз ўрнини бермай келмоқда. Улар ўз вақтида британияликларнинг дам олиш анъаналарига, туристларнинг ўзгарган талабларига лаббай деб жавоб беришиб, ўз эгилувчанликлари ва турғунликларини намоён этдилар. Катта капитал маблағлар ажратиш, тубдан реконструкциялаш, ушбу муаммони оммавий ахборот воситалари орқали кенг муҳокама қилиш эвазига Буюк Британия денгиз курортлари ички туризмда мустаҳкамланиб олди ва мамлакат ахолисининг анъанавий дам олиш вариантларидан бири бўлиб қолмокда.Уларнинг туризм индустриясида улуши жуда салмоқли, масалан, денгизбўйи курортларига 27 млн. сафар амалга оширилди, бу 115 млн. тунаш ва 4,9 млрд. ф.ст. тушумини таъминлади. Шу вақтнинг ўзида майда курортлар бозорда ўрнини сақлаб қололмади, уларга туристлар ташриф лари сони кескин камайди.

Денгизбўйи курортлари асосан Англия ва Уэльс қирғоқ бўйларида ривожланаяпти. Бироқ Шотландияда уларга 17% гача сафар тўғри келмокда, холос.

Буюк Британияда денгиз курорти Блэкнул ҳисобланади, у йилига 10 млн. дан кўпроқ туристларни қабул қилади. Ҳар йили 5 млн. дан ортик киши Брайтон, Борнмут, Скегнесс, Скарборо, Саутпорт ва Грей-Ярмутга ташриф буюради. Ллэндудно, Торкуэй ва Уйат оролига 2,5 млн. дан кўпроқ ташриф буюрувчилар қадам ранжида қилишади.

Британияликлар учун бошқа анъанавий дам олиш турлари: пиёда сайр, тоғ походи, балиқ овлаш, сувдаги турлари фаол дам олиш ҳисобланади. Бу соҳада туристлар қизиқиши рўй бераяпти. Туристик индустрия янада кўпрок диверсифицфикациялашмоқда ва туристик маҳсулотларнинг кенг хилма-хил турларини таклиф этмоқда, жумладан, табиат қўйнида дам олишга қаратилган сафарларни. Бу ерда миллий ва тематик парклар алоҳида роль ўйнайди. Улар орасида кўпроқ машҳури Пеннин тоғи жанубий қисмида 1951 йилда барпо этилган Пик Дистрикт миллий паркидир, у ҳар йили 22 млн, дан зиёд туристларни қабул қилади. Бу жаҳонда энг кўп ташриф буюриладиган парклардан биридир. Лейк Дистрикт миллий парки ҳам машҳурликда ундан қолишмайди. Уэльс даги Сноудония парки денгиз бўйи қирғоқлари ноёб паркидир ва Англия учун анъанавий бўш ётган арчазорлардан иборат. Шотландия фаол дам олинадиган мамлакат булиб қолмокда, бу ерда саёҳатнинг ярмини пиёда сайр ташкил қилади, яқинда эса Лох-Ломонд миллий парки ташкил этилди. Дам олишнинг ушбу тури учун умумий муаммо табиатга юкланишнинг ортиб кетиши ҳисобланади, парклар ва бошқа табиий объектларга оииавий ташриф натижасида, айниқса, ёзги мавсум гавжумлигида табиат кўпроқ зарар кўради. Қишлоқ туризми ботқоқлик, қум тепаликлар, оҳакли тоғлар ва қирғоқ қояларидан иборат экотизим жуда ночор бўлиб, оммавий туристларни қабул килишга мўлжалланган. Ҳудуд бўйлаб туристларни бир текисда тақсимлаш лозим. Бундай шароитда қишлоқ туризмини ривожлантириш маълум аҳамият касб этади, шунингдек туристларни жойлаштириш учун махсус жойлар барпо этиш талаб қилинади.

Буюк Британияда ички туристлар саёҳатининг яримигача у ёки бу шаклда қишлоқ жойлари ва унинг диққатга сазовар жойлари билан боғлиқ. Қишлоқ туризми кўпроқ дам олишни мустақил равишда ташкил этишга кенг имкониятлар очиб беради, ҳозирги замон туристларига айнан яна шу зарур. У аҳоли анъанавий фаолият турларини сақлашга, ҳудуд иқтисодиётини қўллаб-қувватлашга, табиатни муҳофаза қилишга имкон беради, территорияни тегишли принциплар асосида бошқа туризм турларидан кўра турғун ривожланишини таъминлайди.

Қишлоқ жойлари анъаналари Буюк Британиянинг ёркин образларидан бири, шу муносабат билан уни ривожлантириш бутун кириш туризми учун катта имкониятдир. Мамлакатнинг турли қисмларида 60 мингтагача қишлоқ туризми ишқибозларига ижарага бериладиган коттежларни санаш мумкин. Қишлоқ жойларда шаҳарликлар томонидан сотиб олинадиган «иккинчи уйлар» сони ҳам кўпаймокда.

Буюк Британияда пляж туризми сўнгги йилларда анчагина ривожланди. 1999 йили денгизларни ҳимоя қилиш жамияти 127 та денгиз пляжларида дам олишга ва чўмилишга рухсат берган бўлса, 2011 йилда эса уларнинг сони 194 тага кўпайди. Бутун тавсия этилган пляжлар европа стандарти талабларига жавоб беради.

Хэмпшир (Ньюпорт) Англия ва Уэльс чегарасида жойлашган бўлиб, у порт шаҳардир. Бу Британиянинг энг саноати ривожланган порт шаҳридир. Шаҳар Ла-манш бўғозида жойлашган. У ўзининг илиқ ва юмшоқ қиши ва унчалик иссиқ бўлмаган ёзи билан машҳурдир. Бу жойга анемия ва нафас олиш йўли касалликларига чалинган беморлар келишади. Пляж майда тошлар ва қумлар билан қопланган. Бу жойда сув спорти турлари: парусли қайиқда сузиш, анаънавий инглизча гребля (қайиқни эшкак билан ҳайдаш) якта (елканли қайиқ) ва катамаранлар ривожланган.

Сассекс (Истборн) – Чиройли денгиз порти бўлиб, Лондон шаҳрининг жанубий қисмида ўрнашган. Истборн пляжи қумликлардан иборат. Денгиз сувининг ҳарорати август ойида + 19^{o} ни ташкил қилади. Пляжда маъмурият томондан зонтик ва ётиш учун қилинган жойлар, қуёшда тобланиш учун махсус крем, халат, сочиқ, сузиш учун тахта ва бошқалар берилади. Пляжда душ, кран, ечиниш хонаси, кийимларни сақлаш учун

шкафлар мавжуд. Пляж ҳудудида махсус жиҳозланган «яшил театр» бўлиб, унда май-сентябр ойларида турли хил музикачилар гуруҳи чиқиш қиладилар. Истборнда энг катта Британиядаги бўрдан ташкил топган **Бичхэд** (162 м) қояси жойлашган бўлиб, у ажойиб табиий манзарага эга.

Брайтонда ноёб Ғарбий порт иншоати мавжуд бўлиб, у тарихий аҳамиятга эга. Денгиз порти иншоати 1866 йилда Евгений Бирчем томонидан қурилган. Бу ерда театр, кейин концерт зали (1400 кишилик) шийпон қурилган. XX асрнинг 20 йилларида порт ўзининг оркестрига эга бўлган. 1975 йили денгиз порти иншоати ёпилди, бу ерда 2003 йилда жуда катта ёнғин содир бўлди.

Буюк британиянинг яна бир ажойиб жойи бу **Торбейдир**. Бу курорт зонаси Англиянинг Ривьераси деб аталади. Ушбу курорт зонаси ўз таркибига 20 тадан ортиқ яхши қурилган пляжларни бирлаштиради. Ушбу зона денгиз қирғоқларида 35 км. га чўзилиб кетган. Денгиз қирғоқларида дам олувчилар учун хилма-хил хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил қилинган. Бу ерда қумли пляжлар, хароба қалъалар, қушлар қўриқхонаси, гольф курслари, жарликларга тушиш, манзарали денгиз бўйи парклари, балиқ овлаш, парус (елканли кема) да сайр қилиш кабилар сайёҳларда жуда катта таъсуротлар қолдиради.

Бриксхеме – Британиянинг балиқчилар порти ҳисобланади. Бу ерда сайёҳлар балиқчиларнинг кундалик иш фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Янги тутилган балиқларни сотиб олиши, уни пиширib ейиш мумкин. Пляжда чайла ва дала ҳовлисини ижарага олиш мумкин.

Экстремал туризм. Экстремал (энг сўнги, оғир) туризм дунёда борган сари кучайиб, ривожланиб бормоқда. Кўпчилик кишилар сув ости дунёсини томоша қилиш, тоғ ён бағирларида чанғида юриш, паршютдан сакраш кабиларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Европада экстремал туризм борган сари тезкорлик билан ривожланиб бормоқда ва оммавийлашмоқда.

Шуни таъкидлпш лозимки, сўнги йилларда фаол дам олиш турлари ишқибозлари кўпайиб бормоқда. Айниқса дайвинг тури оммалашиб бормоқда. Бой сув ости дунёси, ривожланган дайвинг индустрияси буларнинг ҳаммаси Буюк Британияни машҳур қилади.

Ҳар йили Буюк Британиянинг энг кичик **Ллануэртид – Уэльсэ** (Lldnwrtyd-Wells) шаҳарчасида сувостида сузиш бўйича чемпионат ўтказилиб келинмоқда. Ушбу мусобоқада иштирок этувчилар маска трубкаси билан, гидрокостюмларга эга бўлиши лозим ва 60 метрлик масофани 2 минутда сузиб ўтиши керак. Дунёда ушбу масофада **Стив Мейденн** 2 марта 1989 ва 1994 йилларда чемпион бўлди.

Силли ороли буюк Британияда дайверлар макони саналади. Ушбу ороллар гуруҳи 300 тадан ортиқ гранитли оролчаларни ўз таркибига киритади ва улар Англиянинг жанубий-ғарбий қисмида 45 км узоқликда жойлашган.

Каньоннинг – тоғдаги жўшқин дарёларда солсиз сузишдир. Уэльс-Буюк Британияда коньонинг спорт турининг ажойиб жойи ҳисобланади.

Кайтсёрфинг – кишиларнинг тоғли жойларда, текисликларда, сув тўлқинларида тахта устида шамол ёрдамида сайр қилишдир. Асосий сайр қиладиган жойлар қаторига **Polle Harbour, Weymouth, Hayling, North Wales, South Wales** лар киради.

Ҳозирги пайтда паршютдан сакраш оммавийлашиб бормоқда. Паршютдан сакрашнинг бошланиши бундан ярим аср олдин рўй берган. Паршютдан сакрашнинг жуда кўп вариантлари бор. Бу скайсёрфинг, кўпчилик бўлиб акробатика шаклида сакраш. Улардан ташқари энг кўп ва оммавийлашган тури бу **BASE jumping** туридир.

Курорт туризми. 70 йилдан аввал кўпроқ туристларни дам олиши учун зарур тўлиқ хизматлар тўпламига эга махсус жой - «holidays camp» ташкил қилишга киришилган эди. 1987 йилдан бошлаб Буюк Британияда ушбу ғояни ривожлантирувчи дам олиш маркази «holiday camp» барпо этилаяпти - моҳиятан бу курортлардир, яъни дам олиш учун барча зарур инфраструктурага эга янги туристик аниқловдир.

Улар дам олиш ва сайр - томоша, айрим ғояларни бирлаштириш учун хилма-хил имкониятларни таклиф хилади. Бу Шервур ўрмони, тропик орол ёки сўлим табиатнинг участкаси бўлиши мумкин. «Ўрмон воҳаси» («Oasis Forest Village») кўпроқ машҳурдир, у Кумбрин ва Кентда 1990 йиллар ўрталари ва охирида очилган. У туристлар ўзлаштирмаган, табиат комплекслари яхши сақланган районда барпо этилган. Мустақил дам олиш учун кенг имкониятлар тақдим этади, бир жойда дам олиш ва сайр-томошаларнинг барча вариантларини (шу жумладан, болалар учун) мужассамлаштирилган, лойиҳанинг экологик томонига алоҳида эътибор қаратилган ва фойдаланилаётган территорияни турғун ривожлантириш принципларига амал қилади. Бундай марказлар анъанавий британ ва чет эл курортларига жиддий муқобил бўлиши мумкин.

Аммо у ёки бу дам олиш турларини тараққий эттириш бўйича кўрилаётган чора - тадбирлар 2000 йиллар бошларида сезиларли натижа бермади. Жамиятда уларнинг ютуқларига эришиш учун мамлакат нуфузини ошириш фикри вужудга келди, қайсиким унинг жозибадорлигини ошириш ҳам ўзлари, ҳам чет эллик туристларни жалб қила олиш имконини берсин. Яъни қироллик қўрғонлари, жентельменлар, бобби, пудринглар, файф-о-клоклар ва ҳ.к. лардан иборат бўлган эскирган консерватив «анъанавий Британиянинг» ўрнига янги жалб қиладиган мамлакат образини қидириш зарур эди.

Экологик туризм. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб дунёнинг кўпгина мамлакатларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга катта эътибор берила бошлади. Кишиларда инсоният томонидан яратилган тарихий-маданий объектларни глобал масштабда сақлаб қолиш туйғуси вужудга келди. Манна шундай шароитда тезкорлик билан шароитига кўникиш, маҳаллий урф-одатлар билан танишиш, туб-жой аҳолилар билан яқиндан алоқада бўлиш қишлоқ табиатида сайр-томоша қилиш, турли хил спорт мусобақаларида иштирок этиш **қишлоқ туризми** имкониятларидир.

Сўнгги йилларда дунёда қишлоқ туризми роли тобора ортиб бормоқда. Қишлоқ туризми иштирокчилари сони кўпаймоқда. 2010 йил маълумотларига кўра қишлоқ туризми иштирокчилари сони Европа мамлакатларида 90 млн. кишини ташкил қилган. Германия, Италия, Буюк Британия ва Франция каби мамлакатларда ўн мингдан ортиқ фермерлар ўз хизматларини кўрсатмоқда.

Британияда қишлоқ туризмини ташкил қилиш бўйича ўзига хос модели мавжуд бўлиб, у ўз таркибига қуйидагиларни киритади:

1) фермер уйида овқатланишни ташкил қилиш, одатда нонушта бериш;
2) фермер уйида ўз-ўзига хизмат қилиш (selt catering unet)
3) алоҳида ажратилган бинода ўртача 8-15 кишига хизмат кўрсатиш (bunkhouse). Бу ерда омборхонадан фойдаланиш мумкин. У ерда ухлаш хонаси, ошхона, ванна хонаси алоҳида ажратиб қўйилади.

Қишлоқ туризмни ташкил этишда Британия модели бўйича болаларнинг экологик тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Фермада махсус молларни қамайдиган жойлар (бузоқлар, қўзичоқлар, улоқлар, тойчоқлар учун) ажратилади. Болалар фермада бўлган пайтларида ҳайвон болалари тўғрисида ғамхўрлик қиладилар ва натижада уларда, «кичик дўстлар» тўғрисида ҳис туйғулар пайдо бўлади.

Буюк Британияда қишлоқ туризми мамлакатнинг жанубий қисмида анчагина ривожланган. Бу мамлакат пойтахти Лондоннинг ва бошқа йирик шаҳарларнинг яқинлиги билан характерланади. Ҳозирги пайтда Шотлания ва Шимолий Ирландия ҳудудларида қишлоқ туризмини ривожлантириш учун ҳукумат махсус минтақавий дастур қабул қилишган ва имтиёзлар беришган. Яқинда Англияда янги экологик қишлоқлар барпо қилиш учун 16 млн. доллар сарфланди. Қишлоқда Осиё типидаги уйлар қурилди ва уйлар сув босадиган яроқсиз тошлоқ ерларда қурилиб, ҳақиқий ҳайвонот боғига айланди. Ушбу экологик қишлоқда «кўкаламзорлар зоналари» билан бир қаторда хизмат кўрсатиш пунктлари, ресторан, магазин, сувенирлар сотадиган дўкон ва бошқалар қад кўтарилди. Қишлоқ катта йўл ёқасида Пристон шаҳарчаси яқин жойда жойлашган. Ҳозирги пайтда

жуда кўплаб автомобил ҳайдовчилар бу жойда албатта тўхтаб ўтишади ва дам олишади. Рибл дарёси қирғоғи бўйлаб сайёҳат жуда катта таъсуротлар қолдиради. Қишлоқда ёввойи қушлар кўп бўлиб, уларни сайёҳлар ўз қўллари билан овқатлантирадилар. Қишлоқда автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси ҳам бор.

Миллий боғлар. Whinlatter Forest миллий боғи Буюк Британиядаги энг йирик боғлардан бири ҳисобланади. У кўллар ўлкасида жойлашган бўлиб уни кўнгиллилар 3 йил давомида ағдарилиб ётган дарахтлар ва синиб тушган қуруқ шохлардан тозалаганлар. Кўпгина миллий боғлар шаҳарлардаги парклар ёки ботаника боғларига ўхшаб кетишади. Бу миллий боғларнинг кўпчилиги хусусий эгаларига тегишлидир. Мамлакатдаги йирик 5 лик миллий боғларга **Нью-Форест (New Forast), Эксмур(Exmoor), Брекон Биконз (Brecion Beacons), Пик-Дистрикт (Cairngorms) ва Камрнгормс (Cairngorms)** киради.

Нью-Форест миллий боғи Саутгемтон ва Борнмут ўртасида жойлашган бўлиб унинг умумий майдони 145 кв. милни ташкил қилади. Бу Англиядаги энг йирик қўриқхоналардан бири саналади. Маҳаллий аҳоли қўриқхонада ҳар доим ўзларининг чорва молларини боқишади. Ўрмонда 5000 дан ортиқ тоти от (бичими кичик от) ва жуфт (қўш) туёқли ҳайвонлар, буғулар, бўрсиқлар, тулкилар яшайди. Қўриқхонада автомобилда, велосипеда ва пиёда юриб саёҳат қилиш мумкин.

Эксмур миллий боғи 700 кв. миль майдонни эгаллайди. Бу ерда 900 хилдан ортиқ ўсимликлар, гуллар ва буталар ўсади, ёввойи тоти от ҳам яшайди. Эксмур боғи Англияда энг кўп қирол буғиларининг яшайдиган макони ҳисобланади. Боғдаги тоғ қояларида денгиз қушлари уя қўядилар.

Брекон Биконз миллий боғи. Бу таниқли парк бўлиб 24 кв. миль майдонга эга бўлиб, шимолдан жанубгача 45 миль масофага чўзилиб кетган.

Миллий боғга келувчиларнинг асосий қисмини пиёда юрувчи сайёҳлар ташкил қилади. Миллий боғда жойлашган **Қора тоғ** ўзининг ажойиб ландшафти билан машҳурдир. Боғнинг диққатга сазовор жойларига Ллантони монастри (ибодатхона), Хонду дарёси. Патришоу черкови, тоғнинг энг баланд Вон Фах ва Пен-и-Фан чўққиларидир.

Пик-Дистрит миллий боғи 1950 йилда ташкил этилган бўлиб, у 140 мингга майдонга эга. Пик-Дистрит миллий боғи марказий Англияда жойлашган, Пенин тоғининг жанубий қисмида боғдаги асосий ўсимликлар кенг баргли дарахтлардир: шумтол дарахти, ильм, тис, липа, заранг, ёввойи олча, жуда кўп гули ўсимликлар ва далада ўсадиган ўтлар. Боғ ҳудудида оҳак тошли карст ғорлари ҳам учрайди. Ғорларда бир неча минглаб кўршапалаклар яшайди.

Туризм соҳасидаги давлат сиёсати. 1998 йилда «Рапе1-2000» комитети тузиш ҳақида қарор қабул қилинди, ҳозирги замон Буюк Британиясининг янги қиёфасини, нуфузини ишлаб чиқариш уни мақсади қилиб белгиланади. Анъанавий ва эски консерват, тасаввурларга қарши янги имидж - нуфуз «Covl Brttania»- «Қатъий ўзгарган Британия» шиор амалга оширила бошлади. Айнан Буюк Британия панклар ҳаракати ва футбол фанатлари ватани ҳисобланиши, айнан шу ерда Битлз вужудга келгани ва клуб маданияти кенг тарқалгани, Лондон мода ва санъат муқобили ҳисобланиши ва х.к.лар эсга олинди. Бош вазир Т.Блэр ва ташқи ишлар вазири Р.Кук қўмитаси қўллаб-қувватлаб чиқдилар ва «Қўмита мақсади - Британиянинг олға қарашли ва Европада етакчилик ўрни билан ғурурланиши жаҳонда ҳал қилувчи муҳим ўринни эгаллашини янги қиёфада илгари суришдан иборатлигини» таъкидладилар. Жуда кўп кишиларнинг Буюк Британия ҳақидаги тассавурлари эскирди, эски Британия ҳақида афсоналарни замонавий мамлакат манзараси билан, бутун британ жамияти янгиланган ва ҳозирги замон жаҳон ҳамжамиятида тараққиёти ва динамик ўсиш толерантлиги кўрсатилган ҳолда алмаштириш лозим, дейишади.

Мамлакат янги киёфасини олға суриш учун янги ахборот воситалари: интернет, СД-ROM, йўлдошли телевидениядан фойдаланиши лозим.

Қўмита ғояси мамлакат анъанавий қиёфаси тарафдорлари мустақил Британия учун компания кескин танқидга учради. Улар янги ғояни танқид қилишди. Британиянинг анъанавий нуфузида ҳеч қанақа ёмон томони йўқлигини таъкидладилар. Барқарорлик ва ишончлилик бошқа давлатларда Буюк Британияга ҳавас уйғотади. «Рапе1-2000» барча ғоялари эса ортиқча харажат ва «вақтни совурадиган қуруқ гаплар» бўлиб, улар инглиз фунтини ягона европа валютасига алмаштиришга қаратилган холос.

Шунга қарамасдан, мамлакат янги нуфузини яратиш дастурини амалга ошириш давом этмоқда. Унда асосий ишларнинг қуйидаги йўналишлари белгиланган:

- Буюк Британиянинг чет элда ижобий нуфузини яратишнинг умум стратегиясини ишлаб чиқиш;
- дастурга қаратилган асосий моментлар ва фокусли гуруҳлар ажратишни марказга тўплаш;
- давлат органлари ва хусусий бизнес ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, бу мавжуд воситалардан янада самарали фойдаланиш имконини беради;
- британ бизнеси ва туристик потенциалини жозибадорлигини ошириш айниқса жаҳоннинг ҳал қилувчи мамлакатларидан;

Буюк Британия ҳам ичида, ҳам чет элда замонавий ва очиқ имиджи нуфузуни яратиш учун ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ишлаш.

Қўмитанинг энг биринчи харакатларидан бири уч минг йиллик кириши муносабати билан кўп сонли тадбирлар ишлаб чиқиш ва байрамлар ўтказиш бўлди. Улар салкам уч йил давом этди ва мамлакатга (айниқса Лондонга) миллионлаб туристларни жалб этди ва сезиларли валюта тушумларини таъминлади. Жуда кўп лойҳалар шунчалик муваффақиятли чикдики, уларни доимий қилишга қарор килинди. Жаҳонда йирик «Лондон Ай» ғилдирак томошасининг фойдаланишга топширилишини ушбу тадбирларнинг рамзи деб санаш мумкин. Чипта нархи юқори бўлишига қарамай, бир йил ичида у мамлакатда туристлар энг кўп ташриф буюрадиган диққатга сазовор жойга айланди. Бошқа воқеалар ҳам мамлакат янги қиёфасини намоён этишда сезиларли роль ўйнади. 2002-2003 йилларда қиролича Елизавета II нинг тахтга ўтирганинг олтин юбилейи ана шундай машҳур воқеалардан бўлди. Бу тадбирнинг анъанавийлиги ва қатъий тартибга қарамай, янги маршрутлар ва диққатга сазовор жойлар яратиб, жуда кўп туристларни жалб қилишга муваффақ бўлинди.Мамлакат янги туристик қиёфасини шакллантириш борасида олиб борилган фаол сиёсат доирасида турли шиорлар остида туристлар учун махсус тадбирлар уюштирилмоқда. Мисол учун, 2002 йил майда «Фақат 2002 йилда. Фақат Буюк Британияда» дастури старт олди, у мамлакатга қўшимча 1 млн. туристни жалб қилиши мўлжалланган. «Totally Lond On» шиори остида Лондон бўйича янги реклама компанияси ишлаб турибди. Жаҳон туристик бозорида мамлакат обрўсини оширадиган бундай саъй-ҳаракатлар ва фаол шакллантиришлар мамлакат туристик индустриясида вазиятни сезиларли яхшилаш имконини берди. Британ туризмида фаолиятининг бошқа муҳим йўналиши Буюк Британияда туристик соҳани бошқаришда ташкилий структурани ислоҳ қилиш бўлди. 2003 йил апрелда британ туристик маъмурияти (British Tourist Authority-BTA) ва туризм бўйича Англия кенгаши Visit Britain номи остида янги ташкилот туздилар. Бу ташкилот 27 чет эл офислари тармоғига эга, улар Буюк Британияга 88% гача туристик ташрифларни таъминлайди. Visit Britain Буюк Британия миллий туристик маҳсулотларини маркетинг компанияси ўтказиш ва диққатга сазовор жойларни хилма-хил реклама йўли орқали илгари суриш билан шуғулланади. Лойиҳа шунингдек Буюк Британияда манфаатдор бошқа ташкилотлар билан туризмни ташкил этишда ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, мамлакат ҳақида тўлиқроқ тасаввур шакллантириш имконини беради. Visit Britain Англия, Шимолий Ирландия, Уэльс ва Шотландиянинг туризм бўйича миллий кенгашлари билан мамлакатнинг ва унинг регионларининг туристик жозибадорлигини ошириш мақсадида ҳамкорлик қилади. Visit Britain НН Буюк Британия спорт ва оммавий ахборот воситалари Маданият

вазирлиги молиялаштиради. Буюк Британиянинг чет элларда туристик обрўсини - имиджини илгари суришга 2004-2005 йилларда ажратилган мақсадли дотация 35,5 млн.ф.ст. ташкил этади. Маркетинг дастурига эса 14 млн. ф.ст.ажратилди. Visit Britain лойиҳасига шунингдек ноҳукумат ва шериклар молиялаштириш ҳисобига 17 млн. ф.ст. га яқин молиялаштириш амалга оширилди. Ташкилотда доимий равишда 450 киши, улардан 60% туристик бозор асосида ишлайди.

Тегишли равишда Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландия туристик маъмуриятлари қайта ташкил этилди. Туристлар учун катта қулайлик туғдириш мақсадида ёзилган ушбу ташкилотларнинг номлари уларнинг интернетдаги манзилига тўла мос келади. Қайта ташкил этиш учун ташкилот ишини яхшилашга қаратилган, қайсиким, ахборотлар йиғади, туристик бозор тараққиёти тенденцияларини ўрганади ва унинг тараққиётини прогнозлаштириш билан шуғулланади. Бунда уларга мамлакатдаги бир неча юзлаб туристик ахборот марказлари ёрдам беради.

Бундай кўп томонлама комплекс чора-тадбирларни амалга оширилиши Буюк Британияда туризмни тараққий эттириш учун янги истиқболлар очади. Ушбу соҳада ютуқлар ҳақида кириш туризмининг кейинги ўсиш кўрсатгичлари гувоҳлик беради: 2006 йилда мамлакатга 32,2 млн. киши ташриф буюрди, кириш туризмидан тушумлар 15,4 млрд. ф. ст. ташкил этди.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Буюк Британиянинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити ҳақида маълумот беринг.
2. Буюк Британиянинг табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Буюк Британияда туризмни тараққий эттириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?
4. Буюк Британия аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари қандай?
5. Буюк Британия туризм тараққиётида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрнини аниқланг.
6. Буюк Британияда туристларни жойлаштириш воситаларининг асосий ҳусусиятлари, имкониятлари ҳамда афзалликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?
7. Буюк Британияда туристларни овқатлантириш тизими, ресторанлари ҳамда миллий таомлари ҳақида маълумот беринг.
8. Буюк Британиянинг сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш инфратузилмаси қандай ривожланган?
9. Буюк Британия туризмининг ҳалкаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва ролини аниқланг.
10. Буюк Британия туризмининг асосий турлари ва марказлари ҳақида маълумот беринг.

V БОБ. ГЕРМАНИЯ ТУРИЗМИ

5.1. Германиянинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари
5.2. Тарихий - маданий туристик ресурслар
5.3. Аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиёти
5.4. Германиянинг туризм инфратузилма тармоқлари
5.5. Германиянинг халқаро туризмда тутган ўрни ва унинг ўзига хос жиҳатлари
5.6. Германия туризмнинг асосий йўналишлари ва марказлари
5.7. Германиянинг туристик маршрутлари

5.1. Германиянинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари

Германия (расмий номи Германия Федератив Республикаси) Марказий Европада жойлашган бўлиб, у шимолда Дания давлати, Шимолий ва Болтиқ денгизлари, шарқда - Польша, Чехия, жанубда – Франция, Люксембург, ғарбда Бельгия ва Нидерландия мамлакатлари билан чегараланади. Мамлакатнинг умумий ер майдони 357.041 кв. км.

Табиий шароити. Германия давлатининг ер усти тузилиши хилма – хил рельефдан ташкил топган, яъни текислик қисми мамлакатнинг шимолий қисмини, тепалик (паст баландлик) ва тоғлик қисми – жанубини, дарёлар кесиб ўтган паст – баландлик водийлар марказий қисмини, тоғлар эса жанубий қисмини эгаллайди. Денгиз қирғоқлари яқинида бир қатор ороллар Болтиқ денгизида – Шимолий ва Шарқий Фриз ороллари, Шимолий денгизда Фемарн ва Рюген ороллари жойлашганлар.

Болтиқ ва Шимолий денгизларнинг қирғоқлари паст дюна (қум тепа)лардан иборат.Мамлакатнинг марказий қисми хилма – хил бўлиб,тепаликлар ва унча баланд бўлмаган тоғлар жойлашган.Унинг жанубий қисмини шарқий Альп тоғ тизмалари эгаллайди. Унинг энг баланд нуқтаси – Зюгшпитце (2.963м) чўққиси ҳисобланади.Германия ҳудудида Рейн Сланецли, Герц, Рудали тоғлари учрайди.

Мамлакатнинг иқлим шароити мўтадил**,** денгиз ва континтенал (қуруқ) иқлимдан иборат бўлиб, ҳаво ҳарорати қиш фаслида, яъни январ ойида ўртача -5^{o}C -3^{o}C ни, ёзда июл ойида мамлакат бўйича +16^{o} +20^{o}C атрофида кузатилинади. Мамлакат бўйича йиллик ўртача ёғин миқдори 600 – 800 ммни ташкил этади. Германия дарёлари – Рейн (Майн ирмоғи билан) Рур, Мозель, Дунай, Эльба, Везер, Эмс кабилар ҳисобланади.Улар мамлакатнинг шимолий текислик қисмида каналлар билан бир – бирларига бирлашган бўлиб, дарё транспорти кенг ривожланган. Мамлакатнинг жанубий қисмида жойлашган баланд тоғли ўлкасида кўллар кўп бўлиб,унинг энг каттаси **Боденхим** кўли ҳисобланади.

Германия минерал хом ашё ресурсларига бой мамлакатдир.Унда тошкўмир, темир ва марганец рудалари, никель, кобальт, вольфрам, молибден, мис,хром, қўрғошин, қалайи, уран, калий тузи, гилмоя ва бошқалари кенг тарқалган.

Тупроғи асосан подзол, гили подзол ва қўнғир ўрмон тупроқларидан иборат. Гарц тоғларининг шарқий ва шимолий тоғ олди ҳудҳудларида ҳамда Тюрингия сойлигида унумдор қорамтир марш тупроқ учрайди.

Ўсимлик дунёси. Германия территориясининг қарийиб 30% ўрмонлар билан қопланган. Ўрмонзорлар мамлакатнинг жанубий тоғ, тоғолди ҳудудларида сақланиб қолган. Тоғларда қора қайин, дуб, оқ ва қорақарағай дарахтлари ўсади.

Ҳайвонат дунёси инсон таъсирида анчагина ўзгарган бўлиб, уларнинг кўпчилик турлари йўқолиб кетган.Сақланиб қолган ёввойи ҳайвон турларига буғу, элик,серна (тоғ эчкиси), оҳу,тўнғиз, бўри, тулки, қуён, турли қушлар, сувда яшовчи ҳайвонлар қаторига денгиз ва дарё балиқлари киради. Болтиқ ва Шимолий денгиз сувларида сельдь, треска, камбала, дарё сувларида эса карп, форель,соль каби балиқ турлари тарқалган.

5.2. Тарихий - маданий туристик ресурслар

Қадимги даврда Германия территориясида германлар қабиласи яшаган бўлиб,уларнинг таркибига алеманлар, баварлар, тюринглар, сакслар ва бошқа майда қабилалар киришганлар. Улар VI-VIII асрларга келиб Франкс қироллигига бирлашадилар. X асрга келиб қироллик ўрнида Германия феодал давлати ташкил топади. X-XV асрларда Германия ён атрофидаги славянлар ва Болтиқбўйи денгизи халқларининг ерларини босиб олади. 1618 – 1648 йиллардаги 30 йиллик уруш Германиянинг парчаланиб кетишига сабаб бўлди. XVIII асрда Германия иккита давлатга Австрия ва Пруссияга ажралиб кетди. Бу давлатлар XVIII аср охири - XIX асрнинг бошларига келиб революцияга, сўнгра Наполеон урушига қарши курашиб, урушда тор-мор қилинди. Вена конгресси қарорига кўра Германия иттифоқида асосий ролни Австрия эгаллади.1846-1849 йилларда буржузия революцияси рўй берди ва Пруссия билан Германия бирлашади.1866 йилдаги австрия-пруссия уруши натижасида 1867 йилда эса Шимолий Германия иттифоқи тузилди. 1870-1871 йиллардаги франко-прусс урушидан сўнг 1871 йилда Германия империяси тузилди. 1880-1890 йилларда Германия Африканинг жуда катта қисмини босиб олади. 1914 йилда Германия Биринчи жаҳон уруши бошланишининг ташаббусчиси бўлди. Урушда Германия енгилди ва 1919 йилда Версал тинчлик шартномасига қўл қўйишга мажбур бўлади. 1918 йилдаги ноябр революцияси натижасида мамлакатда монархия ҳукумати ағдариб ташланди ва «Веймар республикаси» тузилади. 1933 йилга келиб, мамлакатда сайлов ўтказилади. Сайловда А.Гитлер бошчилигидаги Германия миллий социалистик партияси ғалаба қилади. Германия миллатчи ҳукумати қисқа муддат ичида 1938 йилда Австрияни, 1938-1939 йилларда Чехословакияни босиб олади ва 1939-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши сабабчиси бўлди. 1945 йил май ойи бошларида Германия СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция мамлакатлари томонидан тор-мор қилинди. АҚШ, Буюк Британия ва Франция мамлакатлари томонидан ишғол қилинган ерларда 1949 йил 23 майда Германия Федератив Республикаси (ГФР) тузилди. Совет армияси назорат қилиб келаётган ерларда 1949 йил 7 октябрда Германия Демократик Республикаси (ГДР) тузилди.

ГФР нинг пойтахти этиб Бонн шаҳри, ГДР нинг пойтахти – Берлин шаҳри эълон қилинди.Берлин шаҳри икки қисмга Шарқий Берлин ва Ғарбий Берлинга бўлинди. Ғарбий Берлин алоҳида халқаро ҳуқуқ статусига эга бўлган шаҳарга айланди. 1989 йилларнинг охирига келиб, совуқ уруш хавфи тугаши натижасида икки мамлакат парламенти ягона бир давлатга бирлашиш тўғрисида қарорга келишди.

Германиянинг диққатга сазовар жойлари. Мамлакатнинг машҳур тарихий архитектура ёдгорликлари **Берлинда** Бранденбург дарвозаси (1788-1791 йиллар); арсенал биноси (1695-1706 йиллар); Авлиё Николай бош черкови (XIV аср); Рейхстаг биноси (1884-1894йиллар); Трептов-Парк.**Кёлн шаҳрида** Кельн собори (черкови), Санкт – Клиберт черкови (XIII аср), Санкт – Гереон (XII аср).**Лейпциг** шаҳрида: цитадел (қўрғон) XIII аср, халқларнинг қўзғолон минораси (XIX аср). **Дрезден** расмлар галерияси ҳисобланади.

Саройлар, қалъалар, боғ-парклар мажмуалари. Германия туризмида қадимги саройлар афсонавий қалъалар, боғ-парклар алоҳида аҳамиятга эга. Улар мамлакатнинг турли хил ҳудудларида жойлашган бўлиб, туристлар оқимининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Қуйида мамлакатдаги энг машҳур саройлар, қалъалар, боғлар, парклар келтирилган: Баварияниng афсонавий қалъалари ва саройлари, Новшванштайн қалъаси, Херренхимзее саройи, Мюнхендаги инглиз боғи, Бургхаузене кўрғони, Бад – Мускаудаги княз Пюклер боғ-парки мажмуаси ва бошқалар.

Дрезден шаҳридаги Цвингер архитектура ансамбли. Бу бино бутун дунёга машҳур. У 1709 йилда Буюк Август томонидан бунёд этилган. Бино учрашувлар, тантаналар ва йиғилишлар ўтказилиши учун мўлжалланган. Буюк Август саройни қум-тошдан

қурдирган. Цвингер ансамбли фонтанлар(Нимфенбад), павилионлар, Дрезден расмлар галерияси (1847-1854 й), Фрауэнкирхе черкови (1726-1743 й) киради.

Вильхельмсхеэ шаршарали боғи Европадаги энг йирик парк ҳисобланади. У Кассел шаҳри ёнида 1696 йилда қурилган. Паркка Геркулеснинг баҳайбат ҳайкали ўрнатилган.12 км узоқликка чўзилган шаршарали канал, 52 метр баландликка етадиган сув фонтани ўрнатилган.

Бюксбург саройи. Ушбу сарой Германиянинг Қўйи Саксония Федерал ерларида жойлашган. У XIV асрда қурилган. Сарой қумтошдан ясалган. Сарой таркибига бутхона, олтин зал, мавзолей, парк, фонтан киради.

Майнау ороли. У Германиянинг жанубий-ғарбий қисмидаги Боден кўлида жойлашган. Оролнинг умумий ер майдони 45 гектар бўлиб, унда XIII асрда қурилган сарой, тропик « Пальменхаус» павильони мавжуд.Оролда липа, дуб, кедр, 400 хилдан ортиқ атиргуллар ўсади. Бу ерда авлиё Дева Мария черкови, музей, VII асрда қурилган Меерсбург қўрғони бор.

Людвигсбург саройи. Ушбу сарой 1704 йили герцог Эберхард Людвиг томонидан қурилган. Сарой таркибига овчилик зали, 72 гектарлик боғ-парк мажмуаси, унинг яқинида шоир Фридрих Шиллер уй-музейи киради.

Херренкимзеэ қалъаси. Бавария қироли Людвиг II томонидан 1878 йилда Кимзеэ кўлидаги Херренверт оролида бунёд этилган. Қалъада 98 метрлик катта ойналик зал, унда 44 та мойчироқ(ёритгич), 33 та люстра ўрнатилган. Қалъада Людвиг II музейи, церковь, рассом Юлиус Экстера уй-музейи мавжуд.

Гамбург шаҳар боғи ва қушлар паркига 1930 йилда асос солинган. У шаҳарнинг марказида жойлашган, умумий майдони 47 гектар. Кириш бепул. Паркнинг марказий қисмида Тропик павильон жойлашган. Парк ҳудудида Гамбург тарихий музейи ўрнатилган. Парк ичида 100 йиллик тарихига эга бўлган ҳайвонат боғи, 25 гектарни эгаллайдиган ландшафтли парк майдони алоҳида ажралиб туради. Гамбург парки 1991 йилдан буён архитектура ёдгорлиги сифатида қўриқланади.

Шверин саройи парк ансамбли 1857 йилда қуриб битказилган.У Шверин кўли бўйида жойлашган. Сарой Фридрих Франц II ҳукумдорининг символи ҳисобланади. Сарой таркибида 653 та заллар бўлиб, улардан Трон (тахт) зали алоҳида ажралиб туради. Тантали Галерея,ўйин хонаси,минорали хоналар, чинни буюмлари комплекси, классик музика концерт зали ҳар бир ташриф буюрувчида жуда катта тассурот қолдиради.

Сув саройи Анхольт – Мюнстерланд минтақаси ғарбий қисмида жойлашган. У XII асрда қурилган. Тахминан 1700 йилларда у қайта таъмирланган. Княз Николауса Сальм – Сальма ташаббуси билан саройда музей ташкил этилди. Сарой парк ансамбли билан ўралди. Унда сув боғи,орол, лабиринт (одам адашиб қоладиган айланма жой – қаср), гулзор ўтлоқ мавжуд. Анхольт архитектура мажмуаси дам олиш, ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган. Унинг ёнида Бент – Хайм қалъаси, Геммен сув саройи жойлашган.

Сангерхаузен атиргуллар парки. У 1893 йилда Альберт Хофман томонидан ташкил этилган, унинг майдони 12,5 гектарни ташкил қилади. Паркда 8300 хилдан ортиқ атиргуллар ўсади. Буталарнинг умумий сони 75000 тадан ортиқ. Бу энг кўп сонли парк Гиннес рекордлар китобига киритилган.

Пильнитц сарой – парк ансамбли. Дрезден шаҳри атрофидаги Пильнитц қишлоғида жойлашган. Бу сарой ансамбли XVII асрда Иоганн Георг IV томонидан қурилган. Парк 28 гектар майдонга эга бўлиб, унда сув саройи, церковь, узумзорлар жойлашган.

Фриденштайн саройи. 1656 йилда герцог Эрнест томонидан Саксониянинг Гота шаҳрида қурилган. Саройнинг умумий узунлиги 140 метр, эни 100м. сарой ҳудудида театр, музей, тамошо заллари жойлашган.

Музейлар. Вильгельм Буш карикатура ва расмлар музейи. 1937 йилда ташкил этилган. Унда 35000 дан ортиқ экспонатлар мавжуд.

1. Бонн тасвирий саънат музейи.

2. Гунценхаузер музейи Хемнице шаҳрида 2007 йилда очилган. Унда 2500 та иш, 270 та расмлар намойиш қилинган.
3. Майнце саънат музейи.
4. Шарқий Осиё халқлари саънати музейи. Кельн ш .1913 й.
5. Шпренгель номли музейи.
6. Людвиг номли музейи. Кельн ш. 1976 й.
7. Фолькванг музейи. Эссен ш. 1922 й.
8. Билефельдо тасвирий саънат музейи.
9. Магдебург тасвирий саънат музейи.
10. Пабло Пикассо графика музейи
11. Лейпциг қоғоз ишлаб чиқариш музейи.
12. Франкфурт-на-Майне ҳозирги замон санъат музейи.
13. Штедел номли бадий институт музейи.
14. Брандхорст ҳозирги замон санъат музейи.
15. Берлин музейлар ороли.
16. Холокоста қурбонлари хотираси меъмориал мажмуаси.

ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон мероси - машҳур табиат ва маданият ёдгорликлари.

Ҳозирги кунда ЮНЕСКО нинг бутун жаҳон мероси рўйхатига Германия ҳудудида жойлашган объектларнинг сони 38 тани ташкил қилади. Бу объектлар қаторига архитектура ёдгорликлари, қадимги шаҳарлар, олдинги (эски) саноат комплекс (мажмуа)лари, ғаройиб табиат ландшафтлари киради.

Маульброни монастири. Монах (роҳиб)лар томонидан 400 йил давомида қурилган бино. Маульброн қумли тупроқдан ясалган ноёб архитектура ансамбли, Германиянинг Шимолий Альп минтақасида XII-XVI асрлар давомида қурилган. Монастирни қуриш ишлари 1147 йилда бошланган. Ўз вақтида Маульброни монастирида астроном Иоганн Кеплер, шоир Фридрих Гельдермен, прозоик Герман Гесселар таълим олганлар.

Берлин музейлар ороли. Берлиндаги музейлар агломерацияси дунё миқёси бўйича тенги йўқ музейлар ороли бўлиб ҳисобланади. Унинг таркибида 5 та музейлар бўлиб, улар Берлин шаҳрининг марказида жойлашган. Музейлар оролида биринчи бор Эски (Пруссия) музейи 1830 йилда, янги музей 1859 йилда, Эски миллий галерея 1876 йилда, Боде номидаги музей 1904 йилда, Пергам музейи-1930 йилда қурилган.

Вюрцбургдаги архиепископ резиденцияси ва сарой парки-бу Гермения мамлакатидаги атоқли, машҳур саройлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу сарой Вюрцбург княз-архиепископи Болтазар Нойман тамонидан 1740-1770 йилларда асос солинган. 1765-1780 йилларда унинг атрофида ҳашаматли парк (боғ) ташкил этилди. Вюцбургдаги сарой-парк мажмуаси Европа стилида қурилган машҳур архитектура қурилиш объектларидан ҳисобланади. Княз саройини қуришда бутун Германия ва Европага машҳур бўлган қурувчи усталар-Лукосс Фон Хильдбрандт, Максимиляиан фон Вельп, Робер де Котт и Жермен Бофран кабилар иштирок этган. Саройнинг ташқи кўриниши истеъдодли, талантли италиялик рассом Антонио Босси, резиденциянинг нақш ижодкори, скульптори Иоганн Вольфган ван дер Аувер ва Георг Адам Гутман томонидан бажарилган. Бинонинг шифти тасвирий санъат устаси Джовани Баттиста Тьеполо томонидан ишланган. Бу ҳамма усталар саройни қуриб битказишда ўзининг бутун таланти ва ижодини намойиш этганлар.

Маркграф опера театри – Байротда қурилган театр архитектурасининг энг буюк ва машҳури ҳисобланади. Бу бино 1746-1750 йилларда Маркграф буюртмаси бўйича Фридрих ва Вильгельм Бранденбург-Кульмбахлар томонидан қурилган. Ушбу театр биносида опера санъати фестиваллари, спектаклари намойиш қилинган. Бино ёғочдан ясалган.

Бамберг – епископ(руҳоний) лар тарихий маркази ҳисобланади. У мамлакатда **“иккинчи Рим”** номи билан аталадиган машҳур маданий шаҳардир. Бамберг минг йиллик

тарихга эга бўлиб, бу ерда авлиё Петр ва авлиё Георг собори жойлашган. Шаҳарга 1007 йилда император Генрих 2 томонидан асос солинган. Шаҳар марказида 1200 дан ортиқ бинолар XI-XVIII асрларда қад кўтарган бўлиб, Рим папаси Клемент мақбараси, Генрих II ва унинг умр йўлдоши Кунигунда қабрлари жойлашган. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига Қадимги ратуша (шаҳар ҳокимияти) биноси, парк, пиво заводи ва бошқалари киради. Шаҳарда гастрономик туризм ривожланган.

Любек – тарихий шаҳар бўлиб,у Болтиқ денгизи бўйида ташкил топган. Шаҳарга 1143 йили асос солинган. У оролда жойлашган қадимги шаҳар ҳисобланади. Шаҳарда - ратуш, Бургклостер монастри, авлиё Петр черкови ва собори, Хольстентор дарвозаси, ўлкашунослик музейи жойлашган. Любек шаҳри Германиянинг машҳур ва атоқли кишилари Томас Манн, Вилли Брандт ва Гютнер Грасалар туғилган маскандир.

Раммельсберг руда кони. Юқори Гарц тоғларида жойлашган. У минг йиллик тарихга эга бўлган Гослар саноат марказида жойлашган.Ҳозирги кунда руда кони ишламайди. У музейга айлантирилган. Раммельсберг шаҳрида Вилькенрид монастри ҳашаматли сарой, шаҳар черкови, соат минораси, қадимги ратуш, қадимги руда кони, сув сақловчи тизим (кўллар, каналлар) мавжуд.

Аахен собори - 790-800 йилларда Буюк Карл томонидан асос солинган бинодир. 814 йилда Буюк Карл (Великий) Аахен соборига дафн қилинган. 936 йилдан то 1536 йилгача бу ерга 30 дан ортиқ император ва қиролликларни қабул қиладиган жой ҳисобланган. Бу ерда тож кийдириш, тахтга кўтариш маросимларини ташкил қилган маскан бўлган.

Аугустусбург ва Фалькенлуст саройлари. Германиянинг Рейнланд минтақасидаги Брюле шаҳрида XVIII асрда қурилган саройлардир.Бу архиепископ Клеменс Август резиденцияси ҳисобланади.Аугустусбург саройи 1725 йилда қурила бошланди ва қарийиб 40 йилга чўзилиб кетди. Фалькенлуст овчилик саройи 1729-1737 йилларда қурилган.

Эссен тошкўмир ва какос заводи. Ушбу саноат комплекси энг қадимги ва чиройли тоғ-кон саноати корхонаси бўлиб ҳисобланади. У 1927-1932 йилларда архитекторлар Фриц Шупп ва Мартин Кременлар томонидан яратилган. **“Цольферейн”** саноат комплекси 135 йил давомида фаолият кўрсатди ва 1988 йилда у музейга айлантирилди.

Кельн собори. Эрамизнинг IV асрида ҳозирги Кельн собори ўрнида церков бўлган. 1248 йилда Кельн собори қурила бошланди ва ниҳоят 1880 йилга келиб у тўлиқ битказилди. Кельн собори зиёрат қилувчи қадамжо ҳисобланади. Ҳар йили 6 миллиондан ортиқ туристлар ташриф буюришади. Кельн соборида Мариянинг Милан шаҳридан келтирилган учта сиҳргар мурда суяги жойлаштирилган. Ҳозирги кунда соборда амаллий санъат асарлари, жумладан авлиё Петр ҳассаси, оёқ – қўлидан михлаб қўйилган Исо сурати солинган бут ва бошқалар сақланиб келинмоқда. Соборда доимо концертлар, хор жамоаси, карнаваллар ўтказилиб келинмоқда.

Веймер – Гёте, Шиллер ва Гердер каби адабиётчи ва файласуфлар юрти . Бу ерда шоир Гёте уй музейи, драматург Фридрих Шиллер уй музейи, файласуф ва геолог Моган Гайфрид Гердер уй музейлари ташкил қилинган. Шаҳарда ҳар йили **«Бетмер ёзи»** фестивали ўтказилинади. Фестивал дастурида театр кўринишлари, концертлар очиқ ҳавода, кинокўрсатувлар, шеърхонлик ва бошқалар алоҳида ўрин эгаллайди.

Дессау – Верлиц сарой – парк мажмуаси. Ушбу мажмуа Эльба ва Мульде дарёлари ландшафт поймасида жойлашган бўлиб, у 140 кв.км майдонни эгаллайди. Диссау – Верлиц сарой парк мажмуаси XVIII асрда княз Леопольд III Фридрих Франц фон Ангальт Дессу (1740-1870 й) томонидан қурдирилган. Мажмуани қуришда ландшафт архитектурасидан кенг фойдаланилган. Ҳар йили Дессау – Верлиц сарой-парк мажмуаси ҳудудида кўп минг кишилик концертлар, мусиқий фестиваллар ўтказилади.

5.3. Аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиёти

Аҳолиси. Германия мамлакати аҳолисининг умумий сони 83млн. кишидан ошади. Аҳолининг ўртача зичлиги мамлакат бўйича бир кв.км.га 234 кишини ташкил этади. Аҳолининг этник таркибида немис миллати 93%, австрияликлар - 0,7%, чехлар – 0,6%, поляклар – 0,4%, италияликлар – 3,0%, турклар – 2,3%, ни ташкил қилади. Аҳолининг 80 %дан кўпроғи шаҳарларда яшайди. Диний этиқодига кўра аҳолининг қарийиб 45%и протестанлар, 37% католик, 2% ислом динига эътиқод қилишадилар.

Германия шаҳарлари. Йена – йирик саноат компаниялари “ Шотт Глас” ва “ Карл Цейс” жойлашган шаҳар.Шаҳар мамлакатда ўзининг интелектуал салоҳияти иновациион фаолияти, илм-фан соҳаси билан ажралиб туради. Буюк олимлар Карл Цейс, Отто Шотт ва Эрнест Аббелар XIX асрда Йена шаҳрини энг ривожланган саноат марказига айлантирадилар. Шаҳарда музейлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, планетарий, 36 ва 59 қавватли бинолар, Шиллер уй-музейи, ажойиб астраномик соатлар, ресторанлар, 7 (етти) бошли аждарҳо ҳайкали (1600 й) жойлашган.

Германия давлати пойтахти – **Берлин** шаҳри(3,8млн.киши). **Йирик шаҳарлари:** Гамбур (2,0млн.к), Мюнхен (1,4млн.к), Кельн (1,1млн.к), Франкфурт – на – Майне (750минг к.), Эссен (650минг к.), Дортмунд (600минг к.), Дюссельдорф (600минг к.), Штутгарт (600мингк), Лейпциг (550минг к.), Дрезден (530минг к.), Бонн(300минг к.), Нюренберг (300минг к.), Бремен (300минг к.), Ганновер (300минг к.). Асосий денгиз портлари: Гамбург, Бременхафен, Висмар, Киль, Любек, Росток, Эмден ва бошқалар.

Германия иқтисодиёти. Германия яхлит давлат сифатида 1990 30 октябрда ташкил топди: ГФР ва ГДР бирлашди. Территориясининг ҳажми бўйича Германия Европада 5 – ўрин (Франция, Испания, Швеция, Норвегиядан кейин)ни, аҳолиси сони бўйича 1 – ўринни эгаллайди.

Германия жаҳоннинг йирик ва иқтисодий тараққий этган мамлакатларидан бири. Минерал хом ашё ресурсларига бой.

Мамлакат меҳнат ресурслари билан таъминланган. Бу ерда паст ҳақ тўланадиган чет эллик ишчилардан кенг фойдаланилади. Германия – аҳолиси юқори даражада тўпланган мамлакат. Мамлакат ғарбий қисмида аҳоли ўртача зичлиги 1 кв. км. га 245 кишини, шарқий қисмида 155 кишини ташкил қилади. Германия Европа мамлакатлари орасида кўпроқ урбанизациялашган . Шаҳарларда мамлакатнинг 88 % аҳолиси яшайди. Миллий таркиби бир турли – 93 % ва асосан немислар. Диний эътиқоди бўйича 49% аҳоли протестантлар, 45% католиклар.

Германия давлат тузими – 16 федраль ерни бирлаштирган республика. Давлат бошлиғи федераль президент. Қонунчилик ҳокимияти палаталардан иборат, федераль парламент: бундестаг (депутатлар палатаси) ва бундесрат (ер палатаси). Ижроий ҳокимияти федратив канцлер бошчилигидаги маҳкама томонидан амалга оширилади.

Германия 1955 йилдан буён НАТО ҳарбий блоки аъзоси. Европа ҳамжамиятига киради. Германия Ғарбий Европа ва жаҳоннинг қудратли мамлакатларидан ҳисобланади. Унинг тараққий этган мамлакатлар саноати ишлаб чиқаришидаги улуши 12%, саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича АҚШ ва Япониядан кейин учинчи ўринда туради. Германия халқаро миграцияда иштирокини анча кўпайтирди ва йирик капитал экспорти ва импортига айланди.

Германия – индустриал-аграр мамлакат бўлиб, иқтисодиётнинг характерли қирралари қўйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш ва капиталнинг юқори даражада тўпланган («Фольксваген», «Тиссен», «Круп», «Сименс», «Бош», «Басф»; концернлари);
- илмий-техника прогрессии (ИТП) ютуқларини доимий жорий этилиши, таълимга, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик (НИОКР)га харажатларининг ўсиши;
- Юқори сифат ва экологик хавфсиз маҳсулотлар эвазига рақобатбордошликни ошириш;

- Хорижий капиталнинг сезиларли роли.

Германия саноатининг етакчи соҳалари: машинасозлик, кемасозлик, асбобосозлик (приборсозлик), кимё саноати, электроника, энергетика. Саноат типидаги кишлок хўжалик тармоқлари юксак тараққий этганлиги билан ажралиб туради.

Германиянинг бирлашиши жаҳон хўжалиги алоқалари ва Европада вужудга келган сиёсий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда олға ташланган қонуний қадам бўлди.

ГФР ва ГДР бирлашишига туртки бўлган иқтисодий вазият қуйидагича кечган:

- Германия иқтисодиётининг ишончли ривожланишига қарамай,йиллар давомида шафқатсиз рақобат, бозор тўкинлиги доираси уфқларда инқироз(кризис) вазияти хавф солиб туради;
- Қўшни ГДРдаги қудратли ижтимоий дастур ГФРни ижтимоий соҳаларга катта маблағ ажратишга мажбур этди;
- ГДР мансуб бўлган социалистик мамлакатлар иқтисодиётида инқироз белгилари кучайди, саноат ўсиш суръатлари пасайди;
- Собиқ ГДР бозорларига мол чиқариш имконияти катталиги, барча ишлаб чиқариш турларининг тараққий этиши ва янги технология қўлланилиши;
- ГДРда нисбатан арзон ишчи кучлари мавжудлиги
- ГДР ўзининг иқтисодий ривожи билан жаҳонда 10-ўринда туради.

Бирлашиш жараёни ГФР тадбиркорларига молиявий қийинчиликлар туғдирди.

Икки давлатнинг бир-бири билан бирлашишига ижтимоий сиёсий туртки Буюк Германия ғояси бўлиб, у кўп асрлик тарихга эга.Бирлашиш арафасида бу ғоя турли воситалар, усуллар билан зўр бериб тарғиб қилинди.Турли ишдаги кишиларга мўлжаллаб иштиёқ билан китоблар ёзилди, фильмлар ишланди. Ҳарбий жасорат, шон-шавкат, ватанпарварлик тушунчалари немис миллати билан ўзаро чуқур боғланиб кетган эди. 1945 йилдаги уруш мағлубияти немис халқи учун миллий иснод сифатида қабул қилинди. Ғарбий ва шарқий қисмдаги немислар учун бу оғир зарба эди. Бундан холос бўлиш учун бирлашиш лозим деган мотив олға сурилди.

Шарқий немислар ГДР да барқарор ҳаёт таъминланган бўлсада ўз турмуш даражасини СССР билан эмас балки,ГФР билан таққослашарди.Қудратли Ғарбий Германия иқтисодиёти билан халқаро ярмаркаларда (масалан, Лейцигда)учрашувлар, қариндошларникига бориб келганда кўрганлари ҳам уларни ГФРга ҳавас ва қизиш уйғотади.

1990 йил 1 июлда ГДР ва ГФР ўртасида валюта, ижтимоий-иқтисодий иттифоқ ҳақидаги шартнома кучга киради.1990 йил 3 октябрда Берлин девори бузиб ташланади. Германиянинг Ғарбий ва Шарқий ерлари бирлашиши оқибатида ижобий ва салбий ҳолатлар пайдо булди:

- Ғарбий-немис маркаси шарқий немис маркасини ютиб юборади, шарқий немисларнинг жамғармалари тезда турли товарлар ва хизматларга сарфланиб кетди;
- ГДРнинг рақобатга бардошсиз кўпгина корхоналари ёпилди, ишсизлик учун тўланадиган нафақа йўқотилган ишнинг ўрнини қоплай олмади;
- турли ижтимоий дастурлар қисқарди, инфлация жараёнлари кучайди;
- мулкчилик билан боғлик муаммолар ўткирлашди.
- ГФР қонунлари шарқий ерларга тарқалди. Кўпчилик собиқ эгалар шарқий ерлардаги олдинги ўз мулкини даво қилиб чиқишди.
- Бирлашиш ғарбий ерлар учун бир қатор итисодий қийинчиликларни вужудга келтирди:
- миллий ички маҳсулот ўсиш суратлари кейинги 15 йилда максимал даражага кўтарилиб -4,5 фоизни ташкил этди;
- ишлаб чиқариш қувватлари юкланиши ошди;
- бандлик сони ўсди;
- ишсизлар сони қискарди;

- ғарбий ерларда шахсий истемол солиқларнинг камайиши эвазига кўпайди;
- агар ГФРда илгари иқтисодиётни харакатлантирувчи асосий куч экспорт бўлса, энди ўсишнинг ички устунлиги рағбатлантирилди;
- шарқий ер ва собиқ СССР Республикаларидан кўчиб келганлар оқимининг кучайиши уй жойга талабни оширди бу эса қурилишга капитал қурилмаларни кўпайтирди.

Ишлаб чиқариш қувватлари юкланиши кўпайиши ва истеъмол молларини ишончли сотилиши саноатда инвестицияларнинг ўсишига (12%) олиб келди. Жами инвестицияларнинг тахминан 25% ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга йўналтирилди. Ғарбий Германия корхоналари ишлаб чиқариш қувватлари бир йил ичида (бирлашгандан сўнг) 3.5% га ўсди.

Иқтисодий моментларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларини ҳисобга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бирлашиш ГФРни тараққий этишига қудратли туртки бўлди.

Сўнги йилларда Бирлашган Германиянинг ички ялпи маҳсулоти (ИЯМ) ўсиш суръатлари ўртача 2,5-3%ни ташкил этмоқда. Ғарбий ва шарқий қисмлар тараққиёт суръатлари яқинлашиши кўзга ташланаяпти. Ички талабнинг ўсиши инвестицион фаоллика сабаб бўлмоқда. Капитал қуйилмалар 4% дан кўпроққа кўпайди. Инвестицион фаолиятни рационализация ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтирилган иқтисодиёт ривожланишини таъминлабгина қолмай, балки соҳавий дифференциацияни сезиларли даражада сақлаш имконини берди. Қурилиш, тўқимачилик ва тикувчилик соҳаларида инқироз бироз чуқурлашди.

Қайта ўзгаришлар ишлаб бўлинган ва синалган қонунчилик доирасида рўй бераяпти. Ғарблик ва шарқлик немислар ўз табиатларига кўра ягона миллат, юқори ишчанлик, маъсулиятини чуқур ҳис этиш, аниқлик, миллий интизомлик уларга хос хусусиятлар.

Шаҳарлари. Дуисбург – Рур областидаги шаҳар. У буюк картограф геолог ва математик Герхард Меркаторнинг ватани. Шаҳарда драма театр, тўртта музей, опера театри, филармония, кинотеатрлар бор.

Бохум – маданий марказ ва турли хил байрам тантаналари намойиш этиувчи шаҳардир. Бохум ўтмиши кўмир саноати билан боғланган. Бу ерда кўмир саноати музейи мавжуд. Музей ўзининг йўналиши бўйича дунёда ягона тенги йўқ корхонадир. Шаҳарнинг диққатга сазовар объектлари қаторига планетарий, концерт зали, ресторанлар, пивохоналар киради.

Франкфурт замонавий шаҳар бўлиб, брокерлар, банклар, савдо биржалари ва катта пул эгалари маркази ҳисобланади. Франкфурт Европа бўйича музейлари билан танилган шаҳар. Шаҳар Майн дарёсининг жанубий қирғоқида жойлашган. Бу ерда Германиянинг бадиий музейи, Кино музейи, Архитектура музейи, Декоратив ва амалий санъат музейи, Яҳудийлар музейи жойлашганлар.

Нюренбург - Германия тарихидаги жонли музейдир. Нюренбург шаҳрига 1140 йилда КондратIII томонидан асос солинган. Шаҳарнинг диққатга сазовар жойларига Нюренбург императори қалъа музейи, Адолат саройи, шаҳар музейи, темир йўл, халқ хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари кўргазмалари ва бошқалар.

Магдебург - Саксония – Ангальт федерал ерининг маркази бўлиб, у Германиянинг ғарбий қисмидаги қадимги шаҳарлардан биридир. Магдебург император Оттона томонидан асос солинган, у шу ерда авлиё Маврикия ва авлиё Екатерина соборида энг таниқли ва машҳур архитектура ёдгорликларидан бири саналади. Шаҳарда техника музейи, табиатшунослик музейи, тарихий-маданий музей, санъат музейи ва бошқалар ташкил қилинган. Магдебург шаҳрида гастрономик туризм ривожланган.

Фрайбург – Германиянинг жанубий қисмида жойлашган гўзал шаҳардир. Шаҳар ўзининг соборлари, шаҳар бозори (1532й), “Цум-Шенен-Экк” данғиллама уйи (1761 й), 116 метрли баланд минораси, марказий майдони билан алоҳида ажралиб туради.

Оффенбах шаҳри Майн дарёси қирғоғида жойлашган. Оффенбах теричилар ва муҳр(печат)чилар шаҳридир. Оффенбах тери, чарм - пойафзал саноати марказидир. Бу ерда тери, чарм - пойафзал маҳсулотлари кўргазмаси музейи, нашриёт ва полиграфия музейи, Германия метеорологик хизмати идораси, Изенбург қалъаси, ажойиб церковлари, боғ-парк ансамбли ва бошқалар бор.

Дармштадт - бу шоирлар, мутафаккирлар ва космосни тадқиқот қилувчилар шаҳридир. Бу ерда жуда кўпгина босмахоналар, адабиёт, санъат, мусиқа соҳасидаги таниқли ташкилотлар, космик учишларни бошқарадиган Европа маркази (ESOC), Гессен ери музейи, бадиий музейи, театрлар, Қадимги ратуша, Луизенплац майдони, Марктплац майдонидаги сарой, Авлиё Людвиг ва Авлиё Павел церковлари, саккиз қиррали Ахтэккхус биноси, оронжерея, Розенхеэ парки, православ бутхонаси ва бошқалар жойлашган.

Баден – Баден XIX-XX асрларда **«Европанинг ёзги пойтахти»** номини олган. Курорт-шаҳар ва маданият маркази саналади. Баден – Баден ўзининг термал маъданли сувлари билан машҳур. У юрак, қон-томир касалликлари, ревматизм, бўғин касалликлари, модда алмашинуви ва нафас олиш органлари касалликларини даволашда қўлланилади. Баден – Баден шаҳри жуда кўпгина парклар, театрлар, казино, концерт заллари, музейлар, ресторанлар ва савдо дўконларига бойдир.

Берлин – Германиянинг пойтахти. У жуда кўпгина диққатга сазовар жойлар ва объектларга бой шаҳар. Шуҳбасиз Берлин шаҳри рамзи бу Бранденбург дарвозаси ҳисобланади. У энг таниқли архитектура ёдгорликларидан бири. Кўп йиллар давомида дарвоза Берлин шаҳрини икки қисмга ажратиб турди. Ҳозирги кунда Бранденбург дарвозаси ва Париж майдони шаҳарнинг марказий қисми саналиб, унда соат сайин янги ғоялар пайдо бўлади, замонавий санъат ва маданиятлар ижод қилинади. Берлинда Немис тарихий музейи, Немис ва французлар собори "Концертхаус" концерт зали, бадиий галерея, кинотеатрлар, драмтеатрлар, варетье, ресторанлар, барлар, савдо марказлари,кўп километрлик Берлин девори қолдиқлари қад кўтариб турибди.

Кельн – Шимолий Рейн – Вестфалия саналади. Федрал ернинг пойтахти Шаҳарнинг диққатга сазовар жойларига Кельн собори, Альтер – Маркт ва Хоймаркт майдонлари, шаҳар марказидаги пиволи тунги барлари, ресторанлари, дискотека, театр, концерт заллари, Рим-Герман музейи, Вальрафо номли музейи, шоколадлар музейи ва бошқалар киради.

Крефельд – Германиянинг шойи саноати маркази ҳисобланади. Бу ерда шойи, бахмал, парча каби матолар ишлаб чиқарилади. Крефельдда кўпгина театрлар, Шойи уйи, Немис тўқимачилик музейи, зоопарк ва бошқ. бор.

5.4. Германиянинг туризм инфратузилма тармоқлари

Германия туризми инфратузилмасида транспорт тармоқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатда транспорт тизими саноат ва қишлоқ хўжалигидан сўнг учинчи ўринда туради. Транспорт тизимининг асосини темир йўл, автомобил ва денгиз транспорти ташкил этади. Булардан ташқари мамлакатда ҳаво транспорти, дарё ва қувур транспорти ҳам мавжуд. Туризмда туристларга хизмат кўрсатишда темир йўл транспорти алоҳида ўринни эгаллайди.

Темирйўл транспорти. Германияда ҳар йили темирйўл транспортида пассажирларни ташиш 2 млрд, кишидан ортади. Мамлакатдаги жамийки темирйўлларнинг узунлиги 39 минг километрни ташкил этади. Германия давлати темирйўлларнинг зичлиги бўйича ҳам олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатдаги айрим темирйўл линиялари тезюрар поездларга мўлжалланган. Шундай поездларга Intercity-Express тезюрар поезидир. Ҳозирги кунда Ғарбий ва Шарқий Германия темирйўллари бир-бирига қўшилиб кетган ва у бир тизимга бирлашган. Германияда темирйўллар ҳаракати икки хилдан иборат. Яъни биринчи узоқ масофага ва яқин масофага (шаҳарлар четки қисмига) қатновчи поездлардир. Тезюрар поездлар асосан мамлакатнинг йирик ва узоқ шаҳарлари

ўртасида қатновга қўйилган. Тезюрар экспресс пассажир ташувчи поездларнинг ўртача тезлиги соатига 300 км. ни ташкил этади. Пассажир поездларининг иккинчи тури бу шаҳар атрофига қатнайдиган поездлар (S-Bahn) қисқа масофаларга қатнашади. Бу поездларнинг ҳаракати жуда тез бўлиб туради. Бу типдаги поездлар ҳаракати айрим ҳолларда ер тагидан ўтади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Германияга Европа мамлакатларидан туристларнинг келадиган кўпчилик қисми поездларда келишади. Узоқ масофаларга қатнайдиган поезднинг вагонларида туристлар учун барча шарт-шароитлар яратилган; яъни ухлайдиган вагонларда ванна, душ, ресторан, буфет хизматлари кўзда тутилган. Германияда пассажир поездларида юриши учун жойлар олдиндан бронлаштирилади. Билетни брон қилиш ёз ойларида зарур бўлади. Бу пайтда туристик мавсум авжига чиққан бўлади, яъни билет сотиб олишга талаб ва эҳтиёж кўп бўлади.

Автомобиль транспорти. Мамлакат иқтисодиётида автомобиль транспорти ўз аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Германияда ҳозирги кунда 53 млн. автомобиллар (шу жумладан енгил автомобиллар) мавжуд экан. Мамлакатда автомобил йўлларининг узунлиги 230 минг километрни, шу жумладан – автобанлар(махсус бетон қопламаларга эга бўлган халқаро магистрал йўллар) 12500 км. ни ташкил қилади.

Германия автомобил йўлларининг зичлиги бўйича Европа ҳатто дунё мамлакатлари ўртасида биринчи ўринда туради. Мамлакатда федераль аҳамиятга эга бўлган йўлларнинг умумий сони 40,2 минг километрни ташкил этади.

Ҳозирги кунда Германия иқтисодиётида жамоатчилик транспорти алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатнинг йирик шаҳарларида, жумладан Берлин, Кельн, Гамбург, Мюнхен, Франкфурт-на-Майн, Штутгартларда ягона жамоатчилик транспорти тизими ишлаб турибди. Уларда автобус маршрутлари, трамвай маршрутлари ва линиялари билан туташган. Автобуслар шаҳарлараро маршрутларда қатъий график асосида қатнашади. Автобус ҳаракатлари турли хил компанияларга тегишли бўлиб, ҳар бири ўзи ва тегишли тарифи ва графиги бўйича ишлайди. Автобусларда юриш поездда юришга қараганда анчагина секинроқ, ишончсизроқ,самарасизроқ, қулайсизроқ ҳисобланади. Мамлакатнинг шундай жойлари борки, жуда нотекис, ноқулай рельефга эга бўлган ҳудудларида, жумладан тоғ, тоғ олди минтиқалари Гарц, Бавария, Альп тоғлари атрофларида автобусларда юриш ва сайр қилиш, темирйўл транспортига нисбатан анча қулай ҳисобланади.

Автобусларда юриш Германиянинг барча шаҳарлари ва аҳоли пунктларида яхши йўлга қўйилган. Йўловчи ташувчи автобуслар Германия автомобил заводларида ишлаб чиқарилади. Автомобил заводларининг энг йириги **“Мерседес Бенс”** корхонаси ҳисобланади. Ушбу корхона енгил автомобиллар, автобуслар, автомеҳмонхона(тиргакич) ларни ишлаб чиқаради. Германияда жуда кўпгина туристик фирмалар автобус компаниялари билан шартнома тузиб, мамлакат бўйлаб саёҳат ва экскурсияларни ташкил қилишади. Автобусларда саёҳат Германиянинг ўзида бўлиб қолмасдан балки қўшни Европа мамлакатларига ҳам доимий равишда уюштирилиб туради. Автобусларда уюштирилган саёҳат ва экскурсияларнинг давомийлиги 1-2 кун, айрим ҳолларда у 2-3 кунча давом этиши мумкин. Автобусларда саёҳат қилиш, темирйўл транспортида саёҳат қилишга қараганда анча арзон нархда амалга ошади ва жуда қулай ҳисобланади. Чунки автобуслар саёҳатчиларни туристик объектлар олдигача олиб боради. Сайёҳга кўпроқ пиёда юриш, транспортни кутиш ва ундан алмашишга ҳожат қолмайди.

Метро – бу ер ости поезди бўлиб, Германиянинг кўпгина йирик шаҳарларида мавжуд. У эрталаб соат 4.00 дан, кечаси то 01.00 гача ҳаракат қилади. Метро поездларининг ҳаракат оралиғи 5-8 минутни ташкил этади. Метрода юриш нархи мамлакатнинг турли шаҳарларида ҳар хил нархдадир. Метрода юриш ўртача нархи 7 еврони ташкил этади. Германияда махсус туристик бепул танспорт хизмати ҳам йўлга қўйилган. Бу музейлар, диққатга сазовор жойларнинг гавжум жойларига қатнайдиган транспорт воситалари учун белгиланган.

Ҳаво (авиация) траспорти халқаро ҳаво йўналишларида хизмат кўрсатишади. Германияда ҳаво транспорти йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Мамлакатнинг давлат авиакомпанияси «Люфтганза» бўлиб ҳисобланади. Йирик аэропортлари Франкфурт, Берлин ва бошқалар. Шуни айтиш жоизки, Германияда ички, маҳаллий ҳаво транспорти жуда паст даражада ривожланган. Бунинг сабаби, Германиянинг ҳудуди унчалик катта эмас. Йирик шаҳарлар орасидаги умумий масофа узунлиги 700-800 км.ни ташкил қилади. Масофалар яқин бўлганлиги сабабли кишилар учун самолётда учиш шарт эмас. Улар бу масофани автомобилда 3-4 соатда босиб ўтишадилар. Немислар мабодо хорижий мамлакатларга бормоқчи бўлсалар, албатта улар ҳаво транспортидан фойдаланишадилар.

Германия меҳмонхоналари. Германиядаги меҳмондўстлик индустрияси юқори даражада ривожланган. 2009 йилги маълумот бўйича мамлакатда 53 мингдан ортиқ катта ва кичик, турли хил тоифаларга эга бўлган меҳмонхоналар тизими ишлаб турибди. Ушбу меҳмонхоналардаги ўринлар сони 2 млн. 660 мингтадан ошади. Ёзги туристларнинг келиш мавсумида эса йирик шаҳарларда, денгиз, дарё портларида жойлар етишмаслиги сабабли ҳатто қирғоқда турган ўнлаб, юзлаб кемалари қўшимча меҳмонхона сифатида фойдаланилади.

Германия энг қадимги ва нуфузли меҳмонхоналар рўйхатига «Кайзерхоф» (немисча Нотел Каисерҳоф) меҳмонхонаси киради. Бу Берлин шаҳаридаги биринчи «Люкс» классли меҳмонхонадир.

Меҳмонхона 1872 йилда қурилиб, 1875 йил октябр ойида ишга туширилган, 1943 йил 23 ноябрда бомба тушиши натижасида тўлиқ вайрон қилинган. Меҳмонхона сиғими 260 та замонавий дид билан қурилган номер (хона)лардан иборат. Меҳмонхонада йирик учрашувлар, тантаналар ўтказиладиган залларига эга бўлган.

Германияда меҳмонхоналари хизмат кўрсатиш даражаси, жойлашган ўрни, мўжалланиши, йўналиши бўйича қуйидагича классификацияланади.

Apartment – апартментли отель. Бу фақат яшаш ва тунаш учун мўлжалланган. 3 марта овқатлантирмайди, фақат нонушта беради холос.

Сервис хизмати, қоида бўйича чегараланган. Фақат хона тозаланади ва йиғиштирилади.

Apartament – апартаментлар. У бир нечта хоналардан иборат бўлиб, туристик комплекс (мажмуа)ларда жойлашади ва умумий инфратузилмаларга (кир ювиш машинаси, қуритгичлар мустақил фойдаланиш учун) эга бўлиб, меҳмонларга хизмат кўрсатади. Апартаментда меҳмонлар ўзи овқат пишириб ейиши учун барча шарт-шароитлар бор.

Bauernhot – крестянлар ҳовлиси. Крестянлар ҳовлиси асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиради. Уларнинг асосий даромади қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан олинади. Дам олувчилар учун улар жой беради.

Biohof – биологик крестян ҳовлиси. Бу тоифадаги крестян ҳовлилари экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берадиган хўжаликдир.

Campingsplaty – кемпинг бу палатка (чодир) ва ғилдирак устидаги уй учун девор билан ўраб олинган майдон. Тартиб-қоидага кўра, унда электр энергия тармоғи, сув таъминоти манбаи ҳамда душ хонаси ва ҳожатхонаси бўлиши керак.

Feriendorf – дам олиувчилар учун махсус пункт (мажмуа, парк-боғ). У алоҳида жойлашган уйлар (50 тадан ортиқ) ёки апартаментлардан иборат бўлади. Унда ўзининг инфратузилмаси (спорт майдончалари, маданий тадбирларни ўтказиш жойлари, бинолари) бўлиши кўзда тутилади.

Ferienwohnung – дам олиш квартиралари яъни хусусий уйлардаги алоҳида хонасини қисқа муддатли вақтга ижарага беришга мўлжалланган жой. Квартира алоҳида санузел ва душлар билан жиҳозланган бўлиши, овқат пишириш хонаси бўлиши кўзда тутилади. Квартиранинг террасаси ва балкони меҳмон ихтиёрида бўлади.

Gastof – карвонсарой. Бу унча катта бўлмаган меҳмонхона, қоидага кўра у қишлоқ жойларда ресторан ёки закускахоналар, очиқ жойда ташкил қилинган бўлади. Карвансаройда конференц-зал, ўйинхоналар ёки телевизорли хоналар бўлмайди.

Hotel – отель. Бу меҳмонхона корхонаси бўлиб, унда ресторан ёки гастрономик сервисга эга бўлган корхонадир. Отель номини олиш учун камида 20 та номер (хоналарга эга бўлиши, кўп ҳолларда алоҳида душ (ванна), ҳожатхона, қабул қилиш ва қайд қилиш жойига эга бўлиши кўзда тутилади.

Hotel Garni – отель-Гарни. Бу юқоридаги (9 пунктга қаранг) отель талабларига жавоб берган ҳолда, у меҳмонларга фақат нонушта ва ичимлик таклиф қилади.

Jugendherberge - ёшлар турбазаси. Бу меҳмонхона бўлиб, асосан ўсмирлар ва ёш кишилар учун мўлжалланган. Унда меҳмонлар узоқ вақт яшамайдилар.Қоидага кўра, ёшлар турбазасида кўп кишилик номерлар бўлиб, унинг мебеллари оддийдир. Гастрономик хизматлар фақат шу ерда яшовчилар учун мўлжалланган.

Kurhein – пансионат. Бу меҳмонхона бўлиб, у минерал сув чиқадиган булоқ ёки курорт жойда жойлашади.

Kurklinik – курорт клиникаси. Бу медицина (тиббиёт) хизматларини кўрсатувчи, лицензияга эга бўлган меҳмонхона корхонасидир.

Beherbungsbetxiebe Kurmuglineiten - Меҳмонхона, соғломлаштирувчи муолажаларини таклиф этувчи корхона. Меҳмонхона (отель, карвонсарой, пансион-кичик меҳмонхона) соғломлаштирувчи муолажаларни даволанувчиларга тақдим этувчи объектдир.

Ldnblicher Ferienhof – қишлоқ ҳовлиси. Бу меҳмонхона корхонаси, собиқ фермер хўжалиги ҳудудида жойлашган бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришмайди. У меҳмонларни кутиб олади ва уларга хизмат кўрсатишади.

Motel – отель, меҳмонхона корхонаси бўлиб, қулай кириш йўлига эга бўлган автотранспорт воситалари тўхтаб турадиган манзиллар.

Pension – пансион. Бу меҳмонхона бўлиб, унда озиқ-овқатлар, ичимликларни сотадиган корхонадир.

Pension Garni– пансион-Гарни корхона. У келувчиларга фақат жой беришади. Фақат у нонушта бериши мумкин.

Privatvermieter - хусусий сектордаги хона, у хусусий меҳмонхона бўлиб, унга лицензия олиш шарт эмас. Қисқа муддатга тўхтаб ўтиладиган бино. Ундаги ўринлар сони 8 та кроватдан ошмаслиги даркор.

Peiterhof – от сарой. Карвансарой бўлиб, от спорти билан шуғулланувчилар учун мўлжалланган.

Sanatorium – санаторий. Бу меҳмонхона корхонаси бўлиб, у лицензия асосида тиббий хизматларни кўрсатади ва мижозларни даволайди. Санатория номерлари ва инфратузилмаси (шу жумладан, диогностика ва терапевтик жиҳозлар) даволаш ташкилотлари йўналишига тўғри келиши шарт.Қоидага кўра, санатория врачлар назорати остида ишлаш лозим.

Winzerhof – виночилик хўжалиги. Бу узумчилик билан шуғулланувчи сарой бўлиб, келувчи меҳмонларга ўз маҳсулотини таклиф қилади.

Овқатланиш корхоналари. Германия туризми инфратузилмасида овқатланиш корхоналарининг асосини ресторанлар, кафетерийлар, кафелар, буфетлар, ошхоналар, қаҳвахоналар, барлар ташкил қиладилар. Ушбу корхоналарда овқат тайёрлашда қўйилган талаблар муҳим роль ўйнайди. Овқатланишни ташкил этиш туристлар учун одатда ресторанларда, барларда, ошхоналарда ва қаҳвахоналарда амалга оширилади. Туристлар овқатланадиган корхоналарнинг биноси умумий санитария-гигиена, ёнғинга қарши кураш ва бошқа техник талабларга жавоб бериши зарур. Ушбу овқатланиш корхонаси биносида ҳаво ҳаракати, намлик талабларига мувофиқ келиши, нохуш ҳидлар, айниқса ошхона ва ҳожатхоналарда тарқалмаслиги лозим. Барча овқатланиш корхоналарига кириш жойида уларнинг номи ёзиб қўйилиши шарт.

Германияда ҳам бошқа хорижий мамлакатларидаги сингари туристлар кўпроқ ресторанларда овқатланишади. Ресторанларнинг аксарият қисми эса катта-кичик меҳмонхоналарнинг биноси таркибида жойлашган.кафе, кафетерий ва таворнилар мамлакат умумий овқатланиш корхоналарининг ярмини ташкил қилади. Уларда овқат сифати умуман олганда ўрта-миёна, нархи эса ўртачадир. Мамлакатнинг хар бир жойида жуда кўп закусакхона (енгил овқатлар, закускалар сотиладиган кичик ошхоналар), буфетлар тарқалган. Ресторанлар сон-саноқсиз бўлиб, улар хорижий мамлакатларнинг миллий таомлари бўйича ихтисослашганлар, жумладан хитой, ҳинд, италян, турк ресторанларидир.

(Nordsee)–бу немис ресторани бўлиб, у тез овқатланишга ихтисослашган корхонадир. Бу ресторанда овқатланиш 8-10 еврони ташкил қилади. Яхши тушлик ёки кечки овқат икки кишига 30-60 еврога тушади.

Германия фаст-фуда индустрияси халқаро тармоқлари. (ресторанлар MeDonalds, Burger Kungs ва Pizza Hut ва бошқалари) ҳамда маҳаллий компаниялар (жумладан Nordsee – кафелар тармоқлари) денгиз маҳсулотларидан тайёрланган таомларни таклиф этишади.

Комплекс тушлик овқат Макдональдсе ресторанида ўртача 6-7 евро; Биг МАК-ресторанида 3,5 еврога яқин туради. Донер кабоб (шаурмага ўхшаш – пит ёки лаваш, соус ва сабзавотлар билан) кўчадаги дўкончаларда 3-4 еврога сотилади.

Немислар ошхонаси ва анъанавий немислар таомлари. Немисларнинг овқатлари асосан гўшт, картошка ёки сабзавотлар, қайла ва салатлардан ташкил топади.

Анъанавий немис овқатлари мол гўшти рулети, шницель картошка фриси билан, фрикаделька чўчқа гўшти билан, сельд балиғи (тианк закускаси) ҳисобланади.

Немисларнинг анъанавий овқати бу колбасадир. Колбаса картошка пюреси ёки картошка фриси билан биргаликда дастурхонга тортилади.

Schwarwdlder Kirschtorte – немис пироги. Германиянинг кўпчилик жойларида ўзининг маҳаллий овқатлари мавжуд.

Мамлакатнинг шимолий қисми Болтиқ денгизи, Шимолий денгизи бўйи минтақасида балиқ маҳсулотлари ҳамда денгиз маҳсулотларидан тайёрланган овқатлар, Швабия ўлкасида лапша, қиймаланган гўшт фаршидан тайёрланган овқатлар, Бавария ресторанларида чўчқа оёғи картошка билан, гўштли пирог картошка билан тақдим этилади. Германиянинг жанубий қисми ўзининг пироги билан машҳур.

Германиянинг ичимликлари. Маълумки, Германия жуда кўп миқдорда яхши пиволарни ишлаб чиқаради. Мамлакатдаги айрим пиво ишлаб чиқарувчи заводлар 1871 йилда қабул қилинган қонунга амал қилиб пиво ишлаб чиқаришда хмель, солод, дрожи (ачитқи) ва сув ишлатади. Ҳозирги кунда мамлакатда 1200 дан ортиқ катта-кичик пиво заводлари ишлаб турибди. Пивода кўпик қанчалик кўп бўлса, у шунчалик сифатли ҳисобланади.

Пиво барлари Германияда жуда кўпгина тадбирлар ўтказиладиган жой ҳисобланади. Пиводан ташқари Германияда ўзининг виносини ҳам ишлаб чиқаради. Мамлакатда Саксония Ангальт ерида, Заале ва Унструт дарёлари водийсида узум етиштирилиб, ундан сидр, глинтвейн ва шнапс виноларини тайёрлашади.

Германияда немислар алкогольсиз ичимликлардан кофе, чой, шарбатлар, минерал сувларни ичишадилар.

5.5. Германиянинг халқаро туризмда тутган ўрни ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Ҳар йили Германияга 36 млн.га яқин сайёҳлар ташриф буюришади, ҳар бири меҳмонхонада камида икки кечани ўтказади. Германияда кўпроқ голландлар, америкаликлар ва инглизлар фаол дам олишади. Чет эллик туристлар ўртасида энг машҳур бўлган немис шаҳарлари – Берлин, Мюнхен, Гамбург ва Баден – Баденди р.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига таққослаганда, туризм автомобилсозликдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Ўртача 2% дан 3% гача соф туризм айланмаси (қўшимча қийматга солиқсиз), ҳунармандчилик солиғи, ер солиғи кўринишида тушади. Шунингдек солиқ тушуми қисмдан иш ҳақи ва касса даромад ҳосил бўлади. Германия туристик бозори йиллик иштирокчилар ўртасида учта йирик туристик корпорацияларни ажратиш мумкин:

“TUI Deutschland”, “REWF- Touristik” ва “ Tomas Cook”, улар ўз қўлларида 70% туристик хизматлар бозорини тўплашган. Германияда туризм иккинчи жаҳон урушидан кейингина гуркираб ривожлана бошлади. Бугунги кунда мавжуд бўлган туризм амалда бир неча ўн йиллар давомида йўқ нарсадан барпо қилинди ва айни вақтда ҳозирги замон юқори даражасида турибди ва ўсишда давом этаяпти (1-жадвал).

1-жадвал

Германия туризмининг ривожланиш динамикаси

Йиллар	**Туристларнинг келиш сони (млн. киши)**	**Туристлар келишидан тушган тушум (млрд.долл)**
2000	18.9	24,943
2001	17,8	24,175
2002	18,0	26,690
2003	18,4	30,104
2004	20,1	36,390
2005	21,5	40,531
2006	23,6	45,538
2007	24,4	49,332
2008	24,9	53,398
2009	24,2	47,452
2010	26,9	49,126
2011	28,4	53,471
2012	30,4	38,1
2013	31,5	41,2
2014	33,0	43,3
2015	35,0	36,9
2016	35,6	37,4

Германияда ҳозирги вақтда аввалдан мавжуд барча кичик фирмалар бир неча қудратли бирлашмалар атрофида тўпланмоқда. Мисол учун “Rewe” туристик тизимига 1260 туристик бюро киради.

Туризмдан ташқари “Rewe” бошқа савдо сотиқ ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланади, туризмда ҳаммаси бўлиб 2,5 мингта турли бюролар ишлайди. Ўтган йили якунига кўра “Rewe” немис туристик бозорида учинчи ўринни эгаллади, концерин йиллик айланмаси 60 млрд. еврони ташкил этади. Туризм билан шуғулланаётган барча немис концеринларининг принципи ўзларининг хусусий авиакомпаниялари, хусусий меҳмонхона тизими ва транспорти мавжудлигидадир. Буларнинг ҳаммаси уларга ўз фаолиятларини бир марказга тўплаш ва мижозларга тўлиқ хизматлар пакетини тақдим этиш имкониятини беради. Немис турагентлари билан кўп сонли туроператорлар ишлайди. Уларнинг географияси турлича – АҚШ дан тортиб Россия, Италия, Германия, Буюк Британия ва қисқача барча туроператорлари туристик хизматлар бозорида барқарор иштирок этади. Улар Германияда энг хилма-хил йўналишларни таклиф қилишади,

жумладан туризмнинг хилма-хил турлари: тоғчанғисидан тортиб то даволаш – соғламлаштиришгача туризми бор. Туроператорлар шунингдек аҳолининг турли қатламлари қизиқиши ва имкониятларини ҳисобга оладилар. Германия туристик бозорида ишлаётган кўпроқ таниқли россиялик туроператорларни туризм турлари бўйича ихтисослашувини шартли равишда классификациялаш мумкин.

Ҳозирги вақтда туристларнинг асосий қисмини гуруҳий туризм ташкил қилади. Бу шуни билдирадики, туристик ташкилот барча гуруҳлар учун сафар улгуржи нархини белгилайди. Мамлакатда майда турагентлар жуда кўп (4,6 мингга яқин), улардан кўпчилиги юксак профессионал даражаси билан ажралиб туради. Маълумки туристик ташкилот қанча йирик бўлса, унга чиқимни камайтириб даромадни ошириш шунча енгил. Айтиш мумкин, мамлакат бўйлаб турагентликлар анча бир текис жойлашган.

Барча турагентликлар кириш ва чиқиш туризми, шунингдек ички туризм билан шуғулланади. Таъкидлаш лозим, Германия туристик йўналишда тобора кўпроқ машҳур бўлиб бормоқда. БТТ – ВТО статистикасига кўра- кейинги йилларда Германия хорижий туристларни кўпроқ қабул қилмоқда. У етакчи ўн мамлакат қаторидан мустаҳкам жой олди, тармоққа валюта тушумлари бўйича эса жаҳонда 6- ўринни эгаллайди. Туристик келишларнинг турғун ижобий динамикаси қайд этилади, 2011йилли ўртача 28,4 млн хорижий турист ташриф буюрди. Бу 2000 йил кўрсатгичидан 9,5 млн кўпдир. Ўша давр ичида туристик тунашлар ҳам кўпайди. Ушбу кўрсатгичларга АҚШ, Нидерландия, Италия, Россия ва Бирлашган Қиролликдан келган туристлар ҳисобига эришилди.

Туристик тармоқда даромади, масалан, 2000 йилда 24,9 млрд. еврони ташкил қилди ва ҳозирги вақтда 53 млрд. евро даражасига яқинлашиб қолди. Ўсиш тенденцияси сақланмоқда-туристик тунашлар сони йиллига ўртача 6,1% га кўпаймоқда.

Шу билан бирга, мамлакат ичкарисида туристик оқим тақсимланишда диспропорцияни қайд этиб ўтмасдан иложи йўқ. Унинг арзимаган улуши Германиянинг “эски ерлари” га тўғри келмоқда.

Немис туристлари кўпгина мамлакатлар учун жуда саҳоватли ҳисобланади, яъни ўз саёҳатлари давомида улар анча катта сумма сарфлашади. Бошқача айтганда, улар ҳар қандай хорижий туристга нисбатан 2-3 марта кўп маблағ сарфлашади, қабул қилувчи мамлакатлар учун бу жуда фойдали.

Шу муносабат билан қабул қилувчи мамлакатлар ўртасида немис туристларини қабул қилиш бўйича кураш қизимоқда. Жаҳон туристик бозоридаги ўзгаришлардан четда қолмаслиги учун Германия туризим тараққиёти асосий тенденсияларни хар томонлама ва чуқур маркетинг тахлилини ўтказиш зарур. Туристик дистансияларни танлашга таъсир етувчи хам ички, хам ташқи омилларни ўрганиш лозим бўлади. Германияда 1990-2010 йилларда чиқиш динамикаси тахилли хорижий саёҳатлар сони мунтазам ўсиб бораётганлигидан гувоҳлик беради. Кейинги ўн йилда олдинги йилларга нисбатан ҳорижга борётган туристлар мутлок сони икки марта ўсиши рўй берди. 2009 йилда 72,3 млн киши жўнаб кетган. Ишонч билан айтиш мумкинки, чиқиш туризимининг энг йирик бозори нафақат Европада, балки жаҳонда ҳам, Германияда вужудга келди. БТТ-(ВТО) мўлжалига кўра 2020 йилга бориб Германияда чиқиш туризими ҳажми икки мартадан кўпроқга ўсади. Немис фуқаролари улишига дунёда ҳар ўн сафарнинг бири тўғри келади ва ушбу кўрсатгич бўйича Германия ўз етакчилигини сақлайди. Немис чиқиш туризими бозори учун туристик оқимларини тўпланиши учун имкониялар кенглиги ҳарактерлидир. 90 фоиздан ортиқ сафарлар Европа минтақаси (региони) доирасида амалга оширилади. БТТ (ВТО) маълумотларига кўра, Европада энг йирик туристик оқимнинг ўнтасидан бештаси Германияга тўғри келади. Немислар таътилни Ғарбий ва Жанубий Европа мамлакатларида ўтказишни мақбул кўрадилар: яъни Испания, Италия, Австрия, Франция, Греция, Нидерландия, Швецарияда.

Кейинги вақтларда Марказий ва Шарқий Европа машҳур туристик йўналишга айланмоқда: Польша, Чехия, Венгрия ва Россия. Ушбу мамлакатларнинг туристик йўналиш сифатидабош устунлиги шундаки, уларга сафар нисбатан арзон. Мисол учун,

чегара районларида яшовчи кўпчилик немислар Чехияга тушлик учун келишади. Демократизациялаш жараёнлари туристик талаблар географиясига сезиларли ўзгаришлар киритди. Булар мамлакатлар ўртасида ички регионал алмашинувлар улушининг ортишига икон берди. 2009 йилда туристик мақсадларда Россияга ташриф буюрган хорижликларнинг кўпини Германиядан келган сайёҳлар ташкил этади.

Туризм ёркин мавсумий характер касб этади. Шунинг учун Германияга сафарлар динамикасини ойлар бўйича таҳлил этиш қизиқиш уйғотади. Германияга келаётган туристларнинг сони ойма-ой динамикаси йилдан йилга барқарорлигини сақламоқда. Умумий тенденциядан оғиш одатда ностандарт вазиятлар туфайли келиб чиқади, масалан, жўнаб кетувчи туристлар сони 2008 йил декабрда кескин камайиши бошланган инқироз билан, 2009 йил декабрда кўпайиши дам олиш кунларидан муваффақиятли фойдаланиш билан боғлиқ.

Хорижга сафар қилувчи немис туристларининг ёш ва жинсий таркиби алоҳида қизиқиш уйғотади. 2008-2009 йилларда хорижга сафар қилганларнинг 9,13 млн, эркаклар, 7,67 млн.ни хотин-қизлар ташкил этади. Яъни эркак туристлар салмоғи – 54%,хотин-қизлар салмоғи – 46% ни ташкил этади. Ва олдинги йиллардагидан амалда ўзгармади. Олдинги йил билан таққослаганда туристлар сонининг ўсиши эркаклар учун 0,5%, аёллар учун – 0,8% ўсди.

Туристик бозор ҳажмининг нуқтаи назарида 20 дан 29 ёшгача аёллар кўпроқ йирик сегмент бўлиб қолишда давом этмоқда (2,82 млн.киши), улардан кейин 40 дан 49 ёшгача (2,01 млн.киши) ва 30 дан 39 ёшгача (1,97 млн.киши) бўлган эркаклар.

Германияда туризм бўйича ижобий сальдо кузатилмоқда: туристлар 15,5 млрд.евро олиб чиқиб кетган, 20,4 млрд.евро олиб киришган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади, аммо кўпчилик мамлакатлардаги сингари Германия туристик бизнеси ҳали минус билан ишлашда давом этаяпти: бунга шуҳбасиз жаҳон инқирози вадунёда айрим жойларда рўй бераётган жанговар ҳаракатлар ва жаҳон сиёсати таъсир қилмоқда. Кейинги йилларда Германиянинг рус тилида сўзлашувчи аҳолиси сони ўсди ва у ерга Россия, Украина шунингдек АҚШ ёки Исроилда яшовчи қариндош-уруғлар меҳмонга кела бошлашди. Германиянинг рус тилида сўзлашувчи аҳолиси мамлакатнинг ажойиб қадим шаҳарлари, ёдгорликлари, парклари, қўрғонлари, сарой ва соборларини фахр билан кўрсатишда қизиқиш намоён этилмоқда. Кутилмаганда улар учун ўз жамолини очган Германия ҳақида меҳмонлар уйга қайтгач бой тассуротларини дўстлари ва таниш-билишлари билан баҳам кўришаяпти. Шу тариқа Германия билан қизуқувчи рус тилида сўзлашувчи туристлар сони аста-секин кўпая бошлади. Германия туристик имкониятларини характерлар эканмиз ажойиб шоссели йўллар, бенуқсон меҳмонхона сервиси, мамлакатни бутун дунё билан боғловчи ниҳоятда тараққий этган аэропортлар тармоғини эслатиб ўтиш лозимки булар бугун россияликларни жалб этмоқда.

Туристик тармоқ немис иқтисодиётида энг барқарор ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Ушбу соҳада бандлар сони минимал баҳоларга кўра, ўтган йили 2,8 млн.кишини ташкил этди. Кейинги йилларда Германияда шаҳар ва велосипедли туризм турлари оммавийлиги ошди.

Мамлакатнинг диққатга сазовор “беш юлдузлилар”и рўйхатига киради: Германиядаги энг баланд Цугшпитце тоғи, Кельн собори, энг катта герман ороли Рюген, шунингдек Европадаги энг кенг пляж. Рўйхатга дунёдаги энг баланд қўнғироқхонаси билан Млан Ульм собори ва энг узун немис дарёси Рейн, қояга чиқиш машғулоти учун энг йирик регион Нюрнберг остидаги Франкон Швейцария ҳам киритилган. Бу ерда ушбу спорт тури ишқибозлари учун беш мингга яқин маршрут очилган.

Германия меҳмонларини тараққий этган ифраструктура – 6197 музей, 390 театр, 310 даволаш курорти, 27 йирик кўнгилочар парк, 101 та парк кутади. Мамлакат ҳудуди бўйлаб маданий, тарихий ва табиий диққатга сазовор жойлар билан танишиш учун 180 та тематик маршрут очилган. Олис велосипедли турлар ишқибозлари учун 75 минг километр

махсус йўлаклар жиҳозланган. Пиёда походлар учун маршрутлар умумий узунлиги 200 минг километрдан ошади.

Барча турдаги ва категориядаги отеллар сони Германияда 2009 йилда 53 мингдан ошди, улардаги умумий жой сони 2,66 млн.ташкил этди. Шунга қарамасдан, жуда кўп шаҳарларда юкланиш қизғин мавсумларда ҳамма истовчиларга ҳам жой етишмайди. Шу боис айрим районларда йирик кўргазма ва ярмарка кунларида қўшимча отел сифатида қирғоқ бўйида лангар ташлаган ўнлаб дарё кемаларидан фойдаланилади.

Германия ишбилармонлик туризми учун етакчи йўналиш олиб бораётганлар қаторида тилга олинади ва мамлакат бу баҳони оқлашга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек у соғломлаштириш туризмига катта эътибор қаратилмоқда. Туристик оқимлар ўсишида бюджетли авиаташишлар тармоғи тараққиёти ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ – ВТО) маълумотларига кўра, яқин йилларда туризмнинг асосий кўтарилиши Осиё мамлакатларида рўй беради, деб хабар қилади Trawel Dail News. Бу эса Германиядан ўзининг туристик ўрнини сақлаб қолиш учун чора-тадбирлар кўришни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда Германия жаҳон туристик бозорида Европа мамлакатлари машҳурлигида учинчи. Бу ерга дунё бўйича барча туристларнинг 9 % келади. Яхши кўрсатгич фақат Францияда (10%) ва Испанияда (13%). Умуман Европа умумжаҳон туристлари сонини 50% ни қабул қилади.

Агар стандарт юлдузлар тўплами фақат беш поғона билан чекланадиган бўлса, Германияда **“Тунаш учун имконият”** расмий турлари йигирмадан кўпроқ.

Туризм тараққиёти немис тилининг Европада кенг тарқалишига имкон яратмоқда. Австрия, Швейцария, Францияда немисча сўзлашмоқда.

Европанинг халқаро ярмарка-кўргазмаларининг 60% га яқини Германияда ўтказилади, бу ерда 20 га яқин йирик ярмарка марказлари вужудга келган. Улардан эскилари: Лейпциг, Кёльн, Франкфурт-на-Майн, Ганновер, Мюнхен, Дюссельдорф, Эссендир. Европа ярмарка марказлари орасида уларнинг бири хорижий иштирокчилар улуши юқорилиги билан ажралиб туради. Ҳар йили Берлинда энг йирик халқаро туристик ярмарка – International Tourisms Borse ярмаркаси ўтказилади.

Яқин ўтмишда Германиянинг индстриал маркази бўлган рус региони бугун ўзида йирик Европа метрополидан биринчи намоён этди. Бу ерда индстриал архитектура қиёфасида Германиянинг ҳозирги замон креатив рулини акс эттирувчи инновациялар ҳукмрон.

Рур пойтахти – Эссен 2010 йилда Европанинг маданият пойтахтига айланди. Регионда йил давомида турли тадбирлар, кўргазмалар, фестиваллар ва байрамлар ўтказилади. Ҳозирги замон авангард санъати, мусиқаси ва архитектурасига алоҳида эътибор қаратилган. 2010 йил 18 июлда очиқ осмон остида ўтказилган улкан байрам энг ёрқин воқеалардан бири бўлди. У Германиянинг энг йирик транспорт артерияси – автобани AUO устида ташкил этилди. Ўзига хос **“Малина тўйи”** ҳам немисларга хос . Ўша куни одатда автомобил билан тўлиб-тошган шоссе миллионлаб кишилар учун пиёдалар ва велосипедчилар зонасига айланади.

Бу ҳозирги замон немис шаҳарининг сафарбарлиги ва эгилувчанлигини яна бир бор намойиш қилади. Германия туристик ресурсларнинг катта заҳирасига эга ва амалда улардан 100% фойдаланилмоқда. Бунга сабаб иқлим шароити ҳисобланади. Айни пайтда дам олишнинг энг оммавий тури бу Европада дам олишдир, туризм бошқа турлари эса эндигина оммавийлаша бошлади. Шунинг учун Германияда туризмга маблағ сарфлаш жуда ҳам муҳим. Чунки 80% туристик ресурслар талаб катта бўлган хушманзара жойлар, тарихий ва маданий ёдгорликлардир, яъни Германия туризм тараққиёти стратегиясини ишлаб чиқиши зарур. Қайсиким нафақат ҳар томонлама иқтисодий ҳисоб-китобларни давлат бошқарувида бўлган туризм объектларини инвестициялашни, балки нодавлат корхоналари тасарруфида бўлган туризм объектларини қўллаб-қувватлашни доим ўз ичига олган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Германия жаҳон туристик кенгликларнинг маркази ҳисобланади, қайсиким унда туристик талабнинг оммавий хусусияти мавжуд. Туризм соҳасида либерал давлат сиёсати иштирок этмоқда. Туристик ихтисослашув комплекси ҳисобланади. Яъни эътироф этиш жоизки, Германия жаҳон туризми бозорида барқарор ўрин эгаллаб турибди.

5.6. Германия туризмнинг асосий йўналишлари ва марказлари

Даволаш ва соғломлаштириш туризми. Германия ҳозирги кунда 350 тадан ортиқ сертификатланган курортлар ва мингдан зиёд курорт меҳмонхоналари, аъло даражали медицина инфратузилмасига эга. Уларнинг асосини сифатли ва хилма-хил терапияга эга бўлган қуйидаги марказлар ташкил қилади.

Бад-Вальдзее икки кўл ўртасида жойлашган курорт шаҳар бўлиб ҳисобланади. Ушбу курортда уч хил даволашга ихтисослашган: балчиқли даволаш, маъданли сув билан ваннада даволаш ва термал терапевтик усулда даволаш. Бад-Вальдзее курортида комплекс (мажмуавий) ҳолда даволаш ревматизм, бўғин касали, таянч-ҳаракат органлари, аёллар касалликлари ва нерв (асаб) хасталиги, ошқозон-ичак, овқатни ҳазм қилиш органлари касалликларини даволаш йўлга қўйилган. Курорт марказида терапия,реалбилитация бўлимлари ва аквапарк фаолият кўрсатади. Бу ерда ер остидан чиқадиган сувнинг ҳарорати 65^{o} атрофида бўлиб, унинг таркиби фтор ва олтингугурт моддасига жуда бой.

Бад – Верисхофен – ғаройиб жанубий кўркам термал курорти денгиз сатҳидан 635 метр баландликда жойлашган. Германиянинг Альгей ҳудудида жойлашган, қадимги шваб курортига бундан 120 йил олдин Себастьян Кнейп томонидан асос солинди. Тоғ ҳавоси ва фтор, йод моддаларига бой бўлган маъданли сувлар манбасида Бад – Верисхофен курорти ташкил этилди. Ушбу курорт мажмуаси ўз таркибига 8 та сув ҳавзаси (5минг кв.метр) майдонини, айнан ёпиқ бинони бирлаштиради. Таркибида юқори даражали фтор, йод тузлар моддаси бўлган маъданли сувлар сурункали бўғин касалликлари, қон айланишни яхшилаш, гинекологик касалликни даволашга қаратилган. Курорт 15 та тематик сауналар, ҳаммом (буғли), бассайнларга эга.

Санкт - Петер - Ординг курорти мамлакатнинг шимолий қисмида Шимолий денгиз қирғоғида жойлашган бўлиб, у 150 йиллик тарихга эга. Ушбу курорт табиий ландшафтларга эга бўлиб, бу ерда қумли тепалик(дюма)лар, қарағайзор ўрмони ва денгиз бўшлиғи билан ажралиб туради. Курорт 12 км масофага чўзилиб ётган майин қумли пляжи ва мусаффо ҳавоси билан машҳурдир. Курорт ҳавоси, денгиз суви кишиларнинг нафас олиш органлари, тери касалликларини ва инсон иммунитетини мустаҳкамлаш учун бирдан – бир табиий даво (восита) сифатида қўлланилади.

Бад – Зобернхайм курорти Рейн ва Мозел дарёлари ўртасида жойлашган. Ушбу курорт Германияда ягона бўлган Фельке усулида даволашга ихтисослашган марказдир. Бад – Зобернхайм курорти узумзорлар, далалар ва ўрмонлар билан ўралган манзилгоҳ бўлиб, у ўзига жуда кўп сонли саёҳларни жалб қиладиган жойдир. Курорт шаҳарча дастлабки табиат,бой тарих ва маданиятлага эга бўлган манзилгоҳ ҳисобланади. Ушбу курортга Эммануэль Фельке асос солган. Бу ерда натуропатия усулида касалларни даволайди. Курорт энг ёш даволаш маркази бўлиб,у 1995 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Курортда 3 та даволаш – соғломлаштириш марказлари бор. Унда бўғин касалликлари, юрак-қон томири касалликлари,семириш касалликларини даволайди. **Фелька** терапияси асосий касалликларни даволашда 4 та асосийэлементлар; нур (свет) ҳаво, сув ва кремний баличиғи ишлатилади. Даволаш жараёнида очлик ёки парҳез (диета) даволаш усулида кремний балчиғи, ванна, ҳаммомлардан кенг фойдаланилади.

Ушбу усулдаги даволаш киши организимидаги зарарли кислоталар ва шлак (чиқинди) ларнинг чиқиб кетишига ва қон айланиш тизимининг яхшиланишига ёрдам беради.

Оберстдорф Альп тоғларидаги экстракласс курортларидан ҳисобланади. Бу иқлимий курорт бўлиб, Германиянинг энг жанубий қисмида жойлашган, яъни денгиз сатҳидан 815 метр баландликдаги Альгей Альп тизма тоғларида. Оберстдорф курорти Германиядаги 15 та иқлимий курортлар қаторига киради. У ўзининг тоза, мусаффо ҳавоси билан машҳурдир. Курортда дам олувчилар учун 85 та хилма-хил дастурларда хизмат кўрсатилинади. Курорт клиникасида таянч-ҳаракат аппаратлари, юрак, қон-томир касалликлари, асаб касалликлари, ички органлар касалликларни даволайди. Ер ости маъданли термал сувлардан ҳам кенг кўламда фойдаланади.

Бад – Арольсен курорти Германиянинг шимолий федерал еридаги Вальдекер-Ланд ҳудудида жойлашган бўлиб, у тоғлар билан ўралган. Иқлими юмшоқ, ажойиб табиати ва хилма-хил даволаш муолажалари Бад-Арольсен курортини машҳур қилган. Курортда ванналарни қабул қилиш, массаж, жисмоний тарбия машқи, балчиқли муолажалар, маъданли сувлар билан даволаш алоҳида аҳамиятга эга. Бад – Арольсен курортида даволанувчи кишилар Твистзее кўли бўйлаб сайр қилиш имкониятига эга бўлишади. Курорт шаҳарчада ҳар йили никоҳли музика фестивали ва концертлар, бадиий кўргазмалар ва театр кўргазмалари намойиш этилади.

Даволаш - соғломлаштириш туризми тури кўп жиҳатдан бутунжаҳонга бальнеологик курортлари билан машҳурдир

- Ахен
- Бад – Вильдунген (Кассель)
- Бад – Киссинген (Вюрцбург)
- Бад – Кройцнах (Франкфурт на Майн)
- Бад – Райхенхалль (Зальцбург)
- Бад – Хомбург (Франкфурт на Майн)
- Бад – Фюссинг (Мюнхен)
- Бад – Эльстер (Химниц)
- Бад – Эмс (Франкфурт на Майн)
- Висбаден (Франкфурт на Майн)
- Баден – Баден

Иқлимий курортлар ичида ўрмонли ва тоғлилари устунлик қилади.(Кведлинбург, Оберхоф, Фюсен), шунингдек денгизбўйи (Вангероге, Даме, Травемюнде, Хайлигенхафен, Фленсбург). Германия курортлари ҳар йили 1 млн.дан кўпроқ кишиларни қабул қилади. Немис климатик ва больнеологик марказлари таклиф қиладиган профилактик ҳамда реаблатацион дастурларга Франция, Бельгия, Люксембург, АҚШ, Канада, Россия аҳолисида талаб катта.

Иқлимий курортлар. Германия мамлакати дунёда иқлимий курортларга энг бой саналади. Иқлимий курортлар киши организими учун бальзам ҳисобланади. Германия иқлимий курортлар шиори шундай тўлиқ нафас олмоқ, куч ва энергия олмоқ зарур. Тоза ҳавода нафас олиш ва дам олиш иқлимий курортларда амалга оширилинади. Мамлакатнинг энг машҳур, номи чиққан курортларидан бири- Бад-хинделанг курортидир. Ушбу курорт энг баланд тоғ курорти бўлиб ҳисобланади. Бад-Хинделанг курортида сероводородли маъданли сув чиқади. Курорт денгиз сатҳидан 850-1200 метр баландликда жойлашган. Бу курорт зонаси таркибига Бад-Обердорф, Оберйох, Унтерйох, Фордерхинделанг ва Хинтерштайн қишлоқ аҳоли пунктлари ҳам киради. Буларнинг барчаси курорт масканлари ҳисобланди. Ушбу курорт зонасининг манзараси жуда ажойиб, чиройли, қулай иқлим шароити, тоза ҳаво, хушманзара табиати, тоғ ҳавоси кабилар киши организмига ҳузр бағишлайди. Германия гидрометеорология станциясининг маълумотларига кўра, Бад-Хинделанг курорти ҳавоси мамлакатда энг тоза ҳавосига эга курортлардан саналади. Бу курорт нафақат иқлимий даволашни, балки сув билан даволашни ҳам амалга оширади, яъни доктор Киейк методи (усули) асосида.

Берхтесгаден – олий тоифали иқлимий курортлар зонасидир. Унинг таркибига Берхтесгаден, Бишофсвизен, Марктшелленберг, Рамзу ва Шёнау каби шаҳарчалар Кёнигесзее кўли атрофига жойлашган бўлиб, улар иқлимий курортлар мақомини эгаллагандир. Ушбу курортлар ҳаммаси биргаликда ягона ландшафтга эга. Бу ерда даволанувчилар учун барча қулайликлар яратилган. Бирламчи табиат, экологик тоза озиқ-овқатлар, тоза сув, мусаффо ҳаво, ривожланган туризм инфратузилмаси, буларнинг барчаси даволаниш ва дам олишни ёқимли ва самарали қилади. Сон-саноқсиз соғламлаштирувчи отеллар, косметик студиялар, Спа-комплекслар, гўзаллик салонлари, соғломлаштириш марказлари – буларнинг барчаси курорт зонасида дам олувчиларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади. Хушбўй доривор ўсимликлар ваннаси, сут зардоби ажойиб сауналар, массажлар киши организмга қўшимча куч-қувват бағишлайди. Берхтесгадендаги туз конида туз ингалаторини қабул қилиш астма касаллиги ва нафас олиш органлари касалликларини даволашда жуда қўл келади. Бу ерда 7,10 ёки 14 кунлик муддат билан даволаш ишлари олиб борилади.

Курорт Вайскирхен – «Саархунсрюк» қўриқхонасида жойлашган бўлиб, унинг атрофи ўрмонлар билан қопланган ва ҳавоси тоза. Бу ерда юмшоқ, мароқли иқлим ҳукм суради. Вайскирхен шифобахш иқлими, табиатининг қимматбаҳо соғломлаштирувчи давоси ва бойлиги ҳисобланади. Актив дам олиш пайтида иқлимий курортнинг роли ва ўрни жуда тез сезилади. Курортда дам олиш пайтида пиёда юриш учун махсус маршурутлар тавсия этилади. Айниқса «Виталис» термалкомплекси ўзининг кўпгина даволаш муоалажаларини тақдим этади.

Винтерберг – Германиянинг Шимолий Рейн-Вестбфалия еридаги бирдан-бир муҳим иқлимий курортларидан биридир. Винтерберг курорти бу дам олиш ва соғломлаштириш учун мўлжалланган маскандир. Европа табиати, шифобахш иқлим ва хилма-хил спорт машғулотлари тоза ҳавода дам олишни жозибадор қилади. Винтерберг – бу қишки дам олиш спорт марказидир. Бу ерда хилма-хил даволаш муолажалари, жумладан ҳаво, қуёш ванналари таклиф этилади. Тоза ҳавода бир неча махсус маршурутлар – теренкурлар кўзда тутилади. Курортда фақат даволаниб қолмасдан, балки мароқли дам олиш ҳам мумкин.

Гармиш-Партенкирхен - Германиядаги 15 та иқлим курортларининг бири ҳисобланади. Унда юрак, қон-томир касалликлари,мода алмашинувининг бузилиши, нафас олиш органлари, тери касалликлари даволанади.

Кёнигштайн-им-Таунус курорти гўзал Таунус тоғ массивида жойлашган. Бу ерда асосан юрак, қон-томир касалликлари, асаб ва руҳий касалликлар, ҳаракат-таянч органлари, ревматизм, нафас олиш йўллари, ошқозон-ичак, жигар хасталиклари, модда алмашинуви касалликларини даволайди. Курортда термал маъданли сув муолажалари душ, бассейн, жакузи, ванна усулида амалга оширилади.

Курорт Санкт–Петер-Ординг - денгиз қирғоғида жойлашган курортдир. У Шимолий денгиз бўйида ўрнашган 150 йиллик тарихга эга. У табиий ўзига хос ландшафтга, яъни қумли дюналар, денгиз бўйи кенглиги ва қарағайзорлар билан ўралган. Бу ерда тоза денгиз ҳавоси киши организмига, жумладан нафас олиш йўллари, тери касалликларини даволашга ёрдам беради. Шамол, денгиз суви тўлқинлари, қалин қарағайзор ўрмонлар тинч, осайишта дам олишга ёрдам беради. Санкт-Петер-Ординг курортидаги ўрмонлар 100 йил бурун экилган, улар ўзига хос табиий муҳитни яратади.

Балчиқли минерали (фанго) таркибига торф, бўр ёки тупроқ кабилар киради, қайсиким улар (балчиқлар)киши организмини бўшаштирувчи восита ҳисобланади. Балчиқли даволаш организмни қувватлаштиради ва соғлиқ учун ижобий самара кўрсатади.

Бад – Майнберг курорти «Тевгобург ўрмонлари» қўриқхонасида жойлашган. Курорт 1776 йилда очилган. Курортда ревматизм, бод (оёқ ва қўл бўғинларининг зирқираб оғриши), аёллар касалликлари, асабнинг бузилиши, юрак, қон-томир касалликлари, сурункали шамоллаш, модда алмашинувининг бузилиши каби касалликларни даволайди.

Табиий, натурал «даволаш препарати (моддаси)» бўлган балчиқлар, яъни керакли даволаш балчиғи, минерал сув, углевод, калий, олтингугурт (карбонад ангдрид) гази билан амалга оширилади. Курортда касалларни замонавий хирургия тиббий даволаш, балчиқли ванна қабул қилиш, маъданли сувни истеъмол қилиш ишлари амалга оширилади.

Бад – Ненфорд балчиқли курорти бундан 200 йил бурун ташкил этилган.Бу ерда балчиқ туз эритмаси ва олтингугурт моддалари билан даволайди.Курортда 9 та маъданли ер ости сув булоғи мавжуд. Уларда балчиқ билан ўраш, чўмилиш, ванна қабул қилиш ишлари бажарилади

Бад–Пирмант курорти даволаш статусига эга курортлардан ҳисобланади. У Германиядаги энг қадимги 500 йиллик тарихга эга бўлган даволаш масканидир. Курорт табиий даволаш воситалари балчиқ, туз эритмасига бой бўлган минерал сув ва олтингугурт асосида касалларни даволайди.

Бад – Саров курорти Шармютцельзее кўли бўйида жойлашган. У ҳозирги кунда давлат бальнеологик балчиқли курорти ҳисобланади. Курортга XIX асрда асос солинган. Бад-Саров курортида термал комплекси, клиника ва бошқ. ишлаб турибди.

Бад – Тельц балчиқли курорти Альп тоғлари ён бағрида денгиз сатҳидан 670 метр баландликда Тельцер – Лауд минтиқасида жойлашган. Ушбу курорт 1899 йилда ишга туширилган. Бад-Тельц курортида ўткир ва сурункали таянч-ҳаракат органлари, гинекологик касалликларни балчиқ, маъданли термал сувлар ёрдамида даволайди. Даволаш бутун йил давомида олиб борилади. Қиш ойларида тоғ чанғисида ҳаракат қилиш мумкин. Даволаш масканида парк, бассейн, фин ҳаммоми, сауна, театр, концерт зали доимо ишлаб туради.

Бад – Вальдзе курорти. Юқори Швабии минтиқасида жойлашган бўлиб, унда термал сувлар асосида юрак, қон-томир касалликлари, бўғин касаллиги, ревматизм, асаб касаллиги, таянч- ҳаракат органлари касаллиги, ошқозон ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликларини маъданли сувлар билан даволайди.

Бад-Бевензен минерал ва термал суви курорти. Курорт 1970 йил ишга тушган. Курортда ревматизм, таянч-ҳаракатланиш органлари, умуртқа бўғин касалликларини йодланган тузли минерал сувлари билан даволайди.Курорт шаҳарчада отеллар, клиникалар, санаториялар мавжуд.

Бад – Висзее курорти Бавар Альп тоғлари ёнбағрида жойлашган. Тегернзее кўли бўйидадир. Курортда юрак, қон-томир касалликлари, ревматизм, нафас олиш йўли касалликлари, тери, кўз касалликларини термал сувлар ёрдамида даволайди. Сув муолажалари ванна, душ, бассейнда чўмилиш шаклида қабул қилинади.

Бад–Гарцбург курорти Шимолий Германиядаги энг машҳур курортлардан саналади. Бу ерда иссиқ тузли минерал сув 840 метр чуқурликдан чиқади. Сувдаги туз моддаси кўплиги бўйича бу курортнинг дунёда тенги йўқ. Маҳаллий аҳоли бу ердаги сувдан XVI асрдан бошлаб даволаш ишларида фойдаланишган. Бад-Гарцбург курорти термал суви таркибида сульфат, олтингугурт моддаси бўлиб, у санаторияларда, клиникаларда ва термал комплексларда ревматизм, астма, сурункали бронхит касалликларини даволашда қўлланилади.Термал сувнинг чиқишдаги ҳарорати 24^{o}C ни ташкил этади. Даволаш мақсадида сув ҳарорати қиздирилиб 32^{o}C га етказилади.

Бад–Грисбах курорти Ротталь водийсининг жанубий-ғарбида жойлашган. Бад-Гринсбах курорти балнеологик курорт мақомини олган. Бу ердаги минерал сув киши организмдаги ревматизм, овқат ҳазм қилиш ва модда алмашинувининг бузилиши, таянч-ҳаракат органлари касалликларини даволашда кенг фойдаланилади.

Бад – Дрибург – бу шахсий курорт бўлиб, бундан 225 йил бурун ташкил этилган. Курортга граф Ойенхаузен-Зиршторпф асос солган. Ҳар йили курортга келувчилар сони 70 минг кишидан ошади. Бад-Дрибургда чиқадиган минерал сув таркибида жуда кўп миқдорда олтингугурт моддаси ва углекислий гази учрайди. Курортда табиий балчиқ ҳам бор. Бу ерда ревматизм, бўғин касалликларини даволайди.

Бад – Дюрхайм курорти Шварквальднинг марказий қисмида жойлашган. Бу курорт туз яъни «оқ олтин»га бой бўлган йод ягона туз билан даволовчи маскандир. Бар-Дюрхайм курортида касалликларни асосан туз эритмаси билан ванналарда даволайди. У бўғин, таянч-ҳаракат органлари, юрак, қон-томир, нафас олиш органлари, тери касалликларини даволашда кенг қўлланилади.

Бад – Зальцуфлен курорти давлат тасаруфидаги корхона бўлиб,у минерал туз билан даволовчи ихтисослашган курорт ҳисобланади. Ушбу курорт «Тевтобург ўрмони» қўриқхонаси яқинида жойлашган. Курорт XIX аср бошларида ишга туширилган. Курортда асосан туз ва туз эритмасидан фойдаланилади. Туз терапияси артроз, тери касалликлари – псориаз ва нейродермитларни даволашда кенг қўлланилади.

Бад – Киссенген минерал ва балчиқли курорт Германиянинг Жанубий – Шарқий қисмидаги « Бовар Рен» қўриқхонаси ёнида жойлашган. Курорт 1883 йилда ташкил этилган. Курортда асосан минерал сув ва балчиқ ваннасидан фойдаланилади. Ўз вақтида бу курортда машҳур кишилар – австрия императори Елизавета, Джоккино Россини, Ото фон Бисмарк, Теодор Фонтанг и Теодор Хейс ва бошқалар даволанганлар. Курортда «Кис-Салис-Терме» комплекси, бассейн (100м.кв), ингаляция, шиша ойнали ҳаммом, балчиқ қабул қилиш ванналари, массаж кабинети мавжуд.

Бад – Кройнцах Германиянинг энг чиройли курортларидан бири саналади. Курорт 100 йиллик тарихга эга бўлиб, радон гази ёрдамида турли касалликларни даволайди. Родонотерапия симоб олиш шахтасида амалга оширилади. Хавфсиз родон концентрацияси ревматизм ва нафас олиш органлари касалликларини даволашда қўлланилади. Родонотерапия одатда ёши катта кишилар ва қон айланиши бузилган касалларга тавсия этилади.

Бад – Мергентхайм курорти Германиянинг Баден-Вюртемберг еридаги Таубер дарёси водийсида жойлашган. Бу ерда меҳмонларга санатория ва бальнеологик даволаш соғломлаштириш ва косметик муолажалар хизмати кўрсатилади. Бад-Мергентхайм курорти бундан 180 йил бурун ишга туширилган. Бу ердаги минерал сувнинг таркибида хлорид натрий, кальций, сульфат ва гидрокарбонат эритмалари кўп учрайди. Минерал сув жигар, ўт пуфаги, ошқозон , ичак, ошқозон ости бези каби касалликларни даволашда кенг қўлланилади.

Бад – Наухайм курорти экстра-класс тиббий маркази бўлиб, бу ерда тажриба ва илмий тадқиқот ишларини биргаликда олиб боради. Марказ замонавий тиббий техникалар билан жиҳозланган. Бу ерда асосан юрак, қон-томир ва ўпка касалликларини даволайди. Курорт Бад-Наухайм 150 йиллик тарихга эга. Унинг асосини минерал сув билан даволаш ташкил этади. Даволаш ванна қабул қилиш, сув ичиш, бассейнда чўмилиш тарзида олиб борилади. Бад-Наухайм курорти Веттерау минтақасидаги Таунус тоғининг ён бағрида жойлашган.

Бад – Нойенар-Арвайлер курорти минерал сув билан даволашга ихтисослашган. У 150 йил бурун ташкил қилинган. Маҳаллий табиий таомлар, минерал сув, Ара водийси виноси, Эйфель минтақаси, шифобахш балчиқ юрак, қон-томир, диабет, модда алмашинуви каби касалликларни даволашда қўл келади. Курортда 100 дан ортиқ юқори малакали врачлар, 16 та клиникаларда хизмат қилади.

Бад – Рейхенкаль курорти нафас олиш йўллари касалликларини даволашга ихтисослашган марказдир.Ушбу курорт Германиянинг жанубий-шарқида Альп тоғларида жойлашган. Бу ерда туз эритмаси, шифобахш балчиқ ва альп иқлими билан даволанади.

Бад – Фюссинг – Баварияниng энг машҳур курортларидан саналади. Бу ерда шифобахш термал суви 56^{o}С да чиқади. У бўғин касаллигини даволашда қўлланилади. Курорт 120 минг кв. метрли жуда катта бассейнга эга. Курортда 3 та термал комплекси хизмат кўрсатади.

Бад – Хомбург чиройли, нафис курорт бўлиб, у Франкфурте-на-Майне шаҳри ёнида жойлашган. Курорт минерал суви натижасида фаолият кўрсатмоқда. Бад-Хомбург курортида 14 та шифобахш сув булоғи мавжуд бўлиб, у 170 йиллик тарихга эга. Курортда

ревматизм, ошқозон-ичак ва юрак, қон-томир касалликларини даволайди. Курортда термал комплекси, клиника, спа-марказ, аюрведик марказ, кафе, барлар бор.

Бад – Эльстр курорти Фогтленд минтиқасида жойлашган. У 160 йиллик тарихга эга. Бад-Эльстр Германиядаги энг қадимги балчиқли курортлардан бири ҳисобланади. Бу ерда минерал сув ва балчиқ билан касаллар даволанади.

Баденвайлер – энг юқори даражадаги қуёшли курортдир. У Баден минтиқасида жойлашган. Бу ернинг иқлим шароити Ўртаер денгизи ҳудудининг иқлимига ўхшашдир. Курортда минерал сув билан артроз, остеопроз, юрак, қон-томир касалликлари, асаб ва руҳий касалликларни даволайди. Даволанувчи мижозларга турли хил сауналар, рим-ирланд ҳаммоми, косметик муолажалар, минерал сувни ичиш ва бошқа хизматлар кўрсатилади.

Висбаден 26 та иссиқ сув булоқлари шаҳридир. Бу курорт 1836 йилда ташкил этилган. Унда ревматизм ва ортопедик касалликларни даволайди.

Баден – Баден – машҳур термал курорти. Германиянинг жанубида Шварцвальде шаҳрида жойлашган. Ушбу курорт қадимги Рим империяси даврида, бундан 2000 йил бурун ташкил этилган, яъни эрамизга қадар 69 йилда. Курортда 12 та термал булоқлар бўлиб, 2 минг метр чуқурликдан чиқади. Минерал сув таркибида литий**,** цезий, кремний ва бўр кислотаси, марганец, магний, кобальт, цинк ва мис элементлари кўп миқдорда учрайди. Баден-Баден курортида юрак, қон-томир касалликлари, таянч-ҳаракат органлари, ревматизм, модда алмашинуви, нафас олиш органлари касалликларини даволайди.

Оберстдорф – Альп экстра класс иқлим курорти Альгей минтақасида жойлашган. Курорт 815 метр денгиз сатҳидан баландликида жойлашган. Бу Германиянинг энг жанубий курорти ҳисобланади. Оберстдорф – мамлакатдаги 15 та иқлимий курортларнинг биридир. Курортда дам олувчиларга 85 та хилма-хил соғломлаштирувчи ва даволовчи хизматларни тақдим этади. У асосан таянч- ҳаракат аппаратлари касаллиги, юрак, қон-томир касалликлари, асаб бузилиши ва ички органлар касалликларини даволашга ихтисослашган. Бу ерда касалларни одат бўлиб қолган ва ноанъанавий тиббиёт усуллари билан даволайди. Курортда термал комплекси ишлаб турибди.

Бад – Арельсен курорти Шимолий Федераль ернинг Вальдекер Ланд минтақасида жойлашган. Курорт атрофи лиственница (тилоғоч) ва игнабаргли ўрмонлар билан қопланган. Бу жойда касалларни шифобахш минерал сувлар билан даволайди. Сув таркиби кальций, магний, сульфат ва фтор элементларига бойдир.

Родонотерапия. Германияда эски, қадимги шахталар радиоактив родон газига бой бўлиб, ҳозирги кунда улар аллергик касалликларни даволашда қўл келади. **Аален штольни** – ингалаторли курорти Шваб Альба тоғ ён бағрида жойлашган. Штольни (шахта) ишламайди. Ундан ҳозирги кунда даволаш воситаси сифатида фойдаланилади.

Тиаласатерапия яъни денгиз суви билан даволаш Германияда ривожланган. Унинг асосий марказлари Шимолий ва Болтиқ денгизлари қирғоқларида жойлашган. Улар қаторига **Граль – Мюриц** денгиз курорти (1877 й), Дамп курорти, Росток – Варнемюнде, Херингсдорф, Цингст (2002 й) курортлари киради.

Сув билан диета орқали терапевтик даволаш усуллари Бад – Шмидберг (1878 й), Гёрн (1878 й), Оберштауфен, Бад – Зобернхайм (1995 й) курортларида амалга оширилинади.

Германия денгиз курортлари. Нордерней ороли хилма-хил табиат ландшафтига эга бўлиб, оролнинг марказий қисми маданият маркази, унинг шарқий қимси табиат ланшафти, қолган томонлари оқ қум пляжлари билан қопланган. Нордерней оролининг умумий майдони 26,3 кв.км, 85% территорияси қўриқхона ҳисобланади. Унинг ўсимлик ва ҳайвонат дунёси хилма-хилдир. Оролда қумли пляжнинг узунлиги 14 км.ни ташкил қилади. Пиёда ва велосипеда юриш маршрутининг узунлиги 80 км, Нордерней оролида Германиядаги энг машҳур таласатерапия жойлашган. Курортда 8 минг кв. метрли хилма-хил сув бассейни мавжуд. У тез-тез денгиз суви билан тўлдирилиб турилади.

Рюген – Германияданги энг йирик орол. Унинг майдони 926 кв. км. Орол Болтиқ денгизи суви билан ўралган. Рюген оролининг табиати хилма-хил ландшафт-курортлари жойлашган. Бу ерда велосипедда, қайиқларда ва яхталарда сайр қилиш мумкин.

Штикерог – ям-яшил оролида бўлиш ҳар бир туристнинг унутилмас орзусидир. Бу орол Шимолий денгизда жойлашган. Унинг умумий майдони 18,3 кв. км. Оролнинг денгиз қирғоқларида 15 км. ли қумли пляжи бор. Ёз ойларида далалар қалин ўт-ўланлар билан қопланади. Оролда доимо шамол эсиб туради. Денгиз тўлқинлари тез-тез бостириб ва қайтиб туради. Курортда хилма-хил муолажалар таклиф қилинади. Оролдан туристлар оқими қишин-ёзин узилмайди.

Зюльт – «Шимолий денгизнинг қиролидир». Зюльт оролининг умумий майдони 99 кв.км. У Германиядаги ороллардан катталиги бўйича тўртинчи ўринда туради. Оролда Морзум, Кайтум, Рантум, Хернум, Кампен ва Лист курортлари жойлашган. Орол курортлари актив дам олувчилар учун идеал шароитга эга бўлган жойдир. Бу ерда сув спорти ўйинлари , гольф ўйини мусобақалари тез-тез ўтказилиб туради. Зюльт ороли яна ўзининг ошхона таомлари билан машҳурдир. Бу ерда ҳар йили ресторан таомлари конкурси ўтказилиб турилади.

Фемарн қуёшли орол бўлиб, Болтиқ денгизида жойлашган,унинг майдони 185 кв.км. иқлими юмшоқ, ёқимли. Қуёш нурининг йиллик миқдори 2200 соат. Орол қирғоғи оқ қумлар билан қопланган, узунлиги 78 км. Оролда гўзал кўл мавжуд. Бу Германиядаги романтик (хаёлпарастлик) жой ҳисобланади. Фемарн оролининг пляжларида сув спорти (серфинг, кайбсерфинг), парус, дайвинг, балиқ овлаш, текисликда от спорти, гольф ўйинлари ташкил этилади.

Хиддензее ороли Болтиқ денгизидаги жаннат макон маскан ҳисобланади. Оролнинг умумий майдони 19 кв. км. гаяқин. У Болтиқ денгизининг ғарбий (немис) қисмида жойлашган. Маҳаллий аҳоли оролни **“жаннат макон ўлка”**деб аташади. Оролнинг табиати жуда хилма-хил ва бетакрордир. Ҳайвонат ва ўсимлик дунёсига бой ўлка. Оролда кўпроқ оила бўлиб дам олиш характерга эга.

Амрум ороли мамлакатнинг шимолий қисми Фрисландия ўлкасида жойлашган. Оролнинг майдони 20,5 кв. км бўлиб, у қумликлардан иборат. Оролнинг узунлиги 10 км, эни эса 2,5 км. Қирғоқларида доимо шамол эсиб туради. Бу ерда яхта спорти ва кейтсерфинг тури 63 метрли маяк (кемаларга йўл кўрсатувчи чироқли минора) ўрнатилган. Амрум Германиянинг Шимолий денгизида ўрнатилган энг баланд маяк ҳисобланади. Амрум – бу фаол дам олиш маркази ҳисобланиб қолмасдан, балки бирдан-бир ноёб табиатни қўриқловчи минтақа саналади. Амрум меҳмонларни қишин-ёзин қабул қилади. У ўзининг балиқ пиширадиган ресторанлари билан машҳурдир.

Вангероге – денгиз курорти статуси (мақоми)га эга. Оролда **“ Қуйи Саксония сайлгоҳи”** миллий боғи жойлашган. Оролда пляжлар, дьюналар ва шўрланган ўтлоқлар учрайди. Вангероге ороли Фриз архипелаги таркибига киради. Оролда қадимда бундан 100 йил бурун қурилган темир йўл линиясида қадимги поезд ҳаракат қилади. Оролда пляж туризми ривожланган. Туристлар учун ресторан, кафе, спорт майдончалари, велоспедлар, гольф клублари хизмат кўрсатишади.

Пель – учта давлат ўртасидаги орол. У учта қадимги гензей шаҳарлари ўртасида жойлашган манзил. Пель ороли Болтиқ денгизи бўйидаги Макленбург ўлкасида ўрнашган. Унинг майдони 40 кв.км. орол ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой. Бу ерда қушлар қўриқхонаси ташкил этилган. Оролда қўриқхонага экскурция уюштирилади. Балиқ овлаш, сувда сайр қилиш йўлга қўйилган.

Юйост ороли – Германиянинг денгиз курортлари саналади. У 17км масофага, эни эса 7 км кенгликка эга. Оролда автомобил транспорти харакат қилмайди. Оролнинг диққатга сазовор жойи бу денгиз қирғоқлардир. Бу ерда денгиз сувининг бостириб келиши ва унинг қайтиш ҳолатини кузатиш мумкин. Оролнинг марказий қисмда қумли саёзликлар кўп учрайди, у ерларда тюленлар тўдасини учратиш мумкин.

Узедом орол курорти Болтиқ денгизининг Шецин кўрфаси ҳудудида жойлашган. Бу ГФР ва Польша давлат чегараси ўртасида бўлиб,у икки қисмга бўлинади. Узедом оролининг Германияга қарашли ер майдони 445 кв. км. Узедом оролида меҳмонлар йил бўйи қуёшни, шамолни, ва денгиз тўлқинларини кузатишади. Денгиз сувининг заррачаларига тўйинган ҳаво массаси киши организмига роҳат бағишлайди, тўлқинларнинг шов-шув овози эса кишиларнинг асаби таранглашишини туширади. Узедом оролида дам олиш ва даволаниш учун келган меҳмонларга спорт майдончалари, соғломлаштириш хизматлари (массаж, турк ҳаммоми) тақдим этилади. Курортда турли хил маданий тадбирлар, концертлар, гастрономик кўргазмалар ўтказилади.

Бальтрум ороли – Шимолий денгизнинг “ ухлаётган гўзали” ҳисобланади. Бальтрум ороли Фриз ороллари архпелагининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, унинг узунлиги 5 км, эни эса қарийиб 1,5 кмни ташкил қилади. 1966 йилда оролда курорт ташкил этилди. Оролда яшовчилар уни **“Шимолий денгизнинг ухлаётган гўзали”** деб аташадилар. Орол жуда яхши қумли пляж мавжуд. Курорт тинч, осойишта муҳитга эга. Шунинг учун бу ерда туристлар оқими кўпайиб бормоқда.

Пельворм ороли 37кв.км майдонга эга бўлиб, унинг ҳудудида миллий парк жойлашган. Орол бирламчи табиат ландшафтига эга. Бу ерда қуёшнинг ёритиш соатлари йил бўйи кўп. Оролнинг кундалик ҳаётини денгиз тўлқинларининг бостириб келиши ва уларнинг орқага қайтиши белгилайди. Оролдаги фаол дам олиш тури – бу денгиз қирғоқлари бўйлаб сайр-тамошо қилишдир. Денгиз чиғоноқлари ва малюскаларни топиш, тинч - осойишта муҳитда дам олиш, денгиз маякига ташриф буюриш кундалик одатга айланиб қолган.

Фёр ороли Германиянинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, у Шлезвиг-Гольштейн Федерал ери ҳудудига киради. Оролда миллий парк ташкил этилган (2009й). Унда 10 минг хилдан ортиқ ўсимликлар ва ҳайвонлар учрайди. Бу ерда Шимолий денгиз экосистемаси бетакрордир.

Вик – оролнинг асосий порт шаҳри. Унинг жанубий қисмида 15 км. масофага қумли пляж чўзилиб ётибди. Ёз ойларида бу ер сув спорти ишқибозларинг гавжум жойига айланади. Фёр оролининг майдони 82,8 кв.км. ГФР да майдонинг катталиги бўйича у иккинчи ўринда туради. Одатда орол аҳли бу ерни **“яшил орол”** деб ҳам аташади. Оролда отеллар жуда кўп бўлиб, улар оролнинг ҳамма бурчакларида учрайди. Бу ерда туристлар Фризийлар музейига ташриф этиш мумкин.

Велосипед спорт туризми. Маълумки велосипед спорт туризми ҳар бир киши учун бениҳоят фойдали бўлиб, унинг атроф-муҳитга зарари тегмайди ва бир қанча хурсандчиликларни келтиради. Ҳозирги кунда Германия аҳолисининг кўпгина қисми шаҳарларда ва қишлоқларда велосипедда юришни хуш кўришади. Кўпчилик кўчалар велосипедда юришга мослаштирилган. Ҳар бир кўчаларнинг четки қисми оқ ранг бўёқ билан алоҳида ажралиб чиқилган. Дарё қирғоқлари,тоғ водийлари, ўрмонзорларда, кенг далаларда ва бошқа инсон юрадиган жойларда велосипедда юриш, сайр-тамоша қилиш бўйича махсус маршрутлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 70 минг километрни ташкил этади. Кўп кунлик велосипедда юриш маршрутларнинг тури эса 200 хилдан ошади. Велосипедда юриб сайр-тамошо қилувчилар ҳатто Альп тоғларини забт қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Саёҳат ишқибозлар велосипедда юриб турли хил маршрутларни танлаш имкониятларига эга бўлишади. Велосипедда юриб сайр-томоша қилувчилар учун махсус сервис хизмати кўрсатувчи пунктлар ҳам ташкил қилинган бўлиб, уларни мамлакатнинг барча ҳудудларида учратиш мумкин.

Велосипедда юриб сайр-томоша қилишнинг энг муҳим ва мароқли маршрутларидан бири – бу **Болтиқ денгизи бўйи дурдонаси** ҳисобланади. Ушбу маршрутнинг узунлиги 1005 км.ни ташкил қилади. Маршрутнинг бошланиш нуқтаси Фленсбург шаҳри бўлиб, охирги жойи Узедом оролидаги Альбек шаҳарчаси ҳисобланади. Маршрут асосан пасттекислик ва паст-баландлик жойларни қамраб олади. Ушбу маршрутдан болалар ҳам юриши мумкин. Маршрут давомида сайёҳлар Фленсбург

шаҳридан чиқиб (Киль бухтаси) Фемарн ороли томон ҳаракат қилиб, Любек бухтасидан денгиз курорти томон давом этилади. Денгиз бўйидаги Хайлигендам курорт шаҳри – Фишланд – Дарс – Цингст – Рюген ва Узедом оролига етиб борилади. Велосипедда юриш асфальт йўлда, плиталар қопланган махсус йўллар орқали ўтади. Маршрут давомида турли хил ер усти рельефи: тик қоя қирғоқлар, оппоқ рангли қумли пляжлар, дамбалар, фьордлар, ўрмонлар, ярим орол ва ороллар учрайди.

Афсонавий дарё бўйлаб сайёҳат. Ушбу маршрутнинг узунлиги 609 км.ни ташкил қилади. Унинг бошланғич нуқтаси Донауэшинген, охирги жойи Пассау шаҳри ҳисобланади. Маршрут асосан паст-баландлик жойлардан ўтади. Болалар ҳам юриши мумкин.

Верра ва Фульда дарёлари бўйлаб саёҳат. Велосипедда саёҳат қилиш маршрути Верра дарёси қирғоқлари орқали Нойхаус шаҳаридан бошланади. Маршрутнинг умумий узунлиги 306 км, охирги тугаш нуқтаси Гонновер – Мюнден шаҳарчасидир. Маршрут асосан пастекисликлар, паст-баландликлар ва тик қиялик жойлардан ўтади. Сайёҳ маршрут давомида эски савдо йўли бўйлаб Майнинген, Бад-Зальцунген шаҳарларида бўлишади. Сайёҳларни бу ерда Кельт ҳаммомлари кутишади. Сўнгра Мерхерс шаҳридан шахтёрлар юк автомобилига ўтириб шахта музейига ташриф буюришади ва ундан сўнг Эйзенаху дарасидан сузиб ўтиб Тюринг водийсига келади. Верра ва Фульда дарёлари Ганноверда бир-бирига қуйилиб Везер дарёсини ҳосил қилади. Тюринг водийсида велосипед маршрути узоқ масофага чўзилиб, ўрмонзорлар, паст-баландликлар ороли Верра дарёси бўйидаги пасттекислик жойланган шаҳарга келишади. Ушбу маршрутда сайёҳ велосипедда юриб, турли табиат манзаралари, аҳоли пунктлари ва туристик объектлар билан яқиндан танишади.

Жанубий Шварцвальд бўйлаб велосипедда саёҳат. Германия Шварцвальд ўлкаси велотуризм учун жаннатмакон ўлка ҳисобланади. Бу ерда велосипедда юриб сайр қилиш ўзи бир ажойиб, ҳузур қиладиган жойдир. Жанубий Шварцвальд бўйлаб велосипедда юриш асосан пасттекислик жойлардан ўтади. Сайёҳ маршрут давомида Вутах дарёси, Кичик Камаре қўриқхонаси (Франция), Марктрефлерланд узумчилик райони билан яқиндан танишади. Маршрут давомида у кўпгина қадимги ўрта асрларда пайдо бўлган шаҳарлар, жумладан Базель ва Фрайбург кабилар билан танишади. Жанубий Шварцвальд бўйлаб велосипедда сайр қилиш, Франция ва Швецария мамлакатлари ҳудудларини ҳам ўз ичига олади. Бу ерларда маршрут тоғлар, ботқоқликлар, ўрмонлар, баланд тоғ ўтлоқлари, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва қадимги крстян ҳовлилари орқали ўтилади. Маршрутнинг умумий узунлиги 240 км.

Рейн дарёси бўйлаб велосипедда сайр қилиш. Рейн дарёсининг қуйи қисмида жуда кўпгина велосипед йўллари мавжуд. Қуйи Рейнда велосипед йўллари жуда қалин. Асосий маршрутларнинг узунлиги 1215 км.ни ташкил этади. Иккинчи даражали велосипед йўллари маршрути 820 км. ни ташкил қилади. Бу ерда велосипед маршрутлари кўл қирғоқлари, дарё бўйлари, ўрмонзорлар, далалар, қишлоқлар орқали ўтади. Сайёҳлар маршрут бўйлаб ҳаракатланганда, Рейн дамбалари, сув ва шамол тегирмонлари, аҳоли пунктлари ва шаҳарлар билан танишиш имконига эга бўлишадилар.Умуман олганда Рейн дарёси бўйлаб велосипед йўлларининг умумий узунлиги 2035 км.ни ташкил этади. Маршрут асосан текисликдан ўтади, у болалар учун тавсия этилади.

Европа бўйлаб велосипедда сайр қилиш. Европа Иттифоқи ташкил этилгандан сўнг, Умумевропа велосипед маршрутини ташкил этиш ғояси туғилади. Бу ғоя ҳозтрги кунда амалга оширилмоқда. Булардан бири Париж – Прага маршрутидир. Ушбу маршрутга кирадиган қисми Германияда Баден – Вюртемберг ва Бавария Кель шаҳридан то Чехия чегарасигача. Париж – Прага маршрути “Олтин йўл” деб ҳам номланади. Бу маршрут жуда кўпгина ҳудудларни бирлаштиради. Умумевропа велосипед трассаси асосан асфальтланган йўллардан ўтилади. Маршрут текис жойлардан, паст-баланд ерлардан, автомобиль трассаларидан ўтади. Умумевропа велосипед маршрути Германиянинг жанубий қисми бўйлаб, яъни Германия – Баденга, Пфальцга, Франконига,

Хоэнлоэ ерига, юқори Пфальцга. Сайёҳ ушбу маршрут давомида узумзорларни, дарё водийси ва поймаси ҳамда ўрта асрларга оид архитектура ёдгорликлари билан танишиш имкониятига эга бўлади. Германия ҳудудида маршрутнинг умумий узунлиги 661 км.ни ташкил қилади. Маршрутнинг бошланиши Кель шаҳри, охирги нуқтаси Эслари Тиллишанц шаҳридир.

Германия туризмининг асосий турлари. Соғлом муҳит, хушманзара ландшафтлар, аъло пляжлар ва меҳмонновозлик – Германиянинг Болтиқ денгизи қирғоқ бўйлари туристлар учун муваффақиятли ҳордиқ чиқаришнинг асосий жиҳатларидир.

Немислар курорт ҳаётини ташкил этишга ўзларига хос меҳр билан ёндошадилар: сувнинг ҳолати, чўмилиш мавсуми бошланиши ва бутун мавсум давомида соғлиқни сақлаш маҳкамалари томонидан синчковлик билан назорат остига олинади. Қирғоқ бўйида сув спорти турлари билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган, шунингдек соғломлаштириш ва даволаниш учун ажойиб имкониятлар муҳайё.

Бу ерда аллақачон “ Курорт классикаси” га айланган таллосатерапия ва балчиқ билан даволашдан ташқари, Рюген ороли майда чўкмалари – минераллар асосида маҳаллий воситалардан фойдалиниш билан ноёб муолажалар таклиф этилади.

Қирғоқда эса денгиз суви билан ювиб турадиган қумлоқ момоиқ тўшалгандек юмшоқ, унда ялангоёқ яқиндаги оролгача бориш мумкин.

Германиянинг Болтиқ денгизи қирғоқ бўйларида дам олиш поясдлари муҳити алмашинишини хуш ёқтирмайдиган ва аллергик реакцияга мойил кишилар учун жуда маъқул келади : бунда мусаффо денгиз ҳавоси, қуёшли кунлар мўллиги ва саноат ифлослантиририлишининг йўқлиги айни муддао бўлади. Шу боис бу ерга оилалар кичкинтой болалари билан дам олишга келишни яхши кўришади.

Қишлоқ туризми. Қишлоқ туризими - бу туризимнинг алоҳида тури, қишлоқ жойларда туристларнинг уюштирилган ва уюштирилмаган шаклларини бирлаштиради. Хорижий Европада қишлоқ туризимига давлат даражасида ўзига хос маданият, тарих ва география уйғунлиги сифатида қаралади. Шунинг учун Хорижий Европада қишлоқ туризмининг қатор миллий моделлари мавжуд. Улардан бири Герман моделидир:

Германияда туристларни қишлоқ жойларда жойлаштиришнинг ўзига хос уюштириш усули бор. Туристлар асосан бевосита эгалик уйларда яшаш ва овқатланишни маъқул кўришади,қишлоқ районларида янги коттеж қуриш унчалик амалиётга тадбиқ этилмаган. Германияда туризм фермерлиги кенг тарқалган.

Кўпчилик туристлар, айниқса Жанубий Федерал ер туб аҳолиси, фермаларда дам олишнинг кўп йиллик тажрибасига эгалар. Немислар учун дам олишни ташкил этишнинг қуйидаги шакллари типикдир:

- эгаларга хўжалик ишларига ёрдамлашиш;
- ҳайвонларни боқиш; балиқ овлаш;
- зиёфатлар ўтказиш.

Мамлакатда қишлоқ туризми тараққиёти юксак даражаси ҳамма жойда бирдек эмас, ғарбий ва жанубий ерлар учун устунлик характерлироқ (Шимолий Рейн-Вестфалия, Баден-Вюртймберг, Бавария ва бошқалар) . Умумий олганда қонуният шундайки, қишлоқ туризми кўпроқ бой ва ривожланган районларда намоён бўлади. Илгари ГДР таркибига кирган Федерал ерларда ҳозирга келиб энди-энди, аста-секин қишлоқ туризмини ташкил этиш тажрибаси қабул қилинмоқда ва буни иқтисодиёти оқсаётган аграр районларни тараққий эттириш учун зарурлиги англаб етилмоқда.

Қишлоқ туризими воқеий туризм билан чамбарчас боғлиқ. Чунки Германияда халқ байрамлари жуда кўп ва мунтазам фольклор фестиваллар, қишлоқ ярмаркалари ўтказилади.

Германия Европада туризмнинг ушбу йўналишни биринчи бўлиб олға суриб бошлаган мамлакатлар қаторига киради.

Воқеий туризм. Воқеий туризм - нисбатан ёш йўналиш ва фавқулодда қизиқарли. Ўзида анъанавий дам олишни мужассам этган муайян турлар ва сайёрамиздаги энг

жозибали тадбирларда иштирок этиш, масалан, улар орасида Формула-1 пойгалари, Футбол, Олимпиядалар турли спорт турлари бўйича чемпионатларни томоша қилиш шулар жумласидандир. Жаҳонга машҳур юлдузлар концертлари, ёрқин шоулар, ранг-баранг карнаваллар ва фестиваллар, гўзаллик танловлари ва моддалар кўргазмалари-буларнинг ҳаммаси воқеий туризмга киради.

Германияда нисбатан оммалашган воқеалар:

- Бермен карнавали (январда, ҳар йили)
- Берлинда ҳалқаро кинофестиваль (феврал, ҳар йили)
- Берлинда Мусиқа байрами (июн, ҳар йили)
- Берлинда Нур байрами (октябр, ҳар йили)
- OCTOBERFET (Германияда пиво фестивали)

Воқеий туризм – бу унитилмас байрам муҳити, индивидуал дам олиш шароити ва ёдда бир умр қоладиган бетакрор тассурот. Негаки воқеий туризмнинг бош хусусияти – ёрқин ва бетакрор лаҳзалари жуда кўп.

Ишбилармонлик туризми. Ишбилармонлик туризми – энг даромадли ва жаҳон туристик бозорининг барқарор ривожланаётган сегменти – соҳаси.

Ишбилармонлик туризмининг Европа бозорида Германия етакчилик қилмоқда. У ишбилармонликка доир тадбирлар ўтказилиши сони, Хорижий бизнес туристлари келиши миқдори ва хорижда ишбилармонлик сафарида немисларнинг иштироки бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Ғарбий Европада ҳар уч ишбилармон туристнинг бири у – немис. Ҳудудда шу ишбилармонлик саёҳатларига барча харажатларнинг 20% га яқини уларнинг улушига тўғри келади.

Германияда ишбилармонлик туризми бозори таркибида икки асосий сигмент ажралиб туради: якка сафарлар, кўргазма ва ярмаркаларга ташриф. Умумий олганда улар ишбилармонлик мақсадларидаги барча сафарларнинг 83% ни ташкил қилади. Якка-индивидуал бизнес бош йўналиш- Германияда Берлин, Гамбург, Мюнхен, Франкфурт – на – Майн, Кельн ва Ганноверга сафардир. Индивидуал ишбилармон туристлар ўртача икки кечага тўхтайдилар. Уларнинг кўзлаган манзилга келиши максимал давомийлиги Берлин ва Мюнхенда тегишли тарзда 11 ва7 кеча сифатида қайд этилган.

Кўргазмалар ва савдо ярмаркалари сони бўйича Германия жаҳонда етакчилик қилмоқда. Кўргазма ва ярмаркаларга сафарлар мамлакатда барча бизнес-сайёҳатларнинг 19% ни ташкил қилади, бутун Ғарбий Европада эса ишбилармонлик бозори бу сегменти 6 % дан ошмайди.

Жаҳоннинг 33 та йирик кўргазма марказларидан 9 таси Германия шаҳарларида жойлашган. Жаҳоннинг энг катта кўргазма маркази Ганноверда жойлашган. (Messegelan Hanaver), унинг майдони 495255 кв.кмни ташкил қилади.

Германия конференциялар ва конгресслар ўтказиш сони бўйича жаҳонда тўртинчи ўринни эгаллайди.

Ушбу тадбирларда иштирок этиш учун сафар мамлакатда барча ишбилармонлик саёҳатларнинг 15% ни ташкил қилади: улардан 93% -отелларда, 4% - ихтисослашган жойлар(йирик шаҳарлар аэропортлари)да, 3% - илмий муассаларда ўтказилади.

Кўлларда дам олиш. Германиянинг кўпсонли кўллари – унинг ҳақиқий безаги. Катта ва кичик кўллар бутун бир ҳудудларда тизилиб кетган, бетакрор сув манзаралари туристлар учун аввал кўрмаган гўзалликларни кашф этади. Умумий майдони 538 кв. км бўлган Боден каби кўллар Германиядан ташқарида ҳам машҳурдир. Бу улкан ва гўзал кўлнинг катта қисми Германияга тегишли, қолган қисмини Австрия ва Швейцария ўзаро бўлиб олишади.

Германиянинг бошқа бирорта ҳудудида Боден кўли бўйидагичалик кўп барли меъморий ёдгорликлар, черковлар , монастирлар, қўрғонлар топилмайди. Ажойиб инфраструктура, супириб-сидирилган озода пляжлар ва диққатга сазовор жойлар янада

кўпроқ туристларни бу ерга жалб этмоқда. Бироқ Германия кичик кўлларга ҳам бой. Улар янада романтик ва унитилмас дамларни таклиф этади.

- Кёнигзее кўли яшил-зумрад рангдаги суви билан кишиларни мафтун этади. Унинг қирғоқлари ландшафти Скандинавия қирғоқлари манзарасини эслатади.
- Химзее кўли – ўзининг ороллари билан қизиқарли. Улардан бири Херренхимзеда Бавариянинг сўнги қироли афсоновий ЛюдвигII нинг қўрғонларидан бири қад кўтарган.
- Шварцвальд Германиянинг гўзал жойларидан бирида жойлашган Титизее кўли билан машҳур.
- Тюрингни Хоенварте (Hohen Werte) Бляйлох (Bleiloch) кўллари шунчалик каттаки, уни кўпинча « Тюринг денгизи» деб аташади.
- Қуйи Саксонияда Штайнхудор кўли ўз ҳажми билан денгизни эслатади ва дам олишнинг барча турларини таклиф қилади.

Германия кўлларида дам олиш ажойиб отеллар, ҳақиқий саройлар, XX аср бошларида нафис архитектурасининг уйғунлашиб кетган ва XXI аср боши учун фикр қилинган барча шинамликлардан баҳра олиш демакдир.

Тоғ чанғиси курортлари. Германия – нафақат қўрғонлар, саройлар ва ўрта аср шаҳарлари, кўргазма марказлари ва иссиқ сув манбалари, балки Немис Альпида ажойиб тоғ чанғиси курортлари билан ҳам машҳур. Германияга сафар учун энг яхши вақт, айниқса мамлакатнинг тоғ қисмига- бу албатта, янги йил ва Рождества байрамлари пайтидир. Чунки булар бу ерда жуда қувноқ, ҳашаматли ва муҳими эсда қоладиган тарзда ўтади. Германияда тоғчанғиси дам олиш мавсуми тахминан декабрдан бошланиб, ўртача апрел бошларигача давом этади.

Фаол дам олиш ишқибозлари учун бу ерда турли мураккаблик категориясида ажойиб тоғ чанғиси трассаси тайёрланган-хавфсиз қияликлардан тортиб тоғ чанғисида биринчи марта сайр қилмоқчи бўлганлар учун мос келадиган йўлаклар, моҳир профессионаллардан тортиб қолган машғулот ишқибозларининг кўнглидаги трассалар мавжуд.

Германияда юзлаб курорт жойлар ва чанғи марказларини санаш мумкин, у ерларда дам олиш ва тоғчанғисида сайр қилиш мумкин. Аммо кўпроқ машҳур тоғ чанғиси курортига, сўзсиз **Гармиш-Партенкирхен, Бертесгаден ва Оберстдорфни** киритиш мумкин. Ушбу тоғ чанғиси курортларининг ҳар бири сезиларли баланд туриши, халқаро даражадаги юқори класс трассалари ва бенуқсон сервис инфраструктураси билан характерланади. Юқори даражали сервис ва саранжом – саришталик – немис курортларининг фарқли қирраларидир.

Немис тоғ чанғиси курортлари қишки оилавий дам олиш учун идеал мос келади, бошловчи ва тажрибали тоғ чанғичилари, шунингдек дам олишда хилма-хиллик ва шинамликни қадрловчилар учун эса ўчмас тассурот уйғотади.

Дарё саёҳати. Германия бўйлаб саёҳат автобусда ҳам, поезда ҳам, самолётда ҳам, автомобилда ҳам яхши, аммо ландшафт ўзгаришини шинам теплоход палубасидан кузатиш янада романтик ва мароқлидир.

Германия бўйлаб денгиз саёҳати аввалдан таниш катта шаҳарларга нафақат янгича назар ташлашнинг ажойиб имконияти, балки ўзи учун кўп сонли қишлоқчалар ва Германиянинг қадимги қўрғонларини кашф этиш ҳам дир.

Шинамлиги жиҳатидан саёҳат кемаси яхши отеллардан зинҳор қолишмайди, бой ва хилма-хил таомларни таклиф қилади, саёҳат кемада уюштирилишига қарамасдан қизиқарли кўнгилочар дастурларни тақдим этади, кемалар турли классларда бўлсада, сервис уларда бирдай ишончли. Рейн, Мозел, Эльба ва Майн бўйлаб мароқли саёҳат – мафтункор манзаралар, қизиқарли экскурсия сизга Немис бебаҳо қадриятлари ва Европа тарихи ва маданияти билан танишиш имкониятини беради.

Шоп турлар. Германияда дам олишни арзон шопинг билан қўшиб ўтказиш мутлоқ имкони яна бир қулайлик ҳисобланади.

Kempeгъs Консалтинг фирмаси Германиянинг 156 шаҳрида энг машҳур савдо кўчалари рейтингини тузди. Шундай қилиб, Германияда шопинг учун ўнта энг машҳур жойга киради: Schildergasse (Кельн), Kaufingestrass (Мюнхен), Zeil (Франкфурт на Майн), Kunigstasse (Штубгарт), Munekebergstasse (Ганбург), Bahnhofstasse (Ганновер), Planken (Мангейм) Tauentzien (Берлин), Karolinenstrasse (Нюрнберг) ва Westen helluveg (Дартмунд).

Бутун дунёга машҳур ишлаб чиқарувчилардан кийим-кечак сотиш (улгуржи нархда) нуқталари Метцинген шаҳри савдо марказида тўпланган. Барча савдо марказлари турли мамлакатлардан ташриф буюрган туристларга сифатли кийим-кечак ва аксессуарлар харид қилиш имконини таклиф қилишади. Масалан: Esprit, Escado, Levis, Hugo Boss. Шунингдек спорт кийим-кечаклари Nike, Puma, Reebok ва ҳокозоларда нарх Москвадагидан бир неча марта арзон, яна плюс бир йилда икки марта тугаётган мавсум буюмларига чегирма белгиланган. Қишки сотиш муддати: январ охири-феврал боши, ёзги: июл охири-август боши.

Диний туризм. Туристик оқимларга диний мотивлар сезиларли таъсир кўрсатади. Христиан зиёратчилиги Икона ва Мадонна (Қора Мадонна) хайкаллари махсус қизиқиш уйғотади, улар ўзларига кенг зиёратчилар оқимини жалб қилади.

Айрим иконаларда юз ва Мадонна қўллари вақт ўтиши билан шам тутунларидан ёки кимёвий бўёқ реакциясидан қорайган. Биби Марям айрим ҳайкалчалари аввал бошда қора дарахт жинсларидан ясалган. Мадоннанинг анна шундай қора тасвирларидан бири Германияда сақланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Германия янада машҳур оммабоп туристик йўналишларга айланаётир. Унда: ишбилармонлик, диний, қишлоқ, воқеий туризм, кўлда дам олиш, даволаш-соғломлаштириш (больнеологик ва климатик), тоғчанғиси туризми, дарё саёҳати ва шоп-турлар тараққий этган.

5.7. Германиянинг туристик маршрутлари

Германиянинг ажойиб ва ёш туристик маршрутлари: Осте ва қуйи Эльба дарёлари - Киль канали (Шимолий ва Болтиқ денгизларини туташтирувчи) бўйлаб саёҳат. Саёҳат “ Немис паром маршрути” номи билан аталади. У 17 та паромда ўтиш, 13 та кўприк сафарини ўз ичига олади. Маршрут хилма-хил ландшафтлар, денгиз, дарё қирғоқлари, дамбалар орқали ўтади.

“Қанотли шамол”: Вестфаль тегирмони йўли. Бу қадимий романтик манзарага эга бўлган маршрут. Унинг узунлиги 320 км. **“Вестфаль тегирмони йўли”** маршрутида 43 та шамол, сув ва от тегирмонлари киритилган. Тегирмончилар оқ телпакчаларда, хотин-қизлар эса ўз миллий кийимларида туристлар кўз ўнгида тегирмонда ғаллани ун қилиб, печкада нон пишириб, туристларни меҳмон қилишадилар. Туристлар ушбу маршрутда маданий ёдгорликлар, музейлар, бадиий устахоналар, қадимги крестянлар уй-жойлари, ҳаммомларга мотоцикларда, велосипедларда, теплоходларда, қадимий паровозли вагонларда боришади.

“Европа ғиштли иморатлари готикаси” маршрути Дания, Германия ва Польша давлатлари орқали ўтади. Маршрут узунлиги 1500 кмни ташкил қилади. Маршрут Болтиқ денгизи қирғоқларида жойлашган қадимги шаҳарлар,табиат манзараларини қамраб олади. Маршрут велосипедда ёки автомобилда ўтилади.

Ольденбург Мюнстерланд минтақаси бўйлаб курорт шаҳарлари Даммер- Берге – Барселер – Затерланд – Тюльсфельдер – Хазетель маршрути. Бу айланма маршрут узунлиги 330 км бўлиб, унда 100 тадан ортиқ қулай пунктлар(тўхташ жойлари) кўзда тутилган. Ушбу маршрут учун характерли нарса бу курорт районларининг ажойиб табиати. Маршрут автомобил ёки велосипедда босиб ўтиш учун мўлжалланган.

“Паровоз маршрути”. Унинг узунлиги 650 км. Маршрут Саксония минтақаси бўйлаб давом этади. Маршрут Мускауэр – Хайде – Фихьтельберг – Фогтланд – Морицбург – Циттау шаҳарларини бирлаштиради.Сайёҳлар махсус тор изли темир йўл вагонларида Саксония минтақасининг диққатга сазовор жойларини тамошо қиладилар.

“Баден спаржа йўли” маршрути. Бу маршрут узунлиги 136 км. Маршрут Шветцинген – Райлинген – Растштайн – Шерцхайм шаҳарлари орқали ўтади. Спаржа ўсимлиги сабзавот ўсимликлари туркимига киради. У доривор ўсимлик сифатида қўлланилади. Ҳозирги кунда диетолглар спаржа ўсимлигини организмни унсурлардан тозаловчи восита сифатида тавсия этишади.Спаржа мавсуми апрел-май-июн ойларида давом этади. Германиянинг Брухзаль шаҳарчасида Европадаги энг йирик спаржа сотувчи бозори мавжуд.

«Немис аллеялар йўли» (Deutsche Albeenstrase) туристик маршрути. Узунлиги – 2500 км. Мавзу: Рюген оролидан Боден кўлигача табиат, маданият муҳофазаси.

Диққатга сазовор жойлар, қисқача маълумот:

- Рюген ороли – кам сувли кўрфаз, оҳактошли қоялар;
- Штральзунд – саккиз қиррали минора, Мариенкирхе черкови;
- Рейнсберг – қўрғон;
- Дессау – Баухаус;
- Гослар;
- Мейсен – чинни мануфактураси;
- Гласхютте – соатсоз усталар шаҳри;
- Дрезден – Цвингер, Дрезден операси.

Заальфельд, Заальфельд Бад-Кройцнахдаги «Фейгротлари» - кўприкка қурилган мафтункор уй.

Маршрут сувда вақтни ўтказишни яхши кўрувчилар учун алоҳида идеал жой сифатида ўзини намоён қилади. Агар Германия туристик маршрутлари ўртасида энг яхши маршрут танлови ўтказилганида шуҳбасиз, **«Аллеялар йўли»** Рюген ороли ва Боден кўли оралиғида жойлашган саккиз федерал ер орқали ўтади. Ушбу маршрут нафақат муҳофазага муҳтож аллеяга эътиборни жалб этиш учун, балки «Аллеялар йўли» ўтадиган ҳудуд маданий бойликлари, диққатга сазовор жойларини томоша қилиш учун мўлжалланган. Федерал ерлар йўли туташиб кетган аллея цивилизация ва табиат уйғинлигини намойиш этади.

«Шварцвальд курортлар йўли» (Schwarrwald - Baderstraяe). Узунлиги – 270км.

Шимолий Шварцвальддаги курортлар. Диққатга сазовор жойлари ҳақида қисқача маълумотлар.

- Пфорцхайм – заргарлик, кумуш ва соатсозлик саноати, альп боғлари, рим чарвоқлари маркази;
- Кальв – Герман Гессе уй-музейи, кумуш кони, монастир;
- Нагольд – Ремигиускирхе черкови, тўғон, кельт князлик қабри;
- Фройденштадт – Германиянинг энг катта бозор майдони;
- Байерсбронн – карстли (музлик) кўл, Вильгельм Гауфи эртаклар музейи;
- Маульбронн – Энцклёстерле цистерциан монастирининг Адвентуре гольф-парки.
- Альтенштайт – қалъа, шаҳарнинг тарихий маркази;
- Бад – Вильдбад – ёғоч оқизиш музейи, «Пале-Термаль» аквапарки.
- Баден-Баден – казино, Терми _ Каракалли» термал комплекси.

У Шимолий Шварцвальднинг хушманзара ландшафтлари орқали ўтади, у ерда тоғлар водийлар билан алмашади ва Нагольд ва Энц дарёлари туташиб кетади. Заргарлик саноати шаҳри Пфорцхайм ва баландлиги салкам 1000 метрга етадиган Книбис тоғ платоси оролиғида Фрейденштадт шаҳри жойлашган.

Шимолий Шварцвальд Германиянинг йирик қўриқхона зоналаридан бири, ГФР нинг ягона райони ҳисобланади, бу ерда жуда кўп иқлимий, термалли ва маъданли курортлар жойлашган. Бу ерда ўтказиладиган дам олиш ва бўш вақт барчага катта кўнгилхушлик бағишлайди ва янги куч-ғайрат бахш этади. Бу ерда ҳар бир киши кўнглига ёққадиган машғулот топаолади: пиёда ва велосипеда сайр қилиш, гольф, қояга чиқиш, парапланеризм, балиқ ови, шунингдек қишки спорт турлари катта танлови имкони бор.

«Романтика йўли» туристик маршрут (Romantische StraЯе) – романтика излари бўйлаб. Узунлиги 350 км. велосипедда маршрут 424 км.

Мавзу: санъат, маданият, ландшафт, меҳмонновозлик.

Диққатга сазовор жойлар, қисқача маълумотлар.

- Вюрцбург – архиепископлар қароргоҳи (ЮНЕСКО Бутун жаҳон маъданий мероси объекти), Мариенберг қалъаси;
- Бад – Мергентхайм – Тевтон ордени қўрғони;
- Ротенбург – ўрта аср тарихий маркази, рождества безаклари музейи, ўрта аср ҳуқуқ-тарғибот музейи;
- Динкельсбюль – 16 минора билан шаҳар тарихий маркази, фортификацияли иншоотлар;
- Нёрдлинген – темирйўл музейи, метеорит кратери музейи;
- Харбург – етти арк билан қалъа;
- Аугсбург – Фуггерай гузари, қўғирчоқ театри;
- Пфаффенвинкел – Визкирхе зиёратгоҳ черкови;
- Швангау – қироллик қўрғони;
- Фюссен – шаҳарнинг ўрта аср тарихи маркази, қўрғон, Авлиё магнус монастири.

Табиат, маданият ва меҳмонновозлик уйғунлиги мана 50 йилдан кўпроққи “Романтика йўли”нинг фарқли қирралари бўлиб келмоқда. Маршрутнинг “Романтика йўли” деб аталиши жуда кўп немислар ва хорижий туристларнинг кўз ўнгидан ўтган Ғарбий Европа тарихи маданияти ва санъати намуналаридан олган ҳиссиёт ва тассуротлари ҳайратларини ифодалайди.

Бироқ “Романтика йўли” бўйлаб саёҳатда янада бетакрор ва ғаройиб ландшафт, хилма-хил пазандалик кутади. Маршрут шунингдек машҳур кишилар – архитектор Бальтазар Нейман – Вюрцбургда архиепископ қароргоҳ- саройини қурган, хайкалтарош Тильман Рименшнейдер – Таубер дарёси акс эттирган, шунингдек Ротенбург ва Динкельсбюль шаҳарлари гўзаллигидан илҳомланган рассом Карл Шпицвега номлари билан таништирилади. Бутун маршрут бўйлаб яхши велосипед йўлаги тортилган. Маршрут давомида велосипедчилар учун карталар, шунингдек туристик хизматлар махсус пакетлари тавсия этилади. Майндан то Альпгача шинам ресторанчалар йўлда танаввул қилиб олиш ёки узоқроқ ўтириб ҳордиқ олишга таклиф қилади.

«Лорелей йўли, қалъалар ва қўрғонлар» (Loreley und BurgenstraЯе) туристик маршрути - Лорелей ҳақида афсона ва ривоятлар. Узунлиги-56км. Қалъа ва қўрғонлар Рейн романтикаси, маданият .

Диққатга сазовор жойлар. Қисқача маълумот.

- Кауб – Губенфелъс қалъаси маршал Блюхер музейи, Пфалъцграфенштайн божхона қўрғони:
- Зауэртал- Зауэрбург қалъаси , империя рицари Франс фон Зиккинг қабри;
- Санкт-Гоархаузен-Лорелей қояси, Лорелей ландшафт парки туристик маркази билан, очиқ осмон остида ёзги саҳна;
- Патерберг-уч қалъа кўриниши;
- Кестерет- Гинденбург майдоннинг манзараси ;
- Камп-Борнхофен-Штеренберг ва Либенштайн қалъалари, Борнхофендаги монастир;

- Вайзелъ-ўт ўчириш жамоаси музейи

Гўзал Ўрта Рейн водийси ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон маданий мероси объектлари рўйхатига киритилган.Бу ерда Рейн дарёси Хунерюк ва Таунус тоғлари бағридан ўтган, дунёга машур Лорелей қояси юксалиб турибди. Тор водий, асов оқим ва сирли акс садо бу ерда олтин соч қиз ҳақида афсона тўқилган .У қадим замонларда ўзининг жарангдор қўшиғи ва ақл бовар қилмас жамоли билан келганларни қояга чорлар экан.

Лорелей ҳақидаги афсона қадим-қадимдан мавжуд, бироқ Генрих Гейненинг машҳур шеъри ва Фридрих Зилъхарнинг мелонхолик куйи унга жаҳоншумил шуҳрат келтирди. Худди шундай, Маус қўрғони (немисча, «сичқон» Maus) аввалгидек алоҳида жозиба касб этади: унда ўрта аср бургутхонаси жойлашган, бу ерда ҳар куни лочин ва бургутлар билан ғайритабиий томошалар намойиш этилади. Лорелей қояси ёнидаги очиқ осмон остидаги ёзги саҳна (Woreley-Freilichtbьhne) Германияда ажойиб акс-садоли энг яхши амфитеатр, унда классик, оммавий ва рок – мусиқа концертлари ўтказилади. Ҳар йили сентябрда Рейн ёрқин ёғдулар оғушига чулғанади: ноёб “ Нурли тамошо” ва улкан “Рейн оловлари” мушакбозлиги тўғридан-тўғри Лорелей қояси пастида ташкил этилади. Бу тадбир жаҳоний шуҳрат қозонган ва улуғвор қалъалар Райнфелъс (Rheinfels), Канс(немисча «мушук», Katz) ва Маус «сичқон» (Maus) ҳолида ўтади.

«Шиша» йўли (DieGlasstrse) туристик маршрути – шиша ва биллурнинг ғаройиб олами. Узунлиги - 300 км

Шиша тайёрлаш санъати, шиша пуфлаш иши, табиат, маданият.

Диққатга сазовор жойларининг қисқача маълумоти:

- Нойштадт – ан – дер – Валъднаб – биллурнинг Европа музейи, ўлкашунослик ва шишасозлик музейи;
- 1 метр баландликда олтин қиррали ваза ясаш иши;
- Пёсберг – шиша пишириш ўчоқлари музейи;
- Фихтах – шиша омбор, Реген – шишадан ясалган «**шиша ўрмон»** дарахтлари парки;
- Фрауенау ва Пассау – шиша музейи;
- Вайден – шиша ва чинни буюмлар харид қилишнинг ажойиб имконияти;
- Фрауенау – барон фон Пошинрегнинг шишасозлик устахонаси;
- Айш – шишасозлик устахонаси музейи;
- Фрайунг – “Вайнфуртнер” тоғ шишасозлик устахонаси, балиқ овлаш ва овчилик музейи, Валъштайн қўрғони;
- Пассау – “уч дарё шаҳри”, богем биллурларининг йирик коллекцияси.

Бавария ўрмонлари ва Верхнефалъцк ўрмонлари ҳудудлари “шиша йўли: (Glasstrase) туристик маршрутининг айни шу ердан ўтиши бежиз эмас. Негаки ҳали 500 йил аввал ушбу ҳудудларда шишасозлик устахоналри очилиб санъат асаралари яратила бошлаган. Шарқий Бавария шишаси азалдан юқори баҳоланган ва дунёда машҳур фабрикалар идишлари сингари донг таратган, аслида бу ерда ноёб буюмлар кичкина устахоналарда ясалади.

Пассау (Passau) шаҳридаги шиша музейи(Glasmuseum)да барча маданий даврлардан 15000дан кўпроқ шиша буюмлар намойиш қилинади. Музейлар, галереялар ва фабрикалар ўзларида шиша империясининг бебаҳо ва ноёб объектлари харитасини мужассам этган, қайсиким ёши бутун бир аср ёки атиги дақиқалар билан ўлчанади. Кварц, оҳактош, натрит ва поташ Бавария шишасозлик анъаналари асосини ташкил қилади.

“Немис йўли эртаклари” туристик маршрут - ака-ука Гриммлар изидан эртаклар мамлакатига бошлайди, узунлиги – 600 км.

Эртаклар, ривоятлар, афсоналар, маданий ҳаёт.

Диққатга сазовор жойлари: қисқача маълумот.

- Ханау – ака-ука Гриммларнинг ёдгорлиги ва қадрдон шаҳри;
- Штайнау – ака-ука Гриммлар уйи;

- Швалъмштадт – “қизил шапкача мамлакати” туристик ҳудуди пойтахти;
- Шауэнбург – “Мерхенвахе” адабий музейи;
- Касселъ – “эртакларнинг немис йўли” туристик маршрути марказ; ака-ука Гриммлар музейи;
- Гамелън – Каламуш тутқич ҳақидаги афсона шаҳри;
- Хофгайемар – Забабург – уйқудаги малика қасри;
- Тренделъбург – Рапунцелъ минораси;
- Полле – Золушка ҳақидаги эртак рўй берган жой;
- Бремен – Бремен музикантлари ҳақидаги эртак ва шу номдаги ёдгорлик;

Булар ака-ука Гриммлар ҳаёти билан боғлиқ, 70 дан ортиқ шаҳар ва округлар орқали ўтадиган қадимий туристик маршрутлардан биридир. У фантастик эртаклар, ривоятлар, мифлар ва афсоналр билан йўғрилиган. Ака-ука Гриммлар китобларида тасвирланган воқеалар айнан “Ертакларнинг немис йўли” бўйлаб ястанган ўлкаларда содир бўлган бўлиши мумкин. “Рапунцелъ минораси” дан Тренделъбург қалъасига ўтилади, у ердан қалин ўрмон қўйнидаги Райнхаросвалъд ясси тоғлиги ғаройиб манзараси кўзга ташланади. Қалъадан қамоқдаги соҳибжамол ўз кокилларини пастга ташлаган. Забабург қалъасида ажойиб шахзода ўз бўсаси билан маликани тирилтирган.

Ебергёцен деган жойдаги тегирмон музей ҳаммани Макс ва Марицанинг 7 қилмишини эслашга таклиф этади – немис юмористи Вилъгелъм Буш шум қаҳрамонларини эслаган киши юзига яна табассум югиради. Мафтункор Швалъм ҳудуди Қизил шапкача ва бўрини эслатса, Хоэр – Майснер тоғ тизмалри – бу Метелицы Олияларининг эртаксимон мамлакати, Полле(Polle) Золушка ҳақидаги эртак бўлиб ўтган жой.

Каламуш тутгич ҳақидаги афсона шарофати билан Гамелън(Hameln) бутун дунёга танилган. Айрим шаҳарларда ташриф буюрувчиларни эртак қаҳрамонларининг ўзлари кутиб олишади.

«Немис Фахверко – маршрути (Deutsche Fachwerkstrase)» – Фахвер архитектураси изидан хуш манзара ландшафт бўйлаб саёҳат узунлиги 2800км.

Германияда архитектуранинг Фахвер усули. Биздаги “ чўпкори” усулига ўхшаб кетади. Диққатга сазовор жойлар:

- Штаде – Эски порт, музей;
- Нинбург – Фахверкали уйлар, музей;
- Ворбис – Боденштайн қалъаси, айиқлар парки;
- Шмалькальден – ташриф буюрувчилар учун очиқ кон, Вильгельмсбург қўрғони;
- Мерсбург – қалъа, қўрғон, музейлар
- Целле – қароргоҳ – сарой;
- Бад – Херсфельд – театрал фестивал;
- Эрбах – фил суяги шаҳри;
- Ганноверш – Мюнден – Фахверкли архитектура дурдонаси.

«Фархверкли маршрут»нинг жаҳонда тенги йўқ, ажойиб сақланган ёки реставрация қилинган.

Катта миқдорда ноёб Фахверкли биноларни ўзига бирлаштирган. Улар бамисоли дурдона каби маршрутни безовчи чинакам безак бўлиб хизмат қилади. Ғайриоддий конструкция, ажойиб орнаметлар, ёрқин ранглар фахверк 1000 йиллик тарихи бўйлаб саёҳат чоғида туристларни маҳлиё қилади. Шу билан бир ҳар ҳудуд ўзига хос алоҳида услуби билан ажралиб туради. Фахверк бу қурилиш конструкцияси, асосий таянчи ёғоч балкалардан иборат каркас ҳисобланади.Унинг орасидаги бўшлиқ лой ва ғишт билан тўлдирилади, бу ҳаддан ташқари ёғочни тежашга олиб келади. Фахверк(чўпқори)ўзида архитектура намунасини намоён этади. Экологик тоза ва дидли – эстетик архитектура намунасини намоён этади.

Германия катта ва хилма-хил туристик маршрутлар мавжуд камдан-кам мамлакатлардан биридир. Уларнинг сони жуда кўп, энг машҳурлари:

Аллеяларнинг немис йўли, эртаклар йўли, немис фахверк (чўпқори)ли маршрути, шварцвальд йўли, романтика йўли, шиша ва ниҳоят Лорелей.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Германиянинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити ҳақида маълумот беринг.
2. Германиянинг табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Германияда туризмни тараққий эттириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?
4. Германиянинг аҳолиси, унинг миллий хусусиятлари, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш жиҳатлари қандай?
5. Германия туризм тараққиётида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрнини аниқланг.
6. Германияда туристларни жойлаштириш воситаларининг асосий ҳусусиятлари, имкониятлари ҳамда афзалликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?
7. Германияда туристларни овқатлантириш тизими, ресторанлари ҳамда миллий таомлари ҳақида маълумот беринг.
8. Германиянинг сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш инфратузилмаси қандай ривожланган?
9. Германияда даволаш ва соғломлаштириш туризми тўғрисида маълумот беринг.
10. Германия туризми: унинг ривожланиш динамикаси ва асосий йўналишлари ҳақида гапириб беринг.
11. Германиянинг асосий туристик районлари ва марказлари ҳақида маълумот беринг.
12. ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон мероси рўйхатига киритилган Германия ёдгорликлари ҳақида нималарни биласиз?

VI БОБ. РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТУРИЗМИ

6.1. Россия Федерациясининг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари
6.2. Россия Федерациясининг табиий, тарихий, маданий ва рекреацион ресурслари
6.3. Аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари
6.4. Россия Федерациясининг туризм инфратузилма тармоқлари
6.5. Россия Федерациясининг халқаро туризм бозорида тутган ўрни ва роли
6.6. Россия Федерациясида туризмнинг ривожланиш босқичлари ва динамикаси
6.7. Россия Федерацияси туризмининг асосий йўналишлари ва районлари

6.1. Россия Федерациясининг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари

Географик ўрни. Россия Шарқий Европа ва Осиёда жойлашган мамлакат бўлиб, у жанубда Хитой, Монголия, Қозоғистон, Грузия ва Озарбойжон, жанубий-шарқда Шимолий Корея, жанубий-ғарбда Украина, ғарбда – Белорусь, Финландия, Эстония, Латвия ва Норвегия билан чегараланади. Бундан ташқари, Россиянинг Калининград области Болтиқ денгизи бўйида мамлакатнинг асосий қисмидан ажралган ҳолда Польша ва Литва давлатлари билан ҳам чегарадош. Россия таркибига Шимолий Муз океанида Янги ер ороли, Шимолий ер, Вайгач, Франц-Иосиф Ери архипелаги, Новосибирск ороллари, Врангел ороли, Тинч океанида Курил ороллари ва Сахалин ороли ҳам киради. Россия шарқ томонда Япон, Охота ва Беринг денгизлари, Беринг бўғози, шимолда Баренц, Карск, Чукотка, Шарқий Сибир денгизлари, Лаптевлар денгизи, ғарбда Болтиқ денгизи, Фин кўрфази, жанубда Қора ва Азов денгизлари билан ўраб олинган. Россиянинг умумий ер майдони 17,1 млн. кв.км. бўлиб, у дунёда территориясининг катталиги жиҳатидан 1 ўринни эгаллайди.

Табиати. Россия географик жиҳатдан 3 қисмга бўлинади: Европа қисми, Сибирь ва Узоқ Шарқ. Россиянинг Европа қисми бутунлай Шарқий Европа текислигидан иборат. Шимолий-ғарбда у Хибин тоғлари, жанубда Кавказ тоғларининг шимолй ён бағирлари билан ўраб олинган. Унинг шарқий қисмида Урол тоғлари жойлашган. Бу ҳудудда яна Ўртарус, Волгабўйи ва Валдай баландликлари ҳам бор. Жануб ва жанубий шарқда Қора денгизбўйи ва Каспийбўйи паст текисликлари жойлашган. Ўрол тоғларидан шарқда Ғарбий Сибирь паст текислиги ва жанубий-шарқда Олтой тоғлари ётади. Енисей ва Лена дарёлари оралиғида Шарқий Сибирь ясси тоғлиги жойлашган. Россиянинг Осиё қисми жанубини Ғарбий ва Шарқий Саян тоғлари эгаллаган. Мамлакатнинг шарқий қисмида Марказий Якутия текислиги, Верхоянск, Черск, Колима тоғлари жойлашган. Камчатка ярим оролида 120 та вулқонлар жойлашган бўлиб, шулардан 23 таси ҳаракатдаги вулқонлардир. Россиянинг энг баланд жойи Европа қисмида жойлашган Кавказ тоғларидаги Эльбрус (5642 м) чўққисидир. Мамлакатнинг йирик дарёлари Волга, Шимолий Двина, Дон, Иртиш, Обь, Ангара, Енисей, Лена, Амурлар саналади. Энг узун дарё бу Лена дарёсидир (4269 км). Россия ҳудудида кўллар жуда кўп. Энг йирик кўлларга Каспий денгизи (371 минг кв. км), Байкал кўли (30,5 минг кв.км), Ладога ва Онега кўллари киради. Байкал кўли дунёдаги энг чуқур (1637 м) кўл ҳисобланади.

Иқлими. Россияда турли хил иқлим пояслари бор. Мамлакатнинг энг шимолий чеккасида арктик ва субарктик пояс, ундан жануб томон борган сари ўртача мўътадил ва континентал иқлим пояси, энг жанубий қисмида эса субтропик иқлим поясига алмашиниб борилади. Россиянинг ғарбий вилоятлари, Узоқ Шарқнинг жанубий ўлкалари ва Қора денгизбўйи ҳудудлари учун денгиз иқлими характерлидир. Ўзгарувчан мўътадил иқлимга эга бўлган ҳудудларда январ ойининг ўртача ҳарорати – 5^o – 10^o, июл ойиники +15^o – 25^o ни ташкил қилади. Асосий ёғин-сочиннинг тушиши йилнинг илиқ даврига тўғри келади.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Россия ўрмонларга бой мамлакат саналади. Унинг 60% территорияси ўрмонлар билан қопланган. Мамлакат ҳудудида турли хил ўсимлик ва

ҳайвонот турлари учрайди. Энг чека Шимолий ўлкаларда арктика зонасида мох, қутб қизғолдоғи, айиқтовонлар ўсади. Жануброқда тундра зонасида пакана қайин, тол, ольха (зирк) дарахтлари тарқалган. Ўрмон тундра зонаси учун арча, пихта, кедр ва даур тилоғочи кабилар характерли. Ундан жануб томон борган сари кенг баргли ўрмонлар тарқалган. Бу ерларда дуб, клён (заранг), липа (арғувон), граб дарахтлари ўсади. Амурбўйи ўлкасида ноёб дарахтлардан монгол дуби, маньжурия клени (заранги), ильм (қайроғоч), ёнғоқлар тарқалган. Ўрмондашт ва даштлар зонасида дубсимон дарахтлар, турли хил ўсимликлар, бошоқли ўсимликлар ўсади. Қораденгизбўйи субтропиклар зонасидаги ўрмонларда дуб, можжевельник, шамшод, қора зирк каби дарахтлар кенг тарқалган.

Россиянинг ҳайвонот олами ҳам табиат зоналарига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Мамлакатнинг арктика ва тундра зоналарида песец (шимол тулкиси), шимол буғуси, қутб қуёни, тюлен, морж, оқ айиқлар яшайди. Тайга ўрмонларида айиқ, силовсин, росамаха, лось, соболь, оқ сувсар, бурундуқ, олмахон, каркур, чил (қуш), қур (ўрмонда яшайдиган ёввойи товуқ), қизилиштон; кенг баргли ўрмонларда ёввойи чўчқа, буғу, норка, хилма-хил қушлар, калтакесаклар тарқалган. Узоқ Шарқ ўрмонларида уссурий йўлбарси, айиқ, буғу учрайди. Дашт зоналарида сайгак, борсуқ, тулки, кемирувчи ҳайвонлар, дашт қушлари (турна, тувалоқ, базгалдоқ) яшайди. Чўл ёки саҳроларда жайрон, чиябўри (шақол), бархан мушуги, кўплаб кемирувчи ҳайвонлар учрайди. Кавказ ўлкасида тоғ эчкиси, кавказ буғуси, жайра, қор қоплони, айиқ, сиртлон (ёлдор бўри) ва бир қатор судралиб юрувчилар яшайди.

6.2. Россия Федерациясининг табиий, тарихий, маданий ва рекреацион ресурслари

Россия Федерацияси табиий, тарихий, маданий ва рекреацион ресурсларга бой мамлакатдир. Унинг ресурслари мамлакат бўйича бир хилда тарқалган эмас. Табиий, тарихий, маданий ва рекреацион ресурсларнинг тарқалишини шартли равишда 4 та йирик районга бўлиш мумкин: **Россия Маркази, Россия Шимоли, Россия Жануби, Сибир ва Узоқ Шарқ.**

Россия маркази таркибига Марказий, Ғарбий, юқори Волга ва Урал ўлкалари киради. Марказий районга Москва области ва унга туташ бўлган областлар киради. Ушбу район ўрмонларга жуда бой. Ока, Кляъзма, Ғарбий Двина, Москва, Руза, Истра, Нара дарёлари, Можайск, Рузак, Учинск, Озерцинак сув омборлари, Москва канали мавжуд. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси хилма – хил бўлиб, дам олиш учун имкониятлар (овчилик, балиқ овлаш, қўзиқорин ва ёввойи меваларни териб олиш, ўрмонда юриб сайр қилиш) мавжуд. Районда ер ости минерал сувлари, балчиқлар бор. Табиий рекреацион ресурслар асосида 300 тадан ортиқ санаториялар, 500га яқин турбазалар, дам олиш уйлари, пансионатлар ишлаб турибди. Улардан ташқари ушбу ҳудудда соғломлаштириш марказлари, дала ҳовлилари, ёшлар лагерлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ушбу район ўзининг маданий-тарихий имкониятлари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Бу ерда дунёга номи тарқалган музейлар, кўргазма заллари, мемориал тарихий ёдгорликлар, ажойиб архитектура-қурилиш бинолари жойлашган. Театрлар, концерт заллари, спорт иншоотлари, праваслав черковлари, истироҳат боғлари мавжуддир. Марказий район халқ ҳунармандчилик соҳалари ёғоч ўймакорлиги (Хотьково, Сергиев Посад), керамика ва чинни буюмлари (Гжель, Скопин, Вер-билки, Дулево), хрусталь ва бадиий шишалар ишлаб чиқариш (Костино, Гусь Хрустальний), лакланган минатуралар (Федос-кион, Мстера), газламаларга бадиий ёзиш (Павловск Пасад, Мытиши, Троицк) ва бошқ. билан машҳур.

Марказий районда Москва шаҳри туризмнинг асосий маркази ҳисобланади. Бу ерда жуда кўплаб турфирмалар ва туристик корхоналар жойлашган. Ҳудуднинг Рязань,

Владимир, Тула, Калуга, Смолнск, Брянск областлари марказларида ва кичик тарихий шаҳарларида маҳаллий туристик ташкилотлар ривожланган.

Россия Марказий районининг Ғарбий ўлкалари (Калининград, Песков ва Новгород областлари) рекреацион ресурслари ҳам хилма-хил ва улар бир-биридан фарқланади. Калининград областининг рекреацион ресурслари асосан Болтиқ денгизи қирғоқларида жойлашган. Бу ернинг ландшафти денгиз бўйи пастекислигидан иборат. Бу ерда кенг кўламда қумли пляжлар учрайди. Уларда кенг баргли ва қарағай дарахтлари мавжуд. Бу табиий кўринишга эга бўлган манзарали жойлар бутун областнинг 15 % территориясини ташкил этади. Псков – Новгород областлари ҳам рекреация ресурсларига бойдир. Ҳудуднинг қарийиб ярми ўрмонзорлар билан қопланган. Бу ерда Валдай Миллий боғи бор. Унда Волхов, Мета,Шелонь, Ловать, Пола, Ғарбий Двина дарёлари, 1500 дан ортиқ кўллари мавжуд. Унинг йирик кўллари – Чуд, Илмень, Валдий, Пирос ҳисобланади. Ғарбий район ҳудудида ер ости маданли сувлар маркази мавжуд. Жумладан, “Старая Русса”, “Рауншен” (ҳозирги “Светлогорск”) санатория курортлари ташкил этилган. Псков, Новгородлар қадимги шаҳарлар бўлиб, бу ерда саборлар, монастирлар, кремллар сақланиб қолган. Ҳудуднинг Старая Русса, Валдай, Изборск, Печора каби шаҳарлари ўзининг архитектура ёдгорликлари билан машҳурдир.

Юқори Волга райони таркибига Твер, Ярославл, Иваново, Кострома, Нижгород, Киров областлари ва Удмуртия, Чуваш, Мари Эл республикалари киради. Бу район пастекисликлардан иборат. Ер усти майдоннинг ярмини ўрмонлар эгаллайди. Асосий дарёлари Волга ва унинг ирмоқлари Тверда, Молога, Костром, Унша, Вятка, Ветлуга, Ока, Сура кабилар. Волга, Ока, Вятка дарёларида сув туризми ривожланган. Ҳудудда жуда кўп кўллар мавжуд. Уларнинг энг биринчи Селигер кўли ҳисобланади. Минерал сувлар, даволаш балчиқлари Кострома областида (Горбачевск), Твер областида (Талицкий Мох ва Владенск), Мари Эл республикасида (Кижерс кўли), Киров областида (Ивкинск кўли) учрайди.

Юқори Волга районида қадимги шаҳарлар жуда кўп. Уларга Твер, Ярославль, Кострома, Қўйи Новгород, Киров, кичик шаҳарлардан Торопец, Торжок, Осташков, Старица, Кашин, Углич, Тутаев, Рыбинск ва бошқалар. Юқорида санаб ўтилган шаҳарларда ўлкашунослик, бадиий, этнографик ва халқ ижодкорлиги музейлари жойлашган. Бу ҳудудда жуда кўп провослав диний зиёратгоҳ жойлар, монастирлар Остошкода, Старицада, Торжокда, Тверда, Кострома шаҳарларида тарқалган. Ушбу ҳудуд ўзининг халқ ҳунармандчилиги саноати тармоқлари, тикувчилик, тўқувчилик, ёғоч ўймакорлиги, темирчилик, чинни, сопол, фаянс, зардўзлик каби ишлаб чиқариш тармоқлари билан ном чиқарган. Бу ерда даволаш – соғломлаштириш корхоналари ҳам ривожланган. Энг йирик курортларга Нижгород областидаги “Нижнее Ивкино” кабилар мисол бўлади. Районда туристик корхоналарнинг аксарият қисми Селигер кўли атрофида, Твер, Кострама, Вишний Волочек, Ярословаль, Углич, Рыбинск,Осташков, Старица каби шаҳарларда жойлашган.

Урал райони таркибига Пермь, Екатеринбург, Челябинск областлари, Башқирдистон, Удмуртия республикалари киради. Район асосан тоғликлар, ясси тоғлар, баландликлардан иборат. Ҳудуд ўрмонлар билан қопланган. Унинг дарёлари – Кама,Белая, Урал, Тура, Исеть уларнинг ирмоқлари Чусовая, Юрюзань, Инзер Ай, Миас ва бошқалар. Бу ерда кўллар ҳам кўп учрайди. Уларга Увильди, Аргази, Иртяш, Шарташ, Калакларни мисол келтириш мумкин. Урал районида диққатга сазовар жойлардан энг муҳими бу карст ғорларидир. Бу ерда 500 дан зиёд ғорлар учрайди. Уларнинг энг йириги Сумчан – Кутук ҳисобланади. Унинг узунлиги 8 кмдан ортиқ. Бу ҳудудда Ильмен минералогик қўриқхонаси жойлашган. Бошқирдистон ҳудудида ноёб Янгантов курорти, Капова ғори ва археологик ёдгорликлар, мусулмон ва проваслав диний зиёратгоҳ жойлари ҳам учрайди.

Урал районининг асосий туристик марказлари Екатеринбург, Челябинск, Пермь, Уфа, Нижний Тагил, Невьянск ҳисобланади.

Россия Шимоли райони таркибига Мурманск, Архангельск, Вологда, Линингград областлари, Коми ва Карелия республикалари киради. Ушбу район сув ресурсларига жуда бой ҳисобланади. Унинг йирик дарёлари – Шимолий Двина, Ониа, Мезень Печера, Пинега, Нева кабилар. Кўллар ҳам кўп. Уларнинг умумий сони 2,5 мингдан ошади. Энг йирик, кўллари Ладога, Онега, Имандда, Белое Лага, Кенозеро, Кожозеро, Дарё ва кўлларда сув туризми ривожланган. Район тарихий – маданий ресурсларга бой. Бу ерда сайр-томоша туризми анча ривожланган. Унинг асосий марказида Санкт-Петербург, Петергов, Павловск, Царское Село, Гатчина, Ораниенбаума, Вологда, Арханельгелск, Великий Устюг, Киргопель, Тетьма ва бошқалар ҳисобланади. Архангельск ва Вологда областлари ўзининг ноёб этнографик қишлоқлари билан машҳур. Кижа ва Кичик Корела шаҳарлари ёғоч ўймакорлиги билан қурилган иморатларти бутун дунёга танилган. Рус Шимолий ўлкасида жуда кўплаб проваслав диний зиёратгоҳлари сайёҳларни ўзига жалб қилишади. XIV ва XV асрларда қурилган монастирлар, саборлар, архитектура ёдгорликлари, музейлар жуда кўп. Халқ ҳунармандчилик соҳалари, декоратив – амалий санъат тармоқлари ҳам ривожланган. Халқ ҳунармандлиги соҳасининг асосий марказлари Киргополь, Вологда, Великий Устуг, Архангельск шаҳарлари ҳисобланади.

Рекреацион ресурслардан даволаш-соғломлаштириш ташкилотлари, яъни курорт – санаториялар Санкт-Петербург атрофида, Луга, Гатчина, шаҳарларида, Архангельск областида “Беломорье”, “Солониха”, Сольвичегорск курортлари ҳисобланади.

Россия Жануби райони таркибига Марказий Қоратупроқ областлари, Қораденгиз, Азов ҳамда Каспий денгизи қирғоқлари, Қрим ва Кавказ тоғли ройонлари киради. Ушбу районлар даволаш-соғломлаштириш туризми соҳаси бўйича ихтисослашган. Кавказ – Қораденгиз бўйи ҳудуди рекреацион ресурсларга анча бой бўлиб, туризм иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан саналади. Район хилма-хил маъданли шифобахш сувлари ва балчиқлари билан машҳурдир. Ушбу ҳудудда маданий – тарихий ва рекреацион имкониятлари бўйича Қрим Анапа, Туапсе, Геленджик, Сочи курорт зоналари алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, Анапа зонасида дендропарк, парк “Ривьера”, 150 тадан ортиқ санатория – курортлар Геленжикда Ахун тоғи, Агур шаршараси, Бургут қояси, Воронцов ғори, Хоста боғи. Катта Сочи курорт зонаси эса Қораденгиз қирғоқ бўйида 145 км масофага чўзилиб кетган. Бу ерда 220 дан ортиқ санатория ва курортлар ҳамда дам олиш ташкилотлари мавжуд. Энг йирик ва машҳур курортларга Сочи, Лазаревск, Догомис, Мацета, Хаста, Адлер кабилар киради.

Шимолий Кавказ ҳам тоғолди ва хилма-хил ландшафтга эга. Бу ерда Кубань, Лаба, Белая, Уруп, Баксан, Нура, Чегем, Терек, Псекупе каби тез оқар дарёлари мавжуд. Краснодар ва Миниральные воды сув омборлари бор. Ушбу район маъданли шифобахш сувларга жуда бой, уларнинг умумий сони 130 тадан ортади. Кавказ минерал сувлари Патигорск, Ессентуки, Железноводск, Кисловодск, Минеральные воды, Нальчик каби шаҳарлар номи билан боғлиқ. Бу ерларда “Славянский”, “Смирновский”, “Нарзан”, “Ессентуки” каби минерал сувлари қадақланади ва савдога чиқарилади. Ҳозирги кунда Краснодар ўлкаси, Кабардин – Болкар, Чечен, Шимолий Осетия республикалари ҳудудларида хилма-хил архитектура қурилиш объектлари, театрлар, музейлар, кўриқхоналар, ғорлар, шаршаралар бор. Шимолий Кавказ ҳудудида Глинка, Грибоедов, Пушкин, Лерментов, Толстой, Шаляпин каби каби шоирлар, ёзувчилар, музикачидар, санъат намоёндалар келиши билан боғлиқ бўлган жойлар жуда кўп учрайди. Ҳудудда ажойиб табиий диққатга сазовар объектлар: тоғ чўққилари, тор даралар, шаршаралар кўп учрайди. Табиий қўриқхоналардан катта Кавказ (Зубровый парк), Теберда, Кабардин – Балкар ва Шимолий Осетия кабиларни мисол келтириш мумкин.

Собиқ Совет тузими даврида бу ерда бир қатор спорт-туристик ташкилотлари яъни турбазалар, меҳмонхоналар, альпинстлар лагерлари ташкил қилинди. Мисол учун Қорачаево – Черкессияда тоғ туризми марказлари “Жамбалай водийси”, “Архиз”, “Теберда”, “Домбай” ва ҳ.к.

Бошқа йирик тоғ туризми комплекси Кабардин – Балқар республикасида ташкил этилди. Бу ерда тоғ туризми, альпинизм ва тоғ чанғиси туризмига ихтисослашган бир қатор туристик комплекслар “Азау”, “Башиль”, “Иткул”, “Приют 11”, “Чегем”, “Эльбрус - Юсенги” вужудга келди. Шимолий Осетия тоғли ўлкаларида, яъни Цейск ва Дигорск ушелларида “Дзенига”, “Кахтаскар”, “Уридон” турбазалари, Ғарбий Кавказда “Псеебай”, “Кавказец”, “Каменномости” турбазалари ишга туширилди. Шимолий Кавказнинг Каспий денгизи қирғоқларида “Каспий”, “Талачи”, “Каякент” санаторийлари қурилган. Ушбу районда қадимги шаҳарлардан Дербент, Махачкала туризм маркази ҳисобланади. Бу шаҳарларда VIII-IX асрларда қурилган архитектура ёдгорликлари, музей-заповедник, Петр I уйи сақланиб қолинган.

Волгабўйи ва Жанубий Россия таркибига Марказий Қоратупроқли район, Ўрта ва Қўйи Волгабўйи, Оренбург, Ростов областлари киради. районнинг асосий дарёлари Волга, Днепр, Дон, Сура, Оскал ва бошқа кўллар. Эльтон, Баскунчак, Горькосолное. Сув омборлари – Куйбишевск, Саратов, Волгоград, Цимлянск, каналлари – Волго-дон канали.

Ушбу район таркибига Орел, Курск, Липецк, Воронеж, Тамбов, Пенза, Ростов, Самара, Саратов, Волгоград, Астрахань, Оренбург областлари киради. Бу ерда маданий-тарихий имкониятлар жуда кенг тарқалган. Архитектура ёдгорликлари, ўлкашунослик музейлари, меъмориал ёдгорликлари, диний зиёратгоҳ объектлари туристларни ўзига жалб қилади. Ҳудуд рекреацион тармоқларнинг даражаси анча пастлиги билан характерланади.

Сибирь ва Узоқ Шарқ райони рекреацион жиҳатлан жуда паст даражада ривожланган. Бунинг асосий сабаби қиш пайтида жуда қаттиқ совуқ бўлиши билан характерланади. Районнинг инфратузилма тармоқлари ҳам яхши ривожланмаган. Тарихий-маданий имкониятлари ҳам етарли эмас. Улар асосан Тюмень Табольск, Томск, Кузнецк, Омск, Новосибирск, Барнаул, Кемерово, Красноярск, Иркутск, Тува, Абакан, Чита, Владивосток, Хабаровск, Якутск шаҳарларида жойлашган. Сибирь ва Узоқ шарқ районлари сув ресурсларига жуда бой. Бу ердаги асосий дарёлари Обь, Иртиш, Енисей, Ангара, Лена, Амур ва бошқ. Байкал кўли районининг асосий сув объекти ҳисобланади. Унинг майдони 31,5 минг кв.км. Байкал кўлида теплаходда саёҳатлар ташкил қилинади. Районда даволаш – соғломлаштириш ресурслари ҳам мавжуд. Тюмень областида “Тараскуль”, Новосибрск областида “Озеро Карачи” курортлари, Омск областида “Колос”, Курган областида “Медвежье озеро”, “Сосновая роша”, Олтой ўлкасида “Белокуриха” санаторийлари, Красноярск ўлкасида “Красноярское загорье”, “Озеро Угум”, “Озеро Шира”, “Чедьер”, “Уш-Бельдир”, “Дарасун”, “Усть-Куть”, “Братское взморе”, “Аршан”, “Горячинск” курортлари ташкил этилган. Районда овчилик, экотуризм, сайр-томошалар, даволаш-соғломлаштириш, спорт туризми йўлган қўйилган.

6.3. Аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари

Россия аҳолисининг умумий сони 150 млн. киши (2014 й.) атрофида бўлиб, 1 кв. км жойга 9 киши тўғри келади. Аҳолининг асосий қисми руслар (81%), татарлар (4%), украинлар (3%), чувашлар (1%), бошқирдлар (1%), белоруслар(1%), мордвалар (1%) ташкил қилади. Россияда ҳаммаси бўлиб 100 дан ортиқ миллатлар яшайди. Давлат тили рус тилидир. Пойтахти – Москва шаҳри. Дини асосан провославие бўлиб, бу ерда ислом, католицизм, буддизм ва иудаизм ҳам бор.

Россиянинг йирик шаҳарлари Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Нижний Новгород, Екатеринбург, Самара, Омск, Челябинск, Казань, Пермь, Уфа, Ростов-на-Дон, Волгаград. Йирик денгиз портлари-Архангелск, Владивосток, Калининград, Мурманск, Новороссийск, Находка, Магадан, Туапсе, Санкт-Петербург.

Россия Шарқий Европанинг катта қисмини ва Осиё қитъасининг маълум майдонини тасарруф этган. Россия ҳудуди жиҳатидан бутун Ғарбий Европа давлатлари эгаллаб турган майдондан ҳам бир неча бор зиёд.

Россия Федерацияси БМТ ва МДҲ аъзоси. Давлат тузуми – федератив республика. Россия Федерацияси 20 та автоном республика ва 10 та автоном округи маъмурий ҳудуддан иборат.

Россия жаҳон иқтисодиётида жиддий ўрин тутади. Дунё хўжалигидаги ЯИМда Россиянинг улушини солиштирганда, у АҚШ улушидан 10 мартага, Хитой, Жанубий Корея, Туркия ва Эрон улушидан 5 мартага кам эканлиги маълум бўлади. Жаҳон иқтисодиётида Россия инвестициясининг солиштирма салмоғи бор-йўғи 1 % ни ташкил этади. Ташқи савдо борасида ҳам у жиддий улушга эга, 1,4 %. Бу эса ривожланган мамлакатлар салмоғидан анча кам. Аммо Россия қурол-аслаҳа зиҳирасига эгалиги жиҳатдан дунёда биринчи ўринда туради (55%), ҳарбий харажатлари эса АҚШникидан 16 бараварга, Хитой қиладиган харажатдан эса 4 бараварга паст. Россиянинг ташқи дунёдаги қарзи йўқ.

Дунё ЯИМида ривожланган ғарб мамлакатларининг улуши тобора пасаяётгани жаҳонда Россия сингари ривожланаётган мамлакатларнинг кучаётгани билан характерланмоқда. Экспертлар таъкидлашича, уларнинг улуши 2015 йилга бориб 7,8 фоизга қисқаради. Ривожланаётган мамлакатлар улуши эса 3,5 % га ортади. ЯИМда умумий ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Россия бу давр ичида 15-ўриндан 13-ўринга кўтарилиши тахмин этилмоқда. РФ аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунё мамлакатлари орасида кучли олтиликка кириши кутилаётир.

Россия дунёда маъданли хом ашё ресурслар заҳираси мавжудлиги бўйича асосий рол ўйнайди. Мамлакатнинг бугунда мавжуд бўлган қимматбаҳо ерости ва ер усти бойликлари зиҳираси 28,6 трлн. долларни ташкил этади.

Россия иқтисодиётида ташқи иқтисодий алоқалари муҳим рол ўйнайди. Мамлакат ЯИМида экспорт масштаби 38 % ни, импорт эса 16 % ни ташкил этади. Экспорт қилинадиган маҳсулотлар ичида минерал ўғитлар, нефт маҳсулотлари, газ, саноатбоп ёғочлар ва целлюлозалар асосий ўринни эгаллайди.

Импорт улушида эса гўштга бўлган талаб 20 % га ошган бўлса, ўсимлик ёғи, сут маҳсулотлари, шакар ва сабзавотларга талаб 10% га кўпайган. Ташқи савдо воситаларидан келадиган тушум (тарифлар, НДС, акциз) тахминан 30% атрофида.

Россиянинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари билан ҳамкорлиги, МДҲнинг интеграциялашув жараёнлари тараққиёти нафақат Россиянинг, балки барча унга аъзо мамлакатларнинг ички сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини бартараф этишга хизмат қилади.

Маълумки, МДҲ мамлакатлари уларнинг ўзаро муносабатлари тенглик асосида шакллантирилган ва давлат ҳам, ғайридавлат тузилма ҳам бўлмаган ҳамдўстлик аъзолари ўртасида битимлар билан белгиланган тартибда иш олиб борадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали тенг ҳуқуқлик принципи асосида амалга оширилади. Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида иккитомонлама иқтисодий муносабатлар, давлатлар ўртасида алоҳида ташкилотлар (иттифоқлар, шерикчилик, альянслар) тузилган. Масалан, Белоруссия ва Россия итифоқи, Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Хитой ўртасида ЕвроОсиё иқтисодий ташкилоти. Россия Белорусь, Қозоғистон ўртасида божхона иттифоқи (2012 й.). Бугунги кунда Россиянинг жами ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатлари улуши салкам 1/4 қисми ташкил этади.

6.4. Россия Федерациясининг туризм инфратузилма тармоқлари

Туризм – фаолият тури сифатида туристларнинг доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши ва қайтиши билан узвий боғланган. Уни транспорт таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Транспорт воситаси туристик инфратузилманинг муҳим элементи ҳисобланади ва туристик маҳсулотлар таркибига киритилган асосий комплекс хизматларни ташкил қилади.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) туризм мақсадларида қўлланиладиган транспорт воситаларини уч турга классификациялайди: қуруқликда, сувда ва ҳавода ҳаракатланувчи.

Қуриқликда ҳаракатланиш воситаларидан туризм мақсадларида кўпроқ автомобил ва темирйўл транспортларидан фойдаланиш мақбул ҳисобланади.

Автомобил транспорти туризмда энг кўп ва кенг миқёсда фойдаланилади. Чунки у туристларни «эшикдан эшиккача» элтиб қўйишни таъминлайди. Ушбу мақсадларда мунтазам йўловчи ташиш учун рейс автобуслари ва номунтазам – туристик корхонанинг хусусий транспорти ва туристнинг шахсий транспорти қўлланилади.

Темир йўл транспорти ўрта масофаларга туристларни мақбул нархларда тез ва қулай шароитда элтиб боришларини таъминлайди. Алоҳида ҳолларда темирйўл транспорти туристик саёҳат мақсадларида ҳам фойдаланиши мумкин.

Сув транспорти воситалари орасида сув ости (экскурсия сув ости қайиқлари) ва сув усти (теплоходлар, саёҳат кемалари, денгиз паромлари, сайр кемалари, яхталар, катерлар) транспортлари фарқланади. Туризмда сув транспорти воситалари таъминоти билан боғлиқ масалалари асосан денгиз ва дарёда туристик мақсадларда мунтазам ва номунтазам йўловчи ташиш мисолида қараб чиқилади.

Ҳаво транспорти воситалари таркиби хилма-хил транспорт воситаларини қамраб олади ва у фуқаро авиациясидан тортиб, то экзотик ҳисобланган ҳаво шарлари, дельтапланларни ўз ичига олади. Туризмда ҳаво транспортининг қўлланилиши аввало авиацияда йўловчи ташишдан фойдаланиш сифатида кўриб чиқилади. У рейсли ва чтартерга классификацияланади, яъни буюртмалар асосида бажарилади. Ҳаво транспортининг муҳим хусусияти шундан иборатки, у нисбатан жуда қимматлигига қарамай, бу юқори тезлиги, шинам ва қулайлиги билан туристларни олис масофаларга ташишда сўзсиз етакчи ўринни эгаллайди.

Сафарни таъминлаш учун транспорт воситасини танлашда яна бир ҳисобга олинадиган омил - бу транспортда ташишнинг узоқлигидир. Бу омилни қараб чиқиш чоғида одатда туристларни бир жойдан, иккинчи жойга кўчиришда шинамлигини таъминлаш талаблари кўзда тутилади. Шунинг учун қоидага кўра бутун сафарни ташкил қилишда комплекс транспорти таъминоти бўйича қараб чиқилади.

Автомобил транспорти юкларни ва пасажжирларни қисқа масофаларга ташишда катта аҳамиятга эга бўлиб у жуда тез, қўлай, ихчам, бошқарувга эга бўлган транспорт воситасидир. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида автомобил йўлларининг умумий узунлиги 963 минг км. шундан 754 минг (80%) кмни асфальт йўллари ташкил қилади. Россия Федерацияси автомобил йўлларининг узунлиги бўйича дунёда еттинчи ўринни эгаллайди. Европа мамлакатлари ичида Франциядан сўнг иккинчи ўринда туради. Автомобил йўлларининг зичлиги (асфальтланган йўллар) 1 минг кв. км.га 45 км., АҚШда эса 270 км тўғри келади. Бундан паст даражада Россиянинг таъминланганлиги мамлакатнинг Шимолий ўлкаси, Сибир, Узоқ Шарқ каби ҳудудларининг кам ўзлаштирилганлиги билан характерланади. Россиянинг Марказий Қоратупроқли районида ҳар бир минг кв. км.га автомобил йўлларининг ўртача зичлиги -172 км. Калининград областида эса – 303 км.ни ташкил қилади. Ҳозирги кунда Россия Федерациясининг асфальтланган йўлларга бўлган эҳтиёжи 2,5 млн. км.ни ташкил қилади. Мамлакатдаги автомобил йўлларининг қарийиб 1/3 қисми қайта таъмирлашни талаб қилади.

Энг муҳим аҳамиятга эга бўлган автомагистраллар қаторига қўйидагилар киради: Москва шаҳридан 12 та йўналишга кетган автомагистраллар; Санкт-Петербург-Петрозаводск-Мурманск; Ростов - Дон-Краснодар-Новороссийск; Екатерингбург – Челябинск ва бошқ. Сибирь ва Узоқ Шарқдаги автомагистралларга Амур-Якутск (Катта Невер-Томмот-Якутс), Колима йўли (Магадан - Якутск), Чуйск магистрали (Бийск-Ташанте), Усинск тракти (Абакан - Кизил).

Туристларни темирйўл транспортида ташиш. Туристларни темирйўлда ташиш туризм транспорт таъминотининг самарали воситаси ҳисобланади. Саёҳатнинг юқори

шинамлиги, юқори тезлик ва мақбул нархларда туристлар гуруҳини ихчам жойлаштириш бу транспорт турини кичик ва ўрта масофаларга ҳаракатланишда рақобатбардошлигини оширади. Темирйўл транспортидан ички ва чегара яқини туризмини шунингдек, сайру томоша, экскурсион сафарлар ва дам олиш кунлари туризмини ташкил этишда кўпроқ фойдаланилади.

Аҳоли марказларидан олисдаги курортлар, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш масканлари темийўллар туристик саёҳатга поездлар таъсирини кучайтирди. Кейинги йилларда поездлар бошқа транспорт воситаларига нисбатан хавфсизроқ, тез ва шинамроқ бўлиб қолдилар. Ҳозирги кунга келиб, темир йўллар замонавий барча маиший қулайликлар – шу жумладан, электр ёритиш, буғ билан иситиш, ухлаб кетадиган вагонлар, вагон-ресторанлар ва ҳатто ваннахоналарни таклиф қилиши мумкин.

Россия Федерациясида темирйўл транспорти воситаларининг барчаси ривожланган. Темирйўл транспорти мамлакат юк оборотининг 2/3 қисмига яқинлиги, пасажжир ташиш оборотининг 3/5 қисмини бажаради. Бутун мамлакатда юк ва пасажжирларни ташиш электровоз ва тепловоз машиналаридан фойдаланишига ўтилган.

Россия Федерация ҳудудида 2011 йилги маълумот бўйича мамлакатдаги барча темир йўллар узунлиги 87 минг км. ни ташкил қилади. Шундан унинг қарийиб ярми электрлаштирилган. Россия Федерацияси темирйўлларнинг узунлиги жиҳатидан дунёда иккинчи ўринни (АҚШдан кейин) эгаллайди. Мамлакатнинг Европа қисмида темир йўллар анча қалин (зич) бўлиб, радиал (шуласимон) шаклга эга. Барча темирйўллар Москва шаҳрига келиб бирлашади. Мамлакатнинг Осиё қисмида темир йўллар кенгликлар бўйлаб чўзилган. Улар унчалик қалин эмас.

Темирйўллар линияси биринчи бор Россия Федерациясида 1851 йилда қурилган, яъни Санкт-Петербург – Москва ўртасида. Ундан кейин ушбу йўл Жанубга Кавказ минерал сувлари ва Қримгача давом эттирилган. 1892 йилдан бошлаб Шарққа томон энг муҳим темирйўл магистраллари Транссибир йўли қурила бошлади. Челябинскдан то Новониколаевск орқали Красноярск Иркутск ва Владивостокдан Хабаровск шаҳарлари ўртасида темир йўллар қурилди. 1913 йилда Омск-Тюмень-Екатеринбург темирйўллари қурилди. Кейинроқ Транссибир магистралининг дублари Кароли – Астана – Павлодар – Барнаул- Артышта магистраллари қурилди. XX асрнинг ўрталарига келиб, у Усть-Кутгача Новокузнецк, Семипалитинск – Барнаул-Новосибирск линиялари; Байкал – Амур (БАМ)) магистрали қуриб битказилди. 1970 – 1980 йилларда Ғарбий Сибирнинг нефт ва газ бойликларини ўзлаштириш учун Тюмень-Сургут – Уренгой-Ямбург темирйўл магистраллари қурилди. 1992 – 1999 тйилларда Россияда 218 км янги темирйўллар қурилди ва 1962 км темир йўллар электрлаштирилди. 2000-2008 йилларда эса 899 км янги темирйўл магистраллари қурилди ва 3083 км.ли йўллар электрлаштирилди. Ҳозирги кунда Россия Федерациясининг Олтой ўлкаси, Тува республикаси, Камчатка ва Магадан областлари, Чукотка автоном областидан ташқари ҳамма субъектлари темирйўл магистралларига эгадир.

Туристларни авиация (ҳаво) транспортида ташиш. Авиация (ҳаво) транспорти нисбатан тез ва динамик ҳолда ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. У умумжаҳон транспорт тизимида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Олис масофаларга туристик саёҳат ташкил этишда авиацияда ташиш амалда муқомли воситадир. Авиация транспортидан фойдаланиш, шунингдек ўртача масофаларда тарқалган. Ички йўналишларда туристларни самолётда ташиш ҳам анча қулай ҳисобланади. Айниқса Россия каби йирик давлатларда авиациянинг роли катта.

Ҳаво транспорти кўпинча йўловчиларни ташишга ихтисослаштирилган. Йўловчиларни ташиш ҳаво транспорти ишларининг 80% ни ташкил қилади. Қолган 20% ишлар, юк ташиш почта ва бошқалардир. Йўловчиларни узоқ масофаларга ташишда ҳаво транспорти темирйўл транспортига нисбатан анча қулайликларга эгадир. Йўловчи ҳаво транспортидан фойдаланиш жараёнида вақтдан ютишади. Аммо нарх-наво масаласида у транспортнинг бошқа турларга қараганда анча қиммат туради. Ҳозирги кунда Россия

Федерациясида аэропортларнинг умумий сони 297 тани ташкил қилади. Ҳаво транспортида ташилган йўловчилар умумий сони 59 млн. кишидан иборат. Мамлакатнинг энг йирик аэропортлари Москва, Санкт-Петербург, Уфа, Самара, Екатеринбург, Қозон, Минеральные воды, Сочи, Нижневартовск, Тюмень, Сургут, Новосибирск, Красноярск, Иркутск, Хабаровск, Владивосток шаҳарлари ҳисобланади.

Туристларни денгиз ва дарё транспортида ташиш. Денгиз ва дарёда туристларни ташиш одатда йўловчи ташиш, экскурсия саёҳати, паромлар ва сайр кемаларида саёҳат кўринишида амалга оширилади.

Денгиз ва дарёда туристларни ташишларни таъминлаш махсус туристик компаниялар томонидан амалга оширилади (кемачилик, сайр кемалари компаниялари), улар кўп ҳолларда туроператорлар ролида чиқадилар.

Одатда туристларни ташиш учун сувости қанотларига эга тез юрар кемалардан фойдаланилади, улар нисбатан манзилга тез элтишни таъминлайди. Рейсли йўловчи кемаларда туристларни ташиш олдиндан бронлаштирилган билетлар асосида амалга оширилади. Бошқа транспорт ташкилотлари сингари кемачилик компаниялари туристлар тоифаси ва саёҳатчилар сонига қараб имтиёзлар ва чегирмалар тақдим этишади.

Туризмда денгиз ва дарёда сайёҳларни ташишлар тури асосан сайр-саёҳат кемалари ҳисобланади. Бу – **Круизинг** деб аталади. У туризм шаклларининг бири бўлиб денгиз бўйи туризми ва дам олиши ҳисобланади.

Круизларнинг амалдаги йўналишлари сони кейинги ўн йилда сезиларли ошди. Россия компаниялари ҳам круиз йўналишлари ҳолатини кенгайтирмоқда ва у ғарб бозорига муваффақиятли кириб бормоқда.

Денгиз транспорти. Россия Федерацияси дунёнинг учта океанлари (Атлантика, Шимолий муз океани ва Тинч океани) қирғоқларига тутуш денгиз чегараларнинг умумий узунлиги 42 минг км.дан ошади. Денгиз транспорти мамлакат мамлакат транспорт тизимида юк ва пасажжирлар ташиш бўйича у қувур, темир йўл, автомобил ва дарё транспортидан сўнг 5 ўринни эгаллайди. Россия денгиз транспортида юк ва йўловчилар ташиш бўйича дунёда 9-чи ўринда туради. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида 37 йирик денгиз портлари мавжуд бўлиб, уларнинг бир йиллик умумий юкларни ортиши ва тушириши 154 млн. тонна атрофида баҳоланади. Мамлакатнинг асосий портлари Қора денгизда - Новороссийск, Туапсе; Болтиқ денгизида – Санкт – Петербург, Калининград, Балтийск, Виборг; Баренц денгизида – Мурманск, Оқ денгизда – Архангельск, Япон денгизида Ванино, Владивосток, Нахадка, Порт Восточний; Каспий денгизида – Астрахань кабилар ҳисобланади.

Дарё транспорти. Мамлакатнинг ички қисмидаги сув йўллари узунлиги 102 минг км.га яқин бўлиб, унинг юк ташишдаги салмоғи 3,9 %ни ташкил этади. Дарё транспортининг Шимолий районлар, Сибир ва Узоқ Шарқ ҳудудларида юк ва пасажжирларни ташишда катта рол ўйнайди. Россия Федерацияси дарё транспорти тизимида Волга-Кама бассейни эвазига 40 дарё флоти юклари тўғри келади. Волга – Дон каналларининг бир-бири билан бирлаштирилиши натижасида Волга дарёси Россия европа қисмининг ягона сув тизими асосига айланди. Москва шаҳри эса “беш денгиз порти”га айланди. Россиянинг Европа қисмидаги дарёларга Шимолий Двина дарёси ва унинг ирмоқлари, Сухана, Онега, Свирь, Нева кабилар киради.

Сибир ўлкасининг асосий дарёлари – Енисей, Лена, Обь ва уларнинг ирмоқлари. Ушбу дарёлар кемачиликда, ёғоч оғизишда, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат учун хом-ашёлар ва пасажжирларни ташишда кенг фойдаланилади. Обь, Енисей, Ирташ дарёлари мамлакатнинг шимоли ва жанубий районларини бир-бирига боғлайди. Енисей дарёсининг қўйи оқимидаги Дудинка ва Игарка портлари денгиз кемаларининг кириши учун ҳам қўлайдир. Сибирь дарёлари Красноярск, Братск, Усть-Кут шаҳарларида темирйўл тармоқлари билан кесишиб, юкларни ортиш ва тушириш ишларини амалга оширади. Узоқ Шарқ районида асосий дарё кемачилиги Амур дарёси ҳисобланади.

Меҳмонхона индустрияси иқтисодий фаолият тури сифатида ўзида меҳмонхона хизмати кўрсатиш ва меҳмонхоналар, кемпинглар, мотеллар, ўқувчилар ва талабалар ётоқхоналарида қисқа муддатли яшашни ташкил этишни мужассамлаштиради. Ушбу фаолиятга ресторанлар хизмати ҳам киради.

Россия федерациясида меҳмонхона хизмати кўрсатиш қоидаларида (РФ ҳукуматининг 25.04.97 й. 490-сон қарори билан тасдиқланган) меҳмонхона хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган комплекс деб қаралади (бино, бино қисми, ускуналар ва бошқа мулклар).

«Меҳмонхона» тушунчаси билан бир қаторда кўпинча «отель» атамасидан ҳам фойдаланилади. Қайсиким кенг номенклатурада ва юқори сифатли хизмат кўрсатувчи меҳмонхона корхонасини билдиради. Уларда ғоят меҳмонновозлик муҳити ва дидли қулайликлар яратилади.

Туристларни жойлаштириш воситалари классификацияси шунингдек «Туристик» хизматлар. Жойлаштириш воситалари умумий талабларда ҳам (ГОСТ 511895-98) келтирилган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ барча жойлаштириш воситалари жамоавий ва якка-индивидуалга бўлинади.

Жамоавий жойлаштириш воситаларининг меҳмонхона типига қуйидагилар киради: мехмонхоналар, мотеллар, клублар-яшаш билан, пансионатлар, мебеллар билан жиҳозланган хоналар, ётоқхоналар.

Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларига киради: санаториялар, профилакториялар, дам олиш уйлари, туристик қўналғалар, тўхтаб туриладиган жойлар ва бошқа туристик, спорт базалари, дам олиш базалари, овчилар уйлари (баликчилар), конгресс-марказлар, ботеллар, флотелилар, ротеллар.

Транзит меҳмонхоналар туристларга қиска вақт тўхтаб ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган. Транзит меҳмонхоналар гуруҳида мотеллар кенг тарқалган ва кўпроқ шуҳрат қозонган. Жойлаштиришнинг анаънавий хизматларидан ташқари, мотелларда овқатланиш учун тўлиқ техник сервис мажмуаси (комплекси) кўзда тутилган: гаражлар, автомобилларни қўйиш жойи, ёнилғи қуйиш ва таъмирлаш станциялари мавжуд.

Мақсадли меҳмонхоналар гурухида ишбилармонликка мўлжалланган меҳмонхоналар ва дам олиш учун меҳмонхоналар ажралиб туради.

Ишбилармонликка мўлжалланган меҳмонхоналар иш юзасидан келган шахсларга хизмат кўрсатади (ишга доир сафар, командировка, съездда, конференция ва симпозиумларда қатнашиш ва ҳ.к. лар). Дам олиш учун меҳмонхоналар орасида курорт ва туристиклар ажралиб туради.

Курорт меҳмонхоналари концепцияси соғлигини тиклаш ва дам олишга интилган кишиларга жойлаштириш, овқатлантириш ва бошқа бир қатор қўшимча хизматларни тақдим этишни кўзда тутади. Курорт меҳмонхоналарини жойлаштиришнинг кўпроқ қулай жойлари табиий шароитлар ва мўътадил иқлимда дам олиш ва даволаниш имконини берувчи ҳудудлар ҳисобланади: денгиз соҳиллари, тоғли районлар ва ҳ.к лар.

Курорт меҳмонхоналари таркибида даволаш-профилактика характеридаги тиббий хизмат кўрсатиш, парҳез овқатлар тайёрлаб бериш, фаол дам олиш, спорт билан шуғулланиш ва бошқалар учун албатта бинолар кўзда тутилган бўлиши керак.

Туризм соҳасида бошқа жамоавий жойлашттириш воситаларига квартира типидаги меҳмонхоналар, комплекс уйлар ёки бошқа турар жойлар типик мисол бўла олади. Ушбу бинолар ягона бошқарувга эга. Ҳар қандай шахсларга (шахсга) ёки ташкилотга пулга, бепул ижарага берилади. Бошқа жамоавий жойлаштириш воситалари таркибига **кичик кемалар** учун бухталарда кемпингларга мўлжалланган майдонлардаги объектлар (ягона бошқарув билан) киради. Мижозга тунаш ва ахборот, савдо, бўш вақтни ўтказиш типидаги қатор хизматлар тақдим этилади.

Туристик ётоқхоналар, ёшлар меҳмонхоналари, мактаб ва талабалар ётоқхоналари, қариялар учун дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш ижтимоий аҳамиятга эга объектлар ҳам жамоавий жойлаштириш воситаларига киради.

Меҳмонхоналар туристларнинг тунаши учун шинам ва қулай шароитлар яратиш ва уларга бир қатор қўшимча хизматлар кўрсатиш учун фаолият кўрсатади. Меҳмонхона биноси кўп вазифали иншоат бўлиб, мураккаб технологик ускуналарни ўз ичига олади.

Меҳмонхонабинолари турли хилбелгиларибиланфарқланади: конструкциялар типи, сиғими, қаватлиги, фойдаланиш режими ва бошқалар.

Меҳмонхоналар қаватлиги ҳам хилма-хиллиги. Москванинг айрим меҳмонхоналари қуйидаги қаватликка эга: «Измайлово -5 та бино, ҳар бири 30 қаватдан, «Украина» меҳмонхонаси - 30 қават, «Ленинград» меҳмонхонаси 28-қават.

Меҳмонхоналарда қаватлар қанча кўп бўлса, фавқулодда вазиятларда одамларни эвакуция қилиш шунча қийинлашади. Шунинг учун режалаштириш ва жиҳозлашда кўпроқ ўзгартиришлар назарда тутиш мумкин.

Меҳмонхоналар доимий ухлаш ўринлари (сиғими) бўйича фарқ қилади. Россия тажрибасида сиғими бўйича қуйидаги меҳмонхоналар типологиясига амал қилинади:

- 100 ўриндан кам-кичик меҳмонхоналар;
- 100 дан 500 ўрингача - ўрта меҳмонхоналар;
- 500 ўриндан зиёд - йирик меҳмонхоналар.

Москва шаҳрининг айрим меҳмонхоналари сиғими қўйидагича: «Россия»-5534, «Космос» - 3354, «Интурист» - 1000 ўрин. Москвада йирик меҳмонхоналар сонига нисбатан 66 %, ўрталарники - 31 % - ни ташкил этади.

Меҳмонхоналарнинг халқаро тажрибасида улар шинамлиги даражаси бўйича юлдузлар билан фарқланади: пастки - 1 юлдуздан юқорига - 5 юлдузгача. Шинамлик даражаси характеристикаси нафақат меҳмонхонанинг моддий базаси, балки меҳмонхона ходимларининг самарали ишлаши ҳисобга олинган ҳолда бажарилади. Ҳозирги вақтда айрим Москва меҳмонхоналари қуйидаги шинамлик даражасини таклиф қилади: «Президент - Отель» 5 юлдузли, «Украина» - 4 юлдузли, «Измайлово меҳмонхона комплекси - 3 юлдузли.

Ҳозирги кунда Россия Федерацияси ҳудудида 8400 тадан ортиқ меҳмонхоналар, 1282 та санаториялар ва профилакториялар, 104 та дам олиш масканлари, кемпинглар, 158 та турбазалар ишлаб турибди.

Овқатланиш корхоналари. Туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган овқатланиш корхоналарининг асосий мақсадлари туристларни овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат. Овқатланиш жараёнлари вақти – вақти билан одамларнинг мулоқат, тарбиялаш, кўнгил ёзиш жараёнларига тўғри келиб қолади.

Овқатланиш корхонасининг асосий фаолияти овқат тайёрлаш ва уни реализация қилиш ҳисобланади. Хўрандаларнинг кўнгил очишлари учун шинам овқатланиш корхоналари мусиқачиларни ва артистларни таклиф қиладилар. Овқатланиш корхонаси ихтиёрига ёки балансларига магазинлар, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқалар кириши мумкинким, булар корхона фаолиятининг асосий ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

Туристларнинг овқатга бўлган эҳтиёжини биринчи ўринда умумий овқатланиш корхоналари қондиради. Улар хилма-хил шакллари билан бир-биридан фарқ қилади. Маълумки туристик овқатланиш индустриясига ресторанлар, кафелар, барлар, ошхоналар, тамадихоналар ва бошқалар киради.

2011 йил маълумотларига кўра Россия Федерациясида фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш корхоналарининг жамийки умумий сони 58,3 мингдан ортади (1-жадвал).

1-жадвал

Россия федерацияси туризм инфратузилма тармоқлари

Ташкилотлар	Сони	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Меҳмонхоналар		7410	7866	8406
Санатория ва пансионатлар		1294	1273	1282
Дам олиш уйлари		171	140	104
Дам олиш масканлари кемпинглар ва бошқ.		1687	1636	1600
Туристик базалар		141	132	158
Умумий овқатланиш корхоналари	мингта	45,2	50,1	58,3
Болалар соғломаш-ириш ташкилотлари	мингта	51,0	50,2	49,2
Маданий маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари	мингта	47,4	46,1	45,0
Музейлар		2539	2578	2631
Театрлар		601	604	618
Цирклар		66	68	68
Ҳайвонот боғлари		28	29	28
Тарихий ва маданий ёдгорликлар	мингта	142,5	143,4	185,1
Кинотеатрлар	мингта	5,6	4,1	4,4
Стадионлар		2666	1906	1904
Спорт заллари	мингта	70,0	72,4	74,3
Сузиш басейнлари		3990	4237	4467
Спорт иншоотлари	мингта	126,4	129,6	133,6
Давлат табиий қўриқхоналари		101	101	102
Миллий боғлар		40	40	41
Туристик фирмалар		6897	9133	10266

Россия Федерацияси сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш корхоналарига жуда бой мамлакат саналади. Мамлакат ҳудудида маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг умумий сони 45 мингтадан, музейлар сони 2631, театрлар – 618 та, цирклар – 68 та, кинотеатрлар – 4400 та, ҳайвонот боғлари – 28 та, тарихий ва маданий ёдгорликлар сони – 185 мингтадан ортади.

6.5. Россия Федерациясининг халқаро туризм бозорида тутган ўрни ва роли

Россия Федерацияси жаҳон иқтисодиётида алоҳида ўринни эгаллайди. Дунё хўжалигидаги ЯИМда Россиянинг улушини солиштирганда шу нарса маълум бўладики, у маданли хом ашё ресурслари заҳираси мавжудлиги бўйича асосий ролни ўйнайди. Ҳозирги кунда бу ерда дунёнинг 10% нефти, 30 % табиий гази, 10% тошкўмири, 14 % темир рудаси, 15 % рангли ва км учрайдиган металлари қазиб олинади. Россия ўрмон бойликларига бой мамлакат саналади. Бу ерда ўрмонлар аҳоли жон бошига 5 гектардан ортиқроқ тўғри келади. Бу кўрсаткич Канадада 8,6 гектарни, АҚШда эса 0,8 гектарни ташкил этади. У халқаро туризмда ҳам етакчи туристик мамлакатлар қаторидан салмоқли ўринни эгаллайди (2-жадвал).

2-жадвал

Халқаро туризмда туристларнинг келиши бўйича етакчи мамлакатлар (2016 йил, млн. киши ҳисобида)

1.	Франция	82,6 млн. к.
2.	АҚШ	75,6 млн. к.
3.	Испания	75,6 млн. к.
4.	Хитой	53,9 млн. к.
5.	Италия	52,3 млн. к.
6.	Туркия	39,0 млн. к.
7.	Германия	35,6 млн. к.
8.	Англия	35,8 млн. к.
9.	Россия	24,5 млн. к.
10.	Таиланд	32,5 млн. к.

Россия Федерациясида халқаро туризмдан тушган тушумлар (млрд.доллар ҳисобида) 2005 й. – 5,466; 2010 й. – 8,831; 2011 й. – 11,328; 2012 й. – 10,759; 2013 й. – 11,988; 2014 й. – 11,8; 205 й. – 8,4; 2016 й. – 7,8.

Россия Федерациясига хорижий туристларнинг 2014 йил мамлакатлар бўйича келиши қуйидагича: Хитой – 409.817; Германия – 349.481; АҚШ – 162.102; Буюк Британия – 134.314; Туркия – 134.702; Исроил – 108.175; Италия – 107.072; Франция – 94.941; Жанубий Корея Республикаси – 82.494; Финляндия – 68.618; Испания – 60.443; Япония – 54.111; Австрия – 23.373; Канада – 35.796; Латвия – 29.199; Нидерландия – 28.097; Польша – 17.905; Эстония – 25.936; Швеция – 13.468; Швейцария – 26.678; Австралия – 36.468; Норвегия – 12.734; Литва – 20.081; Жами туристлар сони – 2583079.

6.6. Россия Федерациясида туризмнинг ривожланиш босқичлари ва динамикаси

Туризм тарихи. XI асрнинг 60 йиллари охири 70 йилларнинг бошларида Киевдаги Дмитриевск монастири игумени Варлам Қуддус ва Константинополга саёҳат қилади. XII асрдан бошлаб эса Муқаддас ерга (Қуддус) биринчи ёзма «зиёратнома» лар («Даниилнинг зиёрати») пайдо бўлди. «Христианларнинг муқаддас жойлари бўйлаб» чет элга борувчи зиёратчилар учун йўл кўрсатгичлар чиқарилди. XII-XIV асрларда жаҳонгашталарнинг алоҳида типлари вужудга келди. Улар узоқ сафарда хавф-хатарлардан ҳимояланиш учун «дружина»га бирлашиб йўлга чиқдилар (Царград, Қуддус, Афонга). XII-XIV асрдаги саёҳатларнинг катта қисми диний ёки савдо-сотиқ характерига эга эди.

Дунёвий саёҳатларнинг бошланишини XVIII аср деб қабул қилиш мумкин. Подшо Петр I нинг ўзи ҳам кўп саёҳат қилган. У 1697 йил Европа мамлакатлари билан танишишни бошлади. Сўнгра у 1716-1717 йилларда саёҳатни амалга оширди. Сафар чоғида у ғарб мамлакатлари маданияти, илм-фани билан танишди, жуда кўп ҳунарларни билди. Петр I таълим олиш учун ёш дворянларни чет элга юборишни йўлга қўйди. Ўз вақтида император хоним Екатерина II ҳам саёҳат анъаналарини давом эттирди. 1772 йилда унинг Финляндияда Иматра шаршарасига ташрифидан кейин бу жой петербурглик аслзодалар учун урф одатга кирган курортга айланди. Унинг 1787 йил Тавридага сафари ҳам тантанали ва зиёфатга бойлиги билан машҳур бўлди.

Рус жамиятида саёҳатга қизиқиш тўлқини кучайиши билан чет элга гуруҳ бўлиб сафарга чиқиш лойиҳаси пайдо бўлди.

XVIII асрда Санкт-Петербург ва Москва бўйлаб биринчи рус йўлкўрсаткичлари яратилди. А.И.Богданова (1779 й) нинг «Санкт-Петербургнинг 1703 йилдан 1751 йилгача барпо этилишининг тарихий, географик ва топографик тафсилотлари», В.Г.Рубаннинг (1782) «Император пойтахти Москва шаҳрининг тафсилоти» шулар жумласидандир. Чет элдаги «Христиан муқаддас жойлари» бўйлаб XII-XIV асрда чиқарилган рус

йўлкўрсатгичларидан фарқли равишда булар дунёвий нашр бўлиб, барча «қизиқувчилар» учун мўлжалланган эди. Улар ўз даври учун тўлиқ маълумотларга эга бўлиб, давлатнинг эски ва янги пойтахти ҳақида ишончли маълумот берарди. Ўқувчиларни қурилишлар пайдо бўлиши тарихи, шаҳарнинг замонавий қиёфаси ва турмуш тарзи билан яқиндан таништирарди. В.Г. Рубан йўлкўрсаткичида шундай далиллар келтирилади: XVIII аср иккинчи ярмида Москвада 15 трактир (йўл бўйида жойлашган қаҳвахона-ошхона), 941 тамадихона, «ватандошлар ва бегона мамлакатлар» учун 188 та яшаш ҳовлилари мавжуд бўлган. XIX асрда ноширликда йўлкўрсаткичлар чиқариш эпизодлардан мустақил йўналиш олди. Россия империясининг қизиқарли жойлари ва шаҳарлари тафсилотлари акс этган ўлкашунослик характеридаги материаллар пайдо бўлди. Н. Рейтлингернинг «Ревелю ва унинг чеккалари бўйлаб йўл кўрсаткичи (1839); И.Дмитриев ва бошқаларнинг «Москвадан Санкт-Петербурггача ва орқага йўлкўрсаткичи» шулар жумласидан. Айниқса саёҳат жанрида она тилидаги ва таржима адабиётлар кенг оммалашиб борди. Н. Г.Чернишевскийнинг ёзишича, Екатерина II ва Александр I даврида саёҳат ҳақида жуда кўп китоблар таржима қилинган. Ана шу адабиётлар туфайли XIX аср иккинчи ярмида Александр II нинг либерал ислоҳотлари тўлқинида саёҳатга чиқувчи шахслар доираси кенгайди.Н.С. Лесков «Рус жамияти Парижда»(1863) очеркларида шундай ёзади: «рус туристлари» катта колонияси «лотинчилар»га (Лотин кварталида яшовчи ўртача маблағга эга шахслар-талабалар, рассомлар, журналистлар, дарс берувчилар ва «елисевчилар» (зодогонлар ва олий мартабали амалдорлар оилалари билан Париж районида йўлда, хусусан, Елисей далаларида қўним топган) га бўлиндилар. XIX аср охирида руслар Баден-Баден, Ницце, Биаррице ва бошқа Европа курортларида дам олувчиларнинг сезиларли қисмини ташкил этишганди. Маҳаллий туристик бизнес уларга мўлжалланди: «рус пансионлари» очилди, рус тилида даврий нашрлар чоп этилди. Мунтазам **«Рус мавсуми»** ўтказилди.

Хорижий мамлакатлар билан туристик алмашинувни кенгайтириш натижасида Россия саёҳатларнинг илғор шаклларини ўзлаштириб туризм тараққиётининг умумевропа тенденциясига сингиб кетди.

Ўша пайтларда Ғарбда кенг тарқалгани каби саёҳат ишқибозлари бирлашмалари ва тоғларга чиқиш клублари ташкил этилди, хусусан: **«Табиатшунослик ишқибозлари ва Альп-Кавказ клуби»** (Тбилиси, 1878), **«Табиат, тоғ спорти ишқибозлари ва Қрим тоғлари тўғараги».** (Ялта, XIX аср 80 йиллар охири). 1890 йил Одессада Қрим тоғ клуби ташкил этилди ва кейинчалик у Қрим-Кавказ тоғ клуби деб аталди, рус кишиларини тоғ табиати билан таништира бошлади. Клубнинг регионал бўлимлари орасида Ялтадаги Қрим тоғ клуби ажралиб туради. Унинг ғайратли раҳбари, врач В.Н.Дмитриев ташабусси билан экскурсион фаолият бутун бир система билан узвий боғланади – янги экскурсион маршурутлар очишдан тортиб, то одамларни ташиш ва жойлаштиришгача йўлга қўйилади. Бўлим Қримнинг диққатига сазовор жойлари бўйлаб экскурсиялар ўтказарди: **Ай-Петри, Боғчасарой, Ливадию, Алупку. Учан-Су** ва **Яузлар** шаршараси, **Яйли** тоғ-тизимлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Фақатгина 1912 йилнинг ўзида Ялта бўлими 15229 кишини қамраб олиб, 645 та экскурсия уюштирди. Бўлим ташкил этилганидан буён, яъни 1896-1913 йилларда, бутун Россиядан 120 мингдан зиёд кишилар унинг хизматларидан баҳраманд бўлдилар. Ёш ўқувчилар экскурсияларига катта эътибор берилди, уларнинг мавсумда айрим гуруҳлардаги сони 150 кишига етди. Қрим-Кавказ тоғ клуби, хусусан, унинг Ялта бўлими ватандошларида ватанпарвалик хислатларини тарбиялашга интилиб, Россияда ички туризмга асос солди.

Қрим тоғ клуби кенг экскурсион ишлар бошида турди, унинг иши Рус тоғ жамияти (1901), Пятигорскидаги Кавказ тоғ жамияти 1902), Кавказ минерал суви, Владикавказ тоғ клуби курортларида дам олувчиларга экскурсион хизмат кўрсатувчилар томонидан давом эттирилди. 1912 йилда Тбилисида Кавказда туризмни рағбатлантириш Бош қўмитаси тузилди. Ушбу ташкилотлар саъйи-ҳаракатлари туфайли Кавказ туристик район сифатида нафақат Россияда, балки чет элларда ҳам донг қозонди.

Россия туризми тарихига велосипедчи туристлар Россия жамияти (Рус туринг-клуби, 1895), кейинчалик Россия туристик жамияти (РТЖ) деб номланган ташкилот ёрқин саҳифалар битди. Ушбу жамоат ташкилоти турли хил вазифаларни ҳал этди. Улар орасида РТЖ аъзоларини жамоавий сафарлари ташкил этилиши, ўқувчилар экскурсияларини ўтказиш, экускурсоводлар тайёрлаш, Россия империяси йўллари харитасини тузиш, туризм бўйича махсус журнал нашр қилиш, йўл-маълумотнома адабиёти чиқариш, чет эл туристик ташкилотлари билан алоқани йўлга қўйиш кабилар бор. 1900 йил жамиятнинг 1200 аъзоси бўлган, 135 Россия шаҳарларида ва чет элда – Брюселл, Вена, Женева, Лондон, Гарлем, Милан, Мюнхен, Парижда ваколатхоналари очилган. Ўша йили баҳорда Мюнхен спорт кўргазмасида Россия велосипедчи-туристлар жамияти туризм ривожига қўшган катта ҳиссаси учун олтин медаль билан тақдирланган. XIX аср охири - XX аср бошларида у мамлакатда энг йирик ва нуфузли туристик ташкилот бўлиб қолганди.

Ўша пайтда Москвада Ростов, Владивосток ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида туристик спорт жамиятлари, клублар, экскурсион комиссиялар, бюролар, қўмиталар бутун бир тармоғи вужудга келиши билан туризм ташкилий шакл олди.

XIX асрнинг охириги чораги ва 1917 йилгача мамлакатда туристик бозор шаклланиши жараёни фаол борди. Жамоат ташкилотлари билан бир қаторда тижорат асосида саёҳатни уюштирувчи ихтисослашган хусусий идоралар пайдо бўлди. 1885 йил Россияда биринчи Леопольд Липсоннинг «Дунёнинг барча мамлакатларига жамоат саёҳати учун корхона» си очилди. Унинг шиори «ваъда қилинганни виждонан бажариш» бўлди. Л.Липсон ғарбда синовдан ўтган янги шакл ва иш усулларидан фойдаланди. Хусусан у, туризмда шартнома муносабатларини жорий этди. Мижозлар учун жамоавий ва индивидуал чегирма тизимини йўлга қўйди. Йўл хотира ён дафтари (кундалик), ўзига хос турйўлланма ва бошқа янгиликларни таомилга киритди. Вақт ўтиши билан саёҳатни ташкил этишнинг бу технологияси Россия туризм бизнесида классикига айланди.

1917 йил Октябрь инқилобидан кейин туристик ҳаракатнинг олдинги шакллари – РТЖ, экускурсион комиссия, хусусий туристик идоралар, тоғ кулублари, ўз фаолиятини тўхтатдилар ва жамоавий туризмнинг совет ҳусусиятига эга шакллари билан алмаштирилди. Аввал бошдан туризм идеологиялаштирилди ва унга социалистик қурилишни тарғиб этувчи восита сифатида қаралди, кейин меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва ниҳоят «совуқ уруш» даврида совет турмуш тарзини тарғиб этувчи бош каналлардан бири сифатида ишга солинди.

1920 йиллар охирларида Совет ҳокимиятининг биринчи йилларида рус зиёлилари куч-ғайрати билан қайта туғилган экускурсион ўлкашунослик ҳаракати тор-мор этилди, янги иқтисодий сиёсат (ЯИС) шароитида куртак отган тижорат туризми ҳам шундай бўғиб ташланди. Улар ўрнига туризмнинг марказлашган қатъиятли ташкилий-бошқарув таркиби (структураси) вужудга келтирилди. 1929 йил РТЖ пролетар туризм жамияти (ПТЖ) га айлантирилди, унинг асосини корхоналар, ўқув муассасалари, армия бўлинмалари ва ҳ.к.лардаги бошланғич туристик ячейкалар ташкил этди. 1930 йил туризм янги бошқарув структураси тижорий туристик ташкилот моддий- техник база ва маблағи ҳисобига мустаҳкамланди. 1930 йил 8 мартдаги СССР Халқ комиссари (Совнарком) қарорига кўра пролетар туризми жамияти (ОПТ-обшества пролетатского туризма) «Советский турист» акционерлик жамияти билан қўшилди. Мамлакатдаги уларнинг барча турбаза тармоқлари негизида **Бутуниттифоқ пролетар туризми ва экскурсия кўнгилли жамияти** ташкил этилди (ОПТЭ). Унга барча туристик – экскрсион ишлар топширилди ва мамлакатдаги ҳамма туристик ташкилотлар (Грузия «Турист» акционерлик жамияти, Украина иқтисодий биродарлик- пайчилик жамияти ва бошқалар) ихтиёрига ўтказилди.

1930 йиллар ўрталарида мустаҳкамланган Бутун Иттифоқ пролетар туризми ва экскурсия кўнгилли жамияти (ОПТЭ) тўлиқ ташкилий-бошқарув ва молиявий жиҳатдан мустақилликка даъво қила бошлади. 1936 йил СССР Марказий ижроия қўмитаси – МИҚ ҳаваскор кўнгилли жамият доирасида бундан кейин туризмни тараққий эттириш мақсадга мувофиқ эмаслигини тан олди ва ўзининг 1936 йил 17 апрелдаги қарори билан ОПТЭ ни

бекор қилди. Туристик-экскурсион ишлар касаба уюшмалар юритувига ўтказилди ва устидан назорат СССР МИҚ ҳузуридаги Бутуниттифоқ физкультура кенгашига юкланди. Деярли ҳамма оммавий кўнгилли туристик ташкилотлар тарқатиб юборилди.

ВЦСПС таркибида янги махсус бўлинма-**туристик-экскурсиялар бошқармаси** (ТЭБ) тузилди. У туризм моддий-техник базасини янгилади ва мустаҳкамлади, режали туристик маршрутлар тармоғини кенгайтирди. 1941 йил бошларида мамлакатда 165 та туристлар уйи, 50 та турбаза, 12 та туристик меҳмонхона, 24 та стационар лагерь, 19 та туристик-альпинистик бошпана, юзлаб вақтинчалик (мавсумий) чодирли тўхташ жойлари, тоғ кулбалари, кемпинглар мавжуд эди. Уларнинг умумий сиғими 20 минг ўринни ташкил қиларди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ТЭБ лар тўхталди ва урушдан кейин янги иш бошлади. **1952 йил июлда ВЦСПС Президуми қарорига биноан, республика, ўлка ва област ТЭБ лари туризм бўйича кенгашга** айлантирилди, **1969 йилда эса туризм ва экскурсия бўйича кенгаш** деб юритила бошлади. Ҳаваскор туризм тўлиқ касаба уюшмалари юритувига ўтди. Шундай қилиб мамлакатда келгуси туризм ва экскурсион ишлар бошқарувини марказлаш амалга оширилди. Туризм ва экскурсиялар бўйича марказий кенгаш (ЦСТЭ) жойларда ўз бўлинмаларини тармоқланганига таяниб, туризм ва экскурсиялар соҳасида ягона сиёсат юритишни таъминлашни мақсад қилиб олди: уларни келгусида оммавийлигини ошириш, туризм ва экскурсия воситалари орқали совет турмуш тарзини тарғиб қилиш, туристлар ва экскурсантларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, туризм ва экскурсия моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, ҳаваскор туризмни ривожлантириш, шунингдек туристик – экскурсион муассасалар кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш шулар жумласидандир.

Туристик кадрлар профессионал тайёргарлигини таъминлаш мақсадида 1970 йил Сходия шаҳрида (Москва области) туристик-экскурсион ходимлар малакасини ошириш Марказий курси ташкил қилинди (1982 йилдан бошлаб – туристик-экскурсион ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш институти, ҳозирда Россия туризм халқаро академияси). 1960-1970 йиллар охирларида университетларнинг география факультетларида (Ростов-Дон, Минск, Киев, Тбилиси ва бошқа) «Ўлкашунослик ва туристик экскурсион ишларни ташкил этиш методикаси» ихтисосликлари очилди.

СССР ФА география институти, СССР ФА Сибир бўлими, курорт-туристик бинолар ва комплекслар, шаҳарлар реконструкцияси Марказий илмий тадқиқот институти ИТИ, маданият, дам олиш, спорт ва соғлиқни сақлаш бошқа лойиҳалаш институтлари туризм соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бордилар, 1975 йилдан бошлаб, ВЦСПС ЦСТЭ Бутиниттифоқ туризм ва экскурсиялар бўйича илмий-тадқиқот лабораторияси, мамлакат айрим олий ўқув юртлари (М.В.Ломоносов номидаги МДУ ва бошқалар) ва маҳкамаларга қарашли муассасалари уларга ҳамкорлик қилдилар.

Ихтисослаштирилган даврий нашрлар «Турист», «СССРда саёҳат» журналлари, «Туристик ахборот бюллетени» ва бошқалар чиқарилди. СССРда туризм тараққиёти режаси топшириққа мувофиқ кечди, у директив, маъмурий, буйруқ характерида эди. Режалар туризм юқори органлари томонидан ишлаб чиқилар ва тасдиқланар эди. Режалар норматив кўрсаткичларини бажарилиши туризм моддий-техник базасини ривожлантириш, аҳолига туристик хизмат кўрсатишга хизмат қилар, қатъий назорат остида бўларди.

1970 йиллар ўрталарида 114 минг ўринга эга 500 дан кўпроқ турбаза, 6765 туристик – соғломлаштириш лагерлари, 220 балиқчилар ва овчилар уйлари, 2000 туристлар клублари, 8275 жиҳозларни прокатга берадиган пунктлар мавжуд эди.

1980 йиллар бошларида қўшимча 601,4 млн. рубл ўзлаштирилди (1980 йиллар баҳосида) ва Краснодар, Кемерово, Омск, Ставропол, Ростов-Дон, Махачқалъа ва бошқа шаҳарларда 248 туризм индустрияси қурилди. Москвада мамлакатда энг йирик туристик комплекс «Измайлово» (9,5 мингдан зиёд ўрин), Турист Марказий уйи, «Салют» туристик комплекси фойдаланишга топширилди. 1988 йил мамлакатда 27,8 минг режали туристик маршрутлар бор эди, улар орасида 400 таси бутуниттифоқ аҳамиятига эга эди.

Совет Иттифоқида 1980 йиллар охиригача касаба уюшмалари ташкилотлари орқали имтиёзли туристик йўлланмалар тақсимлаш системаси амал қилиб келди. Туризм касаба уюшмалари бюджетдан, давлат ижтимоий суғурта маблағлари, корхоналарнинг ижтимоий-маданий тадбирлар фондлари ҳисобидан пул билан таъминланиб келди. Ҳар йили ЦСТЭ системасида 200 млн.дан зиёд турист ва экскурсантларга хизмат кўрсатилди. Йўлланма бўйича 40% дам олувчи уларни имтиёзли шартларда ёки бепул олишганди.

Совет даврида халқаро туризм тартибга солинган ва давлат томонидан тўлиқ назорат остига олинганди. Собиқ СССР халқаро туристик алоқалари «Интурист», «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси ва ВЦСПС ЦСТЭ томонидан амалга оширилади. Халқаро туристик алмашиш ўзаро нотижорий асосда кўпроқ социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан бўларди. Халқаро туризмнинг чегара, ёшлар, ихтисослашган ва бошқа шу каби шакллари тараққий этди. 1960-1970 – йиллар мобайнида чет эл сафарига СССР нинг атиги 0,4% фуқароларигина бориб келганди.

1990 йилларда Россия туризмида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ички ва ташқи туризм соҳасида давлат монополияси бекор қилинди. Туристик йўлланмаларни марказлашган ҳолда тарқатиш ва бюджетдан молиялаш ўрнига туризм бозор индустрияси яратилди. У тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини – акционерлик жамияти, маъсулияти чекланган жамият индивидуал хусусий корхона кабиларни қамраб олган. Туризм бизнеснинг мустақил турига айланди, унинг занжиридаги чуқур таркибий инқирозга қарамай, мамлакатда динамик ривожланиш давом этди.

Россия Федерациясининг давлат, иқтисодий ва сиёсий қурилиши ўзгариши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини давлат сиёсатининг устувор вазифаси қилиб қўйди. Жумладан, эркин кўчиш, бориш-келиш ҳуқуқи, туристик расмиятчиликни соддалаштирилиши ва либераллаштирилиши буларнинг ҳаммаси ҳам кириш, ҳам чиқишда туристик оқимларни фаоллашига имкон берди. 2005 йил Росстат 22,2 млн. чет эллик фуқароларнинг келишини қайд этди, бу 1995 йилга нисбатан икки марта кўпдир, шу жумладан, «соф туризм» линияси бўйича – 2,4 млн. келиш қайд қилинди. Россиядан чиқиб кетиш оқими 2005 йил 28,5 млн. сафарни, шу жумладан, «соф туризм» линияси бўйича -6,8 млн. ни ташкил этди, кириш ва чиқиш оқимларида шахсий мақсадлардаги сафарлар устунлик қилади.

Туристик оқимлар географияси кенгайди. Нисбатан интенсив халқаро алмашиш МДҲ мамлакатлари – Қозоғистон, Украина билан бўлаяпти. Россияга узоқ-яқиндан уюшган туристлар етказиб берувчилар Литва, Польша, Финляндия, шунингдек Хитой. Хитой, Финляндия ва Туркия россиялик фуқаролар ўртасида энг оммавий йўналишлардир. Умумий мураккабликда россияликлар жаҳоннинг 160 дан кўпроқ мамлакатларига сафарни амалга оширадилар.

1998 йил инқироздан сўнг Россияда ички туризм қайта туғила бошлади. 1990 - йилларда Россия туризмининг ҳуқуқий-норматив базаси яратилганди. Президентнинг бир қатор фармонлари ва Ҳукуматнинг қарорлари билан туризм давлат манфаатлари доирасига киритилди, унинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Туристик кенгликлар ҳуқуқий ўзаги **«РФ да туристик фаолият асослари ҳақида»** ги қонун (1996 й) қабул қилиши бўлди. У биринчи марта РФ да ягона туристик бозор асосий ҳуқуқларини белгилашга йўналтирилган давлат сиёсати принципларини мустаҳкамлаб қўйди, РФ фуқаролари ҳуқуқларини амалга ошириш чоғида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқароларини дам олиш, эркин ҳаракатланиши ва бошқа ҳуқуқларини саёҳат чоғида бузилмаслигини таъминлайди, шунингдек РФ туристик ресурсларидан фойдаланишда оқилона тартибни белгилайди.

Туристик фаолиятнинг алоҳида томонлари РФ Фуқаролик кодекси, РФнинг **«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «РФдан чиқиб кетиш ва РФ га кириш тартиби тўғрисида», «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида»** ги қонунлар билан тартибга солинади.

Прогрессив туристик қонунчилик мамлакатда туризмни самарали тартибга солишнинг янги системаси бўлиб хизмат қилади. Туризм соҳасида давлат сиёсатининг мақсади – РФда замоновий юқори самарали ва рақобатбардош туристик комплекс яратишдан иборат эди.

Федерал даражада норматив ижодкорлик жойлардан чиққан ташаббус билан мустаҳкамланади. Карелия, Адигея, Бурятия, Ярославл области, Краснодар, Хабаровск ўлкалари ва РФ нинг бошқа субъектларида туризм ҳақида қонун қабул қилинди.

Туристик фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш истиқбол йўналишларини қўллаб-қувватлаш ижтимоий ва ҳаваскор туризм, ички киришларни ривожлантириш ҳисобланади.

РФ да турстик фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги усуллар билан амалга оширилади:

- туристик индустрия соҳасида муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий-норматив актларни яратиш;
- ички ва жаҳон туристик бозорида туристик маҳсулотларни илгари суришда ҳамкорлик қилиш;
- туристлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни хавфсизлигини таъминлаш;
- туристик индустрияда стандартлаш, лицензиялаш, туристик маҳсулотларни сертификатлаш;
- РФ га кириш, РФ дан чиқиш ва РФ территориясида бўлишни туризмни ривожлантириш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қоидаларни белгилаш;
- туризмни ривожлантиришнинг федерал мақсадли дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда тўғридан-тўғри бюжетдан маблағ ажратиш;
- туристик индустрияда инвестиция учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- божхона ва солиқ соҳасини тартибга солиш;
- РФ территориясида туристик фаолият билан шуғулланувчи фирмаларга божхона ва солиқ имтиёзларини ўрнатиш, имтиёзли кредитлар бериш;
- туристик фаолият кадрлар билан таъминлашда ҳамкорлик қилиш;
- туризм соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш;
- россиялик туристлар, туристик фирмалар ва уларнинг бирлашмаларини халқаро туристик дастурларда иштирокида ҳамкорлик қилиш;
- картографик маҳсулотларни таъминлаш;
- РФ қонунчилигида белгиланган бошқа қонун-қоидаларни қўллаш.

Россияда биринчи навбатда турган вазифалардан бири замонавий инфраструктурани яратиш бўлиб қолмоқда. Бутун мамлакатда туризм моддий-техник базаси-энг аввало, жойлаштиришнинг туристик воситалари – жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскиргани билан характерланади, 75-80% туристик жойлаштириш объектлари капитал таъмирлаш ва модернизацияга муҳтож. Мамлакат меҳмонхоналар хўжалиги Москва, С-Петербург ва Краснодар ўлкаси ўртасида кескин фарқ қилади, уларнинг бирида туристик жойлаштириш воситалари нисбатан яхши ҳолатда, бошқаларида эса эътиборга муҳтож. Меҳмонхона хўжалигини муваффақиятли ривожлантиришда муҳим масала сармоялаш фаоллигини рағбатлантириш. Мамлакат туристик комплексига инвестицияларни жалб этиш учун 2006 йил туристик рекреацион типдаги алоҳида иқтисодий зона яратиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Ижобий инвестицион муҳитни шакллантириш йўналишида реал олға силжиш кузатиляпти. Меҳмонхона хизматларига талаб тўхтовсиз ошиб бораётган шароитда меҳмонхона хўжаликларига пул маблағлари тушиши қайд этиляпти. Бу маблағлар мамлакат бўйлаб ҳашаматли меҳмонхона занжирига эга бўлган фақат Газпром ва Сбербанкники эмас, балки кичик меҳмонхоналар қурилиши ва қишлоқ туризмини ривожлантиришга пул қўяётган аҳолиники ҳамдир.

Россияда туристик бозор шаклланиши билан унинг малакали кадрларга талаби ҳам ошиб бормоқда. Мамлакат жуда кўп олий ўқув юртлари турбизнес учун кадрлар тайёрлашмоқда. РФ да ягона туристик таълим системаси яратиш бўйича иш олиб борилмоқда.

6.7. Россия Федерацияси туризмининг асосий йўналишлари ва районлари

Россия Федерацияси туризми таркиби хилма-хил бўлиб, унинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: тарихий-маданий туризм, ишбилармонлик туризми, билиш туризми, диний туризм, даволаш-соғломлаштириш туризми, экологик туризм, пляж (чўмилиш) туризми, илмий туризм, этнографик туризм, спорт туризми ва бошқалар.

Спорт туризми таркибида тоғ чанғиси туризми, экстремал туризм, альпинизм, фаол туризм турлари алоҳида аҳамият касб этади.

Тоғ чанғиси туризми. Ҳозиргача спорт туризми жаҳон бозорида камтарона ўрин эгаллаб келаётган Россия кейинги пайтда тоғ чанғиси индустриясини фаол ривожлантиришга киришди. Россияликлар ўртасида қишки дам олиш турлари оммавийлиги ошмоқда, тоғ чанғиси марказлари кўпаймоқда. Жумладан, Шимолий Кавказ, Хибин, Москва атрофи, Волгабўйи, (Самара области, Татаристон), Жанубий Урал, Олтой, Кузбасс, Камчатка ва бошқа ҳудудлар.

Россиянинг асосий тоғ чанғиси базаси Кавказда – **Эльбрус олди** ва **Домбай** ҳисобланади. Эльбрус олдида чанғида учишда Чечен ва Эльбрус тоғ қояликларидан фойдаланилаяпти. Баландликдан тушиш бу ерда (старт чизиғи 3800 м. баландликда) 2200 м.га етади. Чечен билан ёнма-ён Асосий Кавказ тоғ тизмалари Шимолий бўсағасида Домбай водийси жойлашган. У жипс тоғ халқаси билан қуршалган. Домбайда – Россия тоғ чанғиси ва иқлими машҳур – Мусса Ачитара тоғида 20 км.га яқин трасса бор, осма арқон-ўриндиқли йўлнинг бешинчи навбати ишлаяпти. Тўртта бугел кўтаргич мавжуд. Ўткир ҳиссиётлар ишқибозлари ва ашаддий спортчилар тоғ қояликларидан вертолётда кўтарилиб, эркин тушишлари мумкин.

Кавказнинг Қораденгиз бўйидаги (Сочи) **«Красная Поляна»** тоғ чанғиси курорти ёш, тез ўсиб келаётган курортдир. У 1000 метрдан баландроқда жойлашган. Чанғи мавсуми декабрь ойининг иккинчи ярмидан апрелнинг иккинчи ярмигача давом этади. «Красная Поляна» базасида Россияда энг йирик халқаро даражадаги тоғ иқлими ва туристик спорт комплекси қурилди. У йил бўйи ишлайди. Қурилиш режасига кўра, турли даражада мураккаб, қўшимча 57 тоғ чанғи трассаси қуриш, музликка чиқиш учун осма–ўриндиқ йўлнинг бешинчи навбатини фойдаланишга топширилди. «Красная Поляна» тоғ чанғиси курорти халқаро экспертизадан ўтиб, бу ерда 2014 йилда қишки олимпиа ўйинлари ўтказилди.

Кола ярим оролидаги Хибин тоғлари Мурманск обл. тоғ чанғичиларини узоқ давом этадиган мавсумга жалб этади (декабрь-май). Ҳар йили тоғ чанғиси бўйича бу ерда Россия биринчилиги ўтказилади. Кола ярим оролида тоғ чанғиси туризми апатит нефелин рудаси қазиб олишга альтернатив ҳисобланади. Унинг ривожи кўп жиҳатдан Хибин тоғ массиви қазилма бойликлари конлари ишга туширилиши билан боғлиқ.

Қадимги Урал тоғлари унча баланд эмас, аммо қор қопламасининг турғунлиги чанғи оммавийлигига қўл келади. 10 йил ичида Жанубий Уралда **«Абзаково»,** Бошкирдистонда **«Завьялика»,** Челябинск областида **«Аджигардак»** каби йирик тоғ чанғиси марказлари қурилиб фойдаланишга топширилди. **«Евро-Осиё»** тоғ чанғиси курорти қурилиши бошланди (Сатка ш.). Пермь областида **Чусовая** тоғида, Свердловск областида **Белой, Качканар**, **Ежовой** тоғида тоғ чанғиси комплекслари ишлаб турибди.

Урал ортида – Кемерево областида **Междуреченск ва Таштаголе,** Олтой ўлкасида Белуха тоғида **«Белокуриха»** курортларида тоғ чанғиси туризми ривожланаяпти. Сибир (Красноярск ўлкаси), Сахалин, Камчатка каби мамлакат Европа қисмидан олис марказларда тоғ чанғиси спорти асосан маҳаллий аҳамиятга эга.

Тоғ чанғиси туризми туристик-рекреацион типдаги алоҳида иқтисодий зоналар туфайли ривожланишга имконият яратаяпти. Лойиҳаларда улардан айримлари, масалан, Бурятиядаги **«Байкал»** зоналарида тоғ (тоғли иқлим ва тоғ чанғиси) курортлари қурилиши кўзда тутилган. Минтақада ўз тоғ чанғиси дам олиш марказига эга бўлиш анча қулай ва фойдалидир. Улар нафақат анъанавий тарзда пайдо бўлади, балки мутлақо янгиларини очиш имконини беради. Бунда табиий тоғ қияликларидан фойдаланиш билан бирга сунъийлари ҳам яратилади. Тоғ чанғиси комплекслари тақдим этаётган хизматлар турлари ҳам кўпаймоқда. Улардан кўпчилиги спорт кўнгилочар марказларига айланаяпти.

Тоғ чанғиси билан бир қаторда уларда спорт ва фаол дам олиш турлари ривожланаяпти. Конькида учиш, чанғида юриш, снегоход (махсус чанғи автомобили)да сайр қилиш, мини гольф ўйнаш, спорт жиҳозлари ва кийимлари янги модаларини, хорижий энг янги марка автомобилларини намойиш этиш шулар жумласидандир.

Москва области тоғ чанғиси комплекси бунга ёрқин мисол бўла олади: **«Волен»** парки ва **«Сорочан»** спорт комплекси йилига 1,5 млн. кишини қабул қилади. **«Леонид Ткачев тоғ чанғиси клуби», «Яхрома»** спорт-истироҳат парки, **«Парк экстрим», «Степаново»** ва бошқаларда мириқиб хордиқ чиқариш мумкин. Улар асосан Дмитров районида жойлашган. Клинско-Дмитров табиий баландлиги сунъий йўл билан узайтирилган. Москва областидаги барча тоғ чанғиси марказлари хизмат кўрсатишни жиҳозлар ва кўтаргичларни прокатга беришдан бошланган. Кейинги йилларда бу ерда жойлаштириш базаси барпо этилди, паркларнинг ўзи эса сутка давомида дам олишга мослаштирилди. Территорияга туташ жойларда элита коттежлари қуриш фаол давом этмоқда. Тоғ чанғиси марказларига мижозларни кўпроқ жалб этиш учун маркетингнинг турли қабул усулларидан фойдаланилаяпти (автомобилни бепул қўйиш ёки пули қоравулсиз хизмат, кўтаргичларда, клуб карталари, ёритилган тунги трассада чанғида учиш, «Болалар боғчаси» ва бошқаларга абанемент хизмати йўлга қўйилаяпти.

Ҳозирги кунда Ленинград областида 9 та замонавий тоғ чанғиси комплекси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўтказиш қобилияти йиғиндиси соатига 20 минг кишини ташкил қилди. Булар **«Золотая долина», «Охта-парк», «Пухтолова тоғли парки», «Красное озеро», «Тунтари парк», «Орлиная гора», «Сосновый бор», «Снежный»,** 2006 йилда ишга туширилган **«Игора»** тоғ чанғиси комплекси кабилардир.

Россияда тоғ чанғиси индустрияси шаклланиши тоғ чанғиси туризми ва дам олишнинг жаҳон тенденцияси асосида жадал давом этмоқда.

Экстремал туризм. Экстремал туризм – бу доимий ҳавф-ҳатар, таваккалчилик ва қўйилган мақсадга интилишдир. Бу инсон имкониятларининг чек-чегараси синови. Бу атроф-оламни ҳис этиш ва кўриш иштиёқидир. Кейинги пайтларда экстремал туризм билан шуғулланувчи кишиларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Айрим баҳоларга қараганда жаҳон туристик бозори сигментида ушбу соҳанинг улуши 10 % ни ташкил қилади. Экстремал сафарлар ўсиш суръатлари бутун туризмнинг ўртача ўсиш суръатидан ошиб бораяпти. Экстремал туризмга турли оилавий ва ижтимоий мавқега эга, турли касб ва ёшдаги одамлар қизиқиш билдирмоқда. Уларнинг жисмоний ва маданий ривожланиш даражаси сезиларли фарқ қилади. Айрим мутахассислар экстремал туризм феноменини кейинги йилларда ахлоқ ва дидни ўзгартириши билан изоҳлайдилар. Жамият гиёҳвандлик каби иллатдан халос этувчи кўнгил очар машғулотларга зарурат сезаяпти. Жуда кўпчилик кишилар олис ўлкаларга бориш имкониятига эга бўлиб, улар ўзларига жамият эътиборини жалб этиш учун экстремал туризм билан шуғулланиш орқали жасурликларини намойиш этишга ҳаракат қиладилар.

Экстремал туризм тарихи спортнинг экстремал турлари ривожланиши билан мустаҳкам боғланган. Скайсерфинг, трекинг, хели-ски, фри-райд, рафтинг ва бошқа турлар шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда экстремал туризм хатар билан боғлиқ хилма-хил дам олиш спорт турларини ўз ичига олади.

Фаол туризм. Россия Федерациясида қайд қилинган 19 минг туристик фирмалардан 50 тасидан камроғи фаол ва саргузашт туризми туроператорлари

ҳисобланади. Ушбу туристик фирмалардан кўпчилиги Россия фаол туризми қашшоқ бозоридан жой эгаллашга интилаётган бўлсада, айрим саёҳат турларигагина ихтисослашмоқда ёки ўз регионидаги фаолияти билан чекланмоқда. Ҳар ибр регионда фаол операторлар кам ҳаракат қилишаяпти. Битта-иккитагина, уларга путёвкаларни сотишда ёрдам берувчи турагентлар ҳам саноқлигина. Мисол учун Олтой сингари йирик ҳудуд асосан икки оператор томонидан бўлиб олинган: Новосибирск «Ака-ука Говорлар ва $К^0$» компанияси, ва Барнауль «Туримпэкс» фирмаси.

Бозорнинг нисбатан йирик сектори – Москваники. Бу ерда асосан фаол туризм бўйича туроператорлар тўпланган. Улар орасида кўпроқ таниқлилари – «Алпиндустрия», «Альфпрофспорт», «Саёҳатчилар ассоциацияси», «Мегатест», «Вертикаль», «Фаол дам». Москва ҳар бир туроператорлари тор ихтисослашишга эга. Масалан, «Альпиндустрия» агентлиги асосий иш йўналиши тоғларга саёҳат уюштириш ва ўз магазини орқали туристик жиҳозлар сотиш. Кавказ йўналишига талабгорлар кўп – асосан хорижликлар. Альплагерлар бошқармаси базасида ташкил этилган «Альфпрофспорт» фирмаси оз сонли туристлар гуруҳини Химолайга сафарини уюштиради. Кўппрофилли «саёҳатчилар ассоциацияси» турфирмаси ички ва чиқиш туризмидан ташқари, экстримал туризм секторини ташкил этган. Компания асосан Непал, Кения, Эквадор, Перу, Венесуэла сингари экзотик – қадимий табиий кўринишга эга мамлакатларга саёҳатнинг оригинал программасини ишлаб чиқади.

Россия бўйича фаол сафарларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Карелияда (Хибин тоғлари бўйлаб; қайиқда Вуокса дарёси бўйлаб; яхтада Ладого кўли бўйлаб; байдаркада Карелия кўл ва дарёлари бўйлаб сафарлар);

Ўрта минтақада (Сити дарёси бўйлаб сув маршрути; керженцда сузиш);

Уралда (Юрюзань дарёси бўйлаб сузиш; Белая дарёси бўйлаб (сузиш билан) саёҳат);

Таймирда (Путоран платосида балиқ овлаш);

Олтойда (Телецк кўли атрофида; Тоғли Олтой бўйлаб отда саёҳат; Сув маршрути – Телецк кўли – Бия дарёси; Тоғли маршрут «Белухи остонасига»; Сув маршрути «Ўрта Катунь»);

Байкалда Пиёда маршрут «Байкал бўйлаб сўқмоқдан»; Ольхон ороли бўйлаб велотур; «Байкал одиссея» кема саёҳати);

Камчаткада (Тимоновск иссиқ сув манбаларига отда саёҳат; Ключев ўпқонига саёҳат; Гейзерлар водийси – Тимоновск манбаларига саёҳат) ташкил этилган.

Фаол туризмнинг келажакда кўпроқ талаб ошадиганлари орасида мутахассислар сув, пиёда, отда, аралаш маршрутлар бўлишини айтишмоқда: кема+пиёда қисм, экскурсия+фаол қисм, пиёда автомобиль қисми, тоғ-сув, пиёда-отда, сув-отда шулар жумласидандир. Россияда экстрим туризм истиқболлари ҳам катта ҳисобланади. У дунё экстрим туризм бозорида муносиб ўрин эгаллаши мумкин. Жумладан, космик ва ҳарбий саёҳат. Бу туризм туристларни танкда айланиш, реактив самолётда ёки космосга учиш имкониятларини яратади.

Россия Федерацияси 13 та йирик туристик районга ажратилади. Улар ресурсларининг жойлашганлиги аҳамияти, характери, туризм тараққиёти умумий даражаси ва туристик ўзлаштириш учун истиқболи билан ўзаро фарқланади.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Россия Федерациясининг географик ўрни ва табиий иқлим шароити ҳақида маълумот беринг.
2. Россия Федерациясининг табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Россияда туризмни тараққий эттириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?

4. Россия Федерацияси аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари қандай?
5. Россия туризм тараққиётида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрнини кўрсатинг.
6. Россия Федерациясида туристларни жойлаштириш воситаларининг асосий ҳусусиятлари, имкониятлари ҳамда афзалликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?
7. Россия Федерациясида туристларни овқатлантириш тизими, ресторанлари ҳамда миллий таомлари ҳақида маълумот беринг.
8. Россиянинг сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш инфратузилмаси қандай ривожланган?
9. Россия Федерациясида туризмнинг ривожланиш босқичлари ва динамикаси бўйича маълумот беринг.
10. Россия туризмининг асосий турлари ва марказлари ҳақида маълумот беринг.

VII БОБ. ХИТОЙ ТУРИЗМИ

7.1. Хитойнинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари
7.2. Хитойнинг тарихий, маданий туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари
7.3. Хитой аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари
7.4. Хитойнинг туризм инфратузилмаси тармоқлари
7.5. Хитой туризми: унинг ривожланиш динамикаси ва асосий йўналишлари
7.6. Хитой туризм географияси

7.1. Хитойнинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари

Хитойнинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити. ХХР Марказий ва Шарқий Осиёда кенг территорияни эгаллайди: мамлакат умумий майдони – 9560000 кв.км. Территорияси катталиги жиҳатидан Хитой Канада ва Россиядан кейин жаҳонда учинчи ўринда туради. Хитой – тоғлик мамлакат. Территорияси денгиз сатҳидан 1000 м пастда туради. Мамлакат материк қисми кенглик йўналишида салкам 5 минг км, меридианал бўйича – 3,5 минг км.га чўзилган.

Территориясининг ҳажми, мутлақ хилма-хил табиий шароит Хитойни бошқа Осиё мамлакатларидан ажратиб туради. Кенг ясси текисликлар ва улуғвор тоғлар, қалин ўрмон билан қопланган тоғолдилари ва ҳаёт нишонаси бўлмаган баланд тоғли саҳро, кучли совуқ, чидаб бўлмас жазирама, ҳалокатли сув тошқинлари ва давомий қурғоқчилик – худди шундай хилма-хил табиий шароит, бир мамлакат доирасида камдан-кам учрайдиган бундай турли-туманлик Хитойни саёҳатчилар учун ҳаддан ташқари қизиқарли қилади.

Ландшафт куриниши бўйича хитой уч қисмга бўлинади: жануби-ғарбда Тибет тоғликлари, шимолда ва денгиз туташ пасттекисликлар области – Пихиганья белбоғи (тоғлар ва баланд текисликлар). Хитой шимолий-шарқий (собиқ Маньчжурия) унга баланд бўлмаган тоғлар, текисликлар билан ғарбдаги қўшни ички Муғилистон чўллари ва чорвачилик районларини намоён этади. Қирғоқ бўйлаб кенглиги 100 дан 500 км. гача бўлган текислик чўзилиб кетган – бу дарёлар. Каналлар ва айрим тоғ чиқиқлари кесиб ўтган интенсив деҳқончилик зонасидир. Буюк Хитой текислиги Пекинндан то Хуанхэнинг пастки оқимигача туташиб кетган. Жануб қалин ўрмонзорлар билан қопланган, шимол эса чўлга туташган. Хитой ҳайвонот олами бой: 1600 дан кўпроқ ҳайвон турлари бор, дарё ва кўлларда эса 1000 турдаги балиқлар мавжуд. Айниқса дунёнинг бошқа мамлакатларида учрамайдиган ноёб айиқ тури-катта ва кичик панда мамлакат рамзига айланган. Ўрмонларда уссурия йўлбарси, айиқ, бўри, буғи, қимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар яшайди. Чўлларда эса ёввойи туя, Пржевальск отларини учратиш мумкин.

Хитой дунёнинг энг қадимги цивилизацияси мамлакатларидан бири. У чой ва инсониятнинг буюк кашфиёти - қоғоз, порох, компас, ипак, чинни, сейстограф ватани. Хитой территорияси ҳали қуйи палеолит даврида аҳоли истиқоматгоҳларига айланган. Пекин ёнидаги Чжоукоу ғорида бир неча юз минг йил аввал яшаган синантроп қолдиқлари топилган. Гуплин шаҳри ёнида ғорли тўхташ жойлари сериясини топилиши ушбу район аҳолиси 9 минг йил аввал овчилик ва балиқчилик билан шуғулланганидан гувоҳлик беради. Шоли етиштириш маданияти эса хитойликлар томонидан ҳали эрамздан аввалги V минг йилликдаёқ ўзлаштириб олинган.

Хитой халқ республикаси (ХХР) – ҳудуди жиҳатидан дунё мамлакатлари орасида учинчи ўринда туради. Унинг умумий майдони – 9,6 млн. кв. км. Аҳолиси 1 млрд. 350 млн. кишидан зиёд. Мамлакатда 50 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Хитой миллатига мансуб аҳоли эса 94 %ни ташкил этади.

Хитойнинг уч минг йиллик тарихи гувоҳлик беришича, узоқ йиллар ўта қолоқ «ҳаёт қуриб подшолик»ка буйсинган хитойликларнинг каттагина қисми милодий йилларга келиб цивилизациялашаётган янги ҳудуд аҳолисига яқинлаша борган. Натижада ҳеч қайси

давлат тарихида учрамайдиган ҳолатда, яъни қисқа даврда варварлар (маданиятдан четда қолган чет элликлар) кабилари турмуш тарзини яхшиловчи анъаналар ва маданиятли ҳаёт учун «тез асирга тушган» лар сирасига кирган. Ҳудудлараро маданиятли турмуш кечиришга бўлган ўзаро кўмаклар туфайли Хитойнинг умумий ҳудуди кенгайиб борган.

Ҳозирги Хитой 26 та провинция ҳолда учта марказийлашган шаҳарлардан (Пекин, Шанхай, Тяньзин) таркиб топган. **Хитой иқтисодиёти умумий мулкчилик тамойиллари** асосида ривожланмоқда. Бу ерда ҳали ҳам беш йиллик давлат режалари мавжуд бўлиб, тараққиёт шу режа асосида юксалмоқда. Шу сабабдан ҳам Хитой дунёда энг йирик саноат корхоналарига эга давлат, дея таърифланади. Умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Хитой дунёда 4-ўринни, корхоналар кўплиги жиҳатидан эса 8-ўринни эгаллайди.

ХХР – барча қадимий ишлаб чиқариш технологик усулларини сақлаб қолган давлат саналади. Масалан, қишлоқ хўжалигида асосан қўл кучи билан маҳсулот тайёрланади. Айниқса, қишлоқ жойларда бу жуда оммалашган. Фақат шаҳарлардагина маҳсулотларни тайёрлаш машиналаштирилган, холос.

Бу кунда Хитой иқтисодиёти йилига 7-8 % гача ўсмоқда. Бу ютуқнинг асосий омиллари ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва тизимли силжиш ҳолатларида кўринади. Айникса ҳозирги даврда Хитойда енгил саноатда қайта ишлаш ва сифатли хизматлар кўрсатиш соҳалари бениҳоя равнақ топмоқда.

Хитой дунёдаги энг эркин иқтисодий ҳудудлар яратган мамлакатлардан бири саналади. Айни пайтда бу ерда 2100 дан зиёд хориж фирмалари самарали фаолият юритмоқда.

XXI асрнинг дунё саноат маҳсулотлари ЯИМ тайёрлашдаги улуши йилдан йилга ортиб бормоқда. Аммо, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқарилишини ҳисоблаганда Хитой ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан анча паст эканлиги маълум бўлади. Ҳар ҳолда Хитой ўзида мавжуд имкониятлардан узоқ келажакни ўйлаган ҳолда фойдаланилмоқда. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажмида Япониядан кейинги ўринда туриши ҳам бундан далолатдир.

7.2.Хитойнинг тарихий, маданий туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари

Эрамиздан олдинги 2100 йиллар атрофида Хитойда цивилизация асослари шаклланган. Худди эллинлар «ернинг киндиги»Дельфада деб тахмин қилганларидек, қадимги хитойликлар ҳам ўз Ўрта подшоҳлиги истиқоматгоҳлари районини Чжунго («Чжун» - ўрталик, «го» - давлат) деб аташган ва Хитой сўзи шундан келиб чиққан. Эрамизгача 1 минг йилликда турғун император ҳокимияти вужудга келган, қайсиким эрамзгача 221 йилда ҳукмдор Цинь бир қатор рақибларига қарши муваффақиятли юришдан сўнг қадимги хитой подшоҳлигини бирлаштиришга муваффақ бўлган ва ўзини « Цинь сулоласи биринчи императори» деб эълон қилган.

Эрамизгача 221 йилда Цин сулоласи ҳокимияти остида Хитой бирлашандан кейин император бир қатор мудофа иншоотларини барпо этишга фармон берган, қайсиким у шимолдан кўчманчилар бостириб келишидан ҳимоя қилган.

Буюк Хитой девори шу тариқа қурилди ва эрамизнинг III асрида биткарилди. Узун девор бизнинг кунларда ҳам меъморчиликнинг улкан намунаси бўлиб қолмоқда. Моҳиятан бу Шимолий Хитойнинг қалъа деворидир. Тарихчиларнинг тусмолларига кўра, унинг узунлиги 4000 дан 5000 км. гача, баландлиги – 6,6 м. айрим жойларида 10 м. га етган. Буюк Хитой девори ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий-тарихий объектлари рўйхатида мамлакатнинг анна шундай 20 объектидан бири сифатида қайд этилган. Хитой тарихи ва маданияти илдизлари 5000 йилларга бориб тақалади. Ушбу давр мобайнида сон-саноқсиз моддий ва маънавий ёдгорликлар яратилди. 1-жадвалда Хитойнинг асосий табиий, тарихий-маданий диқатга сазовор жойлари кўрсатилган.

1-жадвал

Объект номи	Жойлашган ўрни	Асосий хусусиятлари
Буюк Хитой девори	Ганьсу пров-дан Хабэй пров-гача	Эр. Аввал XVII асргача қурилган. Узунлиги - 6350 км. Баландлиги – 6 дан 10 м.гача. Эни 6,5 м.(пойдевори), 5 м (усти). Қурилишда 1 млн. киши – хар беш хитойликдан биттаси ишлаган.
Пекин синантропи қолдиқлари музейи	Пекиндан жануби-ғарбда Чжоукоудань деган жойда	Синантроплар 700000-230000 йил илгари яшаган. Биринчи марта бош чаноғи 1929 йил аниқланган. 18000 йил аввал яшаган сариқ ирқ бошланиши «шаньдун кишиси» тошга айланган қолдиқни топилган.
Гугун музейи	Пекин	Собиқ импер. Саройи, 1406 й қурилган. Майд – 720 минг.кв.м. 1914 йил император оиласи рўзғор буюмлари музейи ташкил қилинган.
«Минг будда» Могао ғори	Ганьсу провин. Дуньхуан шаҳри.	IV-XI аср Миньшон тоғ қоялари иншооати. Узунлиги - 1600 м. 192 ғор, 45000 кв.м. да қоя расмлари, 200 хайкал бор.
Терракотон хайкаллар музейи	Шэньси пров. Сиань ш. яқинида.	4200 йил аввалги қабристон, 8000 терракотон жангчилари ва отларнинг бор бўйича хайкаллари, жанг араваси топилган. Шунингдек император Цинн Шихуандининг дафнасидан бронза қуроли топилган.
Тайшань манзара райони	Шаньдун провин.	Тайшань тоғида (1545м) – қадимий (III аср) ибодатхоналар комплекси. Бош иншоот – Тенькуандянь саройи (Само туҳфа қилган сарой), улкан зинапоя (6700 зина) чўққига – бисяцлар ибодатхонасига олиб чиқади («Тонг маъбудаси ибодатхонаси)
Хуашань манзара райони	Шэньси провин. Сиань шаҳридан 120 км. нарида	Хуашань тоғи (2160м) – Хитойнинг муқаддас беш тоғидан бири, мўъжизавийлиги билан шуҳрат қозонган: Тан,Сун, Юань, Мин сулолари ёдгорликлари; 20 даос ибодатхонаси. Қоя расмлари, эгри қарағайлар, ғаройиб шаклдаги тошлар, термал манбалар
Цзючтайгоус манзара райони	Сичуан провин. Нанпин шаҳридан жануби-ғарбда	«Тўққиз дара» - 720 кв.км. тоғ тизмалари-чуқур даралар, тиниқ жилғалар, аралаш ўрмон, ёғоч уйлар, яйловлар, шаршаралар ва хокозо.
Сучжоудаги боғ-парк	Цзянсу провин.	Бир неча парклар, улардан учтаси – «Цанлантин», «Шицзилин», «Чжоучжэнюань» - «дурдона» ҳисобланади, бетакрор гўзалликка эга парклар
Қадимий шаҳар Лицзян	Юньнань провин.	Юйлун тоғ этагида жойлашган бош кўча « Сифанцзь», рангли тошлар тўшалган. Икки тарафида Мин даврида қурилган ёғоч ва ғиштин уйлар, юйцюаньсэ дарёси устида чиройли кўприклар кўп.
Потала саройи	Лхаса шаҳри	Мабужи тоғ қияликларида лапа монастри услубида қурилган сарой. 13 – қават, 1000 та хона. Илгари Далайлама қароргоҳи (будда

		илоҳий иншооти», Далайлама кошонаси қолдиқлари.
Конфуций қараргоҳи ва ибодатхонаси	Цюйфу шаҳри. Шандунь провин.	Ибодатхона комп (эрмизгача V аср) ғайриоддий номлар билан жуда кўп дарвозалар – «Муққадас жойга элитувчи дарвоза», «Юксак комиллик дарвозаси», «Конфуций қабри-«Муқаддас ва комил инсон мозори» ёзуви билан. Қароргоҳ, парк, ҳовузлар, саройлар, заллар комплекси.
Лэшан Будда	Лэшань шаҳри Сичуань провин.	Будданинг дунёда энг катта тош хайкали – 71 м (VII-X аср) уч дарё қуйилиши жуда улуғвор гирдоб ҳосил қилади.
Ёзги император саройи ва «Ихэюань» парки	Пекин	«Чуқур уйғунлик парки» XIX асрда янгидан қурилган. Инсон қўли билан яратилган Вань шоушань тоғи, хушманзара Куньминху кўли, 3000 эски ибодатхоналар бор. 728 галерия, 14000 картина ва ҳ.к.

Маданий – тарихий, табиий объектлардан ташқари, мамлакатнинг ўзига хос этномаданияти ҳам қизиқиш уйғотади. Хитой – дунёда энг кўп аҳоли (1 млрд. 350 млн.)яшайдиган йирик мамлаат. Аҳолисининг 93% дан кўпроғини хитойликлар ташкил қилади. Хитойликлардан ташқари мамлакатда 50 дан зиёд халқлар яшайди, улар Ғарбий хитойнинг катта қисмини эгаллашган. Шунингдек мамлакатнинг шимоли ва жанубида яшашади.

Территориянинг кенглиги, табиий-тарихий муҳит хилма-хиллиги, хўжалик-маданий хусусиятлар Хитой халқи таркибида бир қатор эл-элатларни вужудга келишига. Ўзига хос турмуш тарзи урф-одатлар шаклланишига имкон яратди. Бу кўп элатликни Жанубий Хитой, Тибет, Шимоли Хитой гуруҳи ва бошқаларида кўриш мумкин. Хитойликларнинг барча этник гуруҳларини умуммиллий тил-«Путунхуа» бирлаштиради. Хитой ёзуви 50 мингга яқин белгидан иборат иероглиф системасини ташкил қилади. Газета ўқиш учун 3 мингта иероглифни билиш кифоя, ўзини ўқимишли деб биладиган кишига 40 мингга яқин иероглифни билиш етарли ҳисобланади. Хитойда каллиграфия санъат даражасига кўтарилган.

Асосий диний-фалсафий таълимот – даосизм ва конфуцийлик – эрамизгача 51й. хитойда вужудга кела бошлади. Эрамизнинг 65 йили Ҳиндистондан Хитойга буддизм кириб келади. Унинг тарқалиши Хитой меъморчилигининг янги соҳаси – будда илоҳий иншооатлари қурилиши яратилишига олиб келди. Улардан кўпчилиги ҳозиргача сақланиб қолган. Энанс провинциясида Сунюэси монастри (523 й0, Кайфиндаги темир бино – ғишти қорақизғиш бўлгани учун шундай ном олган – ўн уч қават (967й) шулар жумласидандир.

Мамлакатнинг этномаданиятини билишда ўзига хос хитой жанговар жанг санъати, гимнастика турлари ва албатта пазандачилиги билан танишилмаса билим тўлиқ бўлмайди. Хитой пазандачилигида жуда кўп хилма-хил мазали таомлар бор: пекинча ўрдак, алоҳида маҳорат билан тайёрланган тухум. «қалдирғоч уя», акула сузгичи, илон гўшти, қурбақа, маймун гўшти ва бошқалар ҳар қандай нозик дидли хўрандага ҳам манзур бўлади.

Энтомологик пазандачилик ҳам тарқалган: суварак ва чигиртка қовурма, личинка қайла, шоколадли қуртдан десерт кабилар. Аҳоли асосий озиқ-овқати гуручдан тайёрланган ҳар хил таомлардир, уларга соя, мева, кўкатлар, балиқ ва гўштдан тайёрланган қайла қўшилиб тановул қилинади.

7.3. Хитой аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари

1967 йилда Хитой маданиятидаги ўзгариш унинг иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Аслида 1958 йилда Мао Цзедун томонидан таклиф этилган «Катта сакраш» йўналиши Хитойни 5-10 йил ичида дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиши керак эди. Халқ хўжалиги олдига амалда бажариб бўлмайдиган – чўян ва пўлат эритиш, кўмир-у нефт қазиб чиқаришдек оғир вазифа юклатилди. ўша давр иқтисодий сиёсатига кўра, ер, сув, ҳатто ҳовли, уйлар ҳам жамоат мулки бўлиб қолди. Хуллас, социализм қуришнинг хитойча усули халқ хўжалигини батамом издан чиқарди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши пасайиб кетди, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий муаммолар кўпайди. Мао Цзедуннинг ўлими (1976) дан сўнгина Хитой иқтисодий тараққиёт йўлига чиқиб олди.

1978 йилда Хитой коммунистик партияси «катта сакраш» га миллий фалокат деб баҳо берди, шу йилдан бошлаб ХХР да иқтисодий ислоҳатлар амалга оширила бошланди. Ислоҳатлардан кўзланган асосий мақсад одам бошига олинадиган даромад ўрта ривожланган мамлакатлар даражасига етказилиши эди.

Бу ислоҳатлар қуйидаги муаммоларни бартараф этиши мўлжалланди:

- режали маҳсулот тайёрлашда тўлиқ аҳолиси эҳтиёжи учун маҳсулот ишлаб хўжалигидан ярим эҳтиёжли қондирувчи товар ишлаб чиқаришга ўтиш;
- аграр соҳадан саноатлашувга, қишлоқ ишлаб чиқаришидан эса посёлка ва шаҳар турига ўтиш;
- ўз кучига таяниш» йўналишидан «очиқ эшиклар» сиёсатига ўтиш;
- «ахлоқий принцип» лар ташкилий тузилмасидан ҳақ-ҳуқуқларга эга тузилмаларга ўтиш.

Бу ислоҳатлар тарихий-маданий, иқтисодий-сиёсий анъаналар байроғи остида амалга ошира бошланди ва ислоҳатлар «Режали иқтисодиёт-асосий, бозор бошқарилиши кўмак берувчи» ақидасига таянган ҳолда кечди. 1984-1990 йилларда Хитойда социалистик бозор иқтисодий тизими яратилди. Унга кўра товарни баҳолаш марказий масала саналди. Бу тизимга ўтиш эркин нарх ва истеъмолчи талабига мос баҳодаги маҳсулот ишлаб чиқаришни юзага келтирди.

Бу ислоҳат уч босқичда амалга оширилади.

- давлат баҳоларини қилинган харажатга яқинлаштириш;
- мамлакатда мавжуд белгиланган нархларни марказлаштирилганидан эркин нархларга босқичма босқич ўтказиш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ва истеъмолдаги нархлар мутаносиблигини доимий равишда назорат қилиш.

1990 йиллар бошида бозор муносабатларидаги ислоҳатлар модели **социалистик бозор иқтисодиёти** номини олди. Унинг асосий хусусияти умумий, жамоатчилик тарзида маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш орқали иқтисодиётни ривожлантиришдан иборат эди. Бу ислоҳат бўйича давлат корхоналарида фаолият юритаётган кишилар мулкка давлат ва умумий мулк тарзида муносабатда бўлишлари шарт қилиб қўйилди. Металл қазиб олиш давлат монополиясига айланди.

Хитой давлатчилиги узоқ тарихдан буён империя тизимида келмоқда. Унда **давлат мулки** – асосий шакл бўлиб ҳарбий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган барча мулклар давлат мулки ҳисобланади. Масалан, Хитойда товар-пул муносабатлари ҳеч қачон аҳоли турмуши учун хизмат қилмайди. У фақат умумий фойдаланиш масалаларига йўналтирилади, холос.

Хитой аҳолиси сони бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг умумий сони 1,3 млдр. кишидан ортади. Ҳитойда аҳоли рўйхати биринчи марта 1935 йил 30 июлда ўтказилган. Аҳоли рўйхатига кўра мамлакатда

аҳолининг умумий сони 601,9 млн. кишини ташкил қилган. 1957 йилда аҳолининг умумий сони 656 млн.га етди, яъни бутун ер юзаси аҳолиси сонинг 1/4 қисмини ташкил қилган.

1986 йилга келиб Хитойнинг аҳолиси 1 млрд. кишига етди. 1990 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатига асосан мамлакат аҳолисининг умумий сони 1.137 млн. нафарни ташкил қилган. Хитойда аҳолининг туғилиши давлат томонидан қатъий назоратга олинган. Хитой конституциясига асосан аҳолининг планли кўпайиши амалга ошириш учун олий ўқув юртларида таълим олаётган студентлар ўртасида никоҳ қуриш қатъий ман этилган, ҳар бир оила битта бола кўриши мумкин бўлган. Оилада иккита ёки учта бола туғиладиган бўлса, унга давлат томонидан махсус рухсатнома олиш керак бўлган. Ҳозирги кунда ушбу демографик қонунга ўзгартириш киритилган ва оилада иккинчи фарзанд кўришга рухсат этилган.

Хитой аҳолиси этник жиҳатдан хилма-хил бўлиб, мамлакатда 50 тача аҳоли миллати мавжуд бўлиб, энг кўпчилигини хитойлик (ханьци)лар ташкил этади. Бундан ташқари мамлакатда қуйидаги миллат ва этник гуруҳ аҳолилари яшайди: чжуанлар, уйғурлар, хуэйцзулар, тибетлар, тайлар, мяолар, манжурлар, мўғуллар, бўйлар, корейслар, тутсяцлар, байлар, хохилар, тайлар, лилар, лисулар, шэлар,лахулар, валар, шуйлар, татарлар. ўзбеклар, қозоқлар, руслар, қирғизлар ва бошқалар.

Хитойда яшайдиган бутун аҳолилар 3 та тил оиласига киради. Диний этиқоди бўйича конфукцианлик, даосизм ва буддизмга киради.

Хитой аҳолисининг жойланиши ўртача бўлиб, ҳар бир квадрат км.га 130 киши тўғри келади. Мамлакат аҳолиси нотекис жойлашган. Аҳолининг 80% мамлакатнинг бору-йўғи 10% ҳудудида жойлашган. Аҳолининг энг қалин жойлашиши Хуанхе дарёсининг ўрта ва қуйи қисмидаги ҳудудларга тўғри келади. Аҳолининг яна қалин жойланиши Янцзе ва Сицзян ҳамда Хитойнинг Шимолий-Шарқий Хитойга тўғри келади. Бу ерларда аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв.км.га 400 киши тўғри келади. Мамлакатда аҳолининг энг сийрак ҳолда жойлашиши унинг шимолий-ғарбий қисми, Тибет райони ҳисобланади. Тибетда умуман аҳоли яшамайдиган ҳудудлар ҳам мавжуд. Хитойда шаҳар аҳолиси сони камроқ. Аҳолининг 70% қишлоқ жойларда истиқомат қилишади. Хитойда миллионер шаҳарлар сони 30 тадан ортади. Йирик миллионер шаҳарлар қаторига Пекин, Шанхай,Шэньян, Тяньцзинь, Чунцин, Гуанчжоу, Ухань, Харбин, Цаншин, Татюань, Люйда, Слань, Чэнду, Циндаолар киради.

Хитойда демографик ҳолатнинг мураккаблиги қишлоқ районларига ҳам таъсир кўрсатган. Қишлоқларда аҳоли ҳаддан ташқари кўпайиб кетган. Экин экиладиган ер майдони жуда кам. Меҳнатга яроқли аҳолининг умумий сони ҳозирги кунда 800 млн. кишидан ошади. Шундан 74% қишлоқ хўжалигида, 15% саноат соҳасида банддир. Мамлакатда умумий ишсизлар сони – 30 млн киши.

Ҳозирги кунда бутун Хитой аҳолисининг 2/5 қисмини ёшлар ташкил қилади. Аҳолининг 51,2%ни эркаклар, 48,8%ни хотин-қизлардан иборат. Аҳолининг демографик ҳолати қуйидагича характерланади: эркакларда69.6 йил, аёлларда эса 73.3 йил ҳисобланади. Мамлакатда таълим учун ажратиладиган харажатлар ЯИМнинг 2.3 қисмини ташкил этади. Ўртача таьлим бериш муддати – 9 йил. Мамлакатдаги аҳолининг саводсизлик даражаси – эркаклар ўртача 9%, аёлларда – 25%. Аҳолининг ўртача ўсиши 0,9% дир.

7.4. Хитойнинг туризм инфратузилмаси тармоқлари

Транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқлари. Хитой да транспорт соҳаси 1979 йилдан бошлаб ривожлана бошлади. Айниқса 1980 йилларга келиб жадал суръатларда ривожланди. Темирйўл транспорти Хитой иқтисодиётида алоҳида ўринни эгаллайди. У борган сари оммавийлашиб бормоқда. Мамлакатда темирйўлларнинг умумий узунлиги 112000 км.ни ташкил этади. Хитой темирйўллар узунлиги бўйича ҳозирги кунда АҚШдан кейин 2 ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда темирйўллар тармоғи

бутун мамлакатнинг барча ҳудудларида қурилган. Темирйўлларда юқори тезликка эга бўлган поездлар борган сари ривожланиб бормоқда. Юқори тезликка эга бўлган темирйўллар узунлиги 3,3 минг км.дан ошади. Хитойда темирйўллар оператори «China Railways» компанияси ҳисобланади. 2006 йилда Хитойда Цинхай- Тибет темирйўли магистрали ишга туширилди. Бу темирйўл Тибетда қурилган бўлиб, у баланд тоғли ўлкада (5072 метр денгиз юзасидан баланд) қуриб битказилди. Бутун қурилиш ишларига 4,2 млрд.доллар сарфланди. Ундан ташқари мамлакатнинг бошқа ҳудудида жумладан, Линьч Жоу – Синьцзян темир йўли тармоғи Хитойни Қозоғистон темирйўллари билан боғлади. 2009 йилда энг замонавий тезюрар темирйўллари линияси Ухань-Гуанчжоу ва Чжэнчжоу – Сиань шаҳарлари ўртасида ишга туширилди. Ушбу темирйўл линиясида тезюрар поезднинг тезлиги соатига 350 км. га етади. Бу дунёдаги энг биринчи тезюрар поезд бўлиб ҳисобланади.

Хитойда «Янги Ипак йўли» темирйўл линияси мамлакатнинг шимолий қисмидаги Трансосиё магистрали бўлиб ҳисобланади. Ушбу темирйўл магистрали бошқа бир ҳужжатларда «Иккинчи Евроосиё қуруқлик кўприги» номи билан юритилади. У Хитойнинг Ляньюнган порти орқали давом этиб (Марказий ва шимолий ғарбий Хитой орқали) Қозоғистон ва Россия Федерациясидан ўтиб Ғарбий Европа мамлакатларига боради. Ляньюнган-Роттердам шаҳарлари орасидаги масофа 10,9 минг км.ни ташкил қилади. Ҳозирги пайтда ушбу темирйўл магистрали ишлаб турибди ва ривожланиб бормоқда. Ундаги иккита йўлли линиянинг ҳажми 29% электропоездлар билан жиҳозланган. Хитойнинг шимолий-ғарбий қисмидаги темирйўл магистраллари келажакда электрлаштирилади. Айрим участкаларда иккинчи темирйўл линиялари қурилиб ишга туширилади. Хитойдаги темирйўлларнинг кенглиги 1435 мм, Қозоғистонда эса 1520 мм. ни ташкил қилади. Бу эса темирйўлларда юк ва пассажирларни ташишда қийинчликларни туғдиради.

Автомобил транспорти. Хитойдаги автомобил йўлларининг умумий узунлиги 4,2 млн. км.ни ташкил қилади (1914). Шундан замонавий автомобил магистраллари узунлиги 11,9 минг км. Энг муҳим автомобил магистралларига Қорақум шоссеси ва Бирман автомобил йўллари киради. Мамлакатда 65 йил мобайнида автомобил йўллари 50 баробарга ўсди. Хитой Халқ Республикаси ташкил этилган йилларда (1949й.) автомобил йўллари узунлиги бор-йўғи 80,7 минг км.ни ташкил қилганди. Ҳозирги кунда Хитой автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича ҳар йили 20 млн.дан ортиқ машиналарни етказиб бермоқда ва дунёда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги кунда Хитойда ҳаммаси бўлиб 45 мингдан ортиқ автобуслар, 4,5 мингдан ортиқ троллейбуслар мавжуд. Хитой шаҳарларида энг кўп тарқалган ва ривожланган транспорт турларидан бири бу велосипеддир. Мамлакатдаги велосипедларнинг умумий сони 120 млн.тадан ортиқдир, яъни ҳар 10та шаҳар аҳолисига 6 та велосипед тўғри келади. Биргина Пекин шаҳрида велосипедларнинг умумий сони 4 млн. донадан кўпдир, Тяньцзин шаҳрида уларнинг сони 2,7млн атрофида ҳисобланади.

Метрополитен Хитойда 1965 йилда ишга туширилди. Унинг биринчи линияси 1965-1969 йилда қуриб битказилди. Метрополитен узунлиги 24 км масофада бўлган. 1980-1993 метрополитен Пекиндан ташқари Шанхай шаҳрида ҳам ишга туширилди.

2009 йилда Хитой ҳукумати мамлакатнинг 22 шаҳрида метрополитен қуришга қарор қилган эди. Метрополитеннинг умумий узунлиги 2,5 минг км. бўлиб, 89 та янги линиялардан иборат, уни қуришга сарфланадиган ҳаражатларнинг умумий хизмати 993,7 млрд. юан (8146.13 млрд). Кейинги пайтларда метрополитенни мамлакатнинг 60тадан ортиқ шаҳарларида қуриш режалаштирилган.

Хитой шаҳарларида қурилган метрополитенлар рўйхати қуйидагилардан иборат: Шанхай (2 та линия), Гуанчжоу, Дальян, Куньмин, Нанкин, Наньчан, Нинбо, Пекин, Сиань, Сучшоу, Тянцзин, Тинхай, Уси, Ухань, Фошань, Ханчжоу, Харбин, Циндал, ЧанЧунь, Чанши, Чженчшоу, Чунцин. Ченду, Шеньчшень, Шеньян, Гонконг, Тайван оролида Тайбей, Таосюн, Тайчшун, Таоюань.

Сув транспорти. Хитойда 2 мингтадан ортиқ денгиз ва дарё портлари мавжуд бўлиб, улардан 130та портлар хорижий мамлакатлар кемаларини қабул қилади. Хитойдаги 12 та йирик портларнинг йиллик юк обороти 50 млн. тоннадан ортади. Мамлакатнинг жами юк обороти 2 млрд. 890 млн. тоннани ташкил этади. Сўнги маьлумотларга кўра, Хитой эвазига бутун жаҳон юк обортининг 35% тўғри келади. Хитойдаги кемаларнинг умумий сони 3497 тани ташкил қилади.

Мамлакатнинг энг йирик денгиз портлари Шанхай, Тяньцзинь - Синган, Гуанчжоу - Хуанпу, Яньтай, Циндпа, Циньхуандао, Дослянь, Бэйхай, Сянган ва бошқалар.

Хитойдаги дарё ва каналларда кемалар қатнайдиган сув йўлларининг умумий узунлиги 140минг км.дан ортади. Дарё ва каналларда ташиладиган юкларнинг умумий ҳажми 1,6 трлн. тонна, ташиладиган пассажирлар умумий сони 6,3 трлн. кишидан иборат. Дарёлар, кўллар ва каналларда қурилган ички портларнинг умумий сони 5100 тадан кўпроқдир.

Хитой ички сувларида ташкил этилган энг муҳим туристик маршрутлар:

- Буюк канал бўйлаб, Сучжоудан Ханчжоугача теплоходда саёҳат масофаси 147 км;
- Буюк канал бўйлаб Нанкин, Уси ва Янчжоу ўртасида туристик кемада саёҳат қилиш;
- Лицзи дараёсида тўйинадиган то Яншо шаҳригача туристик кемада сайёҳат. Маршрут масофаси – 83 км
- Янцзи дарёсидаги учта тоғ оралиғи дараси бўйлаб 50 тадан ортиқ теплоходларда сайёҳат қилиш.

Авиация транспорти. Хитойда гражданлик авиация транспорти шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда мамлакатда 500 тадан ортиқ аэропортлар ишлаб турмоқда. Шундан 400 таси асфальтланган учиш-қўниш йўлакларига эга. Мамлакатдаги ҳаво кемалари паркида 1580 тадан ортиқ машиналар мавжуд. 2025 йилда ҳаво кемалари сонини 4000 тага етказиш режалаштирилган.

Хитойда ички ҳаво йўллари 980 та, халқаро ҳаво йўллари 130 та ва 24 та минтақавий ҳаво йўлларидан иборат. Ҳаво йўлларининг энг ривожланган Пекин, Шанхай ва Гуанчжоу шаҳарлари ҳисобланади. Мамлакат ҳаво йўлларининг умумий масофаси – 324 минг км.ни ташкил қилади. Хитойнинг гражданлар самолёти 300 та маршрутлар бўйлаб парвоз қилади ва дунёнинг 28 мамлакатлари билан боғлайди.

Хитой мехмонхоналари. Хитой беш юлдузли меҳмонхоналарининг кўплиги бўйича жаҳонда етакчилик қилмоқда. Триваго сайёҳлик ҳизмати тадқиқотчилари беш юлдузли меҳмонхоналари энг кўп давлатларнинг рейтингини тузиб чиқди. Унга кўра Хитой энг кўп беш юлдузли меҳмонхона эга давлат сифатида рейтингни бошқариб бормоқда. ХХР жами бўлиб 2940 та олий тоифадаги меҳмонхоналар борлиги қайд қилинган. Мазкур рейтингда иккинчи ўринни Туркия мамлакати (800 та беш юлдузли меҳмонхона) эгаллаб турибди, учинчи ўринда Мексика (670та) бормоқда. Шунингдек топ – 10 мамлакатлар рўйхатида Италия, Ҳиндистон, Греция, Испания, АҚШ, Буюк Британия ва ЖАР давлатлари кирган. Тадқиқодчиларнинг қайд этишича, беш юлдузли меҳмонхоналар мавжуд аксар мамлакатларда бу кўрсатгич умумий меҳмонхоналар сонинг 1% дан ошмайди. Бу борада БАА ва Миср етакчилик қилмоқда. Бу давлатларда беш юлдузли меҳмонхоналар умумий меҳмонхоналар сонинг 10 фоизига яқин кўрсатгични қайд этишади.

Юлдуз даражасида эга бўлган меҳмонхоналар ва уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари 2016 йилда 12050 тада етди. Хитой Милий Туризм Ташкилоти маълумотларига асосан, 2016 йилда ушбу ташкилот 11,037 та меҳмонхоналарнинг бизнес маълумотлар базасини қайд этган, шулардан 87 таси бир юлдуз даражасига, 5354 таси уч юлдуз даражасига, 2438 таси тўрт юлдуз даражасига ва 816 таси беш юлдузли меҳмонхоналар эканлигини аниқлашди.

2-жадвал

Юлдуз даражасига эга бўлган меҳмонхоналар ва уларнинг иқтисодий кўрсатгичлари

	Меҳмонхо-налар сони	**Мавжуд ўринлар сони**	**Бандлик даражаси (%)**	**Йиллик даромади Room (CNY / Room/ Night)**	**Йиллик даромади (CNY Room)**
Умумий	11,037	335.05	48.94	163.98	32,149.67
5-юлдуз	816	635.63	52.76	335.37	63,337.01
4-юлдуз	2,438	333.75	49.26	164.4	33,038.86
3-юлдуз	5,354	217.4	47.12	102.43	20,474.19
2-юлдуз	2,342	155.83	47.7	74.33	16,668.64
1-юлдуз	87	124.88	46.24	57.75	9,164.7

Провинцияларда мавжуд меҳмонхоналар сони

- Пекин - 4.815 та меҳмонхона
- Шанхай – 3.73 та меҳмонхона
- Жиянгзу – 6.251 та меҳмонхона
- Юннан – 4.835 та меҳмонхона
- Гуандун – 9.659 та меҳмонхона
- Чунсин – 1.525 та меҳмонхона
- Хайнан – 1.824 та меҳмонхона
- Тянцзин – 1.029 та меҳмонхона
- Шандонг – 5.371 та меҳмонхона
- Сўчуан – 5.150 та меҳмонхона
- Хинжианг - 781 та меҳмонхона
- Фужиан – 3.115 та меҳмонхона
- Ҳенан – 1.902 та меҳмонхона

Шаҳарларда мавжуд меҳмонхоналар сони

- Пекин – 4.815 та меҳмонхона
- Шанхай – 3.736 та меҳмонхона
- Гуангжоу - 3.666 та меҳмонхона
- Ченгду – 2.763 та меҳмонхона
- Шензҳен – 2.562 та меҳмонхона
- Ҳангзҳоу – 2.426 та меҳмонхона
- Хиан – 1,884 та меҳмонхона
- Сузҳоу – 1,763 та меҳмонхона
- Хинждао – 1.830 та меҳмонхона
- Хиамен – 1.689 та меҳмонхона
- Чонгкинг – 1.525 та меҳмонхона
- Нанжинг – 1.272 та меҳмонхона
- Вухан – 1.132 та меҳмонхона
- Тианжин – 1.029 та меҳмонхона
- Далиан – 938 та меҳмонхона
- Чангша – 935 та меҳмонхона
- Саня – 1.261 та меҳмонхона
- Кунминг – 771 та меҳмонхона

Хитойнинг халқаро аэропортларидаги меҳмонхоналар рўйхати

- Пекин Халқаро Аэропорти (ПЕК)
- Шанхай Пудонг Халқаро Аэропорти (ПВГ)

- Чонгхинг Жиангбай Халқаро Аэропорти (СКГ)
- Гуангжоу Баиюн Халқаро Аэропорти (САН)
- Шензхен Баоъан Халқаро Аэропорти (СЯХ)
- Шангҳаи Хондкиао Халқаро Аэропорти (ША)
- Чендгду Шуанглиу Халқаро Аэропорти (СТУ)
- Хиъан Хианйанг Халқаро Аэропорти (ХИЙ)

Туристик марказларда мавжуд меҳмонхоналар

- Вест Лаке 54 та меҳмонхона
- Буюк Хитой девори 8.760 та меҳмонхона
- Жиузҳаигоу Миллий Парк286 та меҳмонхона
- Лонгмен Миллий Парк 27 та меҳмонхона
- Янгзсе Дарёси 8.237 та меҳмонхона
- Буюк Ипак Йўли 3.628 та меҳмонхона
- Гранд Санал 7.549 та меҳмонхона
- Yellov River 1.294та меҳмонхона
- Хуангшанг Моунтаин Ранге 1,053 та меҳмонхона
- Хималаяс 9 та меҳмонхона
- Таи тоғи 8 та меҳмонхона
- Эмеи тоғи 39 та меҳмонхона

Овқатланиш корхоналари ва миллий таомлари. Хитой таомларида асосий масаллиқлар: гуруч, сабзовотлар ва соя. Гўшт ва балиқлар бошқа давлатларга нисбатан кўп истеъмол қилинмайди. Хитой таомлари гўштли, сабзавотли ёки бошқа таомларга бўлинмайди. Бунинг ўрнига турли масаллиқлардан бир таомни яратишда фойдаланилади. Айнан ўзига хос хусусият таомни гармонияли қилади, яъни хитойликлар икки хил таомда бир турдаги гўшт таъми ёки тузилиши бир хил бўлишига йўл қўймайдилар. Бу қадимий Хитой файласуфи Йи Йин назариясига кучли ишонишга боғлиқ. Ушбу назарияга асосан, ҳар бир таъм ҳар бир ички тана аъзоси билан боғлиқ – шунинг учун таъмни мувозанатлаштириш танани соғлом ушлаб туришда ёрдам беради. Сабзавотлар Хитой таомларида муҳим ўрин тутади. Хитой таомларида минглаб сабзавотлар қўлланилади. Уларнинг кўплаб турлари Хитойда етиштирилади ва кўп ҳолатларда Европалардагилардан фарқ қилади.

Давлатнинг ўлчами бир хил турдаги таомлар тўғрисида сўз юритишни инкор қилади. Хитойда тўрт минтақа таомлари мавжуд: шимолий (Пекин, Шантунг, Хонан), денгизбўйи (Фукиэн, Шанхай), ички (Сичуан, Юннан) ва жанубий (Кантон). Совуқроқ шимолий минтақада асосий овқат гуруч эмас балки буғдойдир. Одатий таомлар макаронлар, лағмонлар. Таомларнинг асосий қисми енгил ва юмшоқдир. Асосан гарнир сифатида саримсоқ ва яшил пиёздир ҳамда енгил зираворлар. Денгиз бўйининг асосий таомлари балиқ ва денгиз маҳсулотлари билан бир қаторда енгил шўрвалар. Кўп учрайдиган таомлар гўшт, товуқ ва балиқ, сабзавотлар ва кўп миқдорда соя соуси билан қоврилади – ушбу Ж тайёрлаш усули “қизартириб қовуриш” деб номланади. Ички минтақада аччиқ ва кучли зираворланган таомлар машҳур. Таомларда кўплаб Шичуан қалампири ишлатилади – ушбу зиравор аччиқ қалампирдан кўра кучлироқ. Дунёга таниқли кўплаб Хитой таомлари Жанубий минтақа, Кантондан келган. Ушбу таомлар енгил, ўртача даражада зираворланган ва бошқа региондаги таомлардан кўра кам ёғли. Энг машҳур зираворлар бу соя соуси, янги занжабил ва товуқ булёни. Аччиқ зираворларнинг кўпларидан фойдаланилмайди чунки асосий масаллиқларнинг таъми қимматланади. Кантон таомларининг асосий қисми тез тайёрлаш техникасига асосланган ҳолда тайёрланади. Ушбу усул кўп замонлар илгари ошхонада ёқилғи озлигида ўйлаб топилган. У кичик, бир хил ўлчамдаги маҳсулотларни қизиган ёғда бир неча дақиқада пиширишга асосланган. Қовуриш жараёнида товани тез-тез қимирлатган ҳолда маҳсулотларни аралаштириш лозим.

Хитойнинг энг муҳим сабзавотларидан бири бу шубҳасиз гуручдир. Ундан балиқ ва гўштли маҳсулотларда ишлатиладиган гуруч хамирини қўлланилади, у қуриган мева, ёнғоқ ва кремлардан тайёрланадиган пиширикларнинг асосий масаллиғидир. Уни қуйидагича тайёрлайсиз: 250 г гуручни совуқ сувда чайқайсиз, 1 литр сув қўшасиз. Қайнагунча пиширасиз ва ўрта оловда у яна 15-20 дақиқа пиширасиз. Гуручни сувини тўкиб 25 г сарёғ ва 2 ош қошиқ шакар қўшасиз. Идишга солиб устини зар қоғоз билан ёпасиз ва қайноқ сув қуйилган каттароқ идишга соласиз, 1 соат атрофида буғлайсиз.

7.5. Хитой туризми: унинг ривожланиш динамикаси ва асосий йўналишлари

Хитой туризмининг тарихи. Хитойда туризм тарихи парвозлар ва қулашларга тўла. Ҳозирги замон туризм тараққиёти босқичи 1923 йилдан бошланади. Ўшанда бир тижорат банкида туристик бўлим очилади. Кейинчалик у мустақил корхона бўлиб ажралиб чиқади. Яъни Хитой туристик бюросига айланади. Ушбу бюро Хитойнинг йирик шаҳарлари ва айрим Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида 20 га яқин бўлим ва филиалларини очади. Аммо доимо қолоқ ва уруш гирдобидан чиқмайдиган Хитой туризмини ривожлантириш учун ҳеч қандай базага эга эмасди.

1949 йил Хитой Халқ Республикаси эълон қилингач, хитойликлар «янги ҳаёт» қуришга киришдилар. Хорижий хитойликлар сони тез ўсиб борди. Гонконг ва Макаодан қариндош – уруғлари билан учрашиш учун ватандошлар оқиб кела бошлади. Улар мамлакатдаги вазият билан танишдилар, экскурсиялар уюштирдилар. Шунинг билан бир қаторда Хитойнинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари ривожланди. 1954 йил халқаро саёҳатлар Хитой бюроси тузилди. У СССР, шарқий европа ва айрим ғарб мамлаатлари туристик ташкилотлари билан ишчанлик алоқаларини ўрнатди. Хитойнинг деярли барча йирик шаҳарларида ушбу бюронинг бўлимлари очилди.

1960 йилларда Хитой иқтисодиётининг жадал ўсиши, шунингдек сиёсатдаги ижобий ўзгаришлари туфайли Франция билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди, Хитой ва Покистон ўртасида авиарейслар очилди. Булар чет элликларни Хитойга саёҳатини анча енгиллаштирди.

1965 йил Хитойга чет эллик туристлар келиши 13 мингни ташкил этди. Бу туризм тарихидаги рекорд кўрсатгич бўлди. Хитойда туризмга «фуқаролик дипломатияси» сифатида қаралди. Бу Хитой халқини бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ўзаро тушинишларга имкон беради. 1965 йил саёҳатлар ва экскурсиялар бўйича хитой бошқармаси тузилди.бироқ 1966 йил бошланган «маланий инқилоб» халқора туристик алоқаларга путур етказди. Фақатгина 1971 йилга келиб Хитой туризм соҳасида Руминия ва Югослафия билан ҳамкорликни қайтадан йўлга қўйди. Ўшанда биринчи марта Америкадан ҳам 30 кишидан иборат туристлар гуруҳи ташриф буюрди.

Хитой туризмининг ҳақиқий туғилиши 1970 йиллар охирига тўғри келади, Хитой ислоҳатлар ва ошкоралик сари йўл олди («очиқ эшиклар сиёсати»). Жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари билан туризм соҳасида кўплаб ҳамкорлик ҳақида шартномалари имзоланди. 1983 йил Хитой Бутун жаҳон туристик ташкилотларнинг расман аъзоси бўлди. Хитойликлар қандай яшаётганини кўриш имкониятига эга бўлган чет эллик сайёҳлар ўзлари учун ўнлаб йиллар ёпиқ бўлган мамлакатга оқиб кела бошладилар. «Очиқ эшиклар» сиёсатининг биринчи 10 йилида 1978-1988 йилларда мамлакатга кириш оқими 1,8 млн. дан 31,7 млн. келишгача кўпайди. Меҳмонлар, ресторанлар қуриш, ёдгорликларни таъмирлаш, янги тарихий - маданий объектларни билиш оммавий тус олди. Туризм соҳасида кадрлар тайёрлашга киришилди. 1986 йил туристик индстурия мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш давлат режасига киритилди ва бу унинг миллий иқтисодиётида муҳим мустақил соҳа эканлигини билдирарди.

Хитой туристик индустрияси. Бу мамлакат халқ хўжалигининг тармоқларидан бири, «очиқ эшиклар» ислоҳат сиёсатидан бошланди. 1996 йил ташқи савдо ва иқтисодий кооперация вазирлиги иқтисодиётнинг 12 секторига хорижий инвестицияни жалб этишга

киришди, шу жумладан, меҳмонхона хўжалиги ва транспортга ҳам. Ўшанда ХХР Давлат Кенгаши қарори билан туризм ва дам олиш учун 20 ихтисослашган район белгиланди ва уларнинг тараққиётига 6 млрд. доллар маблағ ажратилди, унинг 70% - хорижий инвестициядир. 2003 йилга келиб Хитой туристик индустриясида хорижий сармоя ҳажми 50 млрд. долларни ташкил этди, шу жумладан 40 млрд. меҳмонхоналар қурилиши ва курортларни ободонлаштиришга, 8 млрд – хушманзара районларда инфраструктура яратишга ва қизиқарли туристик диққатга сазовор жойларни тайёрлашга, 2 млрд – транспортни ривожлантиришга йўналтирилди.

Хитойни бутунжаҳон савдо ташкилотига киришижамиятни янада очиқлигини кўзда тутади.

Ушбу жараённинг таркибий қисмларидан бири 100% чет эл маблағи билан қўшма корхоналар яратишдир. 2005 йилга келиб ҳамкорликдаги 13 фирмадан беш турфирма тўлиқ чет эл капиталида иш бошлади.

Кейинги 20 йилда ХХРда туризм инфраструктураси жадал суръатларда ривожлана бошлади. 1980 йилларда «оқсоқ соҳа» транспорт эди. 1990 йилларга келиб ушбу муаммо ҳал қилина бошлади.

Аэропортлар реконструкция қилинди, кенгайтирилди, янгилари қурилди (улар қаторига Осиё регионида йириклардан бири бўлган Шанхай халқаро аэропортини киритиш мумкин), вокзаллар, йўловчи бекатлари барпо этилди, ҳаво рейслари кўпайтирилди, темирйўл, автобус қатнови кучайтирилди, янги маршрутлар очилди, кема қатновлари, янги транспорт линиялари ишга туширилди, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади. Ушбу такомиллаштиришларга қарамай, Хитой ғарбий региони транспорт таъминоти бўйича шарқдан ортда қолаяпти.

Ҳаво транспорти нисбатан жадал ривожланди. Ҳаво алоқалари бошқа транспорт воситалари орасида биринчиликни сақлаб келаяпти, Хитойга ташриф буюраётганларнинг 70% ҳаво бўйлаб келмоқда. Агар Хитойда илгари фақат бита фуқаро авиакомпанияси бўлган бўлса, XXI аср бошига келиб улар сони 25 тага етди, улардан олтитаси умуммиллий аҳамиятга эга. Хитойнинг тўғридан-тўғри жаҳоннинг 80 мамлакати билан ҳаво алоқаси йўлга қўйилган. 2001 йил охирига келиб йўловчи айланмаси 109,1 млрд. йўловчи километрни ташкил этди. Мамлакатда 1142 мунтазам ҳаво линияси ишлаб турибди, улардан 94 таси халқаро; йирик шаҳарларда 145 халқаро аэропортлар ва маҳаллий аҳамиятга эга 100 аэропорт замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Хитой халқаро авиакомпаниялари жаҳоннинг жуда кўп шаҳарларида ваколатхоналарига эга. Ҳар йили янги қудратли самолётлар харид қилинаётгани туфайли йўловчи ташриф ўртача 20-30% га ошяпти. Авариясиз учишлар фахрланишга арзийди.

Хитой халқаро фуқаро ҳаво ташиш телекоммуникация тармоғига уланган, халқаро навигация системасидан фойдаланади, интернет орқали туристик хизматлар сотиш, авиачипталар резервисини яратиш имкониятларига эга. Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун авиакомпаниялар ходимларини чет элларга малака оширишга юборади.

Хитой туризмида темирйўл транспорти муҳим роль ўйнайди, у бир ярим асрлик тарихга эга. Темирйўл узунлиги Хитой территориясига таққослаганда унча катта эмас – 60 минг.км. бироқ ундан оқилона фойдаланиш натижасида Тибет автоном районидан бошқа деярли ҳамма жойга бориш мумкин. Туристик талабларни ҳисобга олган ҳолда муҳим бўлган яна кўплаб янги темирйўл тармоқлари ишга туширилди: 1996 йилда Пекин-Цзюдун 2836 км трассасида харакат йўлга қўйилди, айни пайтда электр энергиясига ўтказилган линиялар кўпаймоқда, янги-янги маршрутлар очилиб тезюрар поезд қатнови йўлга қўйилган. Пекин-Ғарб вокзали қурилди. «Кечаси-келиш, кундузи экскурсия» махсус темирйўл турлари уюштиролаяпти.

Шоссе йўл туристик инфраструктуранинг муҳим элементи ҳисобланади. 1998-2000 йиллар уларга капитал қўйилмалар 25 млрд. долларни ташкил этди.

Хитойда автойўллар узунлиги аллақачон 1 млн. км. га етди, улардан 320 минг км. янги шоссе йўллардир, шу жумладан 3017 км. тезлик автойўлларидир (2001 йил охирги

маълумоти). Автойўл тармоғини кенгайтирилиши автойўл туризмини ривожлантириш имконини берди, айниқса қисқа масофаларда бу қўл келмоқда. Бош туристик марказлар ўртасида тезлик автойўллари қурилган. Улар оддий йўлларга қараганда туристларга юқори классда хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Меридиал ва параллел йўналишида тўртта тезлик йўли қурилиши олиб борилаяпти.

Улар Хитой бутун территорияси бўйлаб автойўлларни туташтиради. Хитой автотуризм компанияси 21 мингдан зиёд машина паркига эга. Уларнинг кўпчилиги Хитойнинг ўзиники, шунингдек Европа мамлакатлари, Япония, ҳатто америкада ишлаб чиқарилган замонавий автобуслар ҳам хизматда.улар тез, хавфсиз хизматни таъминлайди.

Шаҳар йўллари тараққиётининг хусусиятлари ер ресурсларини чегараланганидир. Шу боис, мисол учун Пекин, Шанхай, Гуанжоуда кўтарма йўллар қурилган, 1969 йилдан Пекин ва Шанхайда ерости метроси ишлаб турибди. Худди шундай Тяньцзин, Гуанжоу, Чэнд ва бошқа йирик хитой шаҳарларида ҳам ерости темитйўли-метро қурилмоқда. Шаҳарларда арзон ва тезкор таксилар хизмат кўрсатади.

Сув транспорти чет эллик туристлар учун ғоят мароқли. Йирик Хитой портлари бошқа рейс маршрутлари билан боғланган. Туристларни қабул қилиш, бошқа мамлакатларга жўнатишда муҳим манзилгоҳ ҳисобланади. Ҳар йили 15% дан кўпроқ хорижий сайёҳлар Хитойга сув орқали келишади. Қадимий канал, ичкари дарё ва кўллар бўйлаб ички ташриф фаол ривожланмоқда. Кўпсонли ихтисослашган туристик компаниялар 248 шинам ва қулай каналларга эга. Қулайлик учун поезд, автобус, теплохода келишни ўз ичига олган «аралаш маршрутлар» уюштирилмоқда.

Туристик бизнесда транспортдан ташқари, меҳмонхона хўжалиги ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ҳали VII-XIII асрлардаёқ Хитой меҳмонхоналари хизмат кўрсатиш сифати, қулай жойларда қурилганлиги билан ажралиб туради. Аммо кейинчалик турли сабабларга кўра меҳмонхона хўжалиги фаолияти сусайди. Янги Хитойда ушбу соҳа тараққиёти иқтисодий ислоҳат бошланиши билан боғлиқ.1979 йилдаёқ Давлат Кенгаши 16 минг ўринли 33 отел қурилишига 360 млн. юан ажратди. 2003 йил мамлакатда 2 млн.га яқин ўрин фонди билан 283 минг меҳмонхона фаолият кўрсатди.меҳмонхона хўжалиги туризм индустриясининг моддий-техник базаси ҳисобланади, бугунги меҳмонхоналар эса кечаси туналадиган жойдан ташқаримижозга кенг кўламда хизмат кўрсатади, дам олиш, ўзаро мулоқат учун уларга қўшимча қулайликлар, хизматлар тақдим этади. Меҳмонхона хўжалиги туризм индустриясида валюта тушуми 17,792 млн. долларни ташкил этди, бунда жойлаштиришдан даромад 2242 млн.доллар, яъни салкам 13% ни ташкил қилди.

Улкан меҳнат ресурсига эга мамлакатда меҳмонхона хўжалиги катта миқдорда ишчи ўринлари яратмоқда, бу нафақат туризмни ривожлантириш, балки ижтимоий тангликни юмшатишгахизмат қилади. Айрим баҳоларга кўра, 1993 йил ишга туширилган ҳар бир меҳмонхона номери бевосита 2 ва билвосита 2-2,5 иш ўрни яратилишига олиб келди.

1991 йил охирида номер фондида 321 минг меҳмонхона хонасида 547,5 минг киши, 2002 йил 2 млн.га яқин киши банд бўлган. Иқтисодий ислоҳатлар йилларида меҳмонхона хўжалиги жадал ривожланди. Меҳмонхоналар сони ўсди. Аста-секин «Юлдуз рейтенги» системаси жорий этилди, ҳозирда XXI аср бошларида меҳмонхоналарнинг ярми «юлдузли».

Меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш учун Хитой чет эл сармояси фаол жалб қилмоқда. 2001 йил охирида мамлакатда 268 отел 100 фоиз чет эл сармояси иштирокида, 324 таси Макоа, Тайваня ва Сянган капитали иштироки билан фаолият кўрсатди. Чет эл сармоясини жалб этиш билан бир қаторда Хитой меҳмонхона корхоналарини бошқариш соҳасида халқаро тажрибаларни қўллаб, янада юқорироқ туристик хизмат кўрсатиш стандартларига ўтмоқда.

Хитойда трансмиллий меҳмонхоналар занжири «Хилтон», «Шератон», «Холидей ИНН», «Шангри-Ла» ва бошқалар ишлаб турибди. Кириш туристик оқими кенгайшига қарамай, мамлакатда мавжуд номер фондидан фойдаланишни яхшилаш масаласи кун

тартибида турибди (юкланиш ўртача коэффициенти 50% дан ошмайди). Ушбу муоммаси ҳал этиш йўлларидан бири меҳмонхоналарни акционерлашга ўтишдир, аммо бу ҳозирча оммавий тус касб этмаяпти: акционермеҳмонхоналар умумий сондан атиги 4% дан камроқни ташкил қилади.

2003 йил Хитойда 13,4 минг турфирма мавжуд эди. Улардан 1,4 минги халқаро (кириш ва чиқиш), қолган 12 минги – ички туризм билан шуғулланарди. Ихтисослашган турфирмалар бор. Улар «оқёқаликлар», хотин-қизлар, ўқитувчилар, фан ва маданият арбоблари, бизнесменлар, денгизчилар, альпинистлар, амалий ҳунармандчилик ёки парк-боғ қурилишига қизиқувчилар хизмат кўрсатади.

Туристик инфраструктурани модернизациялаш зарур. Аммо мамлакатни жаҳон туристик бозорида рақобатбардошлигини ошириш учун шароит етарли эмас. Туристик индустрия иқтисодиётнинг кўп меҳнат талаб соҳаси қаторига киради.

2003 йил Хитойда туризм соҳаси 39 млн. киши бандлигини таъминлади, шу жумладан, 150 мингдан зиёд киши гид лицензиясига эга эди. Туристларга хизмат кўрсатиш сифати уларнинг малакасига боғлиқдир.

1980 йилларда давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар маблағига туристик институт ва олий ўқув юртларида махсус факультетлар очилди (XXI аср бошида улар 200 га яқин эди), ўртача касб билим юртлари (40 дан зиёд), ўрта актабларда «туризм» мутахассислиги бўйича касб синфлаш (600) ташкил этилди. 1980 йиллар ўрталарида туризм бўйича магистр олим даражаси таъсис этилди.туристик ташкилотлар ходимлари учун малака ошириш курслари уюштириляпти, шу тарзда туризмда тегишли малакага эга ходимларга бўлган талаб таъминланаяпти.

Телекоммуникация, рақамли технология орқали ахборот узатиш, оптик толали, йўлдошли ва микротўлқинли алоқа ривожланишида сезиларли ўсишга эришилди. Туристик маҳсулотларни бронлаштириш бўйича компьютер системаси яратилмоқда.

Хитой туризмининг ривожланиш хусусиятлари. Ҳозирги замон Хитой ривожланиши янги Хитойнинг ташкил этилиши билан боғлиқдир (1949 й.). Мамлакатда биринчи саёхат бюроси 1951 йилда ташкил этилди. Ушбу бюро Фуцзян провинциясининг Цюаньжоу шаҳрида ташкил этилди. Хитойнинг халқаро саёҳат бюроси эса 1954 йил Пекинда тузилди. У хорижий туристларни қабул қилиш ва ишга жўнатиш бўйича шуғулланади. 1950-1960 йилларда Хитой унча кўп бўлмаган, яъни бир неча минг кишини бир йилда қабул қилган. Хитойда 1984 йилда Хитой туризмини бошқариш мақсадида туризм бош бошқармаси тузилди. 1985 йилдан бошлаб мамлакатда туризм соҳаси жуда тезлик билан ривожлана бошлади. Биргина 1979 йилда Пекиндаги саёҳатлар бюро бўлими 169 минг хорижий туристларни қабул қилди. Бу эса ўтган 25 йил олдингига нисбатан тез кўпайиб борди. Шу даврда мамлакат ичкарисида ҳам ички туризм тезда ўса бошлади. Мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида туристик бюролар ривожлана бошлади. 1983 йилда Пекин шаҳрида биринчи марта халқаро туризмни ривожлантиришга бағишланган конференция ташкил этилди. Шундай қилиб, Хитой халқаро туризмни ривожлантириш учун бутунжаҳон туристик ташкилоти таркибига кирди.

Хитой давлати туризмни ривожлантириш учун жуда катта имкониятларга бой мамлакат ҳисобланади. Бу ердаги ҳар бир тур Хитой учун жуда камдан-кам ҳолатдир. Туризм соҳасининг доимо ривожланиб бориши Хитойда туристлар учун таклиф этиладиган хизматларнинг сифатини ошишига олиб келмоқда.

Туризмда хизматларнинг юқори даражада бўлиши Хитойга келадиган хорижий сайёҳларда катта қониқиш ҳосил қилмоқдалар. Кўпгина туристик фирмалар сайёҳларга фестивалларга боришни таклиф этмоқдалар, бундай фестиваллар Хитойда тез-тез ва хилма-хил ўтказилади. Шундай фестиваллардан “duan-wu”– шоирлар хотираси куни, “chongyang” – икки тўққизталик фестивали , “фонарлар” фестивали ва бошқалар.

Сўнги йилларда Хитойда ишга алоқадор туризм тури борган сари ривожланиб бормоқда. Ишга алоқадор туризм турида туристлар шартномалар тузиш, конференцияларда иштирок этиш, халқаро кўргазмаларда бўлиш, бизнесга оид

жараёнларда иштирок этиш билан биргаликда дам олиш, саёҳатларга бориш каби тадбирларда қатнашади.

4-жадвал

Хитой туризмининг ривожланиш динамикаси (1976- 2016 йиллар)

Йиллар	Ҳорижий туристларнинг келиш сони(млн. киши)	Хорижий туристлардан олинган даромадлар (млрд.доллар)
1976	0,169	-
1990	10,5	-
2000	31,3	-
2001	33,2	17,8
2004	41,8	25,7
2005	46,8	29,3
2010	55,7	45,8
2011	57,6	48,5
2012	57,7	50,0
2013	55,7	51,7
2014	55,6	44,0
2015	56,9	45,0
2016	59,3	44,4

Хитойда ҳозирги замон туризм тараққиёти босқичи. Аввалгидек туризмни ривожлантириш марказий характерга эга. Хитой ҳукумати иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қараганда, туризмни ўзиб кетишини таъминловчи қарор қабул қилинди. XXI аср бошида туристик индструяни механик жиҳозланиши ва хизмат кўрсатиш сифати бўйича ғарб мамлакатлари даражасига кўтариш вазифаси қўйилди. Ривожланиш миллий ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ҳукумат ҳамма даражада кучайтирилган сафарбарлик йўлини танлади: давлат, маҳаллий, маҳкамалар, жамовий ва индивидуал даражада туризмни ривожлантириш, ички ресурслар ҳисобига чет эл капиталини жалб этишга киришилди.

Туризмни бошқариш олий маъмурий орган ХХР туризм бўйича Давлат бошқармаси (ГУТ.ХХР) ҳисобланади. Унинг асосий фаолият йўналиши туризм соҳасида бошқарув фаолиятини йўлга қўйиш учун қонунчилик базасини ишлаб чиқиш, Хитойга чет элдан туристлар келишини таъминлаш, уларни жалб этиш учун қулай шароит яратишдир. Унинг вазифасига шунингдек хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва мустаҳкамлаш ҳам киради. 14 мамлакатда 17 ваколатхона очилди; жумладан, Австралия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Испания, Канада, Непал, Сингапур, АҚШ, Франция, Швеция, жанубий Корея, Японияда. РФ билан ХХР ўртасида тузилган туризм соҳасидаги битимга мувофиқ ХХР Туризм Давлат бошқармасининг Москвада ваколатхонаси очилди ва 2003 йил расман рўйхатга олинди. Ваколатхона асосий вазифаси қуйидагилар ҳисобланади:

- Туризм соҳасида Россия-Хитой ҳукуматлари ва маҳакмалараро битимларни амалга ошириш.

- Россия миллий туристик маъмурияти ва Россиянинг бошқа туристик ташкилотлари билан алоқаларни амалга ошириш, туризм соҳасида мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш.

- Россия оммавий ахборт воситалари вакиллари, туроператорлар, давлат туристик маҳкамалар ходимлари ва бошқа шахслар учун ХХР Туризм Давлат бошқармаси таклифи билан хитойда танишув турларини уюштириш.

- Хитой туристик маҳсулотларини илгари суриш бўйича маҳаллий бошқарув органлари иштирокини таъминлаш.

- Хитой туристик маҳсулотларини реклама қилиш.

- Хитойга сафарга отланаётган Россиялик туристларга бепул консультациялар уюштириш.

- Россия туристик бозорини тадқиқ қилиш ва таҳлил этиш, икки мамлакат туристик ташкилотлари ўртасида алмашинувни кенгайтириш таклифларини тайёрлаш.

ХХР туризм Давлат бошқармасидан ташқари ҳар бир провинцияда туризмни бошқариш органи тузилган.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланиши туфайли туристик индустрия хитойда интенсив ва жадал ривожланмоқда. Мамлакат жаҳон туристик бозорида тобора сезиларли роль ўйнаяпти. Агар Хитой 1978 йил туристалрни қабул қилиш бўйича дунёда 41-ўринни эгаллаган бўлса, 2005 йил келиб, тўртинчи ўринга чиқди, халқаро туризмдан даромадлар бўйича эса-олтинчи.

Туристик индустрия Хитой халқ хўжалиги ўсишининг янги нуқтасига айланди.

Мамлакат ЯИМ (ВВП) 6% унинг улушига тўғри келади. Жуда кўп провинция ва шаҳарларда маҳаллий иқтисодиётда у мустаҳкам ўринни эгаллайди. Инвестиция иқлимини яхшилаш, миллий иқтисодиётнинг структурасини такомиллаштириш, мамлакат очиқлигини таъминлаш, унинг регионлари ўртасида иқтисодиётни чуқурлаштиришда ҳамкорлик, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, шунингдек Хитой халқининг бошқа ммлакатлар халқлари билан ўзаро тушунишларини мустаҳкамлашда туристик индустрия катта ҳисса қўшаётгани таъкидланмоқда.

7.6. Хитой туризм географияси

Хитойда туристик индустрияни оёққа туриши харкатерли томони шундан иборатки, бошланғич босқичда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси пастлиги саёҳат ички бозорини шакллантириш имконини бермади. Биринчи навбатда ишбилармонлик сафари ва чет эллик хитойлик қариндошларнинг ташрифи ҳисобига кириш туризми ўса бошлади.

Кириш туризми. 1978 йилдан 2004 йилгача мамлакатга умумий туристлар келиши сони 1 млрд. дан ошди, ўртача йиллик ўсиш суръати 22% дан кўпроқни ташкил этди. XXI аср бошларида туристик фаолликни бироз сусайиши атипик пневмония эпидемияси билан боғлиқ, 2004 йил Хитойда чет эллик туристларнинг 16,9 млн. келиши қайд этилган. (Макоа, Тайван ва Сянгандан келган туристлар бу ҳисобга кирмайди), умумий келганттуристлар ва экскурсиялар сони эса биринчи марта 100 млн. маррадан ошди. Халқаро туризмдан даромад 25,7 млрд. долларни ташкил қилди.

Хитойда кириш туризми оқими структурасида ўзининг чет эллик туристлари келиши алоҳида ажратилади, чет элда яшовчи этник хитойликлар, уларни комватанпарварлар деб аташади, Хитойнинг алоҳида маъмурий районларидан туристлар-Тайваня, Сянган(Гонконг), Аоминдон келишади. «Комватанпарварлар» улушига мамлакатда туристик келишларнинг кўпчилик қисми – 90% га яқин тўғри келади. Этник хитойликлар келиш улуши сезиларли эмас (0,1%), чет элликлар сал кўпроқ – 10% ни ташкил қилади. Хитойда сиёсий вазият барқарорлашгач, бу орта бошлади. Чет элликлар сафар структураси ўзгарди: туристик оқимларнинг ички регионал мўлжали кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Агар 1990 йиллар бошларида Хитойда асосий туристик оқимлар Европа мамлакатлари (собиқ СССР, Буюк Британия, Германия, Франция) дан бўлса, XXI аср бошида барча келганларнинг 70% га яқини туристик мақсадларда ташриф буюрган Осиёликларга тўғри келди: Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, мўғилистон, Филиппин, Таиланд ва бошқа мамлакатлардан.

Кириш туризми бозорида Европа мамлакатлари улуши қисқарди (2003 йил 23%). Улар орасида Россия ажралиб туради (2003 йил 1,4 млн. келиш), қайсиким туристик оқим ташкил этишда Хитой учун катта қизиқиш уйғотади. Агар илгари « Челноклар» уларнинг катта қисмини ташкил этган бўлса, туристик фирмалар статистикаси бўйича Россиядан тобора кўпроқ ҳақиқий туристлар Хитойга йўл олишмоқда. Бундан ташқари «Челноклар» ҳам илгаригидек эмас, уларнинг кўпчилиги ишбилармон доиралар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган тадбиркорларга айландилар. Экскурцияларда иштирок этадилар, уч юлдуздан юқори юлдузли меҳмонхоналарда яшайдилар. Айниқса Россия бозорида чиқиш туризмига алоҳида эътибор берилаётир: ярмарка, кўргазмаларда иштирок этиш учун Хитойга корпаратив сафарлар, дам олиш учун элита сафарлари, маданий-билиш турлари, таништириш сафарлари шулар жумласидан. Хитойда кириш туризми структурасида кенглик жиҳатидан Америка региони учинчи ўринни эгаллайди (барча келишларнинг 10%)..

1984 йилдан эътиборан чет эллик туристлар Хитойга индвидуал тартибда, Хитой ва хориж турагентлари аралашувисиз бориб-келиш имкониятига эга бўлдилар:Хитойнинг деярли барча шаҳарлариажнабийлар учун очиқ. Хитойда кириш оқимларининг кенгайиши мамлакатда туристик расмиятчиликларни соддалаштириш имконини берди. Халқаро алоқалар марказлари-шаҳарларга ташриф учун виза расмийлаштиришда енгилликлар жорий этилди. Шанхайда транзит йўловчилар учун визасиз режим жорий этилган. Хайнань провинциясида 15 кун муддатга келганлар учун виза расмийлаштириш шарт эмас. Хитойнинг Пекин, Шанхай, Сиань, Гуанжоу ва бошқа 22 та шаҳарларида чет эллик туристик гуруҳлар учун виза олиш соддалаштирилган.

ХХР туристик Давлат бошқармаси (ХХР ТДБ) Хитойни жаҳон туристик бозорида илгари суришга катта эътибор бермоқда. 1995 йилдан эътиборан ҳар бир йил туристик йўналишда янги шиор остида реклама қилинмоқда, масалан, 1995 йил Хитой аҳолиси ва унинг маданиятини этник хилма-хиллик йили деб эълон қилинди. Мамлакатда 56 этник ижтимоий элатлар яшайди. Уларнинг хар бириниг ўз байрамлари бор. Барча хитойликларнинг бош байрами – Баҳор байрами (ой тавқими бўйича Хитой Янги йили). Янги йилнинг биринчи кунида меҳмонга бориш, ибодатхонага ташриф удумга айланган. Ҳовли ва кўчаларда мушакбозлик авжига чиқади.аждаҳо, шерлар рақси, хор, қоғоз фонар кўргазмаси, каллиграфия ва хитой тасвирий санъати намойиши уюштирилади. Уйлар деразасига қизил қоғоз, ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар, эртак қаҳромонларини акс эттирувчи расмлар ёпиштирилади. Иероглифлар акс этган турли рангдаги шамлар ёқиш оммалашган. Бу ҳаракатларнинг барида ягона фикр мужассам: эски йилни кузатиш, қашшоқликдан, нохушлик ва хасталикдан қутилиш Янги йилни соғлик-саломатлик, мўл ҳосил, омад тилаган ҳолда кутиб олиш.

Ой тавқими бўйича 15 январда Хитой фонарлар байрамини нишонлайди. Унда туристлар иштирок этишлари, кўчаларда турли шаклларда ёқиб қўйилган чироқлар ёруғида холла сайлида қатнашишлари, байрамга атаб тайёрланган хилма-хил хитой таомларидан татиб кўришлари мумкин.

Юнань провинциясида ҳар йили баҳорда Сув байрами ўтказилади, қизиқарли томоша тадбирларида жуда кўп туристлар йиғилишади. Аждаҳо қайиқлар мусобақаси уюштирилади, қўлбола ракеталар учрилади, паққилдоқлар отилади, ноғоралар остида рақсга тушилади, товус рақси ижро этилади, ёшлар совғалар билан алмашинади, шу тариқа бир-бирига ҳурматини билдиришади.

Туристларни жалб этиш учун айрим провинциялар фестиваллар уюштиради. Масалан, Хитойнинг қадимий пойтахти – Лоян шаҳри. (Хэнань провин.) дарахт кўринишидаги пионга 3 минг йилдан кўп бўлган. Бу ерда Хитойнинг миллий гули – пионлар фестиваллари ўтказилади. Байрамда гала-концерт, картиналар, пионлар кўргазмаси, каллиграфия, фонарлар намойиши қилинади, пионларга ишлов бериш бўйича семинарлар, ишга доир музокаралар уюштирилади. Шандун провинцияси Конфуций фестивали ва қоғоз илон-варраклар фестивали ўтказиладиган жой. Шаолин монастрида

(Хэнань пров.)ушбу фестивали Халқаро эътибор қозонган. Булар Хитойда воқей туризмдан айримлари холос.

2008 йил Хитойда Олимпиада ўйинлари ўтказилди, бу мамлакатни халқаро туристик бозорда илгари суриш учун муҳим роль ўйнайди. У Пекинда ва Чендау шаҳри (денгиз бўйида) да бўлиб ўтди ва ўзига хос туристик ташрифнома вазифасини ҳам ўтади. ХХР ТДБ ўйинлар ўтказишнинг уч асосий приципига жавоб берувчи янгитуристик маршрутлар ишлаб чиқди: экологик, илмий-техник, гуманитар 2005 йилдан эътиборан Хитой туристик маҳсулоти жаҳон бозорида «Хитойга – Пекинга 2008-Олимпиадага хуш келибсиз!» шиори остида илгари сурилди.

UNWTO прогнозларига кўра, 2020 йилга бориб Хитой ажнабий сайёҳларни қабул қилиш бўйича жаҳонда биринчи, чиқиш туризми ҳажми бўйича тўртинчи ўринга чиқади. Мамлакатга халқаро туристик келишлар сони 210 млн.га етади, Халқаро туризмдан даромадлар эса – 58 млрд. дол. ташкил қилади. Туристик потенциал ҳали чет эллик туристларга кам маълум бўлган Хитой провинцияларида ривожланади.

Ички туризм. Хитой ислоҳот важамиятда ошкоралик сиёсати ўтказилиши натижасида халқ турмуш даражасини яхшиланиши ички туризмга эҳтиёжни вужудга келтирди. У ХХ аср 80 – йилларида гуркираб ривожлана бошлади. 1999 йил Хитой ҳукумати дам олиш ва таътил кунларини кўпайтиришга қарор қабул қилди. Натижада уч «олтин ҳафта» ҳосил бўлди. Биринчи май, ХХР ташкил топган кун, Баҳор байрамларида

Фуқаролар бутун бир ҳафта давомида дам олишлари мумкин. Кўпчилик хитойликлар ушбу ҳафталарни туристик сафарда ўтказишни маъқул кўришади. 2004 йил хитойликлар мамлакат бўйлаб 1,1 млрд. туристик сафарни амалга оширдилар. Ички туризмдан ялпи даромад 57,5 млрд. долларни ташкил қилди.

Кейинги вақтларда «Қизил туризм» - жанговар ва революцион шон-шуҳрат жойларига ташриф мамлакат жамият ҳаётида сезиларли ҳодиса бўлди.

«Қизил туризм» марказида фуқароларни япон босқинчиларига қарши курашда Хитой Компартияси ва Қизил армиянинг жасорати руҳида фуқароларни тарбиялаш, революцион ва жанговар анъаналарга садоқат руҳида ёш хитойлик ватанпарварларни камол топтириш мақсади турибди. Хитойнинг «Қизил туризм» дан йиллик даромади тахминан 20 млрд. юанга (2,4 млрд.дол.) етади. Цзинганшань (Цзянси провин) шаҳри маҳаллий бюджетга барча тушумларнинг учдан биридан кўпроғини беради.

2005 йил Хитойда «революцион туризм йили» деб эълон қилинди. 20 млн. га яқин хитойликлар мамлакатнинг 13 провинциясида жойашган 150 дан зиёд «қизил туризм»марказларида бўлдилар.

2005 йил Баҳор байрами даррида Мао Цзэдун ватани Шаошанга (Хунан пров.) 5 минг киши ташриф буюришди.

2004 йил ХКПМК ва ХХР Давлат Кенгаши 2004-2010 йилларда «Қизил туризм»ни ривожлантириш дастурини эълон қилди, у мамлакатда нафақат иқтисодий, балки маданий-сиёсий лойиҳани ҳам кўзда тутган.

Чиқиш туризми. Хитой чиқиш туризми жадал суръатларда ривожланаётган мамлакатлар қаторига киради. 10 йил ичида – 1994-2004 йилларда чиқиш оқими ҳажми салкам 8 мартага ошди.

2004 йилда у 28,9 млн.сафарни ташкил этган эди, улардан 45%садларда амалга оширилди, 20% эса ишга доир эди. Ўша йили хитойликларни чет эл сафарига сарф-харажатлари 19,1 млрд. долларни ташкил этди. Ушбу кўрсатгич бўйича Хитой жаҳонда еттинчи ўринни эгаллайди.

Ўтган ўн йилда Хитойда кириш туризми структураси ўзгарди. Гуруҳий сафарлар улуши қисқариб, индивидуал турлар улуши сезиларли кўпайди.(8.5 расм).

Асосий чиқиш оқимлари Хитойнинг шарқий денгиз бўйи провинцияларида ва шу ердаги марказий бўйсунувда бўлган шаҳарлар – Пекин, Шанхай, Теньцзин, шунингдек Гуанжоуда ҳосил бўлади. Мамлакат шарқий зонаси иқтисодий жиҳатдан нисбатан

қудратли, иқтисодий ривожланиш суръатлари илгарилаб кетган, аҳоли турмуш даражаси тез ўсувчан.

2004 йил Хитой ҳукумати ўз фуқароларига жаҳоннинг 63 мамлакатига туристик мақсадларда ташриф буюришларини тавсия этди. Бироқ хитойликларни реал чиқиш географияси анча кенг. Энг кўп ташриф буюриладиган жой- Осиё-Тинч океани региони мамлакатлари. 2004 йил хитойлик туристлар келишлари бўйича Япония, Россия, Вьетнам, жанубий Корея, Таиланд, АҚШ, Сингапур ва Малайзия етакчилик қилдилар. XXI аср бошларида Хитойда янги чиқиш туризми йўналиши Жанубий Америка ва Африка мамлакатлари бўлди.

Хитойликлар орасида шақар экскурсион туризм анча машҳур ва у оммавий тус олмоқда. Сезиларли бўлмасада, интенсив туризм оқими ўсиши тез шаклланмоқда. Туризмнинг кемада саёҳат ва экологик турлари ривожланаяпти, санъатшунослик йўналишидаги турларга талаб ошяпти. Хитойлик фуқаролар хулқ-атвори Хитой Компартиясининг қатъий назоратида турибди. У айрим туристларнинг аҳлоқий қиёфаси мамлакат обрўси ва қудратли иқтисодий ўсишига тўғри келмаслигини таъкидлаб, чет элга бораётган хитойликларни ўзларини яхши тутишга «Ватанга иснод келтирмасликка» чақирди. Хитойлик туристлар бошқа туристлардан, энг аввал, Европа ва Америкадан, ўзига хос миллий менталитет ива феъл-атвори намуналиги билан ажралиб туради. Хитойдан келаётган хусусий шахслар ва уюшган гуруҳ туристларга хизмат кўрсатаётганда буни ҳисобга олиш зарур.

Кўпчилик хитойликлар рақамларга ҳиссиётли бўлишади. Улар «4» рақамини «ўлим» деган сўздай эшитилади деб ёқтиришмайди, «6» ва «8» рақамини эса жарангдорлиги учун севишади.

Уларни тўртинчи қаватга жойлаштиришда жаҳлини чиқишини шу билан изоҳлаш мумкин.

Улар ҳатто рақамни алмаштиришни сўраши мумкин. Туризм индустрияси кўпчилиги буни инобатга олади. Мисол учун, Сянганда «Диснейленд» отелида тўртинчи қават йўқ, ресторан эса 888 км.м майдонга эга. Бошқа мисол, хитойликлар учун Квинсленд штати (Австралияда) меҳмонхоналарга жойлаштириш Бутунжаҳон табиий мероси Катта Барьер рифи томошаси ва Дельфин оролида дам олиш турларини ўз ичига олган Пэкиджтуо нархи 18888 юан (2300 дол. яқин) қилиб белгиланган.

Хитойликлар чойни яхши кўришади. Шуниг учун отелларда чой дамлаш учун албатта қайноқ сув бўлиши шарт. Нонуштада эса гуруч ва нон, илитилган сут ичилади. 15 августа хитойликлар Ой тақвимига кўра, Ой байрамини нишонлашади. Азалий анъаналарга кўра махсус ширинлик айбин тайёрланади. Тўлин ой ва айбин, шунингдек айлана «ой» шакли оила ва бахт бирлигининг рамзи ҳисобланади. Бу хитойликларнинг минглаб йиллар давомида эътиқод қўйиб келаётган идеалларидир.

Хитой туризмининг асосий йўналишлари ва истиқболлари. 2016 йил Хитой ички туризм кўрсаткичлари узликсиз равишда ўсди. Хитойга ташриф буюрган 67.87 миллион киши атрофидаги хорижий туристлар сони 2015 йилга нисбатан 3,8% га ўсди. Шунингдек, 28.87 миллион киши 4,3% бир кунга ташриф буюрувчи туристларни ташкил қилган. Улардан тушган умумий йиллик тушум эса 2015 йилнинг худди шу мавсумига нисбатан 5.3%га кўп яьни, 57 млрд АҚШ долларини ташкил қилган.

2016 йилнинг биринчи чорагида Осиё мамлакатларидан Хитойда ташриф буюрувчилар энг катта қисмни ташкил қилиб, уларнинг сони тахминан 43.23 миллион кишини ташкил қилган. Бу эса Хитойда ташриф буюрувчи умумий туришларнинг 63.7% ини ташкил қилган. Европа ва Америкаликлар эса мос равишда 12.83 ва 8.42 миллион киши бу эса 18.9% ҳамда 12.4% ни ташкил қилган. Бошқа мамлакатлардан ташриф буюрувчилар эса 3.39 миллон киши кўрсаткичи билан 5% ни ташкил қилган.

Жанубий Корея ўзининг 13.33 миллион Хитойга ташриф буюрувчиси билан Хитой ички туризмида етакчи ўринни эгаллаган.

Ишбилармонлар сайёҳатчиларнинг энг кўп қисмини ташкил қилади. Улар умумий туристларнинг кўпчилик қисмини 21.18 миллион кишини яъни 31.2% ни ташкил қилади. Иш мақсадидаги бизнес сафарлар 10.04 миллион киши яъни 14.8%ни, қариндошлар ва дўстларникига сафарлар эса 2.31 миллион киши яъни 3.4% ни ташкил қилади. 2016 йилининг дастлабки ярмида эришилган натижаларга биноан, йилнинг иккинчи ярмида ички туризмда туристлар келиши 72 миллион кишига яқин бўлиши башорат қилинмоқда. Бунинг замирида эса 4.1% атрофида ўсиши кўзда тутилган. Халқаро туризмдан тушадиган умумий тушумлар миқдори 65 млрд АҚШ долларини, яъни 5.2% ни ташкил қилади.

Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг башорат қилиши бўйича 2020 йилгача Хитой дунё бўйича энг кўп ташриф буюрадиган тўртинчи ўринда турувчи туристик марказ бўлиши кутилмоқда. Ушбу йилга келиб, мамлакатга ташриф буюрувчи хорижий сайёҳлар сони 8.6% га етади, бу эса 137.10 миллион туристни ташкил қилади ва шу билан биргаликда 100 миллион хитойлик сайёҳлар дунё бўйлаб саёҳатга боришлари тахмин қилинмоқда. Бу кўрсаткич эса дунё бўйлаб саёҳат қилувчи турисларнинг 6.2% ини ташкил қилади.

Туризм ривожланишида регионал фарқ. Хитой ичида туристик потенциалдан фойдаланиш бир хилда эмас.2/5 қисмини ХХР нинг ушбу уч субъектига 1990 йилда хорижлик туристлар келишининг 60% дан кўпроғи тўғри келди. Туристларни бошқа регионларга жалб этиш жараёни бормоқда.

Бу тенденция умумжаҳон манзарасини акс эттиради: саёҳат қилувчиларни сершовқин, одамлар гавжум, яхши ўрганилган, туристларга яхши маълум жойларга нисбатан, номаълум, сокин, осойишта бурчаклар кўпроқ қизиқтирмоқда.1997 йилдан бошлаб ташриф буюрувчилар бўйича етакчи ўнликка хорижий туристлар томонидан кам ўзлаштирилган Хэбэй, Юньнань ва Шандун провинциялари яна хитойчилигига мансуб бўлмаган туристлар Ички Мўғилистон киритилди. Уларда туризм нисбатан динамик ривожланмоқда.

Аввалгидек Хитойнинг ички районлари – Тибет, Нинся-Хуэй, Гуанси-Чжуан мухтор райони, Цинхай, Ганьсу провинциялари кам машҳур. Хитой ички районлари бой туристик потенциалидан тўлиқроқ фойдаланишга туристик инфраструктура тараққиёт даражасининг пастлиги тўсқинлик қилмоқда: транспорт тармоғи тараққиёти суст ва жойлаштирилиш воситалари билан етарли таъминланмаган. Мавжуд табиий, маданий-тарихий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда Хитойда экскурсион-билиш туризми кенг тарқалган ва экотуризм билан уйғунлашган. Экускурсион-билиш туризми эскидан ўзлаштирилган ва кўп йиллик туризм тараққиётига эга шарқий районларда устунлик қилади. Экотуризм асосан табиий-рекреацион ресурларга бой ва қулай иқлим шароити мавжуд жанубий, жанубий-шарқий районларда жойлашган. Хайнань ороли, Гуанси провинцияси, Циндао шарқи дам олишнинг чўмилиш-пляж турини ривожлантириш регионлари ҳисобланади. Ушбу дам олиш турини эскидан ўзлаштирилган Бохай кўрфази (Цинхуандао) ҳам шундай регионга киради. Бошқа туризм турлари ўчоқ характерда бўлиб, жуда суст ривожланган.

Хитой кейинги 20 йилда туризм соҳасида илгарилаб кетмоқда. Иқтисодий ва ижтимоий ислоҳатларни ҳаётга кенг татбиқ этиш туфайли туризм Хитойда иқтисодиётнинг мустақил, сердаромад соҳасига айланмоқда. Хитой ҳали туристик потенциалдан фойдаланиш даражаси бўйича жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан орқада бораётган бўлсада, туристик индустрия ўсиши суръатлари юқорилиги дунёда туристик бозорда олдинги ўринларга чиқишидан дарак беради. Хитойда глобал туристик кенгликлар интеграцияси жараёни тобора кўпроқ тармоқ аралаш соҳаларни қамраб олаётгани шундан ишонч билдиришга асос беради.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Хитойнинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити ҳақида маълумот беринг.
2. Хитойнинг табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Хитойда туризмни тараққий эттириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?
4. Хитойнинг аҳолиси, унинг миллий хусусиятлари, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш жиҳатлари қандай?
5. Хитой туризм тараққиётида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрнини аниқланг.
6. Хитойда туристларни жойлаштириш воситаларининг асосий ҳусусиятлари, имкониятлари ҳамда афзалликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?
7. Хитойда туристларни овқатлантириш тизими, ресторанлари ҳамда миллий таомлари ҳақида маълумот беринг.
8. Хитойнинг сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш инфратузилмаси қандай ривожланган?
9. Хитой туризми: унинг ривожланиш динамикаси ва асосий йўналишлари ҳақида гапириб беринг.
10. Хитойнинг асосий туристик районлари ва марказлари ҳақида маълумот беринг.

VIII БОБ. ТУРКИЯ ТУРИЗМИ

8.1. Туркиянинг географик ўрни, табиий иқлим шароити
8.2. Туркиянинг туристик ресурслари
8.3. Аҳолиси ва миллий байрамлари
8.4. Туркия туризми, унинг асосий турлари ва тоифаланиши
8.5. Туркия курорт меҳмонхоналарида туристларга анимацион хизматлар кўрсатиш

8.1. Туркиянинг географик ўрни, табиий иқлим шароити

Географик ўрни. Туркия Республикаси – Осиё қитъасининг ғарбий қисмида ва Европанинг эса жанубий – шарқий чеккасида жойлашган бўлиб, унинг территорияси шимолдан жанубга 550 км.гача, ғарбдан то шарққа қадар 1600 км.га чўзилиб ётади. Туркия шимолий қутуб ва экватор чизиғи ўртасидаги таянч масофа оралиғида жойлашган давлатдир.

Туркия территориясининг 97%, Кичик Осиё ярим ороли (Анатолия) да, 3% Европа (Шарқий Фракия)да жойлашган. У шимоли – шарқда Грузия, Арманистон, шарқда Эрон, Жануби – шарқда Ироқ ва Сурия, шимолий – ғарбда Болгария ва Греция давлатлари билан чегараланади. Туркиянинг қуруқликдаги чегарасининг узунлиги 2,6 минг км.ни ташкил этади. Туркия Республикаси шимолий томонда Қора денгиз, ғарбда Эгей ва Мармар денгизлари, жанубда Ўрта Ер денгизи сувлари билан ўралган. Эгей денгизидаги бир нечта ороллар ва оролчалар ҳам Туркия давлатига қарашлидир.

Туркия Республикасининг умумий ер майдони 780,6 минг кв.км.ни, кўлларининг умумий майдони – 9,0 минг кв.км. ташкил этади.

Ер усти рельефлари тузилиши. Туркия Республикаси тоғлик ўлкада яъни Кичик Осиё тоғлиги ва қисман Арманистон тоғлиги ҳудудида жойлашгандир. Ер усти рельефининг аксарият қисми тоғ ва ясси тоғликлардан иборат бўлиб, мамлакатнинг ўрта қисмида Анатолия ясси тоғлиги (3916 м), шўрхок ва кўллардан иборат берк ботиқлар мавжуд. Арманистон Тавр тоғларидан жанубий томонда Жазира платоси (500 – 1000 м) нинг шимолий қисмида жойлашган.

Туркиянинг Европа қисми ер усти тузилиши текисликлар ва денгиз соҳили бўйидаги паст текисликлардан иборат. Паст текисликлар асосан мамлакатнинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, уларга йирик дарёлар Қизил Ирмоқ, Яшил Ирмоқ дельталари киради. Булардан ташқари паст текисликлар Қора денгиз, Ўрта Ер денгизи қирғоқларида ҳам учрайди.

Туркия Республикаси территориясида тўрт хил ер усти рельефини учратиш мумкин:

1) Шимолда Қора денгиз бўйи Анатолия тоғлари ўлкаси;
2) Жанубда Ўрта ер денгизи тоғлар ўлкаси;
3) Шарқда ички тоғлар ўлкаси;
4) Ғарбда Анатолия тоғлари ўлкаси.

Туркия ер усти тузилишининг хилма – хил бўлиши унинг табиий иқлим шароитининг хар хил бўлишига асосий сабаб бўлиб ҳисобланади. Бу эса мамлакат ҳудудида турли хил табиат зоналарининг пайдо бўлишига таъсир кўрсатади.

Туркиянинг денгизлари, дарё ва кўллари. Қора денгиз, Егей, Мармар ва Ўрта ер денгизлари Туркия иқтисодиётида муҳим рол ўйнайди. Улар денгиз транспортида юкларни ва туристларни ташишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Туркия денгизлари орасида Ўрта ер денгизи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг қирғоқларида қумли пляжлар кўпдир. Бу эса пляж (чўмилиш) туризмининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Туркия денгиз қирғоқларининг узунлиги 7100 км. дан ортиқ бўлиб, унинг 1550 км Қора денгизга, 1700 км. – Ўрта ер денгизи, 1100 км – Мармар денгизи ва 2250 км эса Егей

денгизи ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатнинг кўпчилик денгиз қирғоқлари тик қоялардан иборат. Босфор ва Дарданел бўғозлари мавжуд бўлиб, унинг биринчисида энг тор жой 700 метрни, иккинчисиники эса – 1220 метрни ташкил этади. Бўғозлардаги сувнинг чуқурлиги 50 – 100 метрдан ошмайди, Ўрта ер денгизи қирғоқлари бирмунча текисликлардан ташкил топган бўлиб, бу ерда бўғозлар ва буҳталар кам учрайди.

Туркиянинг йирик дарёлари қаторига Дажла (Тигр), Евфрат, Кура, Аракс, Яшил Ирмоқ, Қизил Ирмоқ, Чорух кабилар киради. Мамлакатнинг Европа қисмида Марица дарёсининг қўйи қисми бор.

Туркия кўлларга бой бўлган мамлакат ҳисобланади. Кўлларнинг умумий майдони 9000 кв.км. дан ошади. Энг йирик кўллари бу Ван ва Туз оқмас шўр сувли кўллардир. Ван кўли 3765 кв.км майдонга эга бўлиб, **унинг** чуқурлиги 100 метрдан ошади. Ван кўли суви оқиб чиқмайди, у шурдир. Иккинчи йирик кўллари қаторига Кўчхисор кўли киради. У 1620 кв.км. майдонга эга бўлиб, чуқурлиги 2 м дан ошмайди. Кўчхисор кўли ёз ойларида қуриб қолади. Унинг тагида тузлар хосил бўлади. Оқиб чиқмас кўллар қаторига Эрчек ҳам киради. Суви оқар кўлларга Чилдир, Телжук (Хазар), Амик, Ахшехир, Эбер, Бейшекир, Эгридир, Бўрдир, Ажигел, Сапанджа, Изник, Апольонт, Маньяс, Бафа, Буюк Чекмедже, Теркос ва бошқалар киради.

Иқлими. Туркия республикасининг табиий иқлим шароити хилма-хил бўлиб, у мамлакат ҳудудидан денгизлар, дарё ва кўллари, тоғлари, географик жойлашуви каби омиллар билан чамбарчас боғлангандир. Мамлакат ҳудудида иқлим температураси (ҳарорати) катта роль ўйнайди. Йиллик ўртача ҳаво ҳарорати мамлакатнинг жанубий қирғоқларида 18-20^0, ғарбий томонида 15-18^0, шимолий қисмида (шимолий Анатолияда) 14-15^0, мамлакатнинг марказий қисмида 8-11^0 ни ташкил этади.

Энг иссиқ ёзнинг июл ойидаги ўртача ҳаво ҳарорати Ўрта Ер денгизи ва Эгей денгизи бўйларида 27^0 ни, Мармарнинг марказий ва Жанубий – Шарқий Анатолияда +32^0, баланд тоғли ўлкаларда эса 17-18^0 ни ташкил қилади.

Ўртача январ ойи ҳарорати Қораденгиз бўйи қирғоқларида 5-7^0, Ўрта ер денгизи қирғоқларида 8-12^0, мамлакатнинг шарқий тоғли ўлкаларида -10-12^0 ни ташкил қилади.

Ёғин – сочинлар тушиши миқдори ҳар бир жойнинг релъефига боғлиқ бўлади. Энг кўп миқдордаги ёғин-сочинларнинг тушиши тоғ ёнбағрларига тўғри келадиган ҳудудлардир. Мамлакатда ёғин-сочинларнинг энг кўп миқдорда ёғиши қиш фаслига тўғри келади, ёз-ойлари эса кўп жойларда қуруқ бўлади.

Туркиянинг иқлими шароити 3 та қисмдан иборат:

1. Жанубий ва Анатолия ғарбий денгиз қирғоқлари ёки Ўрта Ер денгизи иқлими;
2. Қораденгиз қирғоқлари иқлими;
3. Мамлакатнинг ички қисми иқлими.

Жанубий ва Ғарбий Анатолия қирғоқлари иқлимида Ўра Ер денегизи иқлими ҳукмронлик қилади. Бу ерда ёз жуда иссиқ бўлади. Ҳарорат 40^0 ни ташкил қилади. Ушбу мавсумда булутсиз кунлар кўп бўлади, ёркин осмонли, ёмғирсиз кунлар кўпроқ кузатилинади. Қиш мавсуми илиқ ва юмшоқ кечади. Ёғин – сочинлар миқдори 500-1000 мм ни ташкил қилади.

Қораденгиз бўйи иқлими – ўртача иқлим бўлиб, йил бўйи ёғин-сочинлар деярли бир хилда бўлиб, ёғин-сочинлар деярли бир хилда ёғади. Ушбу ҳудудда бир йиллик ёғин-сочин миқдори 700 мм. дан то 2500 мм. гача етади. Бу ерда ёз ойлари унчалик иссиқ эмас. Қиш мавсуми юмшоқ ўтади.

Туркиянинг жанубий-шарқий қисми яъни ички Анатолияда табиий иқлим шароити кескин контенинтал иқлимдир. Ушбу ҳудудда иқлимнинг пайдо бўлишига денгизларнинг таъсири деярли сезилмайди. Қиш ойлари жуда совуқ, ёз ойи эса жуда иссиқ келади. Ҳаво ҳарорати тебраниши жуда кескин ва катта кузатилади. Ички Анатолияда ёғин-сочинлар миқдори анчагина кам 250-500 мм ни ташкил қилади.

Ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва миллий боғлари. Туркиянинг ўсимликлари денгиз соҳилига яқин тоғларда кам ёғинли субтропик ўсимликлардир. Мамлакатнинг Тавр ва

Шарқий Понтия тоғларида эса ям-яшил ва игна баргли ўрмонлар мавжуд. Мамлакатнинг шарқий қисмида тоғ дашти, субальп ва альп ўтлоқлари тарқалган. Жазира платосида шувоқ- бошоқли чала чўл ўсимликлари учрайди.

Туркия ҳудудида ўсимликлар дунёсига қараб, ҳайвонот олами ҳам ўзгариб боради. Ёввойи ҳайвонлардан айиқ, бўри, тулки, куница, қор қоплони, ёввойи қўй, ёввойи чўчқа, чиябўри, ёввойи эшак, ғизол, қуён, турли хил ёввойи қушлар, денгиз соҳилига яқин сувларда турли хил балиқлар кенг тарқалган. Мамлакатда ноёб ўсимлик ва ҳайвонларни қўриқлайдиган 12 та миллий парк (боғ)лар бор.

Туркияда табиатни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилади. Мамлакатда энг йирик миллий боғлардан бири **Улудоэ** тоғли массив бўлиб қадимги музлик даврининг рельфлари билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу табиат боғи мамлакатнинг ғарбий қисмида жойлашган. Иккинчи Миллий боғ **Қоратепа – Арелантас** Тавр тоғининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, ажойиб қизил дуб, қизил қарағай (сосна) ўрмонлари билан қопланган. У Манзур дарёси водисида яъни мамлакатнинг шарқий қисмида жойлашган. Учинчи бир **Поммукале миллий боғи** (Данизли шаҳри яқинида) ажойиб, такрорланмас табиат маназарасига, шу жумладан иссиқ гейзер -булоқ сувлари ва 100 метр баландликдан оқиб тушадиган шаршара сувлари билан машҳурдир.

8.2. Туркиянинг туристик ресурслари

Туристик ресурслари. 660 йил бизнинг эрамизга қадар бўлган даврда дорий қабилаларга аҳоли пунктига асос солдилар ва бу жойни ўз подшолари Византнома билан атаб, уни Византия деб аташганлар. Византия Рим империясининг пойтахти этиб тайинланади ва 330 йили унга ўзининг номини бериб, Константинополь деб аташади.

Константинаполь шаҳри император Юстиниане I даврида гуллаб яшнайди. Ўша даврда Византия империяси Ўртаер денгизидан тортиб, то Кавказ, Альп тоғлари ва Мисргача бўлган ҳудудларни ўз ичига қамраб олади. 1204 йили салб юриши қатнашчилари томонидан Константинополь шаҳри вайрон қилинади. 1453 йили Константинаполь шаҳрини турк султони Махмуд II босиб олади, уни Усмон империясининг пойтахтига айлантириб, шаҳарга Стамбул номини беради.

Стамбул – Туркиядаги энг йирик миллионер шаҳарларидан бири ҳисобланади. Шаҳарда 14,3 млн. киши истиқомат қилади. Стамбул мамлакатдаги энг йирик порт шаҳар бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий, молиявий ва саноат маркази ҳисобланади.

Стамбул шаҳри ўзининг қадимий масжидлари, черковлари, осмон ўпар замонавий бинолари, энг йирик ва узун масофага чўзилган ноёб кўприклари, қадимги қалъалари, денгиз кемаларию-портлари билан сайёҳларни ўзига жалб қилади.

Денгиз кемасида Стамбул шаҳрига сузиб боришда кўз олдингизда буюк Айя-София ибодатхонаси ва Топ-Кипи саройи гавдаланади. Шаҳарнинг маркази бўлиб, Олтин Шох («Золотой Рог») бухтасидаги Галата кўприги ҳисобланади. Кўприкнинг тагида ресторанлар, кафелар, савдо шахобчалари жойлашган бўлиб, улар туни-куни ишлайдилар.

Айя-София ибодатхонаси 1453 йилда масжидга айлантирилади. Ушбу бино VI асрда греклар томонидан қурилади. Айя-София ибодатхонаси 916 йил христианларга хизмат қилади. Мусулмонлар уни масжидга айлантирганда, у ерда иккита минорани қуришади. 1935 йили президент Камол Отатурк томонидан у музейга айлантирилади.

Стамбулдаги иккинчи бир туристлар диққатини ўзига жалб қилувчи объект бу **Ахмедие масжиди** бўлиб ҳисобланади. Ахмедие масжидини одатда туристик карталарда ва йўл кўрсаткичларда «кўк ёки ҳаворанг масжиди» деб аташади. У масжидларнинг энг каттаси ва гўзали ҳисобланади. Шу сабабли турклар уни Сулоймания масжиди деб ҳам аташади. Шаҳарда яна қадимги мадраса биносида ажойиб ислом санъати музейи ва жуда катта гуллар бозори жойлашган.

Шаҳардаги энг ажойиб ва туристларни ўзига жалб этувчи жой бу **Капали Чарши** бозоридир. Туристлар бу бозорни «Гранд бозор» деб аташади. Ушбу бозорда нимани

истасангиз уни топасиз ва сотиб оласиз. Бозордаги товарларнинг баҳоси сотувчи ва олувчининг кайфиятига боғлиқдир. Капали Чарши бозори энг қадимги бозорлардан бири ҳисобланади. Бозордаги сотувчилар ва харидорлар савдо қилишни хуш кўришади ва бир-бирлари билан тезда баҳо устида келишиб кетади.

Стамбул шаҳрининг яна бир кўрки собиқ Султон саройи **Топ – Капи** ҳисобланади. Ушбу саройни президент Камол Отатурк 1924 йили музейга айлантирган ва ҳозиргача у экспонатлар билан тўлдирилиб келинмоқда. Стамбул шаҳрининг қарама-қарши томонида Бойўғли шаҳарчаси қад кутариб туради. Унинг энг баланд жойида византияликлар V асрда қурган Галата минораси кўзга ташланади. Унинг юқори қисмида ресторан ва томоша қиладиган майдонча мавжуд. **Галата** минораси Стамбул учун жуда қадрлидир. Тунги Бойўғли қўрғони манзараси Париж шаҳрининг тунги кўринишига ўхшаб кетади.

Стамбул шаҳрининг диққатга сазовар жойларига қўйидаги объектларни киритиш мумкин:

Авлиё София саройи, Топ-Капи саройи, Базилика Цистернаси (яъни сувни сақлайдиган ер ости ҳовузи), Ҳаворанг масжид, Долмабахча саройи (яъни Усмон империясининг охирги резиденцияси), Кагалогму ҳаммоми, Галата минораси, Карье музейи, Рустам подшо масжиди ва Сулаймония масжиди – У Стамбулдаги энг йирик масжид ҳисобланади.

Умуман олганда, Стамбул шаҳрини масжидлар шаҳри деб аташади. Шаҳарда 500 тадан ортиқ масжидлар бўлиб, улардан Сулаймон масжиди (XVI аср), Боязид II, Шахзода, Салима (XVI аср), Султон Ахмад (XVII аср), масжидлари, Олтин дарвоза, Мармар минора (Мармакули), Хора церкови (XIV), Ғалаба масжиди, денгиз музейи ва бошқ. мавжуддир.

Туркиянинг пойтахти - Анқарада Анатолия цивилизацияси музейи, эски шаҳарда жойлашган ўрта аср қўрғони, Камол Отатурк ҳайкали, Авлиё Евгений церкови, Илоҳий Она церкови ва бир неча монастирлар бор.

Газиантепа шаҳрида Византия қалъасининг қолдиқлари, Антаке (Актиохия) да римликлар саройларининг қолдиқлари, осмақувур (осма тарнов), театрлар, ер тагидаги узун ғор, археологик музей, Авлиё Петр ғори ваXII-XIII асрларда қурилган церковлар сақланиб қолинган.

Бурса шаҳри ўзининг машҳур сағана (дахма)лари, иссиқ шифобахш минерал чашма сувлари билан машҳур. Бу ерда византия, форсча ва ислом стилида қурилган масжидларни учратиш мумкин.

Троя шаҳри – афсонавий характерга эга бўлиб, унда эрамизга қадар 3 минг йилга таалуқли бўлган аҳоли пунктлари ва масканларини учратиш мумкин. Эгей ва Ўрта ер денгизи қирғоқларидаги табиий ландшафтларни кўриш мумкин.

Шаҳардаги тарихий – маданий ёдгорликларга Долмабахчи саройи (XIX аср), Едикули 7 та минорадан иборат бўлган қалъа Гексув саройи, Бойларбоп султон саройи, Босфор бўғозининг икки Анатолия – Ҳисор қалъаси ва бошқалар киради.

Туркиянинг пляжлари ва курортлари. Ҳар йили Туркияга дам олиш мақсадида 12 млн.дан ортиқ туристлар ташриф буюришади.

Мамлакатнинг энг йирик ва машҳур туристик манзиллари қўйидагилар ҳисобланади:

Патара (Patara) пляжи. Фетхис аҳоли пунктидан 75 км. узоқликда жойлашган бўлиб, у Туркиянинг энг йирик пляжларидан бири ҳисобланади. Пляжнинг узунлиги 20 км. масофага чўзилиб кетган.

Олюдениз (O “Lu” deniz). У Феткисдан 8,5 км узоқликда жойлашган. Пляжнинг номи туркча бўлиб, «ўлик денгиз» («жуда тинч, осойишта») деган маънони англатади.

Олимпос (Olimpos) пляжи. Анталиядан 80 км узоқликда жанубий-ғарб томонда жойлашгандир.

Сиде (Side) пляжи 65 км Анталия шарқида жойлашган бўлиб, бу ерда оқ рангли юмшоқ қумлар билан қопланган.

Алания (Alaniya). Ажойиб қумли пляж бўлиб, у Анталия шаҳридан 140 км узоқликда жанубий-шарқ томонда жойлашган. Бу ердаги пляжнинг бир қисмини «Клеопатра пляжи» деб аташади. Маълумотларга кўра қадимги даврда Мисрнинг қироличасига ушбу ҳудудни Марк Антония совға қилишган.

Из тузи (Iz tuzi). Пляж 5 км. ли масофага чўзилган бўлиб, у Дальян шаҳридан 13 км узоқликда жойлашган.

Бодрум (Bodrum) шаҳри. У Эгей ва Ўртаер денгизи ўртасидаги ярим оролда жойлашган. Бодрум пляжлари шаҳарнинг ёнида жойлашган Ортакент, Тургутрейс ва Гюмюшлюк аҳоли пунктларида жойлашган.

Кемер (Kemer) пляжи. У Анталиядан 43 км жанубий-ғарбда жойлашган. Ҳозирги кунда ушбу катта курорт райони бўлиб, Бельдиби, Гейнюх, Кемер, Кириш, Чамюва, Текирова шаҳарчаларини ўз таркибига бирлаштиради.

Памучак (Pamucak) 5 км. ли масофага чўзилиб кетган, қора қумли пляж ҳисобланади. У Эфес шаҳридан 7 км ғарбда жойлашган.

Чалиш (Calis) пляжи Феткие шаҳридан 5 км шимолий-шарқда жойлашган. Бу ерда туристик инфратузилма яхши ривожланган.

Туркия меҳмонхоналари. Анкара шаҳрида 60 тадан ортиқ меҳмонхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 10 таси беш (5) юлдузли мақомга эга. Анталья курортида 104 та меҳмонхоналар мавжуд. Стамбул шаҳри ва унинг атрофида ҳаммаси бўлиб 634 та меҳмонхоналар ишлаб турибди.

Туркияда энг йирик шинам меҳмонхоналар қаторига қўйидагилар киради:

«Divan Hotel» – 5 юлдузли меҳмонхона Стамбул шаҳрининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, у замонавий, жуда келишган, зеби-зийнатли меҳмонхоналар туркумига киради. Меҳмонхонада 180 та номер, 10 та апартамент, 7 та конференц - заллар 400 кишига мўлжалланган. Меҳмонхонада казино, савдо маркази, сауна, ресторан, кафелар ва бир қатор хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам мавжуд.

«Ramada Hotel» меҳмонхонаси Стамбулнинг эски шаҳар қисмида, Ёпиқ бозордан унча узоқ бўлмаган масофада жойлашган 5 юлдузли меҳмонхонадир. Ушбу меҳмонхона қошида энг ажойиб хитой ресторанларидан бири жойлашган. Бу меҳмонхонада ҳам барча хизмат кўрсатиш турлари таклиф этилади.

«Pera Palas Hotel» тўрт юлдузли меҳмонхона бўлиб, энг қадимий ва йирик отеллар қаторига киради. У олтин Шох бухтасида 1892 йили қуриб ишга туширилган. Меҳмонхона «Шарқий эксперес» поезди йўловчиларининг келишини ҳисобга олиб қурилган.Ушбу меҳмонхонада Агата Кристи, Грета Гарбо, Камол Отатурк, Валерии Жискар д`Эстен, Хулио Иглескас кабилар ўз вақтида тўхтаб ўтишган.

«Oran Hotel» меҳмонхонаси тўрт юлдузли мақомга эга бўлиб, у Стамбул шаҳрининг марказида жойлашган. Меҳмонхона атрофида жуда кўп савдо дўконлари ва магазинлар жойлашган. Меҳмонхонада 100 та номер, 4 та апартамент, 2 та ресторан, конферен-зал, туркча ҳаммом, сауна, массаж хонаси (салони) мавжуд.

«Pierre Loti Hotel» унча катта бўлмаган уч юлдузли меҳмонхона бўлиб, у Айя – София ибодатхонаси, Топ-Кани саройи ва Ёпиқ бозор атрофида жойлашган.

«Ciragan Palace Kempinske Istanbul» – 5 юлдузли меҳмонхона бўлиб, унда бир номернинг нархи бир кечага 346 еврога тенгдир.

Туркия ғалати мамлакат бўлиб, у ўркачли тоғлар, ясситоғликлар ва серҳосил водийдан иборат замин. Туркия Мармар денгизи, Босфор ва Дарданелла кўрфазлари билан иккига бўлинган. Қачонлардир, юз минглаб йиллар аввал, бу ерда Босфор ва Дарданелла тоғ дарёлари бўлган. Аммо кейинчалик Греция ва Кичик Осиёни туташтирган тоғ занжирлари денгизга ботиб кетган, улар эса кўрфазга айланган. Анатолия – 15 водийдан иборат баланд тоғли ўлка, қадимда у «Кичик Осиё» деб аталган. Анатолия сервиқор баландликларда жанубдан Тавр (Торос) тоғлари, Шимолдан – Қора денгиз (Понтий) бўйида баланд тоғлар жойлашган. Шу ердан Тигр ва Евфрат дарёлари ирмоқлари бошланади.

Жануб томонда ҳақиқий Ўртаер денгизи, қадим харобалар, балиқчилик қайиқлари, яна қизғин савдолашиладиган каппонлар (дўконлар), кабоб, дўлма ва лаззатли таомлар макони учрайди.

Туркия бетакрор гўзал мамлакат. Унинг маданияти ғоят ноёб, тарихи эса худди қадимги Византия сингари бой. Туркия қирғоқлари дейилганда беихтиёр Клеопатра ва Александр Македонский каби тарихий шахслар кўз олдингизга келади, қайсиким ушбу жой уларнинг ишқий панагоҳлари бўлган. Биз апостол Павл ва унинг «Ефесенянга мактубларини» ва Юлий Цезернинг машҳур: «Келдим, кўрдим, ғолиб чиғдим» деган сўзларини эслаймиз. Бу сўзлар Анқара – Туркиянинг ҳозирги пойтахти - яқинидаги Зела деган жойда хитоб қилинган. Қадимгилар бу жойни Кичик Осиё, турклар эса Анатолия деб аташган. Шимолда уни Қора денгиз суви ювиб туради, ғарбий томонида эса Эгей ва Мармар денгизлари ҳукмрон, жануби Ўртаер денгизи қирғоқ бўйларига бой. Бу ерга бир пайтлар Осиё қитъаси олисларидан йўллар чўзилган. Бу ерда қорли чўққиларни, серсув тоғ ён бағри чўлларини, гуллаб – яшнаган водийларини кузатиш мумкин. Агар Туркияга баҳорда, тоғчанғиси курортига келинса, чанғида тоғ сайридан кейин денгизнинг илиқ ва эркаловчи қирғоғига тушиб хордиқ чиқаришдек ноёб имкониятга эга бўлиш мумкин. Ўртаер денгизи иқлими ҳукмрон ғарб ва жанубда ёз ойлари қуруқ ва жазирама, иссиқ қиш эса юмшоқ. Шунинг учун Анатолия ва унга туташ район Турк Риввераси деб аталади. Бу ерда апрелдан октябр ойигача маза қилиб чўмилиш мумкин.

Анатолия ўлкасида қирғоқ бўйлаб ўрикзор плантациялари ястанган. Марказий текисликлар учун совуқ қишли ва жазирама қуруқ ёзли континеталь иқлим ҳукмронлиги характерли. Шарқий районларда кескин континенталь иқлим устунлик қилади. Ушбу регион ҳудудларнинг табиати ҳам жуда қизиқ. Чўл зонаси тоғ ён-бағирларида жойлашган. У ерда терак, берёза ва бошқа дарахтлар фақат водий дарё бўйларида ўсади. Аммо баҳорда бу ерлар турли гуллар, ва ўт – ўланлар билан қопланади.

Қалин майсазорлар, апелсин боғлари, бананзорлар ва узумзорлар Туркия заминини саховат билан қоплаб, унинг иқлимига мўъжизавий гўзаллик бахш этади. Мусаффо ҳаво, зилол сув, мўл-кўл мева- сабзовот, ҳашаматли отеллар, хушманзара пляжлар Туркияда дам олишни жаннатий ҳаловатга айлантиради. Шунинг учун ҳам жуда кўплаб туристлар шу ерда дам олишга интиладилар. Бу ерда қорли чўққиларни ҳам, тошқин дарёли водийларни ҳам, гулларга бурканган тоғ ён-бағирлари чўлларини ҳам кузатиш мумкин. Кейинги вақтларда Туркия бошқа мамлакатлар аҳолиси ўртасида машҳур бўлган ва улар дам олишга келишни орзу қилган йирик туристик марказга айланди. Туристларнинг анкеталарини варақласангиз, бу диёр уларнинг таассуротларида ҳайратомуз тарзда из қолдирганига гувоҳ бўласиз. Бу ўлка ёркин ва жазирама, илиқ, шаффоқ қумли қадрдон денгизини ёдга солади. Улуғвор ва ҳайратга чўмган тоғлар, қудратли қарағайлар, кўкка бўй чўзган сўлим маскан оғушида ҳузурланган Клеопатрани эсга туширади, бошқалари учун кўрган мовий денгизи, яхта ва денгиз кемалари бир умр ширин хотирага айланади. Ўткир экзотик ҳиссиётда тоғ дарёлари бўйлаб тушиш, жипларда сайрлар унутилмас таассурот бўлиб қолади. Яна аквалонд каруселда учиш, бассейнда чўмилиш, катта ва кичик болалар учун жаннат энага ва мини-клублар, анимация, дискотека, тоғ походлари, сув спорти турлари ҳар қандай туристга олам-олам завқ ва ҳузур бағишлайди.

Маданият – қадимий ва замонавий буюк цивлизациялар харобалари ва супер замонавий отеллар, Эфес ва турк оқшомлари - буларнинг бариси ҳайратомуздир.

Руслар, немислар, бельгияликлар, голландлар, инглизлар, французлар ва дунёнинг бошқа мамлакатларидан ҳар йили Ўртаер ва Эгей денгизлари қирғоқларига сон-соноқсиз туристлар ташриф буюрадилар. Чунки айнан шу ерда улар мақбул нархларда аъло даражада отелларда европача сифатли хизматларни сотиб олиб мириқиб дам олишлари мумкин. Отелларда албатта икки халқаро тилни яхши биладиган (немисча ёки инглизча, французча, италянча) ходимлар хизматидан баҳраманд бўлишади. Шу ерлик ташкилотчларнинг ижодий фантазияси билан бунёд этилган бетакрор ва катта инфраструктурани қамраб олган территория манзараси ақлни лол қолдиради. Бироқ,

ҳашаматли отеллар қуришнинг ўзи камлик қилади. Бу даргоҳларни жонлаштириш, туристларни ушбу меҳмонхоналарни қурувчилар ғоясига сингиб киришига имкон бериш, унинг иштирокчисига айлантириш (спорт бўлсин, соғломлаштириш ёки билиш йўналишида бўлсин) – мана қабул қилувчи томонларнинг бош вазифаси. Бу вазифаларни ҳал этишда аниматорлар – шинамлик ва хушкайфият, хилма-хил ва бетакрор ғоялар билан жозибадорлик яратувчи кишилар ёрдам беради, уларнинг фантазияси билан яратиладиган қулайликлар туристларни кўнгил ёзиш иштиёқларига ҳамоҳанг равишда тўла қонли дам олишни таъминлайди.

Ушбу маконда профессионал жамоа туну-кун тиним билмай ишлашади, спорт мусабақалари, танловлар, ўйинлар, сайру-саёҳатларга бой унутилмас кунларни кафолатлашади. Кечқурун эса дам олувчиларни театрлаштирилган ва рақс шоу томошларига, мюзиклар, комедия, концертларга, классик мусиқа тинглашга, кинофелъмлар кўришга, пляждаги оқшом тадбирларига таклиф қиладилар. Ахир туристлар учун қулайлик яратиш, уларнинг ҳар бир дам олиш кунини қизиқарли ва эсда қоларли ўтишини таъминлаш уларнинг бош вазифаси ҳисобланади!

Халқаро савдо хизматларида туризм индустрияси энг динамик ривожланаётган шакллардан бири ҳисобланади. Жаҳонда туризм аҳамияти доимий равишда ортиб бормоқда, бу ўсиб бораётган туризмнинг ҳар бир алоҳида мамлакат иқтисодиётига таъсири билан боғлиқдир.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётида халқаро туризм соҳаси қатор муҳим функцияларни бажаради, яъни:

- халқаро туризм мамлакатлар учун валюта тушумлари манбаи ва бандликни таъминлаш воситаси ҳисобланади;
- халқаро туризм тўлов балансида ва мамлакатлар ИЯМда қўйилмаларни кенгайтиради;
- халқаро туризм, туризм соҳасига хизмат кўрсатувчи тармоқ яратиб, иқтисодиётни диверсификациялаш имконини беради;
- туризм соҳасида бандлик ўсиши билан аҳоли даромадлари ва миллат турмуш фаровонлиги даражаси ошади.

Халқаро туризм уч йирик экспорт тармоғи қаторига киради. У автомобилсозлик ва нефть саноатидан кейин туради, қайсиким уларнинг халқаро экспортдаги салмоғи тегишли равишда 11 % ва 8,6 % ни ташкил этади. У жаҳон экспорти умумий ҳажмининг 7 % ва жаҳон хизматлар экспортининг 3 % ни ташкил этди.

Жаҳонда халқаро туризмнинг ривожланиш ҳолати бир текисда эмас. Бу биринчи навбатда мамлакатлар ва регионларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражаси ҳар хиллиги билан изоҳланади. Халқаро туризмнинг нисбатан тараққиёти Ғарбий Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларида кўзга ташаланади. Ушбу регионлар улушига жаҳон туристик бозорининг 70 %, валюта тушумларининг 60 % тўғри келади. Тахминан 20 % Америкага, 10 % дан камроғи Осиё, Африка ва Австралияга тўғри келади. Туркияни оладиган бўлсак, Туркия туризм Вазирлигининг маълумотларига кўра 2012 йил январ – августида мамлакатга ташриф буюрган туристлар сони олдинги йилнинг шу даврига нисбатан 7,6 % га кўпайиб, 11,82 млн. кишига етди.

Жорий йилда Туркия 13-14 млн. туристларни жалб этишни мўлжжалламоқда, маҳаллий ҳокимиятнинг баҳолашича, ундан келадиган даромад 10 млрд. долларни ташкил этиши керак.

Туризм халқаро муносабатларда ҳам сезиларли ўрин эгаллайди. Ҳар йили туристик мақсадларда 500 млн. га яқин киши хорижий мамлакатларга ташриф буюришади. Халқаро туризм нафақат оммавий дам олиш тури, балки жаҳон иқтисодиётининг фаол ривожланаётган соҳаси ҳамдир.

Шундай қилиб, халқаро туризмнинг характерли қирралари шуки, хизматларнинг сезиларли қисми ўринларга минимал харажатлар билан амалга оширилади ва жаҳон

иқтисодиётида тобора сезиларли роль ўйнамоқда. Туристик соҳа катта ҳажмда қўшилган қиймат берадиган иқтисодий тармоқлар қаторига киради.

Аммо халқаро туризм тараққиёти ҳақидаги маълумотлар мутлоқ аниқ ҳисобланмайди, чунки туристик оқимларни ҳисобга олиш анча мушкул. Уларни ҳисобга олишнинг ягона усули йўқлиги туфайли мамлакатлар ўртасидаги статистик маълумотларни таққослаш қийинлашади.

Бугун биз туризмни XXI юз йилликнинг энг оммавий феномени сифатида қабул қиламиз. У давримизнинг энг ёрқин ҳодисаларидан бири сифатида ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб бормоқда ва атроф оламни ва ландшафтни ўзгартираяпти. Туризм иқтисодиётининг муҳим омилларидан бирига айланди. Шунинг учун биз уни фақат сафар ва дам олиш сифатидагина қараб чиқмаймиз. Бу тушунча анча кенг қамровли ва ўзида киши саёҳат чоғида бошдан кечирадиган ҳодисалар ва алоқалар бирлиги, муносабатларни мужассам этади.

Ҳозирги даврда туризм ривожланиши ва унинг ташкилий шакллари ўзгаришнинг муҳим хусусияти шуки, туристик бизнесга транспорт, савдо, саноат, банк, суғурта ва бошқа компаниялар чуқур кириб бормоқда.

Халқаро туристик алоқаларнинг интенсив тараққиёти ўзи билан барча халқаро иқтсиодий муносабатларнинг бу соҳасида энг яхши ташкилотларни ҳамкорлигига ва кўпсонли халқаро ташкилотлар тузилишига олиб келди.

8.3. Аҳолиси ва миллий байрамлари

Туркия аҳолисининг умумий сони 76 млн. (2013 йил) киши бўлиб, унинг қарийиб 90% ини турклар ташкил қилади. Мамлакатда ундан ташқари курдлар, араблар, кавказ халқлари (адигей, убик, чечен, осетин, лезгин, озарбойжон, арман, грузин), туркманлар,болгарлар, албанлар, яхудий ва греклар ҳам истиқомат қилади. Туркия аҳолисининг кўпгина қисми ислом динини сунна мазҳабига эътибор қилишади.

Маълумотларга кўра, Туркия аҳолиси кейинги даврларда жуда тез кўпайиб бормоқда. 1927 й. 13,6 мин. 1940.да -17,8 млн., 1950 й. – 20,9 млн. 2013 йил 76 млн. кишини ташкил этади. Мамлакат аҳолисининг тезкорлик билан кўпайиши сабабли табиий ўсишнинг юқори даражадалиги билан характерланади. Туркия аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларда яшашади (2/3).

Туркиянинг асосий шаҳарлари: Стамбул (14,3 млн. киши), Измир (5 млн.к), Адана (3,4 млн.к), Конья (3,1 млн.к.), Бурса (3 млн. к.), Анқара, Адана, Газиантель, Эски шаҳар, Куня ва бошқ.

Туркиянинг энг йирик шаҳри Стамбул икки континент яъни Европа ва Осиёни бир-биридан ажратиб турувчи Босфор бўғози қирғоғида жойлашган бўлиб, у иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта стратегик аҳамиятга эгадир.

Туркиянинг давлат тузилиши республика бўлиб, у 1923 йили ташкил этилган. Конститутция бўйича давлат бошлиғи президент ҳисобланади, у парламент орқали 7 йил муддатга сайланади. Туркиянинг биринчи президенти бўлиб Камол Отатурк сайланган. Мамлакатни президент ва ҳукумат бошқаради. Туркия республикаси кўп партияли давлатдир.

Туркия халқининг миллий ва маданий анъаналари (традициялари) хилма-хил. Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг 99 % ислом динига эътиқод қилишади. Шу сабабли диний норма (қоида)лар кишиларнинг ҳар бир ишларига амалда ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, ҳар куни белгиланган соатда бутун мамлакат бўйлаб 5 марта номоз ўқилади. Масжидга кириб номоз ўқиш олдидан ҳар бир мусулмон динига эътиқод қилувчи киши юзини, аёқ-қўлини ювиб (таҳорат олиб), оёқ кийимини ечиб кириши шарт. Масжидга кирганда номоз ўқувчиларнинг кийим бошлари тоза бўлиши лозим. Масжидга ярим ялонғоч ҳолда, майка, шортик, мини юбкада кириш ман этилади. Аёл кишилар узун

кўйлак ва бош рўмолида ташриф буюришади. Масжид ичкарисида эса тинчлик сақлаб, паст овозда сўзлашиш талаб этилади.

Туркияда давлат ва диний байрамлар ҳам нишонланади:

- Янги йил байрами – 1 январ;
- Миллий мустақиллик куни ва болалар куни – 23 апрел;
- Ёшлар ва спорт куни - 19 май;
- Ғалаба байрами куни – 30 август;
- Республика деб эълон қилинган куни - 29 октябр;
- Отатурк хотираси куни - 10 ноябр.

Шу куни эрталаб соат 9^{05} да бутун Туркия мамлакати бўйлаб ҳаракатлар тўхтайди ва бир минутлик жимлик (сукут) сақланади. Автомобиллар, пароходлар, поездлар, завод – фабрикалар сигналлар бериб, сиреналар чалинади.

Диний байрамлар: Рамазон (Рўза) ҳайити, Қурбон байрами ва Шакар (Ширинлик) байрамлари ҳам ўтказилади.

8.4. Туркия туризми, унинг асосий турлари ва тоифаланиши

«Туризм» тушунчаси анча мавҳумроқ характерга эга бўлиб у биринчидан, одамларнинг одатда яшайдиган ва ишлайдиган жойидан бошқа жойга вақтинча кўчиши саналади. «Вақтинча кўчиш» дейилганда шартли равишда бир йилгача бўлган давр тушунилади. Иккинчидан, халқаро туризм статистикасига кўра, хорижий туристларга бошқа мамлакатларга ҳар қандай мақсадда, ўша мамлакатда ҳақ тўланадиган касбий фаолиятдан ташқари, ташриф буюрувчи шахслар (минимум бир кеча тунаш) киради.

Халқаро туризм тараққиёти жараёнида ушбу тушунча турлича талқин этилсада, бу ҳодисани белгилашда қуйидаги мезонлар алоҳида аҳамият касб этади.

Жойни ўзгартириш. Ушбу ҳолатда гап, одатдаги муҳитдан ташқари жойга сафарни амалга ошириш ҳақида бормоқда. Бироқ ҳар куни уйи ва иш жойи ўртасида ёки ўқишига бориб-келадиган шахсни турист деб санаб бўлмайди, чунки бу сафар одатдаги яшаш муҳитидан ташқарида ҳисобланади.

Бошқа жойда бўлиш. Бу ерда асосий шарт шуки, бориладиган жой (манзил) доимий ёки узоқ яшайдиган жой бўлмаслиги керак. Бундан ташқари, у меҳнат фаолияти (ҳақ тўланиши) билан боқлиқ бўлмаслиги зарур. Бу нозик жиҳатни ёддан чиқармаслик лозим, чунки меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган киши хулқ – атвори, турист хулқ – атворидан фарқ қилади ва туризм машғулоти сифатида классификацияланиши мумкин эмас. Унинг яна бир шарти шуки, саёҳатчи ташриф буюрган жойида кетма-кет 12 ой ва ундан кўпроқ вақт турмаслиги керак. Турган ёки белгиланган жойда бир йил ёки кўпроқ вақт туришни режалаштирган шахс туризм нуқтаи назаридан доимий яшовчи киши ҳисобланади ва шунинг учун уни турист деб аташ мумкин эмас.

Ташриф буюрилган жой манбаларидан меҳнатга ҳақ тўлаш. Ушбу мезон моҳияти шуки, сафар бош мақсади бориладиган жой манбаидан, ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиш бўлиши мумкин эмас. Бирор бир мамлакатга унинг манбаидан ҳақ тўланадиган ишга отланган ҳар қандай шахс ушбу мамлакат туристи эмас, **мигрант** ҳисобланади. Бу нафақат халқаро туризмга, балки бир мамлакат доирасидаги туризмга ҳам таалуқли. Бир мамлакат доирасида (ёки бошқа мамлакатга) фаолиятни амалга ошириш учун саёҳатга чиққан ҳар бир киши ўша жой (мамлакат) манбаидан ҳақ тўланадиган бўлса, ўша жой туристи ҳисобланмайди.

Умуман, туризм – бу жойларда бўлган одамлар ва уларни сафар давомида, назарида бўладиган ҳодиса ва алоқалар, муносабатлар жамланмасидир. Бу жой уларнинг доимий ёки узоқ вақт яшаш жойи ҳисобланмайди ва уларни меҳнат фаолияти билан боғлиқ эмас.

1-жадвал

Туризмни қатор мезонлар билан классификациялаш мумкин

Туризм классификация	Қисқача характеристика
Мақсад бўйича	Билиш-маршрутли; спорт – соғломлаштириш; ишга доир ва конгресс – туризм; курортли, даволаниш; фестивал, овчилик, шоп-туризм; диний; ўқув ва бошқ.
Сафарбарлик даражаси бўйича	Кўчма: стационар; аралаш
Иштирок этиш шакли бўйича	Индивидуал; гуруҳий; оилавий
Ёши бўйича	Етук; ёшлар; болалар; аралаш
Давомийлик бўйи	Биркунлик; кўпкунлик; транзитли
Транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича	Автомобилли; темирйўл; авиация; сув транспорти; велосипедли; отлиқ; аралаш воситалар
Мавсумийлик бўйича	Фаол туристик мавсум, мавсум аро; номавсумий
Географияси бўйича	Қитъалараро; халқаро (регионлараро), маҳаллий, чегарадан ташқарида
Ҳаракатланиш усули бўйича	Анъанавий транспорт воситаларидан фойдаланиб, пиёда, экзотик транспорт турларидан (осма йўл, фуникулер, дирижабль, ҳаво шари, дельтаплан) фойдаланиш

Туризмнинг алоҳида турлари ва таърифи. Туризм турлари бўйича саёҳатни классификациялашга имкон берадиган белгилар сифатида мотивацион омиллардан фойдаланиш мумкин. Бундай классификациялаш чоғида кишини сафарга чорлаган асосий мотивдан келиб чиқиш зарур, мотивлар ҳамма вақт бир хилда аниқлансада, туризмнинг бошқарув тизимида унинг ҳар ҳолда қўйидаги турини ажратиш мумкин.

Дам олиш мақсадидаги туризм. Туризмнинг ушбу тур жисмоний ёки организмни руҳий тиклаш мақсадида қисқа муддатли ёки узоқроқ дам олишдан иборат бўлади. Бундан ташқари, ушбу гуруҳга курортли дам олиш ҳам киради ва унда даволаниш ёки кучни тиклаш учун жойнинг табиий хусусияти, иқлими ва денгиз сувидан фойдаланилади.

Маданиятни ўрганиш мақсадидаги туризм. Бегона халқларнинг маданиятини билиш, танишиш кўзланган туризмни билиш ва зиёратчиликка бўлинади. Билиш туризмига тарихий, маданий ёки географик диққатга сазовар жойларга ташриф буюриш хосдир. Билиш мақсадида саёҳатга отланган турисларни ҳамма нарсадан кўра кўпроқ улар ташриф буюрган мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий муносабатлари қизиқтиради. Зиёратчилик туризмининг мақсади эса алоҳида диний аҳамиятга молик жойларга ташриф буюриш ҳисобланди.

Жамоат туризми. Бунда қариндош-уруғлар, танишлар, дўстларникига ташриф буюриш масқадларидаги саёҳат (халқаро терминологияда visiting, frienas and relatives – VFR сифатида маълум), шунингдек клубли туризм тушунилади. Клубли туризм шуниси билан фарқ қиладики, саёҳатчи онгли равишда гуруҳга киради. Гуруҳга бирлашиш спорт дастури ёки одамларни кўнгил ёзиш қизиқишлари бўлганда рўй беради.

Спорт туризми. Спорт туризмига спорт тадбирларида фаол иштирок этиш мақсадидаги сафарлар, шунингдек спорт мусобақаларидаги пассив характердаги сафарлар киради.

Ишга алоқадор туризм. Бу туризм тури касбий ва тижорий қизиқишлари бўйича сафарни амалга оширадиган одамларни бирлаштиради: биржа, кўргазма, ярмаркалар ва ҳ.к. ташриф буюриш.

Конгрессли (сиёсий) туризм. Бу конгрессларда иштирок этиш, дипломатик туризм, шунингдек сиёсий воқеалар ва тадбирлар билан боғлиқ туризмга бўлинади.

Баъзида саёҳатни турли фаолият билан боғлиқ (давомий ва давомий бўлмаган саёҳат) шаклларида туризмни аниқлаштириш зарурияти пайдо бўлади. Бундай ҳолатда шундай классификациялаш учун асосий мезон сифатида саёҳатда бўлиш муддати танланган. Агар саёҳатда бўлиш узоқлиги каби ташки мезон билан фарқланадиган бўлса, унда айтиш мумкин, бу саёҳат туризм турли шаклларига киради. Ташқи мезонлар бўйича шаклларига киради. Ташқи мезонлар бўйича туризм шаклларини ажратиш имконини берувчи кўп имкониятлар мавжуд: туристларнинг келиб чиқиши бўйича ташкилий шакли бўйича, саёҳатда бўлиш узоқлиги бўйича, ёши бўйича, транспорт воситаси бўйича, йил ёки мавсум вақти бўйича.

Туристларнинг келиб чиқишига боғлиқ ҳолда туризм шакллари. Саёҳатчиларни келиб чиқишига боғлиқ ҳолда туризм ички ва халқарога бўлинади. Ушбу ҳолатда «келиб чиқиши» ибораси кишини туғилган жойи ёки миллатини эмас, балки унинг яшаш ва ишлаш жойини англатади.

Туризмнинг ташкил этилишига боғлиқ шакллари. Улар ташкил этилишига боғлиқ ҳолда паушал (бир қиймат учун комплекс хизматлар кўрсатиш) ва индивидуал туризмга фарқланади. **Паушал тур**–бу стандартлашган, олдиндан ташкил этилган комплекс туристик хизматлардир. Индивидуал тур эса уларни турист мустақил ташкил қилади ва амалга оширади. Худди шундай турлар бир кишилик деб ҳам аталади. Аммо у ёлғиз саёҳат қилиш дегани эмас, гуруҳ бўлиб, оила билан саёҳат қилиш мумкин, лекин бундай саёҳат бир кишилик деб аталади.

«Индивидуал туризм» тушунчаси кўпинча «оммавий туризмга» қарши қўйилади. Оммавий туризм дастлаб туризмда кўп одам иштирок этишини билдирган. Вақт ўтиши билан бу тушунча салбий кўриниш тусини олди. Ҳозирги вақтда оммавий туризм салбий маъно касб этади. Энг аввало, паушал туризм, бу тушунча туфайли индивидуал туризм ва оммавий туризм иштирокчилар сони бўйича туризм шаклини ажратишга энди мақбул келмайди.

Узоқ муддат бўлишга боғлиқ туризм шакллари. Давомий бўлишга боғлиқ ҳолда туризмни классификация шаклларидан ҳисобланади.

Саёҳат давомийлиги вақтга киритилади, қайсиким турист сафар чоғида ёки ташриф буюрган жойига олиб борса уни мамлакатда сарфлайди. Бир кунлик саёҳат қуйидаги тарзда классификацияланади: камида уч соат; уч-беш соат; олти-саккиз соат; тўққиз-ўн бир соат; ўн икки соат ва ундан кўпроқ.

Тунаш билан ўтадиган саёҳатни эса қуйидаги тарзда классиикациялаш мумкин: 1-3 кеча; 4-7 кеча; 8-28 кеча; 29-91 кеча; 92-365 кеча. Давомий саёҳат одатда, давомий бўлмаган сафарлар билан тўлдирилади. Давомий бўлмаган сафарларга транзит сафарлар, бир кунлик сафар ва қисқа вақтли туризм киради.

Транзит туризм – бу туристларнинг мўлжалланган манзилга боришда йўл-йўлакай тўхтаб ўтишидир. Бир кунлик туризм – бу куннинг ёруғ вақтида давом этадиган тур: у тунаш учун тўхташни кўзда тутмайди. Давомий бўлмаган туризмнинг алоҳида муҳим шакли – қисқа вақтли туризмдир.

Қисқа вақтли туризм ўз ичига ишбилармонлик туризми ва дам олиш кунларидаги сафарларни олади. Сафарлар иш юзасидан ёки шахсий мақсадларда амалга оширилишидан қатъий назар, уларнинг ўртача давомийлиги 2-4 кунни ташкил этади; яъни минимал бир кеча, максимал уч кеча тунашни ичига олади.

Саёҳатчилар ёшига боғлиқ туризм шакллари. Туризм шаклларини классификациялаш чоғида саёҳатчилар ёши ҳам ҳисобга олинади. Ёш шкаласи бўйича туристларнинг қуйидаги гуруҳлари фарқланади:

- ўз ота-оналари билан саёҳатга чиқадиган болалар;
- ёшлар (15-24 ёшдаги туристлар);
- нисбатан ёш, 25-44 ёшдаги иқтисодий фаол кишилар;
- ўртача ёшдаги (45-64) иқтисодий фаол кишилар;

- одатда, болаларсиз саёҳатга чиқадиган кишилар);
- пенсионерлар (65 ва ундан катта ёшдагилар).

Транспорт воситасига боғлиқ туризм шакллари. Туристларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш учун фойдаланиладиган транспорт воситаларига боғлиқ ҳолда туризмнинг қуйидаги шакллари фарқланади: авиатуризм, автобусли, темирйўл, автомобил ва денгиз транспорти туризми.

Йилнинг вақтига боғлиқ туризм шакллари. Йилнинг вақтига қараб қишки ва ёзги туризм фарқланади. Туризм шаклининг мавсумий классификацияси туристик хизматларга йил давомида талабнинг тебраниб туришини кўрсатади. Амалга ошириладиган сафарлар вақтининг максимал сони туристик мавсум дейилади, саёҳат камайган давр эса мавсумлараро дейилади. Ҳар хил регионларда туристик мавсумлар мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин.

Таклиф этилган олти мезондан ташқари бошқа нуқтаи назарлар ҳам мавжудки, шакллар бўйича саёҳатни классификациялашга имкон беради. Бутунжаҳон туристик ташкилоти туризмни тўлароқ классификациялаш учун қўйидаги типлар бўйича иш кўришни таклиф қилади:

- ички туризм – бирор-бир регион аҳолисининг ушбу регион бўйича саёҳати;
- кириш туризми – бирор – бир мамлакат бўйлаб унинг яшовчиси бўлмаган шахсни саёҳати;
- чиқиш туризми – бирор-бир мамлакат аҳолисининг бошқа мамлакатга саёҳатга чиқиши.

Туризмнинг бу асосий типлари туризм категориясини ҳосил қилиб турлича кўриниш олиши мумкин.

Ушбу категория туризми нафақат бирор-бир мамлакатга, балки регионга ҳам тегишли бўлиши мумкин; «регион» атамаси бирор-бир мамлакат доирасидаги қандайдир районга ёки мамлакатлар гуруҳини ҳам англатади. «Мамлакатлар доирасида туризмни» белгилаш ички ва кириш туризмини ўз ичига қамраб олади; «миллий туризм» – бирор-бир мамлакатдаги ички ва чиқиш туризми; «халқаро туризм» – мамлакатлараро кириш ва чиқиш туризми.

Туристлар классификацияси. Туристик бизнесни ўрганишда қуйидаги саволларга тўғри жавоб бериш жуда муҳим: ким ва қандай туристик хизматлардан фойдаланилади? Бунда ўйлаб кўриш лозим, турли оилалар вакиллари бир хилда дам олишадими ва туристик маҳсулотга уларнинг эҳтиёжи мос келадими. Бир хилдаги жавоб йўқ. Шу муносабат билан барча туристларни қуйидаги белгилар бўйича классификациялаш мумкин:

- уларнинг фаолиятига қараб;
- турмуш тарзига қараб.

Таътил вақтида туристлар орасида уларнинг фаоллигига қараб, олти гуруҳга ажратилади:

- **Хотиржам дам олиш ишқибозлари.** Уларнинг вакиллари таътилда кундалик ташвишлардан озод бўлиш ва кўнгилли вазиятда хотиржам дам олиш учун жўнайдилар. Улар бегоналар ва одамлар гавжум бўлишини ёқтиришмайди. Хотиржам дам олувчи таътилчиларни қуёш, қум ва денгиз жалб этади;
- **Ҳузур – ҳаловат ишқибозлари.** Бу типга мансуб бўлганлар жуда синчков туристлардир. Улар дам олиш пайтида хилма-хил ҳузур-ҳаловатларни қидириш билан банд бўлишади ва гавжум давра муҳитини маъқул кўришади. Кўпинча илтифотли сўзлар айтиш, узоқ сайр қилиш, тунги кўнгилхушликлар уларга хосдир;
- **Фаол дам олиш ишқибозлари.** Бу гуруҳга кирувчи туристлар табиатни жуда севишади ва ўз танига фаол юк яратадилар. Вазмин ҳаракатни ва тоза ҳавода бўлишни мақбул кўришади;

- **Спортли дам олиш ишқибозлари.** Фаол дам олувчилардан фарқли равишда спортчи туристлар бутун диққат эътиборини мусобақаларга қаратишади. Улар учун спорт жуда муҳим – доимий эрмаги, улар жисмоний зўриқишдан чўчишмайди;
- **Билиш, ўрганиш мақсадида дам олувчилар.** Ушбу тип туристлар ўз билим даражасини ошириш, янгиларни билишдан манфаатдордирлар.
- **Саргузашт ишқибозлари.** Камгина ўткир ҳиссиёт ишқибозларигина ёлғиз жаҳонгашталикка йўл олишади. Бу билан улар ўзларини жиддий тавакалчиликка маҳкум этадилар. Саргузашт талаб типларга шундай туристларни киритиш мумкинки, маълум таваккалчилик билан улар ғайриоддий таасуротлар қидиришади;
- **Таваккалчилик** – улар учун ўзини синаб кўриш имкониятига эга бўлган туристлардир.

Гуруҳлар бўйича туристларни классификациялаш уларнинг турмуш тарзига кўра типларини ажратишга янада чуқурроқ ёндошувни кўзда тутади, чунки кишини ва хулқи – атворини юзакигина қараб чиқиб бўлмайди, унинг ҳаётий позицияси, турли нарсаларга муносабати ва хоҳиш-истакларини билиш ҳам муҳим.

Туристларни турмуш тарзитга кўра гуруҳларга ажратишда қандайдир алоҳидаги мезонларр асос қилиб олинмайди, балки кишининг ўз ҳаётига умумий муносабатлари мезон бўлади. Бу жуда мушкул иш, жамиятдаги иқтисодий вазият ва тенденциялар сингари вақт ўтиши билан кучли ўзгаришга маҳкум этилган.

Турмуш тарзига кўра туристлар тўрт гуруҳга ажратилади: ҳузур-ҳаловат ишқибозлари, тенденциоз, оилавий ва мутлоқ дам олувчи туристларга бўлинади. Ушбу классификациялашда шуни назардан қочирмаслик керакки, ажратилган гуруҳлар доимий равишда ўзгаради ва улар ўртасидаги чегара жуда нозик ва яқин бўлади.

Ҳузур - ҳаловат ишқибозлари. Ушбу гуруҳ вакиллари дам олиш сифатига жуда юксак талаблар қўйишади. Улар учун саёҳат – бу ўзлигини намоён қилиш усули. Дам олишдан улар ҳузур олишни исташади, ўзларини айрим бўшашишларига йўл қўйишади ёки спортга зўр беришади.

Тенденцияли туристлар. Ушбу гуруҳга кирувчи туристлар учун дам олиш – бу ўзини шахс сифатида намоён этиш ва бунга имкон топиш ҳисобланади. Булар юксак талаблар билан дам олувчилар, аммо «Ҳаётдан лаззатланувчилар» дан фарқли равишда уларга люкс класс шароитлари керак эмас. Улар табиат баҳрида, сокинлик билан ёлғиз қолишни ёқтиришади ва рухий енгиллик олиш имконини қидиришади. Улар ўз атроф-муҳит муаммоларини англашади, ташриф буюришни мўлжаллаган регионнинг маданияти ва сиёсати билан қизиқишади.

Оилавий туристлар. Ушбу гуруҳга мутлақо оилалар болалари билан киришади. Оилавий туристлар ўз таътилларини оила, дўстлар, қариндошлар даврасида ўтказишни яхши кўришади. улар қулай хизматларни хотиржам сотиб олишади, ўзларига ҳалақит берувчиларни ёқтиришмайди. Кўпинча ўзларига ўзлари хизмат кўрсатишади.

Ҳамма биргаликда дам олувчилар. Ушбу тип туристлар учун муҳим шарт - дам олиш имконияти ҳисобланади. Ушбу гуруҳга нисбатан пассив туристлар киради. Қайсиким ўз таътилларини анаъанавий усуллар билан ўтказишади: жим-житлик билан қаноатланади, узоқ ухлашади, лаззатли ва мўл тановул қилишни ёқтиришади, қисқа сайр ёки яқин атрофга сафарни амалга оширишади.

8.5. Туркия курорт меҳмонхоналарида туристларга анимацион хизматлар кўрсатиш

Юқорида айтиб ўтилганлар шундай фикрга олиб келадики, туристга айланган ҳар бир киши қандайдир маънода ичдан ўзгаради. Шундай экан, Ўртаер денгизи бўйларида жойлашган кўпчилик турк меҳмонхоналари олдинда турган дам олишдан нафақат организмни жисмоний ва руҳий тиклашни, балки яна ўз мамлакатида кундалик турмушда учрамайдиган алоҳида ва ғайриоддий нималарнидир кутаётган хорижликларга

мўлжалланган. Ўша меҳмонхоналар улар кўришни истаётган мутлоқа ўзга олам, сирли ва ҳузурбахш жой, унинг бағрида икки-уч ҳафта яйраб хордиқ чиқариб, кундалик турмушларидаги одатдаги ташвишларидан холи бўладиган шинам маскан бўлмоғи лозим.

Туристларни қабул қилувчи меҳмонхоналар раҳбарияти олдида турган асосий вазифалардан бири ҳам ўша кутилаётганларни алдамаслик. Шунинг учун ҳам меҳмонхоналарда нималар қилинаётган бўлса, максимал шинам шароит яратиш, дам олувчилар учун бир умр эсида қоладиган байрамона муҳит ташкил этишга йўналтирилмоқда. Бу эса туристларни яна яхши дам олиш шу жойларни танлашига имкон яратади. Ушбу вазифаларни меҳмонхоналар барча хизматларни биргаликда амалга оширадилар. Ресторан ходимларидан тортиб, уларни келган куни кутиб олувчи хизматкорлар, фаррошлар, қўриқлаш ходимлари, меҳмонхоналарга келиш хавфсизлигини таъминловчилар, овқатланиш хизмати ходимлари, менежерлар ва бошқа хизматлар ходимларигача ҳамма яхши таассурот қолдирадиган муҳит яратишга интиладидилар. Яъни улар туристларни дам олишдан қониқиши яхши таассурот олиши ҳар бирининг ўз соҳасида сидқидилдан хизмат кўрсатишига боғлиқ жамлигини яхши ҳис қиладилар.

Шу боис, меҳмонхона ходимларини ўқитишда касбий билимлардан ташқари, одоблик, хушмуомилалик, эътиборлик, тезкорлик фазилатлари пайдо бўладиган муаммоларни дарҳол ҳал этиш кўникмалари ҳосил қилишга менежерлар алоҳида эътибор берадилар. Токи туристлар ўзларини азиз меҳмонлиги, ҳамма хоҳиш – истаклари бажарилишини ҳис қилишсин. Яхши дам олишнинг психологик муҳитини яратишнинг муҳим шарти хизмат кўрсатувчиларнинг доимо хушмуомилалик, очиқ чеҳра билан меҳмонларга муносабатда бўлишлари меҳмонхона нуфузини оширади. Унинг хизмат кўрсатишида ҳашам ва хилма-хил жозибадорлик бахш этади.

Бундан ташқари, меҳмонхона маъмурияти ҳар бир мижозга индивидуал ёндошишга асосланиб ишларни ташкил этишга интилади.

Меҳмонхоналарда туристларни туғилган кунлари билан табриклаш тадбири. Мижозларни руйхатга олиш варақасида асосан ходимлар меҳмонларнинг отелда дам олиш даврига тўғри келган туғилган кунларини аниқлашади. Уларнинг ҳар бирига олдиндан табрик откриткалари тайёрланади, ундан сўнг ресторанда байрам дастурхони ёзилади. Торт буюрилади, меҳмон шаънига мусиқа садолари янграйди, кечада аниматорлар саҳнада туриб туристларни табриклашади ва эзгу тилакларини изҳор этишади. Меҳмонхонага қайта-қайта келувчи туристлар «**repeat guests»** деб аталишади. Бундай мижозлар номерга жойлашиши олдидан хонага маъмурият откритка ва саватча мева – чевалар жўнатишади. Меҳмонхоналарга яна такрор келган туристлар миннатдор ва азиз меҳмонлардир. Демак ўтган сафар улар ушбу меҳмонхона шароити ва кўрсатилган хизматлардан хурсанд бўлиб кетишганки, яна қайта ташриф буюришибди. Турк отеллари хилма-хиллигини танлаш имкони туристни яна бирор бир таътил дам олишини шу ерда ўтказишга даъват этади. Шу билан бирга, улар таниш – билишларига, ҳамкасбларига дам олишни ана шу жойларда ўтказишни тавсия қилишади. Шунинг учун ҳам меҳмонхона маъмурияти такрор келувчиларга янада яхшироқ хизмат кўрсатилишига бундай ишлардан туристлар сони янада кўп бўлишига алоҳида эътибор билан қаратади ва албатта, маъмурият бундан манфаатдор бўлишади.

Меҳмонхоналар туристлар тўғрисидаги барча маълумотлар отел компьютер базасига киритилади. Маъмурият ўз маълумотлар банкидан фойдаланган ҳолда меҳмонлар билан ёзишмалар олиб боради: уларни туғилган куни, байрамлар билан табриклайди, келажак мавсумидаги янгиликлар ҳақида хабардор қилади, таътил даврида отелга ташриф буюришини сўраб, хизматларга чегирма таклиф қилади. Меҳмонхона маъмурияти бундай меҳмонларга имтиёзлар беради, меҳмонхонада эса энг яхши номерни ажратади. Меҳмонхоналар хизматлар учун сезиларли даражада чегирмалар тақдим этади.

V.I.P. мижозлар алоҳида ёндошувни талаб қилади. Ушбу номнинг ўзи кўп нарсани англатади. Бу жуда муҳим одамлар – сиёсий арбоблар, артистлар, йирик бизнесчилар ва бошқа кенг таниқли шахслардир. Меҳмонхона маъмурияти уларни кутиб

олишга олдиндан тайёргарлик кўради, хонага шампан, меваларни юборади ва қўшимча хавфсизлик чораларини кўради. Ушбу тоифадаги меҳмонхоналарга қўшимча хизматларни таклиф қилади. Уларга махсус **alacarte** ресторанларида жойни бронлайди. Меҳмонларни аэропортга элтиб қўйиш ва бошқа хизматларни ташкил этади. Меҳмонхонага V.I.P. мижозларнинг ташрифи меҳмонхона нуфузини оширади, унинг даромадини сезиларли даражада кўпайтиради, меҳмонхонанинг ривожланиши суръатларига ижобий таъсир кўрсатади. Меҳмонхоналар инфратузилмаси мижозлар учун самарали дам олишни ва кўнгилдагидек яшаш учун зарур барча хизматларни ўз ичига олади. Меҳмонхона категорияси қанча юқори бўлса, хизмат соҳасига шунча катта талаблар қўйилади. Меҳмонхона бу ўзига хос мини-шаҳарча бўлиб, унинг меҳмонларга кечаю – кундуз тиббий хизмат кўрсатадиган ўз доктори, мини болалар боғчаси – энагаси, тарбиячиларига эга. Улар ота-оналарга тўлақонли дам олиш, хотиржам ҳордиқ чиқариш учун болаларга ғамхўрлик қилиш шароитлари – сартарошхона, ўз ассортиментида хилма-хил товарларга эга магазинлар, сауна, бар, дискотека, спорт жиҳозлари, барчаси турли мамлакатлардан келган энг нозик таъб,туристларни ҳам мириқиб дам олишига хизмат қилади. Ҳар бир меҳмонхона меҳмонларнинг хавфсизлиги ва тинчлигини кафолатловчи қўриқлаш хизматларига эгадир.

Туркия меҳмонхоналарида яна бир муҳим хизмат – guest relatios. Ушбу хизмат меҳмонлар ва меҳмонхона маъмурияти ўртасида воситачи ҳисобланади. Меҳмонхонада яшаш даврида вужудга келадиган барча муаммолар – эътирозлар, истаклар, таклифлар, талаблар билан туристлар айнан ана шу хизматга мурожаат қилади. Ушбу хизмат ходимларининг вазифаси – диққат билан тинглаш, ёрдам қилишга интилиш, юзага келган муаммоларни дарҳол, аниқ ҳал этиш. Бундан ташқари, хизмат талабларни туристларнинг дид ва истакларини ўрганиш, ишда аниқланган қандайдир салбий ҳолатларни бартараф этиш учун меҳмонларни анкеталаштиришни ўтказади. Бу меҳмонхона барча хизматлари ишини пухта ташкил этиш, сервисни такомиллаштириш ва яхшилашга ёрдам беради. Меҳмонхонада у ёки бу психологик муҳитни яратувчи одамлар – **аниматорлар** ҳисобланишади. Уларнинг вазифаси туристларга қулайлик, ҳузур-ҳаловат, завқ-шавқ ва алоҳида кайфият яратишдан иборат бўлади.

Анимацион хизматларни ташкил этишда аниматорнинг шахсий сифатлари ва касбий маҳорати. Меҳмонхона ходими ва туристлар ўртасидаги ўзаро ҳаракат жарарёнида меҳмонларда отелга, унда ўрнатилган тартибга, сервисга, ўзлари учун махсус яратилган барча шароитларга муносабат шаклланади. Демак уларда дам олишга иштиёқ уйғонади. Меҳмонларни қабул қилувчи меҳмонхона барча ходимларининг касбий маҳоарти ва хушмуомилалилига кўп нарса боғлиқ: шунга қараб турист бу меҳмонхонага яна бир бор келиш – келмаслигини белгилайди. Ушбу меҳмонхонада қисқа муддатли дам олишни турист узоқ вақт эслаб юриш-юрмаслиги кўп жиҳатдан мутахассис – аниматорлар квалификациясига боқлиқ бўлади.

Анимация – Туркия меҳмонхона хизматларида бутун бир тармоқ бўлиб, барча клуб-отел сервиси (ресторан, спорт майдончалари, бассейн в ҳ.к.)нинг ажралмас қисми бўлади. Аниматорлар ўз моҳиятига кўра – оммавий кўнгилхушликларни ташкил этувчилардир. Улар меҳмонлардан ҳеч бири зерикиб қолмаслиги учун ёлланадилар. Бир сўз билан айтганда аниматор-жамиятнинг жони-дили, омма кайфиятини юқори даражада таъминловчи киши. Ушбу сўз – **«анима»** лотинчадан олинган бўлиб, **«жонлантирувчи», «руҳлантирувчи»** маънони англатади. Шундан келиб чиқиб, аниматорлар жамоаси ўз хизматларидан меҳмонлар мамнун бўлиши учун бор маҳоратларини ишга соладилар.

Аниматор – артист, унинг бутун фаолияти доимий равишда – ҳар куни, ҳар дақиқа, ўн-ўн беш соат давомида бор куч ва маҳоратини ишга солишни талаб қилади. Бундай қизғин ва жўшқин фаолликни ҳар ким ҳам кўтараолмайди. Шунинг учун ҳам аниматорлар ишини яхши ташкил этиш жуда муҳим.

Туркия меҳмонхоналарида анимация менежменти таркиби қуйидаги кўринишда ифодаланади:



Анимация тизимида бошлиқ анимация бўйича менежер. У бевосита бош менежерга буйсунади. У эса ўз навбатида меҳмонхона эгасига буйсунади.

Кенг профилли мутахассис сифатида анимацион фаолият менежери аҳоли турли ижтимоий-мадний қизиқишларини қониқтириш ва ривожлантиришга қаратилган. У мақсадли анимацион дастурлар ва уларни амалга ошириш учун ижттимоий технологияларини ишлаб чиқади, туризм соҳасида инновацион ҳаракатни рағбатлантиради ва маданий-эстетик ижодкорликни ривожлантиришнинг самарали педогигк методларини жорий этади. Аниматор мутахассисининг принципиал хусусиятлари шундаки, у социология, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, ҳуқуқ, бошқарув назарияси, режиссура асослари ва бошқа қатор жамоатчилик аҳамиятига эга билимларни пухта билиши лозим. Бугунги кунда бу нуфузли фанлар фақат мақсадгина эмас, ижтимоий-маданий фаолиятнинг етакчи метафункцияларини амалга ошириш воситаси ҳамдир – кишини дунё маданияти ютуқлари билан таништиради, унинг дунё жаҳоний ижодий потенциалини ривожлантиради.

Менежер – аниматор вақтинча жамоани бошқарув психологик – педагогик асосларини билиши керак. Қайсиким хилма-хил туристик жамоаларда ишлайди ва етакчи бўлади. Чунки ушбу жамоалар ёши, маълумоти, ижтимоий мавқеи жиҳатидан бири-биридан фарқ қилади. Аниматор ўша атрофидагиларнинг фикрига таъсир эта олиши керак.

Етакчиликка мойиллик муҳим аҳамиятга эга, айнан: ташаббус кўрсата олиш маҳорати, бошқалар диққатини жалб эътиш ва йўналтира олиш, уларга ҳал қилиш йўлларини таклиф этиш, ўз тарафдорлари тилида сўзлаша олиш қобилияти шулар жумласидандир.

Менежер – аниматорлар юқори ишчанлик сифатига, одамлар психологиясини чуқур билиш, изчил йўлга қўйилган шароитларда амалий иш кўникмаларига эга бўлиши зарур.

Анимация бўйича менежерга бўйсунади:

- методист-аниматор (хореограф) у сценарийлар тайёрлаш билан шуғулланади ва шоуларни саҳналаштиради. Костюмлар ишлаб чиқади ва репетициялар ўтказади;
- ташкилотчи – аниматор, у анимацион фаолият жараёнларини зарур барча нарсалар билан билан таъминланишини ташкил қилади.

Анимацион жамоанинг бевосита бир қисми ҳисобланган одамлардан ташқари, томошанинг янада қизиқарли чиқиши учун рассом ҳам (агар у аниматаорлар орасида бўлмаса) ёрдам беради. У томошага декорациялар ўйлаб топади, унга анонслар, афишалар чизади. Шунингдек тикувчи ҳам иштирок этади, у аниматорларнинг оқшомги либосларини тикишга жавоб беради.

Аниматор бўлиш осон эмас. Аниматор аввал бошдан маълум иш кўникмалари ва маҳоратга эга бўлиши лозим ва ушбу ишга руҳан тайёр бўлмоғи зарур. Янгилар ана шуларнинг барисига – тил тўсиқларини енгиб ўтишдан тортиб, ўз персонажларини маҳорат билан ўйнаш санъати даражасигача ўқитилади, ўргатилади. Бундан ташқари, махсус семинарлар ва рақс бўйича амалий машғулотлар ўтказилади, мавсумга дастурлар ишлаб чиқилади. Спорт ўйинлари ва мусобақалар ўтказиш тадбирлари тузилади. Ҳар икки ҳафтада анимацион дастурлар алмаштирилади, шунинг учун ҳам аниматор иш кунлари жуда тиғиз ўтади.

Тонг соат еттидан бошланади. Шахсий гигена, зарядка, нонушта. Эрталаб соат тўққизда аниматорлар йиғилишга тўпланишщади, унда кун бўйи қилинадиган ишларнинг ташкилий масалалари ҳал этилади, шундан кейин меҳмонлар билан мулоқотга киришилади ЙОГ машғулотлари, эрталабки гимнастика ўтказилади.

Тушликдан кейин бассейнда сув гимнастикаси – танаффус то кечки овқатгача, кечки овқатдан кейин эса ранг-баранг анимацион дастурга навбат келади: спектакль, меҳмонлар билан рақс, барларда гурунг, кўнгилочар шоулар.

Аниматорлар билан қўшиқчилар, профессионал раққослар, мусиқачилар бирга ишлайдилар, кўпинча уларни отел маъмурияти оқшомга махсус таклиф этиб, ҳақларини тўлайди. Аниматорларнинг иш ҳақлари эса иш тажрибасига қараб ҳар хил бўлади: рақс тушмайдиган, фақат одамларнинг кўнглини ёзадиган аниматорга 250-300 доллар маош таклиф этилиши мумкин. Рақс тушадиган, қўшиқ куйлайдиган, мусиқий асбобларни чаладиган, ҳеч бўлмаса инглизчани биладиган (немисча билса яна ҳам яхши) аниматор эса ойига 600 доллар ва ундан кўпроқ ишлаши мумкин. Рус тилини билиш ҳам жуда муҳим – ёзда отеллардаги меҳмонларнинг 70 % гачаси рус тилида сўзлашувчи туристлар бўлишади. Шунинг учун аниматорлар орасида МДҲ мамлакатларидан етарли даражада одамлар кўп.

Клуб дам олиши тизими яхши ривожланган бўлса, анимацион фаолият соҳасида катта миқдорда мутахассислар талаб этилади. Кўп жиҳатдан. аниматор фаолияти туристлар ижодкорлигини ривожлантириш, анимацион фаолият мазмундорлигини ошириш замин талабларини ҳисобга олган ҳолда иш янги шаклларини қидириш, моддий ва ифодали воситалардан тўлиқ ҳажмда фойдаланишга қаратилган.

Агар туризм соҳасидаги ходимларни қизиқарли ва жозибадор дастурлар билан қуроллантирилса, ёш ва психологик хусусиятлар, маҳаллий анъана ва бошқа мамлакатлар анъаналари ҳисобга олинса, бу туризмни янада оммавий қилишга имкон беради. Ўз соҳасига аҳоли барча ижтимоий қатламларини, шу жумладан, ёшларни жалб этишга катта уфқлар очади.

Ушбу бобда дастурли туризм ва меҳмонхоналарда анимацион хизмат кўрсатишни кўриб чиқар эканмиз, биз шундай хулоса чиқарамизки, ҳозирги дунёда туристик хизматлар кўрсатишда шафқатсиз рақобат шароитида меҳмонхоналар комплексини уларда анимацион фаолият ташкилисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Туркиянинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити ҳақида маълумот беринг.
2. Туркиянинг табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Туркияда туризмни тараққий эттириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?
4. Туркиянинг аҳолиси, унинг миллий хусусиятлари, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш жиҳатлари қандай?
5. Туркия туризм тараққиётида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрнини аниқланг.
6. Туркияда туристларни жойлаштириш воситаларининг асосий ҳусусиятлари, имкониятлари ҳамда афзалликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?

7. Туркияда туристларни овқатлантириш тизими, ресторанлари ҳамда миллий таомлари ҳақида маълумот беринг.
8. Туркиянинг сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш инфратузилмаси қандай ривожланган?
9. Туркия туризми: унинг ривожланиш динамикаси ва асосий йўналишлари ҳақида гапириб беринг.
10. Туркиянинг асосий туристик районлари ва марказлари ҳақида маълумот беринг.
11. Туркиянинг миллий байрамлари ҳақида нималарни биласиз?
12. Туркия курорт меҳмонхоналарида туристларга анимацион хизматлар кўрсатиш ҳақида маълумот беринг.

IX БОБ. ҲИНДИСТОН ТУРИЗМИ

9.1. Ҳиндистоннинг табиий - иқлим шароити
9.2. Ҳиндистоннинг табиий, тарихий ва маданий ресурслари
9.3. Ҳиндистон аҳолиси
9.4. Ҳиндистон туризми инфратузилма тармоқлари
9.5. Ҳиндистон туризми: унинг асосий йўналишлари ва марказлари

9.1. Ҳиндистоннинг табиий - иқлим шароити

Географик ўрни. Ҳиндистон Республикаси Жанубий Осиёдаги мамлакат бўлиб, у Ҳиндистон ярим оролида жойлашган. Унинг умумий ер майдони 3,3 млн. кв.км.ни ташкил этади. Ҳиндистон майдонининг катталиги жиҳатидан дунё мамлакатлари ўртасида Россия (17,1 млн. кв.км), Канада (10,0 млн. кв.км), Хитой (9,6 млн. кв.км), АҚШ (9,5 млн. кв.км), Бразилия (8,5 млн. кв.км) ва Австралия (7,7 млн. кв.км) дан сўнг еттинчи ўринни эгаллайди. Ҳиндистоннинг қуруқликдаги чегаралари шимолдаги баланд осмон ўпар Ҳимолай тоғларидан бошланиб, то у мамлакатнинг жанубидаги Коморин бурнигача чўзилиб ётади. Шимолдан жанубгача бўлган ҳудудининг умумий узунлиги 3214 км, ғарбдан шарқгача бўлган масофаси 2933 км.ни ташкил этади. Мамлакатнинг сув билан ўралган қирғоқ чизиқлари 7517 км бўлиб, шундан 5423 км қуруқлик (континентал) қисмига тўғри келади. Ҳиндистон ғарбда Арабистон денгизи, шарқда Бенгалия қўлтиғи, Жанубда эса Ҳинд океани сувлари билан ўралиб туради. Қуруқликда у шимолий томонда Афғонистон, Хитой, Непал, Бутан, шарқий қисмида – Мъянма (Бирма), Бангладеш, ғарбда эса Покистон мамлакатлари билан чегараланади.

Табиати. Ҳиндистон табиати хилма-хил бўлиб, уни ҳудудининг 3/4 қисмини текислик ва ясси тоғликлар ташкил этади. Ҳиндистон ҳудуди табиатига кўра тўрт хил минтақага бўлинади:

- Декан ясси тоғлиги;
- Ганг дарёси бўйи паст текисликлиги;
- Ҳимолай тизма тоғлари;
- Тар саҳроси.

Декан ясси тоғлиги Ҳиндистон ярим оролининг деярли бутун қисмини эгаллаб олган бўлиб, у ғарб томондан бошланиб (Ғарбий Гат тоғлари), шарққа (Шарқий Гат тоғлари) томон 900 метр баландликдан то, 300 метргача пасайиб боради ва ўрмонзорлар билан қопланган.

Ганг дарёси бўйи паст текислиги кенг аллювиал (ётқизиқли) унумдор тупроқ қатламидан иборат бўлган водий ҳисобланади. Ганг дарёси водийнинг қўйи қисмида ўз ирмоғи Брахмапутра дарёси билан бирлашади. Бу икки дарё мамлакатнинг ҳудудидан ташқарида (Бангладешда) энг йирик Бенгал дельтасини ҳосил қилади. Ганг дарёси водиси Ҳиндистоннинг энг кўп ва аҳолиси зич жойлашган ҳудуди бўлиб ҳисобланади.

Ҳимолай тизма тоғлари Ҳиндистоннинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда улар дунёдаги энг баланд тоғлар (Нангапарбат тоғи – 8426 м., Қорақурум – 8611 м.) туркумига киради.

Ушбу ҳудудда Ҳиндистоннинг Джамму ва Кашмир штати жойлашган. У ҳозирга қадар Ҳиндистон, Покистон ва Хитой мамлакатлари ўртасида баҳсга сабаб бўлиб келмоқда.

Тар саҳроси Ҳиндистоннинг ғарбий қисмида Ҳинд дарёси водийси билан Аравалли тоғлари ўртасидаги ҳудудда жойлашган. Ушбу ҳудуд экваторга яқин бўлганлиги сабабли, унинг қўйи қисмида ҳаво ҳарорати жуда юқори даражада бўлади. Қиш мавсумида ўртача ҳаво ҳарорати 23^0 С ва ёз ойларида эса у 27^0 С, яъни деярли бир хил даражада кузатилинади.

Иқлими. Ҳиндистон мамлакати жуда катта ер майдонига эга бўлганлиги сабабли унинг ҳудудида бир неча хил иқлим зоналарини учратиш мумкин. Жумладан, Ҳиндистон ярим оролининг ғарбий қисмида (Мумбайдан тортиб, то Тривандрумагача) иссиқ, нам иқлим, Раджастан Джамму ва Кашмир штатларида иссиқ, қуруқ иқлим, ярим оролнинг шарқий қисмида ўртача нам иқлим, Панжоб текислигидан тортиб то Декан ясси тоғлигининг ғарбигача бўлган ҳудудларда ўртача қуруқ иқлим ҳукмронлик қилади.

Ҳиндистон тропик ва суб тропик иқлим поясларида жойлашганлиги, баланд, осмон ўпар Ҳимолай тоғлари орқали ер шарининг шимолий қутбдаги Арктика совуқ ҳаво оқимларидан тўсилганлиги сабабли, у дунёдаги энг иссиқ типик муссон иқлимига эга бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Бутун Ҳиндистон территорияси учун учта мавсум характерли бўлиб, у қуйидагилардан иборат: **совуқ мавсум** (ноябр – феврал ойлари); **иссиқмавсум** (март – май ойлари); **ёмғирли мавсум** (июнь – октябр ойлари). Совуқ мавсум даврида ўртача ҳаво ҳарорати 15^o – 20^o бўлади. Иссиқ мавсум даврида ҳарорат 32^o–42^o атрофида кузатилади. Ёмғирли мавсумда эса у 30^o – 32^o ни ташкил қилади. Мамлакатнинг паст текислик қисмларида январ ойининг ўртача температураси (шимолида, жанубий қисмида эса 27^o гача кўтарилади. Май ойида 28^o – 35^o га етади. Мамлакат бўйлаб ёғин – сочин ҳам бир текисда ёғмайди. Унинг ғарбий қисми (Тар саҳроси) да 60 – 100 мм, Марказий қисмида 300 – 400 мм, Шарқий Ҳимолай ва Гат тоғ ёғинбағирларида 3000 – 6000 мм, Черапунджи (Шилонг платоси) минтақасида ҳатто 12000 мм гача йиллик ёмғир ёғади.

Мамлакатда муссон иқлими халқ хўжалигига ва кишилар ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Бу даврда бир йиллик ёғин – сочиннинг 70 – 80 % ёғади. Тўхтовсиз ёққан ёмғир 4 ой (июн – сентябр) давом этиб, мамлакатга сайёҳларнинг келиб – кетиши бирдан пасайиб кетади ва туристик корхоналар иқтисодига катта зарар келтиради. Октябр – ноябр ойлари – муссондан кейинги давр ҳисобланиб, бу даврда ёғин – сочинларнинг ёғиши тўхтайди. Қишки мавсум (декабр – январ, қуруқ ва салқин бўлиб, бу пайтда мамлакат бўйлаб мевали дарахтлар, ўсимликлар гуллайди, туристларнинг келиш – кетиши кўпаяди. Қишки мавсум даврида ғалла экинлари экилади. Март – майлари жуда иссиқ ва қуруқ бўлиб ҳаво ҳарорати 35^o дан ошади ва айрим пайтларда эса 40^o гача кўтарилади.

Ҳиндистоннинг сув ресурслари - дарёлар, музликлар, денгизлар ва океан сувлари бўлиб ҳисобланади. Мамлакатнинг энг йирик дарёлари қаторига Ганг (2510 км), Брахмапутра (2900 км), Ҳинд (2879 км), Нарбада, Годавари, Кришна, Маханда, Кавери ва бошқалар киради. Ҳиндистоннинг Ҳимолай тоғларидаги қор ва музликлардан туйинадиган дарёлар йил давомида серсув дарёлар ҳисобланади. Мамлакатда кўллар кам учрайди. Улардан энг йириги Кашмир водийсидаги Вукар кўли ҳисобланади. Иккинчи йирик кўли Декан ясси тоғлигидаги Лонор кўли бўлиб, у вулқон отилиши натижасида пайдо бўлган.

Ҳиндистонда кўп минглаб туристларни жалб қиладиган Ҳимолай тизма тоғларидаги доимий қорликлар ва музликлар ҳисобланади. Бутун мамлакат бўйича уларнинг умумий майдон 40 минг $км^2$ дан ортади. Мамлакатдаги энг йирик музликлар қаторига Сиаген музлиги, Балторо, Хиспар, Бинафо кабилар киради. Тоғлардаги қор қопламларининг ўртача баландлиги денгиз сатҳидан 4500-5300-м ташкил этади. Ушбу доимий музликлар тоғ альпинизмининг ривожланишига имконият яратади.

Шуни қайд қилиш керакки, кишилар қадимги дарвлардан бошлаб дарёларга сиғинишиб келишган. Чунки дарёлар суви улар учун далалардаги ҳосил, кишиларга эса ҳаёт бўлиб ҳисобланади. Ҳиндистон қадимдан дунёдаги суғориш тармоқларининг энг ривож топган марказларидан бири ҳисобланади. Мамлакат 1947 йилда мустақилликка эришгандан сўнг кўпгина йирик дарёларда ирригацион тармоқлар қурилиб ишга туширилди. Ганг дарёси ҳиндлар учун муқаддас ҳисобланади. У мамлакатнинг энг кўп аҳоли яшайдиган районларидан оқиб ўтади ва ўз суви билан уларни суғоради. Айтишларича у кишилар қалбини турли хил гуноҳлардан ювади ва тозалайди. Шу сабабли ҳар йили бир неча миллионлаб ҳинд миллатига мансуб бўлган зиёратчилар мамлакатнинг

турли қисмларидан Вараносси (энг қадимги шаҳар)га Ганг ва Джамна дарёларининг қуюлиш жойига келиб чўмилишади ва тоат-ибодат амалларини бажаришади.

Ўсимлик дунёси. Ҳиндистон ўсимлик дунёсига бой мамлакат ҳисобланади. Унинг асосини ўрмонзорлар ташкил қилади. Ўрмонлар эса бутун мамлакат ҳудудининг 1/5 қисмини ташкил қилиб, улар асосан тоғли районларда сақланиб қолганлар. Ҳиндистоннинг жанубий қисмида жойлашган тоғларда қимматбаҳо ва кам учрайдиган дарахтлар: тик, сал, сандал, қизил дарахтлар тарқалган бўлиб, улардан турли хил ҳунармандчилик (ёғоч ўймакорлиги, сувенирлар, мебеллар ва ҳ.к) маҳсулотлари тайёрланиб хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинади.

Ҳайвонот дунёси. Ҳиндистон ярим ороли – бу бутун яхлит континент бўлиб, иқлими ва географик шароит хилма–хиллиги унинг ҳайвонот дунёсининг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Мамлакат ҳудудида 350 турдан ортиқ сут эмизувчи ҳайвонлар ва 1200 тадан ортиқ турли туман қушлар учрайди. Шимолий Ҳиндистоннинг Кашмир водийсида хонгул, Брахмапутра дарёсининг поймасида носороглар, Ғарбий Гат тоғларида қора лангур, Ғарбий Ҳиндистонда Осиё арслони учрайди.

Бутун Ҳиндистон территорияси бўйлаб Бенгал йўлбарси ва Осиё (Ҳиндистон) фили тез – тез учрайди. Ҳозирги кунда Ҳиндистон ҳайвонот дунёси 247 та қуриқхоналарда, 75 та миллий боғларда давлат томонидан ҳимояга олинган.

Мамлакатнинг энг машҳур ва йирик қўриқхоналари ва миллий боғлари ҳудудлар бўйича қўйидагича тарқалган:

Шимолий Ҳиндистон. Дачиган (Кашмир) миллий боғи, Говинд Сагар (Химачая – Прадеш) қушлар қўриқхонаси, Қорбетт (Уттар – Прадеш) миллий боғи, Дадва (Уттар – Прадеш) миллий боғи, “Гуллар водйси” (Уттар – Прадеш) миллий боғи, Сариска (Ражастан) миллий боғи, Рантхамбхор (Саван – Мадхапур – Ражастон), Бандавгари (Мадхья – Прадеш) миллий боғи, Бхратпур Кеолоадео Гана қушлар қўриқхонаси, Канха (Мадхья – Прадеш) миллий боғи, Шивпури (Мадхья – Прадеш) миллий боғи.

Шарқий Ҳиндистон. Казиранга (Ассам) миллий боғи, Манас (Ассам) қўриқхонаси, Хазарибоғ (Жаркханде) миллий боғи, Паламау (Бихар) миллий боғи, Бетла (Жаркханде) миллий боғи, Бхитарканиха ёввойи табиат қўриқхонаси, Намдахпа (Аруначал Прадеш) миллий боғи, Кейбулламжао (Манипур) миллий боғи, Сундербанс (Ғарбий Бенгалия) йўлбарслар қўриқхонаси, Жалдапара (Ғарбий Бенгалия) қўриқхонаси, Симлипал (Орисса) йўлбарслар қўриқхонаси.

Жанубий Ҳиндистон. Перияр (Керала) қўриқхонаси, Ведантхангал (Тамилнад) сув қушлари қўриқхонаси, Пойнт – Калимер (Тамилнад) қушлар қўриқхонаси, Пуликат (Андхра–Прадеш) қушлар қўриқхонаси, Дандели (Карнатака) миллий боғи, Бандипур ва Нагархол (Карнатака) боғлари, Мудумаслай (Тамилнад) ва Воякад (Керала) қўриқхоналари, Жавхар миллий боғини ташкил қилади.

Ғарбий Ҳиндистон. Кришнагари Упаван (Махараштра) миллий боғи, Тароба (Махараштра) миллий боғи, Сасангир (Гуджарат) миллий боғи, Нал Саровар (Гуджарат) қушлар қўриқхонаси, “Манный Качский Ранн” (Гуджарат) қўриқхонаси, Велвадар (Гуджарат) миллий боғи, Бондла қўриқхонаси, доктор Салим Али қушлар қўриқхонаси (Гоа) ва бошқалар.

Ҳиндистоннинг денгиз бўйи курортлари. Ҳиндистоннинг денгиз бўйи қирғоқлари дунёнинг энг чиройли ва гўзал манзарали пляжларидан бири ҳисобланади. Бу ерда майин қумликлардан тортиб, то палма дарахтларигача ҳаммаси денгиз бўйида дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун катта имкониятлар туғдиради. Жуда машхур бўлган Гоанинг курортлари ва номлари кам тарқалган ажойиб пляж масканлари қўйида келтирилади:

Гоада – Чапора, Вагатор, Анджуна, Бага, Калангут, Кандолим, Сенкуерим, Мирамар, Вангуиним, Дона Паула, Бамболим, Богмало, Арросим, Маджорда, Беталбатим, Колва, Бенаулим, Варка, Кавелоссим, Мобор, Палолем, Радж Бага.

Кералада. Подикара, Самудра, Ашока, Марка, Муллур, Чаура, Пувар, Варкала, Марари.

Бомбейда – “Джуху – Биг” курорти, “Беш юлдузли отеллар” комплекси “Замок Хальцион”, “Ковалам Палас Отель”, “Самудра” отели, Керал туризмни ривожлантириш бўйича корпорация ва бошқалар.

Мадрасда – Ковелонг: “Дибачея Пешера”. Мамаллапурам (Мадрас). Курорт “Мамаллаурам – Бич”.

Пури – уч ва тўрт юлдузли отеллар, туристик бунгало, ёшлар ётоқхонаси. Ҳиндусларнинг зиёрат қиладиган бош маркази.

Гужарат – Титхал, Убхрат, Хаджира, Диу, Чорвард, Дахану, Дварка, отеллар, дам олиш уйлари.

Махараштра – Мадха, Мара, Манори, арзон меҳмонхоналар, дам олиш уйлари.

Эрангал (Гоа): Кадвад, Анкола, Гонарн, Хонавар, Бхаткал.

Карнатака: Уллал, Удили (ҳиндларнинг зиёратгоҳ маркази), Махи, Мангалуру.

Керала: Каннанур, Квилон, Виркала.

Тамиланд: Канья, Кумари, Гиру чендур, Рамешварам, Карикал, Пондичери.

Андхра–Прадеш: Мипад, Мачилипатнам, Мангиничунди, Бхесманипантам.

Ориеса: Колпалпурон – Си, отель “Оберой”, туристик бунгало.

Ғарбий Бенгалия: Данха.

Тоғдаги манзиллар:

Кашмир: Сринагар – Пахалгам, Гулмарг, Лех ва Ладахк, Санамарг, Кокемаг, Батот.

Химачал – Прадеш: Шамла, Куфри, Кулу, Манала, Далхузи, Дхармсала, Нахан, Паонта, Сахеб, Килинг, Чамба, Конгра.

Уттар – Прадеш: Найитая, Алмора, Ранакхет, Масури, Дера Дан, Лансдаун.

Ғарбий Бенгалия: Дарджилинг, Калемпонг, Мирик, Карсиянг.

Мегхалая: Шилонг

Сикким: Гангток.

Тамиланд: Утакаманд, Кондайканад, Кунур, Котагири.

Карнатака: Меркада, Кемангурди

Ражастон: Маднит – Абу

Гужарат: Сапутара

Ҳиндистоннинг табиий – географик (туристик имкониятлари) жиҳатдан минтақаларга бўлиниши:

Шимолий Ҳимолай. Ушбу минтақага Жамми ва Кашмир, Хамачал – Прадеш, Уттаракханд штатлари киради. Бу ажойиб, гўзал манзарага эга бўлган минтақа ўзининг актив (фаол) туризми билан, ҳамда жуда кўпгина муқаддас диний зиёратгоҳлари билан алоҳида ажралиб туради.

Мамлакат маркази. Бу ҳудудда Ҳиндистоннинг Бихар, Чандигарх, Харьяна, Мадхья – Прадеш, Панжоб, Уттар – Прадеш штатлари жойлашган бўлиб, бу ерда мамлакат пойтахти – Деҳли шаҳри ўзининг қадимий тарихий обидалари, музейлари, санъат галереялари, спорт ва замонавий туризм инфратузилмалари билан алоҳида ажралиб туради. Булардан ташқари ушбу минтақада жуда кўпгина ва хилма – хил табиат ёдгорликлари (ҳайвонот боғлари, қўриқхоналар, давлат буюртмалари) мавжуддир. Улар ёввойи табиатни сақлашда маданий – тарихий туризм билан бир қаторда экотуризмни ривожлантириш учун катта имкониятлар туғдиради.

Ғарбий Ҳиндистон. Ушбу минтақа ўз таркибига Дадра ва Нагар – Хавели, Даман ва Диу, Гоа, Гуджарат, Махараштра, Ражастон штатларини киритади. Бу минтақада бепоён Буюк Ҳиндистон (ёш Тар) саҳроси, Ражастоннинг эртакона саройлари ва қалъалари, шовқин – суронли Мумбай (Бомбей), Гоанинг ажойиб денгиз пляжлари жойлашган. Бу ҳудуд ўзининг пляжи туризми, ҳамда маданий – тарихий туризми йўналишлари билан алоҳида ажралиб туради.

Жанубий Ҳиндистон. Ушбу минтақада мамлакатнинг Андамон ва Никобар ороллари, Андхра – Прадеш, Карнатак, Керала, Лакшадвинг, Пондичерри, Гамил – Наду ҳудудларини ўз ичига олади. Жанубий Ҳиндистоннинг тарихий ибодатхоналари ва бой тарихи (Андхра – Прадеш штати), баланд тоғликда жойлашган. Тамилнада шаҳарчаси, тропик ўрмонзорлари, кўплаб дарёлари ва заводлари билан машҳур бўлган Керала бепоён қумлик пляжларга эга бўлган Карнатака ва Пандигерилар саёҳларни ўзига жалб қиладилар.

Шарқий Ҳиндистон. У ўз таркибига Чхатисгарх, Жаркханд, Орисса, Сикким, Ғарбий Бенгалия штатларини бирлаштиради. Ҳиндистоннинг шарқий қисми биринчи ўринда ўзининг буюк ибодатхоналари (Орисса штати), Ғарбий Бенгалия штатида Калькута (Колкота) каби йирик шаҳарлари билан алоҳида ажралиб туради.

Шимолий – Шарқий Ҳиндистон. Ушбу ҳудуд мамлакатнинг асосий қисмидан узилиб қолган минтақа тўлиб, бу ерда мамлакатнинг 7 та штатлари (Аруначал – Прадеш, Ассам, Манипур, Мегхалая, Мизорам, Нагаленд, Трипура) жойлашган. Ҳар бир штат бу ерда унча катта бўлмаган давлат мақомига эга бўлиб, ўзининг ажойиб табиат манзараси ва машҳур чой плантациялари билан алоҳида дунёга танилгандир.

9.2. Ҳиндистоннинг табиий, тарихий ва маданий ресурслари

Ҳиндистонинг ривожланиши узоқ – узоқларга бориб тақалади, яъни эрамизгача бўлган даврнинг учинчи аср ўрталарига. Айрим маълумотларга қараганда Ҳиндистонда кишилик жамияти ҳатто ундан олдинги даврга таълуқлидир. Қадимги даврда Ҳиндистонда энг ёши катта, қадимги Хараппа ва Махенджо–Даро (Покистонда) шаҳарлари ҳисобланади.

Хараппа цивилиацияси эрамизгача бўлган даврнинг 1700 йилигача ривожланиб, ундан сўнг у пасаябошлади. Эрамизгача бўлган даврнинг биринчи аср охирида қадимги Ҳиндистон территориясида Махабхарат ва Рамаяна эпик асарлари пайдо бўлади.

VII–VI асрларда (эрамизга қадар) Шимолий Ҳиндистонда, шу жумладан Ганг дарёси водийсида биринчи бўлиб, монархияли давлат пайдо бўлади. Шимолий – Ғарбий Ҳиндистонда I асрда Кушан империяси пайдо бўлади ва II асрда эса у ўз таркибига Афғонистон, Ўрта Осиё, Шимолий Ҳиндистон ҳамда Марказий Ҳиндистон ҳудудларини бирлаштиради.

Қадимги Ҳиндистон территориясида 320 – 540 йилларда янги давлат Гуптлар империяси ташкил топади. Бу бутун Ҳиндистон территориясини ўз қўл остига бирлаштиради. Ўша даврда индиузм дини, индуистик анъаналар, маданиятлар ташкил этилади. Мамлакатда ҳунармадчилик, фан, адабиёт ривожланади. Астрономия фани, Ҳинд медицинаси – Аюрведага асос солинади. Мамлакат жамоатида каста (оқсуяклар) жамоаси пайдо бўла бошлайди.

V асрнинг ўрталаридан бошлаб Ҳиндистондаги гунт – эфталит қабилалари Гунт империясининг емирилишга сабабчи бўладилар. Шимолий Ҳиндистоннинг парчаланиши IV асрдан бошланиб, то XI асргача давом этади. Ҳиндистоннинг жанубида ва Шри – Ланкада эса Чола династияси кучайиб, то XI асрда ўзининг энг юқориги даражасига етади.

XI асрдан бошлаб Ҳиндистон ташқаридан турк мусулмон босқинлари томонидан босиб олинади ва таланади. XIII – XIV асрларда бутун Ҳиндистон мусулмонлар томонидан босиб олиниб, ҳиндистонликларни ислом динига эътиқод қилишга ундайди.

XIV аср бошларига келиб Ҳиндистонда сикхизм дини пайдо бўлади. Ушбу дин индиузм ва ислом динининг қўшилишидан келиб чиққан янги дин оқимидир. Унинг асосчиси бўлиб, шоир ва ёзувчи Кабир ҳисобланади. XV – XVI асрларда Ҳиндистоннинг жанубида индусларнинг Виджайнагар империяси ва мусулмонларнинг Бахманкдлар империяси вужудга келади.

XIV асрнинг биринчи ярмида Шимолий Ҳиндистонда Чингизхон ва Темурийлар авлодидан бўлган Бобурийлар империяси пайдо бўлади. Бобурийлар даврида давлат

аппаратини марказлаштириш кучаяди ва бутун мамлакат миқёсида ер ислоҳати ўтазилади. Бобурийлар Ҳиндистон тарихида маданиятнинг қадрига етувчилар деб танилган. Уларнинг бир неча давлат бошлиқлари шоирлар бўлиб, фалсафани ўрганганлар. Бобурийлар даврида энг муҳими барча динларга баравар қарашлик сиёсатига амал қилишлик бўлган. Ушбу сиёсат Бобурнинг набираси Акбаршоҳ (1556 –1605) даврида амалга оширилган. Акбаршоҳ ва Шоҳжаҳон подшолик қилган даврларда Ҳиндистонда йирик архитектура – қурилиш комплекслари (қалъалар, мадрасаю – масжидлар, монументлар, бинолар, шу жумладан, Аградаги Тожмаҳал мавзолейи ва бошқалар) барпо қилинади. Унга қарама – қарши Бобурнинг кенжа набираси (Ҳумоюннинг кичик ўғли) Аурангабез (1658–1707 й) ҳукмронлик даврида ҳиндларнинг ибодатхоналарини бузиб ташлаб, унинг ўрнига масжидлар қуришни буюради. Мана шу даврдан бошлаб Бобурийлар династиясида дарз кетиш бошланади. Империя то 1858 йилгача давом этади. Аурангабез ҳукмронлигидан кейин савдо, маданий ва ҳарбий жиҳатдан европаликлар интервенцияси бошланади.

Ҳиндистонга биринчилардан бўлиб, европаликлардан португаллар 1498 йили келишади ва улар Гоа ҳамда унча катта бўлмаган Ҳинд океани қирғоқларида ўз ҳукмронлигини ўтказади. Англияликлар, голландлар ва французлар билан бир қаторда XVII асрда келишади. Ҳиндистонни эгаллаш учун инглизлар ва французлар ўртасида кураш кетади ва 1757 йилда инглизлар французлар устидан ғалаба қилади. Шундай қилиб, бутун Ҳиндистон XIX аср ўрталаригача инглизлар ҳукмронлигида бўлади. 1857 – 1859 йилларда инглизларга қарши оммавий кураш бошланади ва у бостирилади. 1858 йилда инглизлар Ҳиндистонни ўзининг колонниясига айлантиради. Аста – секин Ҳиндистон Буюк Британиянинг хом ашё базасига айланиб қолади.

XIX асрнинг 70 йилларида Ҳиндистонда чет эл интервенциясига қарши миллий озодлик ҳаракати бошланиб кетади. XX асрнинг 20 – йилларига келиб Махатми Ганди бошчилигида инглиз босқинчиларига қарши оммавий ҳаракатлар тез – тез бўлади ва ниҳоят Ҳиндистон 1947 йил 15 августда мустақилликка эришади (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳиндистоннинг асосий тарихий йилномалари

2000 йил олдин эрамизгача	Ҳиндистонга биринчи бор Арий қабилаларининг кўчиб келиши
1000 йил олдин эрамизгача	Шимолий Ҳиндистонда айрим қулдорлик давлатининг пайдо бўлиши
Эрамизгача VI асрда	Ҳиндистонда йирик Магадха давлатининг вужудга келиши
327 – 325 йиллар эрамизгача	Шимолий Ҳиндистонга Александр Македонскийнинг бостириб кириши
XIII аср	Деҳли салтанатининг барпо бўлиши
1398 йил	Амир Темур томонидан Деҳли салтанатининг босиб олиниши
XV аср	Португалиялик босқинчиларнинг Ҳиндистонни (Гоа, Даман) босиб олиши
1526 йил	Шимолий Ҳиндистоннинг буюк мўғиллар (Бобурийлар) томонидан босиб олиниши
1631 йил	Биринчи марта англиялик савдогарларнинг савдо – сотиқни олиб бориш учун келиши
1664 йил	Пондишерида фарнцузларнинг биринчи бор пайдо бўлиши
1739 йил	Шимолий Ҳиндистонга эронийларнинг (Нодиршоҳ) бостириб кириши. Мўғиллар империясининг емирилиши
1763 йил	Бенгалия (Ҳиндистоннинг Жанубий – Шарқий қисми)нинг инглизлар томонидан босиб олиниши
1767 – 1799 йил	Британиянинг 4 марта англо – матсур уруши натижасида Жанбуий Ҳиндистонни босиб олиши

1803 йил	Инглизларнинг Деҳлини босиб олиши
1843 йил	Инглиз, сикхлар уруши натижасида Ассама ва Панжоб князлигининг Британияга қўшиб олиниши
1858 йил	Ҳиндистоннинг тўла – тукис Британиянинг қарамоғига ўтиши
1914 – 1918 йил	Ҳиндистоннинг I жаҳон урушида Англия томонида туриб урушга қатнашиши
1919 – 1922 йил	М.Ганди бошчилигида ҳинд фуқароларининг инглизларга бўйсинмаслик компаниясини бошланиши
1930 – 1931 йил	Фуқароларнинг инглизларга бўйсинмаслик иккинчи компанияси
1939 – 1945 йил	Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳинд аскарларининг инглизлар томонида туриб урушда қатнашиши
1947 йил 15 август	Ҳиндистон ва Покистон мустақил давлатларининг барпо бўлиши (диний белгиларига кўра уларнинг иккига бўлиниши)
1947 – 1949 йил	Кашмир территорияси бўйича Ҳиндистон ва Покистон уруши. Ҳиндистоннинг қаттагина ерга эга бўлиши
1971 йил	Покистон билан уруш. Шарқий Покистонда Бангладеш республикасининг барпо бўлиши
1980 – 1981 й	Мамму ва Вашмирда ҳиндлар ва мусулмонларнинг тўқнашуви
1984 й	Примьер – министр Индира Гандининг ўлдирилиши
1991 й	Примьер – министр Ражив Гандининг террористлар томонидан ўлдирилиши
1996 й	Ҳукуматга Атала Бихари Вадненпамнинг раҳбарлик қилиши
2004 й	Ҳиндистон парламентида Ҳиндистон Миллий конгреси партиясининг ғалабаси. Партия етакчиси Сони Ганди
22 май 2004 й	Манмохан Сингхнинг примьер – министр этиб тайинлаши. Пратибха Патилнинг Ҳиндистон Республикасининг президенти этиб сайланиши.

9.3. Ҳиндистон аҳолиси

Ҳиндистон кўп миллатли давлат бўлиб, унинг ҳудудида ҳозирги кунда 1 млрд. 286 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди. Ҳиндистон аҳолисининг умумий сони бўйича дунёда Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. Мамлакат аҳолиси миллий жиҳатдан хилма – хилдир. Унда 500 тадан ортиқ катта ва кичик миллатлар ва элатлар яшайди. Мамлакат аҳолисининг қарийиб 70 % ҳинд-арий тили гуруҳига киради. Қарийиб 25 % аҳоли Ҳиндистоннинг жанубий қисмида яшашади ва улар (тамиллар, телегу, канада ёки каннара, малаяли каби қабилалар) ҳисобланади. Жуда кўпгина майда миллат ва қабилалар мамлакатнинг чекка қисми Шимолий – Шарқдаги тоғли районларда, Шарқий ва Марказий Ҳиндистон ҳудудларида яшаб, мунда тилида гаплашишади. 1956 йили Бутун Ҳиндистон тили бўйича штатларга бўлинган (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳиндистонда энг кўп тарқалган тиллар
(2004 йил аҳоли рўйхати бўйича)

Ўрни	Тиллар	Намоян-да сони	Умумий аҳоли сонига нисбатан, %	Географик тарқалиши
1	Ҳинди	422,1	41,03	Шимолий Ҳиндистон
2	Бенгал	83,4	8,11	Ғарбий Бенгалия, Ассам, Джаркханд, Грипура
3	Телегу	74,1	7,37	Андхра – Прадеш, Каранатака, Тамил –Наду, Махараштра

4	Маратхи	71,9	6,99	Махараштра, Карнатака, Мадхья – Прадеш, Андхрег – Прадеш, Теа
5	Тамил	60,8	5,91	Тамил–Наду, Карнатака, Пондишери, Андхра–Прадеш, Керала, Махараштра
6	Урду	51,5	5,01	Жамму ва Кашмир, Андхра, Уттар – Прадеш, Деҳли, Бихар
7	Гуджарат	46,1	4,48	Гуджарат, Махараштра
8	Канада	37,9	3,69	Карнатака
9	Малаялам	33,1	3,21	Керала, Махе, Пандишери
10	Орид	33,1	3,21	Орисса
11	Панжаби	29,1	2,83	Панжоб, Чандигарх
12	Ассам	13,1	1,28	Ассам
13	Майтхали	12,2	1,18	Бихар

Ҳозирги кунда Ҳиндистоннинг 70 % ортиқ аҳолиси қишлоқларда яшайди. Бутун шаҳар аҳолисининг абсолют сони бўйича Ҳиндистон дунёда АҚШ ва Хитойдан кейин 3 ўринни эгаллайди. Мамлакатнинг энг йирик шаҳарлари. Мумбай (16,1млн.), Деҳли (13,9 млн.), Калкутта (13,1млн), Мадрас, Ҳайдаробод, Ченной, Бангалар, Ахмадобод, Пуна, Канпур, Нагпур, Жайпур, Лакҳнау кабилар ҳисобланади.

Ҳиндистон маданий тили ва генетик хилма – хиллиги келиб чиқиши бўйича дунёда Африка қитъасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда маълумотларга кўра Ҳиндистон аҳолисининг саводхонлиги ўртача 65% (аёллар саводхонлиги 54%, эркакларники эса 75%) ни ташкил қилади. Мамлакатда энг юқори саводхонлик даражаси (91 %) Керала ва энг паст саводхонлик эса Бихар штатларида кузатилади. Аҳолининг жинсий таркибида эркаклар – 51,5%, аёллар эса 48,5% эгаллайди. Умуман олганда 1000 эркак кишига ўртача 944 аёллар тўғри келади. Бир йилда ҳар минг киши ҳисобига 22 та бола туғилади. 2001 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, мамлакат аҳолисининг 40 % ини 14 ёшгача бўлган ўсмирлар, болалар, 54,4% ини 15 – 59 ёшдаги кишилар, 5,4% ини эса 60 ёшдан юқори бўлган кишилар эгаллайди. Мамлакат бўйича аҳолининг табиий ўсиши 2,3 % ни ташкил қилади.

Ҳиндистон дунёда ҳар ўн йилда бир марта аҳоли рўйхатини изчил равишда ўтказувчи мамлакат ҳисобланади. Мамлакатда аҳоли рўйхати биринчи марта 1881 йилда ўтказилган. Ўша даврда бутун мамлакатда аҳолининг йиллик ўсиш даражаси 1,5% атрофида бўлган. 1911 – 1921 йилларда мамлакатда чума (ўлат), холера (вабо), оспа (чечак) касалликларининг кенг кўламда тарқалиши аҳоли умумий сонининг камайиб кетишига сабаб бўлди.

XX асрнинг иккинчи қисмига келганда Ҳиндистон аҳолиси анчагина кўпая борди. Мисол, 1991 йилга келиб, мамлакат аҳолиси аср бошига нисбатан 2,5 баробарга кўпаяди. Йиллик аҳолининг ўртача ўсиш даражаси 1981 – 1991 йилларда 161 млн кишига етди, ёки йиллик ўсиш 16 млн кишига етди. Шундай қилиб 1991 йили мамлакат аҳолиси 844 млн кишини ташкил қилади. Бу эса бутун дунё аҳолисининг 15,7 %. Демак, планетамиз аҳолисининг етти кишисидан бири бу ҳиндир. Ҳар йили Ҳиндистонда 25 млн.дан ортиқ бола туғилади, ҳар суткада 46 – 47 минг, ҳар соатда 1900 чақолоқ туғилади. Мамлакатда аҳоли зичлиги жуда юқори даражада бўлиб, 1 кв.км га 267 киши тўғри келади.

Ҳиндистонда оилани режалаштириш масаласи муҳим давлат сиёсати ҳисобланади. Ушбу сиёсат 1951 йилда бошланиб, ҳанузгача давом этиб келмоқда. Давлат сиёсати бўйича ҳар бир оиланинг таркиби 5 кишидан иборат бўлиши кўзда тутилган. Ҳиндистонда аҳолининг кўпайишини тартибга солиш мақсадида ҳар йили камида 5 млн эркак ва аёллар

стрелизация (аҳта) қилинади. 50 – 60 млн дан ортиқ аёллар болали бўлишдан сақланишади.

Ҳозирги кунда Ҳиндистонда никоҳдан ўтиш йигитлар учун 23, қизлар учун 17 ёш белгиланган. Ҳиндларда турмуш қуришда ота – оналарнинг тутган роли анчагина. Ота – оналар келин – куёвни танлашда асосий роль ўйнайди.

Ҳиндистонда 900 млн. дан ортиқ (80,5%) аҳоли индиузм динига, 13,4 % ислом динига, 2,3 % христан динига 1,9% сикхизм, 0,8 % буддизм, 0,4% джайнизм динига эътиқод қилишадилар. Ҳиндистонда юқоридаги динлардан ташқари иудаизм, зараастризм, бахан, анимизм бошқалар ҳам мавжуддир (3-жадвал).

3-жадвал

Ҳиндистон аҳолисининг диний гуруҳларга бўлиниши (% ҳисобида)

Динлар	Аҳолиси	Аҳоли ўсиши	Саводхонлик даражаси	Ишчи кучи
Индуизм	80,50	20,3	65,1	40,1
Ислом	13,43	36,0	59,1	31,3
Христианлик	2,34	22,6	80,3	39,7
Сикхизм	1,87	18,2	69,4	37,7
Буддизм	0,77	18,2	72,7	40,6
Жайнизм	0,41	26,0	94,1	32,9
Анимиз ва бош-қалар	0,65	103,1	47,0	48,4

Ҳиндистон давлат тузими. Ҳиндистон Федератив (штатлар бирлашмаси) республикасидир. Ҳиндистоннинг конституцияси 26 январ 1950 йилда қабул қилинган. Унга кўра Ҳиндистон Федератив ва парламентли давлат ҳисобланади. Ҳиндистон 28 та штатлар ва 7 та маъмурий ҳудудлардан ташкил топган. Ҳиндистоннинг парламенти 2 палатадан иборат. Давлат эса 3 та ҳокимиятдан иборат: ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти. Давлат раҳбари президент ҳисобланади. У бир вақтнинг ўзида мамлакат қуролли кучлари бош қўмондони ҳамдир, Ҳиндистонда президент парламент аъзолари ва органлар томонидан сайланади. Ҳозирги пайтда Ҳиндистоннинг президенти Пратибха Патил, премъер министри Манмохан Сингх (22 май 2004 йилдан буён) ҳисобланади. Мамлакатдаги етакчи сиёсий партия Ҳиндистон Миллий конгрессидир. Мамлакатда бош вазирнинг вазифаси давлат раҳбари Президентга ёрдам ва маслаҳат беришдан иборат. Бош вазир Вазирлар Маҳкамасини бошқариб боради. Мамлакатнинг штатлари губернаторлар томонидан бошқарилинади. Ҳиндистон Конституциясига кўра давлат тили ҳинди тили ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг 40 % ҳинди тилида сўзлашади. Инглиз тили эса асосий савдо тили ҳисобланади. Ҳиндистонда Конституция томонидан тан олинган тилларнинг умумий сони 18 та тилни ташкил этади.

Хўжалиги. Ҳиндистон мустақиллик йилларида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида катта ютуқларга эришди. Мамлакатда индустрлаштиришни, туб аграр ўзгаришларни муваффақиятли олиб борилмоқда, космик дастурларни амалга оширмоқда. Шунга қарамай, Ҳиндистон ҳамон жуда катта тафовутлар мамлакати бўлиб қолмоқда. Мамлакат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича дунёда 11-ўринни эгаллайди, бироқ аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад бўйича дунёда 102 ўринда туради. Аҳолининг 2/5 қисми анча камбағал яшайди.

Ҳиндистон дунёда йирик шохли қарамоллар сони жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди. Бироқ гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш бўйича эса охирги ўринлардан бирида туради. У темир йўлларнинг узунлиги жиҳатидан Осиёда биринчи ўринда туради, бироқ бу йўлларнинг ярми тор изли йўллардир. Ҳиндистон фан-техника мутахассисларининг сони жиҳатидан фақат Россия билан АҚШдан кейин туради. Бу ерда

фан ва техниканинг деярли барча соҳаларида мутахассисларнинг чет давлатларга кетиб қолиш ҳолати кўплаб кузатилмоқда. Мамлакатда кино саноати ривожланган. Ҳиндистон дунёда кинофилъмлар ишлаш бўйича биринчи ўринда туради. Йилига 750-850 та кинофильмлар ишлаб чиқарилади.

9.4. Ҳиндистон туризми инфратузилма тармоқлари

Транспорти. Ҳиндистонда халқаро авиация транспорти жуда яхши ривожланган бўлиб, унда "Эйр Индиа" ва бошқа авиакомпаниялар хизмат кўрсатишади. Мамлакатда ҳаво алоқаларидан ташқари, денгиз, темир йўл транспорти тармоқлари ҳам анчагина ривожланган ва улар орқали қўшни мамлакатларга, жумладан Шри Ланкага паром орқали, Покистонга темир йўл, автомобил транспортлари, Непалга ҳам темир йўл ва автотранспорт (автобус орқали), Бутанга поезд билан, автобус ҳамда ҳаво транспорти, Бангладешга темир йўл, автомобиллар орқали алоқаларни олиб боришади.

Мамлакатнинг ички қисмида "Ҳиндистон авиакомпаниялари" учишни амалга оширади. Авиация транспорти компанияси мамлакатнинг ички қисмида 70 та шаҳарларга самолётлар парвозининг учишини таъминлайди. Ҳиндистондан доимий самолётларнинг рейслари қўшни мамлакатларга, жумладан Покистон, Непал, Бангладеш, Шри Ланка, Афғонистон, Мальдив ороллари ва бошқа узоқ мамлакатларга ҳам учишни амалга оширади.

Афғонистон, Бангладеш, Бутан, Бирма, Мальдив ороли, Непал, Покистон ва Шри Ланкага учувчи йўловчилардан, болаларни ҳам бирга ҳисобга олган ҳолда 50 рупий атофида йиғим ундирилади, бошқа мамлакатарга учувчилар учун эса 100 рупийдан йиғим олинади. Мамлакатнинг ички қисмида учувчи йўловчилар учун 20 кг багаж юки, хорижий мамлакатларга учувчилар учун эса багаж юки 30 кг қилиб белгиланган.

"Ҳиндистон авиалинияси" («Эйр Индиа»)да учадиган йўловчилар учун 7 та махсус авиабилетлар нархи белгилаб қўйилган. Ушбу дастур бўйича учадиган хорижликлар, Ҳиндистоннинг чет элларда яшовчи фуқароларидир.

Юқорида айтилган дастурда билетларни сотиш йил мобайнида аваикомпаниялар томонидан амалга оширилади. Ушбу программа ёки дастур қуйидагича: "Ҳиндистонни очинг" дастури («Discover India»), Ҳиндистон ёшлари тарифи" дастури, "Жанубий Ҳиндистонга экскурсия" дастури, "Ҳиндистоннинг сеҳрли тарифи" дастури ва ҳ.к.

Кейинги пайтларда Ҳиндистон мамлакатининг ички қисмида аста – секинлик билан хусусий авиакомпанияларни очишга киришилди. Шулар қаторига "Авиатакси" номи билан 9 та хусусий авиакомпаниялар ўз хизматларини тақдим этиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда мамлакатнинг 9 та йирик халқаро аэропортлари: Деҳли, Мумбай, Калкутта, Ахмадобод, Ҳайдаробод, Гоа, Амрипар, Бангалор, Ченнай, Кочи, Гавахати каби шаҳарларида фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Мамлакатнинг ички қисмида самолётларнинг учишини 90 тага яқин маҳаллий аэропортлар таъминлаб келмоқдалар.

Темир йўл транспорти. Ҳиндистон темир йўл транспорти Осиёдаги энг йирик транспорт тармоқларидан бири бўлиб, ўзининг масофа узоқлиги ва темир йўлларнинг зичлиги бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Мамлакат темир йўлларининг узунлиги 62.300 км, темир йўл станцияларининг умумий сони 7.030 та, лакомотивларнинг жами сони 11.200 тадан ортади. Поездларда йўловчиларнинг юриши унчалик қиммат эмас. Мамлакат бўйлаб кўпгина тезюрар экспресспоездлари қатнови йўлга қўйилган бўлиб, улар йирик шаҳарларни бир – бири билан боғлайди.

Ҳиндистон бўйлаб махсус нарх (баҳога) эга бўлган "Ҳиндистонга қўйиш" поезди мавжуд. Ундан ташқари **"Ғилдирак устидаги сарой"** экспресс туристик поезди Раджастоннинг шаҳарлари "Деҳли –Жайпур – Читоргарх–Удайпур– Саван–Мадхопур (Рантхамбор)–Джайсалмер–Джадхпур–Бхаратпур–Агра–Деҳли" йўналиши бўйича сайёҳларни сафарга олиб чиқишади. Ушбу поезд Деҳлининг "Кантомент" темир йўл

вокзалидан ҳар чоршанба куни йўлга чиқишади. Поезддаги экскурсия йилнинг сентябр – апрел ойларида амалга оширилади. Экскурсия муддати 8 кундан иборат.

“Ғилдирак устидаги сарой” комфортли поездда салон, мини – бар ва ошхона ҳар бир вагонда мавжуд. Вагонда душ ва ваннага эга бўлган алоҳида хона, иссиқ ва совуқ сувлар муҳайё этилган. Вагондаги ресторанда ҳиндлар ва европаликларнинг миллий таомлари тайёрланади, вагонда махсус жиҳозланган бар ҳам мавжуд. Поездда валюта алмаштириш шохобчаси, кутубхона, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш купеси ҳам бор.

“Ғилдирак устидаги сарой” тезюрар поездида 52 та ухлайдиган купе бўлиб, ундаги ҳар бир купеда иккитадан кровать мавжуд. Поезд вагонлари кондиционерлар ёрдамида совутилади. Сафарда сайёҳларга газета, журналлар, яхна ичимликлар, кофе кабилар тақдим этилади.

Иккинчи муҳим туристик экспресс поезди **“Роял Ориети”** ҳам “Ғилдирак устидаги сарой” поезди каби Деҳли шаҳридан йўл олиб Читоргарх орқали Удайпур-Бхавиагар-Палитана-Сомиатх-Дну-Веравал-Сасангир-Жунагад-Ахмадобод-Жайпур – Деҳли йўналиши бўйлаб саёҳат уюштирилади.

Автомобил транспорти. Ҳиндистонда кейинги йилларда автомобилларда саёҳат қилиш борган сари оммавийлашиб бормоқда. Бироқ хориждан келган туристлар олдиндан Ҳиндистон бўйлаб автомобилда сайр қилиш йўлларини билиб олиш зарур бўлади.

Ҳозирги кунда бутун мамлакат бўйича автомобил йўлларининг умумий узунлиги 1 млн. 970 минг км. қаттиқ қопламли ҳисобланади. Ҳиндистоннинг ички қисмида автомобилларда сайр – томоша қилиш имкониятлари мавжуд бўлиб, улар махсус автобусларда, такси ва авторикшиларда амалга оширилади. Ҳиндистонда автомобилларни туристларнинг арендага олишлари унчалик кенг тарқалмаган. Бу ерда автомобилларнинг ҳаракати чап томонлама бўлганлиги сабабли, хорижлик туристларга анча ноқулайлик туғдиради. Шу сабабли улардан арендага олиб фойдаланиш анча қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Денгиз транспорти. Ҳиндистонда денгиз транспорти ҳам анчагина ривожланган. Мамлакатнинг энг йирик денгиз портлари қаторига Мумбай (Бомбей), Калькутта, Кочин, Ченнай (Мадрас), Калкутта, Панаджи (Гоа) ва Рамешваран кабилар киради. Ҳиндистонда кўпроқ туристларнинг денгиздаги саёҳати асосан Бомбей ва Гоа шаҳарлари ўртасида амалга оширилади. Ушбу икки шаҳар ўртасидаги сув йўлида катамаран қатнайди. Бунда махсус кондиционерлар салонни доимий равишда совутиб туради. Катамаран ўз бортига 400 атрофидаги саёҳларни қабул қилишга мўлжалланган. Бундан ташқари денгиздаги саёҳат Ҳиндистоннинг шарқий қисмидаги Бенгалия кўрфазидаги Калкутта ва Мадрас ҳамда Порт – Блэра (Андаман ороли) маршрути бўйлаб амалга оширилади. Ушбу маршрутда саёҳларни ташиш мавсумий бўлиб, ёмғирли мавсум бошлангандан сўнг деярли тўхтайди. Ҳиндистонда яна ажойиб бир денгиз саёҳати мамлакатнинг жанубий – ғарбий қисмида Керали ва Кочин ҳудудида анчагина ривож топган. Бундан ташқари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган денгиз саёҳати Калкута–Кочин ва Алиппи–Коттаям йўналишларида ҳам йўлга қўйилган.

Дарё транспорти. Ҳиндистонда дарё транспорти ҳам анчагина ривожланган. Мамлакат ички сув йўлларининг умумий узунлиги 16,2 минг км.ни ташкил этади. Дарё сувларида сайр-тамошо қилиш Ганг, Ҳинд, Брахмапутра, Нармада, Годавари, Кришна кабиларда амалга оширилинади.

Меҳмонхоналари. Ҳиндистон ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатлари сингари халқаро стандартларга жавоб бераоладиган замонавий меҳмонхоналарга эгадир. Ҳиндистон саройли меҳмонхоналари ҳамда дабдабали (ҳашаматли) қилиб безатилган отеллари билан алоҳида ажралиб туради. Меҳмонхоналарда қисқа муддатда тўхталиб, бироз ҳордиқ чиқарадиган бўлсангиз унда юқори даражадаги қулайлик, хилма-хил хизмат кўрсатиш сервиси, лаззатли ошхонаси, ажойиб дам олиш шароитлари, архитектура гўзалликлари, улуғворликларини ҳис этасиз. Унчалик нархи (баҳоси) юқори бўлмаган “Таклиф этиладиган меҳмонхоналар” ҳам ўзининг замонавий сервис хизматлари билан

алоҳида ажралиб туради. “Таклиф этиладиган меҳмонхоналар” мамлакатнинг деярли ҳамма ҳудудларидаги шаҳарларда кенг тарқалган. Меҳмонхоналар ва отелларнинг ҳаммаси дам олиш учун зарур бўлган жиҳозлар билан таъминланган.

Ёшлар ётоқхоналари. Ҳиндистонда ёшлар ётоқхоналари жуда кенг тарқалган бўлиб, қулай ва арзон нархда ташкил этилган. Ёшлар ётоқхоналари экскурсия иштирокчилари, пиёда сайёҳлар ва альпинистлар учун мўлжалланган дир. Ҳиндистон туризм департаменти бутун мамлакат бўйлаб 16 та ёшлар ётоқхонасини ташкил қилишган. Ҳар бир ётоқхона 40 кишига мўлжалланган бўлиб, унда эркаклар ва аёллар дам олиши кўзда тутилган. Ҳамма ётоқхоналарда дам олувчиларга алоҳида кроват, матрац, одеяло, простинаси билан таклиф этилади. Хонада кийим – кечаклар учун шкафлар, ошхона, электр жиҳозлари, автомобил тўхташ жойи ва бошқалар муҳаё этилган.

Чодирли тўхташ жойларини мамлакатнинг ҳамма жойларида учратиш мумкин. Бундай туристларнинг тўхташ жойлари кўпроқ ёввойи табиат қўйнида фаол (актив) дам олувчи сайёҳлар учун мўлжалланган дир.

Ҳиндистонинг денгиз бўйи қисмларидаги меҳмонхоналари. Шуни таъкидлаш жоизки, Ҳиндистоннинг пойтахти ва бир қатор йирик шаҳарларидаги меҳмонхоналар сиғими катта бўлиб, улар кўп қаватли (12-18) меҳмонхоналардан иборат. Аксарият меҳмонхоналар ҳашамдор ва дабдабали, миллийликни ўзида уйғунлаштирган иншоотлардир. Мамлакатнинг океан, денгиз қирғоқлари бўйида қурилган меҳмонхоналари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу меҳмонхоналар, туристик комплекслар, туристик базалар, уйлари, хусусий яшаш жойлари, квартиралар, ижарага вақтинча бериладиган ҳовлилар, турар жой хоналаридир. Денгиз соҳили бўйида ташкил қилинган меҳмонхоналар, туристик комплекслари замонавий архитектура-қурилиш тартиб - қоидаларига, стандартига, нормаларига қатъий равишда амал қилиб қурилганлар. Денгиз бўйида пальма дарахтлари ўрмонзорлари ичида қурилган ҳар қандай меҳмонхоналар катта бўладими, кичик бўладими улар бир ёки икки қаватдан юқори бўлмаслиги талаб этилади. Яъни меҳмонхоналарнинг баландлиги пальма дарахтларидан баланд бўлмаслиги керак. Бундай талаб ва норматив стандартли талаблар Ҳиндистоннинг пляж туризми жуда ривожланган ҳудудлари учун таълуқлидир. Юқоридаги талабларга риоя этилиб барпо қилинган меҳмонхоналар ва туристик комплексларни қуйидаги мисоллардан кўришимиз мумкин.

1. Гоа штатининг жанубида барпо этилган меҳмонхоналар:

- **Отель Лила (Hotel Leela)** – беш юлдузли мақомга эга бўлган меҳмонхона. У ажойиб курорт ҳудудида қурилган меҳмонхона бўлиб ҳисобланади. Унинг умумий ер майдони 35 гектардан ортиқ бўлган тропик ўрмонзорлари ичида жойлашган, гўзал пляжга эга меҳмонхонадир. Меҳмонхонада 137 та номер бўлиб, улар барча қулайликларга эга. Бу ерда меҳмонхона ресторанида италянча, ҳиндча, гоача, осиёча, континентал хилма-хил таомлар тайёрланади. Меҳмонхонада ўндан ортиқ хилма-хил хизматлар турлари мавжуд;
- **Парк Ҳаятт (Park Hyatt)** – беш юлдузли отел бўлиб, у ҳинд, португал стилида қурилган. Ушбу отел эгри-бугри каналлар ўртасида жойлашган бўлиб, ўзига хос хусусиятларига эга. Отель 151 номерга эга. Отель ресторанида италянча, португалча, испанча, французча, гоача таомлар тайёрланди. Меҳмонхонада таклиф этиладиган хизмат турларига қуйидагилар киради: банкет ва конференц заллари, аюрведик ва ёшартириш маркази (Серена СПА), сув спорти турлари, уюшган болалар дам олиши;
- **Intercontinental the Lalit Goa Resort** – бу эксклюзив курорт отели. Ражбага ва Канканининг тинч – осийишта пляжлари бўйида жойлашган. Отел ҳаммаси бўлиб 255 номерга эга. У «суит» даражасида жиҳозланган. Отел ресторанида асосан гоача, италянча, ўрта ер денгизи бўйи халқларининг таомлари тайёрланади. Отледа кўрсатиладиган хизматлар турларига спорт, бар, SPA, фитнес клуб, сув спорти турлари, уюшган болалар дам олиши ва бошқалар киради;

- **The Zuri Whitc Sands Resort Casino** – отели беш юлдузли мақомига эга бўлиб, у Варка пляжи қирғоғида тебраниб турган пальма ўрмонзорлари ўртасида жойлашган. Отель 154 комфортабелли номерларга эга бўлиб, унинг ресторанида кўп миллатли таомлар тайёрланади;
- **Holiday Inn Resort** – бу ҳашаматли курорт отели гўзал Мобор пляжида жойлашган бўлиб, Гоанинг жанубида тропик ўрмонзорлари ва пальмазорлари ўртасида ўрнашган. Курорт отелида 203 та замонавий ва қулайликларга эга бўлган номерлари бўлиб, бу отел ресторанида асосан гоаликлар, хитойликлар таомлари, хилма-хил денгиз мавжудотларидан тайёрланган овқатлар таклиф этилади. Отелдаги асосий хизматлар қаторига теннис ва соғломлаштириш маркази, сув спорти турлари ва кўнгил очар ўйинлар, бизнес марказ, банкет зали, казино ва шу кабилар киради;
- **Kenilworth Beach Resort** – бу беш юлдузли курорт отели бўлиб, у 10 гектар ер майдонига эга. Ушбу отел Жанубий Гоанинг оппоқ рангли қумли Угарох пляжида жойлашган. Бу меҳмонхона 107 номердан иборат. Унинг ресторанида кўп миллатли халқларнинг таомлари тақдим этилади. Отелдаги асосий хизматларга 2 та бассейн, дискотека, фитнесс марказ, жакузи, врач, валюта алмаштириш пункти, савдо тармоғи, гўзаллик салони, интернетга кириш ва бошқалар киради;
- **AIula Diva Goa** – бу беш юлдузли отел бўлиб Жанубий Гоанинг Мажорда денгиз қирғоғига жойлашган пляжда ўрнашган. Бу курорт отел замонавий архитектура комплексига эга бўлиб, ажойиб қишлоқ пейзажига эга. Курорт отелда 149 номерлар бўлиб, кишига янгича кайфият бағишлайди. Отелда хилма-хил миллий таомлар тайёрланади. Унда кўрсатиладиган асосий хизмат турларига бассейн, соғломлаштириш клуби, аюрведик марказ киради;
- **Club Mahindra (AT)** – бу тўрт юлдузли меҳмонхона бўлиб, жанубий Гоанинг оппоқ рангдаги ажойиб қумли Варка пляжида жойлашган. Отелда ҳаммаси бўлиб, 103 та номер бор. Отелнинг ошхонасида гоача, ҳиндча, америкача, италянча, хитойча овқатлар тайёрланади. Кўрсатиладиган хизматларга саёҳатлар бюроси, гўзаллик салони, соғломлаштириш клуби, конференц-зал ва ҳар хил ўйинлар киради;
- **Dona Silvia (AT)** – бу тўрт юлдузли курорт отели бўлиб, у 12 га ер майдонига эга. Ушбу отел жанубий Гоанинг ажойиб боғлари ва какос пальмазорлари массивида жойлашган. Кондиционерли виллалар барча қулайликларга эга. Курорт отел ошхонасида 3 та ресторан ва 3 та барлар хизмат кўрсатади;
- **The Retreat By Zuri** – бу отел оилавий дам олишга мўлжалланган бўлиб, фақат олий даражада хизмат кўрсатади. Отел португалча қишлоқ ҳаётини тасвирловчи хизмат турини таклиф этади. Отелда 106 та номер бўлиб, унинг ресторани кўп миллатли халқларнинг таомидан иборатдир. Отелдаги хизматларга бассейн, аюрведик марказ, ўйинлар ва сув спорти турлари киради;
- **Heritaqe ViLLage Club (AT)**-бу биринчи бутик курорт меҳмонхонаси бўлиб, унда овқатланишнинг ҳамма турлари киритилган. Ушбу меҳмонхона Арросим олтин рангли қумли пляжида жойлашган. Бу ерда 100 та номерлар бўлиб, унинг ресторанида кўп миллатли халқларнинг миллий таомлар меню (таомнома)си тақдим этилади;
- **Coconut Groove** – бу уч юлдузли меҳмонхона бўлиб ўзининг таниқли афсонавий муҳити билан ажралиб туради. Бу ерда ҳар доим тинчлик, осойишталик ҳукмронлик суради. Бу меҳмонхона оппоқ рангдаги Бетаебатим қум пляжида ўрнашган. Отелда 38 та номер бўлиб, унда бизнес марказ, дўкончалар, гўзаллик салони каби хизматлар кўрсатилади.

Овқатланиш корхоналари. Ҳиндистоннинг табиати хилма-хил ва ранг – баранг бўлгани сингари унинг таомлари ҳам хилма-хилдир. Одатда Ҳиндистон таомларини тайёрлашда жуда кўплаб соус (масаллиқ)лар ишлатилади. Масаллиқларни тайёрлашда уларга ҳар хил табиий зироварлар қўшилади. Кўпгина тайёрланган зировар соуслар дори хусусиятига эга. Шу сабабли уларда тайёрланадиган таомларнинг кўриниши, ранги,

таъми, аччиқ-чучуклиги хилма-хил бўлади. Ҳиндистон жуда катта мамлакат бўлганлиги сабабли унинг аҳолиси ҳам хилма-хил урф одат, анъаналарга бойдир. Диний нуқтаи-назардан қараганда ҳам улар хилма-хилдир. Уларнинг турмуш тарзи ҳам ҳар хилдир.

Ҳиндистон Шимолида яшайдиган халқларда гўштли таомлар алоҳида ўринни эгаллайди. Бу ерда қўй гўшти, товуқ гўшти, эчки гўшти кўп миқдорда истеъмол қилинади.

Ҳиндистон жанубида яшайдиган халқлар ўртасида кўпроқ аччиқ, ўткир соусли, сабзавотли, гуручли овқатлар асосий ўринни эгаллайди.

Ҳиндистоннинг ғарбий қисми, денгиз бўйи (қирғоқларида яшайдиган халқ)ларнинг асосий таомларида балиқ гўшти ва денгиз ҳайвонлари маҳсулотлари эгаллайди. Қолган қисмларида кўпроқ дон (ғалла)дан яъни хамирли овқатлар, сутли таомлар эгаллайди.

Ҳиндистонда чой эса барча ҳиндларнинг асосий ичимлиги бўлиб ҳисобланади. Чойнинг хилма-хил нав (сорт)лари бор. Ундан ташқари бутун мамлакат бўйича газланган сув, яхна ичимликлар, спиртли ичимликлар ҳам таклиф этилади. Юқорида номлари келтирилган ҳинд таомлари турли хил овқатланиш корхоналарида, ресторан, кафе, ошхоналарда тайёрланиб сотилади.

Ҳинд таомлари ўта аччиқ ва ўткир соуслар ёрдамида тайёрланиб туристлар дастурхонига тортилади. Шуни айтиш керакки аччиқни севмайдиган туристлар учун эса махсус европача усулда овқат тайёрлайдиган ихтисослашган ресторанлар ва кафелар ҳам мавжуддир.

Сайёҳлик ва экскурсия хизматларини кўрсатиш. Ҳиндистон мамлакати ажойиб ўзига хос минтақада жойлашганлиги сабабли мамлакатда хорижий туристларни жалб этиш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида жамоавий ва индевидуал туристик маршрутлар ишлаб чиқилган. Бу маршрутлар ичида классик туристик маршрутлар номини олган саёҳат турларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. **Деҳли – Джайпур – Фатихпур сикри – Агра-Джанси – Орча – Каджурако – Деҳли маршрути.** Ушбу маршрут Ҳиндистонлик туроператорлар томонидан тузиб чиқилган, маршрутдаги саёҳат 8 кунга мўлжалланган бўлиб, 1318 доллар туради.

2. «Ғилдирак устидаги сарой» экспресс поездида саёҳат маршрути. Ушбу маршрут 8 кунга мўлжалланган бўлиб қуйидаги шаҳарлар бўйлаб саёҳатга боришни кўзда тутади. **Деҳли – Джайпур – Ситоргарх – Удайпур-Сован – Мадхапур - Джайсалмор – Жодкпур- Бхаратпур-Деҳли.** Ушбу маршрутдаги саёҳат замонавий экспресс поездида амалга оширилади. Вагондаги 2 ўринли купе 1 киши учун 485 доллар туради. Вагондаги 2 киши учун 350 доллар. Вагондаги 2 ўринли купе 3 киши учун 285 доллар қилиб белгиланган. Бутун саёҳат даврида туристларнинг ётиб туриши ва овқатланиши ушбу поезда амалга оширилади.

3. **«Олтин учбурчак»** маршрути. Ушбу маршрут **Деҳли – Агра – Джайпур – Дехли** шаҳарлари бўйлаб темирйўл ва автомобилда амалга оширилади. Ушбу маршрут Ҳиндистонда туристларнинг кўплаб саёҳат қиладиган йўналиши бўлиб ҳисобланади. Унинг нархи 563 доллар туради. Давомийлиги 7 кун.

4. **Махаража экспресс поезди** – бу поезд қуйидаги шаҳарлар бўйлаб саёҳатни ўз ичига олади. **Мумбай – Вадодара – Удайпур – Джайпур – Беканер** – **Джайпур – Рантхамбор – Агра – Деҳли**. Ушбу маршрутнинг давомийлиги 8 кунга мўлжалланган. Маршрут нархи 7160 доллар туради.

5. **«Олтин учбурчак» ва «Ҳиндистон худолари ўлкаси» (Непал).** Ушбу маршрут қуйидаги йўналишлар бўйича белгиланган. **Дехли – Агра – Деҳли – Катманду – Бхак тапур – Покхару – Катманду** маршрути қўшилган маршрут бўлиб, у 11 кунга мўлжалланган. Ушбу сафарнинг нархи 1319 доллар қилиб белгиланган.

6. **Даволаниш соғломлаштириш туризми бўйича саёҳат.** Ушбу маршрут жойи Карала ҳисобланади. Унда даволаниш муддати 14; 21; 28 кунларга белгиланган. Сафар йўлланмасининг қиймати 4656 доллар миқдорида. Карала шаҳри Ҳиндистоннинг океан бўйида Жанубий Ғарбий қисмида жойлашган.

7. **«Асал ойи»** саёҳат маршрути. Бу Жайпурда ва Удайпур шаҳарларида амалга оширилади. Сафарнинг нархи 1156 ва 1422 долларни ташкил қилади.

9.5. Ҳиндистон туризми: унинг асосий йўналишлари ва марказлари

Ҳиндистон мўжиза ва сеҳрга, сержило, гўзаллик ва мафтункор табиатга эга мамлакат. Бу заминда меҳмондўстлик ҳам бир анъанага айлангандир. Уни қиёслаб ва на таърифлаб бўлса. Кўхна маданияти тарихи каби у қадимийдир. Ҳиндистон-турли этиқодга ва маданиятга мансуб хилма-хил инсонлари, иқлими номутаносиб бўлган, кўм-кўк боғлари ва дашту биёбонлариу, кўллари ва тоғу-тошлари, бойликка кон, севги-муҳаббатга тўла, замонавийликка интилган ва урф-одатларга содиқ заминдир. У шундай бир ўлкаки дунёларга тенг. Ўз аҳолиси учун «Бхарат» атамаси билан танилган бу кўҳна замин кишиларининг бағри кенглиги, маданияти ва хилма-хиллиги, ранго-ранглиги, урф-одатлари, тили, меъморийлиги ва жуғрофияси билан ўзига меҳмонларни мафтун айлайди. Ҳиндистон бир қанча давлатларни ягона бир минтақага бирлаштиргандек бир асотир кабидир. Ҳиндистон Жанубий Осиёдаги ривожланган туристик минтақалардан бири ҳисобланади.

Ҳар йили Ҳиндистонга 13-14 млн. атрофида туристлар келишади. Улардан олинадиган умумий даромадлар 22 млрд. АҚШ долларидан ошади.

Ҳиндистон туризмининг ривожланган турлари ва туристик марказлари. Ҳозирги кунда туристларнинг асосий қизиқишлари бу саёҳат қилиш, дам олиш, даволаниш, қизиқарли нарсаларни томоша қилиш, ҳиндистонликларнинг яшаш тарзини, маданиятини, табиатини ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни кўришни ташкил этади. Ҳиндистонда эса туризмнинг бу қизиқларини қондириш учун барча шароитлар, ресурслар ва имкониятларга эга. Чунки Ҳиндистонда туристларнинг деярли барча турлари мавжуд ва ривожланган. Уларга мисол қилиб рекреацион туризм, экологик, дам олиш ва соғломлаштириш, диний, тоғ, сув (пляж) туризми ва бошқа туризм турларини мисол қилиш мумкин. Ҳиндистонда кўпроқ эса тарихий-маданий туризм ривожланган.

Шуни қайд қилиши зарурки, Ҳиндистонда жуда кўп миқдорда музейлар, ибодатхоналар тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, улар туризмнинг ривожланиши ва тараққий этишда жуда катта роль ўйнайди. Ҳиндистоннинг ҳар бир шаҳарлари ўзининг маданий тарихий бойиликларига эга. Уларнинг ҳар бири туристларнинг келиши туризмнинг ривжланиши билан фарқ қилади.

Деҳли шаҳри Ҳиндистоннинг 1947 йилдан буён пойтахти бўлиб ҳисобланади. Унинг умумий ер майдони 1483 кв.км. Аҳолисининг умумий сони 13 млн. кишидан ортиқ. Деҳли шаҳри ҳудуди 3 қисмдан иборат. У Қадимги Деҳли, Янги Деҳли ва Узоқ ҳарбийлар шаҳарчаси. Бундан ташқари Деҳли ҳудудига шаҳар атрофидаги 214 та қишлоқлар ҳам киради. Ҳозирги кунда мамлакатнинг пойтахти расмий равишда Янги Деҳлида жойлашган. Унда қарайиб 2 млн. атрофида аҳоли яшашади. Шаҳар Жамна дарасининг ўнг қирғоғида жойлашган. У дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Қадимда у Индрапрастха номи билан аталган. Ривоятларга кўра Деҳли шаҳрига биринчи бўлиб Ражтаут Деҳлу (Дхилу) томонидан Индрапрастха харобаликларида асос солинган. Кейинчалик шаҳар унинг асосчиси номи билан атала бошлаган. Янги Деҳли 1911 йилдан бошлаб қурила бошланди. Ҳозирги кунда Президент саройи, ҳукумат қараргоҳи, давлатни бошқарув идоралари ва муассасалари Янги Деҳлида жойлашган.

Шаҳарда 1300 тадан ортиқ тарихий обидалар, мадрасаю-масжидлар, ибодатхоналар, музейлар, қадимги қаълалар, миноралар, боғу-роғлар, ҳайвонат боғлари мавжуд бўлиб сайёҳларни ўзига жалб қиладилар. Шаҳардаги диққатга сазовар жойлар қаторига қизил Қала (Лал Қала, 1639-1648 й.) киради. Бу Шапхур сарой қасри мажмуасидан иборат бўлиб, буюк Бобурийлар подшоҳлиги даврида барпо этилган. Деҳли шаҳрида ўзининг қадимий Бхайрон ибодатхонаси мамлакатдаги энг баланд (72,5 м Қутб Минор) минораси (Виджай Стамбх, тахминан 1191-1370 й.й.) Лалкота харобаликлари

Пурана Кила қадимги қалъаси, (Дин Панах, 1530-1545 й.й.). Раж Тхат саройи, Ҳиндистондаги энг қадимги Жантар Мантар (1725 й.) обсерваторияси, Раж Питкора харобаликлари, Жахаз – Маҳал («Сарой-кема», 1229-1230 й.й.) мажмуаси, Чор Минор «ўлим минораси», Ҳиндистон меъмориал арк дарвозаси, собиқ Британия Котибияти биноси, Парламент уйи, 1858 й. меъмориал қўзғолони, Президентнинг махсус қароргоҳи (Раштрапати бхавайи, 1931 й.), Ашох устуни (12 м баландлиги). Деҳли шаҳри бутун дунё динларининг ибодатхоналари, мадраса, масжидлари билан тўлиб – тошиб кетган. Бу ерда буддаларнинг ибдатхонлари, мусулмонлар масжиди, христианлар черкови кабилар ўзгача бир кўринишларни ҳосил қилади. Шаҳардаги сикхларнинг Сис Ганж номли ибодатхонаси, Йогман (Кришнанинг опаси) ибодатхонаси, Лакшми Нарян ибодатхонаси, жайнистларнинг Дигамбар Жайн ибодатхонаси, мамлакатда энг қадимги баттистларнинг Чандни-Чоук черкови, инглизларнинг авлиё Жеймс (1836 й.) черкови, буддистларнинг Вихара ибодатхонаси, бахаистларнинг Лотос (1986 й.) ибодатхонаси, Кали ва Калкаджи худолари (1784 й.) ибодатхонаси ва бошқ.

Одатда Деҳли шаҳрини **«Шарқнинг мавзолейи»** деб аташади. Деҳли шаҳрида жуда кўпгина давлат арбобларининг турли хил даврларга оид ўрнатилган меъмориал иншоотлари тўпланган. Улар қаторига Адҳам Хон мавзолейи, Қутбиддин Бахтиёр Қоқи дарғаси, султон Шамсиддин Илтитмуш (1235 й.) қабри, мусулмонлар авлиёси Низомиддин Чишти Авлиё (1325 й.) дарғаси, султон Гури (1230 й.) архитектура ансамбли мақбараси, Сафдаржунга мақбараси, султоншо Разий (1241 й.) қабри, Ҳумоюн (1556 й.) мақбараси, Жаҳоншо Бегим ва Муҳаммад Шох (1719-1748 й.й.) мавзолейи, президент Зокир Ҳусайн (1973 й.) мавзолейи ва бошқалар киради.

Деҳли шаҳри музейларининг умумий сони бўйича ҳам дунё шаҳарлари ўртасида олдинги ўринни эгаллайди. Бу ерда Миллий музей, ҳозирги замон миллий санъат галереяси, қизил қалъъа Археологик музейи, Табиий – тарихий Миллий музейи, «Тинмурти-Хауз» Ж.Неру меъмориал музейи (1929-1930 й.й.), биллур ойнали Индира Ганди меъмориал музейи, «Лалит Кала Академия» нафис санъати музейи, Амалий ҳунармандчилик музейи, Мусиқий асбоблар музейи, Сулабх туалетлар музейи, Темир йўллар тарихи музейи, Халқаро қўғирчоқлар музейи, болалар саройидаги аквариум, Ҳарбий ҳаво қуролли кучлари музейи, Тибет-хауз музейи, Деҳли ҳайвонот боғи ҳ.к.

Деҳли кўкаламзор ва сер дарахт шаҳар бўлиб, унинг ҳудудида жуда кўплаб боғу-роғларни, парклар ва ям-яшил ўрмонзорларни учратиш мумкин. Президент саройидаги Бобурийлар боғи, эски Деҳлидаги Рошанар ва Шалимар боғлари, Коронация, Будда – Жайнати, Ж.Неру номли, Панча Шилапарк парклари, Кудсия (XVIII а.) боғи. Қизил қаъладаги Махатаб боғлари ўзининг бетакрор гўзаллиги билан ажралиб туради.

Деҳли шаҳрида туристларни қизиқтирадиган объектлардан бири бу Жоме Масжиди ҳисобланади. Бу масжид 1658 йилда қурилган. Ушбу масжидда Қурон китобининг асл нусхаси сақланиб келинмоқда. Бу масжидга бир пайтнинг ўзида 20 минг киши жойлашади.

«Қутб Минор» архитектура ёдгорлиги. Бу ёдгорликнинг қурилиши 1193 йилдан бошланган. У ўзида кўп миноралар турини қамраб олган. Миноралар қадимги афғон архитектураси стилида қурилган. Минора 5 қаватдан ташкил топган бўлиб, унинг 1,2 ва 3 қаватлари қизил тошдан қурилган, қолган 4 ва 5 қаватлари эса қизил қумтош ва мармардан қурилган. Минора деворлари геометрик дизайн ҳолда қурилиб унда Қурон суръалари ҳам битилган. Қутуб Минор мажмуаси ичида Қувват-ул-ислом масжиди жойлашган бўлиб, у ерда IV асрда қурилган қадимда металлдан ясалган устун қад кўтариб турибди.

Ҳинд кино санъати дунёдаги катта кино саноатларидан бири ҳисобланади. Ҳиндистонга кино 1896 йил кириб келган, илк ҳинд кинофиъльми 1912 йил ва овозли фильм эса 1931 йили ишлаб чиқарилган. Бугунги кунда Ҳиндистоннинг асосий кино марказлари Мўмбай (Болливуд), Калкутта (Голливуд) ва Ченнай (Молливуд) ҳисобланади.

Агра. Агра шаҳри мамлакат пойтахти Деҳлидан 204 км узоқликда жойлашган бўлиб, унда «дунёнинг энг машҳур етти «мўжизалари»дан бири Тожмаҳал (1630-1648 й.й.) жойлашган. Тожмаҳал оқ мармар тошдан ясалган мавзолей ҳисобланади. Тожмаҳал сўзи сарой гултожиси маъносини англатади. Яъни тошдан ясалган поэмадир. Ушбу бино ҳинд архитектори Асфанди томонидан лойиҳалаштирилган. У 22 йил давомида қурилган. Қурилиш ишларида 20000 дан ортиқ қуллар ишлатилган. Тожмаҳал комплекси тўғри тўрт бурчак шаклига эга бўлиб, унинг размери 579,5 м х 305 м. баландлиги 75 м ни ташкил қилади. У Деҳли шаҳридаги Қутб минордан баланд қилиб қурилган. Бош бинонинг чўққисидаги найзанинг баландлиги 10 метрни ташкил қилади. Тожмаҳал биносининг мармардан ясалган деворлари хилма-хил қимматбаҳо тошлар билан безатилган бўлиб, улар қуёш нурида ялтирайди. Бу ерда ҳамма нарсалар симметрик ҳолатда қурилган. Тожмаҳал Бобурнинг набираси Шоҳ Жаҳон амри билан қурилган. Бу мавзолейга Шоҳ Жаҳоннинг хотини мумтоз Маҳал дафн этилган. Мумтоз Маҳал давлатнинг муҳри (печати)ни сақловчи киши бўлган.

Тожмаҳал энг қиммат баҳо оқ мармар тош (Джайпур яқинида), қизил қумтош (Фатехпур Сикри), ляпис – мазур (Цейлон), хризалип (Миср), бирюза (Тибет), малахит (Ўрол)лардан келтирилиб қурилган буюк архитектура иншоатидир. Мавзолей ичига биринчи марта Мумтоз бегимнинг қабри, кейинчалик эса Шоҳ Жаҳон дафн этилган. Ҳар иккала қабрлар агат, яшма, халцедан каби қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Тож Маҳал Жамна дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган.

Аградан чамаси 40 км узоқликда «Маҳор тимсоли» Фатехпур – Сикри қадимги Акбаршоҳ мавзолейи жойлашган. Ҳозирги кунда сув танқислиги натижасида шаҳар одамсиз қолган қалъа ҳисобланади. Аммо қалъанинг ички қисми жуда яхши сақланиб қолган. Бу ерда баланд дарвоза, Шайх Салим мўжизавий мавзолейи, шоҳнинг масжиди, ҳовлилар, саройлар, ҳаммомлар, шоҳнинг тангаларини ишлаб чиқарувчи ҳовли, жуда кўпгина боғ-роғлар ва парклар яхши ҳолатда сақланиб келинмоқда. Бу буюк қалъа ичида ажойиб масжид, иккита катта залдан иборат даволанадиган Жой-Кхаз – Маҳал ва ойнали сарой, Жаҳонгир – Маҳалнинг мармардан ясалган мавзолейи, нафис ҳолда ясалган Мтемадул Даулининг қабри ва сув парки «Балиқлар павилионидан» иборат.

Жайпур аҳолиси сони бўйича ва тарихий ёдгорликлари бўйича ҳам таниқли шаҳарлардан ҳисобланади. Жайпур янги Деҳлидан 250 км узоқликда жойлашган шаҳардир. У қадимги шаҳар бўлиб, 1727 йилда унга асос солинган. Шаҳарни қуришда жуда ҳам кўп қизил қум тошни ишлатгани учун уни одатда **«қизил шаҳар»** деб аташади. Шаҳарнинг қоқ ўртасида Сандро – Маҳал сарой комплекси жойлашган. У билан биргаликда Раж-Маҳал, Жал-Маҳал (Кўлдаги Сарой), Хова Маҳал (Шамоллар саройи, 1799 й) ва Рамбах (ҳозирги кунда унда отеллар қурилган). У шаҳардан 11 км узоқликда жойлашган. Эмбер (XI-XVI асрлар) қалъа шаҳар, тоғнинг тепасида жойлашган Жайгарх ва Начагарх қалъалари (XVIII аср) ва яна Жайпур – Мантар абсерваторияси мавжуд. Ҳамма саройда Подшоҳлик музейи, Марказий музей, Ҳиндиология музейи, «Сити Палес» музейлари туристлар диққатини ўзига жалб қилади.

Жайпур шаҳридан унча узоқ бўлмаган ерда, яъни Абу шаҳрида яна бир зиёратгоҳ Дилвера Мандир ибодатхоналари комплекси мавжуд. Ушбу жой жайнистларнинг сиғинадиган асосий зиёратгоҳи бўлади. Бу жойда Адинотха (1031й) ва Наминатх (1130 й) ибодатхоналари мавжуд. Жайпур шаҳридан 15 км узоқликда Гейтареда қалъаси бор. У оқ мармардан қурилган Жай Синх II Жайпур шаҳрининг асосчиси бўлиб ҳисобланади. Жайпурдан 20 км узоқликда Галтада Қуёш худоси ибодатхонаси бор. Бундан ташқари ушбу районда жуда ҳам кўп шифобахш сув булоқлари мавжуд.

Варанаси муқаддас Ганг дарёсининг қирғоғида жойлашган шаҳар бўлиб, у Уттар Прадеш штатининг шарқий қисмида ўрнашган. Бутун дунёга ўзининг диний маросими, яъни дарё сувида чўмилиши ва оловда мурдани куйдириши билан машҳур.

Химчал – Прадеш ва Уттар – Прадеш Ҳимолой ва Ҳиндиқуш тоғ тизмаларини ўз ҳудудига киритиб, бу ерда бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган алоҳида будда

манастирлари мавжудлиги билан ажралиб туради. Ларак ашраклар шаҳри, Ришикиш ва 7 та муқаддас шаҳарлардан бири Харидвар, Скити водийси, Муқаддас Кайлаш тоғи (Киниер Кайлаш, 6050 м), Коинот маркази, Кулу **«Худолар водийси»,** Далай-Лама резиденцияси (Дхарансале), Парботедаги иссиқ ерости булоқ сувлари, Дхарамсаледаги ажойиб тоғ курорти, муқаддас Амарноах ғори ва бошқалар. Тибет тоғидаги Табо, Данкор, Люланг, Ревалсар, Комик ва Хонумана, Бхимакали, Башейвар – Махадео, Биджеимахадео ва Регхунатха баланд тоғда жойлашган Шива (Кеднариатха) ва Вишиу (Вадринатхе) ибодатхоналари минглаб зиёратчиларни ўзига жалб қилади.

Панжоб штатидаги Амримеареда сиккизм динининг энг асосий маркази олтин ибодатхона (Дарбор Сахиб ёки Свири Мандир, 1977 й) жойлашган. Бу ерда дунёга машҳур рассом Рерих ўз оиласи билан яшаган ва ижод этган. Машҳур тоғ курорти Манали ҳам шу ерда ўрнашган. У нафақат ўзининг шифобахш сувлари, тоғ ҳавоси балки буюк осмонўпар ибодатхоналари билан ҳам дунёга танилган.

Ҳиндистон ғарбий қисми бўйлаб саёҳатлар одатда **Мумбай (Бомбей)дан** бошланади. Бу ер **«Ҳиндистон дарвозаси»** деб ҳам аталади. У машҳур **«Ҳиндистон Голливуди»** ва Махаштра штатининг марказидир. Ҳозирги Мумбай ўзининг колониал архитектура қурилиши, баланд бинолари билан алоҳида ажралиб туради. Бу ерда энг қизиқарли объектлардан «Ҳинд дарвозаси» триумфель арки (1924 й), Форт (1720 й), Авлиё Томас собори (1672-1718 й), Принц Уэльск музейи (1911 й), Хўжа Али мавзолейи ва масжиди, Бомбей университети, қадимги пулни ишлаб чиқариш саройи (1828 й), Бамбейда энг катта Кроуфорд бозори ҳисобланади. Бомбейнинг бундан бошқа диққатга сазовар жойларига шаҳардаги Парапоревала аквариуми, Ғарбий Ҳиндистон музейи, Виктория Гарденз ҳайвонот боғи, Неру номидаги Бомбей планетарийси, ҳозирги замон санъат галереяси ва VII асрда қурилган бир қатор ибодатхоналар киради.

Гоа штати Мумбайнинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда денгиз курорти ривожланган. Гоа Ҳиндистонда биринчилардан бўлиб, чет элликлар томонидан истило қилинган ҳудуд ҳисобланади. Унинг умумий ер майдони 3702 кв. км, аҳолиси 1,3 млн кишидан иборат. Штат маркази Панажи шаҳри ҳисобланади. Аэропорти Даболин (29 км Панажидан узоқликда жойлашган). Ер усти тузилиши ясси тоғликлардан иборат.

Асосий транспорти: такси, матоцикллар, маҳаллий автобуслар ва авторикшиллар. Аҳолининг асосий тили-конкани, инглиз, португал ва маратхи. Маданияти: португаллар маданияти кучли таъсир кўрсатган, айниқса музика ва ўйинларида.

Ҳудуднинг иқлим шароити ўртача бўлиб, тропик денгиз иқлимидир. Ҳаво ҳарорати 20^0 дан 34^0 гача кўтарилади. Ҳавонинг намлиги 60% ни ташкил қилади.

Гоа ўзининг ажойиб пляжлари билан донг чиқарган. Пляжлар денгиз қирғоқлари бўйлаб 83 км га чўзилиб кетган. Пляжларнинг ҳаммаси кафелар, ресторанлар, меҳмонхоналар билан банд. Гоанинг диққатга сазовар жойларига қуйидагилар киради: Чандора алоҳида уйи, Одилшоҳ саройи, Панджила черкови, ҳиндларнинг ибодатхоналаридан Шри Маликаросун, Харри Мандир, Махалакшни, Рам Мандир, Бадхгешвар, Мангуеши, Вихал ва Шандатура, португалларнинг католик сабори Се (1562 й), Санта Малика ва авлиё Августино черкови, Авлиё Коғтана черкови, Авлиё Энтони Кироллик соати, Франциска Азиск сабори, Авлиё Екатерина кафедрал сабори (1652 й) ва бошқалар.

Гоа штати бўйлаб саёҳатда туристлар Ғарбий Гат тоғларидаги ҳайвонот боғига бориши мумкин. Бу ерда Бондла қўриқхонаси бўлиб, у Панажидан 55 км узоқликда жойлашган. Қўриқхонада ажойиб атиргуллар, табиий боғ бўлиб, унда ёввойи чўчқа-монардлар, айиқлар, буғулар, турли хил қушлар, илонлар учрайди. Ушбу жойдаги Дурхсогар қўриқхонасида туристлар джип автомашинасида жунгли ўрмонзорлари бўйлаб «сафарга» чиқиши мумкин. Қўриқхона ҳудудида 603 метр баландликка эга бўлган шаршара мавжуд. Дурхсогар сўзи «сутли океан» деган маънони англатади.

Гоа бўйлаб саёҳат чоғида туристлар маҳаллий аҳолилар истиқомат қиладиган қишлоқларни, уларнинг турмуши, юмушлари билан яқиндан танишадилар. Айниқса

«Савой» зировар (доривор) ўсимликлари плантациясига ташриф буюриш уларда жуда катта таасуротлар қолдиради. Марказий Гоада мангра ўрмонзорлари билан қопланган жойда канал сувида крокодиллар (тимсоҳлар) қўриқланади.

Ҳиндистон ярим оролининг жанубий-ғарбий қисмида **Керала** штати жойлашган бўлиб, у Осиёдаги энг гўзал пляжлардан бири ҳисобланади. Штатнинг маркази Привандраже ўзининг ибодатхонаси (Падманабхасвами) каналлари, Траванпур мехаражи князлиги саройлари, Ҳиндистоннинг космосни тадқиқот қилувчи институти, Рерихнинг расмлари галереяси, Голландлар музейи-саройи, Авлиё Францизко сабори ва Маттангери қалъаси мавжуд.

Ҳиндистоннинг шарқий қисмида Ғарбий Бенгалия, Бихар, Орисса ва Сикким штатлари жойлашган. Калкутта ёки Калкота Ғарбий Бенгалия штатининг маркази ва асосий энг йирик шаҳри ҳисобланади. Калкутта шаҳрида Ҳиндистондаги энг йирик Миллий кутубхона (1836 й) Қирол Виктория мемориал музейи (1921й), бахайбат Уильям денгиз порти (1696 й. асос солинган), Ҳиндистоннинг бой музейи, энг қадимги Калкутта университети (1857 й), ажойиб ботаника боғи (XVIII аср), «Хоура-Бридж» кўприги ва бошқалар мавжуд.

Пляж (сув) туризми. Пляж (дарё ёки денгизнинг чўмилиш учун қулай бўлган қирғоғи) туризми Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоқлари Араб денгизи шарқий қирғоқлари эса Багама қўлтиғи билан ўралган. Мамлакатнинг пляжлари хилма-хил бўлиб, бу ерда қумлик пляжлари (жанубий – ғарбий қисмида) дан тортиб, то чуқур ва мураккаб қоялар (мамлакатнинг шарқий қисмида) гача учрайди.

Ҳиндистонда энг машҳур ва таниқли пляжлар мамлакатнинг жанубий-ғарбий қисмида, яъни курортли райони Гоада жойлашган. Гоа – мамлакатнинг «Олтин водийси» ҳисобланади. Гоа денгиз қирғоқлари жуда майда сариқ қумлар билан қопланган бўлиб, денгизда чўмилишга келган туристларда катта таасурот қолдиради. Гоадаги машҳур пляжлардан бири бу **Колва** пляжи бўлиб ҳисобланади. Бу ердаги энг узоқ масофага 50 кмга чўзилган пляж **Арамбоя «Олтин»** пляж оч сариқ қум билан қопланган. Турли хил сув спорти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган ажойиб пляж Дона Паула ҳисобланади.

Ўз дискотекасига эга бўлган ва ёшларга мўлжалланган «бирюза» (феруза)ли **Калангўт** пляжи ҳам жуда машҳурдир. Бу ерда денгиз сувининг чуқурлиги бирданига қирғоқдан бошланмайди. У қирғоқдан 50-60 метрдан кейин 7-9 метр чуқурликка эга бўлади. Ҳиндистондаги энг чиройли ва ҳуш манзарали пляжлардан Понолям ҳисобланади. Пляждаги қумнинг ранги оппоқ бўлиб сув эса ҳаворанг ҳолатда бир қанча майда фоллардан иборат бўлган хушманзарали жойни ташкил қилади. Буларнинг ҳаммаси штатнинг марказидан 70 км узоқликда жойлашган Пананжи шаҳридадир.

Бенаулим пляжи Колва пляжидан унчалик узоқда жойлашмаган. Бу ерда денгиз суви жуда тинч ҳолатда бўлиб, кишилар учун унчалик хавф-хатар туғдирмайди. Денгиз сувида хавф туғдирадиган йиртқич ҳайвонлар (акула, медузалар) учрамайди. Бу ерлар сокин, хилват жой бўлиб, туристлар учун мароқли дам олиш имконига эга.

Мадагара пляжи эса гўзал манзарага эга бўлиб, у ерда кокас пальмалари ва мевали дарахтлар билан қопланган. Яна бир ажойиб тоза ва туристларга бой бўлган **Багамало** пляжидир. Бу ерда туристлар сув остига махсус асбоблар билан шўнғиш имкониятига эга бўлади. Туристларни сув остига шўнғишни ўргатадиган марказ фаолият кўрсатиб келмоқда.

Агуада пляжи энг қадимги пляжлардан бири ҳисобланади. XVII асрда португаллар бу ерда биринчилардан бўлиб, денгиз портини ташкил қилган. Бу порт Мандови дарёсининг денгизга қўйилиш жойида жойлашган.

Кандолум пляжи Гоанинг энг гўзал пляжларидан бири ҳисобланади. Бу ерда тинч-осойишта ва салобатли муҳит яратилган. Бу ердаги кўлда қизил Нилуфар (гулисафсар) ўсади ва унинг устида ниначилар учиб юради.

Гага пляжи Мапуидан 10 км узоқликда жойлашган бўлиб, у ўзининг тунги кўриниш манзараси билан алоҳида ажралиб туради.

Вагатор пляжи ўзининг тунги ўйин кулгилари билан машҳурдир.

Анжуна пляжи Мапусидан 8 км узоқликда жойлашган бўлиб, жаннатмакон пляж ҳисобланади. Бу ерда оппоқ қум, пальма дарахтлари, кўм-кўк денгиз зилол сувлари, ресторанлар, кафелар, барлар, дискотекалар ўзига хос гўзлликни барпо қилади.

Мумбай (Бомбей) пляжида дискотекалар «Болливуд» артистлари, ёшларнинг ўйин-кулгилари, музикалар туну-кун бўйи янграйди.

Бенгалия кўрфази пляжлари ҳам Араб денгизи қирғоқларидаги пляжлар сингари ўзининг хилма-хиллиги, гўзаллиги, қулайлиги билан алоҳида ажралиб туради. Жаннатмакон пляжларни яртишда жуда кўплаб дарёлар, кўллар, кокос пальмалари, эвкалипт дарахтлари, манго ўрмонзорлари, шакарқамиш плантациялари, катта роль ўйнайди.

Карол пляжлари Ҳиндистоннинг жанубий штатларида бўлиб, у Гоа пляжларидан унча фарқ қимайди. Бу ерда пляж мавсуми октябр ойида бошланади. Ёз ойларида денгизда тўлқинлар кучли бўлганлиги сабабли унда чўмилиб бўлмайди.

Ҳиндистоннинг ҳамма пляжлари давлат тасарруфидадир. Пляжлардаги меҳмонхоналарда туристларнинг хавфсилигини сақлаш учун махсус қўриқчиларни тайинлайди.

Пляжга келган ҳар қандай кишилар пляж жиҳозлари (соябон, ёғоч кроват, сочиқ ва бошқалар) ни бепул олишадилар.

Диний туризм. Ҳиндистонда туризмнинг қадимий турларидан бири-диний туризмдир. 900 млн. дан ортиқ ҳиндлар (80,5%) индуизим динига эътиқод қиладилар. Ундан кейинги динларга ислом, христиан, сикхизм, буддизм ва жайнизмлар киради. Ҳиндистонда булардан ташқари иуадизм, зораастризм, бахои, анамизм динлари ҳам тарқалган. Шу билан бир қаторда бутун мамлакат бўйлаб, динларга сиғинадиган ва зиёрат қиладиган жойлар, марказлар қуйидагилар ҳисобланади:

1. **Варанаси.** Бундан 2 минг йил олдинги тарихга эга бўлган Ҳиндистонда диннинг маркази бўлган «абадий шаҳар» Варанси Ганг дарёси қирғоғида жойлашган бўлиб, у Уттар-Прадеш штатининг шарқий қисмида жойлашган. Бу ерда бутун Ҳиндистондан юз минглаб кишилар Ганг дарёсида чўмилиш, тахорат қилиш мақсадида ва ҳар ҳил урф-одатларни ўтказадиган жойи ҳисобланади. Бу ерда буддистларнинг ҳам зиёратгоҳ жойлари – Дхардмараджика тош устунлари, жойнистларнинг Сриенсантх ибодатхонаси, Ганг дарёсида тахорат оладиган зинапоялар, Вишвантх, Аннопурна ва Манмандир ибодатхоналари, XVII асрда қурилган мусулмонларнинг Генвали масжиди ва Ҳиндистондаги энг бой музейлардан бири Бхаван ва бошқалар алоҳида ажралиб туради. Орисса штатининг Бхубанешвар шаҳрида Ҳиндистондаги энг йирик Лингарадэса ибодатхонаси жойлашган.

Ушбу шаҳар яқинида буғилар ҳайвонот боғи мавжуд. Унда ибодатхона ичида будданинг ҳайкали ўрнатилган. Бу ерга бутун дунёдан будда динига эътиқод қилувчилар келишади. Будда бу ерда ўзининг илмини, ғоясини яратган. Шаҳарда жайнистларнинг ибодатхонаси – Сриянсантл мавжуд. Ганг дарёси қирғоғида эса ҳиндларнинг таҳорат қиладиган зинапоялари бор. Ундан ташқари Вишванатх, Аннапурна ва Манмандир ибодатхоналари ҳамда Гьенвали ва Амамгир масжидлари жойлашган.

2. **Деҳли.** Деҳли шаҳрида турли хил динларга таълуқли ибодатхоналар, масжидлар, черковлар жуда кўп. Айниқса Сикхларнинг Сис Гандж номли ибодатхонаси, Йогман (Кришна онаси) ибодатхонаси, христианларнинг энг қадимий черкови-Чандни-Чаук, инглизларнинг Авлиё Жеймс, буддистларнинг Вихара ибодатхонаси мавжуддир.

3. **Муқаддас Матҳур**. Ушбу шаҳар Деҳли ва Агра шаҳарлари ўртасида жойлашган. Айтишларига қараганда бу жойда Кришна туғилган. Шаҳар янги Деҳлидан 120 км узоқликда жойлашган. Матҳурни **«Беш минг ибодатхоналар шаҳри»** ҳам деб аталади. Бу

ерда Кришна – Боларам Мондир-ибодатхонаси энг машҳурдир. Бу ер юз минглаб зиёратчилар макони ҳисобланади.

4. **Химачал – Прадеш ва Уттар – Прадеш.** Химолай ва Ҳиндиҳуш тоғ тизмаларини эгаллайди. Бу ўлка буддистлар монастрлари ва диний марказлари билан машҳурдир. Улар ичида Ладак, Дишикиш, Харидвар, Спити водийси, муқаддас Кайлаш тоғи, «Худолар водийси», Кулу, Далай-Лама резиденцияси, минерал шифобахш сувларга эга бўлган тоғ курорти Дхарамсала, муқаддас Амарнати ғорлари ва бошқалар. Энг чиройли ва гўзал Тибет манастрларидан Габо, Данкор, Лапюнг, Ревал Сор, Комик, Ки ибодатхоналардан Гамуна (Шимпеда), Бешишвар-махадео ва Рагхунатха, энг баланд тоғдаги ибодатхоналари, Шиви ва Вешнулар (Кедарнатхе ва Бадринатхе ш.) мавжуд бўлиб, бу жойлардан зиёратчилар қадами ҳеч қачон узилмайди.

5. **Амритсаре** (Панжоб штати) да сикхизмнинг асосий маркази – олтин ибодатхона (Дарбар Сахиб ёки Сварн Мандир 1577 й) муқаддас булоқ сувига эга.

6. **Жайпурдан** унча узоқ бўлмаган Абу шаҳарчасида Диваре-Мандир жайнастларнинг саждагоҳ жойи бор. Бу ерда Адинатха (1031 й) ва Номинатх (1230 й) ибодатхоналари мавжуд.

7. **Чайнандан** жанубий-ғарб томонда жойлашган Модурайда ҳам жуда кўплаб зиёратгоҳ жойлар мавжуд. Улар ичида Менакши (1560 й.), Шива (XII-XVII асрлар) коплекс храмлари машҳурдир.

Даволаниш ва соғломлаштириш туризми. Ҳиндистон қадимдан аюрведа усли билан даволашнинг ватани бўлиб ҳисобланади. Аюрведа сўзининг мазмуни ёки маъноси «ҳаёт фани» демакдир. Бу комплекс даволашнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Қадимги ҳиндларда аюрведа даволаш кишиларни соғлом, бахтли ва келишган ҳолга келтиради дейишади. Мана шу мақсадга эришиш учун кишилар учта қоидага амал ёки риоя қилишлари шартдир.

1. Ҳар кунги соғлом тана ва кайфиятга амал қилган ҳолда, мавсум бўйича киши танасида касалликлар келиб чиқмаслиги учун даволаш тадбирларини олиб бориш зарур.
2. Киши танасида касалликни даволаш учун тозалаш муолажаларини ўтказиш ва табиий дори-дармонларни қабул қилиш.
3. Киши танасини қайта тиклаш ва организмни ёшартиришдан иборат.

Ҳозирги кунда Ҳиндистонга дунёнинг турли минтақаларидан аюрведик даволаниш учун тахминан 150 мингдан ортиқ хорижлик сайёҳлар келишади. Улар аюрведик клиникаларда ва марказларда доривор ўсимликлар, гуллардан тайёрланган ўсимлик мойлари, дори-дармонларни махсус ихтисослашган мутахассислар ёрдамида қабул қиладилар.

Аюрведик усулда даволаш Ҳиндистоннинг Гоа ва Керала штатларида кенг ривожланган.

Спорт туризми. Ҳиндистонда спорт туризми хилма – хил бўлиб, бу ерда энг кўп тарқалгани алпинизм яъни тоғ чўққисига чиқиш, баланд тоғ ғоясига чиқиш ҳисобланади. Алпинизм Ҳимолай тоғлари, Гат тоғларида ривжланган. Унинг асосий маркази Таглакабадда жойлашган.

Сафари. Туяда саёҳат асосан Тер саҳросида амалга оширилади. Сафари 1-2 ҳафталик этиб ташкил этилади. Сафарни ташкил этишнинг асосий маркази Жодхпур, Жайсолмер ва Биканер ҳудудлари ҳисобланади. Сафарни ташкил этувчилар кўпроқ қадимги карвон йўлларини танлашади: унда мусиқа чалиш, анъанавий овқатлар тайёрлаш, олов олдида меҳмондўстликни жойига қўйиш каби юмушларни бажаришади.

Дельтапланеризм. У жуда тезкорлик билан ривож топмоқда. Ҳиндистонда дельтапланеризм бўйича Пун, Янги Деҳли, Бомбей, Шимпе каби жойларда клублар ишлаб турибди.

Ҳиндистонда жўшқин дарёларда қайиқда сузиш Ҳимолай тоғларидаги дарёларда амалга оширилади. Ҳаво шарида учиш, авторалли, велосипеда юриш каби туризмлар ҳам ривожаниб бормоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Ҳиндистон ҳозирги кунда Осиё қитъасида ўзининг тутган ўрни ва иқтисодий салоҳияти, интеллектуал ресурслари, табиий бойликлари ва бошқа томонлари билан Хитойдан кейинги ўринни эгаллайди. Ушбу мамлакат ҳозирги кунда Осиёдаги янги саноатлашган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллайди.

Туризм туризм соҳасига келадиган бўлсак, Ҳиндистонда ички ва халқаро туризмни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Чунки бу мамлакат жаҳон цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу мамлакат ҳудудида хилма-хил тарихий - маданий ёдгорликлар, обидалар, шаҳарлар қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган. Мамлакатнинг табиий туристик ресурлари, денгиз океан, дарё сувлари, баланд қор ва музликлар билан қопланган тоғлари, тропик ўрмонзорлари, саҳролари, хилма-хил табиий иқлим зоналари, турли хил халқларнинг турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари, туризм инфратузилмасининг таркиблари мавжуддир. Буларнинг ҳаммаси мамлакатда ички ва халқаро туризмни ривожлантиришга имкониятлар яратади.

Ҳозирги кунда Ҳиндистон халқаро туризм бўйича унча катта улушга эга эмас. Унинг ҳисобига бутун дунё халқаро туризмининг 1,2 % и тўғри келади. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати билан белгиланади. Чунки бу мамлакат яқин вақтларгача қолоқ ва энди ривожланаётган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаб келмоқда эди;
- Ҳиндистон дунёдаги саноати ривожланган бой-бадавлат давлатлардан жумладан АҚШ, Канада, Япония ва Европа мамлакатларидан анча узоқда жойлашганлигидадир;
- Ҳиндистон атрофидаги қўшни мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволининг паст даражадалиги ва камбағаллигидадир. Бу мамлакатларга Покистон, Афғонистон, Бангладеш, Непал давтлари киради.

Ҳиндистон мамлакатининг туризми учун хос бўлган нарса бу ички туризмнинг халқаро туризмга нисбатан устунлигидадир. Халқаро туризм хамон ички туризмга нисбатан умумий сони жиҳатидан орқада қолмоқда. Ҳиндистон туризми учун хос бўлган туризм турларига тарихий – маданий туризм, пляж туризми, диний туризм, экотуризм даволаниш туризми ва спорт туризми каби бир қатор йўналишларга эга эканлигидадир. Мамлакатда сўнгги йилларда туризм инфратузилмасининг яратилаётганлиги эътиборга лойиқ. Бу соҳада ўзига хос бўлган камчиликлар ҳам анчагина. Булар қаторига Ҳиндистон меҳмонхоналари ва умумий овқатланиш корхоналарида нарх сиёсатининг баландлиги. Сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар даражасининг пастлиги транспортда, меҳмонхоналарда, умумий овқатланиш корхоналари ва саёхат экскурсияларда яққол сезилади. Экологик шароит, санитария гигиена ҳолатлари бутун мамлакат юўйича яхши аҳволда эмаслигини инобатга олиб ушбу соҳада катта ташкилий тадбирлар ўтказиш муҳим. Ҳиндистонга хорижий туристларни жалб қилишни асосий йўлларидан бири бу мамлакатнинг туристик имкониятларини чет элларда кўпроқ реклама қилиш ва (миллий кадрлар салоҳиятини оширишдан иборатдир.

Фаол (пиёда) туризми. Фаол ёки пиёда туризми Ҳиндистонда қадимги саёҳатларнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда пиёда туризми мамлакатада анчагина ривожланган бўлиб, у сайёҳлар учун кўпроқ таъсуротлар олиш ва табиий манзаралари билан яқиндан танишиш имкониятини беради. Ҳиндистонда пиёда туризми мамлакатнинг Шимолий ва Шимолий – Шарқий қисмида жойлашган баланд Ҳимолай тоғ тизмалари учун характерлидир. Ундан ташқари туризмнинг ушбу йўналиши мамлакатнинг Ғарбий қисмидаги Гат тоғларида ҳам тарқалган.

Ҳиндистон пиёда туризмининг ривожланиши учун жуда катта имкониятларга ва қулайликларга эга бўлган мамлакат саналади. Бу мамлакатга дунёнинг кўпгина давлатларидан ҳар йили минглаб сайёҳлар тоғ чўққиларини забт этиш учун келишадилар. Бу ерда энг қисқа масофага эга бўлган саёҳатлардан тортиб, то узоқ қорли чўққили масофаларга чўзилиб кетган сайёҳлик маршрутларини учратиш мумкин. Одатда, пиёда туризми сайёҳдан қоидага кўра, кучли жисмоний тайёргарлик кўришни талаб этади. Сайёҳлар саёҳат манзараларини кўриб, улар билан юзма-юз танишадилар, мароқли ҳис-туйғуларга эга бўлишадилар. Бутун саёҳат давомида баланд тоғ қояларини, ям-яшил ўтлоқлар билан қопланган қорли, доимий музликларни кўриб ҳайратга тушишдилар.

Ҳинистон мамлакати ҳудудида Ҳимолай тоғлари 3500 км масофага чўзилиб кетган бўлиб, унда қуйидаги фаол туризми марказларини учратиш мумкин: Жамму ва Кашмир, Химачал-Прадеш, Гарвал, Кумон, Даржилинг, Аравалли тоғлари, Сайпура тоғлари, Ғарбий Гат тоғлари, Нилири тоғлари ва бошқалар.

Жамму ва Кашмир. Жамму ва Кашмир Ҳиндистоннинг энг шимолий штатларидани бири ҳисобланади. У мамлакатда фаол туризмнинг энг муҳим ва таниқли марказларидан бири бўлиб, ўзининг хилма-хил ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, қорли тоғ чўққилари, мусаффо дарё ва сой сувлари билан алоҳида ажралиб туради. Кўпгина пиёда юриш саёҳати маршрутлари штатнинг пойтахти- Сринагаре шаҳридан бошланади ва Забарван ва Шанкарачарья тоғлари бўйлаб давом этади. Ушбу маршрутда учта асосий туристик базалар: Пахалгам (100 км. Сирингарадан узоқда). Гулмар (51 км Сирингаридан узоқликда) ва Сунамарг жойлашган бўлиб, улар Амарнатх, Ару, Лиддерват каби муқаддас ва азиз жойларга, Тарсар ва Тулпан музлик кўлларига, тип-тиниқ найзали Апхарват ва Альпатар тоғ чўққилари, Вишансар, Гангабал кўллари, Таживас музликларига боришади. Сунармарг шаҳри Синдх водисидаги туристик база ҳисобланади. Бу ердан туристлар атрофдаги тоғларга маълум йўналиш бўйлаб сафарга отланишадилар.

Химачал – Прадеш. Химачал Прадеш штати Спити ва Лакаул водийсида жойлашган бўлиб, у хилма-хил манзараларга жуда бой ўлка ҳисобланади. Сафар Манахедан бошланиб Бхага дарёсидан, то Келангага, ундан сўнг Бара-Шигри музликларига давом этади ва Баралага давонидан ўтиб Лех шаҳригача боради. Штатнинг марказида жойлашган Кулу шаҳри ўзининг ибодатхоналари, диний байрамлари ва анъаналари билан машҳурдир. Бу ердаги туристик маршрутлар тоғ террасаларини кесиб ўтиб баланд қорли чўққилар ва доимий музликлар томон йўл олади. Дхармсала қишлоғи Кангра водийсидаги асосий туристик база ҳисобланади. Бу ердан сайёҳлар Бхармаур водийсига походга чиқиб, Индрагар довони орқали, Равви дарёси бўйидаги Чамба ибодатхонларига етиб келишади. Сафар маршрутлари Далхузи шаҳарчасидан ўтиб Хаджияр кўлига, ундан сўнг Сах ва Чини довонига давом этади. **Шимла** инглизларнинг ёзги пойтахти бўлиб, у баланд тоғдаги туристлар қўналғаси ва базаси бўлиб ҳисобланади. Бу жойдан сайёҳлар Кулу водийсидан Жалари давони орқали Калпур ва Киннаур водийсига ўтишади.

Гарвал. Гарвал ёки Уттарханд баланд Ҳимолой тоғларида жойлашган афсонавий худоларга бой ўлкадир. Бу ердан Ҳиндистондаги машҳур ҳаётбахш Ганг дарёси бошланади. Масури баланд тоғда жойлашган жой бўлиб, туристларнинг Ганготри ва Ямнотри водийсидаги туристик базаси ҳисобланади. Бу ердан Ганга дарёсининг Гаумукхе ирмоғига чиқиш мумкин. Бошқа жойдаги Ришикеш қишлоғи муқаддас Хардвара шаҳарчасига яқин бўлиб, сайёҳлар учун база ҳисобланади. Бу масканда муқаддас Бадринатх ибодатхонаси жойлашган. Бу ерда яна бир сайёҳлик маршрути «Гуллар водийси»дан бошланиб Хемкунд кўлига ва Мандакини ҳамда Кедарнатх водийсида, қайсиким ўн иккита азиз худолардан бири саналган Шива ибодатхонаси жойлашган манзилга боради.

Кумаон. Ушбу минтақа Ҳимолой тоғларининг шимолий ёнбағирларидан тортиб, жанубда то Тираи ва Бхабар тоғ ёнбағирларигача давом этади. У Уттар – Прадеш штатида жойлашган бўлиб, Ҳимолий тоғларининг Шимолий-шарқий қисмини ташкил этади. Бу

ерда фаол (пиёда) туризмининг асосий маркази – Алмора ҳисобланади. Бу жой походга чиқиш учун тайёргарлик кўрадиган идеал база бўлиб ҳисобланади. Ундан Пиндири музликларига, Сомешвар водийсига бориш мумкин. Бошқа туристик база Найнатал аҳоли пунктида жойлашган бўлиб, бу ердан Бхимтал, Курпатал, Биняк ўрмони томон сафар маршрутлари бошланади. Раникетда Марказий Ҳимолойнинг ажойиб умум кўриниш манзараси намоён бўлади ва у Каусани маршрутининг бошланиши бўлиб саналади. Бу ер Ҳиндистоннинг энг ажойиб, гўзал манзарага эга бўлган маскани ҳисобланади.

Жаржилинг ва Сикким. Бу ўлка Шарқий Ҳимолойда жойлашган бўлиб, қарағайзор ўрмонлари, феруза рангли кўллари, жўшқин дарёлари билан танилган.

Жаржилинг – Эверест чўққисини забт этувчиларнинг ватани бўлиб саналади. Бу ерда Ҳимолой тоғ алъпинзми институти жойлашган. Бу ерда ўртача ва юқори классли тоғ маршрутлари учун яхши база яратилган. Энг машҳур ва номи чиққан тоғ маршрутлари Йўлбарсли тоғда жойлашган бўлиб, Ҳимолой тоғларининг жозибали кўриниши, Сандакфудаги Фалут, Сандакфу, Сингалая ва Танглу чўққилари ҳисобланади.

Сикким ўлкаси Ҳимолай тоғларининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, у ажойиб ўсимликлар, буталар ва гуллар ўлкасидир. Ушбу маскан хилма-хил ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига жуда бой Сиккимнинг пойтахти – **Гантак** походга чиқувчиларнинг маркази ҳисобланади. Бу ердан муқаддас Яксуму, Пемаянгце ва Бакхима ва Дзонгри округидаги тоғларга йўл олинади.

Аравалли тоғлари. Аравалли Ҳиндистон субконтинентидаги қадимги тоғларнинг қолдиғи бўлиб ҳисобланади. Бу тоғ ўсимликларга жуда камбағал бўлиб, унда тиканли акация ва финник пальма дарахтлари асосан воҳаларда учрайди. Бу ерда Маунт – Абу курорти жойлашган бўлиб, унинг атрофида бой ям-яшил ўрмонлар мавжуд. Ушбу ҳудудда туристлар учун бир кунлик маршрутлар тақдим этилади, қайсиким унда Арбуда-Деви қасрига бориш, Гуру Шикхар, Гаумук ва Форт Ачалгар тоғлар манзарасини томоша қилиш кўзда тутилади.

Сатпура тоғлари. Сатпура тоғи Марказий Ҳиндистон ҳудудида жойлашган. Ундаги асосий маскан Пачмархи курорт аҳоли пункти ҳисобланади. Бу ерда қисқа масофали туристик маршрутлар тақдим этилади. Улардан бири Махадео-Дулгарх чўққисига чиқиш маршрутидир.

Ғарбий Гат тоғлари. Ғарбий Гат тоғлари Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоқлари билан параллел ҳолда, Тапти дарёсидан бошлаб, то субконтинентнинг жанубий қисмига қадар чўзилиб ётади. Тоғлар қалин ўрмонлар билан қопланган бўлиб, ўзига хос гўзаллик бахш этади. Минтақадаги Махабалешвар шаҳри энг баланд нуқтада жойлашган. У пиёда туризмнинг ҳақиқий базаси ҳисобланади. Шунга ўхшаш танилган туристик базалар ва маршрутлар қаторига Лонавлу, Кандлу, Матхеран ва Бхор-Гат кабиларни киритиш мумкин. Бу ўлка ажойиб ўзининг шаршаралари, кўл ва ўрмонзорлари билан машҳурдир. Мадикери ушбу минтақадаги маршрутларнинг бошланиши ҳисобланади. Гат тоғлари, Тамилнаддаги Юқори Пални тоғлари қалин ўсимликлар билан қопланган. Бу жойда Кодайканад аҳоли пункти иккита қисқа маршрутлар учун база бўлиб хизмат қилади: Пилар-Рокс ва Грин-Вэллей йўналиши бўйича. Курталам пункти ҳам Тамилнадда жойлашган бўлиб, у қалин кофе ва хушбуй ўсимликлар плантацияси билан қопланган. Бу жой Ғарбий Гат тоғларининг ажойиб, гўзал табиат манзарасига эга бўлган ҳудуди ҳисобланади.

Нилгири тоғлари. Ҳиндистоннинг жанубий қисмидаги тоғларнинг чўққилари ётиқ, текис бўлиб, хилма-хил ўсимликлар, мевали дарахтлар билан қопланган. Ушбу ҳудудда пиёда туризмнинг учта маркази мавжуд: Утака мунда, Кунор ва Котагари. Уларнинг ичида энг кўзга кўринган ва таниқли пиёдалар маршрути Венлок-Даунс, Калахатти шаршараси ва Мадумалай ҳайвонот қўриқхонаси. Кунор-Дрогга чўққиси ва Лэмба қоялари маршрути ва Котагаридан Нилгири тоғларининг сояли йўлаклари бўйлаб пиёдалар маршрути алоҳида ажралиб туради.

Ҳиндистонда энг кўп туристлар ташриф буюрадиган машҳур миллий боғлари ва қўриқхоналари қўйидагилар саналади:

Карбетт (Уттар-Прадеш) миллий боғи. Унда ёввойи ҳайвонлардан йўлбарс, фил, қоплон, турли хил қушлар қўриқланади.

Дарва (Уттар-Прадеш) миллий боғи Непал давлати чегарасига яқин жойлашган ҳудуд, ўзининг ажойиб гуллари билан ажралиб туради.

Сариска (Ражастан) миллий боғи. Деҳлидан 200 км ўзоқликдаги ўрмонзонлар ва тепаликларда жойлашган бўлиб, бу ерда самбар (ҳинд бўғиси, читал (қашқа бўғи), ҳинд антилопаси, қоплон, йўлбарс, қора бўғилар яшайди.

Конха (Мадхья - Прадеш) миллий парки У ўрмон ва саваннада жойлашган бўлиб, бу ерда йўлбарс, четал, чаур (ҳинд бизони – ёввойи буқа), маймунлар ҳимояга олинган.

Шивпури (Мадхья - Прадеш) миллий боғи. Ўрмонзор ва кўл бўйида жойлашган бўлиб, унинг ҳудудида чинкара, антилопа (оҳу) нилгай, қоплон, сувда яшовчи қушлар, йўлбарс кабилар қўриқланади.

Казиранча (Ассом) миллий боғи ўтлоқлардан иборат бўлиб, унда ҳинд каркидони, бегемот, йўлбарс, қоплон, фил, буғи ва хилма-хил учиб ўтувчи қушлар кенг тарқалган.

Манас (Ассом) қўриқхонаси Бутан давлати чегар ҳудудида жойлашган бўлиб, тропик ўрмонзорларида ва саванналарда каркидон, бегемот, йўлбарс, фил, сувда сузувчи қушлар учрайди.

Синдербанс (Ғарбий Бенгалия) йўлбарслар қўриқхонаси мангра ўрмонзорларидан иборат бўлиб, унда йўлбарс, дарё мушуги, буғу, тимсоҳ, дельфин, қушлар яшайди.

Симилипол йўлбарслар қўриқхонаси, Периер (Керала) қўриқхонаси, қушлар (Тамилнад) қўриқхонаси, Пуликот (Андхра-Прадеш) қушлар қўриқхонаси, Данделн (Карнатака), Ваенад (Керала), Пароба (Махараштра), Сосангир (Гуджарат), Кан Саровар (Гуджарат) ва бошқалар.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Ҳиндистоннинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити ҳақида маълумот беринг.
2. Ҳиндистоннинг табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Ҳиндистонда туризмни тараққий эттириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?
4. Ҳиндистон аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари қандай?
5. Ҳиндистон туризм тараққиётида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрнини аниқланг.
6. Ҳиндистонда туристларни жойлаштириш воситаларининг асосий ҳусусиятлари, имкониятлари ҳамда афзалликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?
7. Ҳиндистонда туристларни овқатлантириш тизими, ресторанлари ҳамда миллий таомлари ҳақида маълумот беринг.
8. Ҳиндистоннинг сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш инфратузилмаси қандай ривожланган?
9. Ҳиндистонда туризмнинг ривожланиш босқичлари ва динамикасини айтинг.
10. Ҳиндистон туризмининг асосий турлари ва марказлари ҳақида маълумот беринг.

X БОБ. ЯПОНИЯ ТУРИЗМИ

10.1. Япониянинг табиий иқлим шароити
10.2. Япониянинг туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари
10.3. Япония аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари
10.4. Япониянинг туризм инфратузилма тармоқлари
10.5. Япония туризми: унинг ривожланиш динамикаси
10.6. Япония туризмининг асосий йўналишлари

10.1. Япониянинг табиий иқлим шароити

Япония Осиёнинг шарқий қисмидаги Тинч океани оролларида жойлашган мамлакат. Япония ҳудудида 4 мингга яқин ороллар бўлиб, шимолий-шарқдан жанубий-ғарбга қараб 3,5 минг км.га чўзилган. Мамлакатнинг энг йирик ороллари Хоккайдо, Секоку ва Кюсю ҳисобланади. Япония Осиё материгидан Шарқий Хитой, Япония ва Охота денгизлари орқали ажралиб туради. Тинч океани ва унга туташ бўлган юқорида номлари келтирилган денгизлар Япония учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Улар биологик, минерал хом ашё ва энергетика ресурсларига бойдир. Япония дунёнинг бошқа мамлакатлари билан асосан денгиз сув йўллари орқали алоқа боғлайдилар. Мамлакатнинг умумий ер майдони унчалик катта эмас, у 372,2 минг кв. км.ни ташкил этади. Япония маъмурий жиҳатдан 46 та префуктура ва битта Хаккайдо губернаторлигига бўлинган

Табиати. Япониянинг катта қисми илиқ, мўътадил, субтропик ва тропик иқлими минтақасида жойлашган. Хонсю оролининг жанубий қисми, Секоку ва Кюсю ролларининг қирғоқ чизиқлари кесилган бўлиб, уларда қўлтиқлар жуда кўп учрайди. Рюкю оролининг жанубий қирғоқлари маржон рифлари билан ўралган.

Япониянинг ер усти тузилиши хилма-хил бўлиб, бутун мамлакат ҳудудининг қарийиб 75% қир ва тоғликлардан ташкил топган. Пасттекисликлар асосан денгиз соҳилларида тарқалган. Хаккайдо оролидаги тоғларнинг баъзи чўққилари 2000 метрдан ошади (Асахи чўққиси – 2290 м). Хонсю оролининг шимолий қисмида 3 та тоғ тизмалари бўлиб, улар водий ва сойликлар билан бўлинган. Оролнинг ўрта қисмида Япониядаги энг баланд Фудзияма вулқони (3776м) қад кўтарган. Хонсю оролининг марказий қисмидаги тизма тоғларнинг чўққилари йилнинг кўп қисмида қор билан қопланган. Япониянинг ҳудудида 16 та тоғ чўққиси бор. Секоку оролинингн энг баланд жойи - 1981 м (Иоидзути чўққиси), Кюсю оролининг – 1788 м (Кудзю вулқони) ҳисобланади.

Шуни қайд қилиш лозимки, Япония жуда кучли сейсмик зонада жойлашган. Бу ерда 1855, 1891, 1897, 1927, 2011, 2016 йилларда кучли ер силкинишлари рўй берди. Япониядаги 150 тадан ортиқ вулқонлардан 40 таси сўнмаган. Тез-тез бўлиб турадиган вулқон отилишлари, тайфунлар ва цунами (денгиз сувларининг бостириб келиши) мамлакат иқтисодиёти ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Иқлими. Япониянинг иқлими муссонли, шимолий қисмида мўътадил, жанубида субтропик иқлим ҳукмронлик қилади. Мамлакатнинг Рюкю ролларида асосан тропик иқлим ҳукмронлик қилади. Хоккайдо оролида январ ойининг ўртача темпратураси – 5^0, июл ойиники эса 22^0ни ташкил қилади.

Япония ҳудудида жуда кўп тез-тез тайфунлар бўлиб туради. Йилига 30 мартагача тайфунлар кузатилади. Бу пайтда кучли шамоллар эсиб жала ёғади. Мамлакат бўйича ўртача ёғин миқдори 1 йилда 1800 мм. ни ташкил қилади. Хаккайдо оролининг шарқий қисмида йиллик ёғин 800-1200 мм.ни, Сикоку ва Кюсю ролларида эса у 3000 мм. гача боради. Умуман олганда, Японияда ёғин-сочинли мавсум июн-июл ойлари ҳисобланади. Бу даврда ёғинларнинг асосий қисми ёғади.

Япониянинг ички сувлари асосан дарёлардир. Япон дарёлари қисқа ва серсувдир, тайфун пайтида дарёлар тошади. Мамлакатнинг энг йирик дарёси Синано бўлиб, унинг узунлиги бор-йўғи 365 км.ни ташкил қилади. Дарёларнинг нишоблиги тик бўлиб, уларда

шаршаралар жуда кўп учрайди. Японияда кўллар ҳам учрайди. Улар икки турдан иборат: лагунали (қумлоқли) ва тектоник (чўкма) кўллар. Ер ёрилиши натижасида пайдо бўлган кўллар (Бива кўли) ва вулқон кратеридан ҳосил бўлган (Товада кўли). Бива кўли майдони жиҳатидан олдинги ўринни эгаллайди (716 км^2).

Ўсимликлар дунёси. Япония ҳудудининг 2/3 қисми ўрмон ва бутазорлар билан қопланган. Бу ерда табиий ўрмонлар билан бир қаторда, қўл билан экилган ўрмонлар мавжуд. Мамлакатдаги ўрмонлар запаси жами 2 млрд.м^3 атрофида баҳоланади. Мамлакатнинг жанубий қисмидаги оролларда тропик иқлимли жойларда мангро ўрмонлари, Кюсю, Сикоку ва Хонсю оролининг жанубий қисмларида кенг баргли ўрмон дарахтлари (бук, клен, дуб) ўсади. Японияда жами 700 хилдан ортиқ дарахтлар, 3000 дан кўпроқ ўсимлик турлари ўсади. Улар ажойиб ландшафт ҳам яратиб қолмасдан, балки хўжалик учун хом-ашёлар яратади.

Ҳайвонот олами. Япония ҳайвонот дунёси хилма-хил. Бу ерда сут эмизувчи ҳайвонларнинг 270 тури, қушларнинг 800 тури, судралиб юрувчи ҳайвонларнинг 110 тури, денгиз сувларида яшовчи балиқларнинг 600 дан ортиқ турлари учрайди. Япония архипелаги оролларида - турналар, ғозлар, қарғалар, ҳайвонлардан – бўрилар, тулкилар, буғулар, қуёнлар, олмахонлар яшайди. Хонсю оролида қора айиқ, макак маймунлари, сувда ва қуруқликда яшовчи калтакесаклар, Рюкю оролида тропик ўрмонлар ҳайвонлари тарқалган.

Чучук сув манбаларида карп, карас балиқлари кенг тарқалган. Сув ҳавзаларида тошбақа, қисқичбақа, краб (денгиз қисқичбақаси), окунь, ласос, сельдь, треска, сайра каби балиқ турлари кенг тарқалган.

Ҳозирги пайтда Япония ҳукумати табиатни қўриқлашга алоҳида аҳамият беради. Мамлакатда 10 млн. га ерлар қўриқланади. Шундан 23 та миллий боғлар ва қўриқхоналар ташкил қилинган.

10.2. Япониянинг туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари

Азалдан Япония атрофида миш-мишлар ва жумбоқлар мавжуд. Европада Япония ҳақида биринчи билган киши Марко Поло бўлди. У XIII аср охирида Хитойда хизматда бўлганда Япония таърифини эшитади: «Олтин, сизга айтсам, уларда уюлиб ётибди». Ана шу туфайли Япония ҳақида эртаксимон бойликка эга ҳайратомуз, кишини лол қолдирадиган мамлакат сифатида афсоналар тилдан-тилга кўчди.

Ҳозирги даврда жаҳон қудратли глобаллашув жараёни бошидан кечираётган бўлишга қарамай. чегаралар кенгайиб, одамларни мамлакат бўйлаб, фаол бориш-келишлари давом этаётган, шу жумладан, кунчиқар мамлакат ҳақида турли ахборотлар олиш имкони борлигига қарамай, Япония кўп жиҳатдан асрий анъаналарини сақланган ҳолда жумбоқлигича қолмоқда. Шубҳасиз бу жаҳонгашта сайҳларда ушбу мамлакатга қизиқиш уйғотади.

Ҳақиқатда, Япония сезиларли даражада ўз ноёблигини-миллат ва оролнинг келиб чиқиши ҳақида илоҳий мифларни сақлаб қолган. Шу билан бирга бошқалардан ўрганиш, янгиликка ўчлик, илғор ютуқларни ўзлаштириш истеъдоди японларга хос фазилат бўлиб қолмоқда. Бу ерда ҳеч нарсадан нусха кўчирилмайди, аммо маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда нималардир қўшилади, такомиллаштирилади. Бу иқтисодий тараққиёт юқори даражага чиққан жаҳондаги ягона мамлакат. Унинг ўзига хос асрий анъаналари, урф-одатлари муқаддас сақланган ҳолда замонавий маданият, юксак технологиялар ўзаро уйғунлашиб кетган. Кўп миллионли япон шаҳарларида осмонўпар бинолар, соатига 200-300 км. тезликда юрадиган супер замоновий поездлар кишини ҳайратга солади. Шунга қарамай, японлар кийинишда, яшашда ота-боболардан мерос бўлиб қолган одамларга қатъий риоя қилишади. Япон таомлари ўзгараётган бўлсада, пазандаликда миллий таомлар ҳамон авлоддан-авлодга ўтиб эъзозланиб келмоқда.

Японияда бир-бирига тўғри келмайди дейилган нарсалар органик қўшиб кетади, илмий-техника ютуқларида, гигант-шаҳарлар бунёд этишда, осмон ўпар бинолар қурилишда буни яққол кўриш мумкин.

Ўрта асрда одамларнинг у ёқ бу ёққа бориши чекланган бўлсада, саёҳат японларнинг азалий анъаналаридан саналган. Масалан, «ёпиқ» Японияда озроқ бўлган европаликлардан немис врачлари Кемфер (XII аср охирида) ва Ф.Ф.Фон Зибольд (XIX аср боши) ушбу мамлакатда жуда кўп одамлар бошқа Осиё мамлакатларига қараганда ҳар куни кўпроқ саёҳат қилишларини таъкидлашган. Зибольд ўша даврда сафарга тайёргарлик характерига эътиборни қаратган. Йўл харитаси ва йўлбошловчилар-биринчи зарурий нарсалар саёҳатчилар ўртасида улар Европадагига қараганда кўпроқ тарқалган. Жой ва йўл харитасидан ташқари, уларда саёҳат учун зарур бошқа муҳим ҳақида маълумот, нарсалар рўйхати, отнинг нархи, ҳаммолнинг нархи, машҳур тоғ номлари, иқлим хусусияти, маҳаллий урф-одат, илонлар, ҳашоратлар, ҳайвонлар ҳақида маълумот, хуллас, саёҳатчи соғ-омон, хавф-хатардан огоҳлантиришган, маслаҳатлар беришган. Улардан энг муҳими–одатга амал қилиш хушмуомилалик, хайрли сўзларни эшитиш.

Бу маслаҳатлар кўпчилик японлар учун бугун ҳам долзарблигини йўқотган эмас.

Токиодаги Нарита аэропортида йўловчиларнинг юклари, ҳужжатлари текшириладиган жойда ташқи ишлар вазирлигининг катта плакати осилган. Унда бориладиган мамлакатлар, регионларда эҳтимол хавф-хатардан огоҳ этувчи маълумотлар ёзиб қўйилган, ташриф буюрувчиларга маслаҳатлар берилган. Турли мамлакатлардаги Япония элчихоналари ватандошларини нимани яхши билишлари, қайси хавф-хатардан эҳтиёт бўлишлари ҳақида зарур маълумотлар билан хабардор қилади.

Деярли ҳамма японлар одат бўлиб қолган нарсалар қўл остида бўлишини маъқул кўришади. Шунинг учун улар чет элга саёҳатга отланишар эканлар кўпинча ўзлари билан масалан, ҳақиқий япон сояли соуси, қуритилган сув ўти, айрим қайлалар, ярим фабрикантлрни олишади. Улар ўзлари учун қандайдир янги таомни жон-жон деб тановул қилиб кўришади, аммо ҳар кунги таомномасига «текширилган» таомни киритилишини хуш кўришади.

Экскурсия ва саёҳатга меҳр, табиатни билишга қизиқиш, қадимий тарих ва ёдгорликлар билан танишиш японларга болаликдан сингдирилади.

Бошланғич мактабдан, 6-12 ёшда ўқувчилар мунтазам йилига бир неча марта **«энсо»** га йўл олишади, бу **«поход-сайр»,** бунда болалар ўқитувчи ёки гиднинг изоҳларини тинглашади, кундалик юритишади, кейин ҳисобот ёзишади. Катта ёшдаги ўқувчилар уйидан бир неча кунга жўнаб кетишади.

Япония туристик потенциали бой ва хилма-хил мамлакатдир. Японияда туристлар эътиборига лойиқ объектлар кўп, бироқ Фудзи тоғидан бошқа уларни камдан-кам чет элликлар билишади. Ҳозирги вақтда Японияда турли йилларда ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган 13 та объект жойлашган.

1993 йил – будда ибодатхоналари ва Хорюдзе ёдгорликлар мажмуи (Нара шаҳ. яқинида);

1993 йил – Химэдзи қўрғони (ғарбий Хонсю);

1993 йил – Якусима ороли, машҳур ноёб ўсимликлари, айниқса кедрлар, улар жаҳонда энг қадимги ҳисобланади (Кюсо);

1993 йил – Сираками тоғ занжири. Жаҳонда энг катта қорақайин ўрмони (шимолий Хонсю);

1994 йил – Киото тарихий ёдгорликлари (Киото, Удзи, Оцу шаҳарларидаги ибодатхоналар. (Қўрғонлар);

1995 йил – тарихий Сиракаво-го ва Гокаяма қишлоқлари, анъанавий турмуш тарзи сақланиб қолган, шолипояси билан томи ёпилган ғайриоддий уйлари машҳур (Хонсю маркази);

1996 йил – Хиросима шаҳридаги тинчлик мемориали;

1996 йил – Синтоист Ицукусима ибодатхонаси, хушманзара муқаддас Миядзима оролида жойлашган, сувда турган «сузувчи» дарвозаси билан машҳур;

1998 йил – Қадимги Нари тарихий ёдгорликлари;

1999 йил – Синтоист (Тосегу) ва Никко будда ибодатхонаси;

2000 йил – қалъа шаҳарлар (Гусуку) ва Рюкю (Окинова) қироллиги бошқа ёдгорликлари;

2004 йил – Кии тоғ занжиридаги муқаддас жойлар ва зиёратчилар сўқмоғи, қадимдан буён муқаддас жойни пойтахт билан боғлаб келади.

2005 йил – Сиретоко – Хоккайдо оролидаги номдош ярим оролнинг шимолий қисми ва Охота денгизи қирғоғидан 3 км олисда, ноёб экосистемаси билан баҳоланган (материк ва денгиз бир бутунликни ташкил қилади, биохилма-хил (китлар, ноёб қушлар турлари ва бошқалар).

Японияда «Энг ажойиб уч тур» ва « Энг чиройли уч боғ» ни ажратиш таомилга кирган. Бу Миядзима оролидаги (Хиросима яқинда) денгизда турган синтоист ибодатхонаси дарвозасининг «сузувчи» бўсағаси, «осмондаги кўприк» номини олган Аманохасидатэ узун қумлоққокили (Киотодан сал нарида ғарбий Хонсюнинг шимолий қирғоғи) ва Мацусима кўрфази, жуда кўп қарағайлар билан қопланган орол (Хонсю шимоли-шарқида. Сэндай портидан сал нарида). «Боғ» категориясидаги энг яхши учтаси: Кайраку-эн, Кэнроку-эн ва Кораку-эн.

Шу билан бирга ҳайратомуз янада таассуротли манзара ва боғларни мамлакатнинг бошқа қисмларида ҳам топиш мумкин. Масалан, Япон денгизидаги ички ҳавза ҳам табиий хилма-хилликка (орол акваторияси узра ястанган); ҳам қўл билан яратилган гўзаллика бой (Хонсю жануби-шарқидаги Курасики шаҳри, Хонсю ва Сикоку оролларини боғловчи қатор кўприклар). Япон денгизи қирғоқларидаги ажойиб Вакаса кўрфази, Ассо ва Кюсядаги Сакурадзима вулқонлари, маржонли рифлар, мангров ўтпоялар, Окинова пляжлари-уларни санаб адоғига етиш қийин. Сикокудаги Рицурин, Суйдзэндзи ва Кюсюдаги Исо-тейэн. Киото атрофидаги Дзэн сектаси қуруқ боғлари билан ҳайратланмаслик иложи йўқ. Ямагутидаги Дзёэй-дзи ва бошқа кўпчилик хушманзара боғлар ҳам дам олувчиларни жалб қилади.

Умуман Японияда бир қарашда кичкинагина кўринадиган боғлар ҳам сўз билан ифодалаб бўлмайдиган алоҳида муҳит яратади.

Японияда йирик жаҳон дурдоналари билан таққослашадиган даражада бадиий музейлар йўқ. Аммо бу ерда қанақа музейлар йўқ дейсиз! – зилзилалар, вулқонлар музейи ва бошқа илмий-билиш музейлари, яхши жиҳозланган фан ва техника, алоҳида соҳа билимлари музейлари мавжуд. Улар билан бир қаторда, албатта, динозаврлар, сочиқлар ва буракуминлар (японлар париевлар ижтимоий гуруҳи) музейлари бор. Ҳатто Минамата касаллиги (ифлосланган сувдан касалланиш) музейи бор. Жанубда Кюсю оролида алоҳида таассурот қолдирадиган музей-камикадзе музейи бор. Айнан ўша ерда иккинчи жаҳон уруши йилларида япон ўлим аскарларини тайёрловчи лагерь жойлашган ва ўша ердан ўлимга жўнашган. Экспонатлар орасида ҳаётини ўзлари ҳам билмаган кимгадир, нимагадир қурбон қилишга тайёр асосан ёш кишиларнинг фотосуратлари ўрин олган. Уларнинг оналарини ўғилларига бурчини садоқат билан бажаришни сўраб ёзган мактублари ҳам шу музейга қўйилган.

Японияда эътиборга лойиқ бадиий музейлар ҳам бор, албатта. Масалан. Токио давлат музейи, мамлаатда энг катта (100 минг экспонат). У жаҳонда энг йирик япон санъати коллекциясини ўзида тўпланган. Япониянинг ўзига хос фарқли қирраларидан бири жуда кўп, ҳатто энг ноёб кўргазмалар ўтказишидир.

Японияда 4 мингга яқин музейлар бор. Шу жумладан, 2000 та тарихий, 800 та бадиий галерея, 100га яқин аквариумлар, 500 дан зиёд ҳайвонот боғлари, 4 мингга яқин жамоат хиёбон-парклари ва бўш вақтни ўтказиш учун 430 дан зиёд парклар мавжуд.

Тахминан 2 мингта гольф, 730 дан кўпроқ чанғи учиш майдонлари, 230 та каток, спортнинг денгиз турлари билан шуғулланиш учун 1300 ўрин ишлаб турибди. Бундан

ташқари, туристлар балиқ овига борадиган 1600 ўрин, қишлоқ хўжалиги билан танишиш японлар турмуш тарзини кўриш. Анъанавий байрамларида иштирок этиш, ҳатто шоли экишда қатнашишни хохловчилар учун 1,5 мингта қишоқда тегишли шароитлар яратилган. 2360 курортларда 20 мингдан кўпроқ қайноқ манбалар бор.

Япониянинг 28 миллий парки муҳим туристик объект ҳисобланади, уларнинг умумий майдони 2,5 млн гектарга яқин (мамлакат худудининг 5,4%). Хушманзара, табиий гўзаллик мавжуд, ноёб флора ва фаунага эга, геологик, физик географик маънода бебаҳо қадрият ҳисобланган территориялар миллий парклар категориясига киритиш мезонларидир. Улардан кўпчилигининг территориясида шунингдек катта маданий-тарихий аҳамиятга эга объектлар жойлашган. Миллий парк системасига яна алоҳида муҳофаза қилинадиган икки категория парклар-квазимиллий ва префектура парклари ҳам киради-улар мос равишда 55 ва 300 га.

Япония миллий паркларига ташрифлар даражаси фавқулодда юқори ва доимий равишда ўтмоқда. Ҳар йили Япония ҳар бир аҳолисига миллий паркларга ўртача уч марта сафар тўғри келади. Жаҳондаги энг кўп ташриф буюриладиган парклардан бири- машҳур **Фудзи-Хаконэ –Идзу**. У Токиодан бир неча соатлик йўлда жойлашган туристларнинг бундай ёпирилиб келиши атроф-муҳит муҳофазаси муаммосини янада ўткир қилиб қўяди.

1980 йиллар охиридан бошлаб Японияда турли йўналишларда тематик парклар фаол барпо этилди. Бунга кўп жиҳатдан Токио **«Диснейленд»**нинг катта муваффақият қозонгани имкон берди. Бу АҚШ дан ташқарида ва Японияда шу турдаги биринчи паркдир. Ўща давр япон иқтисодиётида «совун пуфаги» даври бўлиб, иен курси ошган, кўчмас мулк ва акциялар баҳоси кескин кўтарилиб кетиб, японларни анча бойитиб қўйганди. «Совун пуфаги» ёрилгандан кейин узоқ давом этган иқтисодий депсиниш бошланди ва имкон борича сайр-тамошо оммалашувига қилинган умид ўзини оқламади. Аксинча, маблағлардан ўйланмай фойдаланиш оқибатида кўп сонли курортлар, аттракционлар, тематик парклар қурилиши танқидга учради.

Кўпроқ машҳур тематик парклар қаторида Осакадаги «**Юниверсал Студиос»** алоҳида тилга олинади. Унда **«Голливуд»** ва **«Диснейси»**нинг энг машҳур фильмларидан саҳналар олиниб сув устида яратилган «Диснейленд» варианти ташриф буюрувчиларни ҳайратга солади. Тематик парклар орасида Ер шарининг турли бурчакларида турли даврларда яратилган улуғвор архитектура ёдгорликларининг кичрайтирилган нусхалари мавжуд парклар ҳам талайгина. «Хюс Тэн Бош» парки Голландиядаги шу номдаги қароргоҳ номи билан аталган, у Япония ва Нидерландия дўстлиги шарафига қурилган. Бу ерда Нингато остонасида **«Рус қишлоғи»** ҳам бор (бу ерда православ собори ҳам бор, аммо унда тоат-ибодат ўрнига концертлар қўйилади). Хоккайдо ва Окинава префектурасидаги Мияко ороларида икки **«Немис қишлоғи»** ҳамда масалан, Гифу шаҳридан сал нарида Хонсю ороли марказидаги интернационал қишлоқ ҳам меҳмонларни қабул қилади.

Япония территориясида тахминан 230 минг ибодатхона бор, шу жумладан, 80 мингдан кўпроқ синтоистик ва сал камроғи будда, 10 мингга яқини христиан ибодатхоналаридир. Улардан кўпчилиги ҳам япон, ҳам чет эллик туристларни ўзларига жалб қилувчи марказлар ҳисобланади. ЮНЕСКО рўйхатига киритилганлардан ташқари, Мэйдзи синтоист ва токиодаги Сэнсодзи будда, шунингдек Котоку-ин будда ибодатхоналари ҳам машҳур. Улар қаторида камакурада катталиги жиҳатидан Японияда иккинчи бўлган **Будда (Дайбуцу)** бронза хайкали қад кўтарган, у бетакрор таассурот қолдиради. Бош синтоистик муқаддас Исэ территориясида алоҳида муҳит ҳкмрон. Бу бош ибодатхонада қадим анъаналарга мувофиқ ҳар 20 йилда саф тортилади.

Японияда Ўрта асрда жуда кўп қўрғонлар барпо этилган. Улардан кўпчилиги ўзаро урушлар ва ёнғинлар оқибатида (айримлари бир неча марта) вайрон бўлган, аммо уларнинг асосий қисми бошланғич лойиҳаси асосида тикланган. Химэдзи (ғарбий Хонсю) шаҳрида жойлашган, Миллий дурдона мақомига эга қўрғон энг чиройли ҳисобланади. Уни ушбу гўзал қушга ўхшатишиб «Оқ қуш» деб атайдилар. Қўрғонлардан энг йириги

Осаки янги ҳокимиятнинг қудрати ифодаси сифатида XVI асрда ҳарбий ҳукмдор тоётоми Хидёси томонидан қурилган.

Йирик миллий байрамлар ўтказилган пайтда мамлакатнингг турли қисмларидан кўплаб туристлар йиғилади. Улар ҳар йили байрамларда иштирок этиш учун махсус турлар реклама акциялари уюштирадилар. Машҳур ва энг кўп ташриф буюриладиган байрамлар – Аои-мацури («Мацури» - «байрам» ни билдиради), Гион-мацури ва Дзидай-мацура-Киотада, Сэннин-герэцу-Никкода, Нэбута-Аоморида, Ава рақси-Токусимада ва бошқалар ҳисобланади. Бутун мамлакат бўйлаб шунингдек Обои-мацури-вафот этганларни хотиралаш куни ҳам ўтказилади. Шу тариқа Япония туристик потенциали юқори ва хилма-хилдир. Булар ҳам табиий, ҳам рекреацион, ҳам маданий-тарихий объектлардир. Кўпинча уларнинг функциялари қоришиб кетади. Бу эса бир сафарнинг ўзидаёқ табиат гўзалликлари, маданий-тарихий ёдгорликлар, фан-техника ютуқлари. Япон миллий қадриятларидан баҳра олиш имконини беради. Масалан, ўзларининг маданий-тарихий ресурслари билан машҳур Нара ва Киото бир вақтнинг ўзида ажойиб табиат манзараларидан баҳра олиш имконини беради. Уч префектура (Нара, Киото, Осака) туташган жойда Кансай илмий шаҳарчаси барпо этилган, унда аҳолини табиатга янада яқинроқ бўлиш шароитини яратиш устида иш олиб борилади, бироқ бу ерда маданият маркази, спорт иншоотлари ҳам бор. Ўзининг табиий ресурслари билан машҳур Окинава ва Хоккайдо каби районларда шубҳасиз Сюри қўрғони ва Рюкю қироллиги тарихи ва айну-қор фестивал анъанаси қизиқиш уйғотади.

Япон туристларининг фарқли қирралари. Бир томондан, японларни экзотика (ўша жойга хос бўлмаган нарсалар) жалб этади. Мисол учун, Япониянинг марказий ва жанубий районлари аҳолисини шимолда-Хонсю ва Хоккайдодаги қор жалб қилади! Иккинчи томондан, японлар «ўз уйларида» юргандек юрган бегоналарнинг кўпчилигини яхши кўришади. Чунки улар билан гурунглашиш, танишиш мароқли. Отелга қайтган японлар ванна қабул қилишни маъқул кўришади (европаликларни эса душ ҳам қониқтиради).

Японлар учун ванна фақат гигиеник юмуш эмас, асрлар оша ўтиб келаётган бутун бир маросим. Илгари японлар ювиниб бўлишгач, навбат билан «о-фуро» қабул қилишган, яъни ёғоч тоғора кадкадаги сувга шўнғиб чиқишган. Ҳозирги замон шароитида кадка ванна билан алмашди. Ундаги илиқ сувда навбат билан ётиб оила аъзолари чинакам ҳордиқ ёзадилар. Агар уйда меҳмон бўлса, унга биринчи бўлиб ваннага тушиш имтиёзи берилади. Нам иқлим шароитида кунбўйи ишлаб чарчаган киши шу усулда чинакам дам олади.

Японлар жуда қизиқувчан: улар ўқишни, янги нимадир билишни, вақтни мазмунли ўтказишни яхши кўришади. Саёҳат-бўш вақтни ўтказишнинг севимли турларидан бири, қайсиким урушдан кейинги японлар авлодида бўш вақт жуда кўп бўлади. Ҳозиргача ривожланган мамлакатлар орасида таътил Японияда энг қисқа, яқингача ундан тўлиқ фойдаланиш инсофдан эмас ҳисобланади. Шу билан бирга ишдан ташқари ишлаш ва йиллик иш вақти давомийлигини қисқартирилиши аста-секин нисбатан узун таътилни тарқалишига сабаб бўлди, японларни чет элга чиқиши дам олишнинг фаол омилларига айланди. Бунда компанияларнинг ходимларига байрамлар муносабати билан таътил бериши муҳим рол ўйнайди. Айниқса апрел-май ойларида кетма-кет келадиган байрамларда «олтин ҳафта» бир ҳафталик таътиллар берилиши японлар фаол дам олишининг ажралмас қисмига айланган.

Шу муносабат билан японлар бўш вақти ўзгариши концепциясини кузатиш қизиқарлидир.1950 йилларда японлар бор кучлари билан ишладилар, қийинчилик билан оиласини боқдилар. Радио эшитиш, китоб ўқиш, сумо курашчилари ёки бейсбол ўйинини кузатиш билан чарчоқни ёзишар ёки дам олишарди. 1960 йилларга келиб даромадлари сал яхшиланган, вақтни кўнгилхушлик билан ўтказиш учун оғринмай пул сарфлай бошладилар. Шундан кейин улар ҳамкасблари билан барлар ва ресторанларга ташриф буюра бошлашди (ҳозир айниқса оммалашган), эҳтиросли ўйинлар ўйнадилар, кинотеатрларга бордилар. Тез-тез ўз мамлакатлари бўйлаб қисқа экскурсиялар ва гуруҳий

сафарларга йўл олдилар, ҳамкасблари ёки оила аъзолари билан сайри-томошага, қайнар булоқларга бордилар.

Жадал иқтисодий тараққиёт даврида (1950 йиллар охири, 1970 йиллар бошлари), японларнинг бутун ҳаёти иш арътрофида мужассамлашганда бўш вақт деб ишдан ташқари вақт тушунилди. Аммо ундан эртага яхшироқ ишлаши учунгина фойдаланилди. Ҳатто айримларда ишдан вақтни юлиб олиб ҳаётдан лаззатланаётгандек туйғу пайдо бўлди.

1970 йиллар охири 1980 йиллар бошларида бўш вақтнинг янги тури-ўзини такомиллаштириш ёки вақтни мазмунли ўтказиш, турмуш даражаси яхшиланиши муносабати билан боғлиқ билиш фаолияти пайдо бўлди. Спорт билан шуғулланиб, саломатликни мустаҳкамлаш оммалашди (югуриш, сузиш, Японияда арзон бассейнлар кўп), шунингдек таълим ва маданият даражасини оширишга қаратилган машғулотлар вужудга келди. Икэбана, бонсай,орига, сопол ва каллиграфия ишлаб чиқариш, боғдорчилик, гулчилик, пазандачилик ва ҳокозоларга ўргатадиган турли курслар кенг тарқалди. Вақтни ўтказишнинг ушбу хилма-хил кўринишлари катта моддий харажатларни талаб қилмасди. Ушбу даврда вақтга кўпроқ бебаҳо ресурс деб қаралди, қайсиким ундан ўйлаб фойдаланиш зарур. Бўш вақт тобора кўпроқ келиб чиқиши лотинча бўлган Licere сўзидан олинган Leisure сўзини билдира бошлади, яъни бўш бўлиш, захира вақтга эга бўлиш, нисбатан эркин ҳаракатланишни билдиради. Бу вақтда мамлакатда чинакам чет эл туризми авжи кузатилди.

1980 йиллар бошларида бўш вақтнинг принципиаллиги концепцияси пайдо бўлди. Унинг маъноси бўш вақтни сайри-томошага олиб келди. Бўш вақт сайри-томошаси кенг тараққиёти кейинчалик 1980-1990 йиллар оралиғида-«совун пуфаги иқтисодиёти» даврида бошланди. У ёшлар ва янги авлод уй бекалари ташаббуслари билан вужудга келди. Дастлабки босқичда даромад ўсиши асосий моддий талабни қаноатлантирди. Истеъмолчиликнинг спорт, саёҳат, бўш вақтни ўтказиш каби статиялари харажатлари овқатланиш, кийим-кечак, тура ржой ва таълим (кейингиси дунёда қиммат турадиганлар қаторига киради) харажатларидан сезиларли ортиб борди. Ушбу ўзгаришларнинг энг кўринарлиларидан бири 1983 йил Токио «Диснейленди» нинг очилиши бўлди. Биринчи йилдаёқ у аттракцион ва кириш чипталари японлар наздида жуда қиммат бўлишига қарамай 10 млн дан кўпроқ кишини жалб этди.

1990-2000 йиллар бошларида иқтисодий депсиниш даврида сал нарида яна бита «денгиз» «Диснейленд» ва ёнида кўплаб отеллар қурилди. Афтидан, гап шундаки, у ерда японлар ўзлари учун мутлоқа янги сайр-томоша ва қониқиш топдилар, дам олиш кунларини ўша жойларда ўтказишни маъқул кўрадилар.

Япон туристлариниг муҳим хусусиятлари-ўз мамлакати бўйлаб саёҳат қилувчи ҳам, чет элда бўлувчи ҳам мўлжалланган жойда бўлиш муддатининг унча катта эмаслиги ва жуда салмоқли харажатлар ҳисобланади. Қабул қилувчи мамлакат учун япон туристларининг жалб этилувчи қирраларидан бири ҳам шу ҳисобланади.

Саёҳат чоғида японларга хос ҳар хил кўнгилли фаолликларга интилиш ва хайри-саховатлиликни таъкидламаслик мумкин эмас. Масалан, кейинги пайтларда япон туристлари ўрмонни тиклаш учун Сибирга боришаяпти. Улар ўз ҳисобидан ўша жойда кедр ниҳолларини сотиб олиб ўтказишаяпти. Улар орасида Сибирда бўлган собиқ япон ҳарбий авирларининг фарзандлари бор, ёши бир жойга боганлар кам эмас.

10.3. Япония аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари

Япония бир хил миллатга эга бўлган давлатдир. Мамлакат аҳолисининг 98% ини японлар, 2% ни корейслар, хитойликлар ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади. Мамлакатнинг аҳоли сони (1.01.2015 й) 127,3млн. киши. Бутун дунёдаги японлар умумий сони 130 млн.дан ортиқ.

Япония аҳолиси сони бўйича дунёда 10 талик йирик мамлакатлар қаторидан ўрин эгалайди. У аҳолиси сони бўйича 10-инчи ўринда туради, яъни Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезия, Бразилия, Покистон, Нигерия, Бангладеш ва Россия Федерациясидан кейин. Мамлакатда аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв. км.га 340 кишига тенг. Туғилиш 1000 киши ҳисобига 8 киши тўғри келади. Ўлим ҳам 1000 кишига нисбатан 9 киши атрофида кузатилинади. Аҳолининг йиллик камайиши тахминан 0,2%, яъни 250 минг кишини ташкил қилади. Ўртача умр кўриш-эркаклар учун – 78,8 йил, аёллар учун – 85,6 йилни ташкил қилади. Аҳолининг саводхонлик даражаси 99%. Японларда 83,9% кишилар синтоизм, 2% христианлар (католик) динларига эътиқод қилишадилар. Японларда оила жамиятнинг асосий негизини ташкил этади. Японияда оилаларнинг умумий сони 45 млн.дан ошади.

Японияда чет элдан келган мигрантлар сони жуда ҳам кам. 2015 йилда қочоқлар сонидан тушган аризалар 7,6 минг киши. Улар Индонезия, Непал ва Туркия мамлакатлари фуқароларидир.

Япония мамлакатида қишлоқ аҳолиси тоборо камайиб бормоқда. Ҳозирги даврда аҳолининг 3/4 қисми шаҳарларда яшайди. Мамлакатнинг йирик шаҳарлари-Токио (13 млн. киши), Иокогама (3,3 млн. киши), Осака (2,5 млн киши), Кобе (1,5 млн киши), Нагоя (2.1 млн. киши), Киото (1,9 млн киши) , Саппоро (1,9 млн киши), Хиросима, Фукуока, Кавасаки (1,1 млн киши) ҳисобланади.

Мамлакат 47 ҳудуд (префектур)га бўлинади. Ҳар бирининг шаҳар ва қишлоқни бошқарувчи ўз ҳукуматлари бор. Аҳоли сони бўйича Япония (127 млн. киши) Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезия, Бразилия, Россия ва Покистондан кейин 8-ўринда туради. Мамлакат аҳолисининг 99% дан кўпроғини японлар ташкил қилади.

Аҳолининг 3/4 қисми шаҳарларда яшайди. Аҳоли зичлиги бир кв. километрга 332 киши тўғри келади. Пойтахти Токио, унда 12 млн. дан ортиқ аҳоли яшайди. Япония аҳолиси таркибида эркаклар ва хотин-кизлар нисбати деярли баробар: аёллар 50,9% эркаклар 49,1 %.

Япония инсоният жамияти кексаришда давом этаяпти. 65 ёшдан ошган одамлар сони бутун аҳолининг 16,5 % ини ташкил қилади, 15 ёшгача бўлган болалар эса 15%.

Мамлакатнинг расмий тили Япон тилидир. Ҳукмрон дин эса Буддизм ва Синтоизм. Пул бирлиги-иена.

Япония-конституцион монархия давлати. Мамлакат конституциясига мувофик император «халқ бирлиги ва давлат рамзи» ҳисобланади. 1990 йил январида Акихито Япония императори бўлди. Давлат ҳокимияти олий органи ва ягона қонунчилик органи - парламент, у икки палатадан-палата вакиллари (512 депутат) ва палата маслаҳатчилари (252) дан иборат.

Япония юксак даражада ривожланган мамлакатдир. У дунё аҳолисининг 2,4% ва қуруқлик ер майдонининг 0,3% ига эгалигига қарамай, иқтисодий потенциали жиҳатидан АҚШ дан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Унинг ички миллий маҳсулоти 3,4 трлн. долларга етади. Бу жаҳон ишлаб чиқаришининг 14,3 % ни ташкил қилади. Мамлакат ички ялпи маҳсулоти ҳажми аҳоли жон бошига 30 минг доллардан ошади.

Япония кема, автомобил, трактор, станоклар, компьютерлар, саноат роботлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда электр энергияси, кимёвий тола, алюмин ва мис эритиш, нефтни қайта ишлаш бўйича эса иккинчи ўринда туради.

Япония иқтисодиёти ташқи савдога жуда боғлиқ. Мамлакат ўзига зарур пахта, жун, бокситнинг 100%, мисс рудаси, нефт, темир рудасининг 99 % ини, тошкўмирнинг 82 % ини импорт оркали олади. Япония халқаро савдода АҚШ ва Германиядан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Жаҳон экспортида қарийиб 8,9 %, импортда эса 6,3 % улуш унинг ҳиссасига тўғри келади. Денгиз маҳсулотларини олиш бўйича Япония дунёда биринчи ўринда туради (12 млн. тоннага яқин).

Япония олтин валюта заҳиралари ҳажми бўйича ҳам жаҳонда биринчи ўринда туради. Жаҳон банк активларининг 40% унинг улушига тўғри келади. Олти япон банки

жаҳоннинг ўн йирик банклари қаторига киради. Япония Унинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари 310 млрд. доллардан ортиқ бўлиб, бу жаҳон инвестициясининг қарийиб 12,7 % ини ташкил қилади.

Япония дунёдаги энг йирик кредит берувчи мамлакат бўлиб қолмоқда. Тараққиётга расмий кўмак доирасида энди ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли иқтисодий ёрдам кўрсатиш бўйича у дунёда биринчи ўринга чиқди. Унинг ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга ажратилган уларнинг маблағи ҳажми йилига тахминан 11 млрд. доллардан ортади.

Илм – фан ва тажриба – конструкторлик (НИОКР)га харажатлари бўйича Япония АҚШ дан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда НИОКРга харажатлар мамлакат ички ялпи маҳсулотда 3% дан кўпроқни ташкил этади. Жаҳонда рўйхатга олинган жами патентларнинг 40% япон патент бошқармаси улушига тўғри келади. Японияда Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларига бошқарувчи кадрлар менежерлар тайёрлаб берадиган Университети жойлашган.

Япония иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари. Кейинги ўн йилда Япония иқтисодиётининг ўсиши сифатини таъминловчи асосий йўналишлар қўйидагилардан иборат:

- фанталаб саноат улушининг босқичма-босқич ўсиши иқтисодий модели интенсивлиги ва катта таркибий силжиши;
- ресурслар ва энергияни тежаш технологияси эвазига ишлаб чиқариш базасининг янгиланиши;
- барча ишлаб чиқариш жараёнларида электроника тараққиёти ва унинг жорий этилиши.

Коммуникация тизимида инқилобий ўзгаришлар ва жамият ахборот моделига ўтилиши. Япония иқтисодиётининг юқори даражада ўсиш суръатлари қуйидаги омилар таъсирида ифодаланади.

10.4. Япониянинг туризм инфратузилма тармоқлари

Автомобил транспорти. Японияда автомобилда ташиш - туристик ташишларнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Шубҳа йўққи, автомобилда ташишга юксак сафарбарлик, юқори тезкорлик, мақбул нарх, қўниб ўтишга зарурат йўқлиги, шунингдек ҳаракат графигини осон ўзгартириш кабилар хосдир.

Автобус туризми, туризмнинг энг муҳим ривожланган турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг илк бор ривожланиши XX асрнинг 70 йилларига тўғри келади. Бу давргача дунёнинг турли мамлакатларида автобуслар асосий трансферлар, экскурсиялар ва маҳаллий сафарлар учун фойдаланилган.

Туристларни ташишда хусусий автобуслардан фойдаланиш сафарларни ташкил қилишда, оммавий истеъмолчиларни кўпроқ жалб этишда кенг истиқболлар очмоқда. Айниқса бу туристик оқимларни «занжирли» кўринишда ташкил қилишда жуда қўл келади, яъни автобус ёки бир нечта туристик автобуслар гуруҳлар йиғиладиган жойдан уларни белгиланган манзилга тўлиқ юкланиш билан олиб бориш, олиб келиш рейслари самарадорлигини оширади. Ижарага олинган транспортдан фойдаланиш хусусий туристик автобусларни сотиб олиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммолардан холидир. Автобусларни ижарага олиш зарур айланма маблағига эга бўлмаган туристик корхона ва компания учун самаралироқдир. Туристнинг шахсий автомобил транспортидан фойдаланиш ўзида туристик саёҳатнинг алоҳида кўринишини намоён этади ва автосафарлар деб аталади. Уларни ташкил этиш пухта тайёргарлик ва режалаштиришни талаб қилади.

Туристик хизмат кўрсатишда фойдаланадиган хизматлар специфик тури бўлиб автомобилларни прокатга бериш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакат бўйича йўловчиларни ташишда автомобил транспорти алоҳида аҳамиятга эга. Автомобил йўллари мамлакат бўйича жуда зич жойлашган бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 951.500 км.дан ошади. Мамлакатдаги автомобил йўллари 3 гуруҳга бўлинади:

1. Автотранспортлар. Бу йўллар А ҳарфи билан белгиланади. Автомобиллар тезлиги 130 км/с белгиланган. Трассада ҳар 50 км.да ёқилғи қуйиш шахобчалари мавжуд. Йўл темир бетонлар билан бир-биридан ажратилган. Трассада светофорлар ва йўловчилар ўтиш жойлари йўқ.

2. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар. Улар N ҳарфи билан белгиланади, автомобиллар тезлиги 90 км. соатдан то 110 км/с. гача кўрсатилган.

3. Департамент йўллари. Уларнинг белгилар Д ҳарфи. Ушбу йўлларда автомобил тезлиги 90 км) соат қилиб белгиланган.

Мамлакатнинг ички қисмида юклар ва йўловчиларни ташишда автомобил транспорти алоҳида аҳамиятга эга. Қаттиқ қопламали автомобил йўлларининг узунлиги 200 минг км. дан ортиқ. Мамлакат автомобил паркларида 20 млн. дан ортиқ енгил автомобиллар, 12 млн. дан зиёд юк автомобиллари, 200 минг атрофида автобуслар бор.

Шаҳарларда автомобиллар тезлиги 50 км/ соат қилиб белгиланган. Хавфсизликни таъминлаш учун қайишдан фойдаланиш шарт қилиб қўйилган. Автомобилда болаларни олиб юриш (10 ёшга) махсус ўриндиқларда амалга оширилинади.

Туристларни темирйўл транспортида ташиш. Туристларни темирйўлда ташиш туризм транспорт таъминотининг самарали воситаси ҳисобланади. Саёҳатнинг юқори шинамлиги, юқори тезлик ва мақбул нархларда туристлар гуруҳини ихчам жойлаштириш бу транспорт турини кичик ва ўрта масофаларга ҳаракатланишда рақобатбардошлигини оширади. Темирйўл транспортидан ички ва чегара яқини туризмини шунингдек, сайру тамошо, экскурсион сафарлар ва дам олиш кунлари туризмини ташкил этишда кўпроқ фойдаланилади.

Аҳоли марказларидан олисдаги курортлар, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш масканлари темийўллар туристик саёҳатга поездлар таъсирини кучайтирди. Кейинги йилларда поездлар бошқа транспорт воситаларига нисбатан хавфсизроқ, тез ва шинамроқ бўлиб қолдилар. Ҳозирги кунга келиб, темирйўллар замонавий барча маиший қулайликлар – шу жумладан, электр ёритиш, буғ билан иситиш, ухлаб кетадиган вагонлар, вагон-ресторанлар ва ҳатто ваннахоналарни таклиф қилиши мумкин.

Мамлакатда 27 минг км. дан зиёд темирйўллар бўлиб, шундан 16 минг км электрлашган. Японияниг рельефи тоғли ва ер майдони ороллардан иборат бўлганлиги сабабли сув ости ва ер усти тунеллари ва кўприклари жуда кўп. Цугару буғози яқинида Хонсю ва Хаккайдо ороларини бирлаштирувчи дунёда энг катта Сейкан тунели (36,4км) қурилган (1978 й).

Мамлакатда тез юрар поездлар учун йўллар қурилган. Жумладан Токио-Осако тез юрар поездлар линияси 1978 йилда қурилиб ишга туширилган. Японияниг Токио, Иокохама, Осако, Кобе, Нагоя, Саппоро, Киото ва Хиросима шаҳарларида метрополитен қурилган.

Туристларни авиация (ҳаво) транспортида ташиш. Авиация (ҳаво) транспорти нисбатан тез ва динамик ҳолда ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. У умумжаҳон транспорт тизимида тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Олис масофаларга туристик саёҳат ташкил этишда авиацияда ташиш амалда муқомли воситадир. Авиация транспортидан фойдаланиш, шунингдек ўртача масофаларда тарқалган. Ички йўналишларда туристларни самолётда ташиш ҳам анча қулай ҳисобланади.

Жаҳонда 1300 дан кўпроқ авиакомпаниялар мавжуд бўлиб, авиарейсларда ҳар йили ўртача 1.5 млрд. киши ташилади. Халқаро ҳаво алоқаларига хизмат кўрсатишда жаҳоннинг 1 мингтадан ортиқ аэропортлари иштирок этади. Улардан 650 га яқини мунтазам халқаро ҳавода авиаташишларни таъминлайди. Ҳозирги вақтда халқаро ташиш

тармоқлари барча географик ҳудудларни қамраб олган ва улар 190 дан зиёд давлатларни боғлайди.

Токио, Осако, Нингата шаҳарлари ёнида халқаро аэропортлар бор. Мамлакатда денгиз транспорти яхши ривожланган.

Туристларни денгиз транспортида ташиш. Денгиз ва дарёда туристларни ташиш одатда йўловчи ташиш, экскурсия саёҳати, паромлар ва сайр кемаларида саёҳат кўринишида амалга оширилади.

Денгиз ва дарёда туристларни ташишларни таъминлаш махсус туристик компаниялар томонидан амалга оширилади (кемачилик, сайр кемалари компаниялари), улар кўп ҳолларда туроператорлар ролида чиқадилар.

Одатда туристларни ташиш учун сувости қанотларига эга тез юрар кемалардан фойдаланилади, улар нисбатан манзилга тез элтишни таъминлайди. Рейсли йўловчи кемаларда туристларни ташиш олдиндан бронлаштирилган билетлар асосида амалга оширилади. Бошқа транспорт ташкилотлари сингари кемачилик компаниялари туристлар тоифаси ва саёҳатчилар сонига қараб имтиёзлар ва чегирмалар тақдим этишади.

Япония туризмида денгиз ва дарёда сайёҳларни ташишлар тури асосан сайр-саёҳат кемалари ҳисобланади. Бу – **Круизинг** деб аталади. У туризм шаклларининг бири бўлиб денгиз бўйи туризми ва дам олиши ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганидек, туризм соҳасида сайёҳларни жойлаштиришда энг кўп қўлланиладиган воситалардан бири бу **меҳмонхоналар** ҳисобланади. Меҳмонхоналарнинг **асосий белгиларидан бири** энг аввало, хоналар (номерлар) мавжуд эканлигини таъкидлаш лозим. Меҳмонхоналар албатта кўрсатилиши шарт хизматлар рўйхатига эга бўлиб, унда хонани йиғиштириш, ҳар куни тўшакларни тартибга келтириш ва санитария узелини тозалаш, шунингдек кенг хилдаги қўшимча хизматларни бажариш шулар жумласидандир. Меҳмонхоналар аниқ ташриф буюрувчилар характерига қаратилган, ҳолда уларнинг типлари ва эгалик шакли (фаолият кўрсатиши) бўйича хилма-хилдир. Ҳозирги вақтда жаҳон бўйича 5 млн. дан кўпроқ меҳмонхонлар мавжуд бўлиб, улар 249 млн. хонага эгадир. Меҳмонхоналардан тушган йиллик тушумлар эса 880 млрд. доллардан ортиқ баҳоланади.

Меҳмонхоналарга ўхшаш муассасалар гуруҳлари ҳам хоналар фондига эгалик қилишади ва шарт улар бўлган хизматлар рўйхатини тақдим этишади. Пансионлар, мебелли хоналар, туристик ётоқхоналар шулар жумласидандир.

Ихтисослашган муассасалар ҳам (ягона раҳбарликда) туристларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бўлиб, уларда хоналар бўлмайди. Бу ер биргаликда яшаш, жамоавий ухлаш турар жой майдони бўлиши мумкин.

Санатория, курортлар ва соғломлаштириш масканларида тунаш учун жой бериш энг асосий вазифаси эмас. Балки бу жойларда энг аввало келувчиларни табиий омиллар (иқлим, денгиз, маъданли сув ва бошқ.)ни жалб этган ҳолда касалликларини профилактика қилиш ва зарур даволашларни амалга оширишдир.

Туризм соҳасида бошқа жамоавий жойлашттириш воситаларига квартира типидаги меҳмонхоналар, комплекс уйлар ёки бошқа турар жойлар типик мисол бўла олади. Ушбу бинолар ягона бошқарувга эга. Ҳар қандай шахсларга (шахсга) ёки ташкилотга пулга, бепул ижарага берилади. Бошқа жамоавий жойлаштириш воситалари таркибига **кичик кемалар** учун бухталарда кемпингларга мўлжалланган майдонлардаги объектлар (ягона бошқарув билан) киради. Мижозга тунаш ва ахборот, савдо, бўш вақтни ўтказиш типидаги қатор хизматлар тақдим этилади.

Туристик ётоқхоналар, ёшлар меҳмонхоналари, мактаб ва талабалар ётоқхоналари, қариялар учун дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш ижтимоий аҳамиятга эга объектлар ҳам жамоавий жойлаштириш воситаларига киради.

Меҳмонхоналар туристларнинг тунаши учун шинам ва қулай шароитлар яратиш ва уларга бир қатор қўшимча хизматлар кўрсатиш учун фаолият кўрсатади. Меҳмонхона биноси кўп вазифали иншоат бўлиб, мураккаб технологик ускуналарни ўз ичига олади.

Меҳмонхонабинолари турли хилбелгиларибиланфарқланади: конструкциялар типи, сиғими, қаватлиги, фойдаланиш режими ва бошқалар.

Меҳмонхона индустрияси иқтисодий фаолият тури сифатида ўзида меҳмонхона хизмати кўрсатиш ва меҳмонхоналар кемпинглар, мотеллар, ўқувчилар ва талабалар ётоқхоналарида қисқа муддатли яшашни ташкил этишни мужассамлаштирган. Ушбу фаолиятга ресторанлар хизмати ҳам киради.

10.5. Япония туризми: унинг ривожланиш динамикаси

Ички туризм. Кўп йиллардан буён Японияда туризм-машҳурликда бўш вақтни ўтказишда «уйдан ташқарида тушлик» дан қолишмайди. 3003 йил мамлакат аҳолиси йил давомида мамлакат бўйлаб меҳмонхоналарда тўхташ билан ўртача 1,16 марта сафарни амалга оширган. Ҳаммаси бўлиб 269 млн чиқиш қайд этилган, улардан 55% туристик мақсадларда сафарга отланишган.

Ички туризм интенсивлиги 1990 йиллардаги узоқ депсиниш даврида анча пасайди. Сайёҳларнинг бир қисми чет элга интилишди, чунки чет элга сафар мамлакат бўйлаб сафардан анча арзонга тушганди. Бу ички нарх даражаси баландлиги, айниқса транспорт ва меҳмонхона нархи ошганлиги, иен курси баландлиги билан изоҳланади. Шунга қарамасдан, мамлакат ичида туристик истъемол харажатлари японларнинг чет эл туристик харажатларидан сезиларли устунликка эга бўлди. Бу нисбатда Япония жаҳон ривожланган мамлакатлари барчасини қувиб ўтди (7.3 расм). Мамлакат бўйлаб сафар харажатлари 2003 йил аҳоли жон бошига ўртача 93 минг иенни, туристик мақсадлардаги саёҳат-47,7 минг иенни ташкил этди.

Японлар мамлакат бўйлаб турли мақсадларда саёҳат қилишади. Айрим маълумотларга кўра, уларнинг яримига яқини гўзалликлардан баҳра олиш мақсадини кўзлашади, 45% шифобахш иссиқ булоқларда чўмилиш(ОНСЭН) истагида сафарга чиқади, яна шунчаси-ҳордиқ чиқаради, 40% дан кўпроғини маҳаллий товарлар ва таомлар ўзига чорлайди.

Сафар-анъанавий дам олишнинг севимли тури, одатда бор-йўғи бир кечагина рёканда тунаш билан кечади. Бу япон типидаги меҳмонхона, кўпинча хушманзара жойларда, иссиқ сувли булоқлар атрофида жойлашган. Айнан рёканда миллий анъаналар ва турмуз тарзи муҳитини ҳис этиш мумкин. Агар эски рёканлар, одатдагидек табиатнинг сўлим бурчакларида жрйлашган бўлса, уй шинамлиги муҳитини эслатувчи унча катта бўлмаган меҳмонхонадан иборат бўлади. Замонавий кўп қаватли бинолар ҳам японча стилдаги хоналари билан анна шундай муҳит яратади. Кўпроқ машҳур рёканлар қаторига Кусацу (Токиодан шимолда Гумма префектураси), Бэппу (Кюсюдаги Оита префек), Мацуяма (Сикокуда) ва бошқалар киради. Анна шундай шаҳарлар кўчаларида эртадан кечгача одамлар юкатада (пахтадан енгил кимона) ва гэтада (товонли анъанавий пойафзал) да сайр қиладилар.

Японияда ички туризм турларидан бири ҳатто рецессия даврида ҳам қийинчиликка учрагани йўқ. Бу ўша «юракдан саёҳат» деб аталгани. Уларнинг маршрути будда ва синтоист ибодатхоналари бўлган қишлоқ йўлларидан ўтади ва ноёб тажриба иштиёқида ёнган кишиларга мўлжалланган. Энг арзон ва қисқа саёҳат Токиодан бир кунлик саёҳат, энг давомий саёҳат эса Сикокудаги 88 будда ибодатхонаси бўйлаб зиёрат. Бу япон архипелагидаги юзлаб муқаддас йўллардан бири, жуда машҳур ват обора кенг оммалашиб бормоқда. 2002 йил орлнинг барча 88 ибодатхонасини 150 минг туристлар айланиб чиқишди. Сикокуда кўпчилик зиёратчилар катта ёшдаги кишилардир. Бу нисбатан ёшроқ кишиларни ишдан ва оиладан ортиб бўш вақт тополмасликлари билан боғлиқ бўлса керак. Токиодан сал нарида жойлашган будда ва синтоист ибодатхоналари эса кўпроқ ёшроқ жаҳонгашталарни жалб этади.

Миллий маданият ҳақида ҳар хил мезонларда фикр юритиш мумкин, шу жумладан, ўз мамлакати табиатига нисбатан ҳам. Табиатга муҳаббат азалдан япон анъаналаридан

биридир. Мамлакатда асосан учта анна шундай урф-одат бор: ханами, цукими ва юкимияъни гулларга, ойга ва қорга муҳаббат. Бу ерда олча гуллаш байрами, гулсафсар, камелей, азалий ва бошқа гуллар фестивали машҳур. Японияда сакурага эса қадимдан меҳр қўйиб келишади. Сакуранинг турли рангдаги гули, турли муддатда гуллайдиган навлари танлаб олинади, уларни бутун хиёбонлар, паркларда ўтқазадилар ва гуллаш даврида улар қўйнида сайр қиладилар (жуда тез гуллагани учун Японияда балки шундай севимлидир), жуда кўп одамлар йиғиладилар. Бутун оилалар, улфат дўстлар, дам олувчилар гуллаган дарахт остига тўшак ёзиб ҳордиқ чиқарадилар, еб-ичадилар, гурунглашиб ушбу гўзалликдан баҳра оладилар.

XX аср бошларида Японияда табиат қўйнида ҳақиқий фаол туризм авжи қайд этилди.

Унинг бош жозибадорлиги шунда эдики, ҳайратомуз тоғлар ва қирғоқлар, парклар, денгиз, қишлоқ ва шаҳарлар мафтункор ландшафтлари кўплаб саёҳларни жалб эта бошлади. Бу ерда Япониянинг марказий қисмида ўз «Альпи» тоғлари бор. Альпинизм, тоққа чиқиш, тоғларда сайр қилиш японлар ўртасида кенг оммалашиб борди.

Спортнинг сувдаги турлари: дайвинг, виндеерфинг, елканли спорт кабилар кенг ривож топа бошлади. Бутун дунёда бўлганидек Японияда ҳам пляжларда сув чанғиси ва мотоциклида, шиширилган бананда сайр, денгиз устида паршютда учиш каби сайр-томошалар машҳурдир. Бу ерда аҳоли зичлиги, яшаш фаолияти учун ер етишмаслигига қарамай теннис кортлари жуда кўп, гольф ўйнаш учун кенг майдонлар мавжуд.

Мамлакатнинг энг жанубий префектураси Окинава ўзида «тропик жаннатни» намоён этади. Бу ерда ҳаво ва сувнинг йиллик ўртача ҳарорати 20^{o}C га яқинни ташкил этади. Префектурани асосий ташкил этувчи ороларида ажойиб тоза пляжлар, зилол сув, гўзал қирғоқ, маржон рифлар-сувости сузиш ишқибозларнинг орзусидир. Окинавада табиий фар билан бирга маданийлик ҳам мавжуд. Бир вақтлар префектуранинг замонавий территориясида жойлашган мустақил Рюкю қироллиги Хитой ва бошқа яқин атрофдаги мамлакатлар билан Япониядан кўра кўпроқ алоқада бўлган. Ушбу регион Японияда энг машҳур туристик йўналишлардан бири саналади. Окинаванинг туризмдан даромади йилига 400 млрд. иен ва ИЯМ (ВВП) нинг 12% ни ташкил қилади.

Туризмнинг ривожланиши экологик вазияти, ёмонлаштирмаслиги учун оролда шаҳар туризми билан бир пайтда экотуризм ҳам фаол тараққий этаётир. Окинавада таклиф этилаётган экотурлар шакли хилма-хил, аммо ҳаммаси атроф-муҳитни муҳофаза қилишга олиб келади (турлардан кўзланган мақсад табиий, тарихий-маданий бойликларни тиклаш, янада гўзаллаштиришдан иборат). Экотур иштирокчилари табиатдан завқ оладилар (табиат билан танишадилар, каноэда сузадилар, қушлар ва ўсимликлар дунёсини ўрганадилар).

Булар экологик таълимга қаратилганлиги билан диққатга сазовардир. Экотуризмнинг истиқболли районларидан бири Ириомотэ оролидир, унда қатор эндемиклар сақланиб қолган. Рюкюнинг ноёб маданияти ва маҳаллий урф-одатлари сақланиб қолган ороллари потенциали истиқболлар ҳисобланади. Булар энг аввало, унча катта бўлмаган Такэтоми ва Минна оролларидир.

Японияда туризм ёрқин мавсумий характер касб этади. Фаол туристик гавжумлик ёзги таътиллар мавсуми-августга тўғри келади, қайсиким Японияда анъанага кўра «обои»-аждодларни хотирлаш билан боғлиқ. Бундан ташқари. Август. Одатда энг жазирама иссиқ ой, бу пайтда шаҳарликлар табиат қўйнида дам олишни маъқул кўришади.иккинчи гавжумлик даври майда «олтин ҳафта» деб аталадиган вақтга тўғри келади, учинчиси – январда янги йил каникулларида. 1998-2000 йилларда-ўртача беш йилда августда, аҳоли жон бошига 0,21 сафар амалга оширилган, майда эса-0,16, январда -0,13. ички туризмда нисбатан «сокинлик» июнда кузатилади (0,091). Бу давр Япония катта территориясида ёмғирлар мавсуми ҳисобланади ва январ (0,097) Япония календарининг энг совуқ ойларидан бири.

Ўзлигини топи шва индивидуалликка интилиш кучайишига қарамай, кўпчилик японлар ҳозиргача гуруҳий турларни яхши кўришади (40% оиласи, 33%-дўстлари, 15%-шериклари билан).

Кўпчилик индивидуал сафарларга қараганда арзонга тушадиган пэкидж-турларни маъқул кўришади. Айни пайтда истеъмолчилар талабларини ҳисобга олиб, туристик компаниялар таклиф этилаётган туристик хизматлар пакетлари «эгилувчанлиги» ни оширдилар. Мисол учун, 7 кун муддатгача бир кеча меҳмонхонада тунаш учун пул тўлаган ҳолда бориш-келиш учун имтиёзли авиа ёки темирйўл чиптаси олиш, қолган вақтни ўз ихтиёрига кўра ўтказиш мумкин. Мамлакат бўйлаб саёҳат қилувчи мутлақо кўпчилик японлар темирйўл транспортидан фойдаланишади (2003 йил-99,5%). Фақат 1% дан кўпроқ тезюрар поезд «Синкамсэи» ни танлайди, унда сафар қимматроқ, шу боис 0,4% шахслар авиатранспортни маъқул кўради, денгиз лайнерлари хизматидан яна камроқ фойдаланилади.

2003 йил Япония вазирлар маҳкамаси аҳолининг бўш вақтини ўтказиш ва саёҳат истаги ҳақида сўров ўтказди. Сўралганларнинг 3509% ҳам мамлакат бўйлаб, ҳам чет элга саёҳат қилиш истагини билдиришди, 1807% эса бундай мўлжалга эга эмасди. Бунда ҳаммасидан кўпроқ саёҳат истагида бўлган шахслар ёш категорияси 20 дан 29 ёшгача, кейин яна шунча 30-39 ёшдагилар эдилар. Бирор жойга бориб келишни истамаганлар ёш каттариши билан кўпаймоқда: 20-29 ёшлар ўртасида бундай шахслар-9,3% бўлса, 70 дан ошганлар орасида – 39,5%.

Мамлакат доирасида саёҳатни етук ёшдаги кишилар мақбул кўришади: 44,8% дан кўпроғи 50 ёшдан катта, 43% 60 ёшдан катта, 41,7% 70 ёшдан катта. 30 ёшдан кичик ёшдагиларда бу 25%, 30 дан 49 ёшгача – 34%. Ички туризмни ушлаб турувчи асосий омил одамларда бўш пулнинг йўқлиги (сўралганларнинг 34,3%) ва таътил давомийлиги етарли эмаслигидир.(29%).

Халқаро туризм. XX аср иккинчи ярмида Японияда халқаро туризм юксак суръатларда ривожланди. 1965-2000 йилларда дунёда чет элга сафарлар 6 мартага кўпайган бўлса, японларнинг чет элга сафарлари 100 марта кўпайди.

Айтиш мумкинки, японлар ушбу соҳада жаҳон туризм бозорига кейинроқ чиққан бўлсада, бой берилган имкониятларни жадал ўзлаштириб олдилар. Японияга хорижий сайёҳлар ташрифи сони ҳам ўсаётганлиги қайд этилмоқда.

Чиқиш туризми. Япония аҳоли сони жиҳатидан жаҳондаги энг кўп аҳолили ўн мамлакат қаторига киради. Ушбу юксак ривожланган мамлакатда аҳолининг 90% дан кўпроғи ўзини ўрта синфга мансуб деб билади. Шу билан бирга бу ерда чиқиш туризми нисбатан кечроқ ривожлана бошлади, ҳозиргача чет элга чиқаётган япон туристлари оқими ортиб бораётганига қарамай, хорижга сафарга борувчилар сони Японияда барибир бошқа ривожланган мамлакатлардагидан кам. (1999 йил АҚШдаги 21% га таққослаганда – 13%, Франйияда-28%, Италияда – 33%, Канадада – 60% ва Буюк Британияда – 91%). Бироқ, шубҳасиз ўрта синф учун характерли бўлган турмуш стандартлари (улар орасида саёҳат муҳим рол ўйнайди) Японияда кенг ёйилмоқда. Япон «Туризм бўйича оқ китоб» маълумотларига қараганда 2002 йил Япония чет элга сафарлар сони бўйича жаҳонда ўн биринчи ўринни эгаллади. Осиёда иккинчи (Малайзиядан кейин), япон туристларининг чет элда сарфлаган маблағлари ҳажми бўйича эса тўртинчи ўринда (2002 йил 26,7 млрд доллар ёки жаҳонда барча туристик харажатларнинг 5,6%). Бир сафаручун япон ўртача 2,8 минг доллар ёки суткасига 300 доллар сарфлайди.

Японияда чиқиш туризми бир неча тўлқинлар билан кечди. Биринчиси 1960 йиллар ўрталарига тўғри келади, япон фуқароларини чет элга сафарга ички чекловлар олиб ташлангач, ҳар йили улар сони ўсиши ўртача 30% ташкил қилади. Иккинчи тўлқин турмушга фуқаро авиацияси кириб келгач, бошланди, қўнувсиз учувлар узоқлиги кўпайди ва йўл вақти қисқарди. Бош туристик марказлардан олисдаги оролдан иборат Япония учун бу принципиал аҳамияти касб этади. 1971-1972 йилларда Японядан жўнаб кетган туристлар сони 45% кўпайди, 1973 йилда эса юқори ўсиш рекорди ўрнатилди – 655 га

яқин. 1970 йиллардаги ўсишга ва тегишли равишда туристик сафарларни қимматлашишига олиб келди, шунингдек Япониянинг ўзида иқтисодий вазият сезиларли тарзда ўзгарди. Шунга қарамай, чет элга саёҳатлар сони ўсишда давом этди. (1964 йил-353 минг, 1971 йил - 951 минг, 1973 йил - 2,3 млн, 1979 йил - 4 млн).

1980 йилларнинг энг бошида мамлакатда туристик фаоллик паст даражада қолди. Япония иқтисодиётининг аҳоли моддий қийинчиликлари ва беқарорликни ҳис этиши билан боғлиқ таркибий қайта қуришлар таъсирини кўрсатди. Аммо 1983 йил чет элга сони яна ўсгани қайд этилди (1983 йил – 4,23 млн, 1985 йил – 4,95 млн). 1980 йиллар иккинчи яримида иен курси сезиларли ошгандан кейин Японияда чиқиш туризми чинаккам авжига чиқди. 1986-1992 йилларда мамлакатдан чиқиш 5,5 млн. дан 11,8 млнга ўсди. Бунга 1987 йил сентябрда Япония транспорт вазирлигининг туристик расмиятчиликларни соддалаштириш ва бошқа чораларни кўзда тутувчи махсус дастурини қабул илиниши имкон берди. 1991 йилда японларнинг туристик фаоллиги сусайиши Форс кўрфазидаги уруш билан изоҳланади.

Японларнинг ундан кейин чет элга саёҳатлар сони ўсишида 1993 йил Осака яқинида очилган «Кансай» халқаро аэропорти муҳим рол ўйнади, у Япониянинг ғарбий қисмида яшовчи шахсларни чет элга чиқишларини енгиллаштирди. Японлар учун чет эл сафарларини жозибадорлигини оширишда 1995 йил иен курсининг сезиларли кўтарилиши ҳам муҳим омил бўлди.

Умуман японларнинг чет элга чиқиш ижобий динамикаси 1990 йиллар ўрталаригача кузатилди, 1997 йил бу иқтисодий инқироз оқибатида бузилди ва мамлакатда иқтисодий депсиниш чўзилиб кетди (1997-16,9 млн. сафар ва 2003йил-13,3 млн). иенни заифлашуви ва иқтисодий беқарорлик натижасида кўпчилик японларнинг даромадлари пасайиши салбий рол ўйнади. Японияда чиқиш туризми ҳажмини қисқаришининг яна бир муҳим омили мамлакат келажаги ҳақида ҳиссий ва руҳий кайфиятнинг ўзгариши бўлди. Кўпчилик йирик компанияларнинг умрбод ёллаш системасидан воз кечиши, ишсизлар сонининг ортиши. Келажакка ишонч йўқолиши, эртага ижтимоий жиҳатдан четга чиқиб қолиш хавфи барқарор турмуш циклига ўрганган жуда кўп японларни руҳий асабийликка дучор этди.

XXI аср бошларида чет элга чиққан япон туристларининг хулқий мотивларига ташқи салбий омиллар сезиларли таъсир ўтказди – Ироқдаги уруш, терроризм таҳдиди ва атипик пневмония касаллиги тарқалиши, шунингдек Шимолий Кореяда баллистик ракета учирилиши мумкинлиги ҳақидаги ахборот шулар жумласидандир.

Шунга қарамай Японияда чиқиш туризми ривожланишда давом этмоқда. Чет эл йўналишида туристик фаолликни мамлакат йирик регионида яшовчилар – Канто аҳолиси ва Токио пойтахт региони таркибига кирувчи ҳудуд яшовчилари намоён этишмоқда (Чет элга туристик сафарларнинг ҳаммаси 42%).

Улардан сўнг аҳамиятга кўра Осакада маркази билан Кинки (14%), Нагояда маркази билан Токай (12%) сингари мамлакат иқтисодий регионлари боришаяпти. Жаҳондаги йирик мегаполис Токайдога японларнинг чет элга туристик сафарларнинг тахминан 60-70% тўғри келади (таъкидлаш керак, Токио аэропорти хизматидан шарқий Япония барча аҳолиси, шунингдек Хоккайдо оролидагилар фойдаланишади.

2003 йил чет элга отланган 60% яполар Токио халқаро янги аэропорти «Нарита» дан, 20% дан сал кўпроқ Осакадаги «Кансай» аэропоридан фойдаланиландилар. Яна 10% Нагаядан, 5% - Фукукадан парвоз қилдилар. Мамлакат бошқа аэропортларига, шу жумладан, Токиодаги «Хайэда» га 5% тўғри келди.

Жўнаб кетаётганлар ёш таркиби деяри бир хил – 25-34, 45-54, 55-64 ёшдагилар вакилларидан ибоат (кетиш даражаси бўйича 22 дан 20%гача). 65 ёшдаги шахслар – фақат 7% ва 35-44 ва 18-24 ёшдаги гуруҳ шахслар тахминан 15% дан.

Япония чиқиш туризмининг фарқли қирраси 1999 йилларда истеъмолчилар орасида хотин-қизлар улушининг ўсиши бўлди. 1999 йил уларга 46,8% (1988 йил – 38%) тўғри келди. Бу ҳамон адабиётларда учрайдиган япон аёлларнинг қарамлиги ва мустақил

эмаслиги ҳақидаги турмуш қурмаган ёш хотин-қизлар ёки яқинданикоҳдан ўтган аёллар чет эл сафаралрига жўнаб кетаётирлар (20 дан 29 ёшгача – чет элга орасида юқори даражадаги маълумотлилар кўпчиликни ташкил қилади: 45% олий ва 515 тўлиқ ўрта маълумотга эгалар.

Япониядан туристик оқимлар географияси тобора хилма-хиллашиб, асосан тинч океани ҳавзаси мамлакатларини қамраб олмоқда. 2001 йил 11 сентябрдан кейин японларни АҚШга сафарлари кескин қисқарган бўлсада, 2003 йил сафарлар сони 3,17 млн ташкил қилди.

Истиқболли йўналишлар Хитой (Сянган ва Тайванни ҳисобга қўшмаган ҳолда 2,26 млн) ва Корея Республикаси (1,8 млн).

Жанубий Кореяга ташриф буюришга қизиқиш уларнинг «Қиш сонатаси» телесериалининг ғайриоддий муваффақиятидан кейин кучайди, 2003-2004 йилларда япон телевидениями ушбу сериални бир неча марта намойиш этди. Японияда адабий сценария, видео ва аудиокассета, дисклар сотиш ҳажми юзлаб минг нусхани ташкил қилди. Турагентлар фильм суратга олинган жой ва суратга олувчи гуруҳ билан учрашув таклиф қилинган турпакетларни ишлаб чиқдилар ва сотишга киришадилар. Бундан кейин жўнаб кетиш Таиланд, Сянган (Гонконг) ва Тайван, шунингдек Австралия, Сингапур сари йўналади. Ушбу барча санаб ўтилган дестинациялар бир бутун ҳолда японларнинг чет элга чиқишларнинг нисбатан яқинлиги ва японларга хос унча давом этмайдиган саёҳатни мўлжаллашлари билан изоҳланади.

Туристик дестинацияларнинг севимлиларидан бири, айниқса 50 ёшдан катта японлар орасида Европа ҳисобланади. Европа маданиятига қизиқиш японларда мамлакатни модернизациялаш бошланиши билан уйғонди, яъни XIX аср иккинчи яримида аввало Франция япон туристларини жалб қилди, кейинчилик Германия, Буюк Британия япон туристлари учун эшикларини очди. СССР ҳам японлар учун европа туристик дестинацияларидан бирига айланганди, СССР қулаганда кейин уларнинг иқтисодий қудрати пасайган Россияга қизиқишлари сезиларли камайди.

Японларнинг туристик мотивлари нисбатан барқарор. 80% галкин чет эл сафарлари таътил даврида дам олиш мақсадида амалга оширлади, 11% ишга доир сафарларга тўғри келади.

Дам олиш бўлиш-экскурсион йўналиш характерига эга. Сўровлардан маълум бўлишича, табиатга қизиқиш ва тарихий-маданий диққатга сазовор жойларга ташриф асосий мақсад моҳиятини ташкил қилади. Бироз камроқ даражада японларни бошқа мамлакатлар миллий пазандачилиги, шунингдек шопинг, янада камроқ музей ва кўргазмалар жалб қилади. Маҳаллий аҳоли билан мулоқат сўралганларнинг 20 учун қизиқиш уйғотади, 14№ чет элга сув спорти турлари билан шуғулланиш учун йўл олади, 8% га яқин чет элда ўқишни хоҳлайди, 6% ни халқаро спорт тадбирлари, карноволлар, фестивалар ва бошқа жалб қилади.

Туристик сафарни олдиндан режалаштириш японларга хос одат. Бунда 86% турагенликда воситачилиларга ва фақат 14% бевосита туристик хизматлар тақдим этувчиларга мурожаат қиладилар.

Туристик йўналишни танлашда японлар бориладиган мамлакатда хавфсизлик ва санитария ҳолатига жиддий эътибор беришлари билан ажралиб туришади. Юксак даражада хизмат кўрсатиш стандартларига одатланган японларнинг туристик таклифларини бошқа мамлакатлар кўпинча қаноатлантироолмайди. XXI аср бошларида чет элда сафарларда бўлган японларининг 20% норози бўлиб қайтишди.

Кириш туризми. Кўҳна ва Янги Дунёдан олисда бўлишига қарамай, Япония жуда мафтункор туристик дестинация ҳисобланади. Халқаро туристик келишлар бўйича Япония Осиёда саккизинчи, жаҳонда 33-ўринларни эгаллайди. 1983 йилда 2 млн, 1993 йилда 3,4 млн. келиш қайд этилган бўлса, бу кўрсатгич 2003 йилда 5,2 млн. ни ташкил қилди. Чет элдан келаётган туристлар сони ортаётганига қарамай, Японияниng Осиё туристик бозорида ўрин камтаргинадир (200о йил у бешинчи ўринда эди).

Кириш туристик оқимларининг устунлик қилувчи қисми Осиё мамлакатларида шаклланади-67,4%. Кейин Шимолий Америкага-15,3% ва Европа мамлакатлари-12,4%. Яна 4% Австралия ва Океанияга, 05 % -Жанубий Америка улушига тўғри келади. Етакчи мамлакатлар (территориялар)-Корея Республикаси (2003 йил 28%), Тайван (15%), 1988-2003 йиллар давомида 15 йил биринчи ўринни эгалладилар, АҚШ (13%), Хитой (9%), Сянган (Гонконг) (5%). Европаликлар орасида Японияга кўпроқ инглизлар (3,8), немислар (1,8%) ва французлар (1,6%) қизиқиш билдирдилар. Япония чиқиш туризми бозорида Россия улуши кўпаймоқда (0,9%), бу аввало маданий ва қўшни мамлакатни Япония маданияти ва илмий-техник ютуқларига қизиқиши ортаётгани билан изоҳланади.

Японияга бораётганларнинг 65%и 5 кундан кўп бўлмаган муддатга тўхташади. 19%и 10 кунгача ва яна 5,7%и 15 кунгача. Шундай қилиб 90% чет эллик туристлар Японияда икки ҳафтадан кўп бўлмаган вақтни ўтказадилар, бу мамлакатда ички нархларнинг юқори даражадалиги билан изоҳланади.

2015 йилги маълумотларга кўра, туристик мақсадларда Японияга келаётган шахслар орасида (2 кундан 2 ойгача муддатга) индивидуал туристлар кўпчиликни ташкил қилади (66,9%). Европаликлар ва америкаликлар орасида улуши янада юқори хитойликлар (55,2%) ва тайванликлар (53,4%) туристик гуруҳлар таркибида келишади.

Кўпроқ сонли чет эллик туристлар, уларнинг улуши камаётган бўлсада, Токио ва унинг чеккларига ташриф буюрадилар (2003 йил 52,7%). 1999 йил – 60%).

Ташриф буюриш бўйича Осака префектураси иккинчи (27,85 чет элликлар келиши). Учинчи ўринга яқинда Канагава префектураси кўтарилди. Бу ерда Буюк будда ва Иокогаманинг машҳур бронза ҳайкаллари билан Камакура биринчи сёгунати сиёсий-маъмурий маркази – чет элликлар ташрифи учун бошқалардан илгарироқ очилган камгина япон шаҳарларидан бири жойлашган. Унда ҳозиргача европа руҳи сақланиб қолган, ўзаро маданий ҳамкорлик нафаси уфуриб туради. Ҳозирда бу осмонўпар бинолар шаҳри, порт қисмидаги терроторияда қурилган, Токио функциясининг бир қисмини ўзига олган ишбилармонлик ва маданий-сайр томоша маркази. Тўртинчи ўринда Киото ўн асрдан зиёд вақт давомида Япония пойтахти бўлган.

Бешликни чет эллик меҳмонлар учун мафтункор Тиба префектураси якунлайди. Бу ерда ҳам текис территорияда Макухари янги райони барпо этилган, ўтазамонавий осмонўпар бинолар, таниқли компаниялар идоралари, кўргазма комплекси билан конгресс-холлилар, сайр-томоша индустрияси билан турар жой кварталлари унга бетакрор кўрк бағишлайди.

Кўпчилик туристлар шунингдек Япониянинг биринчи доимий пойтахти Нара шаҳрига ташриф буюрадилар, бу ерда VIII аср колорити сақланиб қолган. Шунингдек Хиросима шаҳрида атом бомбардимони вақтида сақланиб қолган уй, атом бомбардимони қурбонлари меомориали ва тинчлик музей саёҳларни жалб этади (ёнма-ён эса Миядзима ороли жойлашган, у ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатида қайд этилган).

Япония бўйлаб оддий ва тежамли усулда саёҳат турпакет сотиб олиши ҳисобланади. Улар жуда хилма-хилдир, масалан, тематик, АҚШни мисол қилиб олса бўлади, у ерда хусусан қуйидаги турлар таклиф қилинади: «Классик Япония ва санъат», Токиодаги уч кун, бир кеча тунаш билан Хаконэ ва Фудзи чеккаларида, икки кун Киотода, бир кун Осакада бўлиш. Ушбу тур нафақат замонавий ва қадимий Япония пойтахтини кўриш, балки табиий қўриқхоналар, миллий маданияти, япон керамика-сопол санъати, одамлар турмуш тарзи билан танишиш имконини беради. «Япония пазандачилиги ва маданияти» тури Токиога ташрифни кўзда тутади. Киото, Кобэ ва Осака («Япония пазандаси» деб аталади), шунингдек икки унчалик катта бўлмаган аҳолт истиқоматгоҳлари туристларда бой тассурот қолдиради. «Японияни кашф қилинг» тури Токио, Киото ва қадимий шаҳар Канадзава (Япон денгизи қирғоғида) ва Такаяма – марказий Япониянинг олис тоғларида тўхташни кўзда тутади. Вариантлардан бири сифатида қўшимча Хиросимага ташриф буюриш мумкин. Бу рўйхатлар билан туристик таклифлар тугамайди. Японияда уч марта ўтказилган: 1964 йил Токиода ёзги, 1972 йил

Саппорода қишки, 1998 йил Нагонада қишки олимпияда ўйинларига кўп сонли туристлар ташриф буюрдилар.

Туристларни халқаро кўргазма ва ярмаркалар бутунжаҳон кўргазмаси «Япония. Экспо-70», Осака яқинида ўтказилган кўргазма ҳам жалб қилади.(64 млн. чипта сотилган, соф фойда 30 млн. долларни ташкил этган, кўргазма мавзуси – «Прогресс ва уйғунлик инсоният учун). Шунингдек Окинавада ўтказилган океанга бағишланган халқаро кўргазма «Иокогама экзотик шоу. Экспо-89», Иокогамада ўтказилган «Космос ва болалар» мавзусидаги кўргазмаларга ҳам кўплаб туристлар ташриф буюрдилар. Японияга чет эллик ташриф буюрувчиларни жалб этиш учун «Аити. Эспо-2005 катта умид туғдирмоқда. Ушбу кўргазма мавзуи «Табиат донишмандлиги», унинг очилиши 2005 йилда бўлиб ўтди. Кўргазма ташкилотчилари глобал жамият қуришга ҳисса қўшимча ишонч билдиришаяпти, бу жамиятда турли маданият ва цивилизациялар тинч ва фаровон ҳаётгечирадилар. Кўргазмаси маданиятлараро алмашинув жойи бўлиш кўзда тутилмоқда.

Айни пайтда «Фифа-2000» жаҳон чемпионати каби нуфузли спорт тадбирини туристик бозорга таъсири унча сезиларли бўлмади.

Кўпчилик чет элликлар Японияга авиатранспортда келишади (2003 йил 94,8%). Денгиз транспортидан японларга қараганда (1,4%), чет элликлар уч ярим марта кўп (5,2%) фойдаланишади. Худди шундай японларни чет элга сафарларида асосий юкланиш «Нарито» аэропортига тушади (57,8%), сўнгра «Кансай» (19%),Нагая (5,3%), Фукуока (4,4%). Окинавадаги Наха аэропортинингчет элликларни киришидаги роли японларни чиқишига нисбатан анча сезиларли (мос равишда 0,8 ва 0,3%). Шунингдек бошқа аэропортларнинг улуши катта (3,9% билан таққосланганда 6,8%).

Халқаро туризм Японияда даромад ва буромадда салбий балансга эга камчил тармоқлардан бири.халқаро туризмдан тушадиган даромадлар бўйича Япония дунёда 31-ўринда (66,5 млрд. доллар билан биринчи ўринда турган АҚШ, 33,6 млрд. доллар билан иккинчи ўринда турган Испанияга нисбатан 3,5 млрд. доллар халқаро туризмда хизматлар савдосидан тушадиган умумий даромад ҳам шундай паст: бор-йўғи - 5% (АҚШда – 27,8%, Буюк Британияда – 15%, Францияда – 37,6%). Айни пайтда Япония халқаро туризмга сарф-харажатлар бўйича жаҳонда тўртинчи ўринни эгаллайди (2001йил АҚШда 60 млрд, Германияда 46 млрд, Буюк Британияда36,5 млрд. га қарши 26,5 млрд.долла) ва халқаро туризмда даромадлар ва буромадлар пассив баланси сальдоси катталиги бўйича Германиядан кейин иккинчи (Японияда – 23, Германияда – 29 млрд.долар).

10.6. Япония туризмининг асосий йўналишлари

Даволаш ва соғломлаштириш туризми. Японияда даволаш ва соғломлаштириш туризми асосини больнологик (минерал сувлар ва балчиқлардан фойдаланиш) курортлар ташкил қилади. Минерал сувлар таркиби бўйича, иссиқлик даражаси, кислоталик ва қаттиқлик бўйича туркумланади. Минерал сувнинг химиявий таркиби унинг даволаш хусусиятларини аниқлайди. Япония соғломлаштириш илмий тадқиқот институти (Токио ш) мамлакатдаги барча минерал сувлари манъбалари бўйича маслаҳатларини беришади.

Ҳозирги пайтда мамлакатдаги барча минерал сувлар манбайида 15,5 та меҳмонхоналар мавжуд. Фаолият кўрсатаётган курортлар жуда хилма-хилдир. Уларни йўналишлари бўйича 3 та категория (тоифа) га бўлиш мумкин: даволаш, кўнгил очувчи ва аралаш курортлари.

Иссиқ сув чиқадиган курортларда чўмилиш шаршараларда, ғорларда осма вагонларда амалга оширилинади. Ундан ташқари балчиқли ва қумли курортлар ҳам бор. Ҳар йили 100 млн. дан ортиқ японлар ўзларининг бўш вақтларида меҳмонхоналардаги табиий минерал сувлар ваннасидан олиб фойдаланадилар.

Спорт туризми. Спорт туризмининг асосий тури бу **тоғ чанғиси** ва **сув спортидир**. Тоғ туризми Японияда ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у зиёратчилик туризми билан чамбарчас боғланган. 1867 йилга қадар японлар тоғларга чиқиши фақат

зиёртатчилик мақсадларида амалга оширилган. Тоғларга чиқиш оддий одамлар учун хавф-хатарли бўлган. Шу сабабли улар руҳонийлар ёрдамида чиқишганлар.

Будданинг ибодатхоналари Кукай ва Сайтё тоғ чўққисида жойлашган бўлиб, уларга бориш зиёратчилар учун хавф-хатарсиздир. Японияда учта тоғ чўққисида жойлашган будда зиёратгоҳлари бор. Булар **Фудзияма, Татэяма** ва **Хакусандир**. Бошқа унча аҳамиятли бўлмаган зиёратгоҳлар Кии ярим оролидаги Коясан, Нантайсан, Дайсан, Тёкайсанлардир.

Тоғ чанғиси спорти. Японияда англиялик миссионер Вальтер Вестон томонидан бошлаб берилган. Японияда тоғ чанғиси ўтказиладиган жойларнинг кўпчилиги миллий парклар ҳудудида жойлашаган. Японияда тоғ чанғиси ўтказиладиган асосий жой бу **Хаккайдо** ороли ҳисобланади. Бу ерда спорт мусобақаларини ўтказиш мавсуми декабрдан тортиб, то март ойининг охиригача давом этади. Хаккайдо мамлактнинг энг машҳур тоғ чанғиси курортлари – Аканура, Овани ва Фуранолар жойлашган. Тоғ чанғиси курортлари Хансю Япон альпларида жойлашган. Бу Нагано префектурасида жойлашган. Наганода 100 тача чанғи базалари, 40 та яхмалак майдонлари мавжуд. Ҳар йили бу ерга 20 млн. дан ортиқ туристлар ташриф буюришадилар. Наганонинг шимолий-ғарбида Хакуба курорти жойлашган. Бу ерда хилма-хил тоғ чанғиси базалари мавжуд. 1998 йилда бу ерда қишқи Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Ушбу курорт барча тоғ чанғиси билан шуғулланувчилар учун мўлжалланган. Курорт базасида 13 та ҳар хил чанғи трассалари мавжуд. Уларнинг баландлиги 760 метрдан то 1831 метргача етади. Трасса 32 та кўтаргичлар билан жиҳозланган. Қор устида учиш даври декабр ойининг ўрталаридан, то апрел ойининг охиригача давом этади. Трассалар кечаси ёритилинади.

Пляж туризми. Японияда пляж туризми Тинч океани қирғоқларида бирмунча ривожланган. Хонсю ва Рюкю ороллари қирғоқларида Миядзаки районида (Сигайя пляжи), Окинавада, Кераме, Ивадзиме каби манзилларда энг яхши дайв майдонлари бор. Нотоханто ярим ороли қирғоқлари, Гумма префектураси ва Нара районлари чўмилиш мавсуми жуда қисқа бўлиб, у бору-йўғи 2 ойни ташкил қилади. Фақат биргина Рюкю ороли соҳилларида у бир мунча узоқроқ вақтга давом этади.

Сайр-тамошо туризми. Японияда сайр-тамошо туризми барча шаҳарларда ривожланган. Айниқса у тарихий шаҳарларда ва миллий паркларда авж олган. Туристлар учун жуда кўплаб музейлар, тарихий обидалар, хилма-хил кўргазмалар ўз хизматларини таклиф қиладилар. Японияда ёшлар, яъни мактаб ўқувчилари туризми анча ривожланган.

Диний (зиёратчилик) туризми. Японияда диний туризм ҳам анчагина ривожланган. Зиёратчилар синтоистик ва будда ибодатхоналарига боришадилар: муқаддас, азиз жойлар, тоғлар, дарёлар ва бошқалар. Мамлакатда энг номи чиққан зиёратчилик маршрутларига Сикокудаги 88 та ибодатхоналар киради. Олдинги пайтларда ушбу ибодатхоналарни бориб кўриш учун пиёда юриб бир неча ҳафта кетар эди. Ҳозир эса ибодатхоналарни зиёрат қилишда автомобилдан фойдаланишадилар. Янги қисқа маршрутлар пайдо бўлди. Ҳар йили Сикокуга 1 млн. дан ортиқ зиёратчилар ташриф буюришади.

Ишга алоқадор туризми. Ишга алоқадор ёки ишбилармонлик туризми Японияда энг ривожланган туризм турларидан бири ҳисобланади. Туризмнинг ушбу тури MICE (учрашув-инсентив-конференция-кўргазмалар) деб аталади. Бизнес туризмнинг 71% ни якка ишбилармонлик сафарлари ташкил этади, 16% ни конгрессларда ва конференцияларда иштирок этиш, 11% кўргазмаларда қатнашиш, 2% ни инсентив туризм иштирокчилари эгаллайди. Япония, АҚШ билан бир қаторда ушбу секторда етакчи ўринни эгаллайди. Японияда учрашувлар ўтказилиб туриладиган энг машҳур шаҳар – **Токиодир**. Ундан кейин **Осака, Нагоя, Кобе, Киото и Цукубе** шаҳарларидир.

Японияда туризмнинг бошқа турлари ҳам ривожланган бўлиб, уларга кўнгил очиш-дам олиш, болалар туризми, воқеий туризм, фаол туризм, насталгик (қўмсаш, соғиниш) туризми, агротуризм, гастрономик туризм, экстремал туризмдир.

Туризм соҳасида давлат сиёсати. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Японияда туризм тараққиёти бошланиши энгаввало тармоқ устидан давлат назорати ўрнатилиши билан боғлиқ. Туризм индустриясида банд ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун санитария ва гигиена нормалари, талаб амалга киритилди, шу жумладан ҳокимият маҳаллий органларидан махсус рухсат олиш мажбурий қилиб қўйилди, гид ва таржимонлар учун эса давлат аттестациядан ўтиш белгилаб қўйилди. Туризм соҳасида хавфсизлик ва хизмат кўрсатиш стандартларини оширишга катта эътибор қаратилди.

1952 йил Туристик агентликлар ҳақида Қонун қабул қилинди, 1959 йил эса Япон давлат туристик ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонун кучга кирди. Унинг бош вазифаси мамлакатга чет эллик сайёҳларни жалб этишдан иборат. Моҳиятан чет эллик туристлар учун Японияни кашф этиш анна шундан бошланди.

1963 йил Туризм ҳақида Асосий қонун қабул қилинди. Туризм регионал тараққиёти, территориал структурасини яхшилаш ва шакллантиришнинг муҳим омили сифатида тан олинди. Туризм соҳасида давлат тартибга солишнинг самарадорлигини таъминлаш, зарур сиёсат юритиш учун бош вазир маҳкамаси ҳузурида туристик сиёсат бўйича Кенгаш тузилади. Унга туристик соҳа муоммоларини ўрганиш ва ҳукуматга тавсиялар тақдим этиш юкланди. Ички туризм тараққиётида ҳамкорлик қилиш ва тарғибот мақсадида 1964 йил Япония туристик ассоциацияси ташкил этилди, у 3 мингдан зиёд турагентликларни бирлаштирган. Олдинроқ Япония осиё ва Тинч океани мамлакатлари туристик ассоциациясига (1951 йил) кирди. 1966 йил Шарқий Осиё мамлакатлари туристик ассоциацияси тузилди, унинг штаб-квартираси Токиода жойлашди. Японияда туризм бўйича сиёсат бош вазир котибияти ва Туризм бўйича бошқарма ҳузуридаги туристик Кенгаш томонидан шакллантирилади. Унинг таркибида Миллий территория, инфраструктура ва транспорт вазирлиги бор. Улар бир вақтнинг ўзида мамлакат барча туристик ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради ва ҳукумат даражасида туризмни тарғиб қилишади. Туристик сиёсатни амалга оширишда шунингдек соғликни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги таркибига кирувчи Миллий парклар бошқармаси, Маориф вазирлигининг маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича бошқармаси ва бошқалар иштирок этишади. Туристик сиёсатни амалда жорий этиш бўйича Япония миллий туристик ташкилоти ва Япония туристик агентлиги ассоциацияси шуғулланади. Префектуралар ҳокимият органлари структурасида ҳам туристик бошқармалар бор.

Японияда туристик сиёсат йўналишларидан бири «Янги кашфиётлар районлари» тузилгани бўлди, унинг концепцияси 1984 йил Турстик сиёсат бўйича Кенгаш томонидан таклиф этилган эди. Унинг мақсади жаҳон туристик бозорида Япониянинг янги районларини илгари суришдир. 1987 йил бутун мамлакат бўйлаб 36 «янги кашф районлар» ажратилди. Уларни танлаб олишда транспорт вазирлиги районга осон бориш мезонларига, инфраструктураси ривожланганига, чет эллик туристларни қабул қилишдан маҳаллий аҳоли манфаатдорлигига, сервис хизмати кўрсатиш даражаси юқорилигига таянилди. Истиқбол мўлжалари орасида давлат қўллаб-қувватлашига муҳитож районлар тараққиётига эътибор қаратилди. Танланган районларнинг маданий ва географик хилма-хилликка эга бўлиши биринчи шарт қилиб қўйилди. Туристларни хорждаги япон ваколатхоналари орқали жалб этиш учун бутун мамлакат бўйлаб ахборот компаниялари ва ахборот-маълумот тармоқлари тузилди. Чет эллик мухбирлар учун реклама турлари уюштирилди. Бундан ташқари, интуристларга хизмат кўрсатиш учун ходимларни ўқитиш махсус дастури ишлаб чиқилди, кўнгилли гид ва шахсларни, оиласида яшаши учун чет элликларни қабул қилишга тайёр кишиларни рағбатлантириш, шунингдек халқаро кўргазмалар ўтказиш ва ёшлар билан алмашинишда ҳамкорлик қилиш шартлари ишлаб чиқилди.

1988 йил очиқ осмон остида музей-«маданий қишлоқлар» лойиҳасини амалга ошириш бошланди, унга мувофиқ туристлар табиат, урф-одатлар, маҳаллий аҳоли турмуш тарзи, регионнинг тарихий-маданий объектлари билан танишиши мумкин. 1992 йил

давлат томонидан маблағ билан қўллаб-қувватланиш натижасида худди шундай турдаги 11 та қишлоқ барпо этилди. Улар орасида таниқлилари юқорида жойлашгандек Сиракавато ва Гокаяма. Улар ЮНЕСКО маданий мероси рўйхатга киритилган, шунингдек Мэйдзимура.

1987 йил бир вақтнинг ўзида Японияда дам олиш комплекс зоналарини тарққий эттириш ҳақида Қонун қабул қилинди. Иен курсининг юқорилиги ва ер ва кўчмас мулк нархининг бир неча баровар ўсиши; банк фоизлари юқорилиги билан қўшилиб бутун мамлакат бўйлаб рекеацион лойиҳалар ишлаб чиқила бошлади. 1992 йилга келиб уларнинг 33 таси қурилиши (таркибига музей ва галериялар, кўпинча театрлар ва ҳокозо ҳам киради) учун давлат солиқ чегирмалари ва имтиёзли кредитлар тақдим этди.

Японияда туристик бизнес тараққиёти сари қўйилган муҳим қадам 1991 йил транспорт вазирлигининг «XXI асрда икки томонлама туризм» деб номланган кенг кўламли дастур қабул қилганлиги бўлди. У турли мамлакатлар фуқаролари ўртасида шахсий алоқалар ва туристик оқимлар базасида халқлар ўртасидаги ўзаро тушунишларни кенгайтиришга қаратилган.

Чет элга жўнаб кетаётган япон туристларига қулайлик туғдириш учун турли кишиларнинг индтвидуал эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида таклиф этилаётган саёҳат дастуррини диверсифиялашга қарор қилинди. Шу муносабат билан индивидуаллик роли ошиб, пакетли туризмнинг роли пасайди.

Бир вақтнинг ўзида чет элда япон туристларига хизмат кўрсатиш сифатини ошиши (шу жумладан, отеллар техник қўллаб-қувватлаш йўли) билан чиқиш туризми географиясини кенгайтириш белгиланди. Бунинг учун туристларни танлаётган ва бораётган мамлакатлари миллий маданияти бойликларини муносиб баҳолаши, тушуниши учун йўл-йўриқ кўрсатувчи қўлланмалар ва мамлакатшунослик адабиётлари чиқаришни кўпайтириш, чет эл мамлакатлари тарихи ва маданияти билан таништириш, турли мамлакатларда япон тилини биладиган гидлар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш белгиланди.

Чет элларда яшовчилар билан шахсий алоқаларни ривожлантириш мақсадидаги ҳамкорликда туристик компанияларга япон туристларини оилаларда яшаши, шунингдек мактаб ўқувчиларини чет элга сафар қилишга тарғиб этиш, мактабларараро алмашинувни йўлга қўйиш учун ўзини яхши томонларини кўрсатган чет эл турагентлари билан алоқаларни ривожлантириш тавсия этилди. Чет элларда япон туристларини хайрихоҳлик билан кутиб олинишини таъминлаш учун Япония ҳақида оммабоп адабиётлар чиқариб турли мамлакатларда тарқатишни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Шунинг билан бирга саёҳат маданиятини ошириш – япон туристларини у ёки бу мамлакатларга борганда ўзларини тутиш, ўша мамлакатлар қонун-қоидалари, урф-одатлари, муомила маданияти билан таништириш олдиндан тайёрлаш кўзда тутилади.

Саёҳат чоғида тўлиқ хавфсизликни таъминлаш мақсадида махсус семинарлар ўтказиш режалаштирилганди, унда у ёки бу мамлакатга борганда туристларнинг ўзларини тутиши, эҳтимол тутилган хавф-хатарлар, улардан сақланиш, санитария-гигиена, тиббий профилактика усуллари билан таништирилади. Ривож ланаётган мамлакатларга чиқиш чоғида туристлар транспорт ишлаш хусусиятлари билан таништирилиши, мамлакат бўйлаб харакатланишнинг оптимал моделларии тавсия қилишлари лозим.

«Икки тарафлама туризм» дастури келажакда туристларни кириш ва чиқиш тартибларини янада соддалаштириш, халқаро аэропортлар ўтказиш қобилятини ошириш, маҳаллий аэропортларга халқаро рейсларни киритиш, авиа чипталарга хилма-хил чегирмалар тақдим этиш кўзда тутилган.

Туристик бизнес соҳасида шерикчилик муносабатларини ўрнатиш, чет элга жўнаб кетувчи японлар сонини кўпайтириш учун туристик индустрия ва транспорт вазирлиги вакилларининг юқори даражадаги ташрифларини уюштирииш режалаштирилган.

Японияга кўп сонли чет эллик туристларни жалб қилиш давомида Осиё мамлакатларига алоҳида эътибор қаритиш ва хорижлик туристларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш таклиф қилинди. Бунинг учун Осиё бозорига мўлжал билан янги

маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва чет эллик туристлар диди ва эҳтиёжини диверсификациялаш таклиф қилинди; туристик таклифларни туристик ресурслар хилма-хиллигидан олиб чиқиб қуриш ва бўлиш дастурига дунёда тенги йўқ маданий, тарихий, саоат ва бошқа объектлар танишишни киритиш; мамлакатда бўлаётган туристларнинг ўзгараётган фикрларини аниқлаш мақсадида кўп қиррали тадқиқот ўтказиш; Япония провинциал районларига чет эллик туристларнинг саёҳатида ҳамкорлик қилиш; арзон хизматлар таклифларини кенгайтириш; ажнабийлар ва японлар ўртасидаги бевосита ўрнатилган алоқаларни рағбатлантириш.

1990 йиллар бошларида «иқтисодийсовун пуфаги» ёрилгандан кейин, иқтисодий рецессия бошланиши шароитида маҳаллий хусусиятлар ва хусусий ресурслар асосида регионлар тараққиётига эътибор бериш ҳам иқтисодий, ҳам тарихий-маданий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этди.

1992 йил анъанавий маҳаллий байрамлар ўтказиш базасида маҳаллий халқ хунармандчилик ва туризм тараққиётини рағбатлантириш тўғрисида Қонун қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда туризм индустрияси Япония иқтисодиётининг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. 2000 йиллар бошларида унинг иқтисодий улуши 21,3 трлн. иенда баҳоланган эди ёки ИЯМ да (ВВП) 2,1% ни ташкил этди. Бу қишлоқ ўрмон ва сув хўжалиги (1,4%) ёки умумий машинасозлик (1,9) ва тахминан шунча транспорт машинасозлиги (2,3%) ёки озиқ-овқат саноат (2,5%) улуши каби салмоқлидир. Туризм индустриясида 1,87 млн. киши ёки мамлакатдаги барча банд кишиларнинг 2,3% банддир. Таққослаш учун, транспорт ва умумий машинасозликда тегишли тарзда – 1,6 ва 2,1%, санотда – 2,4%. Туризм индустрияси ҳам бевосита, ҳам билвосита (20,7 трлн.иен) самара беради, ишлаб чиқариш тенг кўпайиши 5,4% га, қўшимча қиймат ўсиши 5,2% га ва бандлик ошиши 6% га тенг.

Японларни эътирофича туризм шарофати туфайли иқтисодий самара билан бир қаторда мамлакатда бўлган туристлар Япония маданиятини чуқур тушунган ҳолда билимларини дунёга ёйди ва катта ижтимоий самара келтирадилар.

Туризмнинг ижтимоий юки дам олиш учун шароит яратиш, бўш вақтни мазмунли ўтказишни ҳам ўз ичига олади, бу эса тўлақонли ҳаёт, бахтни ҳис эти шва уйғунликка эришиш учун жуда муҳим. Туризмнинг соғломлаштириш ва эстетик йўналганлиги одамларни тўлақонли ривожланиши ва тарбияланиши учун зарурдир. Уларда шунингдек ўз соғлиғига эътиборли бўлиш, табиат ва маданий қадриятларни эъзозлаш фазилатларини уйғотади. Халқаро туризм эса маданий-оқартув, халқлар ўртасида ўзаро тушунишни ўрнатиш, бағрикенгликка ўргатиш ва турли мамлакатлар урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат уйғотишга имкон беради. Чет эл сафарларида орттирилган тажриба нафақат одамларнинг дунёқарашини кенгайтиради, балки уларнинг турмушини янада хилма-хил – ёркин, ҳиссиётга бой қилади.

Шу муносабат билан туризмни тараққий эттиришда Япония юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Ҳукумат мамлакатни «буюк туристик давлатга» айлантиришни миллий вазифа даражасида олға сурмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда «Японияга ташриф буюринг» компанияси кенг авж олдирилган, у кириш туризмини тараққий эттириш стратегиясининг бир қисми ҳисобланади ва чиқиш ва кириш оқимлари ўртасида ҳосил бўлган улкан узилишни қисқартиришга қаратилган. 2010 йилга бориб мамлакатга халқаро туристик келишлар сонини 10 млн. га етказиш режалаштирилмоқда.

2003 йил туристик сиёсат бўйича кенгаш «аҳолига фаровон турмушни таъминловчи ва туристлар ташриф буюриши учун мафтун қилувчи шароит яратувчи давлат барпо этиш»га чақирган докладни эълон қилди. Қўйилган вазифани амалга ошириш учун вазирлик ҳуқуқи билан туризм тараққиётига ҳамкорлик бўйича Кенгаш таъсис этилди ва «Япония туристик харакат режаси» қабул қилинди. Белгиланган сиёсатни оғишмай ўтказиб келаётган ҳукумат аллақачон туристик инфраструктурани яхшилашга 30 млн. доллар сарфлади. Хусусан, 2004 йил Токио метроси барча линиялари ва станцияларига

индекслар ва рақамлар берилди – чет элликларга энди одатланмаган номни эслаб қолишга ҳожат қолмади. Станция рақамини билса кифоя. Японияга туристларни жалб қилиш мақсадида «Welcome card» системаси тобора кенг фойдаланилмоқда, унинг доирасида чет элликларга траспортда, айрим музейларда чегирма тақдим этилади. Алоҳида йўл чипталари маълум муддат давомида темирйўлда лимитсиз мамлакат бўйлаб ҳаракатланиши ҳуқуқини беради. Янги туристик маҳсулотлар пайдо бўлмоқда, «техник» ёки «ишлаб чиқариш»туризми такомиллошмоқда. У корхоналарга ташриф буюришни кўзда тутади. Японияда ҳамма хоҳловчилар телефон орқали автомобил, пиво ва бошқа заводларга экскурсияга ёзилишлари ммкин. Окинава префектурасида Мияко оролида Геннишнинг рекордлар китобига кирган, оргинал технологиядан фойдаланиб денгиз сувидан ишлаб чиқарадиган ноёб заводга ташриф буюриш мумкин

Японияда «битта регион-битта туристик маҳсулот» ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Миллий территория, инфраструктура ва транспорт вазирлиги уни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. У «туристик алмашиш зонаси» модели лойиҳасини ишлаб чиқади. Бутун Япония бўйлаб ёйилган ушбу районларда чет эллик туристлар учун максимал шароит яратиш кўзда тутилади. Ўз навбатида ҳар бир регион бошқа регионлар билан рақобатлашган ҳолда ўз жозибадорлигини кўрсата билиши ва туристларни кўпроқ жалб қила олиши лозим. Масалан, Киотода шаҳар бўйлаб 20 тур таклиф этилади, уларда электрон гид йўлдош позицион системасига уланган. «Харизма навигэйши» номини олган ушбу прибордан фойдаланиш чоғида бир вақтнинг ўзида кўпсонли туристик объектлар ҳақида маълумот олиш мумкин. Бундан ташқари, у электрон таржимон функциясини бажаради, инглиз тилидаги япон хизмати интернетига уланиш мумкин, шунингдек мобил телефон сифатида хизмат қилади.

Ички Япон денгизи қирғоқларида жойлашган Окинава префектурасида чет эл туристлари учун унча катта бўлмаган олти «бошпана» барпо этилган. Турли жойларда – баланд тоғларда, митти оролчада ва ҳокозо – олти эски анъанавий япон уйлари тикланган, уларда ўзига хос ҳамма хилма-хил шароит мавжуд. Қаердадир эски ҳаммом, қаердадир тушлик дастурхон ёнида ўтирганларни иситиш учун анъанавий котацу-ўчоқ. Ўзига хос бу отелларда 5-6 хонадан кўп бўлмаган номерлар (айрим ҳолларда улар ўртасида йиғма тўсиқ бўлиб, ҳеч қанақа эшик йўқ) ва одатда улар 10-20 кишини қабул қилади.улардан японлар кузатувидаги фақат фақат чет эллик туристларгина тўхтайди. Тунаш жуда арзон – 30 доллардан кам, уйда ҳамма шароит – овқат пишириш учун ўчоқ, қозон-товоқ, туз, шакар, кофе, чой ва ҳокозолар бор. Бунақа турдаги уйларда бўлиш тажрибаси ҳам ноёб, ҳатто замонавий япон уйида бўлишдан ҳам қизиқарлироқ. Шу тарзда префектура чет эллик туристларни жалб этишга интилиб, халқаро алоқалар ривожига ўз ҳиссасиниқўшмоқда.

Унча катта бўлмаган аммо туристлар тез-тез ташриф буюрадиган истиқоматгоҳларда прокатга велосипед тўғридан-тўғри темирйўл станциясида ташкил этилади. Бу билан «велосипедли туризм» концепциясини амалга оширади. Ўша жойда диққатга сазовар жойлар харитаси берилади. Шуни таъкидлаш керакки, инглиз тилида ахборотномалар тобора кўпаймоқда, улар худди япон тилидаги ахборотномалар сингари бепул тарқатилади.

Рекламага катта эътибор қаратилмоқда – ҳамма темирйўл станцияларида турли ўсимликларнинг гуллаши, кўргазма, ҳосил йиғиш, маҳаллий байрамлар ва ҳокозалар ҳақида маълумот берувчи буклетлар бепул тарқатилади. Телефон орқали у ёш бу тадбирларда иштирок этиш учун ёзилиш таклиф қилинади. Тўлов олдиндан банк орқали амалга оширилади, белгиланган вақтда иштирокчилар станцияда тўпланишади, у ердан автобусда ёки пиёда йўлга тушилади. Кўпинча йирик станцияларда у поездан бу поездга ўтиш чоғида тарғибот акцияси ўтказилади: майда сувенирлар ва алоҳида префектуралар, аҳоли пунктлари ва ҳокозолар ҳақида ахборот материаллари тарқатилади, уларга қараб экскурсия сафарларини режалаштириш мумкин.

Узоқ йиллар давомида мактабда японларга инглиз тили ўқитишга қарамай, бу тилда эркин гапирувчилар кам. Япон саёҳатчиларига ёрдам бериш учун Япониянинг

«юқори технологиялар гигант» ларидан бири – NEC компанияси юқори тезликда компьютерлаштирилган таржимон ишлаб чиқади, у микрофон ва динамик билан жиҳозланган. Прибор япон тилида гапирилган ибораларни таниб, инглиз тилида товуш чиқариб айтади. Унинг луғат бойлиги саёҳат чоғида ишлатиладиган бир неча мингта сўзни ўз ичига олади. Амалда у чет эллик туристларга ҳам хизмат кўрсатиш мумкин.

2003 йилда туристик сиёсатни амалга оширишга масъул бош структура-Япон миллий туристик ташкилоти мустақил маъмуриятга айлантирилди.

Унинг фаолияти туристик талабларни янада тўлароқ қондириш, туризмда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шерикчиликни мустаҳкамлаш, илмий асосланган менежментни жорий этишга йўналтирилган. Уни Японияда туристик марказ ва туристик бозор сегментида янги уфқлар очиши кутилмоқда.

Мамлакатда туризмни ривожлантиришда иложсиз нарсанинг ўзи йўқ деган шиор остида барча имкониятлар ишга солинаяпти. Хулоса тарзида яна шуни таъкидлаш лозимки, реклама алоҳида рол ўйнайди – «Японияга ташриф буюринг» компанияси доирасида мамлакатда ҳатто «Нафсониятли Япония» деб ёзилган поезд юриб турибди. Айни пайтда 2003 йил ҳукумат томонидан ўтказилган сўровга асосан ҳар уч япондан бири чет эллик туристларга қарши чиққан. Қарши чиққанлар ажнабий туристлар томонидан содир этилаётган жиноятларни важ қилиб кўрсатишган (2003 йил 16 мингдан кўпроқ). Ўша сўровга асосан 53% сўраганлар виза юмушлари ва бошқа иммиграцион расмиятчиликларни осонлаштиришга қарши фикр билдирган. 38,6 % чет элликларни рухсатсиз ишга жойлаштириш ва мамлакатда жамоат хавфсизлиги ёмонлашганига қарши чиққан.

Япония туристик индустрияси ривожлантириш учун бой ва катта ресурсга эга. Улардан тўла фойдаланиш йўлида объектив ва субъектив характердаги тўсиқлар анчагина. Айни пайтда давлат уларни бартараф этишни истиқболдаги биринчи вазифа сифатида белгилаб олган.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Япониянинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити ҳақида маълумот беринг.
2. Япониянинг табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Японияда туризмни тараққий эттириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?
4. Япония аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари қандай?
5. Япония туризм тараққиётида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрнини аниқланг.
6. Японияда туристларни жойлаштириш воситаларининг асосий ҳусусиятлари, имкониятлари ҳамда афзалликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?
7. Японияда туристларни овқатлантириш тизими, ресторанлари ҳамда миллий таомлари ҳақида маълумот беринг.
8. Япониянинг сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш инфратузилмаси қандай ривожланган?
9. Японияда туризмнинг ривожланиш босқичлари ва динамикаси тўғрисида маълумот беринг.
10. Япония туризмининг асосий турлари ва марказлари ҳақида маълумот беринг.

XI БОБ. АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ТУРИЗМИ

11.1. АҚШнинг географик жойлашиши ва табиий иқлим шароити
11.2. АҚШнинг табиий, тарихий ва маданий ресурслари ва диққатга сазовор жойлари
11.3. АҚШнинг аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари
11.4. АҚШнинг туризм инфратузилма тармоқлари
11.5. АҚШ туризмининг ҳалкаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва роли
11.6. АҚШ туризмининг ривожланиш хусусиятлари
11.7. АҚШ туризмининг асосий турлари ва марказлари
11.8. АҚШда туристик фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши

11.1. АҚШнинг географик жойлашиши ва табиий иқлим шароити

Географик жойлашиши. Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) Шимолий Америкада жойлашган бўлиб, у шарқдан Атлантика океани, жанубий-шарқдан Мексика қўлтиғи, ғарбдан Тинч океани сувлари билан ўралган.АҚШ қуруқликда шимолда Канада ва жанубий – ғарбийда Мексика давлатлари билан чегараланади. Унинг умумий ер майдони 9,4 млн.кв.км. АҚШнинг ҳудуди 3 қисмдан иборат: асосий қисм, Аляска ярим ороли,Гавай ороли ҳамда у қуйидаги территорияларни босиб олган ва ўзига бўйсиндирган: Вест-Индияда Пуэрто-Рико ва Виргин ороллари, Окянияда Самоа, Туам ва бир қанча майда ороллар, Тинч океанидаги Каролина, Марианна ва Мариале ороллари, Панама давлатидаги «Панама канали»зонасини «ижарага» олиб, уни ҳарбий базага айлантирган.

Асосий территория – унда 48 та штатлар жойлашган, бутун мамлакатнинг 4/5 қисм майдонини эгаллайди. У тўртбурчак массив шаклига эга. Мамлакатнинг иқтисодий-географик жойлашиши жуда қулай. Бу кўп жиҳатдан шарққа Атлантика океани, ғарбда Тинч океани билан туташлигига боғлиқ. Денгиз чегаралари 12 минг километрга чўзилган. Бу азалдан океан орти мамлакатлари билан савдо алоқаларида енгиллик туғдириб келади ва айни пайтда мамлакат хавфсизлигини кафолатлайди.

Иқтисодиёт камроқ ривожланган мамлакатлар Канада ва Мексика билан кўшнилиги ҳам иқтисодий географик жойлашишида қўлай имконият яратади. Бунинг эвазига АҚШ уларнинг табиий ресурслари ва ишчи кучларидан фойдаланиб катта даромад олади. Лотин Америкаси бошқа мамлакатларининг ҳам АҚШга якин жойлашгани мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга имкон беради.

АҚШ давлат тузумига кўра – Федератив республика, 50 та штатлардан иборат. Давлат бошлиғи президент, тўрт йилга сайланади. Олий қонунчилик органи-**конгресс**. Ҳар бир штат ўз конститутуцияси ва рамзига эга. Бундан ташқари Колумбия Федератив округи алоҳида ажралиб туради. Унинг территориясида мамлакат пойтахти **Вашингтон** жойлашган.

АҚШ президенти мамлакатнинг юқори мансабдор шахси, давлат бошлиғи ва хукумат бошлиғи ўрнида ишлаб туриш ваколатига ҳам эга. Президент Конгресс қонун лойиҳаларини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Президент қонунчилик дастурларини таклиф қилади, бюджет лойиҳасини ишлаб чиқади, олий бош қўмондан ҳисобланади, халқаро шартномалар тузади ва ҳ.к. Суд хокимияти мамлакатда Конгресс томонидапн таъсис этилган АҚШ Олий суди ва қуйидаги федерал судлар орқали амалга оширилади. Олий суд конститутцион назорат билан шуғулланади.

Табиий шароити. АҚШнинг ер усти рельефи ҳар хил бўлиб, унинг ўрта ва шарқий қисмлари пастекисликлар. Текислик ва Аппалачи тоғлари эгаллаган. Ушбу тоғнинг энг баланд нуқтаси 2036 метрни ташкил қилади. Мамлакатнинг ғарбий қисми баланд тоғлар, ясси тоғликлар ва Кордильера платоси жойлашган. Кордильера тоғининг энг баланд нуқтаси (4418 м) ҳисобланади. Шарқда Нью-Йорк шаҳридан жанубда Флорида ярим

оролини ўз ичига олган Атлантика бўйи ва Мексика ёни пастекисликлари эгаллаган. Аппалачи тоғларининг ғарбий томонида Марказий текисликлар ва Буюк текисликлар бор. Марказий текисликлар жанубида эса унчалик баланд бўлмаган Озарок платоси ва Уошито тоғлари жойлашган. Кордильеранинг шарқий қисмини Қояли тоғлар (4000-4400 м) эгаллаган. Бу тоғлардан ғарбда Колумбия ва Колорадо платолари, ҳамда катта Ҳавза жойлашган. Кордильера тоғ тизмалари ва ясси тоғликлар бутун Аляска штатини қоплаб ётади. Аляска тизмасидаги Мак-Кинли тоғи (6194 м) бутун Шимолий Америкада энг баланд чўққи ҳисобланади. Шимолий Америкада энг паст чўкма бу Ажал водийси (-85 м) дир. У Калифорнияда жойлашган.

Иқлими. АҚШда турли хил иқлим зоналар учрайди: арктик, субартик, мўътадил, субтропик, тропик. Аляска ярим оролида арктик ва субарктик. АҚШ майдонинг асосий қисмида мўътадил, континентал иқлим, Флорида ярим оролида субтропик, тропик иқлим ҳукмронлик қилади. АҚШда энг паст ҳаво ҳарорати Юкон платосида (-64^{o}), энг иссиқ темпратура Ажал водийсида ($+ 56,7^{o}$) кузатилган.Мамлакат ҳудуди бўйлаб ёғин-сочин миқдори бир хилда эмас. АҚШнинг шимолий-ғарб ва жанубий-шарқий ҳудудларида бир йиллик ёғин миқдори 1200-1500 мм, марказий қисмларида 400-700 мм, ғарбда Кордильера платосида 200-500 мм, Аппалачи тоғи ён бағрларида 3000-4000 мм. ни ташкил қилади. Мамлакатнинг ички ясситоғликларида ва платоларида ёғин кам ёғади. Бу жойлардаёғин йилига 100 мм дан ошмайди.

АҚШ дарё ва кўлларга унчалик бой мамлакат эмас. Унинг энг йирик дарёллари – Миссисипи (унинг ирмоқлари Миссури ва Огайо), Колумбия, Юкон, Авлиё Лаврентий ва Колородолар ҳисобланади. Энг катта кўллар Буюк кўллардир. Улар мамлакатнинг шимолий-шарқида жойлашган Буюк кўллар таркибига Юқори кўл, Гурон, Мичиган, Энри, Онтариолар киради.

Ўсимлик дунёси. АҚШда ўрмонлар мамлакат ер майдонларининг 1/3 қимсини ташкил этади. Алясканинг жанубий қимсларида игнабаргли ўрмонлар, мамлакатнинг марказий ҳудудларида аралаш ўрмонлар (арча,қарағай, дуб, ясин, қайин, сикоморо), шимолий-шарқида кедр, лиственница(тилоғоч) ва бошқа дарахтлар ўсади. АҚШнинг жанубида субтропик ўсимликлар: магнолия, каучикли дарахтлар, Мексика кўрфази қирғоқларида мангро ўрмонлари кенг тарқалган. Мамлакатнинг ғарбий қисмларида чўл ўсимликлари яъни юкка, буталар ва ярим буталар тарқалган. Калифорнияда чапараль, ҳар хил пальмалар ва цитрус ўсимликлар ўсади. Съерра – Невада ҳудудида улкан секвоя дарахтлари тарқалган.

Ҳайвонот дунёси. АҚШ жуда бой ва хилма-хил ҳайвонот дунёсига эга мамлакат саналади. Унинг ҳайвонат олами ҳам шимолдан жанубга томон табиий зонасига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Мамлакатнинг шимолий қисмларида валити бўғиси, лось (булон), айиқлар, силовсинлар, Аляска қирғоқларида тюленлар, моржлар, шарқий ҳудудларидаги ўрмонларда буғулар, бўрилар, тулкилар, айиқлар, бўрсуқлар, скунслар, ёнубулар учрайди. Ўрмонларда турли хил қушлар ҳам кенг тарқалган. АҚШнинг жанубий қисмида жойлашган Мексика қўлтиғи қирғоқларида экзотик (ғаройиб) қушлар: пеликанлар, фламинголар, тимсоҳлар, заҳарли илонлар ҳам тарқалган. Буюк текисликларда, дашт ва чўлларда бизон, айри шохли антилопалар, костот (дашт бўриси), прерия тулкиси, чинқироқ илон, заҳар тишли калтакесак ва бошқалар учрайди. Кордилвера тоғларида тоғ эчкиси, йўғон шохли архар ва гризли айиғи ва бошқалар яшайди.

11.2. АҚШнинг табиий, тарихий ва маданий ресурслари ва диққатга сазовор жойлари

Мамлакат туристик потенциали. Нима учун одамлар АҚШ ичида фаол саёҳат қиладилар ва ушбу мамлакатга бажонидил ташриф буюрадилар? Бу саволга Қўшма штатлар мутлақ туристик имкониятларини белгиловчи асосий омиллар таҳлили жавоб бериши мумкин.

АҚШ – табиий жиҳатдан хилма-хил ва катта мамлакат. У бир йўла олти соат белбоғида жойлашган, бу борада фақат Россия олдинда туради. Бундай катта кенгликларда хилма-хил иқлим типлари, табиат зоналари ва ландшафтга жой бемалол етишганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Ҳатто аралаш штатлар ҳароратининг улкан ёйилиши билан ҳаракатланади: Миннессотининг сибир совуқларидан Флориданинг тропик жазирамасигача ва Калифорниянинг Ўлим Водийсида мутлоқ максимум ҳароратгача кузатиш мумкин. Ваҳоланки яна Аляска, Гавайи, Виргин ороллари ва Гуам ороли ҳам бор.

Йеллоустон миллий парки гейзер (қайноқ булоқ)лари ва **Ниагара шаршараси** миллионлаб туристларни жалб этувчи умум тан олган жаҳоний диққатга сазовор бўлган жойлардир. Мамлакат умумий майдони 32 млн. гектарни эгаллаган миллий табиий парклар тармоғи билан қопланган – буштатлар тасарруфида бўлган табиий парклардан ташқари. Шу боис мамлакатда экологик туризм ниҳоятда тараққий этганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Америкаликлар ўз тарихларига жуда ҳурмат билан муносабатда бўлишади ва ўзларининг мемориал кўринишдаги тарихий ва маданий меросларини ҳатто тематик паркларини авайлаб асрайдилар.

АҚШ тарихий жойлар Миллий қайдномаси рўйхатида 50 мингдан ортиқ тарихий қийматга эга бўлганмиллий кўламдаги объектлар бор. Уларнинг ҳаммасига ҳам туристлар ташриф буюрмайди, албатта аммоуларнинг кўпчилиги машҳур туризм объектлари ҳисобланади.

Албатта, тарихий ва маданий мерос, энг аввало, ички туризм объектидир. Ҳаммага маълумки, америкаликларнинг ҳаддан ташқари бўрттирилган ватан парварлиги миллий рамзи бўлган ёдгорликлари (Оқ Уй, Озодлик ҳайкали, Рашмор тепалиги) ҳам туристик марказлари ҳисобланади.

Жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида (айниқса европалик сайёҳ учун) АҚШ тарихий – маданий потенциали уларнинг тарихига нисбаттан қисқалиги боис унчалик катта туйилмас, аммо Шимолий Америка туб аҳолиси мероси, Ёввойи Ғарбни ўзлаштириш ёдгорликлари, шунингдек Нъю Йорк, Бостон, Янги Орлеан тарихий кварталлари ва мамлакатнинг бошқа қатор шаҳарлари ҳар ҳолда хорижий сайёҳлар учун жуда эътиборлидир.

Бундан ташқари, америкаликлар ҳатто тарихдан узоқ кишиларни ҳам тарихий ёдгорликларга ташриф буюришга қандай жалб қилишни яхши билишади: сайёҳга у кутаётган, кўпроқ нимани ҳохлаётган нарсаси – сайёҳ – томошаларни тақдим этиш керак. Агар зерикарли тарихий маъруза ўрнига театрлаштирилган маскарат шов ташкил этилса ташриф буюрувчилар кети узулмайди. Америкаликларнинг машҳур кашфиёти тематик парклар тарихий маданий туризм соҳасида мувофаққият билан қўлланилмоқда. Масалан, Вирджиния штатида биринчи инглиз мустамлакачилари томонидан бунёд этилган Жеймстаун муваффақият билан фойдаланилмоқда, бу ерда нафақат форт, балки ҳинду қишлоқлари ҳам намойиш этилади.Бу жой ташриф буюрувчилар ўзларини XVII аср бошларидаман деб ҳис этишлари учун ёрдам берувчи махсус ёлланган актёрлар билан тўлдирилган.

Бошқа мисол – Невада штатидаги Виргиния – Сити, у ерда “Олтин васвасаси” даври муҳити яратилган. Бу ерда сайёҳ олтин ювишни синаб кўриши ёки кавбойлар дуғлини кўриши, олтин қазиб олинадиган жойга ташриф буюриши мумкин.

Агар тарих хорижлик сайёҳларни АҚШга унчалик жалб этмас экан, улар мамлакатга аллақачон жаҳоний эътироф қозонган ҳозирги замон америка маданияти билан танишиш учун кўпроқ борадилар. Агар Италия ўртастатистик сайёҳи учун Уйғониш даври ва антик Рим дурдоналари ҳайратомуз бўлса, АҚШда «Голливуд» ва «Диснейленд», Нью-Йорк ва Лас-Вегасдир. Сайёҳнинг фотоальбомида Беверли – Хиллсдаги пальмалар, Сан-Францискодаги Олтин Дарвоза кўприги акс этмас экан,АҚШдаги сафарнинг бирортаси ҳам тўлиқ ҳисобланамайди.

Америкаликларнинг ўзларини ҳам, мамлакат меҳмонларини ҳам АҚШ ҳозирги замон ҳаётининг ажралмас қисми бўлган тематик парклар, фестиваллар, музейлар жалб этади. Булар Огайо штатидаги Кливленде рок-н-ролла музейи, Теннеси штати Нэшвилледаги Кантри стилидаги мусиқа фестивали ва Флоридадаги «Юниверсал» киностудиясининг сайр-томоша паркларидир.

АҚШ – жуда кўп ирқлар, элатлар ва конфессиялар «қоришадиган қозон». Бироқ америкаликка айланган кечаги европаликлар ёки Кариб ҳовзаси аҳолиси ўз илдизларини унитишмайди. Кичик Италия (littleItaly) типидаги этник кварталлар ёки Чайна-таун Нью-Йоркка ташриф буюрувчилар ўртасида осмонўпар биноларнинг ўзидан кам машҳур эмас. Кичик Гавана-Майамининг салкам бош диққатга сазовар жойи. Шунингдек этник фестиваллар туристлар ўртасида катта қизиқиш уйғотади: Пенсильваниядаги немис, Миннесоттидаги Скандиновия ва бошқа фестиваллар шулар жумласидандир. Нью-Йоркда ҳамиша Авлиё Патрик Куни, Сан-Францискода – Хитой Янги йили кенг нишонланади. Янги Орлеанда эса табиий офатгача минглаб туристлар илдизи француз фольклорига бориб тақаладиган Марди-2 карнавалига ташриф буюрардилар.

Америкалик ҳиндулар маданияти алоҳида машҳурлик касб этади. Уларнинг резервация-истиқоматгоҳлари (айниқса Жанубий – Ғарбий штатларида) туристлар доимий келадиган объектлар ҳисобланади. Бу ерлар туб америкаликларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари билан танишишни хоҳловчи сайёҳлар билан доимо гавжум.

Америкаликлар «жойни ҳис этиш» тараққиётига эгалар. Нафақат АҚШ фуқароси – ҳар қандай америкалик, маълум штат ва ҳудуд аҳолиси жамиятнинг чуқур қаърига сингиб кетган. Яъни хоҳ ўзининг графлиги, шаҳри ёки райони бўлсин бутун жамиятнинг бўлагиман деб ҳисоблайди. Бу мамлакатда бир-бирига туташган ўзликни англаш ҳудудий тангликдан муҳимроқ. Шунинг учун америкликларнинг ўз яшаш жойини алоҳида ажралиб туришига интилиши уларга маълум шуҳрат келтиради ва шу жумладан сайёҳларни жалб қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Деярли АҚШнингҳар бир шаҳри фахр билан у АҚШнинг фалон-фалон мезонлари бўйича энг биринчи шаҳри эканлигини таъкидлайди. Кўпинча бу маҳаллий саноатнинг ихтисослашуви билан боғлиқ. (Ньй-Йорк штатида Трой – кўйлаклар пойтахти, шу штатдаги Гловерсвилл – қўлқоплар пойтахти, Масса-Чусете штатида Лиин – аёллар пойафзали пойтахти, қўшни Брактон эса – эркаклар пойафзали пойтахти).

Шундай ҳам бўладики «пойтахт» унвонига бир неча давогар чиқади: Монтана штатидан Вест – Йеллоустоун ва Висконсин штатида Игл – Ривер – ҳар иккаласи ҳам ўзларини снегомобилар – қормобиллари пойтахти ҳисоблайдилар. Бундай реклама шаҳарни нафақат АҚШда, балки бутун жаҳонда пойтахт деб аташдан уялмайди.(Бунинг устига кўпчилик америкаликлар учун иккови ҳам битта ҳисобланади). Масалан, Висконсин штатидаги Монро пишлоқ ватани Швейцария эканлигини унутиб, ўзини швейцар пишлоғининг жаҳон пойтахти деб реклама қилади. Агар саноат ихтисослашуви бўлмаса, шаҳар (графлик) баъзан ўз мавжудлигини билдириш учун ғалати ифодалар ўйлаб топади. Мисол учун, Аризона штатидаги Флагстафф ўзини АҚШнинг энг зулмат шаҳри сифатида реклама қилади. Шаҳар билан ёнма-ён обсерватория жойлашган, шунинг учун қоронғулик тушиши билан телескопнинг ишлашига ҳалақит бермаслик учун кўча ёритгичларини белгиланган меъёрдан юқори ёритиш тақиқланган. Ўз шаҳрининг ажралиб туриши ва ҳеч бўлмаса қисқа муддатга туристларни келишига мажбур этиш учун нималарни ўйлаб топмаган.

Жуда кўп шаҳарлар кўпсонли туристларни қабул қилиш ва шаҳар “ташриф қоғози”га айланиш учун ҳар йили фестиваллар ёки спорт тадбирлари ўтказишга ҳаракат қиладилар. Мисол учун, Нью-Мексика штатидаги Альбукеркеда ҳавода сузиш фестивали, Индиана штатидаги Индиана полисида айланма пойга жаҳоний шуҳрат қозонган. Туристларни жалб қилиш учун топқирлик кўрсатишда кичикроқ шаҳарлар ҳам ортда қолишмайди. Калифорния штатидаги Невада-Ситига сайёҳлар ўйинчоқ айиқча

«Teddybear» Халқаро конгрессига келадилар, Пенсильвания штатидаги Панксатонида эса машҳур бўлган ўша номдаги бир фильм шарофати туфайли Суғур куни ўтказилади.

Диққатга сазовор жойлари. Диққатга сазовор жойларига Вашингтон шаҳридаги Капитолия конгресс биноси, Оқ уй – президентнинг резиденцияси, Ж. Вашингтон ҳайкали, АҚШнинг Миллий музейи, Миллий саънат галереяси, Авиация ва космонавтика миллий музейи, Нью-Йорк шаҳридаги Озодлик ҳайкали, Авлиё Патрик бош черкови, Нью-Йоркдаги халқ кутубхонаси, Метрополитен музейи, Линкольн номли саънат музейи, Гуггенхейм музейи, Бродвей ва Таймссквер майдони. Табиий диққатга сазовар жойлари. Колородо дарёси водийсидаги Катта Каньон Миллий парки, Ниагара шаршараси, Буюк кўллар, Калифорния ва Флоридадаги Диснейленд дам олиш боғи.

11.3. АҚШнинг аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари

Аҳолиси, шаҳарлари ва дини. АҚШнинг аҳолиси сони бўйича дунёда Хитой ва Ҳиндистондан сўнг 3 ўринни эгалайди. Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг умумий сони 315 млн. кишидан ортиқ.Аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв.кмга 29,5 кишини ташкил қилади. Мамлакатнинг марказий ва ғарбий қисмларида аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв.кмга 8-10 киши тўғри келади. АҚШ кўп миллатли давлат. Мамлакат аҳолисининг кўпчилигини америкаликлар 83% ташкил этади. Америкаликлар Европа мамлакатларидан ирландлар, италянлар, руслар, поляклар, украинлар кўчиб келиши (XVII аср иккинчи ярмида) натижасида аралашиб кетган миллат вакилларидир.АҚШнинг асл туб маҳаллий халқлари индеецлар мамлакатнинг шимолида эскимослар ва алеутлар яшайди.XVIII асрда бир неча миллион негрлар Африкадан қул қилиб келтирилган.Ҳозирги кунда АҚШда негрларнинг умумий сони 25 млн. кишидан ошади.

АҚШда шаҳар аҳолиси кўпчиликни (70%) ташкил этади. Йирик шаҳарлари: Нью-Йорк, Чикаго, Дейтройт, Лос-Анжелес, Филадельфия, Сан-Франциско, Бостон, Маями, Даллас, Сан-Диего, Хьюстон, Кливленд, Феникх,Атланта, Баффало, Сент-Луис, Питтсбург, Канзас-Сити ва бошқалар. Ер юзи аҳолисининг 1,7 % ни ташкил этади. Аҳолининг 86 % ни оклар, 11 % - қора танлилар, 0,6 % ҳиндилар, эскимослар ва алеутлар, 2,4 % ни бошқа этник гуруҳлар ташкил қилади. Расмий тил-инглиз тили, уни 80 % дан зиёд америкаликлар она тили деб билишади. АҚШ да хотин-қизлар 51,4 %ни, эркаклар 48,6%ни ташкил қилади.

Аҳолининг синфий таркиби тараққий этган мамлакатлар учун хос. Унча катта бўлмаган буржуазия (тахминан 250 миллиардерлар ва миллионерлар оиласи, бир қанча йирик ва ўрта буржуазия қатламлари) миллионлаб ишчилар, хизматчилар ва майда фермерлар меҳнатидан фойдаланадилар Америкаликларнинг ўндан тўққиз (9/10) қисми ёлланиб ишлайди, уларнинг 1/3 қисми ишчилар. қишлок хўжалигида банд кишилар сони саноатдагиларга қараганда 7 марта кам.

Америкаликлар ўз давлати тарихини **1776 йил 4 июл** – шимолий Американинг 13 штати Буюк Британиядан мустақиллик Декларацияси қабул қилган кундан бошлаб ҳисоблашади. 1787 йилда Филадельфияда чақирилган Конвент томонидан қабул қилинган Конститутцияда АҚШ федератив давлат сифатида қонуний мустаҳкамлаб қўйилади. АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон бўлган. 1803 йилда АҚШ Франциядан Луизианини сотиб олди, 1819 йилда Испанияни Флоридадан воз кечишга мажбур қилди. 1840-1850 йилларда Мексикадан бир қисм терреторияни ажратиб олди.

1941 йилда 7 декабрда Японияни Тинч океанидаги Американинг Перл-Харбор ҳарбий-денгиз базасига ҳужум қилиши АҚШни Гитлерга қарши коалиция таркибида иккинчи жаҳон урушига қўшилишига баҳона бўлди.

АҚШ 1945 йил БМТ устави тасдиқланган Сан-Франциско конференциясида иштирок этди. АҚШнинг фаол иштирокида 1949 йилда НАТО блоки тузилди: 1950-1953 йилларда Корея билан уруш олиб борди; 60 йиллар 70 йиллар бошида Ҳиндихитойда

уруш чиқарди. 1950 йилдан АҚШ таркибига 49-штат сифатида Аляска, 50-сифатида Гавай ороллари кирди.

Дини. АҚШ аҳолисинингасосий қисми (86,5%) христиан (католик, матеране, баптист, методист, православий), 1,8% иудизм , 0,5% ислом динига эътиқод қилишади. Бу ерда бошқа динлардан буддизм ва индуизм ҳам бор.

Иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари. XIX асрнинг охирларидаёқ АҚШ саноати шлаб чиқариш ҳажми бўйича Буюк Британияни қувиб ўтиб, жаҳонда биринчи ўринга чиққан эди. Ҳозир ҳам меҳнат унумдорлиги ва кўпчилик фанталаб ишлаб чиқаришда биринчиликни эгаллаб келмоқда. У шунингдек айрим анъанавий саноат ва қишлоқ хўжалиги, ноишлаб чиқариш соҳаларида ўз устунлигини сақлаб турибди. Жами ишлаб чиқарилаётган авиаракета-космик аппаратларнинг 3/4 қисмидан кўпроғи, электрон-ҳисоблаш (айниқса саноат ва ҳарбий) техникаларининг 2/3, кўмир казиб олиш ва АЭС қувватининг 1/3, ғарб дунёсида йиғиштириб олинаётган ғалланинг 1/3 қисмига яқини АҚШ га тўғри келади.

Давлат хўжаликнинг барча соҳаларига аралашади ва ишлаб чиқариш тузилиши ва жойлаштирилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Солиқ имтиёзлари ва кредит ёрдамида саноат янги соҳаларини ўсишини ривожлантиради ва янги саноат районлар барпо этишга кўмаклашади. Шунингдек давлат илмий тадқиқотларни, айниқса қурол-яроқ ишлаб чиқаришни молиялаштиришга катта эътибор қаратади.

11.4. АҚШнинг туризм инфратузилма тармоқлари

Транспорт воситалари. Темирйўл транспорти АҚШ иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, мамлакатда туризм соҳасини ривожлантиришда унинг роли анчагина. Туристлар учун мамлакатда саёҳат қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Поезда юриш самарали бўлиб, у туристларни белгиланган манзилга тезда, қулай ва арзон нархда ҳамда хавф-хатарсиз олиб бориб қўяди. Темирйўл транспортининг яна бир афзаллиги шундан иборатки, у аҳолининг кўпчилик қисми учун жуда фойдалидир. Темирйўллари бўйлаб меҳмонхоналар, сайёҳларнинг ётиб туриши учун махсус жойлар, овқатланиш корхоналари, дам олиш хордиқ чиқариш манзиллари ташкил этилади.

АҚШда темирйўллар биринчи бор 1830 йил охирларида қурилди. Унинг узунлиги 23 милл эди. 1860 йилда темирйўлларнинг узунлиги 30,6 минг миллга етказилди. 1869 йилдан бошлаб мамлакатда темирйўлларни қуриш мамлакатнинг бутун ҳудудларида амалга оша бошлади. 1920 йилларда мамлакатдаги темирйўлларнинг умумий узунлиги 370,0 минг км.ни ташкил этган. Ҳозирги шу кеча кундузда АҚШ темирйўл линияларининг узунлиги жиҳатидан дунёда энг олдинги ўринни эгаллайди (250.000 км). АҚШда мамлакатнинг Ғарбидан то Шарқий қисмига поездда саёҳат қилмоқчи бўлса уни бир неча кунда амалга оширади. Ҳозирги АҚШ темирйўлларида ҳаракатда бўлган поездлар энг замонавий вагонлар, ухлаш жойлари, ресторанлар, иситиш ва совутиш тизимларига эгадирлар.

АҚШда асосий темирйўлларда ташиш компанияси Amtrak, National Rail Pass bo West Rail Pass томонидан хизмат кўрсатилади.

Автомобил транспорти. АҚШда автомобил транспорти жадал суръатлаврда ривожланиб бораётган транспорт турларидан ҳисобланади. Мамлакатда автомобилларни ишлаб чиқариш 1891 йилдан бошлаб йўлга қўйилган. Автомобилни ихтиро қилган киши инженер Гекри Форд ҳисобланади. АҚШда автомобиллар 1914 йилдан бошлаб конвейр усулида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда АҚШда автомобилларнинг умумий сони 150 млн.тадан ортиқдир. Мамлакатда автомобил йўллари атрофида мотеллар, кафелар, ёқилғи қўйиш шахобчалари қурилиб ишга туширилди. Ҳозирги кунда АҚШда қурилган автомобил йўлларининг умумий узунлиги 6 млн. км.ни ташкил қилади. Шундан тезюрар магистралларнинг узунлиги 75,0 минг км ортади.

АҚШ автомобил транспортида автобуслар хизмати кўрсатиш алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатдаги энг йирик автобуслар маршрути Нью-Йорк, Вашингтон, Бостон, Даллес, Хьюстон, Филадельфия, Чикого, Детройт, Лос-Анжелос шаҳарлари ўртасида йўлга қўйилган. Автобусда йўловчиларни ташиш АҚШнинг "Greyhound" компанияси томонидан амалга оширилади. Ушбу компания бутун АҚШдаги туристик объектлар, шаҳарлар ва Канада бўйлаб саёҳатларни амалга оширади. "Greyhound" компанияси 1914 йилда ташкил этилган. Унинг асосчиси швед иммигранти Карл Эрик Викман ҳисобланади.

Авиация транспорти. Авиация транспорти АҚШ иқтисодиётида алоҳида ўринни эгаллайди. У мамлакатнинг ички қисмида ва халқаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда АҚШдаги аэропортларнинг умумий сони 14,9 мингтадан ортади. Шундан асфальт-бетон қопламаларига эга бўлган аэропортлар 5,1 мингдан кўпдир. Мамлакатда биринчи бор авиалиния Сан-Диего билан Лос-Анжелос ўртасида 1915 йилда очилган. Кейинроқ 1930 йилда Калифорниядаги "Дуглас" авиакомпанияси 14 ўринли ДС-2 русумли самолётни ишлаб чиқара бошлади. Ушбу самолёт тезлиги соатига 213 миллни ташкил қилган. 1936 йилдан бошлаб, ушбу самолётлар мамлакат ҳудудлари бўйлаб парвоз қилиб келмоқда.

1954 йилда "Боинг-707" самолёти ишлаб чиқарила бошлади. 1958 йилдан Пан-Америка авиакомпанияси ушбу самолётда Нью-Йорк-Париж ўртасида трансатлантика рейсини очди. 1964 йилдан бошлаб "Боинг-727" русумли самолётлар мамлакатнинг ички рейсларида уча бошладилар. 1970 йилдан "Боинг-747" ва бошқа модификациядаги самолётлар (400-500 кишилик, тезлиги 600 миль соатига, то 7000 миль масофага учадиган) пассажирларни ташишда қўлланиб келинмоқда. Ҳаво транспорти миллион-миллион туристларни континентга ташишда жуда қулай восита сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда АҚШдаги энг йирик аэропортлар қаторига қуйидагилар киради:

1) Харцфилд-Джексон (1925 й.) пассажирлар оқими 94 млн. киши 1 йилда;
2) Лос-Анжелос (1929 й.) йиллик пассажирлар оқими – 70 млн. киши;
3) Охара аэропорти. У 1942-1943 йилларда қурилган. Йиллик пассажирлар оқими 70 млн. киши (2014 й.);
4) Даллас аэропорти (1973 й.). Аэропорт 190 та йўналиш бўйича ишламоқда. У дунёдаги энг йирик юк оборотига эга. Бир йиллик пассажирлар оқими – 60 млн. кишидан иборат;
5) Денвер аэропорти (1995 й.). Йиллик пассажирлар оқими – 50 млн. киши. Юқоридаги энг йирик аэропортлардан ташқари улар қаторига кирадиганлари Д.Кеннеди, Сан-Франциско, Шарлотт (Дуглас), Маккарен, Майами, Чикого, Атланта ва бошқалар.

Сув транспорти. АҚШда сув транспорти ҳам муҳим рол ўйнайди. Ушбу соҳа ички ва ташқи алоқаларни ривожлантиришда аҳамиятга эга. Сув транспортининг ривожланиши иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келади. АҚШ ички сув транспорти тармоқларининг узунлиги 50 минг км.дан ошади. Мамлакатдаги ички сув йўлларининг аксарият қисми Миссисипи дарёси бассейнига тўғри келади. Ушбу сув транспортида юклар, жумладан минерал ўғитлар, дон маҳсулотлари, минерал хомашёлар, қурилиш материаллари ташилади. Миссисипи дарёсида йилига 450 млн. тоннадан ортиқ юклар ташилади. Миссисипидан сўнг Буюк кўллар иккинчи ўринни эгаллайди.

Мамлакатнинг ички сув йўлларида бошқа дарёларнинг роли ҳам катта. Уларга Колумбия, Сакраменто, Унеламетт, Гудзон, Коннектикут, Потомаку, Саванне ва бошқ. Ҳозирги кунда мамлакатда жуда кўпгина транспорт узеллари (тугунлари) денгиз савдо портларини ташкил қилганлар. Мамлакатнинг йирик денгиз портларига қуйидагилар киради: Нью-Йорк, Анкоридж, Бостон, Детройт, Новый Орлеан, Кенай, Балтимор, Майами, Норфолк, Портленд, Хьюстон ва бошқ.

Шуни қайд қилиш зарурки, АҚШ сув транспортида фақатгина юклар ташилмасдан, балки уларда пассажирлар ҳам ташилади. Агар туризм тарихига назар ташласак, 1838 йилда биринчи бўлиб Нью-Йорк ва Лондон шаҳарлари ўртасида доимий пароход қатнови

йўлга қўйилган эди. Яъни, ғилдирак-винтли“Грейт Вестерн” пароходи Америкадан Европага 68 пассажирни олиб келган. 1866 йили инглиз тадбиркори Томас Кук англиялик сайёҳларни пароходда Америкага олиб борган.

АҚШ меҳмонхоналари. Маълумки меҳмонхоналар ўз навбатида меҳмондўстлик индустриясининг асосини ташкил қилади. Меҳмонхона бу сайёҳлар учун яшаш ва овқатланиш корхонаси сифатида белгиланади. Унинг асосий вазифаси туристларга хизмат кўрсатишдан иборат. Меҳмонхоналар хилма-хил бўлганлиги сабабли уларни тоифалаш анчагина қийинроқдир.

Меҳмонхоналарнинг қулайлик даражаси энг муҳим ва ҳал қилувчи омиллардан бўлиб ҳисобланади. Ҳарбир давлатда меҳмонхоналарни тоифалаш турли хил йўллар билан амалга оширилади.

Ҳозирги кунда АҚШ меҳмонхоналар ва мотеллар уюшмаси маълумотларига кўра, мамлакатда 44,7 мингта меҳмонхоналар ва мотеллар бўлиб. Улардан яшаш хоналар (номерлар) сони 3,1 млн. тадан ортиқ баҳоланади. Меҳмонхоналар ва мотеллардан олинадиган даромадлар (тушумлар) эса 62,3 млрд. долларни ташкил қилади. АҚШда бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ ҳеч қандай расмий, давлат томонидан тасдиқланган меҳмонхона таснифи мавжуд эмас.

Мамлакатдаги мавжуд меҳмонхоналар ва мотеллар шинамлик даражаси бўйича 5 та тоифага бўлинади. АҚШда энг юқори статус иккита муассасига берилади: Америка автомобиллар уюшмасида (ААУ) яъни, «Беш олмос», «Mobile Tranel Cuide» - «Беш юлдуз» ташкилотларига 21 мингта 5 юлдузли меҳмонхоналардан фақатгина 35 таси (2%) энг юқори туркумда тақдирланган.

АҚШда меҳмонхоналар ва мотеллар таклиф этиладиган хизматлари жойлашуви, нархи ва турига кўра қўйидагича таскидланади6 иқтисодий (35-55 долларлик), биринчи классли меҳмонхоналар (95-195 долларлик), апартаментлар яъни икки хонали (65-125 долларлик) ва ҳашаматли меҳмонхоналар (125-425 долларлик).

Меҳмонхоналар жойлашишига қараб (йўл устида) яъни аэропорт яқинида, аэровокзал, қимор марказларидан бирида, казино (шаҳар марказида), СПА (курорт соҳасида), автомобил йўллари ёқасида бўлинади. Бошқа таснифлаш мезонлари, масалан, фойдаланиш шартлари ҳам мавжуд. Конференциялар ва бошқалар.

1.Марказий меҳмонхоналар. Марказий меҳмонхоналар одатда шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, улар ишбилармонлик ва зиёратчилик учун қулай, ўйин-кулги учун ҳам қулай бўлади. Бундай меҳмонхоналар ўртача иқтисодий аппартаментли ва ҳашаматли бўлиши мумкин. Бундай меҳмонхоналар қисқа муддатли ёки узоқ муддаатли яшаш учун мўлжалланган бўлади.

Улар турар жой ва хизматларнинг турли хилларини таклиф этишади. Ҳашаматли меҳмонхоналар турли хил хизматларни гўзаллик салонлари, спорт,бассейн (сув ҳовузи), теннис корти, чипта сотиш хизмати, траспорт хизмати, кўрсатиш агентлиги, официант хизмати, тиббий хизмат кўрсатиш, компьютер, факс ва ҳокозоларни тақдим этади.

2. Курорт меҳмонхоналари. АҚШда курорт меҳмонлари темирйўл транспортини ривожлантириш билан қўзиқорин сингари пайдо бўла бошлади. Шаҳарларда яшайдиган аҳолилар тобора кўпроқ экзотик ҳудудларда дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун табиат қўйнига интила бошладилар. Шу сабабли 1990 йилларда мамлакатда дам олиш ва даволаниш мақсадида меҳмонхоналар қурила бошлади.

Ўша даврда энг машҳур меҳмонхоналар мамлакатнинг ғарбий Виржиния, Калифорния штатларида кўплаб қурила бошладилар. Маълумки, АҚШ курорт меҳмонхоналарини ташкил этиш учун барча имкониятларга эга мамлакат саналади. АҚШнинг Мексика, Кариб денгизига туташ ҳудудларида курорт меҳмонхоналари кўплаб қурила бошладилар.

3. Аэропорт меҳмонхоналари. АҚШда аэропорт меҳмонхоналари мамлакатнинг барча йирик аэропортларида учрайди. Аэропорт меҳмонхоналари одатда 300-600 та номерлардан иборат бўлади.

Аэропорт меҳмонхоналарининг асосий мижозлари келиб-кетувчи йўловчилар ҳисобланади. Улар меҳмонхоналарда узоқ муддатга туришмайдилар, узоғи билан 2-3 сутка давомида яшайдилар.

4. Автомобил йўлларидаги меҳмонхоналар. Автомобил йўллари бўйлаб қурилган меҳмонхоналар АҚШда ўтган асрнинг 50 – 60 йилларида қурила бошлади. Ушбу типдаги меҳмонхоналар яъни мотеллар автомобил ҳайдовчилари учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг сиғими 10 тадан то 100 та мижозларга мўлжаллангандир. Мотелда дам олиш хонаси, автомобилни майдонга қўйиш, ресторан, чўмилиш ҳовузи, салқин ичимликларни сотиш дўкони, турли хил ўйинларни ўйнаш зали, телевизор, телефон-автомат хизматлари кўрсатилади.

5. Казино меҳмонхоналари. АҚШда казино меҳмонхоналари 1991 йилдан бошлаб қурила бошлади. Казино (қимор ўйнаш) марказлари мамлакатга жуда катта фойда келтира бошлади.1993 йилда казино бизнеси 13 млн. дан ортиқ доллар даромад келтирди. Ушбу легал (очиқ) ҳолатдаги ўйин бизнеси мамлакат бўйлаб кенг тарқала бошлади. Ушбу бизнес ўйини мамлакатнинг Невада штати (Лас-Вегас ва Рено шаҳарларида), Нью-Джерси штати (Атлантик-Сити шаҳри, Чикаго ва Новый Орлеан шаҳарларида ташкил этилган. 1991 йилда биргина Атлантик – Сити казиноси 3,4 млрд. доллар соф фойда келтирди. Шундан давлатга 570 млн. доллар солиқ туширди. Бу эса 49 минг иш ўрнини яратди. 1992 йилда Лос-Вегаснинг казино меҳмонхоналарида 21,8 млн. кишилар келиб кетишган. Меҳмонхона ўринларининг тўлиши қарийиб 84% ни ташкил қилган.

Мамлакатдаги энг муҳим казино меҳмонхоналари Promus Group ва Hilton Hotelsдир. Ушбу компаниялар дунёнинг жуда кўп мамлакатларида казино меҳмонхоналарига эга. Уларга Австралия, Туркия, Индонезия, Миср, Гонконг, Греция, Бельгия, Буюк Британия, Малайзия, Уругвай мамлакатлари мисол бўлади.

Меҳмонхоналар хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича ҳам қуйидагича тоифаларга бўлинади: тўлиқ сервис хизмати кўрсатиш, тежамли (экономли), узоқ муддатга яшайдиган меҳмонхоналар ва апартаментлардир.

Тўлиқ сервис хизмати кўрсатадиган меҳмонхоналар мижозларга тўлиқ ассортиментли хизматларни қулай ва ўринли хизмат турлари дастасини таклиф этишади. Бундай меҳмонхоналарда жуда кўп савдо шахобчалари, расмий ва норасмий учрашувларни ўтказиш (ресторанлар, кафелар, барлар, дам олиш хоналари, банкет заллари, конференц-заллар) жойлари бўлади. Ишбилармон кишилар учун бизнес-центр (марказ), факс, компьютер модемлари ва бошқалар билан жиҳозланган бўлади.

АҚШнинг кўпгина йирик шаҳарларида энг номи чиққан меҳмонхона тармоқларига – Daubletree, Four Seasons, Hilton, Holiday Gnn, Hyatt, Marriot, Omni, Ramada, Radisson, Ritz Carlton, Loew’s, Le Meridian, Sheraton, Westin ва бошқалар киради. Тўлиқ сервис хизмати кўрсатувчи меҳмонхоналар ўз ўрнида иккита тоифага, яъни ярим сервисли хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар ва биринчи классли меҳмонхоналарга бўлинади.

11.5. АҚШ туризмининг ҳалкаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва роли

Маълумки АҚШ халқаро сайёҳлик бозорида тан олинган етакчи мамлакат саналади. У халқаро туризмда туристларнинг келиш сони бўйича 2015 йилги маълумотларга кўра иккинчи ўринни (77,5 млн киши), халқаро туризмдан тушадиган даромадлар бўйича эса (204,5 млрд доллар) биринчи ўринни эгаллайди (1-жадвал).

1-жадвал

АҚШ туризмининг ривожланиш динамикаси

Йиллар	Хорижий туристлар сони (млн.киши)	Хорижий туристлардан олинган даромадлар (млрд. доллар)
1990	39,4	43,0
1991	42,7	48,4

1992	47,3	54,7
1993	45,8	57,9
1994	44,8	58,4
1995	43,3	63,4
1996	46,5	69,8
1997	47,8	73,3
1998	46,4	71,3
1999	48,5	74,8
2000	50,9	82,4
2001	44,9	71,9
2002	41,2	64,5
2003	40,4	65,1
2004	46,1	74,5
2005	49,2	81,7
2006	51,6	85,7
2007	56,0	96,7
2008	57,9	110,0
2009	54,9	93,9
2010	50,0	103,5
2011	62,7	115,6
2012	66,7	126,2
2013	69,9	177,5
2014	75,0	191,3
2015	77,5	204,5

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, туризм индустрияси мамлакат иқтисодиётига жуда ката миқдорда фойда келтирмоқда. Бу эса 10 млн.га яқин кишиларни иш билан таъминловчи, меҳнат қилишнинг йирик соҳаси ҳисобланади. Чакана савдо соҳасидаги бизнеснинг катталиги бўйича ҳам иккинчи, мамлакатга четдан валюта тушумлари кириб келиши бўйича учинчи манба ҳисобланади. Америка Туристик Индустрия Ассоциацияси (АТИ) маълумотларига кўра, 2003 йилда хорижий ва ички туристларга хизмат кўрсатишдан Америка Туристик Индустрияси олган даромад 500 млрд доллардан ошди. Бу эса мамлакатда 7,2 млн. атрофида янги иш ўринларини яратди. АҚШ федерал органлари, штатлари ва муниципалитетлари туризмдан тушган даромадлардан 94,7 млрд. доллар солиқ йиғинларини йиғиб олишга муяссар бўлдилар.

АҚШ жаҳон иқтисодиётида алоҳида ўринни эгаллаган, ўта ривожланган мамлакат саналади. У ўзининг кўлами бўйича, унинг миллий хўжалик тармоқлари эса дунёнинг бошқа мамлакатларидан, ҳатто энг йирик давлатлардан ҳам устун туришади. Ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражаси Америка иқтисодиёти структураси, унинг илмий – техник потенциали, миллий рақобатбардошлик даражаси барча жаҳон хўжалик алоқалари тизимига кучли таъсир ўтказади.

Бундан ташқари америка иқтисодий ўсиш модели дастлаб жуда кўп ривожланган мамлакатлар учун намуна вазифасини ўтади, сўнгра янги индустриал мамлакатлар учун сезиларли модификация бўлиб ҳам хизмат қилади. Ҳозирда АҚШ иқтисодиёти тараққиёти бутун жаҳон хўжалигида кўп жиҳатдан силжишлар йўналишини белгилайди. Жаҳон иқтисодиётида АҚШ етакчи роли деганда ишбилармонлик туризми тараққиёти тушинилади. Бу ерда энг олий даражадаги жуда кўп халқаро ишбилармон доиралар учрашувлари ўтказилади, Нью-Йоркда эса БМТ штаб квартираси жойлашган.

АҚШ юқори даражада ривожланган, трансмиллийлашган туризм индустрияси модернизациялашган мамлакат. Америка меҳмонхоналар ва ресторанлар занжири, туроператорлар ва турагентлар, ички авиаалоқалар системаси, автомобилларни ижарага

бериш бўйича машҳур компаниялар ва бошқа жуда кўп қулайликлар ҳам ички, ҳам хорижий ташриф буюрувчиларни дам олиш, шунингдек касбий мақсадларда қабул қилишга мўлжалланган. Уларнинг хизматларидан турли-туман ёшдаги туристлар тоифалари фойдаланишади. Ногиронларга катта эътибор берилади, айрим меҳмонхоналарда улар учун махсус жиҳозланган хоналар мавжуд. АҚШда жинсий масалаларда ноанъанавий аҳлоққа эга туристлар ҳам ўзини жуда қулай ҳис қилишади. Сан – Франциско жаҳонда гей-марказ сифатида танилган, бир қатор шаҳарлар (Нью-Йорк, Сан-Франциско ва бошқа) да сексуал озчиликнинг фестеваллари ўтказилади. Юқори ривожланган инфраструктура, соҳага америкача прогматизм билан қараш, тадбиркорлик фаолияти қулочи дунёнинг барча бурчакларидан миллионлаб туристларни жалб этиш учун кенг кўламли тадбирлар ўтказиш имкониятини беради. Фақат кейинги 25 йилда АҚШ тўрт марта (1984 ва 1996 йй ёзги, 1980 ва 2004 йй қишки) Олимпияда ўйинларини қабул қилди, 1994 йилда эса мамлакатда футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди.

Энг муҳими АҚШ жуда бой бадавлат, иқтисодий жиҳатдан ривожланган, туризм соҳасигага катта сарф-харажатларниажратишга қодир мамлакат саналади.

11.6. АҚШ туризмининг ривожланиш хусусиятлари

Мамлакатларнинг туристик тарзини географик моделлаштириш-туристик жаҳонгашталикнинг нисбатан қизиқарли ва истиқболли йўналишларидан биридир.Икир-чикиригача ишлаб чиқарилган ва яхши ташкил этилган таркибий тарз охир-оқибат туристик ҳудуд ҳақида батафсил тассавур беради. Бундай «ташриф қоғози»конкрет ҳудудда ресурслар, шароитлар ва туризм тараққиёти даражаси ҳақида хилма-хил илмларни системалаш натижаси ҳисобланади ва ўзида ўша ҳудуднинг кўпчилик мафтункор ёркин хусусиятлари қирраларини намоён қилади. Жаҳон туристик кенгликлар марказларининг бир қатор мамлакатлари туристик тарзини кў риб чиқамиз.

АҚШ – жаҳон туризм бозорида тан олинган етакчи. У халқаро туризмдан тушадиган даромад бўйичабиринчи ўринни эгаллайди. Туристик ҳаражатлар бўйича эса икинчи, халқаро туристик келишувлар бўйича учинчи ўринда туради. Бироқ халқаро туризм туристик бозорининг унча катта бўлмаган қисми холос. Унда улушнинг катта қисми ички туризмга тўғри келадики, бу ҳам АҚШда яхши ривожланган.

Туристик оқимлар географияси. АҚШ – тарихан саёҳатчиларни ўзига жалб этган мамлакат. Бу майдони бўйича дунёда мамлакатлар ичида учинчи. Аммо «оқ» доғлар – аҳоли яшамайдиган ерлар унда Россия ва Канадага қараганда анча кам. Кенгликларни буйсундириш, океандан океангача «қитъавий империя» барпо этиш – америка тарихининг лейтмотивидир (АҚШ ўрта мактабларида кўпинча тарих ва география дарсларини бирлаштирилиши тасодифий эмас). Америкаликларнинг «автомобили миллат» лиги эса уларни кенгларга ташланадиган қадами бошқа мамлакатлардагидан, масалан, россияликларникидан анча кенг. Агар америкалик «уйимдан 15 минут наридаман» деса, бу унинг уйидан машинада 15 минут наридалигини билдиради. Америкаликларнинг кенгликлар бўйича ҳаракатланиши авиа учишлар ташкил қилиши билан янада кенгайди. Унинг қалин тармоғи бутун мамлакатнинг барча маршрутларини қамраб олган. Шу боис, Америкада тарихан ички туризм ҳайратомуз даражада тараққий этганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Бироқ XXI асрга қадам қўйилиши америка туризм индурстрия учун чинакам синов бўлди. 2001 йилдаги 11 сентябрь воқеалари туристик фаолликнинг барча кўрсаткичларини пасайишига олиб келди. Нью-Йоркдаги фожеадан кейин мамлакат туристик бозориқўрқув чинакамига эгаллаб олди. Америкаликлар ҳатто нархи туширилган авиачипталар билан ҳам самолётларда учишга қўрқиб қолишди, йўловчилар транспортнинг атиги яримигагинасини тўлдирди. Бозор дарҳол бунга жавоб берди – мамлакатнинг исталган нуқтасига мижозларни машинада элтиб қўйишини таклиф қиладиган компаниялар пайдо бўлди. Улар энг аввало компания ишлари бўйича сафарга

отланган бизнесменларга мўлжалланди. Аммо бу аҳволни ўнглай олмади: 2001 йил охирига мўлжалланган барча конференциялар ва ишга доир учрашувлар чорак қисмигача бекор қилинди. Фақат конференциялар ўтказиладиган машҳур жой – Лас-Вегаснинг ўзида терактдан сўнг бир ҳафта ичида худди шундай 249 та тадбир бекор қилинди.Мунципалитет баҳосига кўра, бу 78 минг ташриф буюрувчиларнинг шаҳарда сарфлаши мумкин бўлган 80 млн. доллардан маҳрум этди(ўйин муассасаларида сарфланадиган харажат бунга кирмайди). 1998 йилдан 2002 йилгача бўлган даврда ишга доир сафарлар, шу жумладан, конференцияларда иштирок этишлар сони 14% га камайди.

Нью-Йорк отеллари тўлдириш даражаси 75 дан 45% гача, Вашингтондагилар – 80 дан 20% гача камайди. Флорида ва Гавайидаги отеллар тўлдирилиши фоизлари ҳам икки бараварга камайди. Альбукеркедаги ҳавода сузиш фестивали ўтиши таҳдид остида қолди, Гавайида Гонолулуда моторолли ўтказилди. АҚШдаги бошқа штатлардан кўра, айниқса Гавайи кўпроқ жабрланди, чунки материк билан у ҳаво орқали боғланган. 2001 йил сентябридан олдинги ойлар билан таққослаганда, ўшанда оролга, ички оқим 30%га, ташқи оқим 78% га камайди.

2001 йил сентябрда мамлакатга бутун туристлар оқими кўрсатгичи 2000 йил сентябрига таққослаганда 30%га пасайди, мамлакат статистикасига назар ташласак АҚШ – Германия, Италия, Япония, Бразилиядан келишларнинг ярмидан маҳрум бўлганлигини кўрамиз.

Америкаликларнинг ўзларининг чиқиш туризими янада кучли қисқарди. Терактдан сўнг биринчи ойда унинг ҳажми олдинги даражанинг атиги 40% ни ташкил этди холос. Бу оқим бошқаларга қараганда секинлик билан тикланди. Саёҳатлар ва туризм биринчи Бутунжаҳон кенгашининг маълумотларига қараганда америкаликларнинг Ғарбий Европа мамлакатларига ташрифи сони 23% га камайди. Айниқса америкалик туристларнинг ташрифи умумий сони анъанавий равишда бошқа келувчиларнинг катта қисмини ташкил этувчи Кариб ороллари бошқалардан кўра кўпроқ пасайишини ҳис этди. 2001 йилнинг сўнгги ойларида Барбадос шаҳрида туристлар сони олдинги йилларга қараганда учдан бирини ҳам ташкил этмади. Баган ороллари эса 2002 йилда 2001 йилга таққослаганда, туризмдан тушадиган даромадларнинг тўртдан бир қисмидан маҳрум бўлди.

Биринчи ойлар саросимаси тингач, экспертлар америкаликлар учун ҳам жаҳон туризми учун ҳам 11 сентябрь воқеалари қанча зарар келтирганлигини ҳисоблаб чиқишга муваффақ бўлдилар. Фақат 2004 йилдагина уч йиллик пасайишдан кейин жаҳонда туристик фаоллик узил-кесил тикланди, шу жумладан, Америка ҳудудида ҳам. Асосий ўзгариш Шимолий Америкада рўй берди. Бу ерда халқаро келишлар 2003 йилга нисбатан 11% ўсди, даромадлар эса янада сезиларли ўсди.UNWTO маълумотларига қараганда энг яхши кўрсатгичларга АҚШ эришди.(Халқаро туристик келишувлар + 12%). Бироқ мамлакатга 2004 йилда халқаро туристик келишишлар умумий ҳажми(46,1млн) 2000 йилги даражага (50,9млн) етмади.

Ички туризм. Америкаликларнинг катта қисми ўз мамлакати бўйлаб сайёҳат қилишни маъқул кўришади: туристик сафарларнинг 95% - ички, фақат 5% хорижга сафар қилади. ТИА – Туристик индустрия ассоциацияси маълумотига кўра, 2003 йилда мамлакат ичида 1,14 млрд. персонал сафар амалга оширилган. (Кишининг ёки оиласининг уйдан бир миль ёки 50 миль масофага ҳеч бўлмаганда бир кеча тунаш билан саёҳати персонал сафар ҳисобланади) Бундай сафарлар сони 10 йил ичида 9,8% ўсди.

Америкаликлар кўп саёҳат қилади, деган тезисни таъкидлашдан ташқари бу кўрсатгич мутлақ аҳамият касб этмайди. Унга кўра ички туристик оқимнинг ҳолати ҳақида фикр юритиш мушкул. Унда ҳатто 2001 йил сентябрь воқеалари ҳам акс этган эмас. Аксинча, сафарлар сони барқарор кўпайишда давом этган.2001 йил ўсиш суръатлари эса олдинги йилларга қараганда ҳатто юқори бўлган. Бу америкаликлар таътилда курортга бир учишни табиат қўйнига бир неча қисқа чиқишларга алмашингани билан изоҳлайди.

Бошқа кўрсатгичлар – америкаликларнинг ички туризмга сарф харажатлари анча яққолроқ кўзга ташланади. 2003 йилда 554,5 млрд. долларни ташкил этган америка

туристик индистрияси даромадларида фақат 64,5 млрд. халқаро туризмга тўғри келган, қолган 490 млрд – ички туризмдан тушган. Ички туризм биринчи бўлиб 11 сентябр инқирозини узил-кесил енгиб ўтди. 2003 йилда ички туризмдан даромад 2002 йилга таққосланганда 3,5% кўпайди.

Америкаликлар мамлакат бўйлаб турли мақсадларда саёҳат қилишади. 82% учун бош мотив дам олишсафари, 12% учун бизнес билан шуғулланиш. Саёҳатларда мақсад ва машғулотлар орасида америкаликлар кўпчилик ҳолларда шопингни (30%) шунингдек оилавий ёки жамоатчилик байрамлари (27%) ва табиат қўйнида дам олиш (11%) ни тилга олишади. Музейлар ва тарихий жойларга ташриф буюриш фақат 8% , галереява санъатшунослик музейларига ташриф атиги 2% саёҳатчилар учунгина муҳим. Америкаликлар барча сафарларининг ярми – бу уик-эндга сафарлардир. Улар транспорт воситаларидан автомобиль ёки трейлер (78%) ни маъқул кўришади. 11 сентябрдан кейин атиги 16% самолётда саёҳатга чиқади. Автобус ва поезд АҚШда унчалик мақбул кўрилмайди: 2% ва тегишли равишда 1% дан камроқ.

АҚШда энг кўп ташриф буюриладиган штатлар Флорида ва Калифорния ҳисобланади. Айнан уларда туристлар, хоҳ америкалик, хоҳ хорижлик бўлсин энг кўп пул сарфлашади.

Кириш туризми. АҚШ, Франция ва Испаниядан кейин жаҳонда машҳур учинчи туристик мамлакат. Хорижлик туристларнинг деярли ярми АҚШга таътилни ўтказиш, яна чораги ишбилармонлик мақсадида келишади. Айрим маълумотларга кўра, мамлакатга келаётган хорижий туристларнинг бўлиш муддати тахминан уч ҳафта. Ушбу вақт давомида улар камида учта штатга ташриф буюришади.

Кейинги йилларда жаҳон туристик бозорида АҚШнинг ўрни бўшашиши рўй берди, унинг улуши қисқарди. Ҳали 1995 йилларда АҚШ туристик келишлар сони бўйича Испанияни 4,1 млн. га қувиб ўтган эди. 2003 йилда эса мамлакатлар ўртасидаги фарқ тахминан 11 млн. сафарни ташкил этди, яна бу Испания фойдасига бўлди. Франция эса АҚШ дан қарийб икки баравар олдинда: 75 млн. келиш 1992 й. энг аввало Марказий, Шарқий Европа мамлакати ва собиқ СССРда очилган туристик бозор туфайли хорижий туристлар оқимини сезиларли ошгани билан боғлиқ ҳолда туристик фаолликда айрим пасайши ва барқарорлик кузатилди.

Аммо 1996 йилда мамлакатга туристлар келишида ўсиш яққол кўзга ташланди. 2000 йилда уларнинг сони 50 млн. дан ошиб кетди. 11 сентябр воқеалари ва кейин Ироқда бошланган уруш чет элликларни АҚШ га саёҳатдан чўчитиб қўйди. 2001 йилда туристлар оқими ўртача – 11,9% , 2002 йилда яна 6,7% , 2003 йилда яна 4% камайди, 40 млн. сафарга етган белги 1990 йиллар бошидан энг паст бўлди. 2000 йил даражасига таққослаганда умумий камайиш 20,8% ташкил этди. Туристик фаолликнинг жонланиши билан ўсишни тикланиши 2004 йилда бошланди ва 2005 йилда ҳам давом этди. Инқироз мутахассислар тахмин қилганидан ҳам кўра чуқур бўлди ва узоқ чўзилиб кетди.

Худди шундай бошқа макрокўрсаткичлар динамикаси халқаро туризмдан тушумлар ҳажмини олайлик, унинг бўйича АҚШ жаҳонда тан олинган етакчи ҳисобланади. Туристик келишлар сонидан фарқли равишда ушбу кўрсатгич аҳамияти 2000 йилгача барқарор ўсди, кейинчалик 1998 йил даражасигача, сўнгра 1995 йил даражасигача кескин пасайди. Ушбу кўрсатгич бўйича АҚШ жаҳонда етакчиликни сақлаб қолган бўлсада, унинг яқин рақобатчилари Испания ва Франция – қолоқликни қисқартиришди. Агар 1998 йилда АҚШ уларнинг ҳар бирини икки мартадан кўпроққа қувиб ўтган бўлса, 2003 йилда бу атиги ўртача 40% бўлди. 2004 йилдан бой берилган ўрин тикланиши бошланди ва 2005 йилга келиб халқаро туризмдан тушумлар бўйича ҳажми 2000 йил даражасига етди.

АҚШнингкириш туризми бўйича ҳудудий таркиби қўйдагича фарқланади: Канада 30 % Мексика – 26 %, Буюк Британия – 9 %, Япония – 8%, Германия – 3%, Франция – 2%, Жанубий Корея-1%, бошқа мамлакатлар -21% ни ташкил қилади.АҚШ да келишлар

ҳудудий структурасида Канада ва Мексикадан сафарлар устунлик қилади. Унинг улуши мамлакатга кириш барча оқимининг яримидан ошади.

Чиқиш туризми. Америкаликлар чет элга кам саёҳат қиладилар, деб ҳисобланади.Афсус, жаҳон географиясининг улар яхши тассавур қилишмайди, улар ўз мамлакатларини ҳаддан ташқари яхши кўришади ва уёқ бу ёққа боришга неҳожат деб ўйлашади. Ҳа, бунинг устига америкага қарши кайфият кучайгани туфайли қолган дунёдан чўчишади. Булар қисман тўғри, аммо асосий эмас. Асосий АҚШ – иқтисодиёти ривожланган, бой мамлакат, демак унинг фуқароларида чет элда дам олиш ва саёҳат қилишга пул бор. Бунинг исботи бутун 1990 йиллар давомида америкаликлар чиқиш туризмининг барқарор ўсиши. 2001 йил 11 сентябрдаги фожиа туризмнинг ушбу тури динамикасига ўта салбий таъсир қилди. 2002 йилда сафарлар сони 2%, туристик сарф харажатлар-3,6% қисқарди. 2003 йилда туристик оқимлар сусайиши давом этди (-3%). 2004 йилда бурулиш юз берди: чиқиш туризм хажми 10%га кўпайди ва 2000 йил даражасидан ошди. Америкаликлар 62 млн.га яқин сафарни амалга оширдилар, яъни мамлакатнинг ҳар бешинчи аҳолиси чет элга чиқиб келди (агар принцип бўйича ҳисобласак бир киши-бир сафар). Жамоатчилик фикрини сўровлвр бўйича маълумотларга кўра, америкалик туристларнинг учтадан иккитаси мамлакатни тарк этувчилардир: улар дам олиш мақсадида саёҳат қиладилар (бунга дўстлар ва қариндош-уруғларникига ташриф ҳам киради), учдан бири бизнес билан шуғулланиш учун жўнайди. Сафарда учдан иккиси отелларда тўхтайди, учунчиси-хусусий уйларни мақул кўришади. Чет элга асосан эркаклар боришади (61%), туристлар ўртача ёши-44 ёш, одатда бу юқори ва ўрта синф вакилларидир. 1999 йилда америкалик чет элда ўртача 1350 доллар, яъни сутасига 85 долларга яқин сарфлаган.

Чет элга чиқувчи америкалик туристлар ўртасида мамлакатнинг Шимолий-Шарқий, Жануб ва Ғарби аҳолиси улуши катта (30% дан салкам) ва Ўрта ғарб аҳолиси сезиларли кам (14%). Чет элга туристлар асосий генератори Нью-Йорк, Филадельфия, Калифорния штатлари ва мамлакат пайтахти Вашингтон ҳисобланади.

Америкаликларнинг туристик сафарлари географияси жуда кенг. Америкаликларнинг барча чет эл сафарларининг ярмидан кўпроғи Канада ва Мексикага тўғри келади. Аммо АҚШдан меҳмондан фарқли равишда Канадаликлар устун бўлганлар ўртасида Мексикани мақул кўрувчи америкаликлар кўпроқ.

АҚШда ички ва ташқи туризм тараққиёти таҳлили шуни кўрсатадики, 1990 йиллар давомида туристик индустриядаги юксалиш АҚШ иқтисодиёти умумий ўсиши билан боғлиқ ҳолда 2001 йил охирида 11 сентябр воқеалари туфайли вужудга келган инқироз билан алмашди. Бироқ 2004 йил охирида инқироз енгил ўтилди деб ҳисоблаш мумкин. Туризм тараққиёти асосий кўрсаткичлари ижобий динамикасини намойиш қилади. Бу 2001 йил августи даражасига етмаган бўлсада, жаҳон туристик индустриясида АҚШ етакчилик ўрни мустаҳкамлигини кўрсатади.

11.7. АҚШ туризмининг асосий турлари ва марказлари

АҚШ туризм турлари. АҚШ туризми турлари ичида энг муҳими ва ривожлангани **экскурсион (тарихий-маданий) туризм** саналади. Ҳар йили АҚШга 50 млн.дан ортиқ саёҳатчилар экскурсион туризм таркибида иштирок этади. Ушбу туризмнинг бунчалик кенг, оммавий ҳолда ривожланишида мамлакатдаги тарихий-маданий объектларнинг, жумладан дунё бўйича номи чиққан музейлар: Метрополитен музейи (Нью-Йорк ш.), Гетти музейи (Лос-Анжелос ш.), Санъат институти музейи (Чикого ш.) ва Вашингтон миллий галерияси кабилар.

Экскурсион туризмнинг энг ривожланган марказлариадн бири бу Нью-Йорк шаҳри ҳисобланади. Шаҳардаги диққатга сазовор жойларга **Манхэттен** квартали ҳисобланади. Бу ерда туристлар шаҳар архетектураси, миллий ресторанлар, осмонўпар бинолар,

миллиардерлар саройи, ҳайкаллар, концерт залларини тамоша қилишга муяссар бўлишадилар. Озодлик ҳайкалига пароходда боришади.

Иккинчи энг муҳим экскурсион туризми манзили мамлакатнинг пойтахти Вашингтон шаҳри ҳисобланади. Бу ерда Канитолия, Оқ уй, Олий суд бинолари Америка президентлари меъморий ҳайкаллари, бир қатор музейлар, рассомчилик галериялари, элчихоналар бинолари, парклар, Арлингтон қабристони ва бошқалар жойлашган.

Экскурсион туризмнинг учинчи бир йирик маркази бу Лос-Анджелос шаҳри бўлиб ҳисобланади. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига кино-актерлар шаҳарчаси, Голливуд, Беверли-Хиллс, Санта-Барбара, Малибу, Сан-Диего каби манзиллари киради. Лос-Анжелос шаҳрида сайёҳлар савдо-сотиқ қилиши, яхта сузиши, шаҳар бўйлаб вертолетда учиши, лимузин автомобилида шаҳар бўйлаб сайр-тамоша қилишлари мумкин.

Экотуризм АҚШ туризмида алоҳида ўринни эгаллайди. Экотуризмнинг асосий маркази Аризона штатидаги Гранд-Канвон манзили ҳисобланади. Ҳар йлии бу жойга ташриф буюрадиган туристларнинг умумий сони 4-4,5 млн. кишини ташкил этади. Иккинчи бир манзил бу Буюк кўллар ўлкаси ҳисобланади. Бу ерда туристлар АҚШ билан Канада давлати ўртасида жойлашган Ниагара шаршараси билан танишадилар.

Экотуризмда туристлар мамлакат ҳудудидаги миллий боғлар, қўриқхоналар, резерватлар, ноёб таиатнинг ажойиб объектлари, ғорлар ,тоғ даралари, тоғ чўққилари, чўл ландшафти, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан яқиндан танишишга муяссар бўлишадилар. Жумладан дунёда биринчи марта ташкил этилган Йеллоустон миллий парки. Бу 1872 йилда ташкил этилди. Миллий парк Канада ва АҚШ билан ҳамкорликда амалга оширилди. Унинг майдони 898 минг га. Миллий боғ Ваноминг штатида денгиз сатҳидан 2300 метр баландликда жойлашган. Миллий боғда 2000 тага яқин ўсимлик турлари, бир неча юздан ортиқ ҳайвонот олами мавжуд.

АҚШнинг яна машҳур миллий боғлари қаторига Йосемит, Глейшер, Секвойя, Гранд-Каньон Колорадо, Мосемит ва бошқ. киради.

Майами порти дунё **круиз (денгиз) саёҳати**нинг маркази ҳисобланади. Ҳар йили ушбу портга 4-5 млн. атрофида сайёҳлар келишади ва денгизда сайр-тамоша қилишади.

АҚШда шулар билар бир қаторда **даволаниш-соғломлаштириш туризми** яхши ривожланган. Ушбу туризмнинг асосий районлари ва марказлари Калифорния штати (Лос-Анжелос, Сан-Франциско, Сан-Диего, Йосемити миллий парки), Техас штати (Хюстон, Даллас), Флорида штати (Майами), Невада штати (Лос-Вегос, Ажал водийси), Гавай ороллари (Кауан, Маун, Оаху), Вашингтон (Сиэтл) ва мамлакатнинг Чикаго, Атланта, Феникс, Орландо, Новый Орлеан, Филадельфия, албатта афсонавий Нью-Йорк шаҳарлари ҳисобланади.

АҚШда **тоғ чанғи спорти туризми** ҳам анчагина ривожланган. Унинг асосий марказлари Колорадо штатида Аснен, Бивер-Крик, Брекенридж, Вэйл, Костун, Калифорния штатида мамлакат,, Сквовалли, Хенли, Съерра, Киркwуд (Таха кўли жануби қирғоғида), Нордстар (мамлакат шимолида), Нью-Йоркда Лейк-Плэсид Юта штатида Солт-Лейк-Сити қишки олимпиада ўйинлари (2002 й.).

Сув спорти туризми ҳам мамлакатнинг жанубий, шарқий ва ғарбий денгиз ва океан сувлари қирғоқларида ривожланган бўлиб, унда дайвинг, парус, каякинг турлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Пляж туризми АҚШнинг жанубий қисмида, яъни Кариб денгизи ҳавзаси қирғоқларида Флорида ярим ороли ҳудудларида, Гавай оролларида анчагина ривожланган.

АҚШ туризмига хос диний туризм, вокеий туризм, гастрономик туризм, этнографик туризм, инсентив туризм, илмий туризм турлари ҳам ривожланган.

Мамлакатнинг туристик районлари. АҚШнинг туристик районлаштирилиши жамоат районлаштирилиши умумий қирраларига мос келади. Яъни мамлакатни Шимолий-шарқий, Жануб, Ўрта ғарб ва Ғарбга бўлади. Ана шунга ўхшаш тўртта туристик макрорайонни ажратиш ҳам осон.

Аҳоли зич Шимолий-шарқий макрорайон маданий-тарихий меросга ҳам туристлар учун қизикарли замонавий америка маданиятига ҳам бой. Бундан ташқари, бу ерда ишбилармонлик туризми жуда ривожланган. Макрорайоннинг ядроси Бос-Ваш мегаполиси ҳисобланади, пойтахти эса-Нью-Йорк.

Жанубий макрорайон биринчи навбатда денгиз пляжлари, курортлари, фестивал ва тематик парклари билан,ундан кейин маданий-тарихий ёдгорликлари билан жалб этади. Кейингилари бу ерда биринчилардан кўпроқ, албатта. Хорижий туристлар учун (кўпчилик америкаликлар учун ҳам) макрорайон Ғарбий ёки Шимолий – Шарқий каби унчалик мафтункор эмас. Аммо бир мустасно бор. Бу Флорида – пляж-сайр-томоша райони, пойтахти Майами билан у азалдан жаҳон туристик Маккасига айланган.

«Хартленд» райони (инг. HeartLand – ер қоқ маркази) – бу ички АҚШ денгиз пляжлари ва аҳоли зич ҳудудлардан олисда. Бу ерда тарихий – маданий ёдгорликлар Жануб ва Шимолий – шарқдагидан унчалик кўп эмас, ландшафт эса Ғарбдагидек хилма-хил эмас. Шунинг учун макрорайон бутунлигича туристик узоқ жой ҳисоблашади. Хорижий туристлар уни асосан транзит регион деб билишади, маҳаллий аҳоли эса бу бепарволикка эса чет элга саёҳат билан жавоб беришади.

Ягона мустасно ишбилармонлик туризми ривожланган – Кливленд – Чикаго – Детройт йирик агломерация занжири. Бу макрорайон ядроси атроф ҳудудда энг аввало ўзининг табиат гўзаллиги билан машҳур. Кўл бўйи районида туристик оқимлар генератор ҳисоланади. Макрорайон пойтахти – Чикаго.

Ғарбий макрорайон ўзининг ёдгорликлари, миллий парки ва ғайриоддий хилма-хилликдаги ландшафти билан жаҳонга машҳур. Биринчи планга экологик ва спорт туризми чиқади. Неон чироқлар ёғдусига кўмилган, гўзал табиат қўйнида макрорайон ядроси – Калифорния штати ястанган. Бу ерда ”Голливуд”, “Диснейленд” ва қўшни Невада чегарасига ўтиб кетган Лас-Вегас гуллаб яшнайди. Экологик туризм бу ерда ишбилармонлик ва чўмилиш-пляж, сайр-томоша туризмларига йўл бўшатиб беради. Макрорайон пойтахти Лос-Анжелес ҳисобланади.

Тропик ороллар қароргоҳ бўлиб турибди, қайсиким туризм асосий даромад манбаи ҳисобланади. Бу энг аввало, Гавайи, шунингдек Виргин ва Гуам орроларидир. Туристик макрорайон районларга бўлинади. Шимоли-Шарқий макрорайонда – бу Мегалополис ва Янкиленд: Жанубий макрорайонда. Жанубий-Атлантик район, Галф ва Флорида ажратилади: Хартлендеда – Кўлбўйи, Марказий текисликлар ва Буюк текисликлар: Ғарбга – Ички Ғарб, Шимоли-Ғарб, Калифорния ва Аляска. Тропик ороллар шунингдек алоҳида район – Гавайи билан бирлашган. Ҳар бир районнинг ихтисослашуви ва хусусиятлариқуйидагича ажратилинади:

Мегалополис – бу Бостондан Вашингтонгача чўзилган, 100 минг кв.км.га яқин салкам узлуксиз қурилиш майдони. Узлуксиз қурилишда узилиш шарқий Контектикутеда кузатилади, шу боис Бостон ва Нью-Йорк ўртасидаги участка Янкиленд райони таркибига киради. Мегалополисда аралаш штабларнинг 2%дан камроқ территориясида мамлакат аҳолисинингбеш қисмига яқини яшайди. Район америкаликларнинг персонал сафарлари салмоқли улуши генератор, мамлакат туристик етакчиларидан бири. Умуман олганда, у шусиз ҳам, ҳа, америкаликлар, ҳам чет эллик туристлар ўртасида машҳур.

АҚШдабўлиш, камдан-кам ҳолларда айниқса европалик туристлар учун мамлакат бош дарвозаси Нью-Йоркка ташрифсиз ўтмайди. Нью-Йорк АҚШнинг туристик пойтахти, энг кўп ташриф буюриладиган шаҳар. Бу ерда мамлакат рамзи Озодлик ҳайкали қад кўтарган ва бутун дунёга машҳур осмон ўпар Манхеттен: Эмпайр-Стейт-Билдинг, Крайслер-Билдинг ва бошқалар жойлашган. 11 сентабрдаги теракт чоғида шаҳарнинг диққатга сазовор биноларидан бири-осмон-ўпар эгизаклар вайрон қилинди. Уларда бутунжаҳон савдо маркази жойлашган эди (Ҳозир улар ўрнида Граунд Зеро мемориали барпо этилган, унга ҳам туристлар ташриф буюришади). Терактдан кейин ҳавфсизлик чоралари кучайтирилди: энди Озодлик ҳайкалига ва айрим осмонўпар бинолар томига туристлар қўйилмайди. Бироқ бу туристларни Нью-Йоркдан чўчитолмади ва унинг жаҳон

туристик маркази деган номини камситаолмади (шаҳарни 2012 йил Олимпиада ўтказишга талабнома бергани унинг далилидир).

Нью-Йорк жаҳон шаҳри мақомига эга, у миллий ва халкаро корпорациялар, компаниялар ва банклар штат-квартиралари маркази ҳисобланади ва ишга доир музокоролар ўтказиш учун оммавий жой бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари бу ерда маданий-тарихий ва кўргазмали экскурсия туризми ривожланган. Барча замонларга доир Америка тарихига дахлдор архитектура ёдгорликларидан ташқари, мустамлака давридан ҳозирги давргача, Нью-Йоркда мамлакатда энг машҳур музей Метрополитен ва Гуггенхайн жойлашган. Шаҳарнинг этник кварталлари: Кичик Италия, Чайна-Таун ва бошқалар ҳам туристларда қизиқиш ўйғотади. Мегалополиснинг бошқа йирик шаҳарлари-Бостон ва Филодельфия ўзларининг тарихий ёдгорликлари билан машҳур. Бостондан бу мустамлака даври ёдгорликлари (Бикон Хил районида) ва Америка инқилоби билан боғлиқ жой («Фрид трейл»-«Озодлик йўли» маршурутида сўнги бирлашув). Филодельфия бу Америка инқилоби мукаддас даргоҳи-Индепенденс-Хол, бу ерда Мустақиллик Деклорацияси эълон қилинган ва мустамлака даври бошқа бинолари бор. Вашингтон ўзи бир олам-унинг бутун маркази америка давлатчилигининг амалдаги музейи ҳисобланади. Шаҳарнинг асосий иқтисодлашуви маданий-тарихий, ҳатто ватанпарварлик туризми дейиш мумкин. Оқ уйга ҳар куни минглаб экскурсантлар ташриф буюришади. Капитоли, Вашингитон, Жефферсон ва Линкольн каби америка президентлари мемориалллари билан танишадилар. Ҳар йили Хотиралаш куни-АҚШнинг барча урушларда ҳалок бўлганлар хотираси расмий куни, мамлакат ветеранлари Иккинчи жаҳон уруши ва Вьетнам уруши мемориалларига йиғилишади, Армингтон қабристонини зиёрат қиладилар. Вашингтон шунингдек ўзиниг галериялари ва яқингача жаҳонда йирик бўлган Холокост музейи билан ҳам машҳур.

Мегалополис Атлантика океани қирғоқ бўйлари бўйлаб чўзилиб кетган, шунинг учун районда чўмилиш-пляж ва сайр-тамоша туризми сезиларли роль ўйнайди. Пляжлар Нью-Йоркдаги Лонк-Айленде, Нью-Жерсидаги Кейп-Мэй ва Мэриленд сифатидаги Оушен Ситида жойлашган. Районнинг асосий сайр телетомоша маркази Нью-Жерси штатида Атлантик-Сити -Лас-Вегаснинг шарқий нусхаси ҳисобланади. Яна у Лас-Вегаснинг ташриф буюрувчи туристлар сони бўйича ҳам, туризмдан тушадиган даромад бўйича ҳам қувиб ўтади.

Янкиленд-АҚШнинг маданий региони, XVIII асрда шимолликлар янки-босқинчи деб атаган америкалик мустамлакачиларнинг паноҳ топган маскани район икки қисмга бўлинади: Янги Англия (Коннектикут, Массачусете, Рот-Айленд, Нью-Гаппшир, Вермонд ва Мэн штатлари) ва юқори Нью-Йорк. Аммо улар маданий – танишиш ва табиат қўйнида дам олиш туризмига ихтисослашган, шунингдек Мегалополис ҳарактерланади, сифатида уларни битта районга бирлаштиради, унга Пенсильвания штати ҳам таалуқли.

Янги Ангилия-Америка тарихи бешиги, бу ерда ҳозиргача мустамлака даври шаҳарчалари ўзгаришсиз сақланиб қолган. Уларни сукутга чўмган жозибаси кўп сонли туристлари, энг аввало дам олиш кунлари қушни Мегалополисдан чиққан туристларни жалб этади, Фақатгина Массачусете штатида бундай шаҳарлар ўртасида тарихий қишлоқ Плимут (афсонавий «Мэйфлауэр» билан биринчи мустамлакачилар истеҳқоматгоҳи), Кембриж университети, қонхўр Салем устида бўлган машҳур суд жараёни, Фабрикали Лоуэлл ва Лексинтонни тилга олиш мумкин. Рўйхатни Янги Англиянинг бошқа шаҳарлари билан эттириш мумкин: Провиден ва Ньюпорт (Нью-Гэмпшир штати) ва Хартфорд ва Нью-Хейвен (Коннектикуб штати), Портемут(Нью-Гэмпшир штати) ва Портленд(Мэн штати).

Юқори Нью-Йорк ва Пенсильвания штатида ҳам худди шундай манзара: деяри хар қадамда америка тарихи учун аҳамиятли бирор жойга дуч келиш мумкин. Нью-Йорк штатидаги Саратого худди Массачесутедаги Конкород ва Лексингтон сингари мустақиллик учун олиб борилган уруш даври жанг майдони: Пенсильвания штатидаги Геттисберг Фуқаролар бош жанг майдони (ҳамма жойда кенг тарихий нарсалар барпо

этилган, жанг хотираси йилликларида оммавий театрлаштирилган тадбирлар ўтказилади). Нью-Йорк штатидаги шаҳарлар Сиракуз ва Рочестер XIX аср бошидан буён жиддий ўгаргани йўқ, пенсильваниянинг Ланкастереда эса ҳозиргача яшаётган жамоа – амищейни кўриш мумкин, улар ҳозирги замон цивилизацияси ютуқларидан фойдаланмасдан ўз урфларини сақлаб келишмоқда.

Янкилендга туристларни фақат тарихгина жалб этмайди. Кўпчилиг (айниқса дам олиш куни чиққан туристлар) тоза ҳаводан ва ижобий гўзалликларидан баҳра олиш учун келадилар. Айтгандай районинг йирик шаҳри – Питсбург, яъни яқингача собиқ саноат дўзахи ҳисобланган жой, яқинда АҚШдаги энг мусаффо йирик шаҳар деб тан олинди.

Табиат дурдонаси райони-Ниагара шаршарасига ҳар йили 10 млн. дан кўпроқ туристлар ташриф буюришади. Туристлар ўртасида машҳур табиий объектлардан бири Адирондак миллий паркини ҳам таъкидлаб ўтиш керак.(бу ерда икки марта – 1932 й, ва 1980 й. қишки Олимпиада ўйинлари ўтказилган Лейк – Плейсид курорти жойлашган).фингер, Лейке кўллари(иккиси ҳам Нью-Йорк штатида), массачусете штатидаги Кейп-Код яриморолн, Нью-Гэмпшир штатидаги Оқ тоғлар, Мэн штатидан Акадия миллий парки ва Вермонт штатидага тоғчанғиси курортлари ҳам туристларнинг севимлик ҳордиқ масканлари ҳисобланади.

Жанубий – Атлантик район - маданий-танишиш-билиш туризмига ихтисослашган. У мегалполосдан узоқда жойлашган ва туристик жиҳатдан суст ривожланган. Бу ерга келувчиларни биринчи навбатда Фуқоролар уруши билан боғлиқ шаҳар ва жойлар жалб этади. Биринчиларга Жанубий Каролина штатидаги Чарлстон, Жоржия штатидаги Саванна шаҳарлари таалуқлидир. Уларда М.Митчелнинг «Шамолларда қолган ҳисларим» романида тасвирланган Жанубнинг плантатир муҳити сақланиб қолган. Шунингдек биринчи инглиз мустамлакачилари томонидан барпо этилган Уильямсбург ва Жеймстаун (Виргиния штати) шаҳарлари, Ж.Вашингтон яшаган мулк (Маунт-Вернон) ва Виргиния штатида жойлашган Т.Жефферсон (Монтичелло) мулки ҳам туристларни жалб этади.

Туристлар Жаубий Королина штатидаги самптер форт-Фуқаролар уруши ёдгорлигига тез-тез ташриф буюрадилар, бу ерда уруш бошланиб Виргиния штатининг Аппоматокс шаҳрида тугаган. Бундан ташқари, Виргиния штатидаги Александретта шаҳари ҳам ном қозонган ва у жанубликларнинг энг машҳур генерали Р.Ли ҳаёти билан боғлиқ. Тенниси штатидаги Чаттануга шаҳри, унинг атрофида Шимол билан Жануб ўртасидаги Стоун-Маунчин Паркида қўлларга Канфедерация етакчиларининг барельфлари ўйилган.

Жанубий Королина қирғоқбўйлари пляжлар ва Олтин ороллар (Жоржия штати) машҳур бўлсада бу ерда чўмилиш-пляж туризми унча кучли ривожланмаган. Виргиния ва Ғарбий Виргиния штати парки ушбу районни Хартленддан ажратиб турган Аппалачада жойлашган ва табиий туризм ишқибозларида катта қизиқиш уйғотади.

Флорида. Турмуш тарзи бўйича қолган Жанубдан кучли фарқ қилади. Флорида штатининг ярим орол қисми иккинчи жаҳон урушидан кейин олдинги қишлоқ хўжалик йўналишини туристик йўналишга алмаштирди ва мамлакатнинг бош туристик районларидан бирига айланди.

Унинг тарққиётига кўпсонли туристлар, балки пенсияга чиққандан кейин «иссиқ ўлка» сари келган америкалик кексалар ҳам имкон туғдирадилар. Улардан кўпчилиги умрининг охиригача бирон бир курорт шаҳарчада отелда яшадилар, бу ерда уй сотиб олганлари эса ўз қариндош-уруғларини меҳмонга кутиб олдилар. Бошқача айтганда, район асосан оилавий, чўмилиш –пляж ва сайр-томоша туризмига ихтисослашган. Пляж яриморолнинг деяри бутун қирғоқбўйи бўйлаб чўзилган .Қуёшли ва Олтин қирғоқ пляжларининг донғи кетган. Майами-Бич, Дэйтона-Бич ва Палм-Бич энг машҳур курортлар ҳисобланади. Майами-Бич аллақачон Майамининг қимсига айланган –район пойтахти ва АҚШ бутун курортлари пойтахти. Шаҳар Оушен – Драйв гузари ва

миллионга яқин кубаликлар яшаётган Кичик Гавана узун-юлуқ квартали бўйлаб қурилган арт-деко услубидаги уйлар билан машҳур.

Аммо Флориданинг туристик юраги Орландо шаҳридан яқинроқда уриб туради, у ерда барча оила учун тематик парк жойлашган. Сайёрамиздаги энг йирик сайр-томоша комплекси ҳисобланган, 69 кв.км. ни эгаллаган машҳур «Дисней – Уорлд» ҳам шу ерда. Гавжум масумда (ёзда Рождества таътилларида) паркка ҳар куни 100 минггача киши ташриф буюради. «Дисней – Уорлд» фақат оддийгина аттракционли парк эмас, бу бутун бошли меҳмонхоналар, ресторанлар, магазинлар ва дискотейкалар туристик мажмуидир. «Дисней» студияси муваффақияти кўпчиликни илҳомлантиради ва «Дисней – Уорлд» билан ёнма-ён яна бир неча тематик парклар қад ростлади. Улардан энг машҳури «Юниверсал» студияси парклар мажмуи ҳисобланади, ташриф буюрувчиларни кино ва саргузаштлар дунёсига, «Сув олами»га олиб кетади, уларни дельфинлар, касаткалар, денгиз арслонлари ва океан бошқа жониворлари билан таништиради. Бундан ташқари, Орландо чеккасида яна бир нечта тематик парклар жойлашган, улар орасида «Ажойиб Хитой» алоҳида ажралиб туради. У Хитойнинг кичрайтирилган диққатга сазовор жойлари нусхаси билан танишишга таклиф қилади. Тематик паркларга Кеннеди Космик марказини ҳам киритиш мумкин, уни аттракционлар паркидан кўра кўпроқ музей дейиш мумкин, бу Канаверал бурнидаги космодромдан унча узоқ бўлмаган жойда жойлашган.

Пляжлар ва аттракционлар жозибаси олдида районнинг бошқа туристик диққатга сазовор жойлари кўринмай қолади. Ваҳоланки, бу ерда жуда кўп маданий-тарихий мерос объектларибор (энг аввало Августин форти-Хозирги замон АҚШ территориясига биринчи кўчиб келган Европаликлар истиматгоҳи) ва айниқса, табиий диққатга сазовор жойлар мафтункор (Эверглейдс парки, Окичоби кўли, Флорида-Кис маржон ороллари).

Галф. Номидан кўриниб турибдики (Галф инглизча gulf – кўрфаз), у денгиз қирғоқбўйларига боғланган. Туристик ихтисослашувга кўра бу район Флоридага ўхшайди, - чўмилиш-пляжлари ва сайр-томоша туризми: фақат тематик паркларни бу ерда фестивалларга алмаштиришади. Бироқ Галф туристлар учун унчалик кўнгилли жой эмас, чунки қирғоқбўйларини саноат ўзлаштириб, эгаллаб олган. Бундан ташқари, ўз чегаралари билан Галф АҚШнинг энг муаммоли ва энг мажорали қисми ҳисобланган маданий район. Чуқур Жануб билан туташган. Бу ерда бегоналарни унча ёқтиришмайди. Туризм тараққиёти бу ерда ўчоқ характерига эга.

Биринчидан, районнинг бош пляжи флорид панхэндли ҳисобланади (инг. Panhfndle – «това дастаги» - штатнинг территорияси узун тор участкаси, ёки штатлар ва қирғоқбўйи ўртасида), Пенсаколдан Панама-Ситигача пляжлар занжирини ўзида намоён этади. Иккинчи, бу Падре-Айленд ва Галвестон атрофидаги Техас курортларидир. Бироқ қанчалик ажабланарли бўлмасин район пляжлари билан эмас, фестиваллар билан донг қозонган. Луизиана штатидаги Янги Орлеанда ўтадиган Марди-Гра фестивали туристлар ташрифи бўйича етакчи. Фестивал ранг-баранглиги ва кўлами жиҳатидан Рио ва Венеция карнавалларидан қолишмайди. Галфга туристларни шунингдек мусиқий фестиваллар ҳам жалб этади, чунки Янги Орлеан жаз пойтахти ҳисобланади. Нэшвилл-кантри, Теннеси штатидаги Мемфис эса рок-н-ролла воситаси. Мемфисда Элвиса Преслининг ер-мулки Грэйсленд жойлашган, бир йилда унда 700 мингдан кўпроқ турист бўлади. Қўшиқчининг туғилган куни – 8 январда бу ерда унинг шарафига фестивал ўтказилади. Районнинг тарихий-маданий объектларидан туристлар Янги орлеаннинг эски француз квартали, Жануб балиқчилик даври ёдгорликлари, Техаснинг ҳарбий тарихи билан боғлиқ жойларига, энг аввало машҳур Аломо фортига ташриф буюрадилар.

Кўлбўйи. Бу район ҳақида гап кетганда Буюк кўллар жанубий қирғоқлари бўйлаб жойлашган қудратли саноат мажмуаси кўз ўнгга келади. Бу ерда ишбилармонлик туризми тараққий этган, Чикаго дам олишга келадиган туристлар ўртасида машҳур бўлсада, Чикаго ва Детройт ишбилармонлик туризми марказиҳисобланади. Шаҳар осмонўпар бинолари машҳурликда фақат Нью-Йоркдан кейин туради, айнан Чикагода мамлакатдаги энг баланд бино Сире-Тауэр кўкка юксалиб турибди. Шаҳарнинг ишбилармонлик маркази

осмонўпар Лупа (инг.Loop – «Сиртмоқ») ва «Ажойиб мили» шаҳар савдо юрагига ҳам тарихий жойларга «Ичкиликка қарши қонун ва Аль-Капоне даври мероси» айниқса алоҳида қизиқиш уйғотади) ва шаҳар кўп сонли музейларига туристлар ташриф буюришади.

Кўлбўйи бошқа йирик шаҳарлари ҳам ўзларини туристик ташриф манзилгоҳлари сифатида реклама қилишга интилишади. Мамлакат автомобиль пойтахти Детройтда кўпсонли автомобиль музейлардан ташқари,Генри Форднинг эклетли музей коллекцияси ва ҳар йил ўтадиган жаз фестивали эътиборга лойиқ Кливлендда эса яқинда майдони бўйича улкан рок-н-ролл музейи очилди.

Районнинг аҳоли гавжум урбаник ядроси дам олиш кунлари катта туристик оқимни таъминлайди. Улар Буюк кўллар қирғоқ бўйида қумлоқлар бағрида уик-энд ўтказишади. Миннесотунинг «10 минг кўл охири» да эса бутун мамлакатдан келадиган туристлар кўл бўйи ва сокин ўрмон қўйнида дам оладилар.

Марказий текисликлар. Йирик кўллар, баланд тоғлар, денгиз пляжларидан маҳрум қишлоқ хўжалиги текисликларида туристлар эътиборини тортиш қийин, айниқса, хилма-хил ландшафтга эга мамлакат АҚШда. Туристик фаоллик алоҳида ўчоқлардагина жойлашган туристик район суст ривожланган. Ушбу ўчоқлар орасида табиат туризми билан боғлиқ жойгина ажратиш мумкин.(Кентукки штатидаги Момонтлар ғори), воқеалар (Индиана штатида Индианаполиседаги автомобиль пойгаси, Кентукки штатида танишув-билиш (Иллинойс штатида Спрингфилдедаги А.Линкольн ҳаёти билан боғлиқ жой).

Буюк текисликлар. Бу яна бир суст ривожланган туристик район, асосан транзит функцияни бажаради. Мамлакатнинг шимолий чегараларидан жанубий буғдойзор далаларгача чўзилиб кетган кенгликлар туристларни фақат «тарнадо аллеяси» сифатида жалб қилади – бу ерда табиат ҳодисаларининг вайронагарчиликлари изи ўз томошабинлари доирасини топади. Бироқ Буюк текисликларнинг нотуристик яссиликларида ўзининг орфаграфик мустаснолиги бор, бу жой қўшни район Ички Ғарбда. Бу тоғли район. Блэк-Хиллз, табиий ва тарихий ёдгорликлари билан машҳур. Табиий ёдгорликларга кўп сонли ғорлар (шу жумладан, дунёдаги энг йирик), тарихий ёдгорликларга XIX аср охиридаги Ҳиндулар уруши мероси киради. Аммо Блэк-Хиллзда энг кўп ташриф буюриладиган жой қояларга америка президентлари сиймоси ўйилган Рашмор тоғи ҳисобланади. Бугун ундан сал нарида ҳиндулар доҳийси Крейзи Хорснинг қоя жинсларидан монументал ҳайкали устида иш олиб борилмоқда. Агар хайкал битказилса, у ер юзасидаги энг катта хайкал бўлади. Ҳозирча тўққиз қаватли уй баландлигича келадиган юзигина ўйилган.

Ички Ғарб. Ушбу район ўзига мафтункор ландшафт ва мамлакат бош маданий афсонаси – Ёввойи Ғарбни қамраб олган. Бошқача айтганда район туристлар орасида донг қозонган.

Район турфа хил ва бетакрор ландшафти билан ажралиб туради. Қорли тоғлар, гейзерлар, саҳро, даралар, тузли кўл, ўрмон, тоғ… буларнинг ҳаммаси қандай қилиб битта район ичига жойлашгани ақлга сиғмайди. Биз АҚШнинг табиат йўналишидаги туризми ҳақида гапирар эканмиз, хаёлимизда Ички Ғарб манзараси жонланади.

Мамлакат энг машҳур миллий парки, дунёда биринчи миллий парк (1872 й. очилган) – Йеллоустон парки шаршаралари, гейзерлари, қайноқ булоқлари билан ташриф буюрувчиларни жалб этади; бу ерда табиий муҳитда тоғ сайрига чиқиш, ёввойи ҳайвонларни кузатиш мумкин. Ушбу Вайоминг штатида Гранд-Тетон миллий парки жойлашган – қояга чиқиш ва тоғ походлари учун жаннати жой. Қўшни Монтана штатида музликлари билан Гласьер миллий парки жойлашган. Юта штати тоғ массивлари ва даралари билан машҳур, улар шамол таъсирида хайратомузфантастик шакл олган. Арчес миллий паркида мутлақ табиат кучлари тамонидан яратилгандунёдаги энг катта табиий кўприклар ва арклар кишини лол қолдиради. Аммо районнинг асосий табиат дурдонаси, ҳатто бутун мамлакатники деса ҳам бўлади, жанубда Аризона ва Калорадада жойлашган. Бу Гран-Канъон-узунлиги 350 км, кенглиги 6 кмдан 30 км. гача, чуқурлиги -1,5 км. ҳар

йили ушбу улкан дарани томоша қилиш учун 4 млн. дан кўпроқ туристлар келишади. BBC каналининг машҳур «Ўлимдан олдин албатта кўришларим бўлган 50 жой» кўрсатувида телетомошабинлар билан ўтказилган сўровда Гран-Каънон биринчи ўринни эгаллайди.

Турган гап, гўзал тоғ қўйнида спорт туризмини ривожлангани табиий ҳол. Калорадо штати – ўнлаб курортлари билан мамлакатнинг бош чанғиси райони, улардан энг машҳури Аспен ҳисобланади. Қизиқ, нега тоғ манзараси Каларадода тараққиётга сабаб бўлди экан? Гап шундаки, жуда кўп корпорациялар хушманзара ва экологик мусаффо жойда. Штаб-квартиралари бўлишини маъқул кўрадилар.

Районда маданий-тарихий туризм кенг тараққиёт этган, чунки Ёввойи Ғарбнинг бу ерда ҳозиргача унинг афсоновий персонажлари – ковбойлар ва ҳиндулар истиқомат қилишади. Лекин ҳинду ёдгорликлари (Месо-Верде, Каларадо штатида, Чако, Нью-Мексика штатида) ташриф буюрувчиларни Ёввойи Ғарбнинг янада олислар - Колумбогача бўлган даврига етаклаб кетади. Агар хоҳланса нафақат археологик қазилмалар, балки Аризона ва Нью-Мексика ҳиндулари резервацияларига ташриф буюриб туб америкаликларнинг «жонли» турмуши билан танишиш мумкин (уларнинг ҳар бири махсус фестиваллар ўтказади). Бундан ташқари Ички Ғарб испан мустамлакачилари (Санта-Фе, Нью-Мексико штатида, Тусон, Аризона штатида), мармонлар(Шимолий Аризона ва Юта шаҳарларида туристларни мармонлар урф-одатлари ва маданияти жалб қилади, энг аввало, мармонлар пойтахти Солт-Лейк-Сити), шунингдек фронтирменлар: ковбойлар ва олтин қазувчилар меросини сақлаб келади. Сўнгги мероси – Вайоминг штати, бу ерда Шайеннеда ва айрим бошқа шаҳарларда ковбой фестиваллари ўтказилади.

Шимолий – Ғарб. АҚШ аралаш штатлари ўртасида энг захкаш район «Маҳаллий аҳоли ёзнинг келганини ёмғир илиганидан билишади», деган ҳазил-мутойиба юради бу жойларда. Район бетакрор гўзал ва ям-яшил манзарага бой ва экотуризм маркази ҳисобланади. Шимоли - Ғарб унча кўп сонли туристларни жалб қилмайди, масалан, Калифорния каби, аммо айнан қўл урилмаган табиатва нисбатан одамларнинг камлиги – экотуризм сифатида унинг жозибадорлигини оширади, пиёда походлар, ёввойи табиатни кузатиш туристларга беқиёс завқ бағишлайди.

Районнинг нисбатан табиий диққатга сазовар жойлари ЮНЕСКО муҳофазасидаги Олимпик миллий парки, Рейнир тоғи, Худ тоғи, Крэйтер кўли, Хэллс дараси ҳисобланади.

Бундан ташқари, Сиэтл ва Портленд шаҳарлари ҳам туристлар учун жозибалидир. Сиэтл аллақачон АҚШнинг энг чиройли ва хавфсиз йирик шаҳарларидан бири сифатида шуҳрат қозонган. Шунинг учун, унга тез-тез йирик мусобақалар ёки кўргазмалар ўтказиш «ишониб» топширилади. Мисол учун, 1990 йилда бу ерда Яхши ният ўйинлари бўлиб ўтди. Қудратли контейнер порти, шунингдек «Боинг» ва «Майкрософт» штаб-квартираларининг шу ердалиги ишбилармонлик туризмининг тараққиётини таъминлайди.

Аляска. Туризмга ихтисослашуви бўйича Аляска олдинги районларга ўхшайди, бироқ АҚШ аралаш штатларидан узилганлиги ва ноёб табиат уни алоҳида районга ажратишга мажбур этади. Миллий парклар ва бошқа муҳофаза қилинадиган табиий территориялар штатнинг учдан бир қисмини эгаллайди, бироқ туристлар одатда Анкориж шаҳри чеккаларига ташриф буюришади. Табиий туристик объектлар қаторида айниқса Денали миллий парки алоҳида ажралиб туради, у Шимолий Американинг юқори чўққиси Мак-Кинди тоғида жойлашган. Бундан ташқари, Аляска туристларда эскимослар ва алеутлар маданиятининг ўтганиниг имконини бериши билан ҳам қизиқарли. Туристлар шунингдек рус мустамлакачилари мероси (масалан, Рус Аляскаси пойтахти-Ситка шаҳри) билан танишадилар.

Калифорния. Аҳолиси энг гавжум штат, туристлар келиши бўйича ҳам, туризмдан даромад олиш бўйича ҳам етакчи ҳисобланади.Ушбу «америка Ривьереси» да туризмнинг юқорида баён қилинган барча турлари мужассам.

Бош туристик оҳанрабо – Лос-Анжелес штати жануби аллақачон «Голливуд» билан уйғунлашиб кетган. Хатто унинг бош кўчаси реал ҳаётдан эмас худди киноэкрандан келгандек қабул қилишади. (сансет, Манхолланддрайв, Беверли-Хиллсбульварлари,

Голливуд бульваридаги Юлдузлар аллеяси). Флорида билан бир қаторда Жанубий Калифорния – тематик парклар базасида сайр-томоша туризм марказидир. Орландодаги сингари бу ерда «Диснейленд», «Юниверсал» киностудия парки, «Су волами» парки жойлашган, Голливуд киностудияси бўйлаб турлар улкан шуҳрат қозонган. Калифорния Жануби шунингдек чўмилиш-пляж туризмига ихтисослашган. Ва серфингнинг жаҳон марказларидан бири ҳисобланади.

Жанубий Калифорния аҳолиси бўлишга аввалдан бошдан Лас-Вегас ҳам мўлжал олган. Бугунги кунда ўйин бизнесининг жаҳон маркази бўлган бу шаҳарда дам олиш кунлари туристлар тез-тез меҳмон. Шаҳар номидаги олти километрлик бульвар бўйлаб кўпроқ Стрип номи билан машҳур АҚШнинг донғ қозонган казино ва отеллари жойлашган, улар бир-биридан машҳур. Бу ерда Миср эҳроми («Луксор»), ўрта аср қўрғони («Экскалибур») ва Манхэттен («Нью-Йорк»), ҳатто Сан-Марко қўнғироғи билан Дожей саройи (Венециание) бор.

Район иккинчи туризм маркази – Сан-Франциско америкаликларнинг ўзлари томонидан АҚШнинг энг чиройли шаҳари деб тан олинган. Сан-Франциско кўрфази ва Тинч океанига кўриниши ва уларни бирлаштирувчи Олтин Дарвоза қўлтиғи устидан ташланган эгик кўприк «Голден-Гейт» - америка шаҳарининг энг фусункор манзаралари тажассумидир, у фақат Манхэттен панорамасига жой бўшатиб беради. Шаҳар ишбилармонлик ва сайр-томоша туризмига ихтисослашган, унинг диққатга сазовар жойлари орасида кенг музейлар туркуми. Мафтункор Чайнатаун, собиқ «Алкатрас» турмаси (шу номдаги орол билан номдош), ва албатта, машҳур кабели трамвай бор, у кўрфазга тушадиган тепаликлар қияликлардан кўтарилади ва ҳозиргача югуради.

Калифорния ўзининг табиий гўзалликлари билан ҳам машҳур: бу ерда ҳосилдор текисликлар ҳам, кимсасиз саҳро ҳам, Сьерри-Невада тоғ тизмалари ҳам ястанган. Биг-Сур (Тинч океани қирғоқбўйларининг 160 км. лик узуқ-юлуқ участкаси – Роберт Стивенсон уни « Қуруқлик ва денгизнинг жаҳонда улуғвор учрашуви» деб аталган) Йосемит миллий парки (машҳурликда фақат Йеллоустон паркига ён беради), Секвай миллий парки, Ўлим водийси ва Могаве саҳроси, шунингдек «Виномамлакати» - Напа ва Сонома водийлари узумзорлари айниқса шуҳрат қозонган. Калифорния тоғ ва саҳролари энг аввало қишки туризм маркази. Саҳрода курорт шаҳарга айланган Палм-Спрингс XIX аср охирларидан буёнтуристларни қабул қилади. Ҳозирда у шаҳарга туташ ўнлаб курортларга ва салкам гольф учун юзлаб майдонга эга. Тахо кўли эса Сьерра-Невада занжири исканжасида машҳур тоғ чанғиси курортига айланган (бу ерда 1960 йилда қишки Олимпиада ўтказилган).

Районнинг тарихий ўтмиши ҳақида энг аввало, «Олтин васвасаси» даври «Олтин мамлакат» - «Грасс – Веллси», Невада – Сити шаҳарлари эслатиб туради.

Гавайи. Район АҚШга тегишли тропик оролларни бирлаштирган. Бу ерда туризм Гавайи иқтисодиётининг якка-ягона бўлмасада асосий соҳаси ҳисобланади. Гавайи АҚШнинг иқтисодиёти диверсификациялашган алоҳида штати ҳисобланади, бу ерга Виргиния ёки Гуам оролларига қараганда беҳисоб туристлар оқиб келади.

Гавайи ороллари чўмилиш-пляж, табиат соҳасига ихтисослашган туризмга эга. Тропик декорация туфайли орол АҚШ да таътил ёки каникулни мароқли ўтказиш учун энг хушманзара машҳур жой: Гавайида ҳар йили 6 млн. келишлар қайд этилади. Уларнинг кўпчилигини Оаху ороли қабул қилади – у ерда штат пойтахти Гонолулу ва қайғули машҳур Перл-Харбер жойлашган, ҳозир меомориал – музей. Орол жанубий қирғоқбўйларини энг машҳур гавай пляжлар эгаллаган, шу жумладан, ҳар куни 65 минг кишини қабул қилувчи бутун дунёга машҳур Вайкики пляжи ҳам шу ерда жойлашган.

Оахунинг шимолий қирғоқбўйи серфинг ишқибозлари учун ҳақиқат жаннат: ким» тўлқинн тутиш» ишқибози бўлса Алин ва Халеива пляжларини яхши билади.

Маун ороли – районда туристик индустрия тараққиёти даражаси бўйича иккинчи. Пляжлардан ташқари, Халекала вулқон қияликлар оролнинг диққатга сазовар жойлари

ҳисобланади. Хана ва Лахайна шаҳарларида эса орол туб аҳолисининг «энг гавайча» турмуш тарзи сақланиб қолган.

Вулқонлар ҳам туристларни Гавайи оролига тортувчи оҳанрабо ҳисобланади, қайсиким майдони бошқа оролларни биргаликда қўшгандан ҳам катта майдонни эгаллайди. Вулқонлар миллий паркининг кўпсонли кратерлари орасида сервиқор Мау-на-Лоа тоғи ажралиб туради. У 9150 метр баландликка бўй чўзган (тўғри, океан тубидан, сув устидан – атиги 4169м) ва Килауэа вулқони фаол.

Кауан ороли. Бутун территорияси тропик ўрмон билан қопланган боис, бу ерда алоҳида якка пляжлар ва курортлар кам бўлмасада, «боғ орол» деган ном олган. Молокон ороли эса туристик йўлакдан чекка томонда. Унга, асосан табиат ишқибозлари ташриф буюришади, оролнинг шимолий қирғоқбўйиларидан узилган қисми бетакрор табий гўзаллика эга.

11.8. АҚШда туристик фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши

АҚШ туристик бозори типик структурага эга. Унда сон жиҳатидан бизнеснинг кичик шакли устунлик қилади-ишлаётган фирмаларнинг тахминан 95%. Булар унча катта бўлмаган тур агентликалр, оилавий мотеллар, автомобилни ижарага бериш бўйича фирмалар, сувинер совға дўконча-лапкалар, маҳаллий туроператорлар.

Улар бозордаги улуш учун бир-бирлари билан рақобатлашадилар. Бундай корхоналар сони 1 млн.дан ошади. Туристик «айсберг» чўққисида америка ТМК-меҳмонхоналар занжири, сайр-томоша индустриясидаги корпорациялар, мамлакат етакчи авиакомпаниялари ва ҳ.к. туради.

АҚШ туристик бозорини давлат томонидан тартибга солиниши минимумга келтирилган. Шунга қарамай 1996 йилда мамлакатда миллий туристик маъмурий –Туризм ва саёҳат индустрияси ишлари бўйича Хизмат ташкил этилди. У АҚШ савдо вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Унинг вазифасига туризмда статистик ҳисоб системаси менежменти киради. У тармоқ иқтисодий аҳамиятини баҳолайди: жаҳон бозорида миллий туристик маҳсулотни илгари суради; туризм тараққиёти стратегиясини белгилайди, туристик сиёсат юритади ва туристик маҳсулотлар миллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилади; мамлакатда чиқиш ва кириш туризм индустриясига техник ёрдам кўрсатади. Туризм тараққиётида юқорида бир неча бор эслатилган ТИА (Туристик Индустрия Асоциацияси) катта роль ўйнайди. У мамлакат туристик бизнеси манфаатлариниҳимоя қилиш ва тақдим этиш учун 1941 йилда мустақил нотижорий ташкилот сифатида ташкил этилган эди. ТИА АҚШ конгресида соҳа манфаатларини ёқлайди, унинг сайти (http://www/tia/org/)да унинг иш натижалари билан танишиш мумкин. Бу ерда туризм индустриясини ривожлантириш учун Конгресс навбатдаги сессияси нима иш қилгани батафсил баён этилган.

ТИА фаолияти муҳим юмушларидан бири туризм бўйича статистик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш ҳисобланади. Шунингдек у туристик бозор тадқиқотларини ўтказади ва тармоқ тараққиёти истиқболларини ишлаб чиқади. Бундан ташқари, ТИА АҚШда ҳаракатланиш бўйича ички ва ташқи бозор йўналишида маркетинг фаолиятини амалга оширади ва мувофиқлаштиради.

Туристик фаолиятни тартибга солишда туристик бозорда мустақил ўйинчига айланишга қобил штатлар ҳокимиятларига кенг ҳуқуқлар берилган. Улардан айримлари-энг аввало, Калифорния, Флорида, Гавайи, Невада, Нью-Йорк, Массочусетс ички ва хорижлик туристларга мўлжалланган ўз хусусий реклама кампанияларини ўтказадилар. Бироқ хорижда бундай тадбирлар бошқача ёндошувни; хусусан, менталитетлар фарқини хисобга олишни талаб қилади. Акс ҳолда у барбод бўлишига маҳкум, мисол учун, худди Европа материгида «I love NY» («Мен Нью-Йоркни севаман») реклама акцияси билан бўлган воқеа каби.

Кейинги вақтларда АҚШда туризмга зарур эътибор беришмаётгани учун федерал ва маҳаллий ҳокимиятлар шаънига тез-тез танқидий фикрлар айтилмоқда. Асосий айблов молиявий қуллаб-қувватлаш етарли эмаслигида ҳақида бўлаяпди. Туризмни рағбатлантиришга йўналтирилаётган маблағ ҳажми бўйича АҚШ Бермуд ороллари, Коста-Рика, Малайзия ва Тунисдан орқада. Бу айниқса АҚШнинг туризм асосий даромад манбаи бўлган қисмида жиддий ташвиш уйлатмоқда. Масалан АҚШга тегишли Вергин оролида туризм иқтисодиётининг истиқболли соҳаси ҳисобланади, аммо на маҳаллий, на федерал ҳокимият бу ерда туристик маркетинг тараққиёти ва ушбу туристик марказни бозорга олиб чиқиш бўйича зарур чорлар кўрмаяпти. Натижада, маҳаллий туроператорларнинг фикрича, орол америка туристи учун рақобат курашида қўшни Кариб ҳавзаси туристик марказларига ютқазмоқда.

Америка олимлари Г.Харрис ва К.М.Кацнинг таъкидлашларича, одатда туризм ўзи шундай бўлиши керак, оддий ҳол сифатида қабул қилинади, шунинг учун фаолият дастурида молиялаштириш йўқ, ёки унга етарли равишда жиддий қаралмайди. Мисол учун, юқори технологиялар индустриясини туризмни ривожлантиришда ҳамкорлигини таъминлаш федерал ҳукумат бурчига кириши лозим бўлган ҳолда иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларини қуллаб-қувватлаш қаторида туризм эътибордан четда қоляпди. Тармоқни ривожлантиришда бош муаммо мутахассисларнинг фикрича иқтисодий ўсишга эришиш учун юз минглаб майда корхоналар фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказлашган тартибга солиш механизмининг йўқлигидир. Энг аввало, бу мамлакатга хорижлик туристларни жалб этишга ёрдам берган бўларди.

Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. АҚШнинг географик ўрни ва табиий иқлим шароити ҳақида маълумот беринг.
2. АҚШнинг табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари ҳақида нималарни биласиз?
3. АҚШда туризмни тараққий эттириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?
4. АҚШнинг аҳолиси, унинг миллий хусусиятлари, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш жиҳатлари қандай?
5. АҚШ туризм тараққиётида транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқларининг ўрнини аниқланг.
6. АҚШда туристларни жойлаштириш воситаларининг асосий ҳусусиятлари, имкониятлари ҳамда афзалликлари нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?
7. АҚШда туристларни овқатлантириш тизими, ресторанлари ҳамда миллий таомлари ҳақида маълумот беринг.
8. АҚШнинг сайр-томошалар ва кўнгил ёзиш инфратузилмаси қандай ривожланган?
9. АҚШ туризмининг ҳалкаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва ролини айтинг.
10. АҚШнинг асосий туристик районлари ва марказлари ҳақида маълумот беринг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 14-сон, 213-модда. 2017.
2. “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 14-сон, 113-модда. 2006.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

1. «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2016 йил 2 декабр, ПФ-4861-сон.
2. «Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2016 йил 2 декабр, ПҚ-2666-сон.
3. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. “Тошкент шаҳрида халқаро классдаги 4 юлдузли меҳмонхона қурилиши самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2-март қарори.
2. “Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 346 сонли 8 августда қабул қилинган Фармойиши. // “Халқ сўзи” газетаси, 1998 йил 9 август.
3. «Туризм фаолиятини амалга ошириш ва лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 13 мартдаги 60-сонли қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузалари

1. «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 15.01.2017.

V. Мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг адабиётлари

1. Александрова Ю.А. «Международный туризм» Учебник. М: «Аспект пресс» 2010 г.
2. Алиева М.Т., Умаржонов А. Туристик мамлакатлар иқтисодиёти.-Т:. Молия 2005.
3. Вавилова Е.В. Основы международного туризма. Учебное пособие. М., ГАРДАРИКИ, 2005.
4. География туризма. Под ред. Ю.А.Александровой. М., 2008
5. Дворниченко В.В. История международного и национального туризма. М. Издательство МЭСИ, 2001.
6. Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма. М. Финансы и статистика, 2000.
7. Yvette Reisinger PhD. International tourism: Cultures and Behavior. 2009. Elsevier Ltd, UK and USA.
8. Robert J. Shepherd, Larry Yu. Heritage Management, Tourism, and Governance in China: Managing the Past to Serve the Present. 2013. Springer-Verlag New York.
9. Istvan Egresi (eds.). Alternative Tourism in Turkey: Role, Potential Development and Sustainability. 2016. Springer International Publishing

10. Sandeep Munjal, Sudhanshu Bhushan. The Indian Hospitality Industry: Dynamics and Future Trends. 2017. Apple Academic Press
11. Carolin Funck, Malcolm Cooper. Japanese Tourism. Spaces, Places and Structures. 2013. Berghahn Books.7. Камилова Ф.К. Халқаро туризм бозори// Т.: ТДИУ-2001.
12. Квартальнов В.А. Иностранный туризм. М.: «Финансы и статистика», 2003.
13. Косолапов А.Б. - Туристическое страноведение. Европа и Азия. Учебно-практическое пособие. Издание второе. М.: 2006.
14. Маматқулов Х.М. Германия туризми. Ўқув услубий қўлланма. СамИСИ. Самарқанд – 2014
15. Маматқулов Х.М. Туризм ва сервисга оид атамалар ва тушунчалар изоҳли луғати. СамИСИ, 2009.
16. Маматқулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва тушунчалар изоҳли лугати. Т.Иқтисод – Молия. 2010.
17. Маматқулов Х.М. Ҳиндистон туризми. Ўқув услубий қўлланма. СамИСИ. Самарқанд – 2011
18. Маматқулов Х.М., Абиев Ж.Н., Бердимуродов А.Ш. Туркия туризми. Ўқув услубий қўлланма. СамИСИ. Самарқанд – 2015
19. Маматқулов Х.М., Бектемиров А.Б., Тухлиев И.С., Норчаев А.Н. Халқаро туризм. Дарслик. Т. 2009.
20. Маматқулов Х.М., Бойназаров У.Э. Франция туризми. Ўқув услубий қўлланма. СамИСИ. Самарқанд – 2016
21. Маматқулов Х.М., Рахмонов Ш.Ш. Америка Қўшма Штатлари туризми. Ўқув услубий қўлланма. СамИСИ. Самарқанд – 2017
22. Маматқулов Х.М., Хусенова М.Т. Испания туризми. Ўқув услубий қўлланма. СамИСИ. Самарқанд – 2017
23. Маматқулов Х.М., Ҳайдаров О.З., Тошпўлатова Ш.Ш. Россия Федерацияси туризми. Ўқув услубий қўлланма. СамИСИ. Самарқанд – 2016
24. Сапожникова Е.Н. Страноведение: теория и методика туристского изучения стран. М. Академия, 2005.
25. Сенин В.С. Организация международного туризма. Учебник. М., Финансы и статистика, 2003.
26. Соколова М.В. История туризма. М.,ACADEMIA,2004.
27. Тошмуродов Т. Халқаро туризм. Дарслик. Тошкент. Турон-Иқбол, 2007.
28. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. Т.: “Фан ва технология”, 2014.
30. Шербакова Ш.А. Международный туризм: экономика и география. Учебное пособие. М., 2007.
31. Экономика и организация туризма: международный туризм. Под ред. И.А.Рябова

VI. Интернет сайтлари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали
2. www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти
3. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
4. www.uzbektourism.uz – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси расмий сайти
5. www.unwto.org – UNWTO rasmiy sayti
6. www.data.worldbank.org – The World Bank Group сайти
7. www.yatra.com - World Travel Guide

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
	Биринчи қисм. Халқаро туризмнинг ривожланиши	5
I Боб.	**Халқаро туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар**	5
1.1.	Географик омиллар	5
1.2.	Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва демографик омиллар	7
1.3.	Сайёҳлар хавфсизлиги	8
1.4.	Туристик инфратузилмалар	9
1.5.	Илмий –техника тараққиёти (янги технологиялар)	9
II Боб.	**Халқаро туризмнинг минтақалараро ривожланиш хусусиятлари**	11
2.1.	Илмий –техника тараққиёти (янги технологиялар)	11
2.2.	Халқаро туризмнинг минтақалараро ривожланиши	14
	Иккинчи қисм. Халқаро туризмда етакчи туристик мамлакатлар таърифи	24
I Боб.	**Франция туризми**	24
1.1.	Франциянинг табиий иқлим шароити ва туристик имкониятлари	24
1.2.	Табиий, тарихий, маданий туристик имкониятлари ва диққатга сазавор жойлари	25
1.3.	Аҳолиси, унинг миллий хусусиятлари, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш жиҳатлари	31
1.4.	Франциянинг туризм инфратузилма тармоқлари	31
1.5.	Халқаро туризм бозорида Франциянинг тутган ўрни ва роли	36
1.6.	Франция туризми соҳасининг ривожланиш босқичлари	38
1.7.	Франциянинг асосий туристик районлари ва марказлари	44
1.8.	Франция туризмида давлат сиёсати	49
II Боб.	**Испания туризми**	53
2.1.	Испаниянинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари	53
2.2.	Испаниянинг тарихий-маданий туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари	55
2.3.	Испаниянинг аҳолиси, йирик шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати	57
2.4.	Испаниянинг туризм инфратузилмаси тармоқлари	58
2.5.	Испания туризмининг халқаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва роли	64
2.6.	Испания туризми турлари ва уларнинг асосий марказлари. Курортларда дам олиш	65
2.7.	Испания туризмининг ривожланиш истиқболлари	71
III Боб.	**Италия туризми**	73
3.1.	Италиянинг табиий иқлим шароити ва сайёҳлик ресурслари	73
3.2.	Италиянинг табиий, тарихий, маданий сайёҳлик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари	76
3.3.	Италия аҳолиси, шаҳарлари ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари	82
3.4.	Италиянинг транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация	87

	тармоқлари	
3.5.	Халқаро туризм бозорида Италиянинг тутган ўрни ва роли	88
3.6.	Италия туризмининг асосий йўналишлари ва сайёҳлик марказлари	89
IV Боб.	**Буюк Британия туризми**	101
4.1.	Буюк Британиянинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари	101
4.2.	Буюк Британиянинг тарихий, маданий туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари	102
4.3.	Буюк Британия аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари	104
4.4.	Транспорт, алоқа воситалари ва коммуникация тармоқлари	106
4.5.	Буюк Британия туризмининг ҳалқаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва роли	107
4.6.	Буюк Британия туризмнинг тарихи	110
4.7.	Буюк Британия туризмининг асосий турлари ва марказлари	112
V Боб.	**Германия туризми**	127
5.1.	Германиянинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари	127
5.2.	Тарихий - маданий туристик ресурслар	128
5.3.	Аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиёти	132
5.4.	Германиянинг туризм инфратузилма тармоқлари	135
5.5.	Германиянинг халқаро туризмда тутган ўрни ва унинг ўзига хос жиҳатлари	140
5.6.	Германия туризмнинг асосий йўналишлари ва марказлари	144
5.7.	Германиянинг туристик маршрутлари	156
VI Боб.	**Россия Федерацияси туризми**	162
6.1.	Россия Федерациясининг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари	162
6.2.	Россия Федерациясининг табиий, тарихий, маданий ва рекреацион ресурслари	163
6.3.	Аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари	166
6.4.	Россия Федерациясининг туризм инфратузилма тармоқлари	167
6.5.	Россия Федерациясининг халқаро туризм бозорида тутган ўрни ва роли	173
6.6.	Россия Федерациясида туризмнинг ривожланиш босқичлари ва динамикаси	174
6.7.	Россия Федерацияси туризмининг асосий йўналишлари ва районлари	180
VII Боб.	**Хитой туризми**	184
7.1.	Хитойнинг табиий иқлим шароити ва туристик ресурслари	184
7.2.	Хитойнинг тарихий, маданий туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари	185
7.3.	Хитой аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари	188
7.4.	Хитойнинг туризм инфратузилмаси тармоқлари	190
7.5.	Хитой туризми: унинг ривожланиш динамикаси ва асосий	195

	йўналишлари	
7.6.	Хитой туризм географияси	199
VIII Боб.	**Туркия туризми**	205
8.1.	Туркиянинг географик ўрни, табиий иқлим шароити	205
8.2.	Туркиянинг туристик ресурслари	207
8.3.	Аҳолиси ва миллий байрамлари	212
8.4.	Туркия туризми, унинг асосий турлари ва тоифаланиши	213
8.5.	Туркия курорт меҳмонхоналарида туристларга анимацион хизматлар кўрсатиш	218
IX Боб.	**Ҳиндистон туризми**	223
9.1.	Ҳиндистоннинг табиий - иқлим шароити	223
9.2.	Ҳиндистоннинг табиий, тарихий ва маданий ресурслари	227
9.3.	Ҳиндистон аҳолиси	229
9.4.	Ҳиндистон туризми инфратузилма тармоқлари	232
9.5.	Ҳиндистон туризми: унинг асосий йўналишлари ва марказлари	237
X Боб.	**Япония туризми**	249
10.1.	Япониянинг табиий иқлим шароити	249
10.2.	Япониянинг туристик ресурслари ва диққатга сазовор жойлари	250
10.3.	Япония аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари	255
10.4.	Япониянинг туризм инфратузилма тармоқлари	257
10.5.	Япония туризми: унинг ривожланиш динамикаси	260
10.6.	Япония туризмининг асосий йўналишлари	266
XI Боб.	**Америка Қўшма Штатлари туризми**	274
11.1.	АҚШнинг географик жойлашиши ва табиий иқлим шароити	274
11.2.	АҚШнинг табиий, тарихий ва маданий ресурслари ва диққатга сазовор жойлари	275
11.3.	АҚШнинг аҳолиси, шаҳарлари ва иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари	278
11.4.	АҚШнинг туризм инфратузилма тармоқлари	279
11.5.	АҚШ туризмининг ҳалкаро сайёҳлик бозорида тутган ўрни ва роли	282
11.6.	АҚШ туризмининг ривожланиш хусусиятлари	284
11.7.	АҚШ туризмининг асосий турлари ва марказлари	288
11.8.	АҚШда туристик фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши	296
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	299
	Мундарижа	301